


Вилли Майнк

# Марко Полонинг

ажойиб ва  
гаройиб  
саргузаштлари

Қисса



«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШҚЕНТ — 1994

## А. Белов расмлари

Мирзиёд Мирзоидов ва Эркин Носиров таржимаси

**Майнк Вилли.**

Марко Полонинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари. (Қисса). М. Мирзоидов ва Э. Носиров тарж. Т., «Шарқ» НМК, 1994.— 416 б.

И(Нем)

«Марко Полонинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари» қиссасининг муаллифи Вилли Майнкни германиялик болалар яхши танийдилар, уни севадилар. Бу қисса XIII асрда венециялик Марко Полонинг афсонавий мамлакатларга қилган узоқ саёҳати тўғрисида ҳикоя қилади.

Саёҳатчиларни ҳар қадамда минг хил хавфхатар кутади. Хуллас, уларнинг ўтиб бўлмас Ҳимолай тоғидан қандай ўтганларини, карвондан ажралиб қолиб, уч кун жазирама иссиқда кимсасиз саҳрода адашиб юрган чидамли, довюррак Маркони қандай топганларини, Чаньчжоуда бўри башара бир одам нима сабабдан Маркони ўлдирмоқчи бўлганини ва Ашима номли қизни ўғирлаб кетганини, яна бир қанча қизиқ-қизиқ воқеаларни шу китобни ўқисангиз билиб оласиз.

© Китоб беағи. «Шарқ» НМК  
Бош таҳририяти, 1994.

## ОЛИС МАМЛАКАТГА САФАР

Улар сокин ва шавқсиз оқшом чоғи, шошилмай, бир-бир босиб боришар эди.

— Қаёққа жўнашимиз керак, ҳазрат Гуэльмо?

Монах жавоб бермади. У тўхтаб, сувга тикилди. Унинг ҳамроҳи, совуқдан жунжикиб, жигар ранг жуб-басига ўралиб олди. Уларнинг рўпарасида денгиз шовиллаб турарди.

— Қаёққа жўнаймиз дейсанми? — ҳазрат Гуэльмо қўли билан сув ва осмонни кўрсатди. — Шу ёққа. Бу ердан, мана шу тор кўрфаздан бошланади сафаримиз, лекин у қаерда тамом бўлади, буни ҳеч ким билмайди.

Монах Николо да Виченца:

— Ишқилиб, худо мушкуллимизни осон қилсин, — деб гўлдиради-да, ҳамроҳига бошдан-оёқ разм солиб чиқди. — Сен қариб қолдинг, ҳазрат Гуэльмо. Папа сендан ёшроқ биронта одамни танласа ҳам бўларди.

Ҳазрат Гуэльмо пинагини бузмай шундай деди:

— Плано Карпини<sup>1</sup> олтмиш бешга кирганида христианлар черкови бошлиғининг топшириғига биноан мўғуллар ҳузурига вакил бўлиб борган.

— Ахир қандай қийинчиликларга дуч келишингдан ўзингнинг ҳам хабаринг бор-ку. Карпини билан унинг шериклари тунаш учун кичкина бир майдончани қордан тозалашган, эртасига эрталаб эса, уйғонишиб ўринларидан туришолмаган, чунки тунни билан ёққан қор уларни босиб қолган.

<sup>1</sup> Жованни Плано Карпини (1182—1252) 1245—1247 йилларда папа Иннокентий IV нинг элчиси сифатида Лиондан Марказий Мўғилистонга, Гуяокхоннинг қароргоҳига сафар қилган эди. У Мўғилистонга Киев, Дон ва Каспий бўйи даштлари, Хоразм ва Етисув орқали борган. Бунга у ўн беш ой овора бўлган эди.

— Буларнинг ҳаммасидан хабарим бор, ҳазрат Николо. Қани юр, монастирға қайтамиз.

Чорлоқ мадори қуриб, сув устида тиккага кўтарилди. Денгиз билан уфқ бир-бирига туташиб кетган, юлдузлар кўринмас, шамол тун қўйнида танҳо кезиб юрган монахларнинг қўнғир капюшонларини тортқилар эди.

\* \* \*

Худди шу пайтда Марко Поло ҳеч кимга билдирмай уйидан чиқди. Пьяцеттага<sup>1</sup> етганда фонарь ва машъалалар ёруғида башанг кийинган одамларни кўрди. Уларнинг вағир-вуғурини эшитиб, кўнгли бир оз жойига тушди. Сан Жоржода чироқлар милтилларди. Мана унинг кўзи соҳилдаги туб тўнгатка маҳкам боғлаб қўйилган кемага тушди. Бу матрос палубага чиқди-да, сўкина-сўкина елканларни тузата бошлади. Марко унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турди.

Йигитча аллақачон дўстлари муранолик Жованни ва санмикелелик Жанина билан хайр-хўшлашган, энди бўлса ёшлигидаги энг ширин ва ташвишли хотиралари билан хайрлашмоқда эди. У ҳадемай Венецияни тарк этади. Қайиқлар чайқалиб турган фонарларнинг хира ёруғида кўрфаздан сузиб ўтарди. Зимзиё тун қўйнида гоҳ-гоҳ бақирган-чақирган овозлар эшитилиб қоларди. Қоровул тахлаб қўйилган тахта ёнига жойлашиб олган бир гадойни бўралаб сўкиб, ҳайдаб юборди.

Марко энди уйига қайтмоқчи бўлиб турганда палубада иккита одам пайдо бўлди. Улардан бири — чорпахилдан келгани кема капитани эди. Марко уни кўксига тушиб турган соқолидан таниди. Лекин капитанга шивирлаб гап маъқуллаётган ёнидаги одам ким бўлди экан? Марко кемага яқинлашди-да, тўнгатка орқасига яшириниб олиб, палубада бўлаётган ишларга кўзларини катта очиб қараб турди. Капитан шу заҳоти палубадаги матросни жўнатиб юборди. Кенг яғринли, зуваласи пишиқ бу одам ким бўлди? Марко унинг башарасини кўрмади, лекин бўйига, салобат билан шошилмай юришига қараб... Ҳа, Марко нотаиниш одамни яхшилаб кўздан кечириб чиқмасданоқ

<sup>1</sup> Пьяцетта — Дожлар саройи жойлашган майдон.





униг капитан Матео эканини билиб қолди. Лекин қора барканинг эгаси Матео бу ерга нима мақсадда келди экан? Ахир Марко эртага эрталаб отаси, амаси ва иккита монах билан ана шу кемада Арманио тонга жўнаши керак-ку. Капитан ҳалиги матросни нега дарров кетказиб юборди? Нима сабабдан улар гуё биров эшитиб қолишидан қўрққандек шивирлаб гаплашишди? Бу саволларга Марко жавоб тополмади. Матео капитанни контрабанда билан шугуллашишга кўндирмоқчи бўлган бўлса-я?

Капитан билан Матео палубадан юриб, Марко орқасида бекиниб ётган тўнғак олдига келиб қолишди. Лекин улар ҳали ҳам жуда секин гаплашаётганларидан Марко ҳеч нарсани эшитмади. Лекин Марко уларнинг хатти-ҳаракатларидан гапни бир жойга қўйганларини фаҳмлади. Кейин униг қулоғига Матеонинг овозини баралла қўйиб капитан билан хайрлашгани эшитилди:

— Арвидерчо<sup>1</sup>, Антонио, эртага хайр!

Шундан кейин девдек бу барваста одам нарвончадан қирғоққа чаққон сакраб тушди. Марко тарадудга тушиб, унга эргашди. Матео делл Палье кўприги ёнида турган қайиғи томон кетаётганини кўргач, Марко қадамини тезлатди-да, қичқирди:

— Буона сера<sup>2</sup>, капитан Матео!

Капитан ҳанг-манг бўлиб тўхтади.

— Сенмисан, Марко?— деб сўради дўриллаб.— Бундай бемахалда пристанда нима қилиб сандирақлаб юрибсан?— У қўлини йигитчанинг елкасига қўйди-да, меҳрибонлик билан шундай деди:— Дарвоқе, аҳволингга тушунаман. Сафар олдидан ўзимнинг ҳам кўнглимга гўлгула тушиб қолган бўларди! Менинг қайиғимга ўтира қол, уйингга олиб бориб қўяман. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб, юракнинг чигилини ёзамиз.

Марконинг кўнглидаги шубҳа бирпасда тарқаб кетди. У капитан Матеодан бир вақт кўмак сўраганини, ўшанда Матео унга бажону дил ёрдам қўлини чўзганини эслади.

— Қани бўл ўтир,— деб Матео уни шоширди.— Бугун ҳали анча-мунча қиладиган ишим бор.

Марко бир сакраб қайиққа тушиб олди. Капитан Матео қайиқни қирғоқдан жилдирди. Қайиқ Сан

<sup>1</sup> Хайр (итал.).

<sup>2</sup> Нечки салом (итал.).

Марко каналидан шитоб билан сузиб кетди. Йигитча яна беихтиёр тунги Венецияни завқ-шавқ билан томоша қила бошлади. У кейинчалик кўз ўнгиди шу манзара тез-тез намоён бўлишини фаҳмлади.

Капитан Матео эшкакни туширди. Оқим қайиқни Пьяцетта соҳили бўйлаб аста суриб кетди. Пьяцеттада ҳамон ясан-тўсан одамлар ғужғон ўйнар эди, лекин шу пайт катта бир кема буларнинг ҳаммасини тўсиб қўйди. Шу пайт юракни эзувчи, мунгли қўшиқ эшитилди. Қўшиқни Сан Марко каналига лангар ташлаган қизил галерадаги<sup>1</sup> каторгачилар айтишаётган эди.

Капитан Матео эшкакни яна қўлига олди. Санта Мария дели Салюта черкови ёнидан Гранде каналига бурилишти. Каналда турли томонга йўл олаётган қайиқлар шу қадар кўп эдики, улар билан тўқнашмай ёнларидан ўтиб кетиш амри маҳол эди.

Дабдурустдан Марко шундай деди:

— Сиз бизнинг кемамизда бўлдингиз. Капитан Антонио билан бирга турганингизни кўрдим.

Матео йигитчага ажабланиб қараб қўйди. Шунда улар оз бўлмаса сувдан чиқиб турган қозик оёққа урилиб кетай дедилар.

Капитан Матео овози титраб:

— Гапларимизни эшитдингми?— деб сўради Маркодан.

Марко ғурур билан шундай деди:

— Мен пристанга гап пойлагани келганим йўқ. Фақат кемани яна бир марта кўргим келди. Уйда ўзимни қўйгани жой тополмадим.

— Кемани яна бир марта кўргинг келдими?— деб Матео кулиб юборди.— Нима, уни кечаси ўғирлаб кетишади деб хавотир олдингми?— Кейин у жиддий қиёфага кириб, қатъиян сўради:— Шундай қилиб, нима тўғрисида гаплашганимизни эшитмадингми?

— Эшитганим йўқ. Фақат: «Эртагача хайр» деганингиз қулоғимга чалинди. Менга айтинг, Матео, бунинг маъноси нима?

Улар барка ва қайиқлар ғиж-ғиж бўлган Гранде каналидан ён томондаги кичкина каналга ўтишти. Бу канал кимсасиз ва тинч эди. На биронта қайиқ кўринар, на инсон товуши эшитиларди. Унгу сўлда тош

---

<sup>1</sup> Кўп эшакли кема, унда ҳукм қилинганлар эшакчилик қилади.



деворлар сўррайиб турарди. Канал устига ёғоч кўприк қурилганди, кўприкнинг ўртасидаги ёғочга фонарь осилган эди. Фонарь шундай хира ёнар эдики, ҳатто сув бетида шуъланинг акси ҳам кўринмас эди.

— Капитан Антонио менинг эски ошнам,— деди Матео.— Биз икковимиз «Санта Мария»да матрослик қилганмиз. Франция, Испания, Африка соҳилларига бирга борганмиз...— Капитан Матео баногоҳ олдига энгашди-да, зарда билан қўшимча қилди:— Нега энди буни сенга гапириб беряпман? Нима, мен ўғри ёки қотилманми? Мен озод одамман, хоҳлаган кемамнинг палубасига чиқишим мумкин!

Марко шоша-пиша унга тасалли берди:

— Сиз тўғрингизда ҳеч қандай ёмон ўйга борганим йўқ, Матео.

Матео дарҳол хотиржам бўлди. Марко унинг лабларида жилва қилган истеҳзоли табассум ўша заҳотиёқ йўқолганини, фақат у чуқур ўрнашган кўзларида сақланиб қолганини пайқади.

— Қўлингни бер, ўғлим,— деди капитан Матео.— Қим билсин, яна қачон дийдор кўришаркинмиз. Буни ҳеч ким башорат қилиб айтолмайди. Балки беш кундан кейин, балки беш йилдан кейин дийдор кўришаркинмиз, балки ҳеч қачон кўришолмасмиз. Сени ҳеч қачон мувофиқ шамолдан бенасиб қилмасин, кекса денгизчининг истаги шу. Бу, агар билсанг, минг дукатдан қимматроқ.

Марконинг қўли Матеонинг забардаст панжасида кўринмай кетди. Лекин йигитча унинг қўл сиқишига бардош берди, башараси буришмади ҳам.

— Хайр, капитан Матео!— деди у қўнғироқдек овози билан.— Биз беш кундан кейин дийдор кўришамиз.

Марко кулиб қирғоққа сакраб тушди-да, ҳанг-манг бўлиб қолган капитан ўтирган қайиқни оёғи билан туртиб юборди.

Унинг қудратли кулгиси каналда акс садо бериб янгради.

\* \* \*

Эрталаб совуқ шамол эсиб турар эди. Қема елканларини кўтариб Сан Николо қалъаси томон йўл олди. Папа<sup>1</sup> вакилларини кузатган сенаторлар ва монастир

<sup>1</sup> Папа — Рим-католик черковининг бошлиғи.

нозири Дожлар саройига етай деб қолишган эди. Фақат Жованни билан Жанинагина соҳилда туришарди. Сочлари шамолда тўзғиб кетган Марко Поло эса палубада, уларнинг қоралари кўринмай қолгунча қўл силкитиб турди. Кейин у шитоб билан кўрфаздан чиқаётган кеманинг тумшугига ўтди.

Маркони ғалати бир шод-хуррамлик ҳисси чулғаб олди. У ўзини осмону фалакда мағрур парвоз қилиб юрган эркин бургутдек ҳис қилди.

Тўлқинлар кема бортига урилиб, парчаланар эди. Торгина Лидо<sup>1</sup> кўрфази орқада кўринмай қолди, энди уларни ҳар томондан жимирлаб турган бўз ранг сув ўраб олди.

Маффео Поло жиянининг ёнига келиб турди. Унинг чеҳрасида ҳам шодлик ифодалари барқ урарди. Кема елканларини кўтарган ҳолда гаванни тарк этиб, очиқ денгизга чиққанида ҳар сафар одамнинг кўнгли шу хилда қувончга тўлади.

Маффео Марко томонга энгашиб шундай деди:

— Мана сафаримиз ҳам бошланди!

— Қандай яхши-а, Маффео амаки.

Ҳазрат Гуэльмо ҳам палубада турарди, лекин у орқага, ҳозиргина Сан Николо монастирнинг қалин деворлари кўриниб турган томонга тикиларди. Гўё монастир Лидо билан бирга денгизга ғарб бўлганга ўхшарди.

Ҳазрат Николо каютада ўтирарди, папа улуғ хонга юбораётган инъомлар: чиройли биллур вазалар, қимматбаҳо кийим-бошлар, монахлар кўчириб ёзган диний китоблар шу ерда эди. Совға-салом шу қадар сероб эдики, каютага бир-бирининг устига ўрнатилган бир нечта койка, кичкина столча билан иккита курси зўрға сиққан эди. Оқ-қорани таниган, донишманд бу монах худонинг содиқ бандаси эди. Лекин ҳазрат Николо папа Григорий X нинг ғоятда шарафли топширигини адо этаётганига қарамай, бу йўл азобларидан кўра монастирдаги тинч ва осойишта ҳаётини афзал кўрарди.

Ҳазрат Николонинг назарида силкиниш тобора кучайиб бораётгандек бўлди. У курсиларнинг орасига кириб, иккала қўли билан каютага кираверишдаги

<sup>1</sup> Лидо — бир тўп орол ва Венецияга кираверишдаги гавань.

тутқични маҳкам ушлаб олди, лекин шу пайт кема бир томонга қаттиқ оғиб кетди-ю, ҳазрат Николо койка устига ағдарилиб тушди.

Монах қулайроқ ўрнашиб олгач, енгил тин олди. У ҳаддан ташқари семиз эди, дўппайиб турган катта-кон қорни каютанинг шифтига тегай-тегай дер эди. Шу ваздан унинг у ёнидан-бу ёнига ағдарилиши ўлимдан қийин эди. Ҳазрат Николо каютанинг дам кўтарилиб-дам тушаётган деворларига қараб, денгизнинг бўғиқ шовиллашига қулоқ соларкан, монастырда ўтган беташвиш ва бежавотир кунларини ўқинч билан эслади. Сўнгги кунлардаги чоп-чоп унинг тинка-мадорини қуритган эди. Ҳадемай у ухлаб қолди-ю, бу сарсонгарчиликларни унутди.

\* \* \*

Бу орада Марко Поло кеманинг ипидан-игнасига-ча танишиб чиқди, матрослар билан суҳбатлашиб, кемада хизмат қиладиган одамлар тўғрисида баъзи нарсаларни билиб олди: у капитан Антонио капитан кўприкчасида камдан-кам бўлишини, бутун ишни дарға билан тажрибали одамларига ташлаб қўйганини кўриб жуда ҳайрон бўлди. Боцман Маркога, капитан Антонио бир-икки стакан отиб олишни яхши кўради, унинг каютасида истаганингча вино топилади, деди. Лекин кемадагилардан битта-яримтанинг бир қултум бўлса-да ичганини билиб қолса, капитаннинг фиғони фалакка чиқарди. У бир неча бор лоцмандан ошпазгача ҳаммани палубага қатор турғизиб қўйиб, барчанинг оғзини ҳидлаб чиққанди. Капитан тумшуғини одамларнинг башарасига яқин олиб келганда, улар беихтиёр бир қадам орқага тисарилиб кетардилар, чунки бундай текширишдан олдин капитан ўзининг тинчгина каятасида тўйиб ичиб оларди.

Лекин Антонио моҳир денгизчи бўлганидан матрослар унинг бу қилигидан хафа бўлишмасди, ундан кулиб қўя қолишарди. Бир кун Бискай кўрфазида бўлган даҳшатли довулдан кейин капитан Антонио кемада хизмат қилувчи одамларни биттама-битта каютасига чақириб, бир стакандан вино қуйиб берди, лекин ўзи ҳам уларнинг ҳар қайсиси билан уриштириб ичди.

Марко Поло бир қанча кулгили ёки қайғули воқеаларни секин-аста билиб олди. Палубада туриб

рангини муттасил ўзгартираётган денгизга тикилиш, камалакдек товланаётган тўлқинни томоша қилиш, юзингни сарин шамолга тутиб, чорлоқларнинг ўқдек учишини кузатиш қандай яхши!

Лекин денгизда баъзан зерикарли кунлар ҳам бўларди, айниқса ҳаво булут бўлиб, шамол эсмайдиган пайтларда, кема бирпасда бутун нафосатини йўқотган кимсасиз денгизда имиллаб сузиб кетаётганда одамнинг жуда юраги сиқиларди. Шундай вақтда қадрдон ерга оёқ қўйинг, дарахтларни, далаларни, ям-яшил ўтлоқдан кетаётган одамларни жон-дилигдан кўринг келарди.

— Буни зерикиш дейдилар, денгизда одам шунақанги зерикадики, бу денгиз касалига ўхшаган нарса,— деб тушутирди боцман Маркога.— Қуёш чиқса ёки довул турса бу кайфият йўқолади-қолади,— деди кичкина кўзлари маъноли боқувчи боцман шамолдан қорайган юзига сирли тус бериб.— Денгизда энг яхши нарса, бу — довул. Довул тургандагина одам ўзини ҳақиқий инсон ҳис қилади.

Бироқ Марко ҳамма нарсага қизиқиб қараганидан зерикиш нималигини билмасди. Улар уч кундан бери сузишарди-ю, лекин у капитаннинг каютасига кўз қирини ташлашга ҳам мушарраф бўлмаган эди. Капитан Антонио палубага чиққанида ҳамма вақт эшигини қулфлаб қўярди. Марко эса шу заҳоти лип этиб пастга тушарди-да, калит солинадиган тешикка қулоғини тутарди. Лекин капитаннинг каютасидан тик этган товуш эшитилмасди.

Наҳотки у янглишган бўлса? Бунга ишонгиси келмасди. Калит солинадиган тешик устидаги қопқоқнинг доимо тушириб қўйилиши Марконинг шубҳасини оширарди. Капитаннинг каютасида қандайдир сир бор эди. Буни капитандан бошқа фақат Марко биларди. Сафарларининг бешинчи кун кемада кутилмаган бир ҳодиса юз беришини унинг кўнгли сезиб турарди.

\* \* \*

Монахлар қарийб бутун вақтларини тор каютада ўтказишарди. Марко тез-тез улардан хабар олиб турар эди. Сермулозимат ва йиғлоқи товушли ҳазрат Николо да Виченца унга ёқмасди. Лекин у ҳазрат Гуэльмо билан бажону дил суҳбатлашарди. Николо да

Виченца ҳарсиллаб палубага кўтарилганда, Марко пастга тушиб, монахлар каютасининг эшигини тақиллатди-да, салом ўрнига:

— Исо пайғамбар мадакдор бўлсин,— деди.

— Айтганинг келсин, омин. Утир, бўтам.

Ҳазрат Гуэльмо унга курсини сурди.

— Сўраганим учун айбга буюрмайсиз, ҳазрат Гуэльмо, қандай китоб ўқияпсиз?— деб сўради Марко Поло стол устида ётган китобнинг ҳуснихат билан ёзилган сатрларига кўз ташлаб. Тўғри ҳарфлар сарғиш қоғозга текис ёзилган эди.

— Бу ҳазрат Жованни Плано Карпинининг<sup>1</sup> хотиралари, у 1245 йилда папанинг элчиси сифатида мўғуллар юртига борган эди. Мен унинг ахборотидан баъзи жойларини кўчириб олдим. Мана улар. Қирғоққа тушишдан олдин бу қўлёмани ташлаб юбораман,— деди ҳазрат Гуэльмо ва уҳ тортди.

— Наҳотки у даҳшатли нарсани ёзган бўлса?— деб сўради Марко ажабланиб.

— Мўғуллар бераҳм ва такаббур халқ. Сермашаққат йўл босиб Гуюкхон саройига келган папа элчиси ўзини қабул қилишларини узоқ вақт кутиб қолади. Боз устига хон унга жуда совуқ муомала қилади...

Марко азбаройи қизиқиб қолганидан:

— Бу тўғрида ҳазрат Плано Карпинининг нималар ёзганини ўқисам майлими?— деб сўради.

— Майли, овозингни чиқариб ўқи, мен ҳам яна бир карра эштай. Мана бу ердан ўқи, хон монахларни қандай қабул қилгани худди шу ерда ёзилган.

Ҳазрат Гуэльмо йигитчага қўлёмани узатди.

— «Янги хон эълон қилинган, бизларга унинг ҳузурда бўлишни буюрдилар,— деб Марко ўқий бошлади.— Хоннинг Гиндай исмли маслаҳатчиси бизларнинг номларимизни чет эллик бошқа меҳмонларнинг номлари ёнига ёзиб қўйди. Кейин хон ва унинг князлари ким кираётганидан хабардор бўлишлари учун кирадиган одамнинг исми шарифини бақариб айтиб чақира бошлади. Бизга дуч келган ҳар бир сарой хизматчиси чап оёғининг тиззасини тўрт марта букиб саломлашарди, лекин бизни тинтиб, ёнимизда пичоқ

<sup>1</sup> Бу ерда Плано Карпинининг сафардан қайтгандан кейин ёзган «Мўғуллар тарихи» китоби хусусида гап борапти. Марко Поло яшаган даврда Европадагилар матбаа дастгоҳини билишмас, шунинг учун ҳам китоблар қўлда кўчирилган эди.

ёки ханжар йўқлигига қаноат ҳосил қилганларидан кейингина хон чодирига киришга ижозат этишларини олдиндан маълум қилиб қўйишди. Бизларни тинтиб чиқишгач, чодирнинг шарқ томондаги эшигидан ичкарига олиб киришди, чунки ғарб томондаги эшикдан хондан бошқа ҳеч ким киролмас экан... Шу тахлит биз ҳукмдорнинг дийдорини илк бор кўришга мушарраф бўлдик. Барча меҳмонларни ва чет эл вакиллари у каттакон чодирда қабул қилади, унинг ўтовига камдан-кам одам кира олади.

Қабул вақтида хонга қимматбаҳо совғалар ҳадя қилдилар. Атласу кимхоб, шоҳи чойшаблару зардўзи ипак белбоғлар, момиқ тивитлар шу қадар кўп эдики, буларга қараб туриб кўзларимиз қамашиб кетди. Хонга дуру гавҳарлар қадаб тикилган чодир ҳам туҳфа қилишди, бу хил чодирларни хизматкорлар ҳукмдорни қуёш нуридан сақлаш учун унинг боши узра кўтариб юрадилар. Ноибларидан бири унга устига ҳал билан тикилган ёпиқ ташланган қирқтами-элликта ажойиб туя инъом этди. Туялардан ташқари сонсаноксиз от ва хачирлар ҳам келтирди. Уларга қимматбаҳо эгар-жабдуқлар урилган эди.

Хонга совға топширасизми, деб биздан ҳам сўрашди, лекин биз бу вақтга келиб, олиб келган совғаларимизнинг қарийб ҳаммасини улашиб бўлган эдик.

Ҳарбий қароргоҳдан бирмунча нарида тепалик устида беш юзтадан ортиқ олтин, кумуш ва шоҳона либослар ортилган арава турарди. Шунча бойликни ўша ернинг ўзида хон билан унинг мулозимлари тақсимлаб олдилар, князлар эса ўз улушларини навкарлар билан бўлашдилар, албатта тенг бўлганлари йўқ, қанча хоҳлашса шунча беришди».

Буни ўқиётганида Марко ўзининг торгина каютада эканлигини унутиб қўйди. Унинг кўзи олдида афсонавий мамлакатлар намоён бўлди, ҳар хил бойликларга тўла бу мамлакатларни кўриш истаги унинг хаёлини баттар чулғаб олди.

Ҳазрат Гуэльмонинг тўнғиллагани унинг хаёлини қочирди.

— Бас қил, ортиқ ўқима, бўтам, бу гуноҳкор ҳаёт сени ўзига қанчалик жалб қилаётганини кўриб турибман.

Марко китобни стол устига қўйди.

— Ҳа, ҳазрат Гуэльмо,— деди у.— Саёҳатга чиққанзимздан жуда хурсандман. Отам менга буюк Ху-

Билайхоннинг<sup>1</sup> саройи ҳақида жуда кўп ҳикоя қилган. Энди у ерда аҳвол бутунлай ўзгариб кетган, мўғуллар ҳозирги вақтда кўчиб юрмай, узоқ Катайда<sup>2</sup> ҳашаматли саройларда туришади. Қани энди қанотим бўлса-ю, ўша ёққа учсам.

— Ҳали ёшсан, бўтам. Худо ёр бўлсин сенга... Энди бор, мен бир оз дам олай.

Марко коридорга чиққанида капитан Антонио палубага кўтарилаётган эди. Марко пусибгина капитаннинг каютаси олдига борди-да, қулогини эшикка қўйиб, тинглай бошлади. Қулогига бировнинг гурс-гурс юргани ва оҳиста йўталгани эшитилди.

Марко кўнгли жойига тушиб, эшикни мушти билан гурсиллатиб урди. Шу заҳоти каюта ичи жимжит бўлиб қолди.

\* \* \*

Шамол йўналишини ўзгартирди-ю, жон-жаҳди билан елканларга урила бошлади. Қуёш тандирдек қиздирар, зангори осмонда парча-пурча парқу булутлар сузиб юрар эди. Италия соҳили узоқда қолиб кетди. Кема шу аснода Эгей денгизида сузиб борар эди. Йўловчилар палубага ўрнашиб ўтириб олган, ҳамманинг вақти чоғ эди, ҳатто ҳазрат Гуэльмонинг ҳам ташвиши йўқолиб, чиройи очилиб кетган эди.

Марко фок-мачта тагидан жой олган отаси билан амакисининг ёнига келиб ўтирди. Улар беш кундан бери йўл юрмоқда эдилар, шу важдан йигитча ҳадемай ажиб бир воқеа юз беришини зўр қизиқиш билан кутар эди. У отаси билан амакисини аңа шу воқеага тайёрлаш учун уларнинг қўйнига қўл солиб кўрди:

— Матеонинг биз билан келмагани чакки бўлди-да.— Лекин ҳеч ким жавоб бермагач, Марко амакисидан:— Тўғрими, амаки?— деб сўради.

---

<sup>1</sup> Хубилайхон (1216—1294)— Чингизхоннинг набираси бўлиб, Чингиз хонадонининг «туб юрти» Мўғилистон ва унга туташ бўлган Бойқол бўйи, Бойқол орти ва Хитойни идора қилган. 1259 йилдан бошлаб буюк хон унвони билан аталиб, расман Тинч океандан Евфрат ва Днестргача чўзилган мўғул улусларининг ҳукмдори саналган.

<sup>2</sup> Марко Поло ва унинг замондошлари шимолий Хитойни — Катай, Жанубий Хитойни эса Манзи ёки Манги мамлакати деб аташган.

Денгизга диққат билан тикилиб ўтирган Маффео Поло, паришонхотир бош ирғаб қўйди.

Николо эса ўғлига синчиклаб разм солди.

— Бу гап қаёқдан каллангга кела қолди?

— Бундай сафарда ёнимизда ишончли одам бўлса, яхши бўлармикин девдим-да.

— Ақли жойида, ўйлаган нарсасини қара, худди кекса ва кўпни кўрган карвонбошига ўхшайди-я!..— деди Маффео жилмайиб.

— Ҳа, унинг гапи тўғри,— деб Николо Поло унинг гапини тасдиқлади.

Маффео ҳам тадбиркорлиги учун жиянни мақтади, шундан кейин ака-ука Пололар ҳазиллашиб, Марконинг фазилатлари тўғрисида баҳслаша бошладилар. Шунда Марко ногаҳон ўзини ёши катта одам ҳис қилди. Буни қаранг-а, у чакана одам эмас! Шу вақт палубага чиққан капитан Антонио уни имлаб чақирди. Марко ўрнидан турди-да, отаси билан амакисига:

— Кечирасизлар, мени капитан чақиряпти,— деди ва капитан Антонионинг олдига кетди.

Капитан йигитчани пастга олиб тушар экан, унга:

— Каютага кириб, ҳанг-манг бўлиб қоласиз,— деди.

Марко чурқ этмай унга эргашиб кетаверди.

— Негадир у фақат сиз билан гаплашмоқчи,— деди Антонио.

Марко эшикни шартта очди-ю, каюта ўртасида турган Матеони кўрди.

— Бон жорно<sup>1</sup>, капитан Матео,— деди Марко.— «Баъзан шундай бўладики, беш кунда дийдор кўришасан, баъзида беш йилдан кейин, баъзан эса кўришиш мутлақо насиб бўлмайди».

Матео йигитнинг елкасидан ушлаб силкитди:

— Антонио, манави тирмизакнинг гапини қара! Сўзларимни яхшилаб қулоғига қуйиб олибди-я.

Матео Марконинг олдидан нари кетди ва курсига бориб ўтирди.

— Бу ёғи қандай бўлди энди, Марко?— деб сўради у.

Марко эса бу паҳлавоннинг дўстона сўрашганидан ҳали ўзига келмаган эди, каюта унинг кўзи олдида қаттиқ довул вақтидагидек чайқаларди.

Капитан Антонио дўсти Матеога шундай деди:

<sup>1</sup> Салом (итал.).



— Ана муродингга етдинг. Энди биз унинг қарши-сида худди гуноҳ қилиб қўйган ўқувчидек бўйнимиз-ни ҳам қилиб турибмиз.

— Э қўйсангчи, Антонио!— деб Матео ўрнидан турди.

Антонио зардаси қайнаб:

— Сендан нима кетди, оғзингга келганини гапира-верасан-да. Биласанми, ҳозир сени ўз қўлим билан сувга отиб юборгим келяпти!— деди ва жаҳлига чи-долмай соқолини юлқилади.

Матео унинг важоҳатини кўриб шундай хахолаб кулдики, Антонио ҳам ўзини тутиб туролмай кулиб юборди.

Марко бу орада каютани кўздан кечирди. Каюта ичи шинам эди, унга кечаси ётса бўладиган кенг ска-мейка, оёқлари нақшинкор стол, тўртта табуретка, каттакон чироқ ва шкаф қўйилганди.

Деворларига эса гиламлар қоқилганди, чап томон-даги кичкина эшикдан қазноққа кириларди.

— Энди бу жумбоқни ечиш керак,— деди Матео.— Дўстимни жуда ташвишга солиб қўйдим, қара.

Капитан Антонио бир шиша вино ва учта стакан олиб келди-да, ҳаммага қўйди. Марко боцманнинг гапини эслади-ю, капитан кўрсатаётган иззат-ҳурмат-дан гоятда хурсанд бўлди.

Улар ичиб юборишди. Ўткир қизил вино дарров кайф қилди. Капитан яна бир стакандан қўймоқчи бўлган эди, Матео уни тўхтатди.

— Ҳаммани ўзингга ўхшатма, винога ҳуши йўқлар ҳам топилади,— деди у ва Маркога юзланиб жиддий гап бошлади:— Гапларимга қулоқ сол, Марко!— Ма-тео шундай деди-да, бир нуқтага ўйчан тикилиб қол-ди. Гапириш унга оғир эканлиги кўриниб турарди, ниҳоят у тилга кирди, гаплари худди васиятдек эши-тилди:— Сизларнинг бу олис сафарга жўнамоқчи бўл-ганингизни эшитдим-у, оромимни йўқотдим. Юрагим-га гўлгула тушиб, Венециядан бирдан кўнглим қолди. Ҳамма нарса кўзимга балодек кўринди денг, канал-лардаги сувлар мағзавадек бадбўй, кўрфазимиз иф-лос ботқоққа ўхшайди, кечалари бўлса... тушимга фақат денгиз киради.

У жим бўлиб қолди. Ҳеч ким уни қистамади.

— Биласанми, Марко, хотинларимизга ва онала-римизга жабр бўлади. Қора баркамни сотганимда онам менга: «Энди жўнаб кетар экансан-да, Матео!»—

деди. Очигини айтсам, мен бу тўғрида ҳатто оғзимни ҳам очмаган эдим. Лекин ҳамма гапни у мендан олдинроқ сезган экан.

Матео столга тирсагини тираб, яна бир нуқтага тикилиб қолди. Шишадаги вино кема силкинишига монанд чайқаларди.

— Мени яширинча олиб кет деб, Антониони кўндирдим. Чунки, отанг илтимосимни эшитиб: «Йўқ, Матео, сизнинг хизматингизга муҳтож эмасмиз» дейдими, деб қўрқдим, мана энди бўлса, бу ерда катакда ўтиргандек ўтирибман ва гапириб лозим бўлмаган гапларни гапиряпман.

— Мен мушкулингизни осон қиламан, капитан Матео,— деди Марко.— Сиз биз билан бирга кетасиз! Бундан шундай хурсандманки, асти қўяверинг! Сабр қилинг, ҳозир бориб отам билан гаплашаман!

Марко палубага чиқиб, отаси билан амакисининг ёнига борди-да, арқон ўрамига ўтирди.

— Капитан Антонио билан нимани сирлашдинг?— деб сўради Маффео Поло қизиқиб.

— Ота, сизда гапим бор.

— Қанақа гап?

— Суҳбатларингизда қатнашсам бўладими?— деб сўради Маффео Поло.

— Албатта бўлади.

Шундан кейин Марко капитан Антонионинг каюта-сида бўлган гапларни гапирди ва зўр бериб Матеонинг талабини бажо келтиришларини сўрай бошлади.

Николо билан Маффео Поло Матеонинг кимлигини билишар, унинг контрабанда ишлардаги эпчиллиги ва довюрраклигини эшитган эдилар. Бутун Венеция шу ҳақда гапирарди. Отаси билан амакиси кўз уриштириб олишди. Марко юраги пўкиллаб, уларга разм солиб турди.

Маффео Поло:

— Начора, қани капитан Матеонинг бориб кўрайлик-чи,— деб ўрнидан турди.— Хўш, сен нима дейсан, Николо, агар капитан бизга маъқул бўлса, ҳамроҳ қилиб оламизми?

— Олдин бориб кўрайлик, Маффео.

— У сизга албатта маъқул бўлади, амаки,— деди Марко ҳаяжон билан.— У ҳам худди сизларга ўхшайди.

— Шунақа дегин? Ундай бўлса, ҳеч қандай гапга ўрин йўқ...

Кема қирғоққа яқинлашди. Узоқда тоғлар қора-йиб кўрина бошлади. Тўлқин тик қояларга шовиллаб уриларди. Лекин Марко ҳатто бортга яқинлашмади ҳам, сабрсизлик билан отаси ва амакисининг қайти-шини кутиб турди. Уларнинг анча вақтгача даракла-ри бўлмади. Ер яна кўздан ғойиб бўлди, денгизу ос-мондан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди.

Алоҳа ака-укалар капитан Антонио ҳамроҳлигида қайтиб келишди.

— Нима бўлди, ота?— деб сўради Марко.— Нега капитан Матеони бирга олиб келмадингиз?

— Бу осон иш эмас,— деди унга Маффео,— ўз их-тиёри билан қамалиб ётиб, ранг-рўйи шундай ўзгариб кетибдики, уни кўрсалар мўмин-маъқул монахлари-мизнинг юраклари ёрилиб кетиши мумкин. Эртага капитан Антонио уни ҳамма билан таништиради.

— Демак у биз билан бирга кетади!— деди Мар-ко шавқ-завқ билан.

Николо Поло шундай дегандек бош ирғаб қўйди.

— Назаримда у асл одамга ўхшайди,— деди Маф-фео.

Капитан Антонио ўнгу сўлига буйруқлар бериб, палубадан тез-тез юриб кетди. Матрослар зир югуриб қолишди. Шамол кўнгилдагидек эсмоқда эди.

Орадан бир неча кун ўтди. Энди денгиз кимсасиз эмасди, гоҳ-гоҳ елканли кемалар ва эшкакли галера-лар кўриниб қоларди. Олисдан денгиз сатҳи сон-са-ноқсиз яшил ва гунафша ранг зарралардан тўқилган-га ўхшарди.

Румпелга туришга ижозат этганларида Матеонинг боши осмонга етди.

Марко унинг ёнидан бир қадам ҳам жилмасди. Бир куни эрталаб улар ерни кўриб қолишди. Тоғ эта-гига кичкина шаҳар жойлашганди. Ясси томли сариқ ва оқ уйлар қўлтиқ бўйлаб чўзилиб кетган эди. Улар-нинг кўзлари олдида арман қирғоғи ястаниб ётарди.

— Мана, манзилга етдик,— деди Матео.— Эҳ, ат-танг! Денгиз қандай кўнгилли эди-я!..

## АРМАНИСТОНДАГИ УРУШ

Одамлар олазарак бўлиб, бир-бирлари билан ши-вирлашиб гаплашардилар, чунки улар яқингинада бошларига тушган оғир мусибатдан юрак олдириб қўйган эдилар. Улар душманнинг яна бостириб кели-шидан хавотир олардилар. Шаҳарда бўлиб ўтган

уруш машъум из қолдирган эди, уйлар вайрон қилинган, кемалар чўктириб юборилган, одамлар найза ва ўқ-ёйлардан қонга беланиб, чўзилиб ётар эди.

Кузги қуёш Аяс<sup>1</sup> портини ўз нури билан чароғон қилган. Қирғоқда пальмалар ўсиб ётибди. Живирлаб турган кўм-кўк қўлтиқни қорамтир тоғлар чор атрофдан ўраб турибди.

Николо билан Маффео Поло дарҳол венециялик савдогарлар олдига кетишди. Бундан икки йил олдин, уйларига қайтишаётганда улар Аяс портида бўлишган эди. Уша вақтда Аяс гуллаб-яшнаётган савдо шаҳари эди. Бу ерда ҳамisha венециялик, генуялик, бағдодлик ва ормузлик савдогарларни учратиш мумкин эди. Турли-туман кийинган турли миллат фарзандлари кўча-кўйни тўлдириб юришарди. Ҳозир эса ҳамма ёқ вайрон қилинган, оналар чет эллик одамларни кўрганда, ўтакалари ёрилиб болаларини олдиларига чақираб эдилар.

Қандай бахтсизлик рўй бердийкин?

Улар атиги битта венецияликни учратдилар. Савдогар мессер<sup>1</sup> Нелли уларни қучоқ очиб қарши олди ва уйига таклиф қилди. Шунда улар Неллидан бу ерда бир неча ҳафта олдин бўлиб ўтган ҳодисаларни билиб олдилар.

Миср султони Бойбарс Арманистон устига сон-са-ноқсиз лашкар тортиб келиб, унинг кулини кўкка со-вурибди. Арманистон пойтахти Сисни забт этиб, талабди, подшо саройларини емирибди, боғ-роғларни кунпаякун қилибди.

---

<sup>1</sup> Аяс ва Сис — Киликия Арманистонининг шаҳарлари. Бағдод ва Дамашқдан чиққан карвонлар бу мамлакатнинг тоғлиқ йўлларида Босфор соҳилига, Самарқанд, Тбилиси ва Табриз карвонлари Ўртаер денгизининг гаванларига ўтарди.

XI—XII асрларда Киликия Арманистонидан салбчилар галалари кўп марта ўтганидан бу мамлакат салбчиларнинг таянчи пунктларидан бирига айланган эди.

Киликия Арманистонининг подшоҳлари мўғуллар билан тинч-тотув яшашарди. Улар ўзларини Эрондаги мўғул хонларига тобе деб ҳисоблашар ва Европа қиролларининг мўғул ҳукмдорлари билан олиб борган музокараларида воситчилик қилардилар.

Киликия Арманистони мўғуллар ва Ғарбий Европа давлатлари билан биргаликда Мисрга қарши бош кўтарганди. У Марко Поло Аясга келишидан сал аввал Миср султони Бойбарс (1260—1277) томонидан горат қилинган эди.

<sup>1</sup> Жаноб (итал.).

Аяс аҳолиси душман қўшинларининг яқинлашиб қолганини билгач, баъзилар тоққа бориб яшйринибди, баъзилар сафарга жўнай деб турган кемаларга беркинибди. Султоннинг аскарлари ҳувиллаб қолган шаҳарни обдон талаб, кейин унга ўт қўйибди. Сўнг кемаларни қўлга тушириб, чўктириб юборибди. Шундай қилиб икки мингта арманининг ёстиғи қурибди.

Маффео Поло:

— Сиз қаерда жон сақлаб қолдингиз?— деб сўради Неллидан.

— Мен арман савдогарлари билан тоққа қочиб кетдим. Миср лашкарлари ўтиб кетгач, шаҳарга қайтиб келиб қарасам, дўконимни шипшийдам қилиб кетишибди. Хайриятки, дўконни бузиб ташлашмабди. Одамлар бирин-сирин шаҳарга қайтиб кела бошлашди.

— Бундан чиқди, ҳозир сафарга чиқиш хатарли экан-да,— деди Николо Поло.

— Мен қўрқоқ одамлардан эмасман,— деб жавоб қилди мессер Нелли,— лекин шунга қарамай қош қорайганда кўчага чиқмасликка ҳаракат қиламан.

Оқсоч вино олиб келди ва шамни ёқди. Мессер Нелли меҳмондўстлик билан, меникида овқатланиб кета қолинглар, деб таклиф қилди, лекин меҳмонлар ишлари зарурлигини баҳона қилиб хайрлашдилар.

— Бир оз сабр қилишга тўғри келади. Сафарга чиқиш хавфли,— деди Маффео Поло...

Портга бориладиган кўчада шамол шўхлик қилар, вайроналарда оч итлар изғиб юрар эди. Ботаётган қуёшнинг нуридан осмон ва денгиз сарғиш тусга кирган эди. Сарик ва қизил нурлар денгиз сатҳида живирлар ва чанг-тўзон орасини ёриб ўтар эди.

— Агар мамлуклар<sup>1</sup> қўлига тушсак, бизни ўлдиришади.

---

<sup>1</sup> Мамлуклар — ўрта асрларда Мисрдаги қуллар ва қулликдан озод қилинган кишилар. XII—XIII асрларда Миср ҳукмдорлари ўз қўшинларини тўлдириш учун ҳамма жойдан қуллар солиб ола бошлайдилар. Мамлуклар орасида турк қабилаларининг вакиллари, черкеслар, осетинлар, грузинлар ва ҳаттоки киевлик ва рязанликлар ҳам бор эди.

XIII асрнинг биринчи ярмида мамлуклар Мисрда катта таъсирга эга бўладилар. 1250 йилда эса ҳокимиятни қўлга оладилар. Султон Бойбарс қалмоқдан чиққан мамлук эди. Унинг бобоси князь Игорь билан «улуғвор Дондаги Каялда жанг қилган бўлиши ҳам ажаб эмас.

— Турган гап, буюк хонга совға олиб кетаётган папа элчилари улар учун катта ўлжа-да.

Ака-укалар қадамларини тезлатиб, кема томон йўл олдилар. Маффео билан Николо ташқи кўринишларидан бир-бирларига ўшамасалар-да, бир-бирларининг фикрларини оғиз очмаслариданоқ фаҳмлар эдилар. Маффео яғриндор эди, чеҳрасидан сира истехзоли табассум аримасди, Николо эса қадди-қомати келишган, бақувват, дўнг пешона, қирра бурун эди. Шу аснода улар ўзларини безовта қилаётган нарса хусусида олдин ким гап очаркин деб кутмоқда эдилар.

Ниҳоят Маффео тилга кириб:

— Биз Маркони капитан Антониога қўшиб, Венецияга қайтариб юборишимиз мумкин,— деди.

— Ҳа. Шундай қилсак ҳам бўлади.

Улар жимиб қолишди. Денгиз ҳамон камалакдек товланар эди, лекин ҳозир унга қараб бўлмасди, одамнинг кўзи қамашиб кетарди. Олдиларида қорайиб турган кема кўланкага ўшарди.

— Венецияда у нима қилади?— деб сўради Николо.— Ёлғиз ўзи...

— Ҳа, биз билан қолгани маъқул. Ўзиям кетишга асло рози бўлмас.

Ака-укалар қайиққа тушиб, кема олдига боришди-да, палубага кўтарилишди. Капитан Матео билан Марко уларни юракларини ҳовучлаб кутиб туришган эди. Чунки улар уруш тўғрисидаги хабарни эшитиб қолишган эди.

— Нима гап, ота?— деб сўради Марко.

Унинг бўйи отасининг бўйидан ниҳояти икки энлик паст эди. Марконинг болаларникига ўшаш чўзинчоқ юзида ҳозир сабрсизлик ва ташвиш аломатлари бор эди.

— Айтинг-чи, йўлга чиқамизми? Ёки бу ерда тўхтаб турамызми?

У отасидан жавоб ололмай, амакиси томонга ўғирилди:

— Нега индамайсизлар?

Маффео пешанасини тириштириб:

— Шунинг учун индамаяпмизки, бу саволингга жавоб бериш осон эмас. Фалокат босиб калламиз кетиши ҳам ҳеч гапмас, очиғини айтсам, бу менга ёқмайди,— деди.

Марко диққати ошиб, қўлини силтади, лекин Маффео бунга парво қилмай, гапида давом этди:

— Келинглар, яхшиси Матео билан маслаҳатлашамиз. Нима қилиш кераклигини у ҳал қилсин. Сен нима дейсан, Николо?

Николо Поло унинг гапини маъқуллаб бош ирғади.

— Падарига лаънат ўша султонни! Ким қўрқарди ундан?!— деди Матео.

\* \* \*

Монахлар монастирға кетишди. Эрталаб ҳазрат Гуэльмонинг ёлғиз ўзи қайтиб келди. Сочлари кумушдек бу мўйсафид ғоятда ташвишли эди. У, Николо ва Маффео Поллар билан гаплашишимиз зарур, деди. Ака-укалар уни ўз каюталарига таклиф этишди.

Ҳазрат Гуэльмо ҳаллослаб, курсига ўтирди:

— Султоннинг босқинчилигини эшитдингизми?

— Ҳа.

— Энди нима қилмоқчимиз?

— Керакли нарсаларни ғамлаб олиб, сафарни давом этдирамиз.

Ҳазрат Гуэльмо ҳамсуҳбатларига таажжуб билан қараб қолди.

Маффео истеҳзо билан кўзини сузди, Николо эса пинагини ҳам бузмади.

— Мамлакатда осойишталик ўрнатилганга қадар сафарни қолдириб туришингизни илтимос қиламан.

— Бўлмайди, ҳазрат Гуэльмо,— деди Маффео Поло эътироз билдириб.— Агар биз йўлнинг бошидаёқ тараддудга тушадиган бўлсак, кўзлаган манзилимизга ҳеч қачон етиб боролмаймиз. Ҳазрат Николо да Виченца қани? У ҳам сизнинг фикрингиздами?

Монах шолғомдек қизариб кетди.

— Ҳазрат Николонинг тоби қочиб қолди, касалхонада ётибди,— деди у хижолат бўлиб.

— Бирдан тоби қочиб қолдимизми?— деб сўради Николо.

Монах ҳафсаласизлик билан бош чайқади. Ўз айбини бировга тўнкашнинг нима ҳожати бор? Ҳақ-роҳатини айтганда ҳазрат Николо сафарни давом этдирмасликка уни кўндирмоқчи бўлди. У эса бунга тузукроқ эътироз билдирмади. Ахир унинг ўзи ҳам қўрқувдан ўтақаси ёрилиб, касал бўлиб қолган ҳазрат Николодек хавф-хатар ва саргузаштларни жонидан ёмон кўрар эди-да.

Ниҳоят ҳазрат Гуэльмо шундай деди:

— Ундай бўлса, сафарни ўзингиз давом этдиравинг, жаноблар, худо ёр бўлсин. Биз бўлсак, Италияга қайтамиз. Мен кексайиб қолганман, йўлда сизга ортиқча юк бўламан, холос.

Маффео Поло монахга палубага чиқишига ёрдамлашди. У чиндан ҳам бу чолга ачинди.

— Сиздан хафа эмасмиз, ҳазрат Гуэльмо,— деди у.— Ёт ўлкаларга бориш иштиёқи бизга тинчлик бермаяпти. Биз савдогарлар тиниб-чинчимас халқмиз. Фойдали олди-сотди бўлса бас, дунёнинг нариги бурчига боришга ҳам тайёرمىз. Соғ-саломат бўлинг. Эсон-омон уйингизга етиб олинг.

\* \* \*

Венецияликлар Аяда яна бир ой туришди. Улар урушнинг қандай кетаётганини сўраб-суриштириб, тасалли берадиган жавоб олишди. Бу орада савдо-сотик секин-аста жонлана борди. Портга кемалар келадиган бўлиб қолди. Хунармандлар шаҳарга қайтиб келишди. Ҳамма ёқда вайрон қилинган уйларни тиклай бошлашди.

Серёгин куз кунларининг бирида венецияликлар Аядан чиқиб кетишди. Улар Мосул ва Бағдод орқали форс қўлтиғи яқинидаги Ормузга кетаётган бошқа савдогарларга қўшилиб йўлга чиқишди. Арманистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам уларга савдогарлар қўшилди, кўп ўтмай улар катта карвонни ташкил этишди.

Аваллига бу кўчманчилик ҳаёти Маркога жуда ёқди. Улар юрган мамлакат унга ниҳоятда бепоён кўринди. Боз устига у Венецияга зиғирча бўлсин ўхшамасди! Карвон кимсасиз, қумлоқ адирлардан, поёнсиз, серҳосил воҳалардан ўтиб борди. Тоғдан эсган салқин шамол чанг-тўзон булутини кўтарар эди. Туни билан совуган сокин водийлар эрталабки қуёшнинг илиқ нуридан буғланарди. Йўловчилар баъзан бир неча кун давомида йўлларида битта ҳам қишлоқ учратмас, кейин бирор чуқурликда жойлашган катта шаҳардан чиқиб қолардилар.

Тоғ чўққилари қор билан қопланган эди. Водийларда тинмай ёмғир ёзарди. Дарёлар тошиб кетганидан карвон анча овора бўлиб, бир қанча чақиримлар-



ни айланиб ўтарди. Лекин шунга қарамай улар тобора илгарилаб боришарди.

Бироқ Марко орзиқиб кутган ҳаяжонли саргузаштлар қани?

## ТУНГИ СУҲБАТ

Венецияликлар тўхтаган карвонсаройнинг бир ҳужрасида чироқ ёниб турарди. Эшик ланг очиқ эди. Марко ёғоч каравотга чўзилди-ю, лекин сира уйқуси келмади. Унинг ёнида Матео ухлаб ётарди. Тун зимзиёлигидан юлдузлар чарақлаб турарди. Тош ётқирилган ҳовлининг ўртасида фонтандан отилаётган сув шилдирарди.

Гоҳо Маркога бир неча йил муттасил йўл юраётгандек туюларди. Улар ўтиб келишган шаҳарлардаги ранг-баранг, сирли ҳаёт унинг фикрини шунчалик чулғаб олган эдики, болалик хотиралари кун сайин хиралашиб борар эди.

Каналлар ва оролларга бой бўлган Венецияни у бир вақтлар чиройли расмда кўргандек эди. Марко кўрпани устидан олиб ташлади-да, ўрнидан турди. Катта бир қизил қўнғиз тош пол устидан тез-тез ўрмалаб, қоронғи бурчакда ғойиб бўлди.

Фонтан олдида икки киши ўтирар эди. Гўё юлдузлар ерга яқинлашгандек, зулматдек тун кўкқисдан бир оз ёришди. Узоқдан чиябўрининг увлагани ва чийиллагани эшитилди, кейин яна ҳамма ёқ сув қуйгандек жим бўлиб қолди.

Марко Матеонинг қаттиқ ухлаб қолганига қаноат ҳосил қилгач, ҳовлига чиқди. Ён томондаги уйда Николо ва Маффео Пололар донг қотиб ухлаб ётишарди. Марко фонтан олдига келиб, пешанасини ҳўллади.

У яқинлашганда ҳалиги икки киши жим бўлди. Улардан бири — зарварақ тўн кийган новча, бақуввати ўрнидан туриб, фонтанни айланиб Марконинг олдига келди ва худди унинг қалбига назар солмоқчи бўлгандек, қора кўзларини унга тикканча туриб қолди.

— Э-ҳа, бу сизмисиз, мессер Поло,— деди у.— Мен бўлсам гап пойлайдиган айғоқчимикин деб ўйлабман. Келинг, суҳбатимизга қўшилинг.

Марко сочлари қоп-қора тўсдек бу новча одамнинг

эронлик савдогар Ҳожи Муҳаммад эканлигини таниди. У итальян тилини жуда яхши билар ва бу тилда ҳузур қилиб гапирар эди.

— Авф этинг, суҳбатингизга халал бермасам дейман.

— Ҳечам халал бермайсиз! Қелинг, ўтиринг. Бундай тунда одамнинг қулфи-дили очилармиш. Бизнинг Қирмонда юлдузлар чарақлаб турса, одамнинг қулфи-дили очилиб кетади, дейишади.

Марко унинг таклифини қабул қилди. Эронликларнинг одати бўйича ўнг қўлини кўксига қўйиб, унга таъзим этди.

Ҳожи Муҳаммад нотаниш кишини таништирди:

— Самарқандлик Ҳасанбек. У ҳам Ормузга кетяпти.

Ўлабирдан келган нотаниш одам таъзим қилиб, бир нималар деб у билан саломлашди.

Уларнинг олдиларида ёзиғлиқ турган дастурхонда муздаккина эчки сути солинган кўза билан иккита коса турарди. Ҳожи Муҳаммад Маркога косага сут қўйиб узатди-да, ундан итальянчалаб:

— Қалай, Мосул сизга ёқдими?— деб сўради.

Марко Ҳасанбек итальянчани билмаслигини фаҳмлаб қолди ва шунинг учун Ҳожи Муҳаммадга, форсча гапиринг, деб илтимос қилди. Сафар вақтида у форсчани анча-мунча ўрганиб олган, форсчалаб бемалол гаплаша олар эди.

— Мосул илгари чиройли шаҳар бўлган,— деди Ҳожи Муҳаммад.

Улар Мосулга кеча келган эдилар. Марконинг назарида бу шаҳар улкан шарқда кўрган савдо шаҳарларидан сира фарқ қилмайдигандек эди. Чунки бу шаҳарда ҳам тор кўчалар, пахса деворли кулбалар, ҳалли зангори гумбазли оқ мачитлар, кўкка бўй чўзган бежирим миноралар кўзга ташланарди. Кенг кўчаларнинг икки бетида қад кўтарган тош деворлар ичига бойларнинг уйлари ва боғ-роғлари яширинган эди. Бозорларда нафис кимхоблар сотишарди. Бир-бирига туташ гумбаз томли тимларда қатор дўконлар жойлашган эди. Қосиблар устахоналарининг олдида, шундоққина кўчада ўтириб, чиройли туфлилар тикишар ва уларни марварид ёки зар билан безашар эди. Мисгарлар мис кўзалар ва мис қозонларга нақш солишар, заргарлар билагузук ва жомларга нозик гул чекишар, заршунослар қимматбаҳо тошларни соти-

шар, ўймакор усталар эса фил суягига ўхшаш сариқ шамшод дарахтидан бежирим қутичалар ясашар эди.

Одамнинг бошини айлантирадиган олаговур Венециядагидан бошқача бўлса-да, бари бир нима биландир Венецияни эслатар эди. Лекин бу ерда елканли катта кемалар, эшкакли қайиқлар, денгиз, кўрфаз, Дожлар саройи ва салобатли Сан Марко жомеси йўқ эди. Бу ерда от, қимматбаҳо тошлар, шойи, олтин ва кумуш буюмлар, ширинликлар, тивит ҳамда қуллар билан савдо қилувчи башанг кийинган савдогарларнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Ҳамма нарса-ни шулар ҳал қиларди. Мосул худди Венецияга ўхшарди.

— Уйлаб қолдингиз,— деди Ҳожи Муҳаммад.

— Мосул чиройли шаҳар,— деди Марко.— Ҳақ гапни айтдингиз.

Шунда нотаниш одам уларга таъзим қилди-да, куйиб-пишиб эътироз билдирди:

— Мамлакатимизда чиройли жойлар қолмади, ҳаммасини татарларнинг отлари поймол қилди!

Ҳасанбек оғзидан чиққан бу сўзлар худди фарёддек эшитилди ва у дармони қуригандек ўзини орқага ташлади.

Карвонсарой орқасидаги пахса деворли уйда чақалоқ йиғлади. Уни онаси овутгани эшитилди, кейин яна ҳамма ёққа сукунат чўкди.

Ҳожи Муҳаммад тилга кириб, оҳиста деди:

— Татарлар ҳужуми вақтида Ҳасанбек уйдан, бола-чақасидан ва мол-дунёсидан жудо бўлди. Бир вақтлар Эрон қудратли давлат эди. Эрон паҳлавонларининг довуғи ҳар ёққа кетган эди. Кейин кучқудратимизни йўқотдик. Афтидан биз худонинг қаҳрига учрадик. Гала-гала татар чавандозлари ожиз мамлакатимизга бостириб кириб, шаҳарларни вайрон қилди, қишлоқларни ёндирди, экин-тикинни топтаб, уларга отларини қўйиб юборди. Мамлакатимиз босқинчиларнинг зулми остида эзилиб келяпти, урушдан сира бошимиз чиқмай қолди.

Ҳожи Муҳаммад бу гапларни итальянча гапирди. Ҳасанбек фонтандан отилиб чиқаётган кумушдек сувга тикилганча чурқ этмай ўтирар эди. Чамаси, бу гапларга у заррача эътибор қилмади.

— Ватанингиз тўғрисида бирор нарса сўзлаб беринг,— деб илтимос қилди Марко.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди, эртага тонг ёри-

шар-ёришмас, эшак биринчи ҳанграши биланоқ йўлга тушамиз. Чарчаб қоласиз...

— Гапларингизга туни билан қулоқ солишга ҳам тайёрман,— деди Марко эътироз билдириб.

Эронлик савдогар Марконинг гапидан ийиб кетиб, ўз ҳикоясини бошлади:

— Майли, мен сенга Бағдод халифаси тўғрисидаги бир воқеани сўзлаб бераман. У вақтда мен сен тенги йигит эдим. Бағдод эса қудратли давлатнинг пойтахти эди. Барча мўмин-мусулмонларнинг раҳнамоси бўлмиш халифа шу ерда ҳашаматли саройда яшар эди. Бағдод савдо марказигина бўлиб қолмай, араб фани ва санъатининг маркази ҳам эди. Мен ўз ҳаётимда жуда кўп шаҳарларни кўрганман, лекин уларнинг жуда ози унга тенг кела олади. Халифа шунча мол-дунё тўплаган эдики, бунча давлатни ҳеч бир ҳукмдор тушида ҳам кўрган эмас. Бироқ у даҳшатли урушнинг олдини олиш учун ақаламати қўлини совуқ сувга ҳам урмади.

Ҳожи Муҳаммад овозини пасайтирди, шунда Марко унинг сўзларини эшитмай қолишдан қўрқиб янада диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Бир вақтлар, мўғул шаҳзодалари салтанат ўрнатаётганларида тўртта ака-ука бўлган эди. Тўнғичининг номи Мукэ бўлиб, у пойтахтда турар, ўзини улур қоон деб эълон қилганди. Ака-укалар Қатай ва яна бирмунча қўшни мамлакатларни забт этгач, бутун дунёни ўзларига итоат этдириб, буюк бир давлат барпо қилишга ва уни тўрт қисмга бўлишга жазм қилишди. Шу мақсадда биттаси шарққа, бошқаси жанубга йўл олди, қолган иккита кичкинаси эса қолган ерларни босиб олишга жўнади.

Хулагу<sup>1</sup> ҳадди-ҳисобсиз қўшин тўплаб жанубга йўл олди. Мессер Поло, ишонинг, мен қўрқоқ эмасман, лекин татарларни биринчи бор кўрганимда қўрққанымдан тахта бўлиб қолдим. Бунга ўн уч йил бўлди. Татарлар йўлларида учраган ҳамма мамлакатларни босиб олиб, Бағдодга етиб келди. Пиёда аскарларини ҳисобламаганда уларнинг юз мингтача чавандози

<sup>1</sup> Хулагу — Чингизхоннинг набираси, Хубилайхоннинг туғишган укаси. У 1256—1258 йилларда Эроанни, Закавказье ва Ироқнинг бир қисмини босиб олганди. Хулагу Бағдодни 1258 йилда ишғол қилиб, вайронага айлантирганди. Унинг ўн минглаб одамлари қириб ташланган ва қул қилиб сотилганди.





бор эди. Хулагу шаҳарни ҳийла билан қўлга олмақчи бўлди. У қўшинининг кўп қисмини ўрмонга яшириб қўйди-да, бир қисмини олиб, шаҳар дарвозасига келди.

Халифа душманнинг камлигини кўриб, уни тормор қилиш учун шоша-пиша ўз қўриқчилари билан шаҳар дарвозасидан чиқди. Ҳозир буни ўйласам, ҳайрон қоламан. Наҳотки, ҳалифа бу найрангни тушунмаган бўлса? Хулагу атайин чекиниб, душманни алдаб ўрмонга олиб кетди ва уни ўраб олиб, ҳаммасини қиличдан ўтказди, халифани эса асир олди. Бағдод шу тахлит таслим бўлди.

Хулагу шаҳарга кириб, олтин тўла баланд бир минорани кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. У халифани чақиртириб келиб, унга шундай деди: «Мен бу ерда олтинга тўла бир минорани кўрдим. Нега олтинларни кучли қўшин тўплашга сарф қилмадинг? Ахир сен мамлакатнинг устига бостириб келаётганимни билардинг-ку. Очкўзлик қилганинг учун энди таъзирингни бераман!» Шундай деб у халифани шу минорага қамаб, унга сув ҳам, овқат ҳам берилмасин, деб тайинлади. Шундай қилиб, халифа беҳисоб бойликлари орасида очидан ўлиб кетди.

Ҳожи Муҳаммад жим қолди. Тунги сукунатни фақат фонтандан отилиб чиқаётган сувнинг шилдирашию отхонадаги отларнинг пишқириши бузиб турарди. Ҳаво салқин, вақт ярим кечага яқинлашиб қолган эди.

Ҳасанбек гўё уйқудан кўзини очгандек, керишди-да:

— Ухлайлик энди... Худо ўз паноҳида асрасин...— деди ва ўрнидан туриб таъзим қилди.

— Ҳикоянгиз учун минг раҳмат, Ҳожи Муҳаммад,— деди Марко.

— Тунда, юлдузлар чарақлаб турганда одамнинг қулфи-дили очилиб кетади демабмидим сизга. Яхши ётиб туринг, мессер Поло.

Марко ўз хужрасига кетди. Эшикни очди-да, сўрига ётиб олди. У чарчаганидан, тунги суҳбатни бир оз ўйлаб ётди-да, кейин ухлаб қолди.

Уйғонганида карвонсаройда одамлар гужғон ўйнаётган эди. Эшак қулоқни қоматга келтириб ҳанграр итлар вовиллар, эчкилар маърар, бу шовқин-сурон орасида хизматкорлар билан отбоқарларнинг ҳайқириги қулоққа чалинар эди. Матео аллақачон ўрнидан

турган, юкларни қандай ортишни тайинлаб юрар эди.

Тонг туманли ва рутубатли эди. Туман орасини зўр-базўр ёриб ўтган қуёш нури йўл тайёрлигини кўраётганларни ёритди. Бурчакда учта туя ҳеч нарсага парво қилмай, одамлар ва ҳайвонларга баланддан мағрур қараб турарди.

Николо Поло ўғлининг хонасига кирди.

Марко отасига ажабланиб қаради.

— Салом Марко. Сенда гапим бор.

— Нотаниш одамларга ишониш яхшимас,— деб гап бошлади Николо Поло.— Бугун кечаси бегона одамлар билан суҳбатлашиб ўтирганингга кўзим тушиб қолди. Бу ишинг менга ёқмайди.

— Ота, Ҳожи Муҳаммад бизларга ўхшаш савдогар. Нега у билан гаплашишим мумкин эмас,— деб сўради Марко, шунда унинг овозида ўжарлик оҳанги пайдо бўлди.

— Иккинчиси ким эди?

— Ҳасанбек. Кеча уни биринчи марта кўрдим.

— Ҳм, Ҳасанбек дедингми?— деб қайта сўради Николо Поло.— Қандайдир бегона одам аллақачондан пайдо бўлса-да, менинг ўғлим у билан фонтан олди-да суҳбатлашиб ўтирса!..

Марко қизариб кетди. У отасига эътироз билди-моқчи бўлди-ю, лекин ўзини босди. Кейинги пайтда негадир отаси билан унинг ораси бузилиб қолган эди. Марко ўйлаб-ўйлаб бунинг ҳеч сабабини тополмасди. Отаси камгап бўлиб қолган, саволларига парижон жавоб қайтарар эди.

— Бундан чиқди мен сиз, амаким Маффео ва Матеодан бошқа ҳеч ким билан гаплашмаслигим керак эканда?— деб сўради Марко.

Николо Поло эшикка бир қараб қўйди-ю, сукут сақлаб қолди. Кейин:

— Нимадан ташвишланаётганимни билмайсан-да,— деди.

— Ота, ахир мен мана шу мамлакатни ва одамларини дурустроқ билсам дейман.— Марко бу гапларни бўшашиб гапирди.— Биз кечаси Бағдод тўғрисида, уни татарлар қандай ишғол қилгани тўғрисида гаплашдик...

— Сен уларга биз папанинг ваколати билан буюк хон ҳузурига кетяпмиз деб айтдингми?

— Йўқ, бу тўғрида лом-мим деганим йўқ.

— Кўзингга қара, буни ҳеч қачон ҳеч кимга айта



кўрма,— деб Николо қаттиқ тайинлади, кейин шаштидан тушиб, шундай деди:— Бу мамлакатда осойишталик йўқолди, биз узоқ ва хатарли йўл юришимиз даркор. Бу ернинг тоғларида қароқчилар сероб, улар ўз одамларини карвон орасига юборадилар. Ана шунинг учун кечаси фонтан ёнида бегона одамлар билан валақлашиш керак эмас.— Николо Поло ўрнидан турди. Маффео икковимиз бўлганимизда олам гулистон эди. Ҳозир ёнимизда сен борсан...

— Менинг ташвишимни қилманг, ота!— деди Марко.— Наҳотки сиз, ўғлим ўзини ўзи ҳимоя қилолмайди деб ўйласангиз?

— Ундай ўйлаётганим йўқ,— деди Николо Поло кулиб.— Сен бировга бўш келмайсан. Мен эҳтиёткорлик зарар қилмайди, демоқчиман. Одамлар татарларни ёмонлаётганда индамай турган маъқул. Биз савдогарлармиз ва папанинг вакилларимиз. Агар бахтимиз чопса ва ножўя ишлардан йироқ бўлсак. Венецияга мол-дунё билан кириб борамиз. Шу гап қулоғингда бўлсин, ҳаммадан аввал биз савдогарлармиз.

Қуёш бетини булут қоплаб олди ва ёмғир томчилай бошлади.

Эрта баҳорда бу ерда доим аҳвол шу: кечаси илиқ бўлади, эрталаб туман тушади, кунни билан эса ёмғир қуяди.

Марко, Николо ва Маффео Поло ёлган нон еб, лўя шўрва ичишаётганда капитан Матео туя ва хачирларга юк ортишаётганидан кўз-қулоқ бўлиб турди. Ҳовлида қўра бор эди, унга шох-шабба ва туянинг қумалоғини ёқишарди. Ёмғир қўрадан кўтарилаётган тутунни ерга босиб, ёйиб юборар эди. Ҳайдовчилар бақирлишиб шоша-пиша нон кавшашар, хачирларга овқат беришар, уларга ортилган юкларни тўғрилашарди.

Карвонни ўн бешта чавандоз кузатиб борар эди. Агар қароқчилар ҳужум қилиб қолса, улар савдогарларни ҳимоя қилишлари керак эди. Шарқдаги ҳукмдорлар Буёк денгиз ёки Кунботардаги узоқ мамлакатлар билан савдо алоқаларига катта аҳамият берар эди. Шу ваздан улар карвонларни ишончли одамлардан тузилган қуролли аскарлар ҳимоя қилсин деб фармойиш олган эдилар. Йигитларга йўлнинг узоқ-яқинлигига қараб, ҳар бир хачир учун икки-уч тийиндан пул тўлашар эди.

Озгин, жиккак хизматкорлар ва отбоқарлар орасида Матео девдек кўринар эди. Унинг устидаги чарм камзул чаққон ҳаракатларига ва оғир-вазмин юришига салобат бағишлаб турар эди. Гарчи Матео форсчани унча яхши билмаса ҳам ҳамма билан нозандек гаплашар эди. Ҳар ким қўл ҳаракатларига ва имо-ишорасига қараб, унинг нима демоқчи бўлганини билиб олишга ҳаракат қиларди. Қуруқликдаги бундай ҳаёт унга мойдек ёқар эди.

Лекин карвоннинг йўлга чиқиш соати қанча яқин қолса Матеонинг шунча кайфияти тез бузила борди. Узоқ қидиришдан кейин топилган у боп бақувват от — Жульеттани унинг кўргани кўзи йўқ эди. Кўпчиликнинг фикрича, умрида от минмаган капитанга бу ювош от жуда боп эди. Жульетта устидаги зилдек юкни писанд қилмасди. Умуман ҳеч қандай чавандоз бу биянинг безовта бўлганини кўрмаган эди.

Ниҳоят карвон йўлга тушди. Ҳовлидан биринчи бўлиб карвонбоши чиқди. Унинг орқасидан карвоннинг етакчиси — чиройли хачир йўл олди. Буюк хонга папа бериб юборган совға ана шу хачирга ортилган эди.

Марко Матеони отга минишига ёрдамлашиш учун учқур айғирининг жиловини бўшатди. Жульетта қоққан қоziқдек қаққайиб турар эди. Ҳайдовчилар ва отбоқарлар Матеонинг инқиллаб-синқиллаб отга аранг минаётганига раҳмлари келиб қараб туришарди. Аллақандай йигит ўзини тута олмай кулиб юборди, шунда Матео унга бир ўқрайиб қараган эди, йигит изза бўлиб, жиддий қиёфага кирди-да, соқолини силай бошлади.

Марко бияни шапалатиб аста урган эди, бия йўлга тушди, Жульеттанинг чаққон йўргалаб юришини кўрган одам, бу от ер юзини айланиб чиқса ҳам чарчамаса керак, деган хаёлга борарди.

Матео етиб келганда Марко ундан:

— Бугун кайфиятингиз қандай?— деб сўради.

Капитан чурқ этмай, Маркога бир қараб қўйди, холос.

Емғирдан юмшаган кенг кўча юзларча от, хачир ва туялар юрганидан ўйдим-чуқур бўлиб кетган эди. Чуқурларда сариқ лойқа сув кўринарди.

Капитан Матео билан Марко карвон етакчиси бўлган хачир орқасидан боришарди. Улардан кейин-

да ўзларига уста чавандозлардек яхши от танлаб олган Николо билан Матео Пололар келишарди. Эрон отларининг ҳар биттаси Туркия пулига кам деганда икки юз фунт турарди. Уларни айниқса Ҳиндистонда бозори чаққон эди. Лекин бу иссиқ мамлакатда улар узоқ яшамасди. Жазирама ва нам ҳаво уларнинг кучини қирқиб юборарди.

Эрон энг йирик, энг чиройли эшаклари билан донг чиқарган эди. Эрон эшаклари оғир юк кўтарар, овқатсиз узоқ вақт яшай олар эди. Қарвон саҳродан ёки қуриб қолган дарё ўзанидан ўтаётганида бу эшаклар жуда иш берарди. Шу вайдад улар отдан ҳам қиммат турарди.

Қарвон асосан оғир юк ортилган эшаклардан ташкил топган эди. Эшаклар оёқларининг тагига қарамай йўл босарди, агар биронтаси қоқилиб йиқилса, орқасидан келаётганлари ҳайдовчилар юкни тўғрилаб, турғизиб қўйгунча чидам билан кутиб турарди. Ёмон йўлда туялар қўл келарди. Устига Қирмон гиламлари, Мосулнинг ипакли кийимлари, духоба ва шоҳилар ортилган туялар лой йўлдан чаққон юриб борарди.

Қарвоннинг шу орқа томонида йўлнинг қийинчиликларини чидам билан енгиб, йигитлар келишарди.

Марко мешнинг оғзини очиб, сув ичди. Капитан Матео ҳам чўллаган эди-ю, лекин сув ичишга қўли бўш эмасди. Зеро у Жульеттанинг бир маромда йўргалаб кетаётганига қарамай, иккала қўли билан эгарнинг қошини маҳкам ушлаб олган эди.

Ҳаво бир оз очилди. Булутларнинг орасидан гоҳо-гоҳо зангори осмон кўришиб қоларди. Шарқ томонда қорамтир ўрмон билан қопланган тоғ кўринарди.

Капитан Матео эгарда қаддини ростлаб:

— Қалай, от минишням ўрганиб олибманми?— деб сўради Маркодан.

Марко:

— Худди асл чавандознинг ўзисиз, капитан,— деб унинг кўнглини кўтариб қўйди.

— Ҳозир нимани ўйлаётибман, биласанми?

— Ҳа, биламан. Сиз бирор кеманинг рулини бошқаришни ўйлаясиз.

— Қойилман, топдинг. Қаёққа қарасанг денгиз, шамол елканларни шиширади, тўлқинлар бортга келиб урилади, штурвални буриб ёғочу темирдан барпо

қилинган баҳайбат кеманинг амрингга итоат этганини кўриб бошинг кўкка етади. Бунинг гаштига тушунасанми, Марко? От миниш нима деган гап? Эгарни палубага қиёс қилиб бўладими? Қаёқда! Энг расво қайиқ ҳам менга манави байталдан минг карра афзал! Бунинг касрига суякларим зирқираб оғрияпти.

— Лекин саҳрода кемада юриб бўлмайди-да, — деди Марко эътироз билдириб.

— Афсуски, сен ҳақсан. Начора, Жульеттага кўникаман энди.

Капитан Матео яна сукутга чўкди. Чошгоҳда улар эронлик бир мансабдорни учратдилар. Оқ, учқур от минган йигирма нафар йигит уни қўриқлаб, олдинда борар эди.

Карвонбоши мансабдорга ҳурмат кўрсатиб, йўлни бўшатди, буни кўриб, бутун карвон йўл четига чиқиб турди. Фақат Жульеттагина четга чиқмай, йўлнинг ўртасидан йўрғалаб кетаверди. Марко Жульеттани четга чиқармоқчи бўлиб оти билан уни сурган эди, бари бир бўлмади.

Икки қўриқчи отларини тўхтатишди-да, сўкиниб қамчинларини қарсиллата бошлашди. Лекин Жульетта уларни назар-писанд қилмади.

Қўриқчилар орқасидан юк ортилган ўнта туя, унинг кетидан кумуш юган урилган тўртта ажойиб хачир келар эди. Бежирим эгарларга ўрнатилган иккита тахтиравонда мансабдорнинг ясанган-тусанган хотинлари ўтиришарди.

Қўриқчилар томоқларини йиртар даражада бақириб қайсар бия атрофида зир югуришар эди. Шу вақт бия бирдан қоқилиб йиқилди. Матео лой йўлга шалоп этиб қулади, иккинчи тахтиравондаги аёл қиқирлаб кулиб юборди-ю, дарҳол ингичка қўллари билан пардани туширди.

Бу кулги капитаннинг вақтини хуш қилмади. Унинг олдига қўриқчилардан бири от чоптириб келди-да, бечора ношуд чавандозни оғзидан боди кириб, шоди чиқиб сўка бошлади. Хайриятки, Матео бу сўкишларнинг ҳеч бирига тушунмади.

Лекин шу пайт қўриқчи тиззасидан лойга ботиб турган капитанни урмоқчи бўлиб, қамчинини кўтарди. Қўриқчи мансабдорнинг йўлини тўсган жамики жонзотни қамчи билан уриб бартараф қилишга ўрғаниб қолган эди-да.

Капитан Матео дик этиб ўрнидан туриб, қўриқ-

чининг тирсагидан ушлаб қаттиқ сиққан эди, у оғриқдан афти буришиб, қамчисини қўлидан тушириб юборди. Матео эс-ҳушини йиғиштириб олмасидан уни отдан тортиб туширди-да, боши узра азот кўтариб, жон-жаҳди билан лойга отиб юборди. Матео унинг таъзирини бераётиб шундай сўкиндики, кўрган одамлар сўкишда италян эронликка бўш келмаслигига қаноат ҳосил қилдилар.

Шу пайт қутилмаган ҳодиса юз берди. Иккала карвоннинг одамлари ҳезланиб бир-бирларига дуқ ураётганларида Жульетта одамлар орасини ёриб ўтди-да, авзойи бузилиб турган Матеонинг олдига келди. Матеонинг олдига яқинлашишга ҳеч кимнинг юраги дов бермаётган эди.

Жульетта жанжал чиқишига ўзи сабабчи бўлганини тушуниб қолдими ёки ношуд чавандоз эгасига меҳри товланиб кетдими, ишқилиб у ногаҳон катта бошини Матеонинг елкасига қўйди-да, лой бўлган қўлини ялай бошлади. Отнинг меҳрибонлигини кўрган одамлар бирпасда шаштларидан тушиб қолдилар. Матео бирдан жаҳлидан тушди, қўриқчилар эса отларини лўкиллатиб тахтиравон кетидан жўнадилар.

Матео лойга отиб юборган чавандоз ҳалқобдан қамчисини олди-да, отига миниб, ўртоқлари орқасидан от чоптириб кетди.

Бу машмашадан кейин карвондагиларнинг Матеога янада ҳурматлари ортди. Жульетта билан икковлари бир-бирларига ўрганиб қолди.

Бир куни карвон тунагани тўхтаганда капитан Матеонинг кечаси Жульеттага ортиқча ем бергани отхонага кириб кетаётганини Марко кўриб қолди. Қоровул ухлаб ётганидан ҳеч нимани кўргани йўқ, лекин Матео емини тортиб олганидан бўлса керак, қандайдир бир хачир ҳанграб юборди.

Карвон йўлда давом этаркан, савдогарлар секин-аста бир-бирлари билан таниша бошладилар. Тушлик вақтида ва кечқурунлари карвонсаройда улар ўз ишлари ёки бегона мамлакатларда бошларидан ўтган қизиқ воқеалар тўғрисида сўзлаб берар эдилар. Ҳасанбек гапларга қулоқ солиб ўтирар, гоҳ-гоҳ луқма ташлаб қўяр эди.

Савдогарлар бир ҳафтадан кейин Бағдоднинг уйлари ва минораларини кўришди. Кеч кирмоқда эди. Осмонда муаллақ турган баркашдек қуёшнинг нурлари минораларнинг ўткир найзаларида жилоланар,

томларнинг олачиפור черепицаларида живирлар, Тигр дарёсининг шўх, бўтана сувида ўйнар эди. Сўнг қуёш муҳташам ибодатхонанинг гумбази узра бир лаҳза тўхтаб турди-ю, кейин ҳаш-паш дегунча ботиб кетди. Осмонни қоплаган алвон ранг шафақ ўтга, ерга кўкиш туман тушди.

— Мана, ниҳоят Бағдодга ҳам етиб келдик, Жульетта, — деди капитан Матео.

Марко бу гапни эшитиб кулиб юборди.

## ҲАВО РАНГ ФИРУЗА

Савдогарлар Бағдодда кўркам боғлар ва вайроналарни кўриб ҳайрон бўлишди. Халифанинг илгари олтин кумуш сақланган ажойиб минораси ҳам вайрон қилинган эди. Ҳатто шаҳар деворлари ҳам нураб кетган, девор атрофидан олинган зовурлардаги сув сарғиш тусга кирган эди. Фақат оппоқ мачитларгина харобазор орасида бус-бутунлигини кўз-кўз қилгандек кўкка бўй чўзиб турар эди. Миноралардан ўқтин-ўқтин муаззинларнинг:

— Ло илоҳо иллоло... — деган нидоси эшитиларди.

Мусулмонлар азон товушини эшитиб, намоз ўқий бошлашарди.

Бир тепаликда олтин хочли черков турарди. Қуёш нури дарахтларнинг япроқлари орасидан ўтиб ҳамма ёқни майин кўм-кўк ёғдуга кўмиб юборди. Ҳатто сариқ ер ҳам яшил тусга кирди. Баҳорнинг дастлабки кунлари бўлишига қарамай кун иссиқ эди.

Шаҳар ўртасидан ўтадиган Тигр дарёсининг соҳилларида боғ-роғлар яшнаб ётар, уларда бодом ва анжирлар ўсар эди. Дарё қайиқлар, баржалар, бесўнақай елканли кемаларга тўлиб кетган эди. Бағдоддан Ҳинд денгизигача ўн етти кун юриларди.

Шаҳар аҳолиси истилочиларнинг тартибларига кўникиб қолган эди. Эгар ва чодирдан бошқа нарсани кўрмаган истилочиларнинг ўзлари эса Бағдоднинг шоҳона уйларида давру даврон сурмоқда эдилар. Улар Чингизхон давридаги ота-боболарига ўхшаш жангари ва кўчманчи бўлмасалар-да, забт этган мамлакатларда тартиб ўрнатишга қодир эдилар.

Бу вақтга келиб Бағдод яна Яқин Шарқда савдо маркази бўлиб қолган эди.

Хоразм ва Қирмондан ғоятда чиройли фируза

олиб келишарди. Николо ва Маффеолар кўзни қамаштирадиган ана шу ҳаво ранг фирузалардан кўпроқ харид қилишга аҳд қилдилар. Шарқ халқлари бу фирузаларни ниҳоятда қадрлашар, уни сеҳрли тош деб ўйлашар эди. Қимда-ким Нишопурдан келтирилган «Абу Жокий» фирузасини кўкрагига тақиб олса, у фалокатга йўлиқмасмиш, зеро бу сирли тош одамнинг кўзини ўткир қилармиш, душман устидан ғалаба қозонишини таъминлармиш, ҳукмдорларнинг марҳаматидан баҳраманд этиб, алоқ-чалоқ туш кўришлардан асрармиш. Бундан ташқари, бу ҳаво ранг тош шу қадар чиройли эдики, у ҳукмдорлар хазинасининг кўрки ҳисобланарди. Одатда донишмандлар янги туққан ойнинг жамолини кўришдан олдин, «Абу Жокий»га узоқ вақт термилишарди.

Нишопурдаги эски бир китоб қўлёзмасида шундай дейилган эди.

Венецияликлар сершовқин тим тагидан ўтиб боришарди. Марко бегона, лекин нимаси биландир ўзига яқин бўлиб қолган бу ҳаётнинг латофатини отаси ва амакисидан кўра ортиқроқ ҳис қиларди. Йигитча ҳар қадамда тўхтагуси, атрофидаги нарсаларни томоша қилгуси келарди. Ниҳоят улар тинч бир кўчага чиқишди. Ҳинд саррофлари дўконларининг олдига чиқиб, офтобда исиниб ўтиришарди. Уларнинг олдида бир нечта қадоқ тошлар турарди.

Кўча четидаги панжара билан ўралган устахонада беш аёл қўли-қўлига тегмай шоҳига зар билан ҳайвонларнинг суратини тикарди. Худди шу ерда иккита ҳабаш жуводиз билан марвариднинг кўзини очмоқда эди. Бир назоратчи диққат билан уларнинг ишлашларига қараб турарди. Ҳиндистондан Европага олиб бориладиган марваридларнинг қарийб ҳаммаси аввал Бағдодга келтириларди. Бу ерда унга жило беришарди, кўз очишарди. Қимматбаҳо гардишларга қўйишарди.

Венецияликлар, савдо қилаётганимизда маҳаллий савдогарлар белимиз бақувватлигини билиб қўйишсин, деган мулоҳаза билан энг яхши кийимларини кийдилар. Венециялик савдогарлар энди заргарлар растасидан ўтиб боришарди. Устахоналардан кичкина болғачаларнинг тиқиллаши эшитиларди. Бир кекса заргар уларни имлаб чақирди-да, нима олишларини сўради. Чол венецияликлар фируза истаб юрганларини билиб жонланиб кетди ва уларни дўконига так-

лиф қилди. У ўз молини мақтай-мақтай венецияликларни торгина дўконига олиб кирди. Николо билан Маффео Пололар чол ўзларига синчков назар ташлаганини сезишди. Жиккаккина бу жонсарақ чол уларга қув кўзларини тикиб, алдасаммикин, алдамасаммикин, деб ўйлаб турганга ўшарди.

У тош солинган халтачаларнинг бирини олди. Чол бу халтадаги тошларни бир неча кун кўзадаги сувга солиб қўйган эди. Тош сувда турса ҳаво ранг тўсга кириб энг асл фирузадек ялтираб кетар эди. Лекин бундай тошлар бир неча ҳафтадан кейин хиралашиб, чиройини йўқотарди-ю, оддий тошга ўшарди-қоларди.

Дўкон ичи салқин, ёқимли эди. Пештахта устига панжарадор деразадан қуёш нури тушиб турарди. Заргар жавондан бир халтача олди-да, ичидаги тошларни пештахтага тўкди. Марко оз бўлмаса, ҳайратдан «воҳ!» деб юборай деди. Беқийс, асл тошлар қуёш нурида чўғдек ловилларди.

Заргар, бу фирузалар Нишопурдан келтирилган жамики тошлар ичида энг асили, деб қайта-қайта онт ичди.

— Яхшилаб қаранг-а, жаноблар! Ахир бу фирузалар юлдуздан чиройли эмасми? Манави тошга бир назар ташланг. Ранги тиниқлигини қаранг! Бунга фақат тонгги шабнамнигина қийс қилса бўлади! Азиз-анбиёлар ҳақи онт ичиб айтаманки, йигирма беш йил заргарлик қилиб, бу тахлит тошни кўрган эмасман.— У овозини пасайтириб, илтижо қилди:— ўтиниб сўрайман сиздан, ҳозир сизга кўрсатадиган нарсам тўғрисида лом-мим деб оғиз оча кўрманг.— Шундан кейин сирли равишда шивирлаб бундай деди:— Бахтингиз бор экан, саховатли жаноблар. Сулаймон замонасидан бери бунақа тош бўлмаган. Рўпарангиздаги фируза бир вақтлар халифанинг хазинасини безаб турган. Менга бунини бир татар князи сотган.— Чол бир қисим тош олди-да, дераза олдига келди ва уларни ёруғга солиб, мароқланиб томоша қилди:— Бу фируза қуёшдан зиёд нур сочади. Ёлғиз олло-таолонинг кўзларигина шу тахлит чарақлаб туради.

Ака-укалар чолнинг қайта-қайта таъзим қилиб айтган бу гапларига пинакларини ҳам бузмай қулоқ солдилар. Маффео пештахта устидан энг йирик тошни олиб кафтига қўйди-да, салмоқлаб кўрди, кейин



кўрадаги оловга тутиб, ҳидлаб, Маркога шундай деди:

— Баъзи савдогарлар бўялган фил суягини фируза деб сотадилар. Лекин қалбаки тош асл тошга қараганда енгил бўлади, оловга тутилса улардан суяк ҳиди келади.

Заргар бу гапларни эшитиб, чапак чалиб юборди ва мен бообру савдогарман, умрим бино бўлиб қалбаки тошларни сотмаганман, деб худони шафе келтириб онт ича бошлади. Лекин у шу заҳоти пештахта устидаги фирузаларни чаққон йиғиштириб олдида, уларни яширди ва жавондан бошқа халтача олиб келди.

Заргар пештахта устига янги тошларни тўкканда Николо Поло акаси билан Маркога қувлик билан қараб, кулиб қўйди. У айёр чолнинг оғзидан бол томиб, гапираётган гапларига парво қилмай, кафтига тошларни қўйиб, диққат билан уларни кўздан кечира бошлади. Бу тошлар кўм-кўк шуъла сочар эди. Улар оловга тутилганда ҳам заррача бўлсин тусини ўзгартирмади.

Нархи устида улар ярим соатдан ортиқ тортишдилар. Ниҳоят баҳосини келишишгач, заргар бу олди-сотдидан бир тийин ҳам фойда кўрмадим, деб венецияликларни ишонтирмоқчи бўлди.

Николо Поло унга закат берди. Ака-укалар фирузани хурмо дарахтидан қилинган қутичага солиб, устига ўз муҳрларини босиб қўйдилар. Бир ойдан кейин, жўнаб кетишаётганда бу ерга келиб, қолган пулни тўлашадида, тошларни олиб кетишади.

Заргар мижозларини кўчагача узатиб чиқди. Хайрлашаётиб у тавозе билан кетма-кет таъзим этиб, уларга хўп хушомад қилди. Савдодан кўнгли тўлган заргар венецияликлар орқасидан ҳурмат билан қараб қолди.

Венецияликлар карвонсаройга қайтиб келаётиб, йўлда Ҳасанбекни учратиб қолишди. Ҳасанбек улар билан саломлашгач, ишларини суриштирди. Бу сафар унинг қовоғидан қор ёғилмас, анча чиройи очилган эди. Лекин Николо билан Маффео Поллар унга сиполик билан жавоб қайтардилар. Ҳасанбек ҳамроҳларининг суҳбатга ҳушлари йўқлигини кўриб, бозорга шошиб турибман, от олмоқчиман, деб баҳона қилдида, жўнаб қолди.

— Шу одам менга ёқмайди,— деди Николо Поло

ўйга чўмиб.— Менимча у бир балони бошламоқчи бўлиб юрибди. Йўқса, бизнинг ишларимиз билан унинг иши нима?

— Мен бу тахлит одамларни учратганман,— деди Маффео укасига эътироз билдириб.— Дунё вафо қилмаган уларга.

— Кеча Бағдодга Ормуздан учта одам от чоптириб келди,— деб Николо гапида давом этди.— Тоғдан тушиб шаҳарни босган қароқчилар қўлидан атиги шу учта одам қутулиб қолибди. Айтишларича, қароқчилар сеҳргар эмиш, уларга инс-жинслар ёрдам қилармиш. Улар куппа-кундуз кунни карвонларга ҳужум қилганда ҳамма ёқни зим-зиё қоронғилик босармиш, одамлар бир-бирларини кўрмай қолармиш.

— Бизга бало ҳам урмайди, чунки бўйнимизга «Абу Жокий»ни осиб оламиз,— деди Маффео ҳазиллашиб.

— Тузукроқ қурол топиб қўйган маъқул,— деди Николо унга жиддий қилиб.

Маффео Поло ҳам жиддий қиёфага кириб:

— Гапинг тўғри,— деди.— Ҳушёр бўлишимиз керак, Ҳасанбекнинг ғамгин кўзлари ассасинларникига<sup>1</sup> ўхшайди. Унинг ҳам татарларни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Лекин бу унинг қароқчилар билан алоқаси йўқ деган гап эмас.

Марко бу суҳбатга қизиқиб қулоқ солди. Шу пайтгача Ҳасанбекка ачиниб келган Марко энди унга шубҳа билан қарай бошлади. У сафарлари хавфли бўлаётганидан қувониб, эронлик савдогардан кўз-қулоқ бўлиб туришга аҳд қилди. Ахир сафарга саргузашт қидириб чиққан эди-да.

— Мен: «Ғамгин кўзлари ассасинларникига ўхшайди» деган гапингизга тушунмадим, амаки,— деди Марко.

— Ҳадемай карвонсаройга етамиз. У ерда тоғ Зоҳиди воқеасини эшитганингдан кейин гапларимга тушунасан.

— Ҳозир гапириб бера қолинг,— деб Марко илтимос қилди.

---

<sup>1</sup> Исмоилийлар ёки ассасинлар — бутун Яқин Шарққа даҳшат солган махфий диний мазҳаб.

Шуниси қизиқки, «ассасин» сўзи французча «ассасинэ» — ўлдирмоқ феълига бориб тақалади. Исмоилийлар XII—XIII асрларда кўплаб мусулмон ва христиан ҳукмдорларини ўлдирганлар.

— Сабринг чидамаяптими?— деди Николо,  
— Буни сенга пешиндан кейин гапириб бераман,—  
деб ваъда берди унга Маффео.

\* \* \*

Пахса девор билан ўралган боғда ўрик гуллаб  
ётарди. Қуёшнинг илиқ нуридан майсалар сабза ур-  
ган, бута ва дарахтлар куртак ёзган эди. Ҳовли сув  
қуйгандек жим-жит, савдогарлар гилам тўшалган уй-  
ларга кириб кетган эдилар. Пешиндан кейин, ухлаб  
туришгач, Марко амакисига ваъдасини эслатди.

Улар мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб  
боғга чиқдилар. Николо Поло билан капитан Матео  
ҳам уларга ҳамроҳ бўлди. Хизматкор наमत олиб  
келди. Венецияликлар эронликларга, ўхшаб чордана  
қуриб ўтирдилар. Ўрик шоҳида қандайдир олачипор  
бир қушча сайрарди.

— Тоғ Зоҳиди воқеасини бир неча марта эшит-  
ганман,— деди Маффео Поло гап бошлаб.— Уни қан-  
дай эшитган бўлсам шундайича сўзлаб бераман. Бир  
неча йил олдин Мисрда мусулмон мазҳаблари пайдо  
бўлган экан, бу мазҳаб тарафдорлари ислом динига  
амал қилишига қарамай, бошқа давлатлар билан  
махфий равишда алоқа боғлар эканлар. Шу пайтда  
Ҳасан ибн Али Эронда ассасинлар мазҳабини ташкил  
қилибди. Ҳадемай бу мазҳаб тарафдорлари кўпайиб  
кетибди. Ҳасан ҳийла-найранг ишлатиб, хоинлик қи-  
либ, одамларни сотиб олиб Эроннинг шимолидаги  
кўпгина қасрлар ва қалъаларни қўлга киритишга  
муваффақ бўлибди. У тоғдаги Аломут номли мустақ-  
кам қалъада истиқомат қиларкан. Ихлосмандлари  
Ҳасан ибн Алини авлиё билиб, уни тоғ Зоҳиди деб  
аташибди. Улар тоғ Зоҳидининг ҳар бир буйруғини  
қулоқ қоқмай бажаришаркан.

Ҳасан ибн Алининг издошлари ўз мазҳабларининг  
қудрати ошиши йўлида қўлларидан келган ҳамма  
ишни қилибдилар. Ҳасаннинг вориси Рукниддин ос-  
монўпар тоғлар орасидаги чиройли водийда афсона-  
вий боғ барпо этишни буюрибди. Водийда анвойи тур  
гуллар ва оламда тенги йўқ мева дарахтлари ўсар  
экан. Тоғ ёнбағирларида ажойиб саройлар қуриб, то-  
мини тилла билан ёпишибди. Уларнинг ичидаги зий-  
нату ҳашамни кўрган одамнинг оғзи очилиб қолар-  
кан, деворларига нақш солинган ёки кўзни қамашти-

радиган шойилар тутилган экан. Боғда чашманинг сувидан фонтан отилиб тураркан. Мармар ариқлардан сут, шароб ва асал оқаркан. Саройларда ҳуснада тенги йўқ қизлар яшаркан. Улар тор чертиб, гулларга бурканган майсазорларда рақс тушишаркан.

Тоғ Зоҳидининг бундай афсонавий боғ барпо қилишдан кўзлаган мақсади бошқа нарса эди. Маълумки, ислом дини мусулмонларга барча ибодатларни бажарган одам жаннатда роҳат-фароғатда яшайди деб таълим беради. Рукниддин ҳам ўзининг пайғамбар эканлигига ва кўнглига яқин одамларга жаннат эшигини оча олишига мусулмонларни ишонтирмоқчи бўлади. У водий бошланадиган жойга одам оёғи етмайдиган қалъа қуришни буюради. Унга яширин йўл билангина борилар эди. Мазҳаб пири ўз саройида тоғ аҳолиси орасидан танлаб олган ўн иккидан тортиб йигирма яшаргача бўлган хушрўй йигитларни асрайди. У ҳар куни, мен пайғамбарман, хоҳласам сизларни жаннатнинг ҳузур-ҳаловатидан баҳраманда қиламан, деб уларнинг қулоқларига қуяди.

У гоҳо-гоҳо ўнта ёки ўн иккита йигитни танлаб оларди-да, уларга уйқу дориси беришни буюрарди. Йигитчалар донг қотиб қолишгач, уларни ажойиб боғлардаги саройларга олиб боришарди. Йигитчалар уйғониб, теварак-атрофларидаги мислсиз ажойиботларни кўриб лол қолардилар. Майсазорда ой деса оғзи, кун деса кўзи бор гўзал қизлар чарх уришарди, улар қўшиқ айтишар, лаззатли таомлар ва гулгун шароблар билан меҳмон қилишар эди. Йигитчалар ариқда оқиб ётган сут билан асални кўриб жаннатга тушиб қолибмиз деб ўйлашар, сира-сира бу оромгоҳдан кетгилари келмас эди.

Йигитлар шу тахлит тўрт-беш кун давр-даврон суришгач, уларга яна уйқу дориси бериб, Рукниддиннинг саройига олиб келишарди. Рукниддин уларни ҳузурига чақириб: «Хўш, ботир чироқларим, нега кўринмай қолдингиз?— деб улардан сўрарди. Йигитчалар унга: «Сизнинг олий марҳаматингиз туфайли биз жаннатда бўлдик», дейишар ва роҳат-фароғатда ўтказган ажойиб вақтлари тўғрисида сўзлаб беришар, бунини эшитган одамлар ҳайратга тушиб, ёқаларини ушлаб қолишар эди. Рукниддин фурсатдан фойдаланиб шундай дерди: «Пайғамбаримиз кимки ўз беги учун жонини берса жаннатга тушади деганлар. Агар сизлар менинг барча буйруқ ва фармойишларимни

сўзсиз адо этсангиз бир умр ҳузур-ҳаловатда бўласиз».

Бу гапни йигитчалар шавқ-завққа тўлиб тинглар эдилар. Улар бекларининг буйруғини адо этишни ўзлари учун улкан бахт деб билишар, унга бажонидил жонларини қурбон қилишар эди. Рукниддин кўнглига ёқмайдиган қўшни бекларни ўлдириш учун яширинча шу одамлардан юборарди. Ҳар бир жангчиси унга жонини беришга тайёр эди.

Ассасинлар ҳокимияти ҳаммани даҳшатга соларди. Рукниддиннинг иккита қоиммақоми бўлиб, биттаси Дамашқда, иккинчиси Курдистонда ҳукм сурар эди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Рукниддиндан ўрнак олар, ёш муридларини қулоқ қоқмай амрига итоат этиш руҳида тарбияларди. Хуллас тоғ Зоҳиди билан чап бўлиб қолган энг қудратли ҳукмдор ҳам ўлимдан қутулолмас эди.

Татарлар шарқ томонга юриш қилиб Эронни забт этгач, буюк хон Мункэнинг укаси Хулагухон Рукниддиннинг жинойи ишлари ҳақида эшитиб қолади. Унга тоғ Зоҳидининг одамлари мамлакатларидан ўтган ҳар қандай йўловчиларга ҳамла қилади, деб гапириб беришади. 1256 йилда Хулагухон бўйсунмас бек яшириниб ётган қалъани ўраб олиш учун бутун бошли қўшинини юборади. Қалъа шу қадар мустаҳкам эдики, қўшин уни уч йилгача ололмайди. Лекин очлик ахири одамларнинг тинкасини қуритади ва Рукниддин таслим бўлади. Қалъани ер билан яқсон қилиб, боғ-роғларни бузиб ташлайдилар. Бөшда бўйсунмас бекни оёқ-қўлига кишан уриб, буюк хон Мункэнинг ҳузурига, Қоракорумга<sup>1</sup> олиб бормоқчи бўладилар, лекин кейин аҳдларидан қайтиб, уни Филонда ўлдирадилар.

Татарлар ассасинлардан қаттиқ ўч олишга аҳд қилдилар. Буюк хон бутун мазҳабдагиларни, хоҳ хотин, хоҳ гўдак бўлсин, ҳаммасини қиличдан ўтказишни буюради. Натижада аёвсиз қирғин бошланади, бармоқ билан санарли одамларгина жон сақлаб қолади.

<sup>1</sup> Қоракорум — Мункэхоннинг Орхун дарёсининг соҳилидаги, Улан-Батордан ғарбда жойлашган қароргоҳининг номи. 1267 йилгача буюк хонлар Қоракорумда туришган. Бу қароргоҳ шаҳарда мўғуллар томонидан Ўрта Осиё, Эрон, Рус ерлари ва Хитойдан олиб келинган кўплаб ҳунарманд қўллар яшардилар.

Маффео Поло жим бўлди. Марко чошгоҳ қуёшининг иссиқ нуридан очилган гунчага паришонхотир қараб қолди. Буталар яшнаб турар, оқ-қизил гуллар барқ уриб очилиб ётар эди. Ут орасидан оқаётган ариқда сув шилдирар, пахса девор орқасидан осмонга кўкиш тутун кўтарилар эди.

— Бориб Жульеттадан хабар олай-чи,— деди капитан Матео,— отбоқарларга ишониб бўлмайди.

У бордан ўтди-да, тор эшикдан ҳовлига кириб кетди.

— Ассасинларнинг ғамгин кўзлари ҳақидаги гапларимга энди тушунгандирсан?— деди Маффео Поло Маркога.

— Ҳа, энди тушундим. Сизнингча Ҳасанбек...— Шу пайт Марконинг хаёлига тунги суҳбат келди:— Ҳожи Муҳаммад менга фонтан ёнида татарлар Ҳасанбекни уйидан, пулидан, бола-чақасидан жудо қилди, деган эди.

— Балки биз ундан ноўрин шубҳага тушаётгандирмиз,— деди Маффео Поло.

— Ҳар нима бўлганда ҳам эҳтиёт бўлишимиз керак,— деб қўйди Николо Поло.

## КАРАУНАСЛАР БИЛАН ТУҚНАШУВ

Белига зилдек шамшир осиб олган Матео карвоннинг охирида борар эди. Тоққа тик кўтарилиб кетган йўлнинг икки чеккасидаги пальмазор ўт пуркар, қуёш тандирдек қиздирар эди.

Матео отига дардини ёрди:

— Бу азобнинг ҳеч охири борми? Кўзингга қара, Жульетта. Анави чўққига етиб олсак, денгиз кўринадди. Кейин салқин ҳам тушиб қолади.

У шуни деб манглайдан маржон-маржон терларини сидириб ташлади. Жульетта унинг гапларини қулоқ қоқмай тинглади. Олдинда ўн бешта туя бир маромда лўкиллаб борарди, кўкимтир, кўримсиз эшаклар эса, сўқмоқдан шошилмай кетарди.

Матео яна тилга кирди:

— Йилнинг шу фаслида Венеция нечоғлик кўркам бўлишини сен билмайсан-да. Денгиздан салқин шабада эсади. Сувнинг нақ ўртасида турган шаҳарни ҳеч кўрганмисан? Йўқ, бу сенинг етти ухлаб тушингга ҳам кирмаган. Саройлару кўприкларни гапирмай ҳам қўя қолай...

Капитан Матео томоғи қуриб, тили калимага кел-маса-да, зўр бериб гапирар эди. Чунки шундай қилса дарди енгиллашарди.

— Э, нимасини гапирай, қаёққа қарасанг, сув. Қўлингни тиксанг борми, ҳузур қиласан, ўзингни худди сувдаги балиқдек сезасан. Тутиб бозорга олиб кетилган балиқлардек эмас албатта.

Карвон кўтарган чанг-тўзон ўт-ўлан ва дов-дахтларнинг япроқларига қўнар эди. Жазирама иссиқдан сўлиган кўкатлар орасида тўтиқушлар кўринар эди. Қарқур ва тустовуқлар шундоққина йўлда юрар, яқинига келишгандагина «парр» этиб учиб кетар эди. Йўлнинг икки ёқасида ғарибона кулбалар кўринарди. Улар хурмо дарахтидан қурилган бўлиб, усти пальма япроқлари билан ёпилган эди. Пастак пахса деворлар ичида боғ-роғлар яшнаб ётар, ёнғоқ, лимон, анжир ва анорлар ғарқ пишган эди.

Йўлда ҳеч зоғ кўринмайди. Қиём пайтидаги жазирама иссиқда бу қишлоқ аҳолиси худди қирилиб кетгандек эди.

Марко отаси билан ёнма-ён борарди. Қадди-бас-ти келишган, забардаст йигитча от устида қўйиб қўйгандек ўтирар, отни ўзига ром қилиб олган эди. У яхшигина чавандоз бўлиб қолган, фурсат топилди дегунча чавандозликнинг янги усулларини ўрганар эди. Лекин бу жазирама иссиқда Марко ортиқча ҳаракат қилмас, бошини қуёшдан асраш ниятида оқ шарф билан боғлаб олган эди. Унинг юзи офтобда қорайиб кетган эди. У диққат бўлиб, отини йўрттириб борарди.

Марко пешанаси ва юзини тер босгандан ёши катта кўринар эди. У ҳолдан тойиб мудраб ўтирган лекин душманни кўриб қолса уни маҳв қилиш учун жон-жаҳди билан олишадиган жангчига ўхшарди.

— Капитан Матео қани?

Марко отасининг овозини эшитиб ҳушига келди ва аланглаб атрофига қаради. Амакиси Маффео ёлғиз ўзи борарди. Унинг орқасидан Ҳасанбек келарди. Улар тоғ чўққисига яқинлашиб келишар, йўл торайиб қолган эди.

— Матео кўринмайди. Уни қидириб топаман.

— Яхши, лекин кўздан йўқолма. Агар Матеони тополмасанг, йигитларга хабар бер.

— Хўп бўлади, ота.

Отасининг топшириғидан Марко хурсанд бўлиб

кетди. У, гўё шифобахш сув ичгандек енгил тортиб, кучига-куч қўшилди ва шартта отнинг бошини бурди. Амакиси ҳойнаҳой мудраб келаётган бўлса керак, ёнидан индамай ўтиб кетди.

Ҳасанбек теварак-атрофга диққат билан назар ташлади-да:

— Қаёққа кетяпсиз, Марко?— деб сўради.

Марко:

— Нима ишингиз бор,— деб аста пичирлади-да, кейин овозини баралла қўйиб:— Ҳозир келаман,— деди.

— Карвондан қолиб кетманг!— деб Ҳасанбек унинг орқасидан бақириб қолди.

Марко энсаси қотиб, қамчисини қарсиллатди. Нега энди бу Ҳасанбек унга жон койитиб қолди? Отаси билан амакиси йўл-йўриқ кўрсатгани ҳам етар.

Марконинг ёнидан ҳайдовчилар отларни, хачирларни, эшаклар ва туяларни ҳайдаб ўтишди. Пойлоқчи йигитлар карвонни кўриқлаб боришарди. Марко уларни биридан, капитан Матеони кўрмадингизми, деб сўраган эди, кўрганим йўқ дегандек елкасини қисди. Марко нима қилишини билмай, тараддудга тушиб тўхтаб қолди. Унга гала-гала пашшалар билан чивинлар ҳамла қилди. Марко қамчисини қарсиллатиб, уларни қувиди. От типирчилаб қолди. Марко отнинг биқинига нуқиб, уни аранг бир ерда ушлаб турарди.

Мана йўл қайилишида охирги туя ҳам кўздан йўқолди. Нима қилади энди? Матеони тополмай орқасига қайтиб кетадими? Маркога туёқ товушлари ва ҳайдовчиларнинг ҳайт-ҳуйтлари эшитилмай қолди. Ҳамма ёқни фавқулудда сукунат қоплади. Қуёшнинг ўтли ҳароратидан сўлиган чечаклар чиройини йўқотган, ўт-ўланлар қовжираб қолган эди. Марко бу ерда фақат искабтопарлар, чивинлар, қорақурт ва илонларгина истиқомат қилиши мумкинлигини ўйлади.

Лекин Матео қаёққа ғойиб бўлди экан?

Карвон Ормуздан уч кунлик йўл берида эди, овозаларга қараганда қароқчи караунаслар шу ерда тоғларда яшириниб ётишарди, отаси Маркони бу ҳақда огоҳлантирган эди. Марко овози борича Матеони чақирди, лекин унинг овозини дим ҳаво ютиб юборди. Шундан кейин у отининг бошини орқага, қишлоққа бурди-да, елдек учиб кетди. Марко қудуқ ёнида тур-



ган Матеони кўриб қолди-ю, терга пишган отининг жиловидан тортиб тўхтатди. Азбаройи жаҳлий чиққанидан Матеонинг башараси уникиб кетган эди. У рўмољчасини қовгадаги сувга ботирди-да, қўл латгани пешанасига босди, кейин латта билан Жульеттанинг сағрисини артди. Матеонинг ёнида оппоқ кийимбош кийган, қорачадан келган учта эркак турарди.

Марко дарҳол жаҳлидан тушди ва унга:

— Қани, жўнадик, капитан Матео! Карвон дам олиш манзилига етай деб қолди. Агар бу ерда ҳаяллаб қолсак, кейин унга етолмаймиз,— деб қичқирди.

— Хайрият, шу ерда экансан Марко,— деди Матео ва қовгани қудуққа туширди. Лекин у чуқур ўрнашган кўзларини атрофида турган эркаклардан узмай, уларнинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай турди.— Манавиларнинг қоққан қоқиқдек йўлимда турганини балки сен тушунтириб берарсан? Лекин, отдан туша кўрма, Марко... Бу ерда бир гап борга ўхшайди.— Бир эронлик отининг жиловидан ушламоқчи бўлиб, қўлини чўзган эди, Матео унга:— Ҳой, шайтондан тарқаган, торт ифлос қўлингни!— деб ўшқирди-да, эронликнинг қўлидан ушлаб, силтаб олди-га тортди.— Иш деган бундай бўпти, ошна, кел яхшиси, тинчгина ўз йўлимизга кетайлик, йўқса қудуққа отиб юбораман, Марко, ишқилиб отдан тушма!

Капитан Матео эронликнинг қўлини қўйиб юбормай, Жульеттанинг олдига бораверди. Эронлик капитаннинг забардаст қўлидан чиқмоқчи бўлиб зўр бериб типирчилар, бўйин томирлари ўқлоғдек ўйнаб кетган эди. Бир вақт Матео уни шундай улоқтириб юбордики, эронлик бир неча қадам нарига учиб кетди. Матео нима қилишини билмай талмовсираб турган иккита эронликдан кўзини узмай отининг жиловидан ушлаб олди. Лекин у ўзини эгарга олгани ҳамано, ҳалиги икки эронлик наъра тортиб юборди. Шу заҳоти кулбалардан қуролланган одамлар югуриб чиқишди-да, бақириб-чақириб қудуқ томон отилишди. Қайси бириям отган найза Марконинг шундоққина елкаси ёнидан ўтиб кетди. Иккинчи найза Жульеттанинг оёғига санчилди. Бия олдинги оёқларини тикка кўтариб, қароқчилар устига ташланди. Чуқур ярасидан қон оқа бошлади. Кейин бирдан олдинги оёқлари букилиб кетди-ю, гурсиллаб йиқилди. Баногоҳ Матео ерга қулади, лекин шу ондаёқ дик этиб ўрнидан турди-да, қиличини ялағочлади. «Қараунаслар»,— деб

1  
Уйлади Марко. У душманнинг қанчалигини билмоқчи бўлиб, уларни санади, улар тўққизта ёки ўнга эди. Қудуқ ёнидаги ҳалиги учта қурулсиз одам уйга кириб кетишган эди. Марко ўзига хавф таҳдид қилаётганини кўнгли сезиб, беихтиёр отнинг бўйни устига энгашди, шу заҳоти аллаким отган найза унинг бошига тегай-тегай деб ўтиб кетди. Марко отини шартта бурди-да, найза отган одамни отига бостириб ўтди. Бошқа биттасини қилич билан чопиб ташлади. Марко қизишиб кетди, устидаги кийими баданига ёпишиб қолди, сочлари ҳўл бўлди. От тоқатсизланиб депсинар, бу ердан тезроқ қочиш пайида эди.

Шу пайт қудуқ олдида турган ҳалиги уч киши уйдан қурулланиб чопиб чиқиб қолди. Улар караунаслар ўраб турган Матеонинг олдида интилишди. Маркога қочишга қулай фурсат келди. Қароқчилар унга заррача бўлсин эътибор қилмадилар. Гарчи Матео зилдек қиличи билан зўр бериб ўнгу сўлига зарба тушираётган бўлса-да, унинг қаршилиги узоққа чўзилмаслиги маълум эди. Балки бориб йигитларни чақириб келгани маъқулдир?

Унинг қулоғига Матеонинг:

— Марко, чоп!— дегани эшитилди.

Марконинг оёғи тагида караунас отган найза ётарди. Чанг-тўзон кўкка ўрларди. Қиличларнинг шарақлаши, қароқчиларнинг қийқириғи, ярадорларнинг оҳ-фарёди ер-кўкни тутган эди. Тўртта эронлик яраланибми, ўлибми ерда чўзилиб ётарди.

Матео хириллаб:

— Марко, одамларни ёрдамга чақир,— деди.

Кейинги воқеалар кўз очиб-юмгунча бўлиб ўтди. Матеонинг бўйнига сиртмоқ ташладилар. У бир силтанди-ю, оғриқдан аъзойи бадани қақшаб чинордек гурсиллаб қулади. Қўлидаги қиличи отилиб, тупроққа тушди. Марко қароқчилар устига от солган эди, беш нафар караунас найза ўқталиб унинг йўлини тўсди. Марко отнинг биқинига қаттиқ ниқтаган эди, от олдинги оёқларида тик турганча, шартта орқасига бурилди-ю, Маркони жанг майдонидан олиб қочди.

Марконинг фикри-зикри тезроқ ёрдам чақириб, Матеони қутқариб олиш эди. Унинг қулоғига қароқчиларнинг сўқиниши ва ғала-ғовури ҳамон чалиниб турарди. От қишлоқлар, дарахтзорлар ва қоялар ёнидан ўқдек учиб бормоқда эди. Марко эгар қошига эн-

гашиб олганча, ҳадеб отнинг биқинига оёқлари билан ниқтарди. Иланг-биланг йўл чўққига олиб чиқарди.

Матеони қутқариб олиш керак!

Марконинг боши оғрир, қулоғи шанғиллар, чаккалари лўқиллар, юраги дукиллаб урар эди. Уни яна ташналик ҳам жуда қийнаб юборди. Оғзи қуруқшаб қолган, қуёш эса худди дўзахдек куйдираар эди. Гўё йўлнинг интиҳоси йўқдек кўринарди. Икки ёнда боғроғлар ястаниб ётарди.

Бирдан Марко от дупурини эшитгандек бўлди. У ўтирилиб орқасига қараган эди, лекин ҳеч ким кўринмади. Қароқчилар уни орқасидан қувмаган эдилар. Чамаси, улар карвонни кузатиб келаётган пойлоқчилардан кўрқишганди.

Марко отга қамчи босган эди, от бутун кучини тўплаб, елдек учиб кетди. Йигит отасини ўйлади: ўглининг ўзбошимчалиги учун Николо Поло нима деркин?

Шу пайт Марко эгарланган иккита салт отнинг йўргалаб келаётганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Аввалига у, отлар карвон дам олгани тўхтаганда қочиб кетган бўлса керак, деб ўйлади. Лекин кейин бу фикри асоссиз эканлигини тушунди, агар шундай бўлса, йигитлар уни бирпасда тутиб олардилар. Отлар яқин келганда Марко отлардан бирини таниди, у отасининг тўғриғи эди. Йигитнинг юраги орқасига тортиб кетди. Жялов қўлидан сирғалиб тушди-ю, от тўхтади-қолди. Марко отдан сакраб тушди-да, тўриқни чиқарди. От таниш овозни эшитиб, ҳадиксираб яқин келди.

Марко унинг жиловидан ушлади-ю, лекин шу заҳоти қўйиб юборди. Зеро энг аввал қандай ҳодиса содир бўлганини билмоғи керак эди. Марко калавадек чувалиб кетган фикрларини бир жойга тўплаб, отини дарахтга боғлаб қўйди-да, нарёғига ўзи югуриб кетди.

«Ахир отам ёлғиз эмас-ку, унинг ёнида амаким Маффео ва йигитлар бор. Боз устига савдогарларнинг ҳаммаси қуролланган, — деб ўйлади у. — Карвонга ҳужум қилиш осон иш эмас».

Марко отасининг ёнида бўлиб, унинг бошига тушган кулфатни даф қилишга ёрдам қилмагани учун жуда хуноб бўлди. Лекин у, карвонга қароқчилар ҳамла қилган, деган гапни қаёқдан топди? Ҳадемай у

пальмазорда эсон-омон дам олиб ўтирган яқинларини кўради...

Марко қадамини тезлатди. Баланд ясси тоққа кўтарилиб борган йўл олисда пастликка шўнғиб кетар эди.

Теварагини баҳайбат тоғлар қўршаб олган, уларнинг устида шишадек тиниқ осмон кўзга кўринарди. Ёлғизлик уни бетоқат қиларди. Ёнбағирликда сарғиш-яшил ўт ва янтоқ ўсиб ётарди.

Гармсел заранг ердан чанг-тўзон кўтарар эди. Марко чор-ночор қўли билан кўзини пана қилди. Шу вақт у олисда шитоб билан ўзи томон келаётган отлиқларни кўриб қолди. Оқ кийинган чавандозлар уни кўрган-кўрмаганини Марко билмасди. Лекин оти боғланган ерга чопиб боришга фурсат ўтган эди. У ўзини таппа ерга ташлади-да, эмаклаб, йўлдан эллик қадамча четдаги пастқам ерга бориб беркинди.

Орадан хийла вақт ўтгач, Марко бошини кўтариб, ўтлар орасидаги йўлга қаради. Марко кўзига қум кириб, тўзғиб кетган сочлари юзига тушиб турганидан йўлда кетаётган отлиқларнинг ўн иккита эканлигини зўрға санади. Уларни қишлоқдаги қароқчилардан сира ажратиб бўлмасди. Булар ҳам қўлларига найза ушлаб олган, елкаларига камон осган эдилар, лекин садоқларида битта ҳам ёй ўқи қолмаган эди.

Марконинг юраги така-пука бўлиб кетди. Назарида отлиқлар тўғри унинг олдига келаётгандек бўлди. У қиличини қинидан суғуриб, ёнига қўйиб қўйди. Чап қўлига эса ханжарини ушлаб олди. Отлиқлар унинг устига бало-қазодек бостириб келар, қочишнинг сира иложи йўқ эди. Борди-ю, қароқчилар кўриб қолишса, унинг калласи кетиши аниқ эди.

Саргузашт деб мана буни айтадилар! Венецияда фусункор кўрфазнинг жамолини назар-писанд қилмай узоқлашиб кетаётган кема орқасидан юраги сиқилиб қараб қолганида ёки карвон бир неча кун муттасил ёмғир қуйиб турганда зерикарли йўлда кетаётганида у саргузашт ҳавасида ёнганда шундай бўлишини ўйлаганмиди?

Ахир у қароқчилар ва қулдорлар билан жанг қилишни, соҳибжамол ғамбода лўли қизни тутқинликдан халос қилишни, баҳодир деган ном чиқаришни, олтин-кумуш эгаси бўлишни, одамларнинг меҳри-муҳаббатини қозонишни, боз устига ажойиб бир қизни мукофотга олишни орзу қилган эди-ку!

Мана энди бўлса жазирама иссиқда тупроққа беланиб ётибди.

Оқ кийинган қароқчилар яқин келиб қолишди. Марко уларнинг қора, жангари башараларини аниқ кўрди.

Назарида ҳар юрак уриши орасидаги муддат бир соатга тенг келадигандек туюлди. У жангга шай бўлиб турди. Ёнида қиличи ётарди. Марко бир зарб билан ханжарини дастасига довур ерга санчди-да, ҳамлага тайёрланиб турди.

Қароқчиларнинг найзалари қон, кийимлари дабдала эди. Улар Марконинг ёнидан от чоптириб ўтиб кетдилар, шунда Марко уларнинг ўртасида отга боғлаб олиб кетилаётган иккита асирни кўриб қолди. Асирлардан бири Ҳасанбек эди. У от устида қимир этмай ётар, кийими қонга бўялган эди.

Маффео Поло Бағдодда: «Шундай одамлар борки, бошлари мусибатдан чиқмайди»,— деган эди.

Мана ҳозир Ҳасанбек қаттиқ яраланиб, от устида ётибди.

Қандай ҳодиса юз берди, деган савол Маркони жуда қийнарди.

Иккинчи асир қўриқчилардан эди.

Марко чўк тушиб ўтирди. Қароқчилар ғойиб бўлган эди. Ҳадемай улар эгарлоғлиқ отларни ва Марконинг дарахтга боғлаб қўйилган айғирини кўрадилар. У қиличи билан ханжарини олди-да, йўлдан нари кетди. Аймоқи токнинг новдалари оёғига ўралар, тиканлар кийимини йиртар эди.

Тоғ ёнбағрида чанг кўтарилди. Марко отларнинг кишнашини ва одамларнинг қичқирганини эшитиб бута орасига бекинди. Кўп ўтмай у карвондаги ўзига таниш хачирларни, отларни ва эшакларни кўрди. Оқ кийимдаги қароқчилар оғзиларидан боди кириб, шоди чиқиб сўкина-сўкина, қамчиларини қарсиллатиб уларни ҳайдаб боришарди. Безовталанган жониворларни бир тўда қилиб ҳайдаб бориш қийин эди. Иккита туя йўлдан четга қочди. Қароқчилар уларни қувлаб кетишди. Бу вақтда Марко яқинроқ қишлоққа чопиб боришдан умидини узди, чунки у жуда овлоқ жойга бориб олган эди.

Марко қўли билан кўзини яширди-да, қароқчилар ўтиб кетишини кутиб турди. Уларнинг орасида асирлар кўринмасди. Карвон билан келаётган одамларга

нима бўлдийкин? Отаси қани? Амакиси Маффео қарда? Наҳотки уларни қароқчилар ўлдирган бўлса?

Сон-саноқсиз саволдан Марконинг калласи шишди! Йўқ, у бундай саргузаштларни бошидан кечиришни орзу қилмаган эди. Одатда ажойиб-ғаройиб саргузаштларни каминда ўтин чирсиллаб ёнаётганда, иссиқ уйда ўтириб орзу қилишади.

Маркони ташналик қийнай бошлади.

\* \* \*

Тик қоя орқасида сув оқарди. Тошларнинг ёригидан сизиб чиққан сув қўнғир-сарғиш ерни суғорарди. Шўх жилғалар мевали дарахтлар ва хурмолар ўсиб ётган сёрҳосил водийдан шитоб билан оқиб ўтарди. Ям-яшил ўтлоқда отлар, эчкилар ва эшаклар ўйноқилаб юрарди. Чоғроққина дарахтзор караунасларнинг кулбаларини бегона кўздан яшириб турарди.

Қош қорая бошлади. Қараунасларнинг бошлиғи, жиккакқина, чаққон бир одам ўлжани: ипак-шоҳиларни, гиламларни, қоплардаги буғдой ва гуручларни, той-той пахталарни, тивит ҳамда бошқа нарсаларни кўздан кечирди. Қора мўйловли, ёноқлари туртиб чиққан бу одамнинг кўзлари очкўзликдан чақнаб кетди. Қараунаслар чурқ этмай, ўлжани бўлашишни кутиб туришарди. Болалар эса шавқ-завқларини яширолмай чуғурлашарди.

Қуёш ўрмон орқасига ботгач, шохлар алвон ранга кириб товлана бошлади. Улганлар кулбаларда ётишар, хотинлари эса ёнларига чордана қуриб ўтириб олиб, нолаю фиғон қилишарди.

Асирларни кўриқлаб турган қоровул толеи пастлигидан хуноб бўлар эди, чунки ўлжалар тақсимланаётган пайтда у асирлар билан банд эди.

Қоровул ўранинг оғзига тутилган ёғоч панжара ичига найзасини тикди-да, тўполон кўтарган бир асирга дағдаға қилди:

— Ҳой, қашқир, овозингни ўчириб, тинч ўтир!

Лекин шу пайт қаттиқ силтанувдан панжара устига муккасига йиқилди-ю, отнинг калласидек қулфга урилиб бир он ҳушидан кетди.

Урадаги асир эса қонга беланган қўли билан найзани қоровулнинг қўлидан тортиб олганди.

— Қора маймун!— деб бўкирди Матео оғриқдан

башараси буришиб.— Хўш, қалайсан, найзанг билан биқинингдан дарча очиб қўйсам нима дейсан?

Матео тепа томонига торайиб кетган ўра ичида найзани ўнглаб олгунча хийла вақт ўтди. У найзани кафтига қўйди-да, осмонга иргитди, лекин найза панжарага аранг етди. Қоровул ўрнидан турди-да, гандираклай-гандираклай ўзини панага олди. Чунки Панжара яқинида туриш хавфли бўлиб қолган эди.

Капитан Матео ўранинг бурчагига ўтирди-да, курткасидан йиртиб олиб, ярасини боғлади. У қўлга киритган қуроли — найзани ўлсам ўламанки, асло бировга бермайман деб аҳд қилиб қўйди.

Соқчи эс-ҳушини йиғиб олгач, жуда қўрқиб кетди. Баджаҳл бу девдек одам қуролсиз ҳам йўлбарсдек хавфли эди, энди бўлса унинг қўлида қурол бор. Соқчи ўртоқлари ношудлигидан кулиб, калака қилишларини, бошлиқлари эса нафратланишини ўйлаб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Энди у таҳқирланиб ва шармисор бўлиб зиндонга тушади.

Ношуд соқчи эмаклаб панжара олдига келди-да, юрагини ҳовучлаб ўрага мўраллади. Лекин тутқин соқчининг патила-патила сочини кўрган ҳамоно унга найза отди. Соқчи чор-ночор чекинди. Кейин келиб тутқинга, найзамни қайтариб бер, сенга сут, қимиз, нон ва яхна гўшт келтириб бераман деб ялиниб-ёлвора бошлади.

Гарчи Матео соқчининг куйиб-пишиб гапирган гапларидан ҳеч нарса англамаса ҳамки, унинг алланарса ваъда қилаётганини фаҳмлади. Бундан чиқди, найзани тортиб олгани яхши бўлган экан. Матео бу тор ва сассиқ ўрада ночор-ноилож, шармисор бўлиб ўтирганини ҳам унутди: ўзига ўзи: «Энди лалайиб ўтирма, фикрингни бир жойга тўплагин-да, бир илож топ, йўқса шу ўрада итдек ўлиб кетасан»,— деди. Матеони яна Маркога нима бўлдийкин, у мени деб балого қолди деган ўй ташвишга соларди.

У хотиржамлик билан соқчини чақирди:

— Қани бу ёққа кел-чи, ошна! Бир гаплашайлик.

Соқчи қўрқувдан кўзларини жавдиратиб ўра ичига қаради.

Матео унга дўстона оҳангда шундай деди:

— Утаканг ёрилмасин, қўтир ит, тегмайман сенга. Бирор овқат ва муздаккина ичадиган нарса олиб кел. Овқатдан мўлроқ бўлсин, хўпми? Ана ўшанда найзангни қайтариб бераман, иннайкейин уни менга бе-

Малол суқишинг мумкин. Найзанг ҳозирча меида тура туради. Чоп энди, олиб келадиганингни тезроқ олиб кел.

Соқчи теварак-атрофга аланглаб қаради. Қоронғилик қуюқлаша бошлади. Шериклари ҳамон ўлжа бўлиш билан машғул эдилар. Соқчи Матеога шошапиша бошини ликиллатиб, ҳамма гапингга тушундим, илтимосингни бажо келтираман, деб имо-ишора қилди-да, жўнаб қолди.

Соқчи кўздан йўқолиши биланоқ Матео ишга киришди. У найзанинг учини синдириб олди-да, ўранинг деворидан пиллапоя ўя бошлади. Ура ичи қоп-қоронғи эди. Осмонга дастлабки юлдузлар чиқди.

Бирдан Матео аллакимнинг инграётганини эшитди. Инграган овоз ер остидан чиқаётганга ўхшарди. Матео ишдан тўхтаб, қулоқ солди. Оҳ-воҳ орасида унинг номи тилга олингандек бўлди. Матео юраксиз, қўрқоқ одамлардан эмасди, у ҳеч нарсадан — худодан ҳам, шайтондан ҳам қўрқмасди. Лекин ернинг қаъридан келаётгандек бу овоздан унинг капалаги учиб кетди. Ким билсин, балки гўрда ётган бирорта мурда унинг олдига чиқмоқчидир?

У ётган зиндон қишлоқ четида эди. Қундузги шовқин-сурон тинди, итларнинг вовиллаши, қушларнинг чуғурлаши эшитилмай қолди. Ҳатто хотинлар ҳам йиғлашдан тўхтади.

Матео овози қалтираб:

— Ким бу?— деб сўради ва қулоқ солиб яна номи эшитди. Лекин қулоғига форсча гап-сўзлар киргач, кўнгли жойига тушди. Шунда у ўзи ётган ўра ёнида яна учта ўра кўрганини хотирлади. Демак, ёнида қандайдир тутқин ётибди.

— Кимсиз?— деб қичқирди Матео.— Исмингизни айтинг!

— Ҳасанбек.

— Сабр қилинг, Ҳасанбек. Мен бу ердан чиқишнинг иложини топмоқчиман. Эсон-омон чиқиб олсам, сизга ҳам ёрдам қиламан.

Матео шундай деб, жон-жаҳди билан ишга киришди. Ҳозир лақиллашиб ўтирадиган вақт эмасди. Ҳасанбекдан дарак топгач, тахмини тўғри чиққанига амин бўлди. Қароқчилар карвонга ҳужум қилгани ойнадек равшан эди. Лекин бошқалар қаерда қолди экан? Николо ва Маффео Пололарнинг ҳоли нима кечдийкин? Марко қаердайки?



Матео найзани ерга санчиб, қўлини унга тираб пиллапоялардан чиқишга урниб кўрди. Лекин у тез орада бутун ҳаракати беҳуда эканлигига қаноат ҳосил қилди. У икки-уч фут кўтарилгач, мувозанатини йўқотарди-ю, кейин пастга сакраб тушарди. Капитан Матео қудуқдан чиқолмаслигига, бу ерга тириклай кўмилганига ақли етди: Бунинг устига устак у Ҳасанбек билан ҳам гаплаша олмасди, чунки ўзи форсчани, Ҳасанбек итальянчани билмасди.

Матео ғам-ғуссага чўмиб, ерга ўтирди. Жазирама иссиқ бир оз пасайди. Лекин у зўр бериб пиллапоя қазиганидан қора терга тушиб кетган эди. Яраланган қўли эса зирқираб оғрирди. Очлик ва ташналик ҳам қаттиқ қийнамоқда эди.

Бироқ шу пайт у соқчининг ялтоқланиб панжара устига эгилганини ва дик этиб ўрнидан турганини кўриб қолди. Оёғи тагига бир нечта ёпган нон тушди. Матео ноннинг тупроғини қоқиб ташлаб, емоқчи бўлган эди, томоғи қуруқшаб қолганидан уни ютолмади.

Соқчи, найзамни қайтариб бер, деб талаб қила бошлади. Лекин Матеода яна яшаш истаги пайдо бўлди-ю, у нотоблигини енгди. Матео ўзича бир режа тузди-да, шуни амалга оширомоқчи бўлди. Борди-ю, соқчи найзасини олиш учун ўра оғзидаги панжарани очса, шунда у...

Матео ширинсуханлик билан соқчига шундай деди:

— Панжарани очгин, биродари азиз. Ташналикдан ўлиб бўлдим-ку. Матео чўллаган, тушуняпсанми? Найзангни берайми? Шошма, бир оз сабр қил, бўтам. Аввал менга сув бер, кейин найзангни оласан. Мана найзанг, қара, қандай чиройли! Рост, учи синган, холос, лекин нима фарқи бор? Шундоқ узатаману қўлингга тутқизаман маҳкам ушлаб олсанг бўлди. Энди панжарани оч.

Матео бу сўзларини имо-ишоралар билан соқчига тушунтиришга ҳаракат қилди.

Шовқин-суроннинг тинчиб қолганига қараганда қароқчилар ўлжаларни бўлиб олишган эди, соқчи яқинлашиб келаётган қадам товушларини ва ғалағовурни эшитди. У шоша-пиша қулфни очди-да, панжарани кўтариб қўйди ва ўрага арқонга боғланган кўза туширди. Шундан кейин найзани талаб қила бошлади.

Матео соқчининг жиғибийрон бўлиб, бўралаб сў-

кишига парво қилмай, муздек сутни ҳузур қилиб ичмоқда эди. У гўё бундай тотли ичимликни умрида биринчи ичаётгандек, кўзани бир кўтаришда бўшатди-да, соқчига қараб:

— Жуда ҳожатбарор одам экансан, биродар,— деди у.— Энди бу кўзани оласан-да, сугга тўлдириб Ҳасанбекнинг ўрасига туширасан. Бўлмаса, найзангни бермайман.

Соқчи тутқиннинг муддаосини тушунди ва чор-ночор бу баҳайбат одамнинг илтимосини бажо келтирди. Унинг фикри-зикри тезроқ найзани қўлга киритиш эди. Кейин уларнинг ҳаммасидан боплаб ўчини олади.

Матеонинг қулоғига Ҳасанбекнинг овози чалинди, сўнг ўранинг панжараси гумбурлаб ёпилгани эшитилди. Хийла вақтдан кейин соқчи қайтиб келди-да, Матео узатган найзани олмоқчи бўлиб ўра устига энгашди. Лекин у найзани чангаллаб ушлаши билан Матео найзани шартта тортган эди, соқчи гурсиллаб ўра ичига қулаб тушди.

— А-ҳа, қўлга тушдингми?!

Матео қўрқувдан дағ-дағ қалтираётган соқчининг ёқасидан ушлаб, шундай урдик, у учиб бориб деворга урилди.

— Бу менга найза суқмоқчи бўлганинг учун, энди жонинг керак бўлса, қимир этмай тур, мен елканга чиқаман. Мана бундай тур, тушундингми? Қимир этсанг ўласан?

Матео соқчининг елкасига чиқди, лекин шунда ҳам ўранинг четига қўли етмади. У ерга сакраб тушди. Уни умидсизлик ҳисси чулғаб олди.

У мазкур ўрага соқчи билан бирга тириклай кўмилган, қутулишнинг иложи йўқ эди.

\* \* \*

Марко қароқчилар кетидан карвоннинг йўлида учраган хароба қишлоққа довура яшириниб борди. У бута орасига беркиниб, караунаслар туя, хачир ва эшакларни қандайдир махфий суқмоқ билан тоққа ҳайдаб кетганларини кўрди. У энг яхши отларни танлаб олиб, асирларни ҳайдаб кетаётган отряд олдига йўл олган бир неча қароқчиларни ҳам аниқ-таниқ кўриб турди. Ниҳоят қароқчилар асирларни олиб келдилар. Карвонни қўриқлаб келаётган пойлоқчининг кўзини боғлашди. Ҳасанбек эса беҳуш эди. Марко от-

лиқлар қишлоқдан чиқиб кетишларини кутиб турди-да, қароқчилар қолдириб кетган отлардан бирини тутиб олди. У отни қудуқ олдига етаклаб келиб, уни суғорди, ўзи ҳам илиқ ва шўртак сувдан ичди. Кейин бирор егулик қидириб кулбаларни айланиб чиқди. Қароқчилар тамоман бу қишлоқдан ҳамма нарсани олиб чиқиб кетолмаган эдилар, шунинг учун у ўзининг ҳам, отининг ҳам қорнини тўйдирди.

Матео қаёқда қолдйкин, деб ўйлайвериб Марконинг калласи шишди. Қароқчилар уни ўлдирган бўлсалар-а, деб хавотир оларди.

Жазирама иссиқ, сароб жимирларди. Кўкда сакизта бургут парвоз этиб юрарди. Қиёмдан кейин қишлоққа чўмган сукунат ғалати кўринарди, чунки яқингинада бу ерда бир қанча ҳодисалар бўлиб ўтган эди. Марко нима қилиши кераклигини аниқлаб олиши керак эди. У қароқчиларнинг кетидан бориб, уларнинг масканларини билиб олишини ҳам, карвонни қидириб, омон қолган одамларни топишини ҳам билмасди.

Отасининг эгарлоғлик отини кўрмаганида ҳам майли эди!

Лекин қароқчилар папанинг улуғ хонга бериб юборган совға-саломлари ва Поло оиласининг молмулки ортилган хачирларни аллақаёққа ҳайдаб кетдилар-ку. Агар Марко бу қароқчиларнинг орқасидан изма-из бориб қаерга тушишларини кўриб олмаса, кейин уларнинг масканларини сира ҳам топа олмайди.

Бироқ капитан Матео ва ярадор Ҳасанбекнинг ҳоли нима кечдйкин?

Ниҳоят Марко қароқчиларни таъқиб этишга жазм қилди. Қароқчилар кетган сўқмоқ дастлаб тошлоқ қиямалиқдан тик кўтарилиб кетиб, сўнг баланд қоялар тагидаги дарадан ўтарди-да, охири водийга туташарди. Қароқчилар бутун бошли бир подани ҳайдаб кетганига қарамай жуда тез йўл босган эдилар. Марко отини елдек учирган бўлса-да, уларга етолмайди. Ниҳоят у қароқчилар ўтиб кетган дарёни аниқлади. Шундан кейин у қароқчиларнинг изидан бориб, осонгина моллар ўтлаб юрган ялангликка, у ердаги караунасларнинг қишлоғига етиб олди.

Қароқчилар қўлга киритган ўлжаларидан шодланиб, уларни отлар ва хачирлардан тушираётганларида Марко атрофни кўздан кечирди. Унинг кўзи бута-

лар ўсиб ётган ёнбағирликка тушди, у ерга яшири-  
ниб, қишлоқдан кўз-қулоқ бўлиб турса бўларди. Тут-  
қинлар ётган ўралар у турган ердан юз қадамча на-  
рида эди.

У соқчи панжара ичига найза тикқанини, кейин  
худди яшин ургандек муккасига йиқилганини ва ган-  
дираклаганча четга қочганини кўриб турди. Энди  
соқчининг қўлида найзаси кўринмади. Марко ҳор-  
ғинлик ва нохуш фикрларни унутди, ҳеч шубҳа йўқ-  
ки, бундай уддабуронлик фақат капитан Матеонинг  
қўлидан келарди!

Марко қош қорайишини бетоқатлик билан кута  
бошлади. Матео соқчини ўра ичига тортиб йиқитган-  
да Марко кулиб юборди. Қараунаслар зилдек қоң-  
ларни кўтариб кулбаларига тарқаб кетишди. Марко  
ёнбағирликдан эҳтиёткорлик билан эмаклаб тушди-  
да, ўра олдига судралиб келди.

— Матео, мен Маркоман. Эшитяпсизми?

— Қойилман!— деб хитоб қилди Матео.

— Сабр қилинг, ҳозир арқон ташлайман.

Марко арқоннинг бир учини панжарага боғлади-  
да, уни ўра ичига ташлади.

Матео соқчини бир уриб сулайтирди-да, ўрадан  
чиқди.

— Уғлим...— деди у шивирлаб.— Уғлим, қаерда  
келиб қолдинг?— Шундай деб Матео Маркони қу-  
чоқлади.— Қани юр, Ҳасанбекни қутқариб оламиз. У  
ётган ўра оғзидаги панжарага солинган қулфнинг ка-  
лити менда, уни соқчидан тортиб олдим.

Улар теварак-атрофга қулоқ солишди. Ҳамма ёқ  
сув қуйгандек жимжит эди. Матео Ҳасанбек ётган  
ўра устидаги панжарани очди-да:

— Ҳасанбек!— деб чақирди.— Арқонни ушланг.

Ҳасанбекдан жавоб бўлмади.

— Ҳасанбек, сизни қутқаргани келдик!

— Ҳушидан кетган бўлса керак.

Матеонинг миясига нохуш фикр келиб, арқонга  
осилиб ўрага тушди ва хиёл ўтмай қайтиб чиқди.

— Энди у бизнинг ёрдамимизга муҳтож эмас, Ҳа-  
санбек ўлибди. Фурсатни ўтказмай тезроқ кетайлик,  
Марко.

«Унинг кўзлари ассасинларникидек бежо...» Фа-  
риб ва одамови бўлгани учун одамлар ундан шубҳа-  
ланишарди. Мана энди у қароқчилар билан бўлган  
жаангда яраланиб, ҳалоқ бўлди.

Қоронғиликда дарахтлар баҳайбат девларга, буталар ажиналарга ўшар эди. Шох-шабба шитирлар, яқин ўртада қандайдир йиртқич ҳайвон юарди. Бир илон вишиллаганча бутазорга кириб кетди. Чиябўрилар увиллади, шер ўкирди. Осмонда сон-саноқсиз юлдўзлар милтилларди.

Матео билан Марко тунги қоронғиликда караунаслар қишлоғидан чиқиб кетишди.

\* \* \*

Қароқчилар ҳужум қилгандан икки кун ўтганда, Николо ва Маффео Пололар икки юзта татар жангчиси билан элликта чавандоз ҳамроҳлигида йўлда от қўйиб боришарди. Йўл тиккага кўтарилиб кетган, олдида туман билан қопланган осмонўпар тоғлар элас-элас кўзга ташланарди. Орқага қараган одамнинг кўзи олдида ложувард денгиз намоён бўларди. Денгиздан келаётган муздек шабада йўловчиларни бардам қиларди. Ормуз йўли ўтадиган водийда буғдой, арпа ва жавдар бош тортган эди. Илиқ шамол сариқ бошоқларни тебратарди.

Николо Полонинг рангида ранг қолмаган эди. У эс-ҳушини йўқотиб қўйганди. Хаёлига бир-биридан нохуш фикрлар келарди. «Унинг ўлганига мен айбдорман... Отларга шиғов беринглар, тезроқ ҳайданглар!.. Уни Венецияда қолдириб келишим керагиди... Тезроқ ҳайданглар, тезроқ... Мунча имиллайсизлар...»

Кичкина, бароқ татар отлари елдек учар, чавандозлар эса эгар устида отларининг чопишига монанд ҳаракат қилар эдилар. Улар отлари устида худди қўйиб қўйгандек ўтирардилар. Бу табиий, чунки от ҳам ўқ-ёй, сувдон ва озуқа солинган халтадек уларнинг доимий ҳамроҳи эди. Бу чавандозлар баъзан икки кунлаб от устидан тушишмасди. Отлар ўтлаб юрганда, улар эгар устида ухлаб олишарди.

Николо Полонинг ёнида укаси от қўйиб борарди. У ташвишини яширишга уринарди. Маффео Поло юрагини қон қилаётган сукунатга барҳам бериш ниятида:

— Яхшиямки, ҳамма дукатларимизни фирузага жойлаб қўйган эканмиз,— деди.

— Бошимни балога қўйдим. Маркони Венецияда қолдириш керак эди.

— Бемаъна гапларни қўй, Николо,— деди Маффео қизишиб.— Қўнглим сезиб турибди, Марко тиррик. Ахир қароқчилар унинг хунига пул олишмоқчи-ку.

— Николонинг ҳуши жойига тушди.

— У ўзини балонинг оғзига отди! Шу ярамас Матеони қидириш тўғрисидаги фикр унинг бошига қаердан кела қолди-а?!

Чошгоҳга яқин чавандозлар бир оз дам олгани тўхташди. Йўл дара орасида калавадек чувалиб, тобора баланд кўтарилиб кетган эди. Чавандозлар сою анҳорлардан ўтишди. Улар сал бўлса-да енгил тортиш учун чўмилишди. Кечгача юришгач, қароқчилар карвонга ҳамла қилган ерга етишларига бир кунлик йўл қолди. Николо Поло татарларнинг юзбошисига кечаси чодирчаман тикиб ўтирманг, бир оз дам олсак бўларди, деди.

Гулхан ёқишди. Чирс-чирс ёнаётган олов йиртқич ҳайвонларни қувар, аччиқ тутун эса ҳар хил хира ҳашаротларни ҳайдар эди. Отлар ўтлаб юрганда чавандозлар тагларига намат ва кигизлар тўшаб пинакка кетишди. Икки соатдан кейин пойлоқчилар уларни уйғотди, шундан кейин яна йўлга тушишди.

Кечаси анча салқин тушди, шунинг учун улар кундузги жазирама иссиқдагига қараганда анча тезроқ юра бошлашди. Николо билан Маффео Поллар эгар устида мудраб ўтиришарди. Қоронғиликда кўзга ташланаётган дарахтлар, тоғлар ва буталарнинг кўланкалари, тақаларнинг тақ-туқи ва юганларнинг бир оҳангда жаранглаши одамнинг уйқусини келтирарди. Ака-ука ўн чоғлик татардан кейин, отряд бошида кетишарди. Олдинда кетаётган чавандоз бирдан тўхтади...Шунда унинг огоҳлантирувчи қийқириғи тунги сукунатни бузди. Жангчилар жангга шайландилар.

Ака-ука қудратли овозни эшитишди:

— Нима бало, қўр бўлдингларми? Наҳотки, бизнинг қароқчи эмаслигимизни кўрмаяпсизлар?

Кейин ўспирин йигитнинг қўнғироқдек овози янгради.

— Йўлбошчиларинг қани? Бизнинг карвонга қароқчилар ҳужум қилди.

Николо Поло отини ниқтаб олдинга отилди, Маффео унга эргашди. Николо бу овоз ғойибдан келган бўлмасин-да, деб қўрқар эди. У энтикиб:

— Марко!..— деб қичқирди бўғилиб.— Наҳотки тушунмасаларинг, ахир бу менинг ўғлим-ку?!

Татарлар йўл очишди. Николо Поло отидан тушди-да, дилбандини бағрига босди. Кейин:

— Қаёқдан келиб қолдинг бу ерга?— деб сўради, лекин уни шу заҳоти бағридан бўшатди-да, чўрт кесиб шундай деди:— Маффео амакинг ҳам шу ерда. Уям роса сендан хавотир олди. Кўриш у билан!

Николо Поло отини четга олиб чиқди. У жиловни жон ҳолатда чангаллаб олган, ўзини босиш учун тишини тишига қаттиқ босиб турарди.

— Мана яна биргамиз, амаки,— деди Марко бўғиқ овозда. У отасининг ҳаяжонга тушганини фаҳмлар, ўзи ҳам шу аснода дам қувонар, дам қайғураар эди, азбаройи тўлқинланиб кетганидан ҳатто кўзларига жиққа ёш келди.

Маффео жияни билан гаплашиб турган бир вақтда Николо Поло Матеонинг олдига келди.

— Миннатдорман, Матео, барака топинг! Марконинг ҳаётини сақлаб қолдингиз.

Матео хижолат бўлиб бош чайқади.

— Ундай эмас, Николо Поло. Марко мени ўлимдан қутқарди, у қоронғи зиндондан тортиб олди. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармайман. Онт ичаман, Николо Поло, буни ўла-ўлгунимча унутмайман!

Николо унга ишонқирамай қараб қўйди. Бу орада татарларнинг тоқати тоқ бўлди, улар қароқчилар қарга яширинганини тезроқ билишга ошиқишарди. Қарвонга ҳужум қилинганидан дарғазаб бўлган Ормуз ҳокими юзбошиларга қандай бўлмасин қароқчилар уясини ер билан яксон қилишга буйруқ берган эди. Зеро караунасларнинг савдогарларга қилган машъум ҳужуми касрига Бағдод билан Ормуз ўртасидаги савдо алоқалари бузилиб кетиши мумкин эди.

Юзбошилар яқинроқ водийда дам олиб, Марко билан Матеонинг гапларини эшитишга қарор қилишди. Кўзлаган манзилларига етишгач, катта гулхан қалашни буюришди. Ҳамма гулхан атрофига ўтирди, Марко бошидан кечирганларини бирма-бир гапириб берди.

Николо Поло Ҳасанбек ўлганини эшитганида бошини қуйи солди.

— Унга шубҳа билан қараб адолатсизлик қилган эканмиз,— деди у.— Ҳасанбек довьорак одам экан. Оғир яраланиб, ерда чўзилиб ётса ҳамки, қаршилиқ

кўрсатаверди. Ўша жангда бешта савдогар, карвон-боши ва ўнта кўриқчи ҳалок бўлди.

— Мен сизнинг отингизни кўрдим, ота. Ёнимдан чопганча ўтиб кетди, эгар устида ҳеч ким йўқ.

— Жанг вақтида отанг от устидан учиб кетди,— деди Маффео.— Кейин бир қароқчини чопиб ташлади-да, унинг отига миниб қочиб қолди. Кўмакка одам олиб келиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай от қўйдик. Кўрдингми, Николо,— деди у акасига мурожаат қилиб,— менинг гапим тўғри чиқди. Қараунасларни ёлғиз ўзимиз таъқиб қилганимиз бефойда эди.

Николо Поло ҳузур билан:

— Марко шундай қилди-ку,— деб эътироз билдирди.

— Бунни ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетади,— деди Маффео.

Марко бирдан Ҳожи Муҳаммад ва Ҳасанбек билан тунда суҳбатлашганини эслаб:

— Ҳожи Муҳаммад қани, тирикми у?— деб сўради.

— Тирик. Ормузда интизорлик билан бизни кутяпти.

\* \* \*

Гулхан атрофида олтита эркак ўтирарди. Лопиллаб ёнаётган олов қийиқ кўз татар юзбошиларининг чеҳрасини ёритарди.

Марко тунги сермашаққат йўлдан жуда ҳориган эди. Кўзлари юмилиб, боши шилқ этиб елкасига тушганди. Николо кўрпа олиб келиб, ўғлини ўраб қўйди. Матео зўр-базўр ўзини босиб ўтирарди.

— Эрталабгача дам олиш керак,— деди Маффео татарларга.

Ҳадемай одамлар қаттиқ уйқуга кетди. Гулхан ёниб турар, навбатчилар эса уйқудагиларни кўриқлаб айланиб юришар эди.

\* \* \*

Татарлар кечга яқин караунасларнинг масканига бало-қазодек ҳамла қилишди. Қаршилик қилганларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказишди. Асирга тушганларни эса бир жойга тўплашди-да, уларга карвон-



лардан тортиб олган нарсаларни олиб чиқишни буюришди. Кейин асирларни отларга боғлашди.

Бу орада венецияликлар ўрадан Ҳасанбекнинг жасадини олиб чиқдилар.

Уни боғдаги иккита мирзатерак ўртасига кўмдилар ва жасадни йиртқич ҳайвонлардан асраш учун гўр устига катта-катта тош бостириб қўйдилар.

«Бу ерда Ҳасанбек ётибди. Уни ҳеч ким танимас, ҳеч ким яхши кўрмас эди. Унинг дини бошқа эди. Лекин у довюрак одам эди.

Гўрингда тинч ёт, Ҳасанбек».

## ЕЛДИРИМ КЕМА

Серқоя оролни торгина кўрфаз соҳилдан ажратиб турар эди. Ана шу кўрфаздан турли мамлакатларнинг энг қимматбаҳо юк ортган кемалари ва бежирим галералари ўтарди. Улар Ҳиндистондан занжабил ва қалампир, яқин атрофдаги ороллардан марварид, узоқ Қашқардан кигиз, атлас-кимхоб, Дамашқдан қилич ва совут, форс, араб тулпорлари, фил суяги олиб келишарди.

Марко серқоя, сувсиз оролга жойлашган сервога савдо-сотик шаҳри Ормуздан ўтаётганида гўё унинг кўзи олдида бутун дунёнинг бойликлари чирой очгандек бўлди. Баъзан унинг қалбида мана шу бойликларни қўлга киритиш иштиёқи уйғонарди.

Йигитча отаси билан амакисининг олди-сотди ишларини қизиқиб кузатар, уларнинг ҳар бир муваффақиятларидан шодланар эди.

Лекин ҳаммадан ҳам уни маҳаллий аҳолининг ҳаёти, урф-одати, мамлакат тарихи қизиқтирарди. Олти ой саёҳат вақтида Марко шунчалик кўп нарса ни билиб олдики, энди буларни миясида сақлаб қолиши маҳол бўлиб қолди. Тағин уни олдинда қанчадан қанча саргузашт кутмоқда! Улар улур хон Хубилайнинг қароргоҳи жойлашган Ҳонбалиққа<sup>1</sup> етиб келгунларича орадан бир неча йил ўтади ҳали. Қарвон муз билан қопланган тоғлардан, жазирама қумлоқлардан ўтади.

Марко дунёнинг бепоемлигини, ҳаёт ранго-ранг

<sup>1</sup> Мўғулчасига хон шаҳри дегани. Ҳозирги Пекин. Бу қадимги Хитой шаҳрининг номи бир неча бор ўзгартирилган. 1267 йили Хубилайхон бу шаҳарни мамлакатнинг пойтахти қилиб, ёнида Даду номли янги шаҳар барпо этган.

эканлигини тушуна бошлади. Ингит кўрган-эшитган нарсаларини иложи борича кўпроқ эсида олиб қолишнинг пайдан бўлиб қолди. У бир ҳинд боққолидан Самарқанд қорози сотиб олди-да, жойлар ва одамлар тўғрисидаги таассуротларини ёза бошлади. Лекин кўп ўтмай у воқеаларни ёзма равишда баён қилиш, орзаки ҳикоя қилишдан кўра қийинроқ эканлигига иқроф бўлди. Тадқиқот ишларига жон-дилдан берилиб кетган бу йигитчани энди тасодифий ҳамсухбатларининг пойма-пой ҳикоялари қаноатлантирмай қўйган эди. У ҳикоянинг асосий мазмунини, унинг ҳаққонийлигини аниқлашга ҳаракат қилар, лекин ҳаммадан ҳам баён қилинган воқеаларни ўз кўзи билан кўришга интилар эди.

Ормуз катта бозори билан довруқ таратган эди. Бу ерга араб, ҳинд ва италян савдогарлари келишарди. Шаҳарда савдо-сотиқ қилинмайдиган бирон-та жой йўқ эди.

Гарчи оролнинг қояли ерида қудуқ қазишнинг иложи бўлмаса-да, маҳаллий бойларнинг саройларида фонтандан ҳаётбахш сув отилиб турарди. Сон-са-ноқсиз мешкоблар бу ерга сув олиб келишарди. Умуман Ормуз қирғоқ билан муттасил алоқа боғламай туролмасди.

Ёзда қуёш шу қадар қаттиқ куйдирардики, ўзига тўқ барча одамлар шаҳарни тарк этарди. Улар дарё қирғоқлари ёки қуйилиш жойига ўрнашган боғлардаги ток новдасидан тўқилган чайлаларга кўчиб кетишарди. Одамлар япроқлар билан ёпилган томлар тагида қуёшнинг шафқатсиз иссиғидан жон сақлаб, кеч киришини зориқиб кутишар эди. Ялангликдан гармсел эсганда ҳаёт тўхтарди-қоларди. Одамлар бўғизларигача сувда ўтириб жон сақлашар, саҳронинг бу ўтли нафаси сўнишини соатлаб тишларини тишларига қўйиб кутишар эди.

Ормузда узоқ вақт яшаган Ҳожи Муҳаммад Маркога бундай гармсел тўғрисида гапириб, бултур олти минг одамнинг ёстиғини қуритганини ҳикоя қилди. Ормуз хони Кирмон ҳукмдорига йиллик солиқни ўз вақтида тўламабди, шунда ҳукмдор шаҳарни вайрон қилиб ҳақини ундириб олишга қасд қилибди. У беш мингта пиёда аскар билан олти мингта суворийни қуроллантириб Ормузга ҳужум қилишга фармон берибди. Лашкар ниҳоятда бой Кирмоннинг серҳосил ерларидан ўтиб, бошига келаётган фалокатдан мут-

лақо беҳабар бўлган Ормуз шаҳрига осонгина етиб келибди. Бадавлат савдогарлар билан амалдорлар ёзда шаҳарни тарк этиб, денгиз бўйидаги боғ-роғларда яшашар экан.

Кирмон қўшинлари Ормуз яқинидаги пальмазорда тўхтаб, шаҳарни босиб олишга тайёргарлик кўра бошлабди. Қимматбаҳо ўлжалардан умидвор бўлган жангчиларнинг вақти чор экан. Улар эртасига эрта-лаб шаҳар устига юриш бошламоқчи бўлиб туришганда бирдан саҳродан келган даҳшатли шамол гирдобига тушиб қолишибди. Дўзахдек иссиқдан отлар нафаси бўғилиб, қўрқувдан депсиниб, жангчилар эса ерни ўйиб жон сақламоқчи бўлишибди. Лекин қаттол гармсел йўлида учраган барча тирик жонни маҳв қилиб кетибди. Кирмон ҳукмдорининг қўшини шу тахлит ўзи забт этмоқчи бўлган шаҳар дарвозаси олдида ўлимини топибди.

Венецияликлар Ормузга ёз бошларида етиб келишди. Улар жазирама иссиқдан қийналишса ҳамки, савдо-сотик ишларини тўхтатмадилар. Матеонинг қўлидаги жароҳат битиб кетди, караунаслар билан бўлган жангни у гўё тушида кўргандек эслаб қўяр эди.

Марко ҳам шундай ҳисни туймоқда эди. Янги-янги таассуротлар дилсиёҳликларни хаёлидан сиқиб чиқарган. Марко энди номаълум хавф-хатарлар гирдобига ўзини уриш иштиёқида ёнар эди. У Ормуздан кетиладиган кунни сабрсизлик билан кутмоқда эди.

Венецияликлар оролнинг нақ рўпарасида, Ҳожи Муҳаммаднинг денгиз соҳилидаги уйида истиқомат қилишар эди. Боғ-роғлар билан қуршалган уй шу қадар ҳашаматли ва кўркем эдики, Марко беихтиёр ассасинларнинг жаннатдек боғини, муҳташам саройларини эслаб кетди.

Кунлардан бир кун Марко хаёл дарёсига гарқ бўлиб, катта уйнинг эркаклар учун ажратилган қисмида ёлғиз ўтирар эди. Нақшинкор панжарали дари-чадан ичкарига хирагина ёруғ тушиб турар, уй салқин, одам ҳузур қилар эди. Баногоҳ йигитчанинг қулоғига қандайдир куй ва хазин қўшиқ эшитилгандай бўлди, бу овозлар шу қадар заиф эдики, Марко булар чиндан эшитиляптими ёки хаёлдами, ажратолмас эди.

Хотин-халаж кечқурун ўз баркасларида овдан қайтаётган балиқчиларни қўшиқ билан кутиб оладилар... Хотинларгина эмас, балиқчилар ҳам қўшиқ ай-

тадилар, биттаси бошлайди, бошқаси унга жўр бўлади... Венеция каналларида кўшиқ янграйди... Гондолалар сувда сассиз сузади... Тўлқинлар оҳиста шовиллайди. Кемасоз уста Жованни ярим хароба рим вилласининг гиштин пиллапояларида туради, Жанина унинг кўшигини тинглайди. Хачир ҳайдаб ўтаётганлар тўхташади, балиқчилар эшкакларини ташлашади, шишасозлар валақлашга хотима беришади. Венеция... Жованни куйлайди. Ешликнинг олис хотиралари қайғули ва кўнгилли.

У Венецияни қўмсаептими? Марко қалбига назар ташлади. Шунда у узоқ мамлакатларга бориш иштиёқи ҳам қалбидан чуқур жой олганини пайқади — зеро у ёшлигидаёқ Сан Николо портидан жўнаб кетётган кемаларга кўзи ўйнаб қараб қоларди.

Ҳа, у Пьяцетта кўчасида қулф уриб турган каштанларни, Сан Микела қабристонига онасининг қабрини соғинар, лекин ажойиб-ғаройиб нарсаларни кўриш иштиёқи соғиниш ҳиссидан кучлироқ эди. Бегона мамлакатларни саёҳат қилиш тўғрисидаги орзу унинг хаёлини бутунлай олиб қўйган эди.

Чодра ёпинган хотинлар борда чилдирмага жўр бўлиб кўшиқ айтишмоқда эди.

Марко ўтирган залга Ҳожи Муҳаммад билан Матео кириб келди.

— Худога шукур, шу ерда экансиз!— деди савдогар.— Биз сизни Ормузга кетиб қолган бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Мен ҳозир Баҳрайн ороллари<sup>1</sup>га сафарга чиқиш учун тараддуд кўряпман, борди-ю Матео икковингиз мени кузатиб боришга рози бўлсангиз бошим кўкка етар эди.

— Баҳрайн оролларига дейсизми? Марварид қидирувчилар ёнига-я?— Марко шодлигини яширолмасди.— Отам ижозат этса, сиз билан жон деб бораман.

— Миссер Поло йўқ демайди,— деди Ҳожи Муҳаммад.— Агар ўзингиз хўп десангиз, эртага тонг отарда йўлга тушамиз.

Яна кема палубасига оёқ босишидан қувониб кетган Матео:

— Хайрият-э, бу дўзахдан қутуладиган кун ҳам бор экан,— деб гўлдиради...

---

<sup>1</sup> Баҳрайн ороллари Форс кўрфазига жойлашган бўлиб, қадим замонда марварид овлаш билан доврўқ солган эди.

Кечкурун Николо билан Маффео Поло шаҳардан қайтиб келишганда Марко аллақачоноқ сафар учун керакли нарсаларини йиғиштириб, кемага бериб юборган эди.

— Бунинг ҳовлиқишини қаранг!— деди Маффео кулиб.— Матео кўринмайди-ку. Назаримда у бугунги кечани кемада ўтказадиганга ўхшайди.

Лекин бу сафар Марко хушфёъл амакисининг ҳазилига қўшилмади. Бирор кутилмаган тасодиф жўнаб кетишга халақит беришидан қўрқиб:

— Эрталаб биз жўнаб кетяпмиз, ота,— деди.— Ҳамма нарса тахт.

— Яхши,— деди Николо Поло,— лекин қулоғинг-да бўлсин, бу кўнгил очар сайру томоша эмас. Амакинги икковимиз шундай қарорга келдик. Сен бизнинг ишларимизда ёрдам беришинг керак. Бахрайн оролларида марваридни арзон-гаровга олиш мумкин. Албатта, қийишилса. Ҳожи Муҳаммаднинг гапидан чиқма. У савдогарлар билан муомала қилишга уста, сенга жўяли маслаҳатлар беради.

Бу Маркога берилган биринчи жиддий топшириқ эди. Отаси шундай муҳим ишни топширганидан унинг қалби ғурур-ифтихор ҳисларига тўлди, у Ҳожи Муҳаммаднинг маслаҳатларига сўзсиз қулоқ осишга жазм қилди.

Эртасига эрталаб, қуёш чиқмасданоқ елканли кема портдан чиқиб кетди. Матео бир мачтали кемани энсаси қотиб кўздан кечирар экан, хаёлан уни Венеция верфларида турувчи баҳайбат мустаҳкам кемалар билан солиштирар эди.

У ташвишланиб бошини чайқади-да:

— Бу кема эмас, Марко, бор-йўғи каттакон баржа холос,— деди.— Тахталарига бир қара, миҳ қоқилмаган-а. Лангари ҳам ёғочдан. Бу тахлит мўъжиза тоғорани умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Довулга учраса, бир зумда парча-парча бўлиб кетади.

— Ташвиш тортманг, капитан,— деди Ҳожи Муҳаммад Матеонинг гапларига кулиб.— Тахталарга қоқилган қозиқлар миҳдан пухтароқ. Бу ерларда темир ишлатишмайди, жуда ҳам қиммат.

Ҳар қандай хавф-хатарни писанд қилмай бораётган бу бесўнақай кемани кема хизматчилари зўр маҳорат билан бошқараётганига Матео чор-ночор иқроқ бўлди. Денгиз бу ерда жуда маккор, ҳар дақиқада ўзгариб турар эди. Ҳозиргина боғлардаги сокин кўл-

дек шаффоф ва осойишта турган сув бирдан мавжланиб, баҳайбат пўртаналар кемага келиб урилар экан. Аллақаяқдан пайдо бўлган довул елканларни юлқилар, мачта ғичирлар, эгилиб-букилар эди. Хийла вақт довулу пўртана кемани ёнғоқ пўчоғидек ўйнатар, кейин бирдан ҳаммаёқ тинчиб қолар, тўполон қандай ногаҳон бошланган бўлса, шундай баногоҳ босилар эди.

Бир куни кечаси палубада ётишди. Ой чиқди-ю, денгизга кумушсимон йўл солди. Марко юлдуз тўла осмонни завқ-шавқ билан кузатарди. Ҳожи Муҳаммад безовталаниб, палубада у ёқдан-бу ёққа юрар эди. Матео эса рулни ёнида турганча, ҳеч нарсани ўйламасдан мароқ билан денгизга тикилар эди.

— Қалай, бизнинг мамлакатимиз ёқдимиз?— тўсатдан сўраб қолди Ҳожи Муҳаммад.

Ҳожи Муҳаммад бу саволни бекорга бермаганини тушунган Марко, бир оз тараддудга тушиб, жавоб берди:

— Мамлакатингиз катта ва чиройли.

— Қирмонни бир кўрсангиз борми, мессер Поло! У худди жавоҳирдек бежирим. Худо ҳақи, бундан чиройлироқ нарсани кўз олдимга келтиролмайман. Шаҳарнинг ўзгинасида, жаннатдек боғлар ўртасида мрамар ҳовузларда шифобахш иссиқ сувлар отилиб туради.— Ҳожи Муҳаммад Маркога илтижо билан боқди. Унинг хинага бўялган соқоли йигитчанинг елкасига тегди.— Мен пири бадавлатман, мессер Поло. Қирмонда ва бошқа шаҳарларда ҳатто хонни қабул қилса арзийдиган уйларим бор. Агар мақтанчоқлик қилган бўлсам, афв этинг,— Ҳожи Муҳаммад шундай деди-ю жим бўлди.

Марко савдогар ёнидан йилтиллаб турган сувга тикилар экан: «Нима сабабдан Ҳожи Муҳаммад Қирмонни ва бойлигини мақтаниб қолди? Бу мамлакат тилсимотларга ниҳоятда бой экан. Энди биттасининг сирини очсанг, шу заҳоти бошқаси кўндаланг бўлади. Бу қора соч, рангпар, новча эронлик шу топда кўнглидан нималарни ўтказаетганикин?»— деб ўйларди.

— Нега индамайсиз? Гапим маъқул бўлмадимиз?

— Муддаонгизни билганим йўқ ҳали.

— Сиз ақллисиз, мессер Поло, доно ва довюраксиз, сизнинг шарофатингиз билангина биз караунаслар ўғирлаб кетган мол-мулкимизни қайтариб олдик.

Марко бу гапларнинг ҳожати йўқ дегандек ишора қилди.

— Сизга бир таклифим бор, — деди Ҳожи Муҳаммад гапида давом этиб. — Мен билан Эронда қолинг, ишларимга кўмаклашинг. Сизни оиламга ўз ўғлимдек қабул қиламан. Биргаликда Ҳиндистонга, Мисрга, Италияга бориб келамиз... — Ҳожи Муҳаммад шунни деб қоп-қора кўзларини Маркога тикди. — Сизга жуда ихлосим баланд, Поло.

Ҳожи Муҳаммаднинг Маркога қилган таклифи ғоятда мароқли эди. Агар у бу таклифга кўнса, давлат ортдиради, роҳат-фароғатда тинч-омон яшайди. Бунинг аксича Қатай йўли сермашаққат, хавф-хатарга тўла.

Кема қорамтир сув устига сузиб бормоқда. Тўлқинлар аста шовиллайди. Рулчининг ёнида турган Матеонинг ақлли кўзлари меҳр-муҳаббат билан денгизга тикилган.

— Таклифингиз учун қуллуқ, Ҳожи Муҳаммад, — деди ниҳоят Марко Поло. — Сўзингизни ерга ташлаганимдан хафа бўлмагн. Болалигимданоқ узоқ мамлакатларга саёҳатга чиқишни орзу қилардим... Устига устак, отам билан амакимни қандай қилиб ярим йўлда ташлаб кетаман?

— Отангиз эътироз қилмасди, — деди Ҳожи Муҳаммад ерга қараб. — Отангиз сизни жуда яхши кўради, мессер Поло, шунинг учун сизни бундай узоқ сафарнинг хавф-хатаридан сақлаб қолмоқчи.

— Ҳали бу гап отамдан чиқдимми? — деб сўради Марко ташвишланиб. — Сизга отам йўл-йўриқ кўрсатдимми?

Савдогар уни тинчитмоқчи бўлгандек кўлини кўтарди.

— Йўқ. Бу менинг истагим. Сиз ҳали ёшсиз, мессер Поло, бироқ жуда ажойиб одамсиз. Биз савдогарларнинг кўзимиз ўткир бўлади, йўқса нархимиз уч пул.

Ҳожи Муҳаммад жимиб қолди. Унинг рангсиз башараси тунд эди.

Марконинг фикри алғов-далғов эди. У борт олдига келди-да, сувга тикилди. Отаси мустақил савдо-сотик қилишга ишонч билдиргани учун у қанчалар фахрланган эди-я. Марко аччиқ заҳарҳанда қилди. Аслида эса, маълум бўлишича, отасининг нияти бошқа, уни Ҳожи Муҳаммадга ёрдамчи қилиб бериш экан. На-

хотди Марко пишиқ-пухта, жуъали иш қилиш қўлидан келишини исбот этмаган бўлса? У отасига тушунмай қолди.

\* \* \*

Сафарга чиққанларига саккиз кун бўлганда осмон зимистон бўлиб қолди. Булут кўринмас, гўё қандайдир одам каттакон залдан ўтиб ҳамма шамларни бирин-кетин ўчираётганга ўхшар эди. Денгиз симобга ўхшаб қолган эди.

— Сув елимшиққа ўхшайди,— деди Матео гўлдираб.— Дахшатли довул яқинлашиб келяпти.— Шу пайт у Испания қирғоғи ёнидаги довулни, кемалари қояга урилиб чил-парчин бўлганини эслади.

Бутун команда палубага тўпланди. Матео Маркога арқон ташлади.

— Тез ўзингни бирор нарсага боғлаб қўй!

Осмон ҳам, денгиз ҳам, ҳаво ҳам сур ранг эди.

Ҳамма ёққа чуқур сукунат чўккан. Ҳаво шу қадар дим эдикӣ, нафас олиб бўлмасди. Сал қимирласа одам қора терга тушиб кетарди.

— Яхшиси палубадан кетиш керак,— деди Ҳожи Муҳаммад ва люкка тушиб кетди.

— Шу ерда қол,— деди Матео Маркога ва капитан кўприкчаси ёнидаги панжарага аввал уни, кейин ўзини боғлаб қўйди.— Паст жаҳаннам...

Ҳамма ёқни чулғаб олган сур ранг зимистон тўсатдан сариқ тусга кирди. Денгиз ўкирди... Баногоҳ келган гармсел елканларга урилиб таранг матони далва-далва қилиб юборди. Марко билан Матео арқонларга маҳкам ёпишиб олдилар. Баҳайбат тўлқин палуба устидан ошиб ўтди. Кема терак бўйи келадиган тўлқиннинг устига кўтарилди-ю, шахт билан пастга мункиди ва худди писта пўчоғидек чирпирак бўлиб кетди. Дорға рул чамбарагини айлантириш учун ҳар қанча уринмасин бари бир буни эпполмади. Шунда Матео бутун гавдаси билан чамбаракка ўзини ташлади, лекин рул қимир этмади. Шиддаткор бўрон дахшатли тўлқинлар кемага хуруж қилди. Мачта ағдарилай-ағдарилай деб, қийшайиб қолди.

Марко кўкрагидан йўғон арқон билан боғлаб қўйилган эди. У жон-жаҳди билан сирғанчиқ панжарани ушлаб олмоқчи бўларди. Бешик-бешик тўлқинлар палубага жавлон урарди. Матео йигитчанинг олдига



эмаклаб келди-да, овози борича унинг қулоғига бақирди, лекин Марко ҳеч нарсани англамасди.

Кема дам баланд тўлинлар елкасига миниб олар, дам тумшуғи билан қутуриб турган сув қаърига шўнғир эди.

Марко ҳеч нарсани ўйламас, бутун куч-ғайратини отилиб кетмаслик учун сарфлар эди. Кемани энди бошқариб бўлмас, у ўз ҳолатига ташлаб қўйилган эди. Марко ҳар дақиқа қутуриб қайнаётган пўртана мени учуриб юборади, деб хавотирланарди. У Матео-нинг: «Биринчи довулдаёқ бу омонат кемамиз парча-парча бўлиб кетади» деган сўзларини эслади. Наҳотки кўпириб-қайнаётган сувга, жаҳаннам қаърига тушиб қолади? Ундай бўлса денгиз уни кўз очиб юмгунча ютиб юборади-ку.

Чақмоқнинг ўткир тиғи ҳамма ёқни тутиб ётган сур ранг-сарғиш пардани чок-чок қилди. Шу ондаёқ момақалдиروқ гулдураб, денгизнинг даҳшатли ўкиришини бир зумгина босиб кетди.

— Ҳозир ёмғир қўйса, қутулиб қоламиз!— деди Матео қичқириб.— Бўш келма, Марко! Панжангни ёзма!

Шамол капитанининг гапларини лабидан юлиб олди-ю, узоқ-узоқларга учуриб кетди. Энди денгиз устида момақалдироқнинг қудратли гулдуриси янграмоқда эди. Бўрон, пўртана, чақмоқ ва момақалдироқ авжига минган. Табиат кучлари жунбушга келган мўъжазгина кемани тухум пўчоғидек отиб ўйнар эди.

Марко боши билан устунга урилди-ю, қўли бўшашди. Қаноп арқон билан чамбарчас боғланган кўкраги зирқираб оғрирди. Шу дамда Матео уни кўтариб олди-да, капитан кўприкчасига олиб келди ва арқонни ечди, шунда Марко яна бардам бўлиб кетди. Йигитча панжарани тағин маҳкам ушлаб олди ва Матеонинг шу сўзларини эшитди:

— Ёмғир ёғяпти. Довул тиняпти.

Чиндан ҳам довул тинмоқда эди. Энди ваҳимали ўкираётган денгиз ҳам анча тинчиган, ҳалиги зимистон йўқолган эди. Матрослар шод-хуррам бир-бирларини чақира бошладилар.

Кема жиловини яна одамлар ўз қўлларига олдилар-у, гир-гир айланишдан тўхтади. Момақалдироқнинг гумбурлаши остида денгизга шаррос қуяётган сел гўё тўлқинларни пароканда қилаётганга ўхшарди.

Бу оромбахш, муздаккина сел эди. Ялт этиб қуёш

чикди-ю, бир зум ёмғир томчилари билан тўлқинларни беқнёс олтин рангга бўяди.

Матео билан Марко палубада туриб, арқонларини ечишмоқда эди.

— Баҳоси йўқ кема экан!— деб қичқирди Матео ва мачтани кўздан кечирди.— Ахир шундай демабмидим?

— Йўқ,— деди Марко кулиб.— Сиз биринчи довулдаёқ парча-парча бўлиб кетади, деган эдингиз.

\* \* \*

Кема ўн икки кун деганда Самакнинг чоққина портига кириб борди. Ҳожи Муҳаммад Маркони ўзининг дўсти, ҳинд савдогари билан таништирди. Бу савдогарларни уйига олиб келди. Баҳрайн оролларида марварид тайёрлаш ишларини бутунлай ҳинд савдогарлари ўз қўлларига оливолган эдилар. Ҳинд савдогарининг уйи эрон услубдаги ҳовлиси, тўрт бурчак қилиб қурилган бўлиб, кичикроқ саройни эслатар эди. Катта залнинг уч деворига кўк ва олтин рангда нақшлар солинган, зални ҳовлидан ажратиб турган тўртинчи девор эса нақшинкор панжара эди, ундан тушаётган олачалпоқ қуёш нури оромгоҳга ҳазин ва мунгли тус берар эди.

Эртасига эрталаб ҳожи Муҳаммад Марко билан Матео ни серқоя соҳилга бошлаб борди. Йўлда улар бир неча ғарибона кулбалардан ташкил топган кичкина қишлоқдан ўтдилар. Уларнинг атрофини қорни дўмбирадек рамақижон болалар ўраб олди. Қорақура бу болалар садақа сўраб қўлларини чўзиб туришарди. Матео уларга ёпган нонлардан ташлади. Болалар очкўзлик билан нонларга ёпишдилар.

— Бу каталакларда кимлар яшайди?— деб сўради Марко.

— Марварид қидирувчилар. Аксарияти негрлар... Ана қаранглар, денгиз кўриняпти!

Уларнинг рўпараларида денгиз суви товланарди. Соҳилда чашмалар ва ариқлар ёнида эса боғ-роғлар ястаниб ётар, ҳашаматли уйлар қад кўтариб турар эди. Орол бой эди!

Соҳилда очиқ чиганоқлар офтобда яриб-чириб тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётар эди. Қора танли жулдурвоқи аёллар чиганоқлардан сасиган моллюскаларни ситиб чиқаришарди. Улар марварид қидиришмоқда

эди. Назоратчи аёллардан шубҳали нигоҳини узмасди. Қандайдир бир аёл қаддини ростламоқчи бўлган эди, елкасига қамчи тушди. Назоратчи жаҳл билан сўкиниб ишни тўхтатмасликни буюрди.

Аёл бошини итоаткорона эгди-да, яна бижғиб ётган чиғаноқларни титкилай бошлади.

Қоялар қуршовидаги кўрфаз қора гардишли баҳайбат бриллиантга ўхшарди. Марварид қидирувчиларнинг қайиқлари энсизгина қуруқликка тўнтариб қўйилган эди.

Матео чуқур ўрнашган кўзлари қазабдан ёниб, эранқаран назоратчи олдига келди. Назоратчи тобора сувга яқинлашиб, орқасига тислана бошлади.

Матео фигони фалакка чиқиб ундан сўради:

— Ҳой ҳайвон, нега урдинг у аёлни?

Бу барзангига нима кераклигини назоратчи ҳеч ўйлаб тополмасди. Бу орада барзанги унинг қўлидан қамчисини тортиб олди-да, денгизга улоқтириб юборди.

— Нима қиляпсиз асти!— деди Ҳожи Муҳаммад куйиб-пишиб.

Аёллар пинакларини бузмай чиғаноқлардан моллюскаларни ситиб чиқариш билан овора эдилар.

Назоратчи узоқлашиб бораётган Матеонинг орқасидан дўқ уриб бақирди, Матео орқасига ўгирилган эди, у дами ичига тушиб, бир нима деб мингиллаб қўя қолди.

— Мессер Матео, сиз бировларнинг ишига аралашмаслигингиз даркор. Бу тахлит ишларингиз билан савдо-сотик ишларимизга путур етказишингиз мумкин. Бу аёллар Африкадан келтирилган қуллар бўлиб, улар бизнинг дўстимиз, ҳинд савдогарига қарашлидир. Бу хусусда сиз нима дейсиз мессер Поло?

— Менинг назаримда Матео тўғри қилди.

— Биз қулларнинг ҳимоячилари эмас, савдогарлармиз!— деди Ҳожи Муҳаммад зарда билан.— Бунга кимнинг ақли етмаса, у савдо ишида ҳеч балога тушунмайди.

Ҳожи Муҳаммад қадамини тезлатиб, илдам юриб кетди. Марко ўйга чўмиб унга эргашди.

Кўрказдаги сув шу қадар шаффоф эдики, қуёш нури денгиз тубидаги маржон қояларини яққол ёритиб турар эди. Қояларнинг ёнбағрида марварид қидирувчилар худди ҳайкалдек қотиб туришар эди. Уларнинг йилтироқ қора ва жигар ранг таналарида

сув қатралари кумушдек ярқирар эди. Марварид изловчилар ҳаллослаб нафас олишарди. Уларнинг бўйниларида юпқа тўрлар, ҳар қайсиси эгри пичоқнинг дастасидан ушлаб олган эди, бу пичоқлар билан чиғаноқларни денгиз остидаги тошлардан кучириб олишарди. Улар ҳозир мушакларига дам бериб, сувга кўз тикканча лоқайд туришар эди.

Лекин шу вақт назоратчининг қичқириши уларнинг ҳушини жойига келтирди:

— Хэй-я! Сакра!

Марварид изловчилар калла ташлаб, сув тагига шўнғиб кетдилар. Улар катта балиқлардек пастга талпиниб, қоялардан чиғаноқларни уза бошладилар. Марко нафасини ютиб бу манзарани томоша қилиб турарди. Сув бети яна текис бўлиб қолди. Гуё орадан бир неча йил ўтгандек бўлди. Одам сув тагида шунча тура оладими?

Юраги юз марта урмоқда...

Назоратчи қамчи билан болдирига ура-ура қирғоқда парвойи-фалак юрарди.

Мана, юраги бир юз йигирма марта урди!..

Пастда, қоялар ёнида нималар бўляпти экан? Марварид қидирувчилар сувни лойқатиб юборишгани учун денгизнинг тагида нималар бўлаётганини кўриб бўлмас эди.

— Қаранглар, уфқда елканли кема кўриняпти!— деди Ҳожиди Муҳаммад бамайлихотир, қўли билан узоқни кўрсатар экан.

Юрагининг уриши бир юз қирқтага етди!..

Лекин шу вақт сув бетида бир бош кўринади, кейин иккинчиси, учинчиси чиқди. Марварид изловчилар қирғоққа сузиб кела бошлашди. Уларнинг чеҳралари ниҳоятда чарчаганликларидан далолат берарди. Улар сувдан чиқишгач, бошларини эгишиб, қўллари билан тиззаларини иссиқ сариқ қумга тираганча галати бир ҳолатда туришар, кейин ҳорғин қаддиларини ростлаб назоратчи ёнига боришар ва тўрларидаги чиғаноқларни унинг олдига тўкишар эди. Назоратчи ёйиб кўяр эди. Али—30 дона. Абдулла—40, Мустафо—35.

— Хэй-я! Қани жой-жойингизга боринглар, ландовурлар!— деб бақирди назоратчи.

Шундан кейин марварид изловчилар бўйинларини ҳам қилиб жой-жойларига кетдилар. Уларнинг хотинлари ҳамон чиғаноқлардан моллюскаларни тортиб

чиқаришар, болалари эса худди оч итлардек теварак атрофда изғиб юришар эди. Марварид изловчилар мингтадан тортиб икки мингтагача чиганоқ ушлаш учун кун бўйи қирқ марта, баъзан эллик марта сувга шўнғишарди.

Яна буйруқ янгради-ю, қора ва жигар ранг таналар калла ташлаб, сувга шўнғиб кетишди.

— Хэй-йе! Али нега қаққайиб турибсан? Хэй-йя! Сенам, ҳой таъвия, сакра, йўқса қамчи билан соп қоламан!

Али билан ҳалиги танаси ярақлаб турган одам энтикиб нафас олдилар-да, ўзларини сувга отдилар.

— Елканли кема гаванга яқинлашиб келмоқда, — деди Ҳожи Муҳаммад.

— Анави итвачча бунча томоғини йиртиб бақиради, — деди Матео. — Бу шўринг қурғурлар қавчалик чарчаганларини у наҳотки кўрмаётган бўлса?

— Марварид жуда қиммат, — деди Марко ва яна ҳам ўйга чўмди.

Ҳожи Муҳаммад, Марко ва Матеолар оролнинг марказига қараб кетишди. Анча вақтгача уларнинг қулоқларига назоратчининг бақириси эшитилиб турди:

— Хэй-йя! Сакранг! Хэй-йя!..

Ҳинд савдогарининг хотинлари махсус икки қаватли уйда тўрт девор ичида яшашарди. Уларнинг масканига баланд оқ деворга қурилган кичкина эшикдан кириларди. Ичкарида батта боғ яшнаб ётар, яшил буталар билан серсоя дарахтлар ўсиб турар, тош ётқизилган ҳовли ўртасида фонтандан сув отилар эди.

Савдогарнинг хотинлари атлас-кимхобдан қўйлақлар кийишган, билакларю, сочларида бриллиантлар ярақлар, марваридлар йилтиллер эди. Улар боғда сайр қилишар, эрларини ром қилиш учун рақс тушишар, қўшиқ айтишар, ноз-карашма қилишар эди. Улар худди қафасдаги қушдек яшашар, бекорчиликдан сиқилиб, юраклари қон бўлар эди.

Савдогарлар Марко билан Ҳожи Муҳаммадни меҳмон қилишди. Дастурхон ёзиғлиқ хонтахтада кумуш идишлар турарди. Оқсочлар гуруч, тилик-тилик қовун, гўшт ва сабзавотдан қилинган ҳар хил овқатлар келтиришди.

Меҳмонлар овқатга мезбон қўл уришини кутиб туришди ва шундан кейингина овқатлардан тановул қила бошлашди. Оқсочлар худди кўланкалардек шар-

па чиқармай аста кириб бўш товоқларни олиб чиқиб кетдилар. Кейин ликопчаларда ширинликлар олиб кирдилар.

Ҳожи Муҳаммад караунаслар карвонга ҳужум қилганини гапириб берди. Бу орада савдогар ялт этиб Маркога қараб қўйди.

Кейин шароб ичишди. Мезбон Ҳожи Муҳаммаднинг гапларини назокат билан тингласа-да, унинг мисранг башарасидан лоқайдлик аломатлари бир лаҳза бўлсин аримади. Эронлик марвариддан сўз очтачгина у бош ирғаб хизматкорини чақирди. Бир зумда меҳмонларнинг олдига сарамаржонлар солинган қутича олиб келиб қўйишди.

Савдогар марваридларни дастурхонга тўкди.

Ҳожи Муҳаммад эса, ногаҳон Ормузда ёзнинг иссиқлиги ва Қирмонга қиладиган сафари тўғрисида гап очиб қолди.

Унинг олдига баъзи бирлари олчадек келадиган чиройли марваридлар ётарди.

Улар шамларнинг шуъласида гоҳ кўк, гоҳ сариқ тусга кирарди.

Марконинг назарида Ҳожи Муҳаммад гапларини ҳали-бери тугатадиганга ўхшамасди. Эронлик энди мезбонга савдо-сотик юзасидан сафарга чиққанларини эслатиб, юзларча майда-чуйда воқеаларни гапира бошлади. Мезбон босиқ жилмайганча ора-сира гап қўшар ва хизматкорларга шароб келтиришни буюрар эди.

Алоҳа Ҳожи Муҳаммад кафтига бир неча дона марварид қўйди-да, диққат билан кўздан кечира бошлади.

Шу чоқ савдогарнинг башарасидаги лоқайдлик бирпасда йўқолди. Унинг чеҳраси бутунлай ўзгариб кетди. Ҳозир унинг туриш-турмуши ўз ижодини шодхуррамлик билан кўздан кечираётган рассомни эслатарди.

— Мана бу денгиз мўъжизасига бир қаранг-а, мессер Поло?— деди у қизгин ҳитоб қилиб ва шоирлардек жўшиб марваридини мақтай кетди.

Кейин бирдан жиддий қиёфага кирди-ю, синиш арафасида турган савдогарга ўхшади-қолди. У уҳ тортиб:

— Бутун давлатим мана олдингизда турибди,— деди у.— Марварид қидирувчиларни топиш маҳол,

уларнинг жуда умри қисқа, кўкрак қафаси мустаҳкам қора танли қулларнинг нархи баланд.

Савдогарнинг чеҳраси яна бошқа тусга кирди. Энди у севикли нарасини кўзи қиймай, зўрга баҳридан ўтаётган саҳоватли дўстга ўхшарди.

— Буларни мен, Ҳожи Муҳаммад, сизнинг юзингиздан ўтолмаганим учунгина сотяпман,— деди савдогар яна уҳ тортиб.— Бу бебаҳо буюмга муносиб нарх қўйинг-у, олиб кетаверинг.

Ҳожи Муҳаммад етти юз торнез берди.

Уй эгаси ўрнидан турди ва хизматкорига:

— Қутини олиб кет!— деб буйруқ берди, Ҳожи Муҳаммадга мурожаат қилди.— Мени калака қилишни хаёлингизга ҳам келтирманг.

Марко бу олди-сотдини зўр қизиқиш билан кузатарди. Иккала савдогар уни унутган эди. Гўё улар яккама-якка олишувда бир-бирларига кўзга кўринмас қилич билан зарба бергандек эдилар. Тагин улар худди моҳир артистлардек имо-ишорага ниҳоятда уста эдилар. Уларнинг тилларидан бол томса ҳамки, кўзлари тамаъдан чақнаб турарди. Ҳожи Муҳаммаднинг муҳташам уйлари беҳисоб эди. Улар бозорлардаги майда савдогарлардек қилвирлик қилишмас, лекин бир-бирларини алдашга кўзлари етмаса-да, ҳар қолда, ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш кўришар эди.

Ҳовлида фонтан отилиб турар, очиқ эшикдан кечки салқин урар эди.

Вақт тез ўтмоқда эди. Оқсочлар яна шароб ва ширинликлар келтиришди.

Ниҳоят савдогарлар қийиша-қийиша охири бир тўхтамага келишди.

Марко ва Ҳожи Муҳаммад уй эгаси билан хайрлашишди. Ҳинд савдогари уларни эшиккача узатиб чиқиб, хайрли тун тилади.

Узлари ёлғиз қолишгач, Ҳожи Муҳаммад Маркога шундай деди:

— Бу жуда фойдали савдо бўлди, мессер Поло, Агар истасангиз марваридларнинг ярмини олишингиз мумкин.

Улар оролда уч кун туришди. Шундан кейин уларнинг кемалари орқага қайтди.

Кўздан йироқлашаётган оролга тикилганча палубада турган Марконинг қулоғига анча вақтгача:

— Хэй-яй! Сакранг, хей-яй! Сакранг!— деган овоз эшитилиб турди.

Майин денгиз шабадаси қирғоқда сасиб-бижғиб ётган моллюскаларнинг бадбўй ҳидини учуриб кетди.

## ДУНЕДА СУВДАН АЗИЗ НАРСА ЙУҚ

Венецияликлар Ҳожи Муҳаммад билан бирга Ормуздан анжир узиладиган вақтда чиқиб кетишди. Бу кичкина қарвонни бир тўп йигитлар ҳимоя қилиб борарди. Қуёш аямай қиздирарди. Бир неча йилдирки, бундай иссиқ бўлмаган эди. Лекин Николо ва Маффео Пололар бундан ортиқ кутишни хоҳлашмади. Ормузда улар анча фойдали савдо-сотик қилгач, ҳаялламай Эрондан ўтиб бир неча ой ичида шарқдаги катта қарвон йўлига чиқиб олмоққа қарор этишган эди.

Улар серҳосил ерлардан ўтиб шимол томонга, Қирмон шаҳрига йўл олишди. Қарвонни кекса, тажрибали қарвонбоши Насриддин бошлаб борарди. Эронлик савдогар унга баҳо бериб, Қирмонда энг ишончли одам деган эди. Насриддин увоққина, қотма бўлиб, серажин башараси қуёш ва шамолдан қорайиб кетган эди: У гапга чечан эди, бирор нарса тўғрисида ҳикоя қилганда унинг қат-қат ажинлари ҳаракатга келар, чеҳраси гоҳ ҳуррам, гоҳ қайғули, гоҳ доно, гоҳ содда тусга кирар, ҳатто қошлари остидаги кўзлари ҳам дам-бадам ифодасини ўзгартириб турарди.

Марко чол билан бажонидил суҳбат қуради. Йўлнинг икки чеккасида мевали дарахтлар ўсиб, экин далалари ястаниб ётар, яшил ўтлоқлари сурув-сурув қўйлар, эчкилар, йилқилар, от ва эшак уюрлари ўтлаб юрарди. Тез-тез шифобахш иссиқ сувлар учраб турарди.

— Бой мамлакат бу, хўжам,— деди Насриддин.— Лекин маҳаллий нондан тотиб кўришни маслаҳат бермайман.

Марко қарвонбошига савол назари билан қаради.

— Ёлган нонлар бу ердаги қудуқ сувидан тахир.

Дарҳақиқат Насриддин муболаға қилмаган экан. Йўловчилар кўп ўтмай тахир нондан ейишга мажбур бўлдилар. Бунинг боиси шу эдики, унни ерлик халқ аччиқ ва шўр сувга қорарди.

Бу ғалати ҳодисани чол ўз билганича тушунтирди:



— Мамлакатимиз денгиз устига жойлашган. Ахир денгиз ер остидан Қирмон давлатигача етади. Бу ердаги ноннинг тахирлигига энди ажабланмаса ҳам бўлар дейман.

Насриддин сўзлари қандай таъсир қилаётганига кўзларини қувлик билан сузиб қараб турарди. У Марконинг истеҳзоли кулиб турганини кўриб, сўзамоллигини ишга солди.

— Кекса Насриддиннинг сўзларига ишонаверинг, биз ҳозир денгиз устидан кетяпмиз. Бир куни келиб ернинг қобиғи тагидан тўлқин ювавергач сийқалаёди-ю босиб тушади, шундан сўнг Қирмон порт шаҳари бўлиб қолади. Мен ҳозироқ фил суяғи ва зираворлар ортилган ҳинд кемалари Қирмон портига кираётганини кўриб турибман. Ушанда карвонлар шаҳарга турна қатор тизилиб келаверади.

Шундан сўнг Насриддин хаёлида намоён бўлган Қирмон портини шавқ-равқ билан таърифлаб кетди. Марко чидам билан унинг гапларини тинглади. Чолнинг гаплари ўт пурқаётган қуёш тафти остида зерикарли йўл босишдек азоб-уқубатлардан уни бир оз халос этди. Йигитча ҳамма пуч гапларни унутди-ю, бамаъни, жўялиларини эсида сақлаб қолди.

Насриддин савол беришни ва саволига шу заҳоти ўзи жавоб беришни яхши кўрарди.

— Дунёда энг азиз ва жилвагар нарса нима? Хойнаҳой сиз олтин деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Олтинга ахир ҳамма нарсани: гулларни, отларни, саройларни, гавҳару забаржадларни, эркак-аёл қулларни сотиб олиш мумкин-да. Лекин шўр сувга гул ташлаганим билан чучук бўп қоладими? Менинг бу гапларимга сахрога етганимизда тушунасиз. Мен олтинга мол ва одамларни сотиб оламан. Моллар менинг ўрнимга юк ташийди. Буниси яхши-я, лекин инс-жинслар мени йўлдан уриши мумкин, унда атрофда сариқ қум ёки қора қумдаги шўрхоқлардан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. Ана шунда бошимга энг даҳшатли мусибат тушади... Ташналик... Дунёда ташналик азобидан ўтадиган азоб-уқубат йўқ. Ташналик нималиги сизга маълумми, йигитча? Ишқилиб худо бу мусибатни бошингизга солмасин. Ташналик — ўртанган юракка сепилган туз. Ташналик — ичак-чавоқни ёндирувчи ўт. Ташналик — қон томирларини куйдирувчи чўғ... — Насриддин овозини пасайтирди. — Ташналик Чингизхон давридаги қўшинларнинг бостириб келишидан

ҳам даҳшатлироқ. Туялар лаҳча чўғдек қизиган қум устида ўзини таппа-таппа ташлаб чўзилиб қолади. Одамлардан куч-қувват кетиб, улар тажанг бўлиб қолишади. Улар отларга, хачирларга ва туяларга ханжар санчиб, отилиб чиққан иссиқ қонни ичадилар. Мен бўлсам уларнинг орасида ёмбим билан ночорноилож туравераман. Қўлимдан нима келарди? Ҳеч нима. Дунёда нима азиз ва жилвагар эканлигини энди билгандирсиз?— Насриддин маънодор қилиб бир оз жим турди-да, тантанали суратда узоқ йиллар карвон билан юриб орттирган тажрибасини ўртага солди.— Такрор айтаманки, дунёда энг азиз ва энг жилвагар нарса — сув. Куляпсиз-а. Майли кулинг. Кулаверинг. Бир кунмас-бир кун мен айтган гапларнинг ҳақлигига ишонарсиз.

Насриддин бирпасда ёлғондака жаҳлидан тушди ва эшагини қамчи билан аста урди. Эшак шалпанг қулоқларини силкитди-ю, қадамини тезлатишни хаёлига келтирмади ҳам.

Марко карвондан орқада қолиб кетди. Мулоҳаза юритиш учун унинг ихтиёрида анча-мунча вақт бор эди. У отаси ва амакисининг эронлик савдогар билан ҳеч нарсани сир тутмай самимий суҳбатлашаётганини шубҳага тушиб кузатмоқда эди. Улар учови апоқчапоқ бўлиб олган эди. Марко отаси билан ҳоли учрашишдан қочарди. У Матео ёки Насриддин билан суҳбатлашар, йигитлардан чавандозликни ва қуроли ишлатишни ўрганарди. Кечқурунлари эса гулхан атрофида мум тишлагандек ўтирар эди.

Марконинг хаёлига ҳадеб Ҳожи Муҳаммаднинг кема палубасида қилган таклифи келаверарди. У отасининг муддаосини билишга уринар ва ҳар сафар эронлик савдогарнинг: «Отангиз сизни азоб-уқубатдан ва бу машаққатли сафар вақтидаги хавф-хатардан халос этмоқчи» деган гапини эсларди. Марко ўқтин-ўқтин марҳума онасини эсларди. Онасининг шойи кўрпа ичида кўзларини юмганча ётгани сира кўзи олдидан нари кетмасди. Онаизорининг қалби уришдан тўхтаганди. Унинг шалвираб осилиб ётган қўллари ёнида фил суягидан ясалган кичкина фил ўйинчоқ ётарди. Буни Николо Поло сафарга чиқиши олдидан унга тўхфа қилган эди. Онаси умри бўйи ёлғизликда кун кечирди. Марконинг қулоғига ҳамма вақт унинг: «Сизлар Венеция денгизлар маликаси дейсиз. Мен бунга ишонмайман. У, малика эмас, ден-

гизларнинг қули...» деган гапи эшитилиб турар эди. Бу сўзларни у жон таслим қилишидан олдинроқ айтган эди. Бу сўзлари билан у ўғлининг бегона мамлакатларга боришдан ихлосини қайтармоқчи бўлган эди. У онасининг хавотир олишини тушунарди. Онаси савдогарларнинг хавф-хатар ва саргузаштларга бой ҳаётини ёмон кўрар, шунинг учун у ўғлини йўлдан қайтармоқчи бўлар эди.

Лекин мана ҳозир Марко отасига тушунолмаётган гапни билдириб турибди. Нима учун отаси унинг саёҳату саргузаштларга ўчилигини, билимга чанқоқчилигини, узоқ мамлакатларга сафар қилишга ҳавасмандлигини назарга олмайди? Ахир Венецияда унинг ўзи ўша олис мамлакатлар ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қиларди-ку.

Карвон Ҳожи Муҳаммад истиқомат қиладиган Қирмонга яқинлашиб келарди. Шу ерда Марконинг тақдири ҳал бўлади. Отаси ўз мақсадини амалга оширармикин? Борди-ю, отаси билан амакиси фақат Матеони олиб кетмоқчи бўлишса, у нима қилади? Бундай бўлишини ўйласа унинг кўнгли ўксир, қазаби жўш урар эди.

Отаси билан гаплашиб масалани ойдинлаштиришга Марконинг ғурури ва тортинчоқлиги йўл бермас эди. Бу ноаниқлик отаси билан унинг орасига девордек кўндаланг бўлиб туриб олган эди. Лекин отаси буни пайқамасди. Бутун саёҳат давомида унинг вақти чоғ бўлди: бир гапириб ўн қулар, Матео ва эрон савдогари билан ҳазиллашар, ҳатто укасининг аччиқ-тизиқ гапларига ҳам беғараз кулги ила қулоқ солар эди. Марко отасини кўпдан бери бундай хушчақчақ кўрмаган эди.

Марко эса кундан-кунга маъюс бўла борди. Баъзан у отам билан амаким менга қарши тил бириктириб олишганга ўхшайди деб ўйлаб қоларди. Лекин улардан ўзини тортиб юрганлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Олисда Қирмоннинг миноралари кўринганда Марко отам рози бўлса ҳам, рози бўлмаса ҳам саёҳатни давом этдираман, деб аҳд қилиб қўйди.

Улар Ҳожи Муҳаммадникида тўхташди. Ҳожи Муҳаммад уларни зўр мамнуният ва шод-хуррамлик билан кутди. Марко эрон савдогари давлатини гапирганда лоф урмаганига иқрор бўлди. Уйи хонларникидек ҳашаматли бўлиб, сон-саноксиз хизматкору оқ

сочлар уларнинг кўнглини олиш учун тинмай елиб югурар эди.

\* \* \*

Венецияликлар шошилигча равишда сафар тарадудини кўрмоқда эдилар, зеро бир неча кундан кейин Насриддин бошчилигида катта карвон Қирмондан шарқдаги буюк карвон йўлига жойлашган йирик шаҳар Балхга<sup>1</sup> йўл олмоқчи эди. Йўлга чиқишларидан бир кун олдин кечқурун Марконинг хонасига отаси кирди:

— Сафарга ҳамма нарса тахт,— деди у ва кундузги ишларидан ҳориб-чарчаб, бўйрага ўтирди. Шу заҳоти хизматкор кириб, нима кераклигини сўради.

— Қовун билан сут олиб кел,— деди Николо Поло. Марконинг юраги така-пука эди. Зеро ҳозир унинг тақдири ҳал бўларди. У хўмрайиб, отасининг рўпарасига келиб ўтирди.

Николо Поло ўглига синчиклаб разм солиб:

— Сенга нима бўлди, Марко?— деб сўради.— Балки саёҳат жонингга теккандир, Ҳожи Муҳаммад билан қолишни истарсан?

Марко отасининг гапларида ҳамдардлик сезмади, унинг назарида отаси уни калака қилаётгандек бўлиб туюлди. Диванга солинган шоҳи чойшабдағи гуллар ва қушларнинг расмлари кўз олдида айқаш-уйқаш бўлиб кетди. У азбаройи тутаққанидан ўзини босиб туrolмай, қизишиб гап бошлади:

— Афтидан мени Венецияда қолдириб келмаганингизга пушаймон бўлаётибсизми дейман. Лекин шунинг билиб қўйингки, мени ҳеч ким куч билан ушлаб қоллолмайди. Бу ерда, Қирмонда ҳам сира-сира қолмайман.

Хизматкор хонтахтага хушбўй, карчланган қовун қўйди. Лекин Марко буни пайқамади ҳам. У бўриқиб кетган, кўзлари газабдан қисилган эди.

Николо Полонинг тунд чеҳрасида табассум жилва қилди:

— Қандай тилинг борди менга шундай дегани?

Марко талмовсираб жим бўлиб қолди.

Николо Поло чуқур ўйга толди. Мана йигирма

---

<sup>1</sup> Ҳозирги Шимолий Афғонистондаги Вазиробод шаҳри, Қадимги замонда машҳур савдо маркази бўлган.

Йилдирки, ёруғ жаҳонда сайр қилади, бу вақт ичида у сон-саноқсиз одамларнинг қалбига назар ташлади, олижанобликни ҳам, шумликни ҳам кўрди. Лекин у ўғлининг шодлигию қайғусидан хабардорми? Шу дамда у Марконинг энди ёш бола эмаслигини, эрта балоғатга етганини фаҳмлади. Уғлининг иродаси мустаҳкам, ақли расо. Энди унинг босган қадамини текшириб туришга ҳожат қолмаган. Эркаклар кенгашида маслаҳат бериш қўлидан келиб қолибди унинг. Николо Полонинг чиройи очилди.

— Шунга қовоғингдан қор ёғиб юрувдингми? — деди у. — Сени нега ташлаб кетар эканмиз, қаердан олдинг бу гапни?

— Ҳожи Муҳаммад билан қолсанг, тузук бўларди, деб ўзингиз айтдингиз-ку. Наҳотки унутган бўлсангиз?

— Ҳожи Муҳаммад бизнинг дўстимиз. У сени жон деб олиб қолмоқчи. Мен унга: «Марконинг ўзи билан гаплашинг, у вояга етиб қолди. Бунининг ўзи ҳал қилсин», дегандим. — Отаси бирпас жим турди-да, кейин гапида давом этди: — Агар сен бу ерда қолишга истак билдирсанг, албатта биз ачинган бўлув эдик... Ие, қовун эсимиздан чиқиб кетибди-ку. Бу ишимиз яхши эмас. Қовунлар бу ернинг нонидек тахир эмас, ширин-шакар.

Марконинг нохуш фикрлари бир зумда тарқалиб кетди. Унинг қалби шодлик ҳис-туйғуси билан тўлиб-тошди. У кўнглини очиш учун бир карич қовун еди-да, шавқ-завқ билан унинг ширинлигини мақтай бошлади. Сафар олдидан берилган зиёфатда Марко шундай сергап бўлиб қолдики, бунининг кўриб Ҳожи Муҳаммад билан Матео ҳанг-манг бўлиб қолишди. Николо ва Маффео Пололар энг муҳим масалалар юзасидан унга маслаҳатлар солишди. Марко ҳар сафар оқилонга жавоб беришга уринди.

Эртаси эрталаб улар Кирмонни тарк этишди. Ҳожи Муҳаммад уларни шаҳар дарвозасига довуз узатиб чиқди. У сўзининг охирида Маркога мурожаат қилди.

— Менинг ғарибона кулбам ҳамма вақт сиз учун очиқ, мессер Поло. Қайтишда Кирмонга келганингизда меникига киришни унутманг.

Марко Ҳожи Муҳаммад билан самимий хайрлашди. Лекин у орқага қайтиши тўғрисида ўйламас, унинг фикри-зикри бўлажақ сафарда эди.

Сахрога етиб келгунча тўрт кун юришди. Шу ер-

да бир кеча-кундузга мазгил ташлаб уловларга дам беришди, озик-овқат сотиб олишди, сув ғамлашди, сермашаққат йўлга пухта тайёргарлик кўришди. Айтмоқчи Насриддин бу сахро тўғрисида нафрат билан гапирарди.

— Қорақумга қиёс қилсак, бу сахро унинг олдида кафтдек келади,— деди у Маркога.— Бир ҳафта юрсак ундан ўтиб оламиз.

Карвон уч кун йўл юрди, йўлда на бирор бошпана, на дов-дарахт ва на биронта бута учради. Ҳамма ёқ ҳувиллаб ётар, жон асари кўринмас эди.

Баъзи ерлари қум билан қопланган шўрхок ерлар туси жиҳатидан ифлос қорни эслатарди. Қилт этган шамол йўқ, ҳаво дим, ўт пуркаётган қуёш тафтидан жон сақлаш маҳол эди. Аҳён-аҳёнда улар шўр ва ифлос, сассиқ кўлмаклар ёнидан ўтишар эди. Бу сув кўнгилни айнитар, уни ичиб бўлмас, ҳаёт учун хавфли эди. Шунинг учун ҳайдовчилар чанқоқликдан тинкаси қуриган молларни бундай сувлар ёнидан зўр-базўр ҳайдаб ўтишар эди.

Матео бақувват бир хачирни миниб борар ва кузда ўзининг қайиғида довулли денгизда сузганини ўкинч билан ўйлар эди. От минишни ўзи эндигина ўрганди-ю, дарров уни қийин савдога қўйишди, одамнинг юрагини сиқадиган бепоён сахрога рўпара қилишди. Кун бўйи у кўпи билан ўнта сўз гапирар, бу сўзлар ҳам яккаш сўкишдан иборат эди.

Бешинчи кун Насриддин карвонни тоза оқар сув олдига бошлаб келди. Бу ерда кучли ер ости суви отилиб чиқар эди. Одамлар билан ҳайвонлар ташналикларини қондирибгина қолмай, муздек сувда маза қилиб чўмилишлари ҳам мумкин эди. Улар бу ерда тунаб қолишди, сув ғамлаб олишди ва эрталаб янги куч, янги ғайрат билан йўлга тушишди. Уч кундан кейин улар сахродан чиқиб олишди ва кичкина бир шаҳарда тунагани тўхташди.

Карвон яна йўлга тушди. Одамлар энди куну ҳафталарни санамай қўйган эдилар. Қуёш ва тўзондан уларнинг башаралари қорайиб кетган эди. Куз келган, далалардан ғалла ўриб олинган. Дарахтлардан ғарқ пишган мевалар тап-тап тўкилар эди. Карвон тинмай йўл босар, устида қалъалару монастирлар юксалиб турган тепаликлар, ичида шерлару қоплонлар ғужғон ўйнайдиган ўрмонлар, калтакесаклару илонларга қон бўлган чангалзорлар, кечқурунлари

тепасида чивинлар ғуж-ғуж учиб юрадиган қиёқ босган кўллар ёнидан ўтиб борар эди.

Карвон кечаю кундуз йўл босар, одамлар тобора камгап бўлиб борарди. Бирданига сел қуйиб, тоғдан салқин шабада эсгандагина улар шод-хуррам бўлиб кетишар эди. Сихга тортилган қўйнинг соню кўзадаги чашма сувигина уларнинг бир хилдаги зерикарли ҳаётининг зийнати эди. Бағдод, Ормуз, Қирмон, денгиздаги довул, ҳамма-ҳаммаси орқада қолиб кетди.

Насриддин Маркога Шибирган<sup>1</sup> тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Бу шаҳар кичикроқ дарёнинг ёқасидаги водийга жойлашган. У ердан хурмо дейсизми, анор дейсизми, ишқилиб кўнглингиз тилаган нарсани топишингиз мумкин. Дунёда у ернинг қовунидан ширин қовун йўқ. Шибирганнинг қовун қоқисини еганмисиз умрингизда? Худди асал дейсиз. — Чол атрофга ташвишли назар ташлади. — Лекин Шибирган билан бизнинг орамизда саҳро ястаниб ётибди. — Шундай деб гурур билан қўшиб қўйди, — ташвиш тортманг, Насриддин сизни яқин ва осон йўлдан бошлаб боради.

Гўё саҳронинг чекию интиҳоси йўқдек эди. Марко кунларнинг ҳисобини йўқотиб қўйган эди. Сап-сарик бефайз қум одамнинг кўзига балодек кўриниб қолганди. Йўловчилар мешлардан иссиқ сув ичишар, томоқларидан луқма зўр-базўр ўтар эди. Йўлда на қудуқ, на ариқ, на сасиган қўлмак учрарди. Бир кунни шамол турди-ю, саҳрода бўрон кўтарилди. Қўк юзини қора булут қоплаб, ёмғир ёғди. Дастлабки томчилатганда одамлару, ҳайвонлар бошларини кўтариб лабларини ялашди.

— Худога шукур-э! — деди Насриддин.

— Обираҳмат-ку бу! — деди Матео завққа тўлиб.

Хизматкорлару ҳайдовчилар бебаҳо сувдан иложи борича кўпроқ олиб қолиш мақсадида бор идишларнинг ҳаммасини шундоққина қум устига териб қўйдилар.

Одамни бардам қилувчи бу ёмғир бир соат ёғса ҳамки, ниҳоят уфқда элас-элас тоғлар қораси кўрингунча йўловчиларнинг оғзидан тушмади.

— Мен ҳозироқ водийдаги сувнинг бўйини сезяп-

<sup>1</sup> Шибирган ёки Шибаргон, шимолий Афғонистонда, Балхнинг ғарбидаги шаҳар.

ман,— деди Насриддин.— Наҳотки ҳавонинг ўзгарганини сезмаётган бўлсангиз? Эртага кечқурун Шибирганга етиб борамиз.

## МОВИЙ КУЗ ҚИЗЧА

Балх шаҳри Эроннинг шимоли-шарқ чегарасига жойлашган. Бир вақтлар у «Уммул булдон», яъни «Жамики шаҳарларнинг онаси» деб аталган. Ривоятларга қараганда бир неча юз йил муқаддам Искандар Зулқарнайн худди шу ерда эрон шоҳининг қизига уйланган экан. Шаҳар мачити безаклари ва чиройи билан кўзни оларди. Дарвоза олдида боғлар барпо қилинган, тоғда қаср қад кўтариб турар, шаҳар девори орқасида мрамор саройлар, уйлар, устахоналар, мачитлар, тимлар турна қатор тизилиб кетган эди.

Мана таҳликали 1221 йил ҳам етиб келди. У вақтнинг азобини тортган чоллардан кўпи ҳаёт эди. Бу кексалар у даҳшатли вақт тўғрисида гапирганларида биров эшитиб қолишидан қўрқиб ола-зарақ бўлишар эди.

Ҳаммани ўтақасини ёрадиган мўғул хони Чингизхон ўз қўшинини бошлаб шаҳар остонасига етиб келганида оқсоқоллар совға-саломлар олиб, уни қаршилагани шаҳар дарвозасидан чиқишади. Одамлар «Жамики шаҳарлар онасини» вайронликдан, ўзларини ҳалокатдан сақлаб қолишмоқчи эди. Бироқ Чингизхон шафқат нималигини билмасди. У «Уммул булдон»ни ер билан яксон этишга, шаҳарликларни қилличдан ўтказишга фармон берди.

Бу воқеа бўлганидан бери эллик йил ўтса-да, мачитлар ҳамон вайрона бўлиб ётар, ҳар қадамда учрайдиган харобазорлар шаҳарнинг бошига тушган мудҳиш фалокатдан дарак бериб турар эди. Нураб кетган девор тагидаги чоғроқ бир майдонда, эллик нафар эркак, аёл ва болалар ўтиришарди. Қовурғаси саналиб қолган бу шўринг қурғурлар атрофга лоқайд назар ташлашар, қулфуруш хўжалари қичқириб ёки калтак билан уриб қолгандагина эс-ҳушларини йиғиб олишар эди.

Эрталаб ҳаво булут бўлди. Тоғдан кузги шамол эса бошлади. Ҳадеганда харидорлар келавермаганидан қулфурушнинг хуноби ошиб кетди. Ориқ бир қизча бошини тиззасига қўйганча шундоққина тупроқда



ўтирарди. Унинг яланг оёқлари мўматалоқ бўлиб, шишиб кетган эди. Хўжайини калтак билан унинг оёғига урарди. Бугун бу қизни бешинчи марта бозорга солиб сотолмагани учун дарғазаб эди. Қизчанинг мовий кўзларида ғам-андух намоён эди. У эринчоқлик билан юзига тушган сочларини кўтариб қўйди. Қандайдир аёл унга бир бурда нон берди.

— Ол, е, Ашима,— деди у.— Ҳазир бўл, хўжанг келяпти...

Ашима чаққонлик билан нонни орқасига беркитди.

— Нима қиляпсанлар?— деб сўқинди қулфуруш.

— Ҳеч нарса, хўжам,— деди Ашима ва калтак тушишини кутиб ғужанак бўлиб олди.

Айтмоқчи, унинг бошига тушган кўргиликлар ичда калтак ейиш унчалик даҳшатли эмас эди. Калтакка кўниқиб қолиш мумкин. Фақат дастлабки онларда, айниқса калтак битмаган ярага текканда қийин бўлади. Лекин кейинчалик оғриқ босилиб қолади. Унинг қуллик ҳаётидаги доимий ҳамроҳи — очлигу ташналик калтакдан минг бора ёмон.

Ашима Сарик дарёни эслади.

Дарё узоқда, пастдаги водийдан ўтар, унда сузиб юрган баржалар узоқдан бамбуқнинг баргига ўхшаб кўринарди. Кемалар тўхтайдиган жойдан тоққа ўрлаб кетган йўлдан оғир юк кўтарган қуллар тинмай қатнаб туришарди. Қуёш уларнинг тердан ҳўл бўлиб кетган орқаларини куйдирарди. Қуллар тепаликка қувурлар, темир-терсақларни кўтариб чиқишарди. Бу ерда кун чиққандан кун ботгунча ҳар хил моллар тушириларди. Қизча дармони қуриганини пайқайди. У устунга суянди ва бир товоқ гуруч билан бир кўза сувни орзу қилди. Ашима чўккалаб қолди. Очлик азобидан ичи яланиб кетди. Шу пайт назоратчининг бақиргани эшитилди. Қизча минг машаққат билан қаддини ростлади-да, гандираклаганча қаторга турди.

Бу воқеа қачон бўлган эди? Ашима вақтнинг фарқига бормай қўйган эди. У ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилар, чўнки нохуш фикрлар қалбидаги умид учқунларини сўндирар, бу эса унинг учун очлик ва ташналикдан минг чандон оғир эди.

Умидсизлик сени ҳамма нарсадан, ҳатто уйқудан ҳам маҳрум қилади, аллаким ташлаган суякни чангаллаш учун қўлларинггина қолади.

— Ашима, кўзингни оч,— деди унга ҳалиги аёл шивирлаб.— Нонингни бекит.

Қизча қаддини ростлади ва ҳайром бўлиб атрофга аланглади. У қўлидаги нонни чангаллаб олди. Хўжаси уни урмади, ширинсўзлик билан:

— Урнингдан тур, кўзичоғим. Манави жаноб сени кўрмоқчи, — деди.

— Нега ялпайиб ўтирибсан, тентак? — деди аёл.

Ўткинчилар тўхтаб қизга назар ташлашди.

Қулфурушлар қулларини пуллаб қолишга фурсат етганини тушунишди.

— Қани туринглар, дангасалар! Нима, харидор келганини кўрмайсанларми?

Қулфурушлар бир-бирларидан қаттиқроқ бақиршга тиришардилар.

— Манави йигитга бир кўз ташланг, жаноб. Мушакларини қаранг!

— Мана бу хотин хачирдек бақувват! Бу шоввозга юз эллик дукаат бера қолинг! Сув текин!

Ҳангоматалаб одамларнинг қизиқишига ва савдогарларнинг ҳовлиқишига сабаб бўлган барваста одам пинагини бузмай ориқ қизчани кўздан кечирар ва унинг эгаси билан қандайдир бегона тилда гаплашар эди. Харидорнинг баҳайбат гавдасини кўриб Ашима аввалига кўрқиб кетди. Бу одам сотиб олса бахтим кулармикин ёки бахти қора бўлармикинман, деб ўйлади у.

Қиз нотаниш кишига разм солиб қаради. Чакка соқоллари уни қаҳрли қилиб кўрсатарди. Ашима кўнглидан: «Бунақа одам бир урса ўлдиради, — деган гапни ўтказди. — Қиммат баҳо кийим-бошига қараганда чет эллик савдогарга ўхшайди». Қизча унинг кўзларида ҳамдардлик ифодаларини кўрди. У аллақандай сўзлар қоринмасидан иборат бўлган форсча гап-сўзларга диққат билан қулоқ сола бошлади. Шунда унинг қалбида умид учқунлари йилт этиб пайдо бўлди.

Нотаниш киши қизнинг яра-чақа оёғига ишора қилди-ю, маънос бўлиб қолди. Қулфуруш дарҳол важкорсон кўрсатди. Тилидан бол томиб Ашимани жажжи малика деб атади ва албатта буни парварши қилиш кераклигини уқтирди.

Нотаниш киши хийла вақт ўйга толиб, кейин қўлини қизчанинг елкасига қўйган эди, қизча капалаги учиб ўзини орқага отди. «У қанчалик ориқлигимни кўрди, энди сотиб олмайди», — деб ўйлади у. Қалбида ёнган умид учқуни бир зумда сўнди. Нотаниш киши

қизчага яна бир марта қараб қўйди-да, истар-истамас орқасига ўгирилиб жўнаб қолди.

Кулфуруш жиғибийрон бўлиб уни девор томон улоқтирди.

— Таъвия, ҳеч кимга керагинг йўқ сени!

Ашима яна тупроққа ўтирди-да, оёғини тагига олиб, бир нуқтага лоқайд тикилганча қолди.

— Харидор келганда жилмайишинг керак,— деди аёл,— сен бўлсанг ҳайкалдек қотиб турибсан. Нонингни е.

Қизча жулдур кийимига яширган нонни олиб тишлади.

Булут тарқаб ҳаво очилиб кетди. Орадан бир неча соат ўтди. Ашима совқотиб, бели увишиб қолди. У тупроқда қимир этмай ўтирарди. Ниҳоят қош қорайди.

— Тур!— деб буйруқ қилди савдогар.— Сенга йиғирма дукат тўлаб ўтирибман-а.— деб нолиди у.— Ҳеч ким сотиб олай демайди. Қип-қизил аҳмоқ эканман!

Азбаройи жирқанганидан уни уришга ҳам қўли бормади.

Юлдузсиз зим-зиё тун. Кулфуруш қизчага озгина нон, сув берди-да, оёғига занглаган кишан урди. Кейин Ашимани уйи ёнидаги ёғоч саройга қамаб қўйди. Тирқишларидан изғирин бўралаб кириб турарди. Қизча шитир-шитир қилаётган пичан орасига кирар, исиниш мақсадида қўлларини кўксига қўяр ва хотиротларга берилар эди. Кўз очиб эшитган товушлари қулоғи тагида жаранглар, мозийнинг манзаралари липллаб кўз олдидан ўтар эди.

Чой гулидан чиройлироқ чечак йўқ тоғда,

Ашимадан ўтадиган гўзал йўқ боғда,— деб онаси бўғиқ овозда куйларди.

Ашима кичкина каравотда ётибди. Онаси шойи пашшахонанинг бир четини очиб сўрайди:

— «Нега ухламаяпсан? Гўзал Ашима қиссасини ҳикоя қилиб берайми?»

«Айтилг, онажон, айтиб беринг».

Шунда у онасининг ширин сўзларини эшитади, онаси халқ орасида кенг тарқалган машҳур афсонани сўйлайди.

«Бир неча йил муқаддам аллақандай қишлоқда деҳқон оиласи яшаган экан. Анор гуллаб, гуруч ниш уриб чиққанда деҳқон қиз кўрибди. Қизга Ашима деб

ном қўйишибди. Эшитяпсанми, ўша қизга ҳам сенга ўхшаб Ашима деб ном қўйишибди...»

Онаси меҳри товланиб, унинг анордек гулгун чеҳрасини сийпайди.

«У ёғини айтинг, ойижон!»

«Ашима уч ойга тўлганда куладиган бўлибди, унинг шаҳло кўзлари шундай теран эканки, гўё ҳамма гапга тушунадигандек туюларкан.

Ашима беш ойлик бўлганда юриб кетибди, ҳадемай уйда чопа бошлабди. Саккиз ойга тўлганда тили чиқибди. Ашима ой сайин эмас, кун сайин ўса бошлабди, у чиройли ва меҳнатсевар экан. Тўққиз ёшга кирганда энг мураккаб кашталарни тика бошлабди.

Мабодо у эрталаб гуруч экса, пешиндан кейин униб чиқаркан. Ишлаётганида шундай қуйларканки, овози бутхоналардаги қўнғироқлардек жарангларкан. Ашима бутун вилоятда тенги йўқ раққоса экан. Баҳор кезлари кечки пайт у Олтин дарёнинг қумлоқ соҳилларига, пальмазорга келаркан, шунда унинг рақсини томоша қилгани бутун қишлоқ тўпланаркан. У шундай ажойиб рақс тушарканки, уни кўрган одамлар дам қувонар, дам қайғурар экан. Гапларимни эшитяпсанми, Ашима?»

Онасининг уни ўчди. Яна изғирин увиллай бошлади. Тутқун қиз бошқа ёнбошига ўгирилган эди, унинг оёғидаги кишан жаранглаб кетди.

Ашима пичирлаб:

«Айтавер, онажон, айтавер»,— деди.

У зўр бериб ўтмишнинг тотли дамларини кўз олдига келтиришга ҳар қанча уринмасин, фойдаси бўлмади. Тушида ва ўнгида бўлаётган воқеалар ажойиб бир суратда чувалиб кетган эди. У ўсиб-улғайган қишлоқда кечасию кундузи темирчиликда олов ёниб туради, эркаклар қурол ясайдилар. Шимолдан душманлар ҳужум қилишади. Қочқинлар кули кўкка соврилган шаҳару қишлоқлар, ўлдирилган одамлар, ўлим, қон, ёнғин тўғрисида бир-биридан даҳшатли воқеаларни ҳикоя қиладилар... Хотин-халаж, бола-чақалар тоққа қочиб, қоялардаги ёрларга яшириниб жон сақлашарди.

Ашима ўрнидан қўзғалган эди, кишан яра-чақа бўлиб кетган оёғига тегиб шундай оғридики, у шу ваҳоти похол устига ётиб олди.

У қўрқувдан кўзларини катта очиб, шивирлади:  
— Тегманг менга, ўз ҳолимга қўйинг мени.

Похол шитирлаб, қизчанинг устидан каламуш югуриб ўтди. Изғириннинг увиллагани унинг жон ҳолатда чинқириб юборганини босиб кетди. Яна унинг хаёлида ўтмишнинг даҳшатли манзаралари жонланди. Онасининг заиф товуши тагин қулоғи остида янгради:

«Ашима, гапимга қулоқ сол. Мени шу ерда ташлаб кет. Бундан бу ёғига юролмаيمان. Ёлғиз ўзинг қишлоққа бориб, яширин, ҳойнаҳой у ерда битта-яримта одам жон сақлаб қолгандир. Эшитяпсанми, Ашима? Вой, ҳали куёш ботмабди-ку... Ана у...— Она гўё қизини бирор фалокатдан ҳимоя қилмоқчи бўлгандек қўлларини чўзди, бежо кўзларида эса, кўрқув ифодалари чақнади,— югур, Ашима!»

Шу пайт чавандозлар от қўйиб етиб келишди.

Қиз азбаройи кўрқиб кетганидан қимир этолмади. У қий-чув товушларни эшитди. Чавандозлардан бири найза санчиб онасини ўлдирди. Бошқаси қизчани кўтариб олиб, эгарига ўнгарди-да, от қўйиб кетди.

Тутқун қизча чинқириб юборди. Тушимми бу, ё ўнгимми?

Қизча бошини қўлига қўйиб ухлаб ётарди. Лаблари қаттиқ қимтилган. Шамол қоп-қора сочларини ўйнамоқда. Қизчанинг навқирон чеҳрасида табассумдан асар йўқ.

\* \* \*

Венецияликлар яхшигина карвонсаройда тўхташган эди. Улар сермашаққат ва уқубатли йўлдан кейин ҳордиқ чиқаришга, бир неча кундан кейин сафарни давом эттиришга аҳд қилишган эди. Насриддин уларни Бадахшонгача олиб бориб, биринчи карвон биланоқ. Қирмонга қайтиб кетмоқчи эди. Матео отаси ва амакиси билан шаҳарга кетган Маркони кўзи тўрт бўлиб кутарди. У ҳамёнидаги дукатларни хонтахта устига тўкиб қанчалигини санай бошлади. Савдогарлар унга, фойдали олди-сотдиларда қатнашинг, пул ишлаб оласиз, деб бир неча бор таклиф қилсалар-да, у кўнмаган эди. Энди у биринчи марта савдо ишларида қатнашмаганига пушаймон эди.

Хонага машъал кўтарган хизматкор кирди-да, чироқни ёқиб, бирор нарса керак-керакмаслигини сўради. Матео ҳеч нарса керакмас, дегандек бошини сарак-сарак қилди.

— Менга пул керак, бўтам,— деди у мингирлаб.  
Матео шаҳардан венецияликларнинг қайтишгани-  
ни билиб, Маркони чақирди.

— Нима гап, Матео? Авзойингиз бузуқ-ку.

— Ажойиб мамлакат экан-да бу, иним! Ҳам-  
ёнимда эса арзимаган юз дукатдан ортиқ пул йўқ.—  
Матео шундай деб Маркога синчков назар ташлади.

— Сизга пул керакми?— деб сўради Марко.—  
Қанча керак, ҳеч тортинмай айтаверинг.

— Менга арзимаган юз дукат керак! Бу пулга  
тирик одамни сотиб олиш мумкин... У тоғ эчкисидек  
ориқ.— Матео Марко ёнидан аллақабқа кўз тик-  
ди.— Аनावи қорамохов безори калтаклайверганидан  
сёқлари яра бўлиб кетибди. Ўлдираман уни!— У га-  
забга тўлиб шундай деди-да, муштини тугди.

— Нима бўлди, Матео?

— Унинг кўзларини ҳеч унутолмаяпман. Худди  
денгиз сувидек тиниқ. Тоғ эчкиси янглиғ ориқ.— Ма-  
тео шуни деб афсус билан бош чайқади. Бир оздан  
кейин гапида давом этди.— Марко менга ёрдам бе-  
ришинг керак. Мен у қизалоқни сотиб олмоқчиман.  
Йўқса, у бағритош уни уриб ўлдиради. Юз йигирма  
дукат сўраяпти.— Матео Маркога энгашди.— Биз уни  
олиб кетишимиз керак, Марко, эшитядсанми? Бўл-  
маса уни озод қилиб нима қиламиз? Ахир у яна қул-  
фурушларнинг қўлига тушади-да, азоб-уқубатга ду-  
чор бўлади.

Марко безовта бўлиб, ирғиб ўрнидан турди.

— Биз ёш қизчани олиб кетолмаймиз,— деди у.—  
Йўлимиз қорли тоғлар ва саҳролардан ўтади.

— Бўлмаса уни уриб ўлдиришса майлими?— деб  
сўради Матео совуққина қилиб.

Марко ўйлаб қолди. Ақли унга: «унинг гапига  
кўнма», деб маслаҳат берди.

— Ҳеч қачон бундай қиз йўл азобига бардош бе-  
ролмайти,— деди у тараддудга тушиб.

— Уни бу ерга тахтиравонда олиб келишган деб  
ўйлаяпсанми, Марко? Яхши, бу гапга хотима бера-  
миз.

Марко Матеонинг сўзларида нафрат оҳанги бор-  
лигини сезиб, чўрт кесиб шундай деди:

— Жуда соз, Матео, сизга ёрдам қиламан.

Матеонинг чиройи очилиб, чеҳрасида ёқимли та-  
бассум жилва қилди. Энди унинг кўнгли жойига  
тушди.

— Энди ҳарбий кенгаш қуриб олайлик. Бунга отанг билан амакинг нима дейишаркин?

— Отам, қаршилик билдиради, амакимни эса, балки кўндирарман.

Матео ўйга толиб турди-да:

— Олдин қизчани сотиб олиб келамиз-у, кейин уларга айтамыз,— деди.

Эртасига эрталаб Марко Матео билан қул бозорига келди. Ашима кечагидек тупроқда ўтирарди. Унинг ранги бўздек оқариб, кўзлари лак-лак тушиб кетган эди. У эти увишиб, жулдур кийимига ўраларди. Ҳаво тоза, дарахтларнинг барглари сарғая бошлаган эди.

Қулфуруш деворга суяниб турарди. Башарасидан аламзадалиги кўриниб турарди. Матеога кўзи тушиши билан у қизчанинг олдига бало-қазодек югуриб келди-да:

— Тур ўрнингдан, ҳайвон,— деб қичқирди.— Жонингни суғуриб оламан сени...— Шундай деб чет эликларга икки букилиб таъзим қилди.— Салом, олий ҳиммат жаноблар! Манави жажжи қизчанинг кулиб туришини қаранг. Сизни дарров таниди-я.— Юз йигирма дукатга жудаям арзон-да.

Матео унинг сўзамоллигига заррача парво қилмай:

— Ана у!— деди.

Марко жулдур-жулдур кийим кийган ориқ қизчага бир кўз ташлади-ю, ҳафсаласи пир бўлганини билдирмади.

Қулфуруш қизга:

— Тиржайсанг-чи,— деб шивирлади-да, уни бир урди. Ашима табассум қилишга уриниб, ноилож жилмайди.

— Шу экан-да!— деди Марко.

— Нима, бирор соҳибжамолни кўрарман деган мидинг?— деди Матео.— Агар у ўша сен ўйлаганча бўлганда бу мудҳиш бозорда бўлмасди.

Бирдан Марко қизчанинг кўзларини кўриб қолди. Кўзлари тиниқ мовий, қорачиқлари тим-қора эди. Бу ажойиб кўзлар олазарак бўлиб чақнаб турар эди.

— Тушундингми?— деб сўради Матео бетоқатлик билан ва қизчага мурожаат қилди:— Қўрқма, қизгинам.

Ашима бошини кўтариб, барваста одамга бир қа-

ради-ю шу заҳоти юз ифодаси ўзгарди, чеҳрасида ваҳимадан асар қолмаса-да, лаблари нонлож жилмайиб турар эди. Унинг кўзларида яна заиф умид учқунлари йилт этиб кўринди.

Марко савдолашиб қизчани юз дукатга сотиб олди.

— Исми Ашима,— деди қулфуруш.— Бор, кўзим. Эҳ, бундан жудо бўлиш мен учун қандай огир!— Шундай деб у ўзини қаттиқ азоб чекаётган қилиб кўрсатди.

Ашима икки ажнабий орасида худди тушида кетаётгандек борарди. Одамлар орқаларига ўгирилиб улар ортидан қараб туришарди-да, ҳайрон бўлиб елкаларини қисишарди. Бу жулдурвоқи қизча шундай олижаноб кишилар билан бирга юришга қандай журъат этди экан?

— Қизиқ, ака-ука Пололар нима дейишаркин?— деди Матео.

У Ҳожи Муҳаммаднинг оролда айтган қуйидаги сўзларини эслади: «Биз қулларнинг ҳимоячилари эмас, савдогарлармиз. Бунга кимнинг ақли етмаса, у савдо ишида ҳеч балони тушунмайди».

Улар Ашимага кўйлак олишди-да, уни ҳаммомга оборишди. Кейин карвонсаройга қайтиб келишди. Қизча итоаткорлик билан уларнинг орқасидан келарди. Уни ҳеч ким қоймади, ҳеч ким урмади. Нима бўлганини у тушунмас, тушимми, ўнгимми, деб ўйларди. Хизматкор унга овқат олиб келди.

— Қани бўлди,— деди Матео сирни очишга ошиқаркан.— Энди уларга ҳамма гапни очиқ айтамыз. Юр, Марко. Сен, қизим, шу ерда кутиб тур.

Матео билан Марко хонага киришганда ака-ука сафарга тайёргарлик тўғрисида гаплашиб ўтиришган эди.

— Келганингиз жуда яхши бўлди-да,— деди Маффео.

«Ҳовлиқманг,— деб ўйлади Матео.— Ҳамма гапдан хабардор бўлгач, унча хурсанд бўлмасангиз керак». У гапни қандай бошласа тузук бўлишини ўйлаб, бош қотира бошлади.

— Биз бир қизчани сотиб олдик,— деди у.— Энди биз беш кишимиз.

Николо Поло ажабланиб унга қаради.

— Ҳазилни бас қилинг, Матео. Биз ҳозир муҳим



иш юзасидан гаплашяпмиз. Сафаримиз давомида энг оғир йўлни босиб ўтишимиз кераг-а.

«Бошланиши чакки эмас», деб кўнглидан ўтказди Матео.

— Ҳазиллашаётганим йўқ,— деди Матео эътироз билдириб.— Ишонмасангиз менинг хонамга кириб кўринг. Бозорда у шўринг қурғурни кўрганингизда ўзингиз ҳам худди шундай қилар эдингиз.

— Гўё хутба ўқиётганга ўхшайди-я,— деди Маффео Поло ҳайрон бўлиб.

— Бу қандай бемаънилик, Матео?— деб сўради Николо қатъий.

— Биз чиндан ҳам бир қизчани сотиб олдик. Сафар вақтида у иш беради.

— Биз, биз...— деб қичқирди Николо зардаси қайнаб.— Э падарига лаънат! Дарҳол эгасига олиб бериб беринг уни! Эшитяпсизми, Матео!

Бу гапни эшитиб Матеонинг қони қайнаб кетди.

— Мен билан бу тахлит гаплашишга қандай ҳақингиз бор, мессер Поло? Қулоғингизда бўлсин, мен сизга хизматкор эмасман. Ёки қизча мен билан бирга кетади, ёхуд мен сизларни тарк этаман.

Маффео Поло мурасага келиш учун алланарса дейишга оғиз жуфтлаган эди, Матео чопганча хонадан чиқиб кетди.

Марко унинг орқасидан югурмоқчи бўлган эди, отаси уни ушлаб қолди:

— Ҳеч қаёққа бормайсан. Ахир тушунсанг-чи, биз өлиҳиммат одамлар эмас, савдогарлармиз.

Матео хонага отилиб кирганда Ашима чўчиб тушди. Кўнглидан: «Ҳозир мени уриб ўлдиради!» деган гапни ўтказиб, ғужанак бўлиб олди-да, қўллари билан юзини беркитди. У қўрққанидан қалт-қалт қилиб, калтак тушишини кутарди.

Барваста одам катта ва зилдек кафти билан унинг бошини силаб алланарса деб ғўлдиради:

— Қўрқма, қизалоқ. Капитан Матеони ким деб ўйлаяпсан? Мен испан қиролининг солдати бўлганман. Душманлар мени кўришса тумтарақай бўлиб кетишарди. Эҳ, қизим, нега энди сенга мақтаняпман? Ахир нима деганимни тушунмайсан-ку. Юзингни тўсма... Савдогарларни кўргани кўзим йўқ. Уларнинг дарди-фикри ўша сассиқ дукатларда. Агар улар сўзидан қайтишмаса, икковимиз, Венецияга қайтиб кетамиз.— У, жим қолди-да, хийла вақт қўрқувдан

қалт-қалт қилаётган қизчага қараб турди.— Пулсиз саёхат қилишимиз осон бўлмайди... Бир тийинсиз ҳатто Эрондан ўтиб олиш ҳам амри маҳол.

У Ашиманинг ёнига ўтирди-да, ўз фикрларига берилди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Марко келди. Йигитчанинг чеҳраси шодликдан балқиб турарди.

— Қизча биз билан кетади!— деб қичқирди у.— Энди ташвиш тортманг, Матео.

— Буни қандай қилиб эпладинг?— деб сўради капитан ҳайрон бўлиб.

— Улар менинг гапимга киришади,— деди Марко гурур билан.— Амаким бизнинг ёнимизни олди.

— Сен мени иккинчи бор сақлаб қолдинг. Бир йўла манави қизчанинг ҳам жонига оро кирдинг.

Ашима қандайдир кўнгилли иш бўлганини фаҳмлади. Нотаниш баҳайбат одам яна жилмайди. Қизча ўрнидан турди-да, икки букилиб таъзим қилди.

## УЛИМ ФАРИШТАСИ ВОДИЙСИДА

Алоҳа Бадахшонга етиб келишди. Николо Поло ташвишланиб дамба-дам осмонга қараркан, укасига:

— Ҳадемай қор ёғади,— деди.

— Баҳоргача бу ерда қолишга тўғри келади,— деб қўйди Маффео Поло.

Улар маҳаллий аҳоли Дунё томи деб атайдиган Помир тоғидаги музликларидан дуч келишлари муқаррар бўлган қийинчиликларни ўйлашарди.

Осмон ўпар тоғлардан эсаётган изғирин водийда шўхлик қиларди. Дарахтлардан тўкилаётган хазон ерга гиламдек тўшалган эди. Булутли осмонда — қирғийлар, бургутлар, лочинлар сузиб юрарди.

Марко карвонбоши ёнида от қўйиб борарди. Минглаб туёқлардан ўйдим-чуқур бўлиб кетган йўл катта, тиниқ дарё ёқасидан ўтарди. Сокин қайнамада бир қайиқ оҳиста чайқалиб турарди. Найза ушлаган балиқчи тиниқ сувдан ўлжасини таъқиб этарди. Тоғ ёнбағрида ёввойи эчкилар ўтлаб юрарди. Марко улар дамба-дам сергакланиб бошларини кўтарганини кўриб қоларди. Баногоҳ аллақайқдан учиб келган камон ўқи катта бир эчкига тегди-ю, у бир сакраб ерга қулади. У оёқ қоқиб, бўйнини чўзди-да, жон таслим қилди. Қолган пода ўқдек учиб ёнбағирликнинг юқори томонига қочди. Буталар ичидан пўс

тин кийган новча бир одам чиқди. У ёнидан ўтаётган карвонга парво қилмай эчкининг терисини шилишга тутинди.

— Бадахшон бой мамлакат,— деди Насриддин.— Сининан тоғига борсак яхши иш бўлур эди. У ердаяк ажойиб ёқут ҳеч қаерда йўқ. Татар хонлари атрофига тилладан гардиш ясаб, кийимларига тугма ўрнида қадайдилар. Дарвоқе, Сининанга бормаганингиз ҳам тузук, жаноб Поло.— Насриддиннинг чеҳрасида ташвиш аломатлари пайдо бўлди.— Бу ернинг ҳукмдори ўлим жазоси билан қўрқитиб, ёқут қазиб чиқаришни манъ этди. У пихини ёрган айёр, ишонинг менга.— Борди-ю, ҳар ким ёқутни қазиб олаверса бу тошнинг қадри кетиб қолишини у жуда яхши билади. У ҳамма ёқут меники, мен уларни жуда авайлаб сарф қиламан, совға-салом тариқасида қўшни подшолар билан хонларга юбораман, ҳукмдорим, мўғул хонига хирож тўлайман, гоҳ-гоҳ бу тошларни тиллага алмаштираман деб эълон қилди. Ҳа, у тенги йўқ ҳийлагар... Баъзан у мамлакатидан ўтган чет элликларга ёқутлардан совға қилади.

Отлар тошлоқ йўлдан йўртиб борарди. Маҳаллий отлар торгина сўқмоқлардан тик қояларга осонгина чиқиб келаварарди. Кексаларнинг гапига қараганда уларнинг мамлакатада Искандар Зулқарнайн ҳамма юришларида миниб юрган машҳур оти Буцефалдан тарқаган отлар бўлган экан. Энди бу зотдан қолмаган эмиш.

Насриддин отининг жиловини тортди. Улар ясси бир тоғнинг қояли четида тўхташди. Улкан бир шаршара ўкириб жаҳаннамдек пастликка отиларди. Шамол уларнинг башараларига муздек сув зарраларини урди.

— Ана, қаранг, жаноб. Сининан тоғи ҳув анави,— деди Насриддин энг баланд тоғни кўрсатиб.— Ёкки кунлик йўл.

— Негадир бошимни балога қўйгим келмаяпти,— деди Марко.

Насриддин қўлларини осмонга чўзиб худди афсун ўқиётгандек пичирлаб:

— Худо сизни ўз паноҳида асрасин,— деди.

Ашима карвоннинг охирида Матео билан бирга келарди. Уларнинг Балхдан чиққанларига бир ҳафта бўлди. Лекин қизча ҳамон хотиротлар оғушида эди. У ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмас, навқирон

чеҳраси худди тошдек қотиб қолганга ўхшар эди. Унинг қалбини шубҳа кемирар, қўрқувдан қалтирар эди. Ашима одамлардан юрак олдириб қўйган эди.

Бироқ унинг қовушмас лаблари Матеонинг номини, нотаниш бегона номни беихтиёр шивирлаб такрорларди.

Лекин шубҳа ҳамон унинг юрагига гулгула соларди. «Шошмай тур ҳали. У сени юз дукатга сотиб олди. Ҳеч ким пулини шамолга совурмайди. Наҳотки одамлар тошбағир эканлигини билмасанг?.. Лекин у сенга от, мўйнали ипак халат сотиб олди-ку. Ким ўзи бу, баҳайбат ажнабий? Меҳрибон сеҳргарми? Худуми?»

Яқин орада ҳеч ким йўқлигида у Матеонинг отини силаб, у билан ўз тилида суҳбатлашар эди.

Ҳаммадан ҳам у Матеонинг олдида тиз чўкиб, унга миннатдорчилигини билдиришни хоҳлар, лекин ботинолмас эди. Матео унга гап қотганда у нотаниш сўзларни эслаб қолишга ҳаракат қилар, кейин ёдида олиб қолиш учун ичида бир неча бор такрорлар эди.

Кечга бориб шамол тўхтади. Карвон ўтаётган водийга қоронғи тушди. Кўп ўтмай йўловчилар кичикроқ бир шаҳарчага кириб бордилар.

Ашима дамба-дам Матеога тортинчоқлик билан қараб-қараб қўярди. Матео ниманингдир ташвишини қилаётганини у фаҳмлар эди. Мўйнали халат унинг ориқ гавдасини сириб турарди. Оёғидаги яралари битиб кетган, фақат кишан чақа қилган тўпигина узангига текканда оғрир эди. Йўловчилар карвонсаройга киришганда Ашима энг олдин отдан сакраб тушди. Отга ем беришларини тайинлади, кейин хонага кўрпачалар, гиламча кўтариб кирди. У қандай бўлсин уларнинг кўнглини олиш пайдан эди.

— Э, ўтирсанг-чи!— деди Матео ва унга кўрпачани кўрсатди.— Бунчаям ориқсан-а, Ашима! Худди киши билан оч қолган эчкига ўхшайсан. Ҳечқиси йўқ, ўзимиз парварниш қилиб оламиз.

Қизча капалаги учиб, унга ўзининг тиниқ мовий кўзларини тикди. Хаёлга толиб, қовоғини солди. Матео унинг нигоҳида ташвиш ва қўрқув аломатларини кўрди.

— Сен қўрқма, Ашима,— деди у йўлда ўрганиб олган беш-олтита форсча сўзларни ишлатиб.— Ётиб ухла, қўзичоғим. Мен бир оз айланиб тоза ҳаво олиб келаман.

Матео унга бош ирғади-да, ҳовлига чиқди. Кундузги шовқин тинган, яқин орадан тоғ дарёсининг шовиллаши эшитиларди. Хизматкор қудуққа челак туширган эди, занжирнинг шилдираши қулоққа чалинди. Қарвонсаройдаги чироқлар бирин-кетин ўчди.

Матео ташвишга тушиб, ҳаловатини йўқотган эди. Ҳамёнида сариқ чақа ҳам йўқ, унга пул керак эди. У Ашимага от билан халат олиш учун Маффео Полодан икки юз дукат қарз олган эди. Ҳозир у тоғли мамлакатдан, баланд музликлардан ўтиладиган сафари тўғрисида ўйларди. Савдогарларнинг савдо-сотиқ ишларида қатнашишдан бош тортгани учун ўзини ўзи роса койирди.

Матео Марко яшайдиган хонанинг эшигини очди.

— Ухлаганинг йўқми?

— Келинг, Матео,— деди Марко хурсанд бўлиб,— Насриддин Бадахшон тўғрисида айтган гапларни ёзиб қўяяпман.

Матеонинг бир оз таъби равшан тортди.

— Сен бир кун келиб росмана ёзувчи ёки олим бўлиб кетасан,— деди у.— Лекин сен чолга кўпам ишонаверма. Бу ерда ўзимиз кўрган тоғлар, дарёлар ва эчкилардан бошқа дурустроқ нарсалар бўлиши даргумон.— Матео бошини қўлига қўйди.— Хўш, қивимга нима дейсан? Ҳозир халатда маликаларга ўхшамайдимми? Уни бир оз итальянчага ўргатсанг бўларди.

— Мен билан гаплашишдан қочади у, Матео. Олдига борсам, ерга қараб олади.

Матео бошини лиқиллатди.

— Ҳа, сабр қилиш керак. Уни бозорда бизнинг олдимизда қай аҳволда тургани эсингдами? Лойга беланган гунча. Энди секин-аста қаддини ростлаяпти.

Марко довотни қўйди. Шам ёруғи қоғоз бетини ёритди.

— Бу ердан икки кунлик йўл нарида Сининан тоғи жойлашган,— деди Марко ўйга толиб.— У ерда дунёда тенги йўқ ёқутлар топишади. Ёқут у ерда тўлиб ётибди, бору-у хоҳлаганинча олавер.

Бу гапни эшитиб Матео қулоғини динг қилди. Маркога диққат билан қараб:

— Нималар деяпсан асти ўзинг?— деб сўради. Унинг чеҳраси очилиб, кўзлари ёнди.

— Шундайликка-ку шунда-я, Матео, лекин бу ишга бел боғлаган йўловчи калласидан жудо бўлар.

кан.— Шундан кейин у Матеога Насриддиндан эшитган гапларини гапириб берди.

«Тоғнинг номи Сининан, бу ердан икки кунлик йўл», хаёлидан шу гапни ўтказди-да, Матео овозини баралла қўйиб:

— Эсдаликларингни ёзавер, Марко. Капитан кунни билан бўлган ишларни ёзиб бориши даркор. Сенга ортиқ халақит бермайман. Яхши ётиб тур.

Лекин чиқиб кетишдан олдин Маркога яна бир марта ўғирълиб қаради-да, шундай деди:

— Сен Ашимадан бохабар бўлиб туришинг керак... Сўз бер менга. Биз бу ерда узоқ турамиз...— Бир зум жим туриб, қўшимча қилди:— Ахир ҳамма вақт ёнида бўлолмайман-ку.

Марко Матеонинг гапларига унчалик аҳамият бермади. Бирдан унинг иситмаси чиқиб, аъзойи бадани ўт бўлиб ёна бошлади. Марко зўр-базўр жилмайиб, Матеога шундай жавоб берди:

— Хўп, хўп, Ашимадан хабардор бўлиб тураман. Хайрли тун.

Матео эшикни ёпиб чиқиб кетгач, Марко шамни пуфлаб ўчирди-да, иккита одеялни томоғигача тортиб ётиб олди. Унинг эти увишиб, тиши такилларди. Лекин бир оздан кейин бу ўтиб кетди.

\* \* \*

Матео хонасига қайтиб келди. Шамлар ҳамон ёниб турарди. Қизча кўзини юмиб ётгандек кўринса ҳам, лекин уни кузатиб турарди. Нега у ётмайди? Қизчанинг юраги така-пука бўлиб, дук-дук ура бошлади. Матео бўҳчаларни ечиб қандайдир халталар чиқарди, миҳдан оғир пўстинини олиб ёнига қўйди.

Ашима ҳанг-манг бўлиб қараб қолди. Матео унинг кўзига ҳар вақтдагидан ҳам баҳайбатроқ кўриниб кетди. Ҳақиқий паҳлавон. У қўлига қилич олди. Шунда Ашима қўрқувдан юраги увишиб, дод деб юборай деди. Паҳлавон унинг олдига келди. Қизча кўзларини чирт юмди. Назарида Матео боши устида қилич кўтаргандек бўлди. Ахир у унга мўйнали халат тортиқ қилди-ку... Нима учун ўлдирмоқчи? Эй, бағритош афсунгар, чоп чопадиган бўлсанг... Матео меҳрибон. У ҳозир келиб уни қутқаради.

— Матео!— деб қичқириб юборди қизча.

У биринчи марта номини овозини чиқариб айтди.

Ашима кўзини очди. Қўрқуви йўқолди. Бағритош афсунгар ғойиб бўлди. У чет эллик паҳлавоннинг меҳрибон чеҳрасини кўрди, унинг ширин сўзларини эшитди.

Матео унинг каравоти олдида чўкка тушиб, сочларини силади.

— Алоқ-чалоқ туш кўрдингми, дейман қўзичоғим? Энди ётиб ухла. Менинг номимни айтишни ҳам ўрганиб олибсан-ку, а? Жуда яхши. Матео кўп ўтмай қайтиб келади. Ётиб ухла, эртага эрталаб мен бўлмасам хавотир олма. Мен қайтиб келаман...

Матео шамларни ўчирди-да, уйдан чиқди.

У эшикни оҳиста очди. Ашима кўзларини бақрайтириб ётарди. Ортиқ у қоронғиликдан қўрқмасди. Қўлоғи остида Матеонинг гаплари жарангларди: «Алоқ-чалоқ туш кўрдингми дейман, қўзичоғим?» У бу сўзларни такрорлашга уринди-ю, лекин уларнинг маъзини чақолмади.

Вақт имиллаб ўтарди. Ҳовлида аллакимнинг гурс-гурс юргани эшитилди. Кейин яна ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

Қизча эчки жунидан қилинган адёлни сийпади. Меҳрибон паҳлавон қаерга йўқолди? У безовта бўла бошлади. Нега у бемаҳалда чиқиб кетди? Отда узоқ юрганидан аъзойи бадани қақшаб оғриси ҳамки ухлалмади. У тиқ этган товушга қулоқ солиб ётди. Лекин унинг қайтаётганидан дарак берувчи ҳеч қандай шарпа эшитилмади.

Ниҳоят Ашима адёлни отиб ташлади-да, ўрнидан турди. У елкасида шоҳи халатини ташлаб, эшикни очди ва ҳовлига мўралади. Осмон тўла юлдуз. Тўлин ой тиккада ёғду сочиб турибди. Сутдек ойдин ҳовли кимсасиз, ҳувиллаб ётибди. Қарвонсаройдагиларнинг ҳаммаси ширин уйқуда. Ҳув анави ерда ёш жанобнинг уйи. Уникига борсамикин-а? Унинг паҳлавонга дўст эканлигини билади. Ёш жаноб унинг ташвишига тушунади. У билан ахир гаплаша олади-ку.

Тун совуқ, қизча дилдирарди. Ҳаммани қўйиб у ёш жанобнинг ҳузурига киришга журъат этармиди? Ашима уйга қайтиб кирди-да, каравотга ўтириб қоронғиликка тикилди. Назарида орадан бир неча соат вақт ўтгандек бўлди. Ашима кўз юмишга қўрқарди. Миясига ҳар хил фикрлар келар, кўнгли алағда бўлар эди. У ўрнига ётди... «Алоқ-чалоқ туш кўрдинг»

ми дейман, кўзичоғим...» Ашима бахтиёр жилмайиб қўйди-ю, пинакка кетди.

У гира-шира тонг пайти уйғонди. Паҳлавоннинг каравоти бўм-бўш эди. Отхонадан ғовур-ғувур товуш эшитиларди: отбоқарлар отларни отхоналардан чиқариб, дарёга суғоргани олиб кетмоқда эдилар. Қизча қудуққа бориб ювинди-да, ёш жанобнинг олдига югурди. У эшикни аста қоқиб, қулоқ солди. Матео-дан хавотирлиги тортинчоқлигидан устун келди. У эшикни яна такиллатди-да, ёш жанобни отини айтиб чақирди. У назарида инграган товуш эшитгандек бўлди. Қочишни мўлжаллаб, эшикни қия очди.

Унинг кўзи қоронғиликка ўргангач, у Марконинг илондек тўлғаниб ётганини кўрди. Ашима югуриб бориб унинг олдига тиз чўкди. Марко тўлғаниб аста инграрди.

— Нима бўлди, жаноб?

Марко унинг гапини эшитмади. Эшитганда ҳам бари бир тушунмасди, зеро Ашима шошиб қолганидан она тилида гапириб юборган эди.

— Нима бўлди сизга, жаноб? Тобингиз йўқми?— деб Ашима саволини форсча такрорлади. Кейин қўлини унинг аланган оташ пешанасига қўйди.— Сув олиб келайми?

Қизча жавобни ҳам кутмай югуриб ҳовлига чиқди-да, қудуқдан бир кружка сув олиб келди.

— Кўзингизни очинг!

Ашима сочиқ ҳўллаб, унинг манглайига қўйди. Марко кўзини очиб, Ашимани танимади. У алланарсалар деб гўлдиради. Ашима уни елкасидан қучоқлаб, турғизиб сув ичирмоқчи бўлди. Лекин қўлини олган заҳоти Марко ўрнига шилқ этиб тушаверди.

— Сабр қилинг, жаноб, мен ҳозир келаман...

У уйдан шоша-пиша югуриб чиқди-да, венециялик савдогарлар тушган уйнинг эшигини қоқди. Аллаким бақариб, кириг, деди.

— Ажнабий паҳлавон Матео йўқолиб қолди... Ёш жаноб касал!— деди у ҳовлиқиб, нима деяётганини яхши тушунмай.

— Нималар деяпсан асти, Ашима?— деди Нико-ло Поло ҳовлиқиб.— Марко касал дедингми?

— Ҳа, жанобнинг тоби йўқ! Башараси ўт бўлиб ётяпти.

— Эшитяпсанми, Маффео?

Ака-ука апил-тапил ўринларидан тушди-да, Аши-



ма билан Марконинг олдига югуришди. Улар касал устига энгашишди. Николо Поло ўглини авайлаб кўтарди-да, оғзига бир оз сув қўйди.

— Гапимни эшитяпсанми, Марко? Бу мен, отангман... Маффео, кўзи очигу, мени танимаяпти,— деди Николо талмовсираб.— Нима деяпти у?

Марко пойинтар-сойинтар гапларни гапириб гўлдиради.

Маффео Поло энгашиб беморнинг лабига қаради-да, калласини чайқади.

— Алаҳлаяпти,— деб шивирлади у ва шартта қаддини ростлаб.— Дарҳол табиб чақириб керак, Ашима, биз қайтиб келгунимизча унинг ёнида туриб тур,— деди.

Қизча бош ирғади.

— Матео ғойиб бўлди...— деди у оҳиста. Ҳеч ким жавоб бермаганини кўргач, Маффео Полонинг этагидан тортди.

— Нима дейсан, Ашима?

— Матео ғойиб бўлди. Кечадан бери йўқ.

Маффео қўлини силтаб қўя қолди.

— Балоям урмайди унга, кеп қолади, қулоғингда бўлсин, ёш жанобнинг ёнидан жилма.

Ашима Марконинг бош томонига, гилам устига ўтирди. Унинг инграши қизчанинг юрагини эзмасди, Қизчанинг чеҳраси яна тошдек қотиб қолди. У беморга бегона кўзлари билан тикилганча, беихтиёр ҳўл сочиқни алмаштириб унинг ўт бўлиб ёнаётган пешанасига босар, гоҳ-гоҳ адёлни тузатиб кўяр эди. Худди отаси каби уни ҳимоя қилаётган чет эллик паҳлавон ғойиб бўлди. Ашимани фалокатдан у қутқарди. Энди меҳри товланаётганда у ярим кечаси, қилич осиб жўнаб қолди.

Ҳадемай Николо ва Маффео Пололар табиб ва хизматкор ҳамроҳлигида кириб келдилар. Қадди расо, қорача юзли, оппоқ соқолли барваста табиб қўлини силтаб, эшик олдида уймалашиб турган ҳангоматалаб одамларни қувиди.

— Бемор олдида мени ҳоли қўйинг,— деди у чўрт кесиб.

Ака-ука журъатсизлик билан кўз уриштириб олишди-да, ташвишга тушиб чиқиб кетишди. Уларнинг кетидан Ашима чиқди.

— Унинг истагини бажо келтирганимиз яхши бўлди,— деди Маффео Поло.

Қутишдан бошқа иложлари қолмади. Николо Поло безовталаниб ҳовлида у ёқ-бу ёққа юрарди. Улар билан бирга кетаётган бадахшонлик савдогар Николони гапга тутди.

— Сиз бу табибга бемалол ишонаверинг. У бу ерда бир қанча касалларни боқиб тузатди. Айтишларига қараганда — сеҳр-жодуни ўргангани атайлаб Ҳиндистонга борганмиш.

Бу сўзлар бари бир Николога тасалли бермади. Марко турган уйнинг эшиги очилиб, табибнинг хизматкори ичкарига киришга ишора қилгунча орадан анча вақт ўтди.

Бемор энди хотиржамроқ ётар, иситмаси ҳам пасайгандек эди. Табиб овозини пастлатиб аллақандай сирли дуоларни ўқиди-да, қўли билан ҳар хил ҳаракатлар қилди. Кейин уч марта таъзим қилди-да, орқасига тисланиб, уйни тарк этди.

— Эшик очиқ турсин, — деди у амирона.

Хизматкор катта яшик олиб келиб, унинг қопқоғини очди. Теварак-атрофга чуқур сукунат чўкди. Одамлар чол аллақандай дарахтнинг бир бўлагини ва хушбўй таёқчаларни ёққанига, кейин махсус гиламчага чордона қуриб ўтирганига, тутунга тикилиб қолганига иззат-ҳурмат билан қараб туришди. Чол бу тахлит узоқ ўтирди. Ниҳоят тутун буралиб очиқ эшик томон интилди. Шунда хизматкор сочи оппоқ шифокорга ола-була патлардан қилинган катта елпигич берди. Чол чинқирганча, хона ичида зир югуриб, тутунни ташқарига ҳайдай бошлади.

Бу даволаш маросими чолни ниҳоятда ҳолдан тойдирди.

Чол ўн дукат олиб, бир оз ҳордиқ чиқаргач, яшигидан қандайдир кўк толқонга ўхшаган дори чиқарди-да, буни эчки сутига қориб беморга бир соат, бир соат оралатиб ичиринг, деб тайинлади.

— Тузалиб кетадими? — деб сўради Николо Поло.

— Улим фариштаси сайёҳларнинг жонига қасд қилиб бу ерга учиб келади, — деди чол ғўлдираниб. — Сиз ўлим фариштаси водийсида турибсиз. — Шундай деб чол завқланиб кетди. — Уғлингиз қора безгак бўлибди. Худо ярлақаса тузалиб кетади. Сал ўзига келгач, уни тоққа олиб чиқиш даркор. Тоғнинг соф ҳавоси касални даф қилади.

Чол гўё беморнинг тақдирини аниқламоқчи бўлгандек кичкина лўппи қўлларини осмонга чўзди-да,

Николо сийловига берган беш дукатни чаққон илиб олди.

Ашима пиёлада эчки сути олиб келиб, унга озгина кўк доридан сепди. Кейин Николо ёрдамида дорини беморнинг оғзига қуйди.

Марко кўзини юмиб ётар ва текис нафас олар эди.

— Ухлапти,— деди Николо, сўнг Ашимага му-рожаат қилди.— Ёнида қол. У тезроқ оёққа туриши керак.— Николонинг башарасидан жиддийлик йўқолди, унинг хатти-ҳаракатида ночор-ноиложлик пайдо бўлди.— Уни шундай парвариш қилгинки, тезда тузалиб кетсин.— Николо эшик олдига етгач, орқасига ўгирилди-да, ташвишланиб сўради:— Айтмоқчи сен, Матео йўқолиб қолди, деган эдинг-а?

Ашима бош ирғади.

— Ундан хавотир олма, у албатта қайтиб келади.

Ака-ука индамай беморнинг уйидан чиқишди. Гўё очиқ эшикдан урган сарин ел безовта қилгандек Марко шартта ёнига ағдарилди.

— Алоқ-чалоқ туш кўрдингми дейман, қўзичоғим,— деб шивирлади қиз.

\* \* \*

Матео карвонсаройдан чиқаётганида ниҳоятда бе-маъни иш қилаётганини тушунди. У бир кўнгли отни буриб, орқага қайтмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин сафар олдидан Ашимага анча-мунча нарсалар сотиб олиши кераклигини ўйлаб бу аҳдидан қайтди.

У ҳиссиётга берилиб бир неча бор қалтис ишга бел боғлаган, бироқ ҳар сафар қийин аҳволдан омон-эсон қутулиб кетган эди. Матео қатъиян бир қарорга келди-ю, кимсасиз йўлдан шаҳар дарвозаси томон от қўйди. Дарвоза олдида итальянчага форсча сўзларни кўшиб соқчилар билан хўп сўкишди, ниҳоят улар Матеони сўка-сўка, дарвозани очишди.

Ой туёқ ва ғилдираклар ўйдим-чуқур қилиб юборган йўлни ёритиб турар эди. Ангизда изғирин еларди.

Матео зим-зиё тунда бақувват тўриқ отда елиб борар, ширин хаёл сурар эди. У қулай форс эгариди ўзини кеманинг палубасидагидек ҳис қиларди. Қачонлардир божхона хизматчиларидан қоचाётганда ҳаво бузуқ маҳал ўзининг қора баркасининг рулини тутиб турганда шундай ҳисни туйган эди.

У тонг отиб, қоп-қора ўрмон устига қуёш чиққунча қадар от чопди. Кейин уч соат дам олди-да, яна йўлга тушди. Унинг барваста гавдасини ҳамма ерда одамлар қизиқиб кузатишарди. Қишлоқларда деҳқонлар йўлдан тўхтаб, унинг орқасидан ҳанг-манг бўлиб қараб қолишарди. Ўрмонда у овчиларни учратди. Отининг дупуридан бир гала ёввойи эшак ура қочди. Тоғ ёнбағирларида пода-пода эчкилар ўтлаб юрарди. Тустовуқ ва какликлар бу бефайз куз фаслида у ер-бу ерда ола-була бўлиб кўриниб қоларди.

Кечга яқин у Сининан тоғи этагига етиб борди. Бироқ унинг олдидан бир тўда соқчилар чиқиб қолди. Булар ёқут конларини кўриқловчи Бадахшон подшосининг соқчилари эди. Матео қанчалик лақмалигини эндигина тушуниб қолди. Лекин у Сининан тоғига етсам бўлди, ёқутлар шундай чўнтагимга келиб тушаверади, деб ўйламаган эди-ку!.. Албатта у буни хаёлига ҳам келтирмаган, хатарли ишга бел боғлаганини тушунган, лекин иши ўнгидан келишига, ҳамма иш яхшилик билан тугашига ишонган эди. Ҳаёт уни аҳвол танг пайтларда довдираб қолмасликка ўргатган эди. Шу важдан у хароб бўлдим деган гапни хаёлига ҳам келтирмасди.

Чавандозлар эгниларига кумуш совут, бошларига қора дубулга кийиб олган эдилар. Улар қиличларини қинларидан суғурдилар-да, Матеони чор атрофдан ўраб олдилар. Соқчилар бошлиғи Матеога отдан тушишни буюрди. Лекин Матео қани кўрайлик-чи, охири нима бўларкин, деб пинагини бузмай от устига ўтирарди. Унинг чуқур ўрнашган кўзларида ғазаб учқунлари чақнади.

Бошлиқ бўкирди:

— Ярамас шоғол, отдан туш деяпман сенга!

Матео соқчилар бошлиғи сўкканини тушунди. У хўмрайиб қошини чимирди-да, қаҳр билан қўлини кўтарди.

— Кекирдагингни чўзма, гўнг қарға,— деди у хотиржам.

Соқчилар бошлиғи бегона сўзларни эшитиб саросимага тушиб қолди. Матео қўлини тушириб қиличини чангаллади. Алоҳа улар бир қарорга келишди. Матео соқчилар кетидан бориши керак эди. У нима бўлишини зўр бериб ўйланганча, худди тутқунлардек соқчилар ўртасида борарди.

У бир қарашдаёқ отларнинг асллигини, чавандоз-

ларнинг қуроллари қимматбаҳо тошлар билан безалганини фаҳмлади. Булар оддий соқчилар эмасди, улар отларини шундай тез чоптириб борардиларки, Матео уларга зўрға етиб юарди. Уларнинг совутлари ботиб бораётган қуёш нурида ялтиллар эди.

Текислик ўртасида юксалиб турган тепада овчилар қасри кўринарди. Йўлда улар яна чавандозларни ва пиёда аскарларни кўришди. Дўмбира ва бурғулар ушлаган бир тўп эркак соқчиларни кўриб, ҳурмат юзасидан четга чиқиб турди. Матео бу одамлар овдан келаётган бўлишса керак, деб ўйлаб қўйди.

Қасрнинг дарвозаси ланг очилди. Улар ҳовлига киргач, отдан тушишди. Матео эс-ҳушини йиғиб олгунича бўлмай, иккита қуролланган аскар уни шартта ушлади-ю, торгина бир ҳужрага итариб киргизди ва орқасидан зилдек эшикни ёпиб қўйди. У зулматдек қоронғида қамалиб ўтирар, ҳужранинг деразаси йўқ эди. У бошига қандай савдо тушганини ўйлай бошлади. Матео қўли билан пайпаслаб, ёғоч курси топди-да, дармони қуриб унга чўкди.

«Омадинг келса бу фалокатдан ҳам қутулиб кетасан, Матео,— деди у ўзига тасалли бериб.— Ахир улар қуролингни тортиб олмадилар-ку. Булар қароқчилар эмас».

Ногоҳон унинг қулоғига тапир-тупур оёқ товуши билан олағовур эшитилди, кейин лўкидон шарақлади-ю, ичкарига бешта қуролли жангчи кирди. Улар Матеога қиличини топширишни буюрдилар. Матео хушқўмаслик билан қиличини берди.

Навкарлар уни серҳашам кенг-мўл қабулхонага олиб келдилар. Буғуларнинг шохидан ясалган қўлбола қандилларда сон-саноқсиз шамлар ёниб турарди. Мармар алвон рангда товланар, топ-тоза мислар йилтиллар эди. Фил суяги рангидаги баланд эшик олдида асил кийимлар кийган иккита навкар узун найза ушлаб турарди. Матео бир қарорга келгунча бўлмай, бир хизматкор имлаб уни чақирди.

Матео катта залга кирди-ю, юзлаб шамлар ва чироқларнинг ўткир шуъласидан кўзи қамашиб таққа тўхтаб қолди. Унинг қулоғига ғовур кирди. Бир неча соат бурун у чанг йўлда от чолиб келаётган эди. Мана энди зарбофу шойи кийимлар кийган серсвлат жаноблар ҳузурда турибди. Улар капитанни ҳайрат билан кўздан кечириб, ўз таассуротларини аста ўртоқлашмоқдалар.

Матео икки ёққа чекиниб, йўл очган сарой аён-лари ўртасидан худди тушидагидек ўтди-да, олтин тахт олдига етгач, таъзим қилди. Бу қасрда ким яшаркин? Хонми, шоҳми?

Матео чиз чўкди. Атрофдаги дабдабани кўриб бир лаҳза ҳуши бошидан учди. Унинг рўпарасида ҳукмдор ўтирарди. Ҳукмдор ёш, семиз, бақалоқ эди. Матеога у қичқириб алланарса деди.

Матео ўрнидан туриб:

— Гапингизга тушунмаяпман, олиҳиммат жаноб,— деди.

Матео атрофидаги одамлардан анча новча эди. Ҳукмдор унга ўқрайиб қаради-да, қандайдир фармон берди. Икки навкар шошилиб залдан чиқди.

Матео тамоман ўзини йўқотиб қўяёзган эди. Гўё у қандайдир бир мўъжизадек ҳамма унга маҳлиё бўлиб тикилиб қолган эди. Шундай вазиятда ҳамманинг диққат-эътиборида бўлиш унчаям кўнгилли иш эмас. Ҳукмдор ёнида турган уч эркак гап маъқуллар, эркаклар унинг сўзларини ҳурмат-эҳтиром ила тинглашар эди. Кўп ўтмай залга кекса бир кишини олиб келишди. У тахт олдида ўзини ерга ташлади-ю, кейин ўрнидан туриб, Матеога ҳар хил тилда мурожаат қилди. Матео ниҳоят итальянча гапни эшитиб, енгил тин олди.

Завқ-шавқ билан:

— Ҳа, ҳа, гапингизга тушуняпман,— деди.

Унинг қудратли овозидан бутун зал ларзага келди.

Тилмоч қўлини кўтариб, огоҳлантирди:

— Секинроқ гапиринг, жаноб. Сиз, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи, аёло ҳазратлари ҳузурини турибсиз. Унинг саволларига жавоб беринг.

Матео розилигини изҳор қилиб бош ирғади. Энди у эс-ҳушини йиғиб олган, кўнглидаги гапларини бемалол баён эта олар эди.

— Аёло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи исми шарифингизни ва қаердан келганингизни билиш ниятидалар,— деди тилмоч.

— Мен қора барканинг соҳиби, машҳур капитан Матео бўламан. Адриатик денгизининг дурдонаси Венециядан келдим.

— Аёло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи шуни билмоқчиларки, мамлакатингиздаги ҳамма одамлар сизга ўхшаш новчами?

— Мамлакатимизда одамларнинг бўйи ҳар хил, лекин бутун Венецияда қора барканинг соҳиби, машҳур капитан Матео билан тенглашадиган одам камдан-кам топилади.

— Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи шуни билмоқчиларки, қора барканинг соҳиби, машҳур капитан Матео нима мақсадда унинг мамлакатига келган?

Матео бу ўзи қанақа одам эканлигини билиш учун ҳукмдорга кўз қирини ташлаб қўйди. Унинг башарасида айёрлик ва маккорлик аломатлари бўлди. Унинг лабларида заҳарханда табассум ўйнади. Сарой аъёнлари аввалига шивир-шивир қилишди-ю, кейин жимиб қолишди.

— Мен венециялик учта машҳур савдогар билан Қатайга, буюк хон ҳузурига кетяпман. Йўлда мен аъло ҳазратларининг Бадахшоннинг шавкатли шоҳининг бадавлатлиги ва олиҳимматлиги тўғрисида эшитиб қолдим. Менга Сининан тоғида ҳар қайсиси тухумдек келадиган ёқут бор деб айтишди. Бундай чиройли ёқутлар бутун дунёни қидирса ҳам топилмасмиш.

Шоҳнинг башарасидаги истеҳзоли табассуми рўйи-рост кўринди.

— Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи шуни билмоқчиларки, қора барканинг соҳиби, машҳур капитан Матео ёлғон гапиришни қаерда ўрганган? Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи шуни хабар қилишни буюрдиларки, беш минутдан кейин машҳур капитан Матеонинг калласи танасидан жудо қилинади.

Матео ғиқ этмай тўғрисига парвойи-фалак қараб турарди.

Залга қабристон сукунати чўкди. Шоҳ серҳашам қўйлагининг чўнтагидан осилиб турган олтин соатининг занжирини ўйнаб ўтирарди. Ридосидаги ёқутлар ялт-юлт қиларди.

— Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи шуни билмоқчиларки, нега жавоб бермай турибсан?— деди ниҳоят тилмоч.

— Мен бошсиз буюк хоннинг саройга етиб елишим осон бўлмаслигини ўйлаяпман.

Матеонинг гапидан одамлар завқланиб ғивирлаб қолишди. Шоҳ семиз сонига шапатилаб уриб, хоҳолаб кула бошлади. Аъёнлар унга жўр бўлиб зални

бошларига кўтариб қулишди. Лекин шоҳ бирдан кулгидан тўхтади-ю, башараси қаҳрли тус олди, аъёнлар шу заҳоти нафаси ўчиб, жим бўлиб қолишди. Фақат ёшгина бир йигитгина бурчакда ҳиринглаб куларди. Ҳамма ғазаб билан у томонга қаради.

— Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи қора барканинг соҳиби, машҳур капитан Матеога амр қилдиларким, у аъзо ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи қатл олдидан меҳмон шарафига бериладиган зиёфатда қатнашсин.

Шоҳ қарс этиб қарсак урган эди, тўртта қора танли қул қизил духобали, ҳамма ёнига ёқут қадалган тахти-равон кўтариб кирди. Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи тахтдан тушиб, тахтиравонга ўтирди. Шунда қуллар уни кўтариб кетишди. Аъёнлар эса талмовсираб қолган Матеони олдиларига солиб, шоҳнинг орқасидан йўлга тушишди.

— Сен семиз бақалоқ, пиёда юрсанг тузук бўларди!— деди Матео гўлдираб.— Ана ўшанда бинойидек шоҳ бўлардинг!

Улар бир неча серҳашам, кенг-мўл кошоналардан ўтиб, катта меҳмонхонага келдилар. Бу ерда базми жамшид учун ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилган эди. Шоҳ Матеога ўнг ёнидаги ёстиққа ўтиришни буюрди. Хизматкорлар ҳар хил таомлар ва ичимликлар тортдилар. Қовурилган гўшт ва зираворларнинг ҳидига асл шаробларнинг бўйи қўшилиб кетган эди.

Шоҳ ҳаддан ташқари кўп овқат ер, лабидан ёғ томиб турар эди. Кейин у олтин қадаҳни кўтариб, бир сипқоришда уни бўшатди.

— Башарти сен камроқ овқат еб, камроқ ичганинга бинойидек шоҳ бўлардинг,— деб қўйди Матео ва овқат ейишга тутинди.

— Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи амр қилурларким, машҳур капитан Матео қатл олдидан тўйиб овқат есин ва ичсин.

Матео бу гапни эшитиб катта қадаҳдаги шаробни ичиб тугатди. Шоҳ мамнун бўлиб тиржайиб қўйди.

— Башарти сен бошимни ўрнида қолдирсанг, бинойидек шоҳ бўлардинг,— деди Матео гўлдираб.

Шоҳ ичса, ҳамма аъёнлар қадаҳларини кўтаришарди. Матео ҳайрон бўлганча, шоҳни кузатиб ўтирарди. Бу семиз одамнинг қорнига қанча шароб сифаркин-а! Меҳмонлар маст бўлишиб, стол тагига думалаб тушишар, буни кўрганда шоҳ қотиб-қотиб ку-



лар эди. Хизматкорлар мастларни қўлтиғидан ушлаб, меҳмонхонадан олиб чиқиб кетишар эди.

Матеонинг вақти чоғ эди. У хавф-хатарни унутган эди. Ёнида ўчиб қолган тилмоч ётарди. Ҳозиргина стол тағидан ичкиликка полвон аъёнларни сургаб чиқаришди. Аъло ҳазратлари эса, қийқириб қўшиқ айтганча, гиламга шароб сепмоқда эди.

— Сен ажойиб шоҳ экансан; бақалоқ!— деб бўкирди Матео.— Билиб қўй, бу гапи сенга барканинг соҳиби, венециялик машҳур капитан Матео айтяпти.

Матео яна лиммо-лим қадаҳни кўтарди-да, бир қатра қолдирмай ичиб юборди. Шунда унинг кўзи ола-кула бўлиб, аъло ҳазратларининг башараси чайқалиб, ялпайиб кетди. Қаттиқ кулги қулоғига кирди. Шамлар билан ёқутлар ялтиллади, меҳмонхона қандайдир қизғиш рангга киргандек бўлди. Матео чайқалиб ўрнидан кўзгалди-ю, бирдан югуриб келган хизматкорларнинг қўлига шилқ этиб тушди.

...Матео кўзини очганда анча вақтгача кечасими, кундузими ажратолмади. Мияси говлаб кетган эди. Матео тагин деразасиз қоп-қоронғи ҳужрада ўтирар, Сининан тоғига келиб бемаъни иш қилганини ўйлаб, ўкинар эди. Ахир ҳаёти қил устида турибди-да.

— Бахтли бўл, жажжи Ашима, энг муҳими Маркони паноҳ тут. Агар мен қайтмасам, у сенинг кунингга ярайди... Сен, қора барканинг соҳиби, венециялик машҳур капитан Матео, саёзга ўтириб қолганга ўхшайсан, ишинг пачава,— деди Матео аччиқ истеҳзо билан.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Ниҳоят қадам товуши эшитилди-ю, аллаким лўкидонни сурди. Ҳужрага иккита навкар билан башараси бўздек оқариб кетган тилмоч кирди. Матео ҳужрага кирган тоза ҳавони шимириб, дарҳол ташқарига кўз ташлади. Ҳовлида отлари ёнида чавандозлар туришарди. Матео ўзининг эгарлоглиқ отини кўриб таажжубга тушди. Бунинг маънисини нима экан? Нима бало, унинг калласини четроқ бир ўрмонда олишармикан-а? Навкарлардан бири унинг қўлига қиличини тутқазганда ҳайрати яна ҳам ортди.

— Аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи,— деб гап бошлади тилмоч хириллаб.— Қора барканинг соҳиби, машҳур капитан Матеога ихлос қўйганлари важдан унга бир халта ёқут тухфа этишни лозим кўрдилар. Борди-ю, сени яна Сининан тоғи

яқинида кўрсалар, аъло ҳазратларининг фармонига кўра, тирноғингни кўчириб олишади, бармоқларингни, қўлларингни, қулоғингу, бурнингни қирқишади. Кўзингни ўйишади, ўтмас қилич билан терингни шилишади. Қулоғингда бўлсин, аъло ҳазратлари, Бадахшоннинг шавкатли шоҳи шундай фармон берганлар.

— Ҳунарингни яхши эгаллаб олибсан,— деди Матео ажабланиб.

Тилмоч таъзим қилиб, унга ёқут солинган халтани узатди.

— Оқ йўл сизга, чет эллик меҳмон,— деди у шивирлаб.— Бу ерга иккинчи қайтиб келманг. Улимдан қутулиб қолган ёлғиз сиз бўлдингиз, илоҳим худо сизни ўз паноҳида асрасин.

Матео отига ирғиб минди-ю, биқинига оёғи билан ниқтаб, ўзига ўзи:

— Бу ердан тезроқ даф бўл, қора барканинг соҳиби, машҳур капитан Матео,— деди.— Бўлмаса бу семиз шайтон аҳдидан қайтиб, бармоқларинг билан қўлингни ва буруну қулоқларингни кестириб, каллангни олиши ҳам ҳеч гапмас.

Матео дарвозадан от чоптириб чиқди. У Сининан тоғидан ва тепаликда юксалиб турган қасрдан шитоб билан узоқлашиб борар эди. Семиз шоҳнинг қаттиқ хахолагани ва бурчакдаги йигитчанинг талвасага тушиб ҳиринглагани ҳамон қулоғи остида жаранглаб турарди. Матео буларнинг ҳаммасини тушида кўргандек бўлар эди.

\* \* \*

Марко аста-секин ҳушига келаётганини пайқади. Кейин унинг қулоғига узоқдан келаётгандек бир товуш аста эшитилди:

— Энди у бутунлай тинчиб қолди, Маффео.

Марко бу жумлани такрорламоқчи бўлди: «Энди... у... бутунлай» ...йўқ, буни уддасидан чиқолмади. Ҳар қанча уринмасин сўнги сўзларни эслолмади. Яна ҳушидан кетди.

Қандайдир, муздек қўл унинг пешонасига қўйилди. Марко кўзини очиб, Ашимани кўрди-ю, лекин уни таниёлмади.

— О жаноб, менга қаранг!— деди қизча.

Марконинг устига отаси энгашди.

— Худога шукурлар бўлсинки, у уйғонди, Маффео! Мени кўряпсанми, Марко? Танияпсанми?.. Маффео, у бошини ликиллатди...— деб шивирлади. Николо Поло бекитиқча кўз ёшларини артди.— Маффео, у мени таниди. Кўрдингми? Ашима, сут олиб кел-да, унга кўк доридан бер.

Марко лабини қимирлатарди. Унинг сув ичгиси келар, ўзини ниҳоятда ҳорғин ҳис қилар эди. У отасига «ота, сув беринг», демоқчи бўлди-ю, лекин мажоли келмади, жуда ҳам дармони йўқ эди.

Николо Поло уни кўтариб турди, Ашима оғзига дори қўшилган сут қуйди.

Шундан кейин Марко яна қаттиқ уйқуга кетди. У алла-паллада уйғонди. Мияси шитоб билан ишларди. Марко ўз хонасида ётарди. Чироқ ёниб турарди. Қай маҳал ўзи, кечқурунми, кечасими? У эҳтиёт билан бошини бурди. Бурчакда Ашима ўтирарди. У ухлаётганмиди? Йўқ. Унинг қорачиғи қоп-қора тиниқ кўзларида чироқ шуъласи ўйнардди. Нимани ўйлаётган эди у? У маъюс эди. Марко қизнинг истараси иссиққина чехрасини биринчи бор томоша қилди. Эгма қошлари ингичка, чиройли пешонасига қоп-қора сочлари толим-толим бўлиб тушиб турарди. Қизча қимир этмай ўтирарди.

— Ашима!— деб чақирди Марко оҳиста.— Нега хомушсан?

Қизча бедана юриш қилиб унинг олдига келди.

Уйғондингизми жаноб? Аҳволингиз қалай?— деб сўради у ва шу заҳоти чехраси шодликдан порлаб кетди.— Еб-ичадиган бирор нарса келтирайми? Жаноблар хурсанд бўлишади энди.

Марко ўйга толди. Ашима ташвишланиб унинг устига энгашди. Наҳотки у яна ҳушини йўқотса?

— Нима бўлди ўзи, Ашима?— деб сўради у секин.

— Сиз қаттиқ касал бўлиб қолдингиз. Сизнинг жонингиз тўрт кун мобайнида иситманинг девлари қўлида бўлди. Лекин энди сиз уларни енгдингиз.

— Тўрт кун...

Марко безгаги тутган оқшомни эслади. Ушанда олдига Матео келган эди. У кетгач, Марко ётиб қолган, қулоғига ваҳимали товушлар эшитилган эди. Сўнгра ҳаммаси йўқолиб, ҳушдан кетган эди.

Марко хонани кўздан кечирди. У деворда Ашиманинг соясини кўрди.

— Ашима, соат неча бўлди?

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди, жаноб. Ҳадемай ярим кеча бўлади. Ҳозир сизга овқат олиб келаман-да, кейин жанобларни уйғотаман. Улар, уйғониши билан бизни чақиргин, деб тайинлашган.

— Матеони ҳам чақир. Эшитдингми, дўстим Матеони чақириб кел... У ҳеч нарса демадимми?

— Ҳа, эшитдим...— деди қизча хомуш бўлиб. Кейин:— Ҳозир сизга овқат олиб келаман,— деди-да, хонадан чопганча чиқиб кетди.

Чироқ хонани хира ёритиб турарди. Чуқур сукунатни тик этган товуш бузмас эди. Марко оқ кўрпани пайпасларди. У қўлини кўтарган эди, қўли шу заҳоти шилқ этиб тушди, кейин оёғини қимирлатиб ўрнидан қўзғалишга уриниб кўрди. Лекин барча уринишлари беҳуда кетди.

Ашима аччиқ шўрва олиб келди-да, кичкина қошиқда унга ичира бошлади. Марко дармони қуриб, яна бошини ёстиққа қўйди, оёқ-қули бўшашиб, ўзини мажолсиз сезса-да, руҳан тетик эди.

— Нега хомушсан, Ашима?— деб такрорлади Марко. Қизча сопол товоқни ерга қўйди.

— Вориб жанобларни уйғотиб келай. Чарчаган бўлсангиз, ётиб ухланг, жаноб.

Ашима шундай деб уйдан чиқиб кетди. Марко қулоқ солди, шипиллаган қадам товуши, узоқда итларнинг акиллаши эшитилди. Булар худди тушда бўлаётгандек туюлди.

«Ҳозир кўзимни юмсам,— деб ўйлади Марко,— шу заҳоти ухлаб қоламан». У кўзини юммасликка ҳаракат қилар, кўзимни юмсам иситма девлари яна мени жаҳаннам қаърига итариб юборади, деб кўрқар эди.

Уйга Николо ва Маффео Пололар киришди.

— Марко! Аҳволинг қалай? Овқат ебсан-ку! Энди дарров тузалиб кетасан.

Марко жилмайди. У ниҳоятда чарчаган эди. «Матео нега кўринмайди?» деб ўйларди у. Шу вақт отасининг гапини эшитди:

— Қўй, ухласин у, Маффео.

\* \* \*

Бугун ҳаво очиқ бўлди, қуёш порлаб шамол эсиб турарди. Ҳовлида қандайдир карвон сафар тарадду-

дини кўрмоқда эди. Ҳозиргина сувлоқдан олиб келинган ювош хачирларга оғир юк ортишар эди.

Николо ва Маффео Пололар шаҳарга кетишди. Марко ухлаб ётарди. Уйқусизликдан толиққан Ашима ёш жанобнинг уйғонишини пойлаб ўтирарди. Ҳовлидан уйга гўнғир-гўнғир овозлар келарди. Даричадан ерга қуёш нури тушиб турарди. Манқалдан чиқаётган ҳарорат жонга роҳат бағишларди.

Туйқусдан Ашима бир чўчиб тушди. Наҳотки пинакка кетган бўлса? Наҳотки буни тушида кўрди? У ҳамма овозларни босиб кетувчи унинг гулдуросдек овозини эшитди. У қўлини кўксига қовуштирганича бир қадам орқага чекилди. Унинг фил суяги рангидаги чеҳраси анордек қизариб кетди.

Эшик ланг очилди-ю, уйга қуёш нури ёғилди. Бўсагада баҳайбат чет эллик турарди.

— Мана мен келдим!— деди у қичқириб.— Нега менга арвоҳга қарагандек ҳайрон бўлиб қараяпсан, кўзичоқ? Нега Марко ухлаб ётибди? Жудаям озиб кетибди-ку!— Матео овозини пасайтирди.— Тоби йўқми?

Марко кўзини очди. Тиниқиб ухлаганидан бир оз бардам бўлиб турди.

— Бу сизмисиз, Матео? Тунда келмаганингизга жуда ҳайрон бўлдим. Донг қотиб ухлаб қолгандир-сиз-да?

Марконинг мияси ниҳоятда аниқ ишлар эди. Матео жавоб бермай, ўйчан тикилиб турганидан касал бўлиб, ётганида қандайдир иш содир бўлганини тушунди. У қуёш нурига фарқ бўлган Ашимага қаради.

— Уни қаранг, Матео,— деди Марко итальянча.— Чеҳрасида шодлик балқиб турса-да, Ашима йиғлаяпти. Мана энди у куляпти.

— Сув олиб келай,— деди Ашима.

Марко билан Матео ёлғиз қолишди. Матео чўнтагидан халтача олди-да, кафтига ёқутлардан тўкди. Улар анор донасидек қизил эди.

— Николо ва Маффеолар ҳали тоза таъзимини беришади,— деди Матео қулиб.— Лекин қара...— Матео қимматбаҳо тошларни кафтлари орасига олиб, шақиллатди.— Мана кўр, Марко, ёқутлар. Гуларни Менга Бадахшоннинг шавкатли шоҳи ўз қўли билан берди. Қизчам қани? Булардан энг чиройлисини унга совға қиламан. Токи у буни бир безак сингари тақиб юрсин.

Марко Матеонинг ҳикоясини ҳанг-манг бўлиб эшитди. У касаллигини ҳам унутиб бир неча марта қотиб-қотиб кулди. Лекин ўрнидан турмоқчи бўлганда, ҳали дармонга кирмаганини сизди. Матео катта қўлини Марконинг пешонасига қўйди.

— Энди гапимни тугатаман, ўғлим. Ухла. Тезроқ тузалиб кет.

...Орадан бир ой ўтгачгина Марко биринчи марта тўшакдан туриб, ҳовлида бир оз айланди. У водийни қуршаб турган тоғларнинг чўққилари қор билан қоплаганини кўрди. Йигитча тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Қудуқ унга жуда саёз кўринди. Умуман ҳамма нарса ўзгариб, кичик тортиб қолгандек эди. Қирмонга борадиган карвонни кутиб турган Насриддин ҳам пак-пакана бўлиб қолганга ўхшарди. Матеонинг ҳам бўйи пастроқ кўринарди. Марко ўзини баҳайбат ҳисобларди. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Ҳадемай оёғи чалкашиб ётиб олишга мажбур бўлди.

Бир ҳафтадан кейин тўртта хизматкор уни замбилда тоққа олиб кетди. Ашима ва Матео у билан бирга кетди. Марконинг кетидан озиқ-овқат ва керакли нарсалар ортилган иккита хачир келарди. Ака-укалар карвонсарой дарвозаси олдида Марко ва унинг ҳамроҳлари кўздан ғойиб бўлгунча қўл силтаб турди.

Иссиқ кўрпага ўралиб олган Марко замбилда чайқалиб ўтирар ва қандайдир ғалати бир туйғуни туяр эди. Дастлаб улар кенг йўлдан боришди, лекин йўл тобора торайиб, иланг-биланг бўлиб тоққа кўтарилиб кетди. Қалин ўрмондан ўтишгач, қояли майдончага чиқишди. Тоғдаги бир шўх сой устига осма кўприк қурилган эди. Пастдаги дарада зилол сув кўпириб-қайнарди.

Кечга яқин йўловчилар кўзлаган манзилларига етдилар. Улар шамол урмайдиган бир ялангликка келдилар. Бу ерда кичкина бир кўл, қояда ғор бор эди, ялангликнинг бир томонида ўсиб ётган дарахтлар ёнига чодир тикиб, Маркога иссиқ тўшак тайёрладилар. Кечаси шамол чўққилардан қора булутни ҳайдаб келди-ю, қор учқунлай бошлади. Эрталаб улар уйғониб, яланглик қор билан қоплаганини кўрдилар.

Чодир турган жой тинч, шамол тегмас эди.

Тоғнинг тоза ҳавоси Маркога эм бўлди. У кўп ўт.

май соғайиб кетди ва Матео овга ёки балиқ тутгани борганда уни кузатиб борадиган бўлди. Кечқурунлари ҳаво очиқ пайтларда улар чодир олдида гулхан атрофида узоқ ўтиришарди. Агар қор бўрони бўлса, горга кўчиб, қорнинг ёғишини томоша қилишар эди.

Матео билан Марко она тилларида гаплашганларида Ашима диққат билан уларнинг гапларига қулоқ солиб турар эди. Кунлардан бир кун Марко ундан, итальянчани ўрганишни хоҳлайсанми, деб сўраган эди, қизча қувониб рози бўлди. Ашима ҳатто тушида ҳам нотаниш сўзларни такрорларди.

Аста-секин унинг онгидан қора ўтмиши кўтарила бошлади. Ашиманинг кўзларида Матеога меҳр-муҳаббат ўтлари чақнаб турарди. Бекор қолган вақтда кўл ёнига келарди-да, қулаб тушган дарахт тепасига ўтириб олиб, ёдлаб олган сўзларини қайтарарди. Вақти чоғ бўлган пайтларда бир қисм тош олиб, сувга отарди.

Тоғда ҳаш-паш дегунча бир неча ҳафта ўтди. Марко батамом соғайиб кетди. Бир куни ҳаво очиқ қиш куни чодирни йиғдилар-да, орқага қайтдилар.

— Хурсандмисан, Ашима?— деб сўради Марко.

— Қайдам, жаноб.

Қизчанинг негадир юраги ғаш эди.

## МУДАББИР ЛО БЦАН

Серқоя осмонўпар тоғлар устида бургутлар сузиб юрибди. Буғулар билан ёввойи эшаклар санқиб юрган сўқмоқлардаги қор эримоқда. Қуёшнинг заррин нурлари қояларнинг қоп-қора ёриқларига найза янглиғ санчилади. Эрувгарчилик бошланган, дарёнинг тошлоқ ўзанида муздек сув айқириб оқади. От ва қўтослар туёқлари билан сарғиш қорни титиб, яхлаган йўсинни чимдийди. Соч-соқоли ўсиб кетган, семиз тоғликларга ўхшаш айиқлар ўрмонда секин лапанглаб юради. Сурув-сурув ёввойи қўй ва эчкилар водийда ўтлайди. Олачипор қоплон чангалзордан пусиб бормоқда, куркалар чийиллаб кўкка парвоз этади. Дарахт шохига қўниб олган укки қаҳрабо кўзларини бақрайтириб қарайди.

Мўъжаз ўтлоқларда оқ-қизил, пушти лолалар очилиб ётарди.

Лекин офтоб нури тушмайдиған ерлар ҳамон со-  
вуқ эди. Хайбатли музликлардан эсаётган шамол ба-  
хорги қуёш тафтнини босиб кетар, қош қорайганда  
тоғда гүё ҳаёт сўнгандек бўлар эди. Фақат ёлғиз ов-  
чилар ва сайёҳларгина водийларда, горларда, тоғ ён-  
бағирларида гулхан ёқишарди. Шундай дамларда  
Дунё томи аталмиш Помирни забт этувчилар ҳаша-  
матли саройларни орзу қилардилар.

Мудаббир Ло Бцан гулханга йўғонроқ бир шох  
ташлаган эди, гулхан лопиллаб, йўл бошловчининг  
қадоқ қўлига сапчиди. Худди дунё каби кўҳна Ло  
Бцан гулхан шуъласида ҳайкалдек қотиб ўтирар эди.  
Эчкининг оёқлари димлаб пишириляётган катта мис  
қозон ёнида Ашима турарди.

Марко қулоғини динг қилганча Ло Бцаннинг ён-  
бошида ўтирарди. Қоронғилик қуюқлашиб, кўк юзи-  
да юлдузлар милтиллай бошлади, музликлар устини  
ёса туман қоплади.

Ло Бцан бир оҳангда Тибет эртагини сўйларди.  
Мана, йўл бошловчи жимиб қолди. Гулханнинг чарс-  
чурс қилиб ёниши, қовуриляётган гўштнинг ўткир  
ҳиди, оқ айғирнинг аста кишнаши унга қабиласининг  
ҳаётини — пойгаларни, байрамларни, тўй-ҳашамлар-  
ни эслатди.

У гүё мозийга саёҳат қилгандек гап бошлади:

— Подшоларнинг қонун-қоидалари олтин бўйин-  
туруққа ўхшайди. У ҳамиша азоб беради. Ахир қам-  
чи теккан жой огрийди-ку. Қаердаки, жазо тиғи кў-  
тарилар экан, ўша ерда кўрқув ҳукмрон бўлади.

Ло Бцан қўлини тиззасига қўйиб ўтирар, пешона-  
сини тулки терисидан тикилган катта қалпоқ яшириб  
турар, бўйнига оппоқ эчки мўйнаси ўралган эди. Қор  
учқунлаб, гулханга тушар эди.

Кекса йўл бошловчи тоғдан ўтган жилға ёнида  
қад кўтарган қоя ёриғидаги қўнғиз сингари сўққабош  
эди. Унинг қабиласи қирилиб ёки пароканда бўлиб  
кетган, йилқилари таланган эди. Дунё каби кекса Ло  
Бцан гулхан ёнида хотиралар гирдобига ғарқ бўлиб  
ўтирарди. Ҳатто унинг қалбидаги нафрат туйғулари  
ҳам сўнган эди. У бори-йўғи бир эртакчи эди, холос.  
Ло Бцан чўллардаги барча қабилаларни бирлаштир-  
ган, Қатайдан тортиб Абескун денгизигача<sup>1</sup> бўлган  
ҳамма мамлакатларни босиб олган «жаҳонгир» Чин-

<sup>1</sup> Каспий денгизининг қадимги номи.



гизхоннинг хайрли ва даҳшатли ишларини ипидан игнасиғача билар эди.

— Ҳикоянгизни давом эттиринг, Ло Бцан,— деб ялтимоқ қилди Марко Поло.

Шундан кейин кекса йўл бошловчи яна тилга кирди.

— Подшо ҳукмронлиги олтин бўйинтуруқ билан баробар. Ҳарбий дўмбираларнинг гумбурлаши ҳамманинг ўтакасини ёрарди. Ҳамманинг ғазаб-нафрати қайнаб тошган йил етиб келди. Сарик чавандозлар қора арғумоқларга миндилар. Улар пахтали тўн кийиб, қўлларига узун найза ва шафтоли дарахтидан ясалган ўқ-ёй олдилар. Тўққиз тилли олов сурати солинган байроқларини баланд кўтариб, довул қоқдилар. Чарм совут кийган бу жангчилар от устида эгри қиличларининг дастасидан ушлаб, найзалари тахт турган ҳолда қасамёд қилдилар: «Биз мусулмонлар билан ҳаёт-мамонт жангги олиб борамиз...» Тўрт юз минг туёқ даштни топтаб ўтди. Отлиқлар чангтўзон кўтариб, камон ўқларини ёмғирдай ёғдириб, бало-қазодек бостириб келишдики, биз қочишга ҳам улгуролмадик.

Чингизхоннинг чодирни қорли тоғнинг этагига жойлашган эди. Чингизхон навкарларига шундай фармон берди: «Сизлар хотинлару болаларни олсангиз олинг-у, лекин қурол кўтаришга қурби етадиган эркакларни ҳеч аямай қириб ташланг, токи улар бизни Муҳаммад шоҳга бориб сотмасин<sup>1</sup>. Борди-ю сулукларга отбоқарлар ёки подачилар зарур бўлса, кераклича эркакни тирик қолдиринг». Шундай қилиб мени отбоқарликка олишди-ю, улар билан улуг хоннинг мамлакатига кетдим. Кейин эса қочдим.

Марко кекса йўл бошловчининг ҳикоясини жон қурлоғи билан тингларди. Унинг уруг-аймоғини қириб ташлашган. Узини туғилиб ўсган еридан ҳайдаб кетишган эди. Мана энди у ўткинчи савдогарларни Дунё Томидаги хатарли йўлдан Қашқаргача олиб кетяпти. Бундан бир ой муқаддам, 1272 йилнинг мар-

---

<sup>1</sup> Чингизхон 1219—1221 йилларда Хоразм шоҳи Муҳаммаднинг катта салтанатини забт этади. Урта Осиё, Афғонистон ва Эрон шу салтанатга қарашли эди. Қўрқоқ ва ношуд Муҳаммад шоҳ мўғулларга қарши курашиш учун одамларни сафарбар қилолмай, лашкарларини ўз ҳолига ташлаб, Туркманистон чўлларига қочади. У. Каспий денгизигаги ороллардан бирида очликдан ўлади.

тида Марко ўз ҳамроҳлари билан биргаликда Бадахшон мамлакатини тарк этди. Уша йили кўклам ҳар йилдагидан икки ой олдин қелди. Уларнинг карвони Панж дарёси ёқасидан юрди; улар Бадахшон подшосининг укасига қарашли кўплаб шаҳар ва қишлоқлардан ўтишди. Уч кун йўл юришгач, тоғлик минтақа Ваҳанга етиб келдилар. Тоққа шу ердан чиқиларди. Улар икки ҳафта йўл юриб, шу қадар баландликка кўтарилишдики, бу ерга ҳатто қуш ҳам учиб чиқолмас эди.

Ло Бцан ўрнидан туриб, гулхандан узоқлашди-да, узоқдан келаётган қандайдир товушга қулоқ солди.

— Шамол девлари музликларда ўкиряпти,— деди у.— Бу молларни горга олиб кириб яшириш даркор.

Ло Бцан мушукдек шарпа чиқармай қоронғилик қаърига кириб кетди. Марконинг назарида у тун қоронғулигига сингиб кетган афсонавий қаҳрамонга ўхшаб кўринди. Изғирин шамол бир зумда кундузги қароратни сўндирди. Қор чирпирак бўлиб айланарди. Марко оловга орқасини ўгириб ўтирарди. Венециядан чиққанларига ўн саккиз ой бўлган, бу вақт ичида улар энди йўлнинг ярмини босиб ўтган эдилар. Ло Бцаннинг гаплари Маркони ўйлатиб қўйди. Чор атрофини океанлар қуршаб олган ер курраси қанчалик катта-я. Булутлардан баланд бу осмонўпар музликларни бир кун келиб одамлар забт этармикин?

Марконинг хаёлига ажойиб фикр келди. У, бордию афсонавий бир паҳлавон Венецияни бутун борлиғи, унинг ороллари, каналлари, чамандек гуллайдиган дарахтлари, шиша заводлари, йўсин ўсиб ётган кўллари, мрамар саройлари, кўпригу миноналари, қайиқлари-ю елканли кемалари, қабристонларию бозорлари билан бирга қўшиб кўтариб, изғирин қутуриб турган мана шу Дунё Томидаги совуқ ўлкага келтириб қўйса, қандай бўларкин, деб ўйлади.

Шундай бўла қолса, Пьяцеттада бўрилар увларди. Каналлар музлаб, қайиқлару кемалар сеҳрлангандек қотиб қоларди, дарахтларнинг барглари тўкилиб кетарди, серҳашам ридо кийган такаббур сенаторлар кампирлар олдида совуқдан жон сақлашар, қоплонлар билан тоғ шерлари кўча-кўйда зир югуриб юрган одамларни ғажирди, халқ бошига келган фалокатдан дарак берувчи қўнғироқларнинг ташвишли даранг-дурунги бир зум тинмас эди. Тунда одамнинг миясига ғалати фикрлар келади.

«Ашима Венецияни кўриши даркор»,— деб ўйлади Марко.

Матео қизчанинг қўлидан қозонни олиб ерга қўйди. Ло Бцан ғорга отларни, хачирларни ва туяларни олиб кириб қўйгач, қайтиб келди.

— Озиқ-овқатни ғорга олиб киришга қарашиб юборинг,— деди у.— Қиш қайтиб келди. Ҳадемай қаттиқ қор бўрони бошланади.

Мудаббир Ло Бцаннинг сўзлари буйруқдек янгради. Эски ўйларию хотиралари энди уни тарк этган, кўзлари ўткир боқар, қулоғи ҳар бир товушни илгаб олар эди. У бостириб келаётган фалокатни ҳатто искаб ҳам билиб турарди. Ло Бцанда овчиларга хос ҳис-туйғу пайдо бўлганди.

— Гулхандан чалаларни олинг-да, ғорга олиб боринг. Ғорнинг оғзида, икки томонида, кечаси билан гулхан ёниб туриши лозим.

Бу сўнгги сўзлар афтидан унинг ўзига тегишли эди. Ашима кечки овқат тайёрлади. Эркаклар ғорга озиқ-овқатларни, чойшабларни ва пўстинларни кири-тиб қўйишди. Қор тобора қалинроқ ёғиб, шамол борган сари қаттиқроқ гувиллай бошлади. Майдончада очилиб ётган қизил, оқ, пушти лолаларни қор босиб кетди.

Одамлар кўрпалар билан пўстинларга ўралиб олишди. Бўрон қаҳрли ўкирар, изғирин совуқ қоя тирқишларига ўзини урар эди. Ло Бцан, Марко ва Матеолар иккита дарахтни ағдариб, ғорга сургаб келишди.

Гулханнинг лопиллаб турган шуъласи ўтакаси ёрилиб, типирчилаб турган ҳайвонларни ва бедор отбоқарларнинг тунд башараларини ёритиб турарди. Ло Бцан гулханга ўтин ташлаб ўтирарди. Тутундан одамнинг нафаси қайтарди. Лайлак қор ғор оғзида чирпирак бўлиб айланар, баъзан шамол уларни ичкарига ҳайдаб киргизар эди. Марко кўрпа ва пўстинга ўралиб ўтирганига қарамай совуқ суяк-суягидан ўтиб кетаётганини ҳис қиларди. Аввалига у қўл-оёқларини қимирлатиб, башараси билан тутундан дув-дув ёш тўкилаётган кўзларини ишқалади. Лекин кейинчалик у чарчаб қолди, аъзойи бадани қандайдир ёқимли ҳузур-ҳаловатдан яйраб кетди, шу-шу совуқни ҳам, совқотаётганини ҳам сезмади. Унинг хаёлини олов ва қуёш нури банд қилди. Бироқ кекса йўл бош-

ловчининг ғадир-будур қўли башарасига текканидан ҳуши жойига келди.

— Қўзингизни очинг, ёш жаноб, қимир этмай ўтириш ярамайди! Бошқаларни уйғотишга ёрдамлашинг, йўқса бу совуқ ажал ҳаммамизнинг жонимизни олади.

Улар тунни ит азобида ўтказдилар. Вақт ниҳоятда имиллаб ўтар, гўё тонг отишидан дарак йўқдай эди. Бўрон қутургандан-қутурарди. Йўловчилар тугундан безорижон бўлиб, гулхан атрофида ўтирардилар. Қозонда сув қайнаб турарди. Ашима қозонга қуритилган жасмин гули аралаштирилган чой солди.

Улар қотган нон ва япроқ-япроқ қилиб тўғралган гўшт билан нонушта қилишди. Марко ғор оғзини қордан тозаллади. Ло Бцан билан Матео эса болта олдилар-да, бўронга қарамай дарахт кесгани кетдилар. Николо билан Маффео Пололар уловлардан хабар олдилар.

Бўрон ҳамон қутурарди. Бир неча кун шу аҳволда ўтди. Савдогарлар хомуш ва тажанг эди. Матео Ашимадан хавотир оларди. Қизча олов ёнида ҳеч нарсага парво қилмай индамай ўтирарди. Совуқдан ҳаммадан кўра кўпроқ қийналарди у. Ашима серқуёш Кульминда туғилган эди. У ернинг тўрт фасли ҳам баҳор эди, ёзин-қишин мевали дарахтлар ва чечаклар гуллаб ётарди. Ҳозир у ерда ширин-шакар қирмизи олмаларнинг ғарқ пишган чоғи. Жазирама қссиқ шоликорларга ўт луркайди.

Бу ерда бўлса бўрон гувиллайди, бўрондан ҳам даҳшатлироқ оч бўрилар увиллайди. Ўқтин-ўқтин уларнинг қораси ғор олдида кўриниб қолади. Ғамлаб олган гўшtlари тугай деб қолди. Чойлари бутунлай тамом бўлди. Энди уларнинг кунлари аталага қолди. Очликка чидолмай бир туяни сўйишди.

Табиатан оғир-вазмин бўлган Маффео Поло фиғони фалакка чиқиб Николога заҳрини сочди:

— Мартда йўлга чиқамиз деб сен айтдинг! Мен аҳмоқ гапингга кириб ўтирибман.

— Бемаъни гапни қўй,— деди Николо хомуш.

Бўрон эса қутургандан-қутурар, ғорнинг деворлари музлаб қолган, савдогарлар бир-бирлари билан қир-пичоқ бўлишар эди.

— Манави кўрпаниям Ашимага бер,— деди Марко дўсти Матеога.— Менга керакмас.

Отлар ва хачирлар озиб, чўпдек бўлиб қолди. Бу-

ни кўриб одамнинг юраги эзилар эди. Эти бориб устихонига ёпишган бу жониворларни отбоқарлар минг машаққат билан ўринларидан турғизар эди. Ем-хашак тамом бўлган эди.

— Бу лаънати қор бўрони қутурганига неча кун бўлди ўзи?— деб сўради Матео бўғиқ овозда.

— Икки ҳафта бўлди,— деди Марко.

Бир неча кундирки, йўловчилар қоқланган гўшту атала тамадди қилардилар. Аҳён-аҳёнда бир товоқ гуруч дастурхонларини безарди.

— Агар ҳаво очилиб кетмаса, бир неча кундан кейин бошқа молларни ҳам сўйишга тўғри келади.

Шу пайтгача ҳамманинг кўнглидаги бу гапни айтишга ҳеч кимнинг тили бормаган эди. Одамлар вақтдан адашган, тонг отганини ҳам, кеч кирганини ҳам билишмас, гулхан атрофига гуж ўтириб олиб, тутундан қизариб кетган кўзларини оловга тикканча, қўлларини иситишар эди. Форнинг бир бурчагида яримтағўла ва озгинагина шох-шабба ётарди.

Бўронга қарамай Ло Бцан дафъатан ғордан чиқди. Кўп ўтмай қайтиб келди-да, кўрпасига ўтириб, оловга тикилди.

Орадан хийла вақт ўтгачгина, пинагини бузмай:

— Бошқа молларни сўйишимизга эҳтиёж қолмади. Бўрон тинади,— деди.

Эртасига ғорга қуёшнинг илк, заиф нури тушди. Оқ айғир аста кишнаб юборди. Шамол секин-аста тинди. Қор ҳам тўхтади. Тоғ чўққиларини оқ булутлар буркади. Қўк юзи тобора зангори тусга кириб, музликлар қуёш нурида баҳайбат бриллиантдек ярқирай бошлади.

Силласи қуриган одамлар мол-ҳол тоғ ён-бағридан ўт топиб есин деган мақсадда ерни зўр-базўр қордан тозалашди. Ҳамма тоза ҳавони чанқоқлик билан ютарди. Тўнғиб қолган Ашима офтобда исинарди.

Қор эрий бошлади. Тинай деган шамол қор учқунларини эмас, сариқ қум зарраларини учуриб келди. Тоғ этаklarига худди гулли кўрпа ёпиб қўйгандек, парча-парча оқ сариқ қўнғир жойлар кўзга ташланар эди. От, хачирлар туёқлари билан қорни ковлаб, илдиз, йўсин ва ўт топиб еб, эт қўя бошлади.

— Тошлоқ тоққа борадиган вақт ҳам етиб қолди,— деди Ло Бцан.— Мен билан бирга борасиз, ёш жаноб. У тоғ ёввойи эчкилар маскани.— Шундай деб у отбоқарларга буйруқ қилди:— Кўпроқ илдиз йи-

финглар-да, офтобда яхшилаб қуритиб тошда майда қилиб янчинглар.

Марко ўқ-ёй, калта эгри қилич олволиб Ло Бцан билан тоққа кетди. Кекса йўл бошловчи аранг кўз илғайдиган сўқмоқдан йўл бошлади. Қор ва лойга тушган янгигина туёқ излари яқин ўртада эчкилар ўтлаб юрганидан далолат берарди. Ло Бцан ёввойи эчкилар маскани деб атаган тошлоқ тоғ буталар ва яккам-дуккам дарахтлар ўсиб ётган ялангликда подшоларнинг мақбарасидек кўкка бўй чўзиб турар эди.

Ло Бцан эҳтиёткорлик билан бир қор қоядан ўтди-да, Маркога арқон ташлаб, уёнига ўтиб олгунча қараб турди. Баногоҳ улар момақалдироқ овозига ўхшаш гулдуросни эшитиб қолишди. Гулдурак яқинлашди, улар томон яшин тезлигида кўчки шитоб билан кела бошлади.

Ло Бцан билан Марко соябондек туртиб чиққан қоя тагига ўзларини олишди-да, деворга қапишиб туришди. Тоғ гулдураб, ер-кўк ларзага келди. Қоянинг соябонига баҳайбат қор уюми ағдарилди. Марконинг назарида, уни аллакимнинг забардаст қўли исканжага олгандек бўлди. У энтикиб қолди. Кўчки ҳозиргина улар ўтган ёнбағирдан ўтди-да, йўлида учраган ҳамма нарсани босиб-янчиб, водий томон отилди. Ваҳимали гулдуроснинг акс садоси бир янгради-ю, кейин ҳамма ёқ чуқур сукунатга чўмди.

Марко билан Ло Бцан жонларига оро кирган соябон тагидан чиқишди. Яқиндагина улар ўтиб келган тошлоқ нишаблик қордан теп-текис бўлиб қолган, тепага ўрлаб кетган сўқмоқни эса қалин қор босган эди. Улар янги пайдо бўлган оппоқ жарликка ҳангманг бўлганча чурқ этмай қараб туришарди.

Марко кўнглидан:

«Оз бўлмаса бизларни бир чивиндек эзиб-янчиб кетарди-я», — деган гапни ўтказди.

— Буни кўчки дейдилар, яхши йигит, — деди Ло Бцан бир лаҳзадан кейин.

Овчилар юқорига кўтарила бошлашди. Қаердадир пастда, икки тоғ орасидаги адирда дарё оқарди. Совуқ, шаффоф ҳавода музликлар камалакдек товланар, асл тошлардек ялт-юлт қиларди.

Марко чаккаси лўқиллаётганини сезиб қолди. Яси торнинг четига юз қадамча қолган эди. Марко пастга қаради-ю, юраги орқасига тортиб кетди, уни ваҳима босди. У қояга қапишиб олиб, туртиб чиққан

бир тошни маҳкам чангаллади. Қўзини юмганча юрагининг гурс-гурс уришига қулоқ солди. Шу кўйи хийла вақт тош қотиб қолди. У ожизлигидан уялар, лекин қўзини очиб, қўлини тошдан олиши билан гўё жарликка қулаб кетаётгандек юрагини ваҳима босар эди. Ло Бцаннинг:

— Тоғдаги девлар сизга юк ташлашди, ёш жаноб, Мен билан эллик қадам пастга тушинг,— деган гапи унга узоқ-узоқдан эшитилгандай бўлди.

Марко оёқ-қўли бўшашиб, Ло Бцанга суяниб пастроқ тушган эди, дарҳол ўзига келди, юраги бир текис ура бошлади, қўрқуви ва боши айланиши йўқолди.

У ҳайрон бўлиб, Ло Бцандан сўради:

— Менга нима қилди, Ло Бцан?

— Жаҳлга минган тоғ девлари сизга юк ташлашди,— деди чол.— Сиз уларни енгшингиз керак. Қўшиқ айтинг ёки қичқириб ва қаҳқаҳлаб уларни қўрқитинг.

Марко йўл бошловчининг айтганидек қилиб хавфли жойдан ўтиб олди, лекин саксон қадамча юрган эдики, яна ҳалиги ноаниқ қўрқув кўнглига ғулғула солди. Юраги қинидан чиқиб кетай деб, дукиллаб ура бошлади. Марко эмаклаб, олға босмоқчи бўлди, лекин иложи бўлмади, башарасини қўллари билан беихтиёр тўсиб олди. Ишқилиб жарликни қўрмаса бўлди! У алланарса ўзини жарликка тортаётганини сезар, қай аҳволда қулаб кетишини аниқ кўз олдига келтирар эди. Марко юраги бир текис уриб, қўрқуви йўқолгунча қимир этмай ётди.

Шундан кейингина оҳиста бошини кўтарди. Йўл бошловчи йигирма метрча юқорида, тоғнинг шундоққина чеккасида турарди. У Маркога арқон ташлади, лекин Марко арқонга қарамади. Наҳотки у бировнинг ёрдамисиз шу беҳавотир жойдан ўтиб ололмайди? У ожизлигининг боисини тушунолмас, Ло Бцан олдида хижолат бўлар эди. Лекин шу пайт яна унинг онгига ўрнашиб олган қўрқув ҳислари бош кўтарди.

Марко қаттиқ кулиб юборди-да, қичқирди:

— Кетяпман, Ло Бцан!

Унинг овози ҳавоси сийрак баландликда ғалати янгради. Марко аранг ўрнидан турди-да, гоҳ сурғалиб, гоҳ эмаклаб йигирма қадамча илгарилади. Уткир тошлардан қўли қип-қизил қонга бўялди.

Марко ҳаллослаб ёнига келиб тургач, Ло Бцан шундай деди:

— Қимки биринчи марта булутдан юқори чиқса, шу аҳволга тушади. Қаранг, бугун узоқ-узоқларгача яққол кўриниб турибди.

У ўткир кўзлари билан атрофни назардан кечирди. Баъзи ерларда қор кўринарди. Эчкиларнинг излари кўплаб учрай бошлади. Улар икки тоғ орасидаги у ер-бу ердан бута ва сарғиш ўт ўсиб ётган ўтлоқдан ичкарилаб кетган эди. Овчиларнинг рўпарасидан шамол ура бошлади. Улар издан кетишди. Қуёш найзага келиб, музлаган ерни қиздира бошлади. Қор суви сон-саноксиз жилғалар ҳосил қилиб оқиб ўтарди. Бирдан бўрон турса-я, деб ўйлади-ю, Марконинг капалаги учиб кетди. Кўп ўтмай табиат манзараси ўзгарди. Қичкинагина ўрмондан ўтишгач атрофи тоғлар билан қуршалган мўъжаз водийдан чиқиб қолишди.

Ло Бцан тўхтаб, Марконинг енгидан тортди. Майсазорда қора эчкилар ва ёввойи қўйлар ўтлаб юрарди. Марко умрида бунчалик йирик қўйни кўрмаган эди. Уларнинг шохлари уч-тўрт, баъзилариники беш-олти қариш келарди. Пастда, водийда қамиш ўсиб ётган қўл шишадек ялтирарди. Ёввойи ўрдак ва ғозлар қирғоқда ётар ёки кўм-кўк сувда сузиб юрар эди. Қаёққа қараманг, ҳамма ёқда навбахорнинг элчиси оқ ва сариқ бойчечаклар очилиб ётар, буни кўриб одамнинг кўзи қувонар эди. Шафқатсиз музлик кутилмаганда уларга шодлик бағишлаб, баҳридилларини очиб юборди. Овчилар фусункор табиат гўзаллигини тўйгунча томоша қилдилар. Шундан кейин улар ов тараддудига тушиб қолдилар. Марко бутун қалбини аллақандай ҳаяжон эгаллаганини сизди. Улар шамол эсиб турган томонга ўрмон ёнидан пушиб боравердилар. Ло Бцан юз қадамча наридаги бир тўп дарахтни кўрсатиб, Маркога тўхта дегандек ишора қилди.

Чол шарпа чиқармай нари кетди. Марко тиззалаб ўтирди-да, камонга ўқ қўйди. Шамол қуруқ камишларни ва дарахтларда қолган эски барглари шитирлатар эди.

Бу орада чол ўзи кўрсатган дарахтлар олдига бориб қолди. Қўл устидан бир гала ёввойи ғоз учиб ўтди. Қўй ва эчкилар сергакланиб, бошларини кўтарди. Марко камон ипини тортиб катта бир қўйни



мўлжалга олди-да, ўқни бўшатди. Қўйнинг олдинги оёқлари қайилди-ю, йиқилиб тушди. Лекин шу заҳоти ўрнидан турди-ю, гандираклаганча ёнбағирдан пастга қочди.

Кекса овчининг ўқига учраган қора эчки ёнбош-лаб ётганича, оёқ қоқмоқда эди. Камон ўқи эчкига сакраётган пайтида теккан эди. Қўй, эчкилар жонҳолатда кўл қирғоғи томон ўқдек отилиб, тепалик орқасига ўтиб, кўздан йўқолди. Марко қўй қочиб кетади деган ўйда ўлжаси кетидан югурди. Лекин қўй шамолда ағанаган дарахтга қоқилиб йиқилиб тушди. У ҳарчанд уринмасин, бари бир ўрнидан туролмади, овчи етиб келди-ю, бир пичоқ уриб нафасини ўчирди.

Ло Бцан қўй билан эчкининг қорнини ёрди, терисини шилди. Гўштининг энг яхши жойларидан кесиб олиб, терига ўради-да, Марконинг ёрдами билан уни дарахтга осиб қўйди.

Икки кун давомида улар тўртта ёввойи қўй билан иккита эчки овлашди. Овчилар қароргоҳларига гўшт солинган териларни орқалаб келишди. Овчилар йўлига кўзлари тўрт бўлиб тикилиб ўтирган қароргоҳдагилар уларни шод-хуррам кутиб олишди. Кўп ўтмай гулхан гуриллаб, қозонда гўшт биқирлаб қайнай бошлади.

Эртаси кун Ло Бцан, Матео ва икки отбоқар қолган ўлжани олиб келгани тоққа жўнашди.

Қуёш ва тўйимли овқат одамларга шифо бўлди, улар ғайратга миниб, шавқ-завққа тўлдилар. Николо билан Маффео Пололар ҳам овга чиқишди, улар қароргоҳлари атрофида омадларини синамоқчи, имкони бўлса бирор нарса отиб келмоқчи бўлишди.

Ашима ғордан кўрпаларни олиб чиқди-да, қурисин деб, қизиқ тошга ёпиб қўйди. Кейин бўғчадан бир нарча латта ва ўт мойи солинган мис қутича олди.

Марко кўзини юмиб, башарасини офтобга тутганча қояда ўтирарди. У ўзидан хурсанд, ёт мамлакатларда ўтаётган ҳаётдан мамнун эди. Тоғ йўллари уни энди таҳликага солмасди. У қоплон ва оқ йўлбарсларни овлашни орзу қиларди. Йиртқичга дадил рўпара бўлади-ю, найзасини унинг даҳшатли оғзига санчад. Марко — тенги йўқ овчи! У қор бўронини, совуқ, тутунга тўлган ғорда ўтган кунларини, дилини сиёҳ қилган нохуш фикрларни, баландда туриб кўрққанини унутган эди. «Мана оқ йўлбарснинг териси,

буни Ашимага бер, токи у кечаларн совқотмасин», дейди Матеога.

Атрофи тоғ билан ўралган водийда ғир эгган шамол йўқ эди. Қоядан нарироқда от ва хачирлар ўтлаб турар, отбоқар улардан кўз-қулоқ бўлиб турар эди.

Ашима латтани ингичка қилиб йиртди-да, Марконинг олдига келди. Буюк овчи қуёш нуридан кўзи қамашиб кетса-да, қизчани соясидан таниди.

Ашима Марконинг қўлидаги яра-чақаларига муздек мой суртди-да, латта билан боғлаб қўйди.

Ҳаводан қарағайнинг ўткир ҳиди анқирди. Буталар орасидан бир гала каклик учиб чиқди. Тошлар орасидан ёш ниҳоллар ниш уриб чиқмоқда эди. Осмонўпар тоғлар ва абадий музликлар устида зангори осмон қулоч кириб турарди.

Бир ҳафта дам олгач, карвон яна йўлга тушди. Уловларга оғир юклар ортилди. Саккизта ертўладан ташкил топган овчилар қишлоғидан бир қўтос харид қилишди ва икки ҳафтага етадиган озиқ-овқат ғамлаб олишди.

Карвон шарқ томонга йўл олди, йўлида сочилиб ётган шох ва суякларга қараб карвон йўлини осонгина билиб олиш мумкин эди. Йўл гоҳ доvonлардан, гоҳ водийлардан, ўтлоқлардан, ўрмонлардан, сўқмоқлардан ва серқоя тоғлардан ўтарди. Икки ҳафта мобайнида улар на бирор қишлоқ, на биронта кулба кўришди.

Кейин улар баланд тоғдан жазирама сахро Маркан суга тушишди. Маркан су Дунё Томини Қашқардарё соҳилидаги серҳосил ерлардан ажратиб турарди.

Аввал изғирин шамоллардан қорайган чехралар энди ўт пуркаётган қуёшнинг аёвсиз нуридан мис рангга кирди. Баданларидаги кўз илғамас тешикларга қум тўлди. Улар ўқтин-ўқтин орқаларига ифтихор билан қараб қўйишарди, орқада туман орасидан баҳайбат серқоя тоғлар элас-элас кўзга чалинар, шунда уларнинг қалбида сафарнинг муваффақиятли туғалланишига ишончлари ортар эди.

Отларнинг ва чавандозларнинг узун-узун кўланкалари қумга тушарди.

## ТАНТИ БОЕНДАРБЕК

Марко бақувват оқ айғирда Қашқарнинг марказий кўчасидан от қўйиб борарди. У бақириб-чақириб йўловчиларга тар мевалар, ип газламалар, карвон анжомлари, шароб, шойи ва турли-туман молларни таклиф қилаётган савдогарларни назарига илмай кўздан кечирар эди. Қашқарнинг бозорлари форсларникидан унчалик кўп фарқ қилмасди. Бу ерда Бағдод, Ормуз ва Қирмондаги каби ҳашаматли буюму моллар — шойи, фил суягидан ясалган мўъжаз безаклар, кумуш асбоблар, зеб-зийнат, асл тошлар оз эди. Ахир Ҳиндистон билан Европадан олиб келинадиган моллар сотиладиган ҳалиги шаҳарлар шу нарсалари билан доврўқ таратган эди-да. Қашқар бозорларида эса кундалик рўзғор учун керакли нарсалар сероб эди.

Кўча-кўйда ўткинчилар ёш италиялик орқасидан ҳавас билан қараб қолишарди. Марко узунчоқ мардонавор чехраси, қирра бурни, кенг манглайи, рангрўйи билан бошқалардан ажралиб турар, теварак атрофга зўр қизиқиш ила боқаётган бароқ қошлари остидаги катта сур ранг кўзлари унинг ақлли, мард, хаёлпарастлигидан далолат берар эди.

Ясаниб олиб гавжум кўчалардан от қўйиб бориш Маркога мойдек ёқарди. Помирдан ўтишдаги йўл азоби ўз кучига ишончини оширибгина қолмай, Қирмондаёқ пайдо бўлган отаси билан ўртасидаги янги муносабатни мустаҳкамлади. Энди у атрофида парвона бўлиш керак бўлган ғўр йигитча эмасди. Уни ҳурмат қилиб эркаклар кенгашига чақиритар, Марко мустақиллигига ҳеч ким дахл қилмаслигини тушунар эди. Отаси, амакиси ва Матеонинг фикр-мулоҳазаларини қандай қадрлашса, унинг фикр-мулоҳазаларини ҳам шундай қадрлашарди.

Марко татар хонлари каби олтин гардишли ёқут билан безатилган кўк шойи чакмон кийиб олган эди. Ёқутни унга Матео совға қилганди. Оёғига туянинг майин терисидан тикилган жигар ранг этик кийган эди. Марко шаҳар дарвозасидан чиққач, отини қистаб, узумзорлар, боғ-роғлар, ям-яшил майсазорлар ва сариқ анғизлар ёнидан от қўйиб ботиб бораётган қип-қизил қуёш томон елдек учди. Уни эркинлик ҳистуйғуси сархуш қилган эди. Кўзи олдидан пичан, гуруч, писта кўмир, янги полизчилик маҳсулотлари ор-

тилган эшак аравалар, туялар, юк орқалаган ҳам-моллар лип-лип ўтарди. Серқатнов йўлдан от-арава, одамлар тинмай қатнар, баъзилар мол ҳайдаб ўтишар эди. Айғир бир маромда заранг ердан елиб борар, унинг мушаклари ялтиллаб турган териси остида ўйнар, ёли шамолда ҳилпираб дам-бадам Марконинг кўкрагига урилар эди. Йигитча жиловни тортган эди, от йўртиб кетди.

Марко туйқусдан олдинда, алвон ранг шафақ ёниб турган томонда чанг-тўзон кўтарилганини кўриб қолди. Чанг булути шиддат билан яқинлашиб келарди. Ҳадемай Марко татар чавандозларини кўрди.

Олдинда байроқдор от қўйиб келарди. Байроқдор орқасидан зарбоф чакмон кийган юзбоши, унинг кетидан бешта ўнбоши, ниҳоят ўқ-ёй ва эгри қиличлар билан қуролланган жангчилар паст бўйли учқур отларда саф тортиб келишарди.

Чавандозлар яқинлашганда мол ҳайдовчилар уларга ҳатто қиё ҳам боқмай туя ва эшакларини ялангликка ҳайдашар, от-араваларини эса йўл чеккасига чиқариб қўйишар эди. Жангчиларнинг башаралари тунд эди. Отларнинг туёқлари чанг билан қопланган заранг йўлда гумбурлар, ҳавони ўткир терҳиди босиб кетган эди.

Дашт-биёбонлардаги кўчманчиларнинг авлоди бўлмиш бу одамлар ҳеч кимни назар-писанд қилмай от чоптириб ўтдилар. Асоратга солинган халқлар булардан қўрқар ва нафратланар эди. Барча забт этилган шаҳарларда — Бағдод ва Новгороддан буюк хон Хубилайнинг қароргоҳи жойлашган узоқ Хонбалиқ-қача бўлган ерларда Чиғатойнинг<sup>1</sup> расво қонун-қоидаларига қарши кўтарилган исёнларни бостириш мақсадида мўғул жангчилари шай бўлиб турар эди.

Мўғул жангчилари билан учрашув Маркони ўйлатиб қўйди. У яна бечора Ҳасанбекнинг: «Бизнинг мамлакатда кўзни қувонтирадиган нарсалар қолмаган, улар татарларнинг отлари оёғи остида топталган» деган гапларини эслади. Нафсиламбир эҳтиёткор Ҳожи Муҳаммад ҳам гарчи зиён-заҳмат кўрмаган бўлса-да, чет эл ҳукмронлигини ёқтирмаслигини

---

<sup>1</sup> Чиғатой ёки Жағатой — Чингизхоннинг иккинчи ўғли бўлиб, унинг улусига Егтисув ва Синьцзян кирарди. Чиғатойнинг қонунларигина эмас, Чингизхон авлодининг йўл-йўриқларини бузган одам ҳам қаттиқ жазоланар эди.

Ўтиғи билан шама қилган эди. Кекса йўл бошловчи Ло Бцан эса гўё бу фожиа ўзига дахлсиздек, юрагига заррача озор бермайдигандек, ўз қабиласининг ҳалокатини бепарвогина ҳикоя қилиб берган эди. У шу қадар қариб-чириган эдики, қалбида нафрат ўтлари сўнгандек эди. Дарвоқе, бу ўтни қаердан ҳам аланга олдириб турсин! Беғоналарнинг гулхани ёнида ўтираверсанг, эртами-кечми бари бир малол келасан.

Марконинг қалбида мўғуллар тарихини тузукроқ ўрганишга истак тобора кучая борди. У бу ўт юрак чавандозларнинг жасоратига пинҳона қойил қоларди. Ахир у ёшлигидаёқ Венеция дожи Энрико Дандолонинг қахрамонлигидан ҳайратга тушган эди-да. Энрико Дандоло 1204 йили салбчиларга бошчилик қилиб Шарқий Рим империясининг марказий шаҳри, баҳайбат деворлар билан ўралган Византияни забт этган эди. Ахир зўр одам бошқаларга ҳукмини ўтказмайди? Бироқ мўғуллар Ашиманинг онасини ўлдириб, қизчани қул қилиб сотдилар-ку. Қорли тоғ этагига ҳашаматли чодир тиккан Чингизхон шундай деган эди-ку: «Сизлар хотинлари болаларни олсангиз олинг-у, лекин қурол кўтаришга қурби етадиган эркакларни ҳеч аямай қириб ташланг, токи улар бориб бизни Муҳаммад шоҳга сотмасин. Борди-ю, сулукларга отбоқарлар ёки подачилар зарур бўлса кераклича эркакни тирик қолдиринг».

Марконинг фикрлари алғов-далғов бўлиб кетди. У мўғул аскарлари билан учрашганида хаёлига келган саволларга жавоб тополмагани учун ўзидан хафа бўлди.

Унинг отаси ва амакиси тажрибали савдогар бўлганидан Чингизхоннинг Қатайни ўзига итоат эттириб, император бўлиб олган набираси Хубилайхонни ҳурмат қилишарди. Николо Поло Балхда унга: «Бизлар саховатли одамлар эмас, савдогарлар эканимизни қачон тушуниб етасан», деб дашном берган эди. Лекин унинг дўсти Матео ҳаётини таҳлика остига қўйиб хароб бўлган бир қизчани одам қилди.

Йўлнинг ўнг томонида яшил тепаликлар орасидан Қашқар дарё оқиб ётарди. Марко отдан сакраб тушиб, оқ айғирини тушовлаб дарё соҳилидаги ўтлоққа қўйиб юборди. Шарқ томондан Қашқардаги уйлар кўриниб турарди. Шафақ уйларнинг томларини алвон рангга бўяган эди. Мачитларнинг миноралари ва

иккита черковнинг олтин хочли қўнғироқхонаси шаҳар деворлари устида кўкка бўй чўзиб турарди. Қашқарда буюк хоннинг истибдоди остида мусулмонлар билан христиан-настурийлар<sup>1</sup> апоқ-чапоқ яшашарди.

Марко соҳил бўйлаб кетди. Йўл атрофи девор билан ўралган боғ ёнидан ўтарди. Дарахтларда сап-сарик олтиндай ўриклар, ширин-шакар шафтолилар, нок ва олмалар гарқ пишиб ётарди. Шундоққина девор ёнида қизил ва оч сарик атиргуллар очилиб турарди. Боғнинг ўртасида нақшинкор эшикли данғиллама уй қад кўтарган эди. Марко у ёқ-бу ёққа аланглаб ҳеч ким йўқлигига ишонгач, шартта бир дона атиргулни узиб олди. Ашима гулни яхши кўрарди.

Шу вақт кечки сукунати бировнинг хохолаб кулгани бузди. Навиҳол яшириб турган харракдан башанг кийинган барваста бир жаноб кўтарилди-да, хушчақчақлик билан:

— Қани ичкари киринг, ажнабий меҳмон! Хоҳлаганингизча гуллардан узиб олинг,— деди ва икки букилиб таъзим қилди,— сиз Қашқар қозисининг боғидасиз. Менинг исмим Танти Боёндарбек. Олинг гуллардан, нега қараб турибсиз?

Мезбон асл кийимлар кийган ажнабий йигитга очиқ чеҳра билан қараб турар, нигоҳида истехзо ифодалари жилва қилар эди.

Марко гулни ушлаганча эшик олдида тараддудга тушиб турарди. У изза бўлиб:

— Гул ўғирлаганим учун, афв этинг, Боёндарбек,— деди.— Менинг исмим Марко Поло, венецияликман.

— Қашқарга кетишингиз қочмас, боққа кириб дам олинг.

Марко остона ҳатлаб, кечки сокин боққа қадам қўйди. Боёндарбек Маркони печакгуллар тагидаги кичкинагина харракка ўтказди. Оқсоч уларга қовун, ўрик ва шароб келтирди. Япроқлар орасидан кўришиб турган тилла ранг кечки осмон секин-аста хираллашиб, кул ранг тусга кирди. Ҳаво дим, ҳафсала би-

---

<sup>1</sup> VI—VII асрларда Хитойнинг ғарбий областларида суриялик христиан-настурийларнинг колониялари пайдо бўлган. Сурия у вақтда Византия империясига қарам эди. Настурийлар Узоқ Шарқ билан Яқин Шарқ ўртасида савдо восятачилари бўлиб хизмат қилганлар. Улар Марко Полодан анча илгари Хитой тўғрисида Европага хабар етказиб турганлар,

лан қилинган гулҳовузлардан гулларнинг муаттар ҳиди димоққа уриларди.

Табиатан ҳар нарсага қизиқувчи Боёндарбек Маркони саволларга кўмиб ташлади. У умри бино бўлиб венециялик савдогар билан биринчи марта учрашиши эди.

— Маъзур тутасиз, жаноб Поло,— деди у,— ажнабийлар билан камдан-кам суҳбатлашаман. Хизматдан қўлим бўшамайди. Дунёда қанча ўғри, қанча қашшоқ, қанча исёнчи борлигини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Уларни худонинг ўзи даф қалсин! Мўғул амалдорлари билан алоқам яхши. Улар тартибқоидага қаттиқ риоя қилишади.— Боёндарбекнинг кепчикдек башарасида кулги жилва қилди. У ўзидан мамнун ҳолда гап бошлади.— Утган ҳафта қўшниларини мўғуллар салтанатига қарши қутқуга солган икки деҳқонни ўлим жазсига ҳукм қилдим... Жаноб Поло, ўтинаман, мана бу ўриклардан энг, худди асал дейсиз.— Танти Боёндарбек вазифаси офирлигини билдирмоқчи бўлди шекилли, уҳ тортди. Семиз шаҳодат бармоғини томоғига теккизиб:— Бу қаланғи-қасанғилар орасида тартиб ўрнатишинг энг яхши усули каллани танадан жудо қилиш, гапларимга ишонинг,— деди. Мўғул хоңлари мендан жуда миннатдор... Ҳовли-жойимга бир қаранг-а. Дарёга туташган анави далалар, тепаликлардаги узумзорлар ҳаммаси меники, шунча ер-сувга эга бўлиш осон гап эмас.

Боёндарбек Маркони девор олдига бошлаб келди да, қўли билан ерларини кўрсатди. Унинг бармоқларида узуклар ялтилларди.

— Сиз Қашқарнинг фуқаросимсиз, Боёндарбек?— деб сўради Марко.

— Ҳа,— деб жавоб берди қози ғурур билан.

Марко қуруқ мулозамат қилиб:

— Меҳмондўстлигингиз учун раҳмат. Мен шошилмасам бўлмайди, дарвозани беркитгунларича шаҳарга кириб олишим даркор,— деди.

— Бир лаҳза сабр қилинг, жаноб Поло,— деди қози ва бедана юриш қилиб йўрғалаб гулхонадан гулдаста узиб келди.— Мана сизга гулдаста, қўлимни қайтарманг, олинг, ўтинаман, фақирона кулбамга яна келиб, мени хушнуд этинг. Худо ўз паноҳида сақласин сизни.

Марко ўтлоққа келиб, оқ айғирнинг оёғини очди-

да, унга миниб Қашқарга от қўйди. Боёндарбек кўзидан йироқлашгач, у тухфа қилган гулдастани отининг оёғи тагига, чангга ташлади. Уғирлаб олган оқ гулни эса белига қистириб олган эди.

Марко шаҳарга кирганда қош қорайган эди. Соқчи мўғуллар, кеч кирди, кўчага чиқа кўрманг, деб аҳолини огоҳлантириб тоқи чала бошлади. Бу таъқиқдан кейин бирон шаҳарлик юрак ютиб уйдан чиқса, унга катта жарима солинарди. Марко отини ниқтади. Эртага Танти Боёндарбек ҳузурида туриб жавоб беришга унинг заррача тоқати йўқ эди.

Карвонсарой олдида катта магнолия дарахти ўсган эди. Марконинг ўткир кўзлари оқ девор ёнида яққол кўришиб турган қизчанинг нозик гавдасига тушди. Қизча чавондозни кўриши ҳамоно югуриб бориб, дарвозани ланг очиб юборди. Марко отдан сакраб тушди-да, жиловидан ушлаб борар экан, шавқ-завқ билан:

— Сенмисан, Ашима?— деб сўради.

— Мен деразадан қараб ўтириб бехосдан сизни кўриб қолдим, ёш жаноб,— деди қизча,— вақт алламаҳал бўлиб қолди.

Ашима дарвозани ёпди. Магнолиянинг новдалари девордан осилиб ётарди. Иккита оппоқ гул қорамтир яшил барглар орасида худди нур таратаётгандек бўларди. Ҳамма нарса ой ёғдусига ғарқ бўлган эди.

Ашима Маркога итальянча гапирди. Итальянча сўзлар унинг оғзида музикадек ёқимли жарангларди.

Марко белбоғидан авайлаб гулни чиқарди.

— Мен кетишим керак,— деб шивирлади Ашима.— Мени мессер Матео кутяпти.

Марко кўнглидан:

«Бу қизча унга худога чўқингандек чўқинади» деган гапни ўтказди-ю, овозини чиқариб эса:

— Мана бу гулни мессер Матеога бериб қўйгин,— деди.

Ашима гулни тортиниб олди-да:

— Раҳмат, ёш жаноб,— деди.

Ёзги иссиқ кунларнинг бирида, кун чиқиши биланоқ венецияликлар Қашқарни тарк этиб, шарққа йўл олган катта бир карвонга қўшилишди. Уларни кекса Ло Бцан кузатиб борди. Бир ҳафта ўтгач, улар Такламакон саҳросининг чеккасига жойлашган Еркент шаҳрига етиб келишди. Лекин улар бу шаҳарда бир



ҳафтадан ортиқ турулмадилар, чунки сассиқ ҳовузлардаги сувни ичиб бўлмасди.

Марко маҳаллий халқнинг кўпчилиги бўқоқ эканлигига эътибор қилди. Айтишларича булар сув ёмонлигидан шу касалга йўлиққан эканлар.

Карвон бу ерда узоқ тўхтамаганидан венецияликлар хурсанд бўлдилар. Хўтан йўли сон-саноксиз жилғалар ва сойлар ёқалаб ўтарди. Йўлда улар шаҳар, қишлоқларни, ҳарбий истеҳкомларни кўришди. Боққоллар йўловчиларни тар мевалар, сув нон, чой ва бошқа турли-туман нарсалар билан таъминладилар. Улар бугдойзорлар, пахта, зиғир, каноп майдонлари ёнидан ўтишди. Шаҳар ва қишлоқлар орасида савдототиқ жуда қизиган эди. Йўлда уларга Қатай ва Қашқардан келаётган анча-мунча карвонлар дуч келди.

Хўтан шаҳри онда-сонда буталар ўсиб ётган эски девор билан ўралган эди. Бу ерда ҳам карвон бир неча кунгина турди. Ло Ёцан жон куйдириб озиқ-овқат, ем-хашак, сув ғамлаш пайдидан бўлди, зеро улар Такламакон саҳросидан узоқ йўл босиб ўтишлари керак эди. Дарвоқе, бу саҳрода ора-сира кўл ва ҳатто дарёлар учраб қоларди. Лекин Кунлунь тоғидан оқиб келган бу сувни қум шимиб юборарди.

Аввалига карвон саҳронинг четидан юрди. Марко ўзлари ўтган кичкина шаҳар ва қишлоқларнинг одалари уларга ёв назари билан қараётганларини пайқаб қолди. Кекса йўл бошловчи унга бунинг сабабини айтиб берди, мўғул аскарлари бу ерда тез-тез босқинчилик қилар экан. Шу вайдан яқин ўртада чет эл қўшини пайдо бўлди деган хабар тарқалса, улар дарҳол саҳро ичкарасида жойлашган икки кунлик йўлдаги воҳага қочишар, молларини ҳайдаб кетишар, қишлоқларига аскарлар кетганидан кейингина қайтиб келишар экан. Бу воҳани топиш ўлимдан қийин экан, чунки шамол қумдаги изни бирпасда кўмиб юборар экан. Қишлоқ аҳолиси дон-дун ва бошқа қўр-қутини яширин ғорларга бекитиб қўйишар, ҳар ой-ҳар ойда кераклича нарсани ўша ердан олиб келишар экан.

Мўғул аскарларидан юрак олдириб қўйган маҳаллий аҳоли ҳамма чет элликларга шубҳа билан қарашга одатланиб қолган экан.

Қуёшнинг аёвсиз нуридан қизиб кетган қумдан юриш оғир ва тинкани қуритар эди, Марко тез-тез

мангу қор билан қопланган тоғлардан эсган салқин шабадани кўмсарди. Юракни қон қиладиган бир хил манзарани аҳён-аҳёнда икки-учта дарахт ёки икки бети кўм-кўк гиёҳ билан қопланган кичкина ариқ бузарди. Олдинда Ашима билан Матео борарди. Марко отини қистаб ҳаш-паш дегунча уларга етиб олди.

Ашима Маркони кўриб, отининг жиловини тортди-да, қаддини ростлади. Унинг жилосиз чеҳраси анордек қизариб кетди.

— Э, бу сенмисан, Марко,— деди Матео маънос.— Шунини айтолмайсанми менга, манави лаънати сариқ денгизда ҳали яна қанча юришимиз керак?

Ло, Бпан, икки кундан кейин карвон Черченга етиб олади деб уларни ишонтирган эди.

Кеч кирса ҳамки, салқиндан дарак йўқ эди. Учалалари чурқ этмай ёнма-ён боришарди.

Дунёда гўё қум ва бир маромда силкиниб бораётган ҳайвонларнинг орқасию туёқ товушларидан бошқа ҳеч нарса, боғ-роғлару гулчечаклар йўқ эди.

## САҲРОДАГИ ТОВУШЛАР

Венецияликлар сафарга чиққанларига ролпа-роса икки йил тўлган кунини ҳамма вақт кўплаб карвонлар тўхтайдиган мўъжазгина Лоб шаҳрига етиб келдилар. Шундоққина шаҳарчадан чиқишингиз билан машҳур Лоб саҳроси бошланарди. Шарқдан муттасил эсиб турадиган гармсел кўчаларни, бозорларни ва фақирона кулбаларни қумга тўлдирарди. Бир тўп дарвеш янги келган карвонни ўраб олиб, хайр-садақа йиғадиган кашкулларини зўр бериб одамларнинг тумшурига тутарди.

Шаҳарча ҳарбий қароргоҳга ўхшар, ҳар қадамда от-арава кўзга ташланар эди. Венецияликлар зўр-базўр ғарибона бир кулбага топдилар. Улар шаҳар чеккасидан, гавжум марказий кўчадан анча наридан иккита уйни икки ойга ижарага олдилар.

Марко бир кунини пешиндан кейин дўсти Матеонинг олдига кирди. Матео дераза олдида гулзорга қараб турарди. Унинг кўзларида ҳеч кўрилмаган ғам-андух намоён эди. Буни Марко дарҳол сезди.

Матео гулзорни кўрсатиб:

— Анани очилиб ётган катта сариқ гулни қара,— деди у.— Баъзан дунёда музликлару саҳродан бош-

қа ҳеч нарса йўққа ўхшайди. Кейин бирдан сариқ гулни кўриб қоласан.

— Эсингдами бир кун меникига ўртоқларинг билан келган эдинг. Ушанда мен худди ҳозиргидек дераза олдида тургандим. Менинг гулзоримда ҳам узун новданинг учида сариқ гул очилиб ётар, унинг орқасида қора баркамнинг мачтаси кўриниб турарди. Орадан шунча вақт ўтиб кетибди-я, Марко.— Матео шундай деди-ю, қаддини ростлаб, овозини баландлатди:— Денгизчи чанг ютмаслиги даркор!— Кейин хотиржамроқ гапирди:— Менинг аҳволимга тушуна оласанми? Борди-ю, қизчамни анави баттол қулфуршнинг қўлидан халос этмасам, унинг ҳоли нима кечарди? Бир кун келиб, Венецияга қайтиб борармикинман? Баъзан кўнглимга қадрдон шаҳримни ортиқ ҳеч вақт кўролмайман деган гумон келади.— Матео хийла вақт сукутга чўмгач, гапини давом эттирди.— Мен уни ўз ватанига олиб бориб қўяман. Она юртида у ўз бахтини топади.

— Ашиманими?— деб сўради Марко.

— Ҳа. Унинг юрти Катайнинг ғарб томонида, Ҳиндистон чегарасида. У ҳоли қолди дегунча ватанининг чиройли тоғларини ўйлайди. Қани энди мана бу лаънати жазирама иссиқ, қум ва бағритош қулфурушлар бўлмаса!..

— Сен ўзинг ватанингни соғиндингми, Матео?

— Менми? Кампирнинг дарди гўзада дегандек, бутун ўй-хаёлим ватанимда. Кеча бизнинг боғчамизга қандайдир бир одам кирибди. Ашима мени чақирди, ўзи дағ-дағ қалтирайди. «Нима гап, Ашима?» деб сўрадим у келгиндининг гирибонидан олиб, кўчага улоқтириб юбормоқчи бўлган эдим, қизчам: «унга озор берманг, мессер Матео, у ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ», деб қолди. Шунда ўша нусха бўриникига ўхшаш башарасини тиржайтириб менга гап қотди. «Қандай юмуш билан келибди Ашима?» деб сўрадим. «У айтяптики,— деб тушунтирди Ашима.— Сиз саҳродаги ёмбиларни қўриқлайдиган девлардан ҳам зўр эмишсиз. Сиз ўша бойликларни қўлга киргиши учун бу одам билан бирга саҳрога борармишсиз». У ярамас муттаҳамнинг менга таклиф қилган ишини қара!.. Хулласи калом, унинг мақсадини билолмадим. Уни итариб-итариб ҳовлидан чиқариб юбордим. Шунда у қаҳр-газабдан башараси бужмайиб, қўлини тўлгаб мени сўка бошлади... Нега Аши-

ма сал нарсадан ҳам кўрқаверади-а? Бу ердаги одамларга тушунолмай қолдим-ку.

— Ҳамма гап ватанингни соғинганингдан,— деди Марко ва кўзига чуқур ҳамдардлик билан боқди.

— Сен ҳам соғиняпсанми?— деб сўради Матео.

Марко ўз кўнглини билмоқчи бўлиб ўйга чўмди. Албатта у Венецияни соғинади. Қадрдон шаҳрининг меҳри ҳамма вақт унинг қалбида яшар, фақат бир хотирот ёки табиат манзараси, ёхуд гулзордаги сариқ гулга ўхшаш нарсалар ватанини эслатгандагина юраги орзиқиб кетарди. Ватанни соғиниш ҳисси унинг қалбида гоҳ кучаяр, гоҳ сусаяр, гоҳ қийнар, гоҳ тасалли берар, лекин ҳеч қачон жуда ҳам кучли, уқубатли, зориқтирарли бўлмасди. Шунинг учун Марко бегона мамлакатларни кўрмай, Венецияга қайтишни истамасди. Шу вайдан у ватанини астойдил соғинмаганига ақли етди.

— Ашиманинг кўрққанига сен ажабланияпсан, мен бўлсам бунинг сабабини биламан. У Матео ўша одам билан саҳрога тилла излагани кетиб қолса-я, деб кўрққан.

Матео ҳушини бошига тўплаб, жилмайиб қўйди.

— Бу гапинг тўғри,— деди у.— Чамаси, ўша шайтон мени йўлдан уриб саҳрога олиб кетиб қолади деб ўйлаган... Бундан чиқди сен ватанимизни соғинмабсан-да?.. Бу ерда қаёққа қарама, ҳамма ёқда қум.— Шундай деб Матео кўрпани уриб қўйди.— Тилла қидиргани саҳрога бориб эсимни ебманми?

\* \* \*

Орадан бир ой ўтгач, венецияликлар яна катта карвонга қўшилиб, Лоб саҳросига кириб боришди. Кекса йўл бошловчи қўшимча озиқ-овқат ортиш учун иккита туя ва учта эшак сотиб олди. Хуллас у озиқ-овқат камида бир ойга етиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди.

У йўловчиларга карвондан зинҳор-базинҳор беш қадамдан ортиқ узоқлашманг, зеро саҳрода инс-жинслар бор, улар одамни йўлдан уради, деб қаттиқ тайинлади.

Ҳар бир уловнинг бўйнига қўнғироқ осиб қўйишди. Қўнғироқларнинг жаранг-журунги одамни хаёл суришга қўймас, ҳушёр қилар эди. Теварак-атрофда қум тепаликлардан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди.

Шамол уларга гүё денгиз тўлқинларидек тарам-тарам из солган эди. Қаёққа қарама, ҳамма ёқда иссиқ сариқ қум ястаниб ётарди.

Кечга яқин карвон бир кўлчага етиб келди. Кўлчанинг суви юзта одам билан уларнинг мол-ҳолига етди-ю турди. Карвонбоши ётишдан олдин карвон мазгил қурган ердан юз қадамча нарига тагин эрталаб йўлдан адашмайлик деб узун таёқ қоқиб қўйди.

Марко маъюс эшак мўниб борарди. Николо билан Маффео Пололар ҳам чурқ этишмасди. Фир этган шамол йўқ эди. Бирдан йигитча қандайдир оқ нарсани кўриб қолди-ю, эшагини ўша томонга сурди. Уни ҳеч ким йўлдан қайтармади. Эшак ва туя мўниб кетаётган йўловчиларни қандайдир ғалати ҳорғинлик чулраб олган эди.

Тўсатдан шамол турди. Марконинг назарида аллақайёқдан музика овози эшитилгандай бўлди. Жазирама иссиқдан жимирлаб турган ҳавода ажойиб бир товуш янграб, тобора яқинлаша бошлади. Яқинлашгач эса қулоқни қоматга келтириб чийиллади. Марко гүё тандир олдида тургандек қизиб кетди. Осмонда бир тўда булут пайдо бўлди-ю, Марконинг устига қоп-қора чанг-тўзон бостириб келиб, уни кўмиб юборди.

Марко оғзини дастрўмол билан бекитиб, эшакдан тушди. Шунда эшаги билан иккови иссиқ қум устига ағдарилди. Марко башарасини кўли билан яшириб эшакнинг пинжига суқилди, лекин қум чирт юмилган кўзларни, қимтилган лабларидан ўтиб, қулоқ-бурнига кириб кетди.

Қум тўфони қутургандан-қутураверди.

Марко эшакнинг иссиқ биқинига ёпишганча қимир этмай ётар, ҳарсиллар эди. У зўр бериб йўталини ва чанқоқликни босарди. Марко қайноқ қум тагида ётар, оғзида қум ғижирлар, бўйин томирлари ўйнаб кетган эди. Йўтали тутиб, аъзойи бадани қалтираб кетди. Марко ҳолдан кетаётганини сезди-ю, бехтиёр эшакнинг жунини жон-жаҳди билан чангаллади. У тепасидаги қум уюми юксалмаслигини англамасди. Шамол қумни учириб кетарди. Марконинг юраги аранг урар, ўпкаси қумга тўлган эди.

Торнинг овозига ўхшаган ғалати товуш аста-секин тина бошлади. Бўрон тобора узоқлашди, одам билан эшакни кўмиб юборган қум қуюни баногоҳ юксала

бошлади. Энди қумни учиршга шамолнинг кучи етмай қолди.

Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимиб, қум булути чўкиб, осмонда қуёш ўчоқдаги чўғдек қизаргач, саҳронинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Илгариги тепаликлар ўрни теп-текис бўлиб қолган, кўзни толиқтирадиган сайхонликларда қум тепалар пайдо бўлар эди. Қаёққа қарама, ҳамма ёқ қум. Теварак-атроф илгаригига қараганда кўпроқ ҳувиллаб қолганди.

Марко билан эшакни тириклай кўмиб ётган чоққина қум тепа тагида ҳаёт асари сезилмасди. Қумдан оқ иштоннинг почаси ва бир оёқ чиқиб турарди.

Ер-кўкни алвон ранга бўяб қуёш ботди. Кейин шафақ сунди-ю, фэйсиз манзаралар қоронғиликка ғарқ бўлди. Ваҳимали қум денгизининг қаеридадир ўртасида инсон қалби заиф урмоқда эди.

Ой чиқди. Осмонда юлдузлар чарақлади.

Шу пайт мўъжаз қум тепа қимирлади. Бир вақт эшакнинг бели кўринди, сўнг тўртта туёғи, бошда қийналиб кейинроқ эса ишонч билан қумни оча бошлади. Эшак минг машаққат билан ўрнидан туриб олди. Лекин гандираклаб кетди-ю, қум устига гурс этиб йиқилди, кейин алкаш-чалкаш қадам ташлаб саҳродан лўкиллаб кетди. Бироқ ҳадемай тўхтади-ю, калласини ликиллашиб, аста ҳангради. Қумга беланган эшак қандайдир афсонавий махлуқни эслатарди.

Марко ғужанак бўлганича ётар, чап оёғи узатилган, қўллари билан башарасини ёпиб олган эди. Ниҳоят ҳуши жойига келгач, чалқанча ётиб олди. У устидаги қумни тушириб ташлаб, чуқур нафас олмоқчи бўлган эди, орзи-бурнига қум тўлганини билди.

У минг азоб билан ўрнидан кўтарилиб, қумни туфлаб ташламоқчи бўлди.

Эшак Марконинг ёнига келди. Тирик жонни кўриб Марко анча дадиллашди. У эшакнинг орқа оёғидан ушлаб, оҳиста турди-да, хуржундан сув солинган меш олди. Мешнинг орзи зичлаб ёпилганидан ичига қум кирмаганди. Марко орзини чайқаб илиқ сувдан ютоқиб ичди ва атрофига қулоқ солди. Теварак-атрофга қабристон жимлиги чўккан эди. Сал нарида уни карвондан қолиб кетишга мажбур этган оқ нарса ётарди.

Айтмоқчи, карвон қани? Ёлғизликдан Марконинг юраги орқасига тортиб кетди. Эшак калласини йиғитчанинг елкасига ишқади.

— Биз ёлғиз қолдик, жонивор,— деди Марко ғўлдираб.— Шошма, ҳозир сув бераман.

У гапиришга қийналар, тили билан танглайи оғрирди. Марко хуржундан мис товоқ олди-да, унга сув қуйиб эшакка тутди.

— Дунёда энг азиз ва энг ноёб нарса сув... Қўп ичма, жонивор.

Марконинг диққатини тортган оқ нарса шамолу қум сайқал бериб силлиқлаб юборган одам суяклари экан. Марко суякларга қараганча дол бўлиб турарди. Бош суяги ёнида умуртқа поғонаси ётарди. Лекин булар одамни ваҳимага солмасди. Урадек ўпирилган кўз косалари устида катта манглай суяклари туртиб чиқиб турарди. Афтидан қандайдир одам очлик ва ташналиқдан қийналиб охири қум устига ўзини таппа ташлаган, дунёдан ўтган. Марко олпоқ суякларга қараб туриб, ўлим хавфини сизди, лекин шу пайт туёқларнинг дупурини эшитиб қолди. Бош суяк сариқ тишларини иржайтирарди.

— Қани кетдик, жонивор,— деди Марко.— Эшитяпсанми? Дўст-қадрдонларимиз бизларни қидириб юришибди.

Марко эшакка миниб, яна атрофга қулоқ солди ва катта тепалик орқасида туёқларнинг дупурини аниқ-тиник эшитди. Эшакни оҳиста урган эди, у пинагини бузмай йўргалаб кетди.

— Қани, илдамроқ юр!— деди Марко тоқатсизланиб ва эшакнинг биқинига ниқтаб, ёлидан тортиб қўйди.

Йигитча тепаликка чиққач, эшакни тўхтатиб тева-рак-атрофга назар солди. Қанча тикилиб қарамасин, ой ёғдусида жимирлаб ётган бефайз қумлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмади. Туёқларнинг дупури эшитилмай қолди. Гўё барча жонзот ўлгандек эди. Бу ерда на сиртлон, на калхат ва на бирор ниҳол кўринар, оқ суяклару, қум билан тепаликлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ёлғизликдан Марко хунибийрон бўлди. У Ло Бцаннинг насиҳатини эслади: «Саҳродаги инс-жинслар сизларни йўлдан уриши мумкин. Қарвондан беш қадамдан ортиқ узоққа кетманг».

Йигитча умидсизликка тушиб, атрофга жавдираб қаради. Қайси томонга юрсайкин? Қарвон қаердайки?

Марко қарвон йўли қайси томондалигини билиш учун бош қотира бошлади. Одам суяги орқа томони

да қолиб кетди, демак у ўнг томонга юриши лозим. Балки шу ердан жилмай, қидириб келишларини кутгани маъқулдир? Ахир унинг йўқлигини билишгач, қидиришлари аниқ-ку. Бирдан юрагига ваҳима тушди. Бошқаларнинг ҳоли нима кечдийкин? Қўзи олдида тишларини иржайтириб турган бош суяги намоен бўлди. Йигитча нохуш фикрларни хаёлидан қувмоқчи бўлиб калласини чайқаб қўйди.

«Бардам бўл, Марко!» деб хаёлан ўзига амр берди, лекин кўнглидаги хавотирликни йўқота олмади. Бу қум бўронга Ашима чидаш бера олдимикин?

— Қани, жонивор, олга!

Эшак қулоқларини шалвайтириб, Марко бошини бурган томонга йўрғалаб кетди.

Марко карвон йўлини узоқ қидирди, лекин ундан ҳеч қандай асар тополмади. У тамоман адашиб қолди. Унинг кўзлари ачишарди. Салқин тушди. Қуни билан азоб чеккан Марко эрталабга довур ҳордиқ чиқармоқликка аҳд қилди. У қумга боши тегар-тегмас уйқуга кетди. Эшак билан одам гўё бир-биридан ҳимоя излагандек, бир-бирининг пинжига кирди.

Марко уйғонганда шишадек осмонда қуёш порлаб турарди. Ойдин кечадаги маъюслик ва умидсизлик йўқолди, тонг отиши билан Марконинг қалбига ўзига ишонч ҳислари мавж урди. У эшакдан хуржунини олди-да, дастурхонга қоқланган гўшт, қовунқоқи, ёпган нон ва икки меш сув қўйди. Бу ноз-неъматларни чанг босган эди. Марко уларни қўлидан келганча тозаллади-да, қанчага етишини чамалаб кўрди. Овқат билан сув жуда тежаб-тергаганда аранг икки кунга етар эди. Марко эшакка битта нон билан озгина сув берди. Ўзиям нонушта қилиб олгач, эшакка миниб кунчиқар томонга кетди.

У эшакни дам-бадам тўхтатиб, атрофга қулоқ соларди. Баъзан қутулишдан умидини узар, гоҳ қалбида умид учқунлари йилт этиб қолар эди. Вақт ўтган сари кўнгли ғаш бўларди. Хунукдан хунук қумга тикилавериб кўзлари тешилди. Марко очлик ва ташналикдан азоб чекарди. Мўлжаллаган улушига чидаш тобора қийин бўлаверди.

Кеч кирса ҳамки, Марко карвон изини тополмади. У сахро шарқ томонга чўзилиб кетганини, икки ҳафта йўл босиб ундан чиқиб олиш мумкинлигини биларди.

Марконинг хаёлига бир-биридан хунук гаплар



кела бошлади. Отаси, амакиси ва бошқалар қаерда қолди? Улар уни тақдирга ҳавола қилиб жўнаб қолишди. Ҳадемай сариқ қумда унинг суяклари ҳам сочилиб қолади. Отаси билан амакиси фақат ишни ўйлашади, Матеонинг эса дарди-фикри Ашимани эсон-омон саҳродан ўтказиб олиш. Борди-ю, у қайтиб бор-маса қизча нима деркин?

«Ҳа, ёш жаноб! Йўқ, ёш жаноб!»

Йўқолинг, нохуш фикрлар!

Марко бирдан овозининг борича:

— Ҳа, ёш жаноб!— деб бўқирди-да, жонҳолатда хуржундан мешни олиб, сув ича бошлади. Бугун ўладими, уч кундан кейин ўладими, барибир эмасми? Эшак қулоқларини диккайтириб, сергак тортиб бошини юқори кўтарди-да, ҳанграб юборди. Марко сув ичишдан тўхтади.

— Сен ҳақсан, жонивор,— деб гўлдиради у,— мендан кўра ақллироқсан.

Марко эшакка сув берди-да, мешни хуржуннинг энг тагига эшириб қўйди. Хийла-вақт нима қилишини билмай саросимага тушиб турди. Назарида кун бўйи бир қадам ҳам йўл босмагандек бўлиб кўринди. Атрофда ботаётган қуёшнинг сарғиш-қизил нурига фарқ бўлган бефайз машъум манзара кўзга ташланарди. У узоқ ва зўр бериб ўйлаганидан боши оғриб кетди.

Бирдан у ўзини чақираётган таниш овозни эшитиб қолди. Уни отаси чақирарди: «Марко! Марко!»

Ингитнинг қалби шодлик ҳисларига тўлиб-тошди.

— Лаббай!— деб қичқирди у.— Мен бу ерданман, ота!..

Лекин бу овоз қаердан келди. Ҳамма ёқ чуқур сукунатга чўмган-ку.

Қайси томонга қараб юрса экан?

— Қани, жадалла, жонивор! Қош қораймасдан тепаликка чиқиб олайлик.

Марко эшакка қамчи уриб, яна қичқирди:

— Ота, бу ерданман, ота!..

Алоҳа у тепаликка чиқиб олди. Теварак-атрофда зор учмасди. Уни ажина чақирган эди.

Қалбида йилт этган умид учқуни яна сўнди. У анча вақтгача хира кўзларини паст-баланд саҳродан узолмай турди.

— Қани кетдик, жонивор! Дунёдан умидимиз бор!..

У эшакни қичаб, қоронғилик қаърига кириб кетди. Яна осмонда юлдузлар милтиллаб, ойнинг совуқ ёғдуси эшак миниб кетаётган ёлғиз одамни ёрита бошлади. Марко ақл билан жўяли иш қилишга ҳаракат қиларди. «Мен доим шарқ томонга йўл босдим,— деб мулоҳаза юритарди у.— Қуёш билан юлдузлар менга йўл кўрсатди... Мен уларга яқин жойдаман... Улар менинг чап ёки ўнг томонимда боришяпти, худди мен кетаётган томонга кетишяпти... Ташналик... Томоғим қуруқшаб қолди. Лабларим тарс-тарс ёрилиб кетди. Қон оқяпти. Қон таъмини сезялман...» Марко қўлини хуржунга чўзди.

— Қани, йўрғала, жонивор! Дунёдан умидимиз бор ҳали!..

Марко яна жиловни қўлига олди. Уни очлик қийнади. Туянинг кўзидек иккита нону бир бурда гўшт овқатлик қилармиди?

Миясида узуқ-юлуқ фикрлар ва хотиралар ғужгон ўйнади: «Ватанингни соғиндингми, Матео? Э, гап бу ёқда экан-ку. Бўри башара бу одамни йўқот тезроқ, қораси ўчсин! Ашиманинг дағ-дағ қалтираганини кўрмаяпсанми? Ашимада нима гапи бор унинг? Ўзим-чи... ўзим ватанни соғиндимми? Йўқ! Мен Каттайга боришим даркор. Зарҳал саройлар... Муздек қудуқ сувини мен катта кўзадан ичаман. Қозонда эчкининг сони биқирлаб қайнаб ётади. Нақадар хушбўй ҳиди! Деворлардан қизил, сариқ гуллар осилиб туради. Булар сенга, олақол, Ашима. Ўзинг олишни хоҳламасанг, уларни Матеога бер. Музыка товушини эшитяпсанми?»

Марко жуда ғалати бир ҳолатда эди, уни уйғоқ ҳам, ухлоқ ҳам деб бўлмасди. Бирдан унинг рўпарасида Матео билан Ашима пайдо бўлди-ю, уни чақирди. Кейин қулоғига қўнғироқ товушидек янгроқ, ёқимли оҳанг эшитилди. Ашима йиғлар, унинг кўз ёшлари тўкилган ерда тиниқ сувли кичкина-кичкина кўллар ҳосил бўлар эди.

Жилов Марконинг қўлидан тушиб кетди. Эшак таққа тўхтади. Марконинг ҳуши бошига келди. У мешни олди-да, унга оғзини тутди.

— Бир қултумгина ичай, жонивор...

Улар шундоққина қум устига ётдилар. Кўрпани олишга Марконинг мажоли келмади.

Учинчи кун етиб келди. Жазирама иссиқ, гармсел қумни учириб келиб, одамнинг башарасига урар

эди. Марко қолган овқатни иккига бўлмоқчи бўлди, чунки эртани ҳам ўйлаши керак эди-да. Эшак қайсарлик қилиб, жойидан жилмай тураверди. Марко уни қамчи билан урди. У:

— Хих, ҳаром ўлгур!— деб хириллаб бақирса-да, эшак қимир этмади.

Шунда Марко қамчинни ташлади-да, эшакнинг бўйнидан кучоқлади. Эшак оғзини карракдек очиб, уни тишламоқчи бўлди. Марко ўзини ён томонга отиб, қўлига ханжарини олди. Унинг қўзлари чақнаб кетди, вужудида ваҳшийлик ҳислари жўш урди. Эшак устига отилиб, бўғзига ханжар санчиб, иссиқ қонидан ичкиси келди...

Улар бир-бирлари билан рўпарама-рўпара туришарди. Ниҳоят эшак тақдирига тан бериб, бошини эгди. Марконинг ханжар чангаллаб турган қўли шалвираганча осилиб қолди.

Ингитча белбоғини ечди-да, қиличини ҳам қўшиб, қумга отиб юборди. Кейин мешини, бир мис товоқни, жиндак овқатни олиб қолди-да, бошқа майда-чуйда нарсаларни хуржундан чиқариб ташлади.

Тўртинчи кун келди!

Марко ичак-чавоғи тиришиб, жингиртоб бўлаётганини сезди. У сўнгги қултум сувни ичди. Бир томчи ҳам қолдирмай, мешни хўп сўрди. Кейин мешни пичоқ билан тилиб, қуришган тили билан нам терини ялади. Кейин жировни қўлига ўраб олди-да, сурғалиб нари кетди.

— Ҳадемай, бир кун ортиқ кун кўриш учун, сенинг жонингни оламан, жонивор.

Бешинчи кун келди!

Марко ханжарни чангаллади. Унинг яллиғлаб кетган қизил қўзлари қумликларга ҳорғин тикилган эди.

У алкаш-чалкаш қадам ташлаб борарди. Очликдан қорни ачишар, айниқса ташналик жон-жонидан ўтиб кетган эди. Шишиб кетган тили оғзида бир парча теридек ётарди... Лаблари ёрилиб кетган, қон сизиб турарди.

Эшак бошига келаётган фалокатни сезгандек тижирлик қилиб, жировни аста тортиб-тортиб қўярди.

«Ташналик кабоб бўлган юрагингни туздек ачиштиради. Ташналик ичакларингни ўт бўлиб куйдиради. Ташналик томирингда оққан қонни қайнатади. Инсон учун ташналикдан оғир азоб-уқубат йўқ».

Марко ханжарни тобора асабийроқ чангаллай

бошлади. У тўхтади. Эшакда, афтидан ёввойи аждодлари бўлмиш қулонларнинг феъли пайдо бўлди-ю, душманини босиб-янчиб ташлаш ниятида олдинги оёқларини тик кўтарди. Марко жиловни зарб билан тортган эди, эшак яна инсон амрига итоат этди.

— Ҳали вақт бор, жонивор... Эт. Кеч кирди. Улар эртага келишади... Бизни қидириб топишади. Туёқ товушини эшитяпсанми?

Инсон билан ҳайвон беҳаловат, нотинч уйқуга кетишди.

\* \* \*

«Чуқур сукунат ва қумлар ўлкасида ўлимнинг қўли баланд. Сувдан баҳраманд бўлмаган ерларда гиёҳ ҳам ўсмайди. Сув ва ўсимликлар бўлмаган ерда тирик жоннинг бўлиши мумкин эмас. Тирик жон йўқ ерда саҳро девлари ҳукмронлик қилади. Уларнинг қўл-оёғи йўқ, уларга сув ҳам, кўкат ҳам керак эмас. Саҳро девлари — ажалнинг ёрдамчиларидир. Ёш жанобни ўшалар алдаб олиб кетишган».

Ло Бцан таранг дўмбирани бир урган эди, тўрт томондан акс садо сингари гумбурлаган товуш келди. Николо Поло, Матео, Маффео Поло ва туякашлар бир-бирларидан бохабар бўлиб туриш мақсадида маълум масофада шу тахлит боришарди.

Кекса йўл бошловчи:

— Сен яхшиси карвон билан қола қол, қизим,— деб Ашимага маслаҳат солиб кўрди.

Лекин Ашима кўнмади. У бундай деди:

— Ҳаёт дўмбира гумбурлаб, одамларнинг овози янграган жойда. Биз ёш жанобни топишимиз керак.

Ло Бцан яна дўмбирани урди, унинг ўткир нигоҳи саҳронинг қизиб ётган қумларига қадалган эди.

— Чарчагандирсан, қизим?

— Уни қидириб топамизми, Ло Бцан?

— Дўмбира уч карра гумбурлаганини эшитяпсанми...

— Саҳро поёнсиз...

— Башарти жанубдан шимолга юрилса саҳродан ўтиш учун уч юз кун керак бўлади, борди-ю, шарқдан ғарбга юрилса-чи, унда йигирма саккиз кун кифоя.

Қизча оҳиста такрорлади.

— Уч юз кун!— Шундан кейин мўмин ва итоат.

кор бу қиз бирдан овозини баянлапти:— Уни албатта топишимиз керак, Ло Баян, билдингми!— деди.

Ашима кекса йўл бошловчининг тунд башарасига илтижо билан тикилиб турарди.

— Уни топишса, дўмбира уч марта гумбурлайди.

Қоронғилик қуюқлашгач, қутқарувчилар карвон ёнига қайтишди. Одамлар еб-ечишдан, кейин туякашлар туяларни чўктириб, юкларни туширишди-да, уларни сувлоққа олиб кетишди.

Эркаклар мешларни сувга тўлдиришди. Ой чиқиб, юлдузлар ишва қила бошлади... Ҳадемай одамларнинг пиш-пиш ухлаши эшитилди.

Ашимаю қутқарувчилар мишмақ қоқишмади.

— Беш кун бўлди-я,— деди Матео бўғиқ овозда.— Қаёққа йўқолдйкин?

— Унга сира таъна қилмайман,— деди тўсатдан Николо Поло чўрт кесиб.— Эсон-омон қайтса бўлгани.

Унинг пешанасига чуқур ажинлар тушганди.

— Сал-пал умид борми, Ло Баян?— деб сўради Маффео Поло.

Тўпланганлар кекса йўл бошловчининг оғзига тикилди. Ҳамма тош қотиб, чолнинг галини кутарди.

— Унинг продаси кучли,— деди Ло Баян.

Ашима ўрнидан туриб, ярим вайрона қудуқ томон кетди. Қидирувчилар гуруҳи кун чиқиши билан отлашиб карвон йўлининг чап томонини қадам-бақадам текшира бошлади. Сайхонликда маълум вақтда дўмбира гумбурлаб қоларди. Ашима дўмбира печа марта урилганини санарди. Бирданига у Ло Баяннинг енигига ёпишиб, қичқириб юборди.

— Қулоқ солинг-чи, Ло Баян! Дўмбирани уч марта чалдиларми дейман?

— Йўқ, қизим.

Матео чошгоҳда келишиб олганларига кўра кетма-кет дўмбира чалиб ҳаммани бир ерга йиғди. Одамлар апил-тапил еб-ичиб, вақтни бекор ўтказмай қидиришни давом эттирдилар. Яна тўдаларга бўлиниб, энди карвон йўлининг ўнг томонини қидириб, орқага қайтдилар.

Кучсиз шамол қумни тўзитарди. Беш кун ичида карвон босиб ўтган йўлга қараганда икки ҳисса кўп йўл босган эшаклар иссиқ қумда зўр-базўр қадам ташлаб борар эди. Чор атрофда яланғоч қумтепалар сўррайиб турар, гўё уларнинг чеки ҳам, интиҳоси ҳам

йўқдек кўринарди. Дўмбира бўғиқ гумбурларди.

Ашима дўмбиранинг неча марта урилганини санар, ҳар гал юраги орзиқиб кетар эди. Қанчадан бери қидиришяпти-я! Уларнинг соялари қисқариб қолди. Ҳадемай карвонга бориб қўшилишади. Қумга тикилавергандан одамларнинг кўзлари тешилаётгандай, қаттиқ оғрийди... Фингиллаб келаётган Ашима жимидаю, кўнгли безовта бўлиб мудрай бошлади.

Ногоҳон қулоғига дўмбиранинг уч марта гумбурлагани кирди! Миясига қон урилиб, юраги така-пука бўлиб кетди. Кўзини апил-тапил очиб:

— Эшит, Ло Бцан!— деди.

Дўмбиранинг яна: «гум, гум, гум!» — дегани эшитилди.

Кекса йўл бошловчи бамайлихотир:

— Қани қизим, кетдик, бизни чақиришяпти,— деди.

\* \* \*

Марко мажолсизланган қўллари билан қазиган чуқурда ётарди. Тепаликда эгарга боғлоқлик қизил ва оқ рўмол ҳилпираб турарди. Маркодан йигирма қадам нарида орқа оёқларини узатиб, олдинги оёқларини қорнига босганча эшак ётарди.

Инсон билан ҳайвон қимир этмас, гўё ажал икковининг ҳам жонига қасд қилгандек эди.

Дўмбиранинг гумбурлаган ўткир овози янграрди. Чор атрофдан чавандозлар етиб келишди. Николо Поло дўмбирасини ерга ташлади-да, Марконинг устига энгашиди.

Қолганлар ота-боланинг ёнида чўк тушиб ўтирмади. Марконинг оғиз-бурни, даҳани ва бир бурда бўлиб қолган юзлари қон эди. Қон қотиб қорайиб қолганди.

Ашима мешни олди-да, дастрўмол хўллаб Марконинг башарасини артди. Қотиб қолган қон осонгина кетди. Марконинг башарасида жароҳат изи йўқ эди.

— Юраги уряпти,— деди Николо Поло ва ўрнидан турди.— Сув бер унга, Ашима.

— Унинг иродаси кучли,— деб такрорлади Ло Бцан.

— Нега унинг башараси қон?— деб сўради Маффео Поло.

— Эшакнинг қон томирини қирқиб, қонини ичган.

Ашима Маркога сув берди. Илиқ сув йигитчанинг қурғаб қолган тилию танглайини ҳўллаб, қулдураганча бўш ошқозонга қуйилди.

Марко чуқур нафас ола бошлади, лекин аввалига аъзойи бадани шундай қақшаб оғриди, у ҳушига келганди. Ичи ўт бўлиб ёнарди.

Марко кўзини очиб, Ашиманинг қора зулфини, бежирим чеҳрасини, отасининг жиддий, ташвишли башарасини ва унинг чеккасию энгагидаги кумушдек толаларни кўрди. Оғриқ азоби нечоғлик кучли бўлса-да, Марко шу икки сиймони қалбга жо қилиб олди. Шу заҳоти у бу туши эмас, ўнги эканини, саҳро девлари алдамаётганини фаҳмлади.

Йигитча тезда ўзига келди. Атрофида яқин одамлари турганини кўрганда унинг ориқ башараси шодхуррамликдан ёришиб кетди.

— Бир адабингни бериб қўйиш керак,— деб амакиси ёлғондака пўписа қилди.— Қандай хавотир олдинг-а...

Николо Поло укасининг гапидан энсаси қотиб, унга дакки берди:

— Қўй уни ўз ҳолига. Қара қандай озиб-тўзиб кетибди.

— Эшакка сув беринглар. Балки у тирикдир.

Ло Бцан билан туякашлар эшак ёнига бориб уй-маланишди. Сув ва ем келтиришди. Эшак секин-ас-та ўзига келди.

Марко еб-ичиб бўлгач, оёқ-қўли бўшашиб, ланж бўлиб қолди. Йигитча салқинда ухлаб олсин деб бир таёққа мато осдилар. Ашима хуржундан катта похол елпигич олиб, Маркони елпий бошлади.

Марко пинакка кетаётиб сўради:

— Ашима, мендан хавотир олдингми?

— Ҳа, ёш жаноб... Ухланг.

— Ҳа, ёш жаноб...— деб гўлдиради Марко ва кўнгли жойига тушиб, кўзини юмди.

## БУЮҚ СУВОРИЙ СОЯСИДА

Венецияликлар энди Чингизхон ўлиmidан сал олдин ишғол қилган Тангут салтанатидан<sup>1</sup> ўтиб бори-

<sup>1</sup> Тангут салтанати XI—XII асрларда қудратли мамлакат бўлиб, Марказий Осиёда, Кўкнор кўлига яқин жойда, Хуанхэ дарёсининг бошланишида жойлашган эди, Чингиз-

шарди. Тоғ ёнидан ўтган йўл гоҳ тиккага кўтарилиб кетар, гоҳ пасайиб, қотиб қолган сариқ дарё сингари серҳосил водийларда иланг-биланг бўлиб чўзилиб ётар эди. Ёнбағирларда тангутларнинг ўтовлари қатор тизилиб кетган эди. Ўтовларнинг мўриларидан чиқаётган тутун шамол елпишидан сур ранг байроққа ўхшаб кўринарди. Ўтлоқларда сон-саноқсиз моллар ўтлаб юрарди. Бир-биридан азамат, новча, яғриндор чўпонлар бежирим бурғуларни чалишарди. Бот-бот учраб турган анғизлар, баъзан эса ҳали ўриб олинмаган бугдойлар қишлоқ ва шаҳарларнинг яқинлигидан дарак берарди. Тоғларда қалин деворлар билан ўралган монастирлар ва катта мулк соҳиби бўлмиш руҳонийларнинг кўрғонлари қад кўтариб турарди.

Иссиқ, қуёш порлаб турган куз тугади, венецияликлар Тангут салтанатининг пойтахти Чаньчжоуга етиб келишганда қиш тушиб қолди. Улар бу ерда бир йилдан кўпроқ қолиб кетишди. Бир неча бор мамлакат ичига саёҳат қилишди, шу важдан Марко маҳаллий аҳолининг расм-русумларини, диний эътиқодларини муфассал ўрганди.

Марко иложи борича тезроқ катайча ва мўғулча гапиришни ўрганишга тиришар, зеро отаси, амакиси билан улкан Қатай давлатининг ҳукмдори, буюк хон Хубилай ҳузурига бориб, папа бериб юборган совғасаломларни топширишларига саноқли кунлар қолган эди.

Марко Арманистон, Бағдод, Ормуз, Бадахшон, Қашқар ва ўзи бўлган бошқа мамлакатлару шаҳарлардаги каби Чаньчжоуда ҳам буюк суворий ҳукмронлигининг белгиларини кўрди, у итоатидаги барча халқларни қаттиқ назорат остида сақларди. Мўғул боққинчилари ҳар бир катта шаҳару қишлоқларга ўрнашиб олиб, қароргоҳларида доим шай бўлиб турардилар. Шаҳар деворларини, истеҳкомларни, кўприкларни мўғул жангчилари ёки ажнабий аскарлар қўриқлаб туришарди. Марко яна шуни ҳам пайқаддики, катта мансабларни мўғуллар эгаллаб олишган эди.

Ака-ука Пололарнинг қўлларида буюк хоннинг муҳри ўйилган олтин тахтакач — пайцза бўлганидан

---

хон Тангут мамлакатини узил-кесил 1226—1227 йилларда босиб олган, 1907—1909 йилларда Тангут ерларида сайёҳ П. Н. Козлов мўғуллар хароб қилган Хара-Хото шаҳрининг вайронасини қазиб топган.



уларга ҳамма ерда эшик очиқ эди. Ҳатто Ноиб Абака шахсан ўзи савдогарларни қабул қилиб, уларнинг яқин кунлар ичида етиб боришларини, Чаньчжоудан қайси кун ийўлга чиқишларини Хубилайхонга маълум қилишга сўз берди. Ноиб дарҳол венецияликлар ихтиёрига ҳашаматли уй ва хизматкорлар берди, кейин дам-бадам одам юбориб, бирор нарса керак, эмаслигини сўраб турди.

\* \* \*

Баҳорги ҳаво очиқ кунлардан бирида Марко билан Матео бозорга боришди. Матео бўри башара одамни бу ерда иккинчи марта кўрди. Балки у янглишгандир. Ушанга ўхшаш одамни учратиб қолгандир? Пешонаси кенг, кампирдаҳан, бўри башара одам девсифат Матеонинг кўзи тушиши биланоқ оломонга қўшилиб бирпасда ғойиб бўлди. Тумонат одам ичида уни қидириб топишнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ эди. Матео Лобда уйдан улоқтириб ташлаган вақтида муштини қаҳру ғазаб билан дўлайтириб, кўзларини чақнатган одамни эслади-ю, бир зум ўйга чўмди ва тараддудга тушиб нари кетди.

У кўнглини ғаш қилган нохуш фикрларни миясидан қувмоқчи бўлди-ю, сотувчиларнинг харидор чаққиб қичқираётганларига парво қилмай диққат билан оломонни кўздан кечира бошлади.

— Бугун негадир хаёлинг паришон, Матео. Қани, айт-чи, манави санам сенга ёқадими?— деб сўради Марко фил суягидан йўнилган, чордона қуриб, қўлларини дўмбирадек қорни устига қўйиб ўтирган худонинг кичкина шаклини қўли билан кўрсатиб.

Сотувчи шу заҳотиёқ ажнабийлар олдига барча санамларини ёйиб қўйди-да, зўр бериб ўймакор устанинг санъатини мақтай кетди. Лекин Матео сотувчининг таъриф-тавсифига заррача парво қилмади. Бирдан уни ваҳима босди. Ташвишу хавотирлигини Маркога айтсамикин-а? Балки айтишга арзимас? Ахир у одам ҳам ўзлари каби Лобдан Чаньчжоуга келиши мумкин-ку. Э падарига лаънат, нима кераги бор шунчалик хавотир бўлишнинг?

Матео илтижо билан қўл чўзиб турган бир кекса гадойга:

— Бу ёққа кел, манавини ол,— деди-да, қўлига бир сиқим чақа ташлади. Гадой таъзим қила-қила,

алланарсалар деб минғирлаб миннатдорчилик билди- билдириб, раста ортига ўтиб кетди.

Ғала-ғовур, баҳорги майин ҳаво, тимнинг тагидан чароғон майдонга чиқишганда кўзларини қамаштир- ган ўткир қуёш нури, тикилинчда туртиниб юришлар Марко билан Матеони жуда ҳолдан тойдирди. Ле- кин кечки таомга ҳали анчагина вақт борлиги учун Марко дўстини шаҳардаги энг катта черковни бориб кўришга кўндирди. Черков баланд тепага қурилгани- дан атрофдаги уйлару боғ-роғлар узра юксалиб кўк- ка бўй чўзиб турарди.

— Ишқилиб бутпарастликни бўйнингга олиб, би- ровларнинг худоларига сиғиниб юрмасанг бўлгани!— деди Матео ҳазиллашиб.

— Бундай дейишга қандай тилинг борди, Ма- тео?— деди Марко кўнгли оғриб.— Бу бегона одам- ларнинг худоларини кўргани кўзим йўқ. Ахир биз бу ерга ҳақиқий христиан таълимотини жорий қилгани келганмиз-ку.

— Яна фойдали олди-сотди қилиш учун,— деб гапга қўшилди Матео, очиқ кўнгилик билан.— Ҳай майли, кел бунга бас қилайлик, бўлмаса сен ҳам бир вақтлар менга сўкишни ташлатмоқчи бўлган кемада- ги воиздек ваъзхонлик қиласан.

Дўстлар отхонадан отларни олиб чиқишди-да, «донолик тоғи» томон от қўйишди. Улар кўпгина ша- ҳарларда кўрганлари каби бу ерда Чаньчжоуда ҳам мўғулларнинг истибдодини эслатувчи вайроналарни кўришди. Бироқ черков омон қолган эди.

Черковнинг дарвозаси томон кетган тош йўлдан талайгина одам борарди. Чавандозлар бир оилани қувиб ўтишди. Иккита қизча билан беш ёшлардаги бир бола ёнма-ён жиддий боришар, оналари юзлари лўппи чақалоқ кўтариб олган, оталари эса қора қўй- ни олдига солиб ҳайдаб борар эди. Уларнинг ҳамма- си байрамлардагидек ясаниб олишган эди. Бу кичик гуруҳ ортидан уларнинг қариндош-уруғлари, ёр-дўст- лари келишарди.

Венецияликлар отларини дарахтга боғлашди-да, дарвозадан жимжит ҳовлига киришди.

Черковга ажнабийлар кирганини кўриб, катайлар саросимага тушиб қолдилар ва пичир-пичир қила бошладилар, лекин уларнинг чеҳраларида адоват йўқ эди.

Ҳовлидан четига тош терилган ариқ ўтар, унинг

устига кичик-кичик учта мармар кўприк қурилган эди. Буталар ва япроқлари ям-яшил дарахтлар ҳашаматли устунлар билан ўралган бу сокин ҳовлининг бир ҳуснига ўн ҳусн кўшар эди. Деворлардаги суратлар Гаутама-Будданинг ҳаётидан ҳикоя қиларди. Ривоятларга қараганда, у бир неча аср муқаддам Ҳиндистонда яшаган экан. Ўзи подшонинг ўғли бўлиб, муқаддас таълимотга асос солган экан.

Матео билан Марко қора қўй ҳайдаб кетаётган одамга эргашиб келаётганларга қўшилиб эшикдан кўркам бир боққа киришди. Бу ерда баландликда черковнинг асосий биноси қад кўтариб турар, унинг атрофида эса кичикроқ черковлар кўзга ташланар эди. Қора кийган тўрт монах ўйчан қиёфада шошилмай черков томон кела бошлади. Одамлар уларни кўришлари биланоқ дарҳол четга чиқиб йўл бўшатишди. Фақат қўйгина маъраганча қайсарлик қилиб бир жойда тураверди.

Қуббадор учларини кўкка чўзган кўҳна дарахтлар тагида ястаниб ётган чиройли боғ, унда барқ уриб очилиб турган ранго-ранг баҳорги гуллар, олақуроқ кийинган оломоннинг маъноли сукут сақлаши, қуёш нурида ярақлаб кўзни оладиган черков манзарасига узукка кўз қўйгандек бўлиб тушган ажойиб бинолар, йўлакдаги сирли ним қоронғилик венецияликларни тонг қолдирди.

Марко бу ҳашаматли черковнинг остонасидан ҳатлаб ўтгач, қалбида ногаҳон ажиб бир интиқлик туйилганини тан олди. Матео ҳам бу таъсирли маросимга қанчалик маҳлиё бўлмасин, бари бир яна унинг қалбини, хавотирлик эгаллаб олди. У маъюе тортиб, қизил рангга бўялган силлиқ устунга суянганча, черков ўртасида бир қўлини бошига тираб, бошқасини белига қўйиб турган баҳайбат худога тикилди.

Эни камида эллик қадам келадиган бу худонинг гавдаси бошдан оёқ ҳалланган эди. Унинг орқасида худоларни тасвирловчи олтин ҳайкаллар турарди. Бу ҳайкаллар шу қадар маҳорат билан ишланган эдики, кўрган одам ҳозир булар диний маросимни тугатишади-ю, хайрли иш билан машғул бўлишади ёки ғазабга миниб гуноҳкор одамларни жазолашади деб ўйларди.

Лопиллаб ёнаётган шамларнинг шуъласи олтин ҳайкалларни ёритар, хушбўй таёқчаларнинг нси чер-

ковни илоҳий муаттар ҳидга тўлдирган эди. Одамлар олтин санам олдида тиз чўкиб пешоналарини ерга теккизганча гўлдираб ибодат қилдилар. Марко билан Матео ҳам бегона одамларнинг динига ҳурмат юзасидан санам олдида тиз чўкишди.

Баҳайбат худо гўё сўниқ олтин кўзлари билан ҳаммага истеҳзоли боқаётгандек бўларди. Матеонинг кўнглида бозорда пайдо бўлган ғашлик кучайиб, хавотирлиги орта борди. Ашима хизматчилар билан уйда ёлғиз қолган эди. Савдогарлар савдо-сотик ишлари билан сафарга чиқишган, камида бир ҳафтадан кейин қайтиб келишар эди. Матеонинг фикри-зикри черковдан тезроқ чиқиб, Ашиманинг ёнига қанот боғлаб учишда эди. Лекин у тантанали сукунатни бузишга ботинмас, бегона худонинг қудрати ғайри шуурий равишда уни маҳв этган эди.

Дўстининг ичини ит тирнаётганидан беҳабар Марко зўр қизиқиш билан қурбонликни томоша қилди. Тўртта азамат хизматчи қора қўйни жон-жаҳдлари билан ушлаб, санам оёқлари остига отдилар-да, кейин маҳсус тош устида бўғизладилар. Гарчи ғайри динларнинг маросими Марконинг диний эътиқодини таҳқирласа ҳамки, у монахлар ортидан ҳовлига йўл олган оломонга эргашди.

Черковнинг орқасида, монастирнинг девори тагида ўчоқ бор эди. Қозонда сув қайнаб ётарди. Хизматчилар қўйнинг терисини шилиб, ичак-чавогини олиб ташладилар-да, гўштини бўлак-бўлак қилдилар.

Гўшт қозонда қайнаб турганда, диндорлар монахларга эргашиб, черковга қайтдилар-да, санам олдида тиз чўкиб ундан чақалоққа сиҳат-саломатлик ато этишини илтижо қилиб, узоқ дуо ўқидилар. Бу орада чақалоқ чинқириб бир неча бор муқаддас сукунатни бузди. Черковга йиғилган диндорлар чақалоқ чинқириб, худонинг кўмаги билан қурбон қилинган қўйнинг илигини сўряпти, деб каромат қилдилар. Монахлар хизматлари эвазига қўйнинг калла-почасини, терисини ва бир неча бўлак гўштини олишди.

Кейин чақалоқнинг отаси уйига олиб кетиш учун қайнатилган гўштни тоза матога ўради. Қариндошуруғлари ва ёр-дўстлари вағирлашиб, кулишиб уни ўраб олишди. Улар бериладиган зиёфатдан севинишар, хаёлан тўқлининг барра гўштидан тотиб кўришмоқда эди.

Монастирдан чиқишгач венецияликлар енгил тин

олишди. Ҳозиргина олтин санам олдида тупроққа беланиб ётган одамларнинг қувончи ва шод-хуррамлигини кўриб улар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Хотинлар ва қизлар йўл четидаги баҳорги чечакларни юлишар, болалар шўхлик қилиб чинқирешар, ўтлоқда елиб-югуришар эди, эркаклар эса тепаликдан тушишар экан, чақчақлашиб, ҳазил-ҳузул гапларни гапиришарди. Йўл четида тизилиб турган дўконлар орқасидан сотувчилар бақириб-чақириб қанд-қурс, худоларнинг кичик-кичик ўймакор шакллари, кўк пиёз ва қовурилган товۇқ гўштани таклиф қилишар эди.

— Бу одамларга ҳеч тушунолмадим,— деди Марко отининг жиловидан тортиб, ўйчанлик билан.

Матео:

— Имиллама,— деб уни қистади ва бир оз сукут сақлаб:— Ашимадан хавотирдаман,— деб қўшиб қўйди.

Марко типирчилаб қолди:

— Нимага? Ашима уйда-ку. Унга нима қиларди?

Матео гириҳ тишлари орасидан алланарса деб гўлдиради.

— Гапирсанг-чи, нима гап ўзи?— деб қистади Марко.

Матео ҳушёқмаслик билан бозордаги учрашувни дўстига гапириб берди.

— Венеция бўлганда у иблисни сувга отиб юборардим. Бу ерда эса... ўзинг кўриб турибсан бу ердаги урф-одатни. Худолари қанчалик қудратли эканлигига одамнинг ақли бовар қилмайди.

Ҳал юритилган баҳайбат худонинг ҳайкали Матеода катта таассурот қолдирган эди.

Матеонинг бегона худоларнинг қудратига ишоншидан Марконинг жаҳли чиқди-ю, бироқ аламини ичига ютди. Ашимага хавф-хатар таҳдид қилаётганини ўйлаб-отиға шиғов берди.

Йўлнинг охириги қисмида чавандозлар отларини елдек учирешди. Дўконлари ва устахоналари олдида нақ кўчада ўтирган боққоллар билан ҳунарманд усталар ажнабийлар орқасидан таажжубланиб қараб қолишди.

Ашима уларни уй олдида кутиб турарди. Ашимага кўзи тушиши биланоқ Матеонинг вақти чоғ бўлиб кетди.

— Шу ердამисан, қизгинам?— деди у. Матео, сен худди иримчи хотинлардек қўрқоқ бўлиб кетяпсан,—

Матео шуни деб, кўнглидаги шубҳани тарқатиш учун сўради:— Олдинга ҳеч ким келмадими?

Ашима унга ҳайрон бўлиб қаради-да:

— Қим келарди, мессер Матео?— деди.

— Келадиганлар чиқиб қолар...— деб пўнғиллади Матео.— Сен ахир Чаньжоуда тенгги йўқ гўзал қизсан.

Бу гапни эшитиб Ашима уялиб кетди.

— Бугун бунча гапдонинг очилиб қолди...— деди Марко энсаси қотиб.

— Эшитдингми, Ашима? Бутун Чаньчжоуда сендан гўзал қиз йўқлигига у ишонмаяпти... Балки бундан чиройлироқ қизга кўзинг тушгандир, Марко?— деди Матео жўрттага унинг жиғига тегиб.

Матеонинг хушвақтлиги секин-аста Ашима билан Маркога ҳам ўтди.

Кечки овқатдан кейин Матео бирор соат баҳамжиҳат ўтирайлик деб, уларни уйига таклиф қилди. Улар ланғиллаб турган манқал ёнига ўтирдилар. Чироқ шуъласидан хирагина ёришиб турган дераза кўзидаги ёғлиқ қоғозда ям-яшил япроққа бурканган сершоҳ дарахтнинг аниқ-таниқ сояси кўзга ташланарди. Хонага кўйилган қора жиҳозлар бир ёқдан қоронғиликни қуюқлаштира, иккинчи ёқдан кишида шундай бир ҳиссиёт уйғотардики, унинг биров билан сирлашиб юрак чигилини ёзгиси келарди.

Ашима турли-туман ҳайвонларнинг расми солинган алвон ранг ипак кўйлак кийган эди. Унинг чеҳраси манқалда ёниб турган чўғнинг шуъласидан гулгун бўлганди. Мана шу оқшомдаги оромбахш дамлар, қушларнинг осуда чирқиллаши, деразада акланган япроқлар сояси дилни қитиқлаб, кўнғилда бор гапни аён-ошкор изҳор этишга даъват этар эди.

— Нечага кирдинг, Ашима?

Қиз нима дейишини билмай, жажжи қўллари билан ипак кўйлагини пайпаслади. Ашима кўпдан бери кишандан халос этилган бўлса-да, тўпифидан сал юқорида зўр-базўр кўз илғайдиган қизил чандиқ бор эди.

— Билмайман, ёш жаноб...

— Ростдан ҳам билмайди,— деди Матео.

— Мени ёш жаноб деб атама,— деди Марко илтимос қилиб.— Хусусан бугун шундай дема.

Чироқ нури хиралашиб, ҳеч нарсани кўз илғамай қолди. Дераза кўзига ёпиштирилган қоғозда кўрин-

ган бир сояни ҳеч ким пайқамади. Қимдир пусиб келиб, аллақарга яширинди:

— Ахир сен оқсоч эмассан-ку.

— Ҳа, шундай, қизим, сен оқсоч эмассан.

— Иккинчи мени ундай атама. Бугун ҳам, эртага ҳам... умуман ҳеч қачон, хўпми?

Шу аснода дераза тагида бир одам яшириниб турарди.

Матеонинг назарида унга ҳали ҳам етти ёт бегона одамларнинг худолари сўниқ олтин кўзларини бақрайтириб қараб тургандек туюларди.

— Сен бизга ҳамма гапни очиқ-ойдин гапириб бер, Ашима. Ҳозир она юртингдаги қизил тоғлар тўғрисида сўзла,— деб илтимос қилди Матео.

— Гоҳ-гоҳ Венецияни ўйлаб қоламан,— деди Марко.— Гарчи у ерда қизил тоғлар бўлмаса ҳамки, ажойиб сарвлар, шунингдек азим каштан бор. У ҳозир ҳовлимизда гуллаб ётибди.

— Ун олтига кирган бўлсам керак,— деди Ашима.— Менимча шундай... Бир неча йил муқаддам ойим менга халқимиз ҳаётидан ажойиб эртақлар сўйлаб берган эди. Улардан баъзилари ҳали ҳам эсимда.

— Жилла қурса, биттасини айтиб бер, Ашима.

Энди уй бутунлай қоронғиликка чўмган, фақат манқалдаги кўмиргина ланғиллаб ёнар, уч кишининг башараси ёришиб турар эди. Ашиманинг қалбини тегирмон тошдек эзиб ётган ўтмиш хотиралари бирдан кўнглидан кўтарилди, босалигидаги эсдаликлари хаёлида шу қадар очиқ-равшан жонландики қулликда чеккан барча азоб-уқубатларини маҳв этди.

— Қулоғимиз сенда, қизалоғим,— деди Матео оҳиста.

Онасининг ҳикояларини хаёлида қайта-қайта такрорлаганидан, унинг ҳар бир жумласи ва ҳар бир сўзи Ашимага ёд бўлиб қолган эди.

— Икки минг йил муқаддам Ҳиндистонда бир подшо ўтган экан,— деб Ашима ҳикоя бошлади.— Унинг бир-биридан суюкли уч ўгли бор экан. Хазинаси дуру жавоҳирларга тўла экан. Бироқ унинг дуру жавоҳирларидан ортиқ — ёллари ипакдек оппоқ тулпори бор экан. Мана шу учқур аргумоқ елдек учганда ер ларзага келаркан. Башарти унинг қулоғига бир оғиз сеҳрли сўз айтилса, у кўз очиб юмгунча майриқдан машриққа етказиб қўяр экан. **В**

баҳо бу тулпорнинг узун ёли қуёш нурида олтиндек товланаркан.

Подшо неча кун тунларни бедор ўтказиб, бу ажойиб отни ўғлиларидан қайси бирига туҳфа қилишини билмабди. Ўйлаб-ўйлаб, ахири иложини топибди. Тулпорни ўз эркига қўйиб юборибди-да, ўғилларини ҳузурига чақириб: «Эй, дилбандларим, энди сизлар дунё кезибоқ отни излаб топинглар. Қимки биринчи бўлиб топса, от ўшаники. Лекин от деб бир-бирларингизнинг пайингизни қирқманг»,— дебди.

Бир ёқадан бош чиқариб иноқ яшаган ака-укалар оталарининг ўғитини эшитиб, икки букилиб таъзим қилибдилар. Падари бузрукворларининг холис ниятидан рози бўлиб, ишни пайсалга солмай оқ отни қидириб кетибдилар.

Улар бир ой деганда Ҳиндистон чегарасига жойлашган, ҳамиша қуёш порлаб турадиган Куньмин мамлакатига етиб келибдилар. Бу мамлакатда йилнинг тўрт фаслида баҳор яшнаб турар, кўркам водийларда ёзин-қишин чечаклар барқ уриб очилиб ётар экан. Кекса бир балиқчи уларга тоғда оқ отни кўрганини, ушлайман деганда осмону фалакка кўтарилиб, ўт-олов пуркаб ўқдек учиб кетганини айтибди.

Ака-укалар бу ўзлари қидириб юришган сеҳрли от эканлигини англашибди.

Уртанча ўғил кунчиқар томонга кетибди. Уззукун йўл юриб кўм-кўк барра ўт ўсиб ётган мўъжазгина бир ўтлоққа етиб келибди ва оқ отни шу ерда кўрибди. У тулпорни осонгина тутибди-да, отни тутганини акаси билан укасига хабар қилиш учун даракчилар юборибди.

Тўнғич ўғил кунботар томонга кетибди. У икки кун йўл юрибди. Шарқ тарафдаги тоғлар устида жамол кўрсатган тўлин ой Куньмин кўлида жилоланганда йигитнинг олдига феникс қуш учиб келибди-да: «Уканг отни тутиб олди», деб хабар қилибди. Бу кушхабарни эшитиб тўнғич ўғил хафа бўлибди, лекин у келиб қолган жой шу қадар чиройли ва фусункор эканки, йигитнинг қалбига ғашлик солган барча нохуш фикрлар зум ўтмай тумандек тарқаб кетибди. Тўнғич ўғил кўз ўнгида ой нурига ғарқ бўлиб ётган тоққа Кумуш тоғ деб ном берибди.

Кенжа ўғил шаҳарга йўл олибди. Шаҳарга келиб ўртанча акаси отни ушлаганидан воқиф бўлибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ака-укалар шартлашилган



жойда учрашибдилар. Шунда отни тутиб олган ўртанча ўғил: «От меники эмас, ҳаммамизники», дебди.

Бу гапдан ака-укаларнинг кўнгиллари тўлмабди. Тўнғич ўғил билан кенжа ўғил отамнинг амрини бажо келтиришимиз керак деб қаттиқ туриб олишибди. Ака-укалар бир қарорга келолмай баҳслашиб туришганда, от арқонини узибди-да, осмони фалакка кўтарилибди. Шу дам осмон худди қуёш чиққан пайтдагидек тилла рангга кирибди. Шарқ томондаги тоғлар алвон рангга кириб товланганда ўртанча ўғил: «уни қаранглар, бу олтин арғумоқ тоғи. Фаму ўкинчага барҳам берайлик, арғумоқ бизни ажойиб мамлакатга олиб келди», дебди. Ака-укалар она ватанлари Ҳиндистонни унутиб, Олтин арғумоқ тоғининг этагига маскан қуришибди.

Улар шу тахлит икки юз саксон кун яшашибди, ниҳоят бир куни чопар келиб оталарининг фармони ни топширибди. Подшо ўғилларига дарҳол етиб келишни амр этган экан. Бироқ ака-укалар бу мамлакатни тарк этишга ожиз эканлар. Шу ваздан улар оталарининг гапини ерда қолдириб, бегона мамлакатда яшаб қолибдилар.

Подшо бундан хабар топгач укасини чақирибди-да, унга: «Аллақандай баттол жодугар ўғилларимни етти ёт бегона элда ушлаб турибди. Уч минг аскардан иборат қўшин тўплагин-да, ўша бегона мамлакат устига лашкар тортиб бор ва ўғилларимни ҳузуримга келтир», дебди.

Укаси подшонинг буйруғини тўла-тўқис бажо келтиришга сўз берибди. У уч минг аскардан иборат қўшин йиғиб, жангчиларга кумуш совутлар берибди, филу туяларни шай қилиб, нурафшон мамлакатга йўл олибди. У жиянларини осонгина топибди. Чунки улар яширинишмабди. Қайтага уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишибди.

Амакилари Куньмин кўлининг жиллоланиб турган сувини ва Кумуш тоғни кўргач, аҳдидан қайтибди. Ўзига ўзи: «Башарти, ҳақиқатан ҳам одамнинг кўнгилида бу ерларга меҳр уйғотадиган сеҳргар бўлса, у яхши сеҳргар экан» — дебди ва подшонинг амрига бўйсунмай ерлари серҳосил мана шу гўзал мамлакатда қолиб кетибди.

Уч минг жангчига ҳам бу мамлакат манзур бўлибди-ю, улар ҳам Ҳиндистонга қайтиб кетишмабди. Улар пахса деворли уйлар ва бамбукдан чайлалар

ясаб олишибди-да, ер ҳайдаб гуруч экибдилар. Уларнинг меҳнатлари зое кетмабди, мўл-кўл ҳосил олиб, умрларининг охиригача роҳат-фароғатда яшабдилар...

Дераза тагида алланарса қисирлаб кетди. Худди хазон устидан калтакесак ўрмалаб ўтгандай бир нарсаси шитирлади, кейин аллакимнинг бўғиқ йўталгани эшитилди.

Шамол тинган, қушлар сайрашдан тўхтаган, фақат куртакларга жон бағишлаётган пинҳоний шираларгина новдаларда шитоб билан оқарди.

Ашима эти жунжикиб, кифтини учирди.

Манқалдаги кўмир ёниб тугаган, оппоқ кул қолган бўлса-да, бари бир хонадан кўмир ҳиди келарди.

— Бундан чиқди, ватанинг Куньмин экан-да,— деди Марко ўйга толиб.— Бироқ Ҳиндистоннинг чегараси бениҳоя-ку. Беш юз кунлик йўл... Унинг қаердан бошланиб, қаерда тугашини ҳеч ким билмайди.

— Беш юз кунлик йўл нима деган нарсаси?— деди Матео.

— Борди-ю, мен ҳар доим пешиндаги қуёшга қараб юрсам — Куньминга етиб оламан. Лекин тоғлар ошиш, дарёю ўрмонлардан ўтиш керак, ўрмонда эса ажиналар ва ёввойи ҳайвонлар яшайди. У ерда йўғонлиги катта дарахтнинг танасидек келадиған илонлар, ўт пуркайдиган аждаҳолар ва оқ йўлбарслар бор.

— Буни қаердан биласан, Ашима?

— Бир ҳаммол айтиб берганди, мессер Поло.

Марко кулиб юборди.

— Ҳаммол дегин?— деди у бир оз ўйлаб тургач:— Қани энди сенга ўша сеҳрли отни тутиб берсак, унда сен бизни ташлаб учиб кетардинг.

Дераза тагида эса бир одам деворга қапишганча турарди. Ҳеч ким уни кўрмас, нафасини эшитмас, унинг борлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Матео, Марко ва Ашима суҳбатга берилиб кетган эдилар.

— Совуқ тушиб қолди,— деди охири Матео.— Совуқ ейсан, қизим. Узоқ ўтириб қолдик.

Марко тўсатдан бир қарорга келди-ю:

— Мен сени Куньминга олиб бориб қўяман, Ашима,— деди.— Буюк хоннинг саройида яшаганимизда мен ундан Катайни кесиб ўтишга ижозат сўрайман. Уч киши: Матео ва сену-мен бирга кетамиз.

Матео розилик билдириб алланарса деб гўлдиради.

— Кунъминда йил бўйи гуллар барқ уриб очилиб ётади,— деди Ашима.

\* \* \*

Эркакларнинг уйлари биринчи қаватда эди. Марко ётишдан олдин боғда айланмоқчи бўлди. Кундузи у анча-мунча таассуротлар олган, шунинг учун унинг шу баҳорги кечада сайр қилгиси ва хаёл сургиси келди. Куртакларнинг ва ширадор япроқларнинг муаттар ҳиди зах ернинг бўйига қўшилиб кетган эди. Гунчалар гўё қоронғи кечада сочиб юборилган юлдузлардек оқариб кўринарди. Оёқ остида тошлар фижирларди.

Ашиманинг хонасида шам ёниб турарди. Кейин Матео ҳам ҳужрасидаги чироқни ёқди. Марко бор эшигига етганда новдалар унинг башарасига тегди. Марко:

«У, «Мессер Поло» деди-я,— деган гапни кўнглидан ўтказди.— Лекин бир кун келиб мени оддийгина «Марко» деб атайти. Ким билади, балки менинг ўзим таъзим бажо айлаб: «Синьорина Ашима» дейишга мажбур бўларман»,— Марко аста кулди.

Барқутдек осмонда юлдузлар чарқлайди. Довдарахтлару буталарни меҳр билан чулғаб олган кумушдек ҳарир туман уларга баҳорги бир ажиб жозиба бахш этган. Девор ёнидан қора шарпа чиқиди, овоз чиқармай Марконинг орқасидан кела бошлади. Унинг баланд кўтарилган қўлида ханжар йилтиради. Марко тўхтади. Икки қадам нарида қотил ҳам зарба беришга шайланиб тўхтаб қолди.

Бирдан Марко шитирлаган овоз эшитди. Унга аллаким боғдаги шағал тўкилган йўлкага қадам қўйгандек бўлди. Марко шартта ўгирилиб, қора кийим кийган, кўланкадек бир одамни кўрди. Зарб билан отилган ханжар худди заҳарли илоннинг бошидек Марко томон учди. Марко энгашиб қолди. Ханжар унинг ёнидан ўтиб эшикка қадалди.

Марко дарҳол қаддини ростлади ва рақибини девор тагига улоқтирди. У чалпак бўлиб тушди-ю, лекин шу заҳоти дик этиб ўрнидан турди ва боғнинг ичкарисини томон қочди. Марко унинг орқасидан югурди ва буталар орасига кириб кўздан йўқолди.

Биринчи ва иккинчи қаватдаги хоналарда ҳануз чироқ ёниб турарди.

Ашима қўнғироқдек овоз билан бир қўшиқни хиргойи қиларди. Кейин у шамни ўчирди-да, ётди.

Матео ширин хаёлларга берилиб хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

Марко зўр-базўр нафасини ростлаб, эшик олди-га келди ва эшикдан қора кийинган одамнинг ханжарини олди-да, юраги пўкиллаб ханжарнинг ўткир тиғига бармоғини теккизди. Кейин гўё нотаниш душман билан олишув бутун кучини тортиб олгандек бир он эшикка ҳорғин суяниб қолди.

Марко ногаҳон ибодатхона, сўниқ кўзли баҳайбат олтин худо олдида чангга беланиб ётган одамларни эслади, уларнинг шивирлаб дуо ўқиганларини эшитгандек бўлди. Пичоқ қора қўйнинг бўғзига санчилди. Қип-қизил қон товоққа қуйилди.

Қайси иши билан у бегона худонинг қаҳрини келтирди? Наҳотки худолар ундан ўч олаётган бўлса? Марко бутун иродасини ишга солиб юрагига гулгула солган хурофий васвасага чек қўйди. Ахир унинг жонига қасд қилган қотил тирик, оддий одам-ку.

Марко яна боғ йўлидан юриб, Ашима турган хонанинг деразаси тагида тўхтади. Ҳойнаҳой ухлаб қолгандир. Марко оҳиста кўча эшикни очди-да, зинадан чиқиб, Матеоинг олди-га кирди.

Хонада ҳамон нари-бери бориб-келиб турган Матео Маркони кўриб жуда ҳайрон бўлди.

— Ухламадингми?

Марко унга ханжарни кўрсатди ва аллакимнинг сирли ҳужуми тўғрисида гапириб берди.

Матео ғазаби қайнаб, зилдек муштини дўлайтирди, гириҳ тишлари орасидан чиқариб:

— Қароқчилар, каллакесарлар...— деди у.— Унинг бўриникига ўхшаш башарасини дабдала қиламан. У аблаҳ қўлимга тушса бўлгани...

— Сен Лобда учратган одамни айтяпсанми?— деб сўради Марко.

— Яхшиси буни Ашимага айтмайлик.

— Тўғри, бундан ташқари у оддий бир ўғридир балки.

Марко деразани очиб юборди. Дарахтларнинг қоп-қора шоҳлари панжаларини кериб турган қўлга ўхшарди. Гўё улар чироққа талпинаётгандек эди.

## ҚУНГЛИ ҚОРА ЧОПАР

Кечаси ёмғир ёғди, ҳозир эса қуёш порлаб турибди. Қуёш нурига фарқ бўлган момик булутлар тоғларга ўхшайди. Баланд дарахтлар устида учиб юрган иккита турна ниҳоят шохга қўнди. Қуюқ япроқлар орасидан ўтаётган қуёш нури дарахтларнинг силлиқ таналаридан сирғалиб тушарди-да, шудринг доналари ялтираб турган ўт-ўланни ёритарди. Сукутга чўмган ям-яшил табиат оғушида гоҳ-гоҳ кўчадан келаётган гангир-гунгур товушлар қулоққа чалинарди. Ҳўланларнинг ва чечакларнинг атри димоққа урарди.

Икки томонига қатор дарахт экилган кенг хиёбон ноибнинг саройига олиб борарди.

Боғдан бир одам шалвираб борар, унинг бўриникига ўхшаш башарасида қўрқув ифодалари зоҳир эди. Пастки лаби сўлжайиб қолганди. Унинг босган изи орқасига кетар, назарида дарвоза олдига сира етолмайдигандек бўлар эди. У ёлғиз борар, атрофида дов-дарахтлар сўррайиб турар эди:

Девор ортида одамлар ҳазил-мутойиба қилишар, кулишар эди, унинг қулоғига: «Ёмғирдан кейин табиат келинчакдек яшнаб кетди-я!» ёки «Ёмғир эшакнинг думига томчилаб улгурмасдан, бошига қуёш нур сочяпти» деган гаплар чалинди. Болалар қийчув кўтариб кўлмакларда чолиб юришарди.

Ҳалиги одам юраги ёрилиб кифтини учирди-ю, икки букилиб қолди.

Дарвоза олдида турган соқчи унга савол берди:

— Кимсан?

— Э, бу Саид-ку, қўйвор,— деди иккинчи соқчи ва оёғи билан эшикни қия очди.

Саидни ноиб Абака ҳузурига элтишди. Ноиб қора ёрочдан ишланган ўймакор курсида ўтирарди. Унинг ўнг томонида Тошбақанинг, сўл томонида Турнанинг тулуми бор эди. Абака қоп-қора тўсдек соқолини силарди. У зарбоф тўн кийган эди.

Саид курси олдида тиз чўкиб ўтирар, башараси ерга тегай-тегай дер эди. У бошини кўтариб, ноибнинг юзига қарашга журъат етолмасди. Битта-яримтани ўлдириш керак бўлса у ўлжасига худди йўлбарсдек ҳамла қиларди-ю, лекин қудрати зўр ноибнинг олдида чиябўридек қўрқоқ бўлиб қоларди.

Ноиб чақиртирганини эшитиб, Саиднинг ўтакаси

ёрилди. Унинг ҳаловати бузилди, кечалари ухламай илондек тўлганиб чиқди. Лекин қўлидан нима келарди. Қочишми? Қочиб қаёққа борарди? Ноибнинг қўли Қашқардан Хонбалиққа, Чахоннордан Талгача етарди. Абака буюк империяни идора қилувчи, улуғ хоннинг арзандаси Аҳмад Ёвузнинг<sup>1</sup> ўнг қўли эди. Аҳмаднинг қаҳрига учраган одам зиндонда чирир, суяк-суягини итлар кемирар эди. Барча шаҳарлардаги юқори мансабларни Аҳмаднинг одамлари эгаллаб олган, уларнинг итоатида сон-саноксиз айғоқчилар бор эди.

Саиднинг боши ерга тегар, орқасида қуёш нурлари ўйнар эди. Саид бу нурларнинг ҳароратини сезиб турарди.

Абака амирона оҳангда, зарда билан:

— Кўзимга қара,— деди.

Саид бошини кўтарди. Абаканинг қора кўзида қандайдир учқун чақнаб кетди. Саид ноибнинг нигоҳига бардош беролмай, олазарак кўзларини ерга тикди.

— Кўзимга қара,— такрорлади Абака ғазабланиб.

Саид тақдирга тан бериб, ноибнинг олқиндидек юзига бақрайиб қаради, қаради-ю, кўнглида умид учқуни йилт этиб ёнди, бироқ Абаканинг дастлабки сўзларидан кейиноқ бу учқун шамолда ўчган заиф ўтдек бирпасда сўнди.

— Сен буйруқни бажармадинг-а.

— Афсуски, бажаролмадим, хўжайин.

— Кўзимга қара деяпман сенга!— Абаканинг башараси ғазабдан буришиб кетди. Кўзлари чақнади, пешонасини қат-қат ажин босди. У — ит!— деб бақирди-да, олқиндидек юзига ғалати тарзда мос тушмаган калтабақай қўллари билан курсининг қанотини жонҳолатда чангаллади.

Саид қўрқувдан қалтирарди. У ҳозир Абака: «Бир юз етти дарра урилсин!» дея қичқиради деб юраги пўкиллаб кутиб турарди. Зилдек таёқ билан бир юз етти марта урилса бас, одам тил тортмай ўлади-қолади. Саид яшашни хоҳларди. У жазаваси тутиб, ол-

---

<sup>1</sup> Аҳмад Хубилайхоннинг вазири бўлган. Ун санкиз йил давлатнинг ҳамма молия ишларини бошқарган. Аҳоли Аҳмаднинг оғир солиқлари учун ёмон кўрган. Унинг ўлими тўғрисидаги хабарни Хитой халқи шод-хуррам кутиб олган.

динга талпинди-да, бошини ерга ётқизилган тошга гурс этиб урди ва жони ҳалқумига келиб, нола қилди:

— Афв этинг, хўжам! Афв этинг! У барзанги шайтонга мурид экан. У мени сеҳрлаб қўйди. Мен қимир этолмай қолдим.

Абаканинг башарасида илтифотсизлик хандаси жияла қилди-ю, шу заҳоти унинг ўрнини такаббурилик ифодаси эгаллади. Ноиб оёғи остида судралиб юрган одамни истаган қўйга солиши мумкинлигини ўйлаб ҳузур қиларди. Ҳа, у — Абака, Чаньчжоунинг ноиби, уни кўрганда одамлар қалтирайди. Нима, у худонинг азис бандаси, Хонбалиқдаги Аҳмаддек қудрати зўр эмасми?

— Афв этинг мени, хўжам, бир қошиқ қонимдан ўтинг!

— Овозингни ўчир,— деди Абака чўрт кесиб,— кўзимга қара!

Саид яна қаддини ростлади.

Ноибнинг қўллари курсининг қанотлари устида жим турарди.

— Боёндарбек сенга, барзангини алдаб саҳрога обор деб буюрган эди. Сен унинг амирини бажо келтирмадинг. Мен сенга анави хушрўй шайтонваччани ўлдиришни буюрган эдим, сен бу ишним адо этмадинг. Токайгача у ғайридин қўтир итлар ерларимизни оёқ ости қилади.

Абака базўр ўзини босди. Саидни нима қилса экан? Қалласини олдирсамикин ёки унинг садоқатини яна бир марта синаб кўрсамикин?

Боғдаги майсаларга қўнган шудринг камалакдек товланарди. Узун тумшугини олдига чўзган турналар арғимчоқ солиб кўкда парвоз этарди. Яшил япроқлар орасида қандайдир ола-чипор қушчалар чирилларди. Шу вақт икки киши сарой дарвозаси ёнига келди, улардан бири новча, қотма, иккинчиси пастроқ, яғрини кенг. Соқчилар найзаларини чалмаштириб, уларнинг йўлини тўсишди. Шунда паканароғи Хубилайхоннинг муҳри босилган олтин найзани кўрсатди. Шунда соқчилар дарҳол найзаларни ажратиб, илтифот ила дарвозани очдилар.

Абака ўтирган кўшкка қуёш нури ёғилди-ю, жиҳозларнинг силлиқ сиртида, ёғоч деворларда жилонланди ва гўё турною тошбақаларни, дарахтдан йўниланган аждаҳоларни, шерлар ва шойиларга расми

солинган учар илонларни ёритди. Эшик оҳиста очилиб, ичкарига ноибнинг котиби кирди ва тиз чўкиб дарров бошини кўтарди-да, Абакага мўлтираб қаради. Абака энсаси қотиб сўради:

— Нима гап?

— Кечиринг, жаноб,— деди котиби бидирлаб.— Ғайридинлар келишди, уларнинг қўлида олтин тахтакач — пайца бор. Улар сизни кўришга истак билдиришяпти. Назаримда...

Ноиб ўрнидан турди-да, бошини лиқиллатди. Саид гўё жароҳатланган ит янглиғ базўр бир чеккага эмаклаб ўтди-да, эгасига йўл бўшатди. Абака бир зум чурқ этмай турди, кейин Саид томонга ишора қилиб, котибига шундай деди:

— Уни ҳовлига олиб чиқ-да, Салимга айт, унга йнгирма етти дарра урсин... Меҳмонларга айт, ҳузуримга киришсин.

Саид:

— Миннатдорман хўжам! Худо сизга минг йил умр берсин!— деб гўлдиради-да, ноибнинг этагини ўпди.

Абака Саиднинг манглайига тепиб юборди.

Саид етти букилиб таъзим қила-қила:

— Минг карра раҳмат, хўжам,— деди-да, эҳтиром ила орқасига тисарилиб, кўшкдан чиқиб кетди.

Ноиб Абака ўймакор курсига ўтирди-да, пинагини бузмай ажнабийларнинг келишини кута бошлади.

Николо ва Маффео Пололар чўк тушиб, ноиб қаршисида бош эгишди. Ноиб уларнинг саломларига алик олиб, бош ирғади. Ажнабийлар ўринларидан туришди. Абака иттифоқо Николо Полонинг бўйнига осиглиқ тилла гардишли фирузани кўриб қолди.

— Сизни муҳим давлат ишларидан чалғитганимиз учун бизни афв этинг... Ижозат этсангиз, сизга арзимас совғамизни тортиқ этсак.

Николо Поло чўнтагидан хирагина йилтираб турган бир халта марварид олди-да, Абаканинг олдинга чўзилган кафтига қўйди.

— Сизнинг карамингиз кенг, улуғ хон салтанатининг равнақи йўлида кўрсатаётган оқилона хизматларингизни тилга олиб шаънингизга ҳамду-сано ўқимоқда,— деди Николо Поло тилидан бол томиб.— Биз хонлар хони, фуқарони чизган чизигидан чиқармайдиган, оламда тенги йўқ қудратли ҳукмдорнинг саройига мактуб йўлладик, ўша мактубда Катай дав-



лати императори ҳазрати олийларининг биздек фақир ул ҳақир хизматкорларини иззат-ҳурмат ва самимият билан кутиб олганингизни, эй олижаноб хўжа, шукронлик билан баён этганмиз, ижозатингиз билан биз тангутларнинг ажойиб мамлакатини бошдан-оёқ кезиб чиқдик ва қаерга бормайлик одамлар сизнинг муътабар номингизни ҳурмат-эҳтиром билан тилга олганининг шоҳиди бўлдик. Биз кўпгина кўркем шаҳарларда бўлдик, муҳташам саройларни кўрдик, фойдали олди-сотти қилдик. Бизлар туя жунидан тўқилган шундай нозик жун рўмоллар харид қилдикки, бундайини бутун дунёни қидириб ҳам топиб бўлмайди. Муҳтарам ҳукмдор, биз сизнинг бениҳоя марҳаматингиз ва илтифотингиз учун сизга ташаккурнамизни баён этамиз...

Шундан кейин венециялик савдогарлар икки букилиб таъзим қилишди.

Абаканинг башараси тунд эди, фақат кўзларигина бежо боқарди. У ҳадиксирар, манави келгинди оқ танли кучуклар менга панд бермоқчи деб гумон қилар эди. У келгиндиларнинг устомонлик қилаётганини очиқ-ойдин фаҳмлаб турар эди. Лекин меҳмонларнинг ширинсуханлик билан сўз бошлашини кўриб, у чор-ночор хотиржам, жиндек кесатиқ билан жавоб беришга мажбур бўлди:

— Улуғ коонга мактуб юбордик дедингиз шекилли? Бекорга овора бўлибсиз? У сизнинг юртимизга келишингиздан хабардор.

— Биз улуғ хонга келганимиздан дарак берган эдик,— деб Маффео гап қистирди.— Сиздан изм олмай бу ишни қилганимиз учун маъзур тутинг, биз майда-чуйда ишлар билан вақтингизни олишга журъат этмагандик... Бироқ бугун сизга мурожаат этиб, жонимизга оро киришингизни ўтиниб сўрашга мажбурмиз, зеро бошимизга ташвиш тушиб, оромимиз йўқолди.

Абака пинагини бузмай ўтирарди. У гўё эрмак учун қилаётгандек марварид солинган халтачани ёнига ташлади-да, кейин салмоқлаб кўрмоқчи бўлди шекилли, уни кафтида отиб ўйнади.

— Қулоғим сизда,— деди у.— Лекин менинг муҳим ишларим борлигини унутманг.

Николо Поло бир зум кўзини юмди.

— Буни айтишга тилим бормайди, олижаноб хўжам... Уғлим биз билан бирга эканидан хабарингиз

бор. Сизнинг сояи давлатингизда биз мамлакат бўйлаб сафарда юрганимизда, қандайдир одам унинг жонига қасд қилган.

— Алаҳдаяпсиз,— деди Абака.

— Маана ханжар, хўжам.— Николо Поло шундай деб қўйнидан ханжар чиқариб, кафтига қўйди-да, гапида давом этди.— Бугун кечаси ўғлим боғда сайр қилиб юрганда уни шу ханжар билан уриб ўлдирмоқчи бўлишган.

Абака ғазаб билан қовоғини уйди. У бизнинг сирли кирдикоримиздан воқифми, йўқми, дегандек Николо Полога синчиклаб тикилди. Лекин Николо Поло фақат ўғлидан хавотир олар, ундан ёрдам кутар эди. Унинг илтижо билан термулиб турганини кўргач, ноиб шундай деди:

— Ханжарни менга беринг. Мен жиноятчини қидириб топишни амр этаман. Шу ондан эътиборан сизни менинг соқчиларим муҳофаза этади.

Абака қўл ҳаракати билан, учрашув тугади, дегандек ишора қилди.

— Миннатдормиз, саховатли жаноб,— деди Николо Поло.

Ака-ука тиз чўкишди-да, ноибга уч марта таъзим қилиб, саройни тарк этишди.

Улар кетидан эшик ёпилиши биланоқ, котиб кирди-да, ғиқ этмай Абаканинг амрини пойлаб турди.

— Саид жазога мустаҳиқ этилдимми?

— Ҳозирча йўқ, хўжам.

Ногаҳон Абаканинг зардаси қайнаб кетди.

— Дарҳол хизматкорни чақир!— деб ҳайқирди у.— Ғайридинлар заҳарлаган ҳаводан нафасим бўғилиб кетяпти!

Хизматкор исериқ дон кўтариб кирди-да, то Абака ҳайдаб юборгунга қадар, уйда исериқ тутата бошлади.

— Саидни олиб кириг!

Котиб таъзим бажо айлади-да, шоша-пиша буйруқни адо этгани югурди.

Саид кирди. Қўрқувдан унинг илиги қалтирарди. У ўзини ноибнинг оёғи тагига ташлади.

— Ханжарингни ол, аҳмоқ.

Абака узил-кесил:

— Ханжарингни ол!— деб буйруғини такрорламагунча Саид ханжарга қўл узатишга юраги дов бермай, қимирламай тураверди.

Саид бошини қўйи солганча, ханжарни олди-да, белбоғига қистирди.

— Бугун кечқурун йўлга тушасан. Кечасию кундузи отда чопасан. Сенга лочиннинг расми солинган пайцза бераман. Қаерга борма қўлингга учқур отлар тутқизишади. Кечаси йўлингги машъалачилар ёри-тиб туради...

Абаканинг амирона овозида сезилиб турган илтижо Саиднинг қулоғига ёқимли қўшиқдек эшитилди.

— Сен муҳим хабарни етказасан. Уни биронта одам билмаслиги даркор. Ҳеч ким топа олмаслиги шарт. Уқдингми? Йўқса калланг кетади. Сен туну кун от қўясан. Қўлингга лочин пати бўлади. Уни қудратли вазир Аҳмаднинг қўлига топширмагунингча сени ушлашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ...— Шундан кейин Абака одамга ўхшаб сўради.— Гапларимга тундундингми?

— Мактубни қудратли вазир Аҳмаднинг қўлига топширмасам калламни олинг, хўжам,— деди Саид тавозе билан.

Бўсағада турган котиб луқма ташлади:

— Уни Салим кутиб турибди. Жазо бекор қилинмайдимми?

— Ун етти марта таёқ урилсин бу аҳмоққа,— деди Абака.— Бугун йўлга тушиши эътиборга олиниб, кичикроқ таёқ билан урилсин.

\* \* \*

— Итдан тарқаган Салим! Жон-жаҳдинг билан урдинг-а,— деди ғазабга минган Саид гириҳ тишлари орасидан ва шишиб кетган орқасини сийпади.— Шошмай тур ҳали, қайтиб келай, ўшанда кўрасан...

Жаллод Салим ҳазиллашиб гап отди:

— Тезроқ қорангни ўчир, Саид! Бўлмаса, яна беллингга таёқ тушади.

Саид кечқурун котибдан муҳр босилган хат билан лочиннинг расми солинган тилла тахтакач пайцзани олгач, бели зирқираб оғриётганини унутди. У хатни кўкрагига тиқиб, пайцзани бўйнига осди-да, югурганча от алмаштириладиган алоқа бекатининг катта биносига қараб кетди.

Шаҳар дарвозаси ёнига жойлашган бекат кенг-мўл эди, хоналарга улуғ мартабали одамларнинг дидига мос жиҳозлар қўйилган эди. Отхоналарда ҳам

ма вақт тўрт юзта учқур от тахт турарди, зеро императорнинг чопарлари керак бўлганда кечасими-кундузми ҳориган отларини алмаштириб кетаверардилар. Улуғ хоннинг итосатидаги ўлкаларда шундай бекатлардан юз мингта бор эди. Ҳатто катта кўчалардан йироқда, на шаҳару на қишлоқ бўлган тоғларда ҳам бундай бекатлардан бор эди. Бундай бекатларни қуришга Хубилайхон фармон берган эди. Унинг буйруғи касрига юз минглаб оила ўсиб унган жойини тарк этиб, император бекатларида хизмат қилиш учун кимсасиз овлоқ ерларга кўчиб кетди. Шу тахлит энг хилват жойларда қишлоқлар, серҳосил далалар, яйловлар пайдо бўлди.

Хонбалиқ билан шаҳару қишлоқлар орасига равон йўллар қурилди, ҳар йигирма беш-ўттиз миль ерда бекат бор эди. Бекатлар орасида ўттиз-қирқ кулбадан иборат кичкина қишлоқлар бўларди. Бу қишлоқларда император хизматидаги чопарлар яшашарди.

Бирор қишлоқда исён кўтарилгани ёки ноибнинг хиёнати тўғрисидаги ошғич хабарни етказиш лозим бўлса, топарлар кунига икки юз-икки юз эллик миль йўл босишарди. Навбатдаги бекатга яқинлашишдан олдин чопарлар алоҳида бурғу чалишар, шунда уларга янги отларни тахт қилиб туришар эди.

Император хизматидаги чопарлар иззат-ҳурматда эди.

Саид қаттиқ чопиб келгани учун ҳаллослаб:

— Йўл беринглар менга, мен ноибнинг чопариман,— деди.— Кўзларинг кўрми аблаҳлар, бўйнимдаги лочин расми солинган пайцзани кўрмаяпсизларми?

Пойлоқчи хижолат чекиб, ишшайди-да, Саидни ичкарига киритиб юборди.

Мирзо махсус дафтарга унинг жўнаб кетган кунини ёзиб қўйди-да, унга энг яхши отни эгарлашни буюрди. У илтифот кўрсатиб:

— Сени нариги бекатгача кузатиб юборишга машъалчилар керак эмасми?— деб сўради.

Саид лочиннинг патини салласига қистирди, қўнғироқчалар ўтқазилган белбоғини белига боғлади ва бўйнига бурғу осиб олди. Унинг шишиб кетган орқаси зирқираб оғрирди.

Бирдан Саиднинг кўзига лабини чирт юмиб, қоғоғини қаҳру ғазаб билан уйиб ўтирган Абака кўришиб кетди-ю, қулоғи остида унинг буйруғи янграгандай бўлди: «Сен кечасию кундузи от чопасан. Сенга

лочиннинг расми солинган олтин тахтакач бераман, қаерга борма энг учқур отларни беришади. Кечалари йўлингги машъалалар ёритиб боради...»

Бу сўзлар Саидни шошилишга даъват этди.

Саид ирғиб от минаркан:

— Йўлни ўзим биламан,— деди. Лекин оғриқдан башараси бужмайиб кетди, отга қамчи босди-да, қоронғилик қаърига кириб ғойиб бўлди.

— Шошмай тур, Салим, ҳали қайтиб келай?— деб ғўлдиради у ўзига ўзи.

Белбоғидаги қўнғироқчалар жирингларди. Салласига қистирилган лочин пати билан бўйнига осилган пайцза йўлдаги ҳамма тўсиқларни бартараф қиларди. Хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, хоҳ қуёш порлаб турсин, хоҳ водийлар билан тоғ ёнбағирларини туман қоплаган бўлсин, ҳамма ерда уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишар, лазиз таомлар тортишар, мирзолар таъзим қилишар эди. Ахир у Абаканинг чопари-да!

Саид хўрланганини, иззат-нафси оёқ ости бўлгани унутди. Унинг хушомадга ўч қора кўнгли ғурур, ифтихор ҳис-туйғусига тўлиб-тошди. Ахир у лочин пати олган чопар-а. Буни эсдан чиқарманг, халойиқ! Оқ, қора, тўриқ аргумоқлар ёллари шамолда ҳилпираб уни шарқ томон олиб учарди. Тош йўлларда отнинг тақалари жарангларди. Карвонлар чавандозга йўл бўшатиб, четга чиқиб туришарди.

Саид тиним билмас эди. Зудлик билан от чопавериб ҳолдан тойганига қарамай атиги бир неча соат ухлар... ярим кечалари даҳшатли тушдан уйғониб, машъалачилар мени дарҳол нариги бекатгача кузатиб қўйсинлар деб, бақириб буйруқ берар эди.

Хонбалиққача икки юз миль қолди. У ёллари олтиндек оқ айғирни елдек учираб бормоқда. Қуёш порлаб турибди. Йўлнинг четидаги шиликорларда қўтослар омов тортиб, лой тупроқни ағдармоқда. Осмон тиккада оқиш-кўк, уфқда бўз ранг эди. Пакапагина бир чол хўриллаб, тумшуғи билан ерни ўяётган қора чўчқалар подасини ҳайдаб боряпти.

Чопарнинг белбоғидаги қўнғироқчалар жиринглайди. Ҳаммоллар юкларини ерга қўйиб, қуюндек елиб бораётган, салласига лочин пати қистирилган чавандознинг орқасидан қараб қолишар эди. Саиднинг орқаси энди оғримасди. Лекин у ўлгудек чарчаган. Жуда ҳам ухлагиси келарди.

Саид бир илож қилиб йўлни қисқартиш мақсадида ўзи билан ўзи гаплашиб борарди!

— Кечаю кундуз от чопяпман. Амрингизни қандай тез бажо келтирганимни кўриб қўйинг, хўжам. Анави ажнабий иблисларни худо ер билан яксон қилсин... Салим — хон. У жонингизга қасд қилиш пайида юрибди, бундан менинг хабарим бор...

У Абакага қандай жавоб беришини ўйлаб топгач, мамнунликдан оғзининг таноби қочди, шунда бўри-никига ўхшаш башараси ялпайиб кетди.

— Сен садоқатли хизматчисан, Саид. Мана сенга мукофотга беш юз шоҳи лан<sup>1</sup>... Кўпак Салим шундай эканми? Яхши, мен уни ўлимга буюраман.

Саид мўъжазгина водийга кирди. Қўлдан сув эмаётган жилға тошлар орасидан оқиб ётарди. Нишаб йўл қумлоқ қирғоққа тушарди. Саид яқин орадаги бекатдан хизматкорларни чақириш учун бурғу чалди. Сувдаги икки қозик орасида кенг қайик лопиллаб турарди. Қамишзордан новча бир йигит имиллаб чиқиб келди. Унинг қўлида қармоқ бор эди.

— Ҳой, тезроқ қимирла!— деди Саид қичқириб.— Нима, лочиннинг патини кўрмаяпсанми? Мен чопарман, Хонбалиққа, жаноб вазир Аҳмадга муҳим хабар олиб кетяпман.

Солчи маъюсланиб:

— Аҳмадгами?— деди-да, ижирганиб сўкинди. Саид унинг нима деб сўкканини зўрга эшитди.

Саид зардаси қайнаб:

— Тезроқ қимирла деяпман сенга!— деди ҳайқириб.— Бўлмаса худди бошлигинга устингдан арз қиламан.

— Утир лочин патли чопар.

Солчи индамай эшкак эшарди. Отнинг офтобда йилтираётган ёли кумушга ўхшарди.

Солчи:

— Кўл чуқур,— деди-да, эшкакни қўйди.

Ногаҳон нариги қирғоқда тепалик орқасидан карвон чиқиб келди-да, кўлга туша бошлади. Туяларга ёғоч қафаслар ортилган эди.

Солчининг маъюс кўзларида ғам-ғусса ифодалари зоҳир эди. У яна эшкакни олди-да, хушқмаслик билан қайиқни қирғоққа ҳайдади.

<sup>1</sup> Лан — Хитойда пул ва оғирлик ўлчови бирлиги.

— У қафасларда тустовуқ, ёввойи ўрдак, беданалар бор. Кўряпсанми уларни, лочин патли чопар?

Қайиқ қумга келиб урилди.

— Уларни императорга олиб кетишяпти.

Саид ғалати солчининг гапларига парво қилмади.

У Абаканинг буйруғини жон-дили билан адо этиб, кечаю кундуз от чопар, ноибнинг Аҳмадга бериб юборган хатини катта бир хазинадек авайлаб сақлар эди.

Беш кун деганда Саид тақир қумтепага келиб тўхтади, кўзи олдида ястаниб ётган Хонбалиқ четидаги қишлоқларни кўздан кечирди. Дайди мисгарлар, сартарошлар, чархчилар қўнғироқчаларининг товуши қулоғига чалинди. У бир эскичининг катталиги ярим кафтча келадиган дўмбирани бир маромда чалаётганига қулоқ солди. Саид уйлар ёнидан от қўйиб ўтди. Бу уйлар узра баланд деворлар, императорнинг мрамар саройлари юксалиб турарди. Саид Марказий кўчанинг икки четидаги очиқ устахоналарда ишлаётган ҳунармандларга қиё боқмас, дўконлар олдида ғужғон ўйнаётган сотувчию харидорларга эътибор бермас, иштаҳани қитиқловчи таомларнинг хушбўй ҳидига парво қилмас эди. У зўр бериб бурғу чалар, қўнғироқларини жиринглатар эди.

Саид чарчоғини унутди, уни молия министри қудратли Аҳмад билан бўладиган учрашув ҳаяжонга солар эди. Аҳмаднинг саройига кирганда уни кучли ҳаяжон қамраб олди, у учрашув онларини қалби ҳурмат эҳтиром ҳисларига тўлган ҳолда орзиқиб кутар, айни вақтда юраги пўкиллар эди. Саид қимматбаҳо мактуб жойида турибдими, деб дам-бадам уни ушлаб қўяр эди.

У отини олиб, йўл кўрсатган хизматчига овози қалтираб:

— Мен жаноб Аҳмадга муҳим хабар олиб келдим,— деди.

— Бир оз кутиб туринг,— деди хизматчи.— Жаноб вазири аъзам ҳозир Жамбуй хотун<sup>1</sup> ҳазрати олиялари ҳузурда.

— Мен дарҳол жаноб Аҳмадни кўришим даркор. Хизматчи энсаси қотиб жилмайди-да:

---

<sup>1</sup> Жамбуй хотун — Хубилайхоннинг катта хотини. Саройда унинг таъсири зўр эди.

— Идорага бориб, рўйхатдан ўт. Сени ўзлари чақиршади. Бош ноиб ҳозир Жамбуй хотин ҳузуридалар, деб айтдим-ку, ахир,— деди.

\* \* \*

Аҳмад ҳоқон хотиннинг ҳузуридан чошгоҳда шод хуррам қайтди. У кўп йиллардан бери Жамбуй хотуннинг мурувватига сазовор бўлиб келар, ҳамишадан кўмак ола билар эди. Шу ҳоқон хотиннинг ша-рофати билангина у давлатнинг энг қудратли министри бўлиб олган эди.

Аҳмад шуҳрат таратиш дардига йўлиқиб, турли режалар тузиб она юртини тарк этганини ва князь Эсен нойон саройига келганини жуда яхши эслайди. Шу ерда у биринчи марта князнинг соҳибжамол қизи Жамбуйни учратди ва унинг шаҳло кўзлари бир лаҳза ўзига тикилганини пайқади.

Бир куни Аҳмаднинг олдига Жамбуйнинг канизаги келди-да, бекаси номидан мўғул хони Хубилайга пинҳоний равишда мактуб топширишни буюрди. Бошда Аҳмад ғазаби қайнаб бу топшириқни бажаришдан бош тортмоқчи бўлди, зеро у вақти келиб ёшгина соҳибжамол қизнинг муҳаббатини қозонишга умид боғлаган эди. Лекин у ўйлаб бу ниятидан қайтди, шундан кейин князь қизининг топшириқларини бажарибгина қолмай, таъмагирлик билан унга жон-дилидан хизмат қилаверди.

Аҳмад давлатнинг энг улуғ мансабдори даражасига кўтарилгунча босиб ўтган пасти-баланд йўлини эслашни яхши кўрарди. Ахир у обрў-эътибори йўқ бир савдогарнинг ўғли эди-да. Ҳозир Хубилайхон буюк империясининг бутун молия ишлари унинг қўлида.

Жамбуй хотун Аҳмаднинг садоқат билан хизмат қилганини унутмади.

Аҳмаднинг лабларида қаҳрли ханда жилва қиларди. Ҳоқон хотини семириб, аллақачон ҳусн-жамолини йўқотган, шу вайдан Аҳмаднинг унга бўлган муҳаббати сўнган эди. Лекин Аҳмад унга гўё Жамбуй хотун ҳали ҳам ўша отаси Эсен нойоннинг уйида турганидаги каби чиройлидек хушомад қилар эди.

Аҳмад ҳийлакор ва довиюрак эди.

У бутун ҳокимиятни қўлига олволган эди, йўлида тўғоноқ бўлган ҳар қандай одамни босиб-янчиб таш-



ларди. Башарти у бирор одамни гумдон қилмоқчи бўлса Хубилайхон олдига бориб, тахминан шундай гап бошларди: «Генерал Ян сиз император олий ҳазратларига қарши жинойт қилди. У навкарлар олдида қудратли ҳукмдори тўғрисида ноҳўя гаплар айтиб, унга ҳурматсизлик қилди. Ян ўлимга маҳкум!» Улуғ хон одатда бундай дерди: «Ўзингизга маъқул бўлган ишни қилинг». Аҳмад ўлимга ҳукм қилинганларни ҳеч аямай калласини олдирадди.

Молия вазири бўлиб ишлаган беш йил ичида у ҳокимиятни бутунлай қўлига олди. Улуғ хон Хубилайнинг унга шунчалик ихлоси зўр эдики, Аҳмадга қарши гапиришга ҳеч ким журъат этолмасди. Аҳмаднинг бўҳтонига учраган одам бўйнига қўйилган айбни асло инкор қилолмас, шу важдан ҳеч ким ундай одамнинг ёнига тушмас эди.

Аҳмад айғоқчиларидан кимнинг чиройли қизи борлигини билса, у одамнинг уйига хизматкорини юборарди. Хизматкори бориб қизнинг отасига шундай дерди: «Сенинг чиройли қизинг бор. Уни кимга бермоқчисан? Агар сен уни бош ноиб Аҳмадга берсанг жуда ақлли иш қилган бўласан. Бунинг эвазига у сени уч йил пул палатасига бошлиқ қилиб қўяди».

Бундай таклифдан ким ҳам бош торта оларди дейсиз?

Мансабдорлар бош ноиб билан учрашганларида дўстона тиржайишар, халқ эса унинг зулми остида додга келган эди, зеро солиғу ҳар хил ўлпонлар уч баравар ортиб кетганди.

Лекин Аҳмаднинг ўзи ҳаддан ташқари бойиб кетган, чунки бирор лавозимга ўтирмоқчи бўлган кимса унга пора беришга мажбур эди.

Бош ноиб уни кўриб кўчанинг қоқ ўртасида тиз чўкиб, тупроққа қоришиб таъзим қилган одамларни назар-писанд қилмай мулозимлари билан ўтиб кетарди.

Оқ от минган тўртта хизматкор офтоб тушмасин деб министрнинг боши устида чиройли чодир кўтариб борар, отларини Аҳмад тагидаги отнинг қадам ташлашига монанд юргизишга ҳаракат қилар эди. Фахрий аскар жангчиларининг қиличлари ва кумуш қўнғироқлар бир текис йўртиб бораётган отларнинг юришига ҳамоҳанг жарангларди.

— Лочин патли чопар сизга қандайдир хабар олиб келди, хўжам. Сизни кутиб турибди у.

— Қаердан келибди?

— Чаньчжоу ноиб Абакадан.

— Айт, кирсин.

Бош ноиб кумуш курсида ўтирарди, Саид залга кўрқа-писа кириб, олдиға мук тушди.

— Хатни бер.

Саид хатни узатган эди, Аҳмад унга синамол назар ташлади. Шунда лочин патининг соҳиби бошини ерга эгди. У шу қадар тўлқинланиб кетган эдики, ҳамон ҳорғинликни сезмасди. Мияси говлаб кетган эди. Уни залнинг улугворлиги маҳв этган эди. Бу бейфайз, нашъасиз залнинг ўртасида, тахтда мамлакатнинг қудратли одами гердайиб ўтирарди.

Саид кўнглиға гўлғула солаётган кўрқувни енгиб унга назар ташлади. Аҳмад муҳр босилган хатни олиб ўқишға тутинди. Лекин мош еган хўроздек қипқизил бу одамнинг юзида ҳеч қандай ифода кўринмади. Саид нимагадир кўрқув-ваҳимадан халос бўлди. Назарида унга бахт кулиб боққандек туюлди.

У хаёлан болалигини кўз олдиға келтирди. Бирға ўйнаб юрган ўртоқлари доим уни гиж-гижлашарди. У буталар орасиға яшириниб оларди-да, пинагини бузмай, улар яқин келишини пойлаб турарди. Кейин ўлган каламуш боғланган калтак билан олдинда келаяётган боланинг башарасиға соб қолар ва жон ҳолатда тирақайлаб қолган ўртоқларининг орқасидан хохолаганча қуварди.

Бош ноиб хатни тиззасиға қўйди. У иягиға қўлини тиради-да, бармоқлари билан юқори лабини чала бошлади. Башарасиға қараб унинг вақти хушми ёки таъби тирриқми, буни ажратиб бўлмасди. Ораға узоқ жимлик чўкди. Саид даҳшатли одамнинг оёғи остида чўзилиб ётар, қимирлаш у ёқда турсин, ўйлашға ҳам ботинолмас эди. Алоҳа Аҳмад тилға кирди:

— Менға башаранг маъқул бўлди. Исминг нима?

— Саид.

— Қотилмисан?

— Йўқ, хўжам,— деди у шивирлаб.

Аҳмад унинг гапиға заррача парво қилмади, худди ўзиға ўзи гапиргандек:

— Менға қотиллар керак,— деди.

Саид қотил эмасман деб ўзини оқламоқчи бўлиб ориз жуфтлаб турган эди, бош ноибнинг гапини эшитиб тилини тишлаб қолди.

— Қани менга айт-чи, у ёқда Абака тўғрисида одамлар қандай фикрда?

Саид довдираб:

— Мен кечаю кундуз от чолиб келдим,— деди.

— Сен менга одамлар Абака тўғрисида нималар дейишини айтишинг шарт,— деди Аҳмад чўрт кесиб.

Саид яқингинада бошига тушган мусибатларни, панд егани-ю Абака бошига тепганини эслади. Гапи оғзидан тушиб:

— Халойиқ Абакани яхши кўради,— деди.

Ранги қум ўчиб, кўзини юмиб ўтирган Аҳмад ҳозир Саиднинг ўтакасини ёрарди. Бу қўрқинчли одам ундан нима истаркин?

— Ёлгон сўйлайсан,— деди Аҳмад.

Саид ғиқ этмади.

— Дуруст,— деди Аҳмад ва бирдан зардаси қайнаб ўшқирди:— Бироқ сен мени алдаёлмайсан!

Саид бош ноибнинг феъли айниганини тушуниб, жони ҳиқилдоғига келди.

Аҳмад ҳамма гапнинг тагига етмоқчи бўлгандек сўради:

— Сен ажнабийларни кўрдингми?

— Кўрдим, хўжам. Улар билан баҳайбат бир одам юрибди. У сеҳру жоду қилади... Чиройли, қул қизлари ҳам бор.

Саид талвасага тушиб, жим бўлиб қолди. Нега бу гапларни гапиряпти? Мана ҳозир бош ноиб шахсий соқчисини чақиради.

— Сен менинг хизматимда қоласан,— деди Аҳмад кутилмаганда.— Жўна энди.

## ЧЖУН-НАЙМАН-СИМЕ

Мўғул князларининг катта йиғини қурултойда сайланган ҳукмдорлар ҳукмдори, асоратга солинган барча халқларнинг ҳукмрони, улкан мамлакат Қаттайнинг императори Хубилайхон башарасини жанубга тикканча тахтда ўтирарди. Уймакор эшикларнинг тавақалари кенг очиб қўйилган, баланд мрамар устунли катта залга қуёш нури ёғиларди. Ҳар қайси эшикнинг олдида иккитадан новча соқчи турарди. Улар битта-яримтанинг оёғи остонага тегиб кетмасин деб жонларини ҳовучлаб туришарди, зеро бу уларда ёмон аломат эди. Хизматкорлар хорижий элчиларни

ва савдогарларни олдиндан огоҳлантириб кўяр эдилар.

Лекин, бари бир баланд остонага тасодифан кимнингдир оёғи тегиб кетар эди. Шунда соқчилар гуноҳкорни шартта ушлардилар-да, бутун кийим-бошини ечиб олардилар, гуноҳкор эса кийим-бошга талай олтин тўлаб уни сотиб олиши керак эди. Башарти бу гуноҳни мартабаси паст одам қилса, уни таёқ билан уришарди.

Мўғулларнинг таъбирича юз саккизта қаср шаҳри Чжун-Найман-Сюме ёки катайлар тилида Шанду<sup>1</sup> деб аталмиш императорнинг ёзлик саройи тепаликка жойлашган эди.

Ёзги ўткир қуёш нури водийда шахмат тахтаси каби жойлашган уйларни ва боғ-роғларни чароғон қилган. Яшил ёнбағирлардаги баланд-баланд дарахтларнинг соясига қасрлар, думалоқ томлари аждаҳо-лару ёввойи ҳайвонларнинг ўймакор суратлари билан безатилган шийпонлар қурилган. Кенг кўчалар шаҳарнинг жанубий дарвозасидан шимолий дарвозасига олиб боради. Мўғуллар забт этган барча мамлакатларнинг ҳунармандлари: Самарқанд қоғозчилари, Катайнинг жанубий қишлоқларидан келган тўқувчилари, Бағдоднинг заргарлари, Балх ва Кирмоннинг арқон эшувчилари, Ёзднинг қуролсозлари, Новгороднинг мўйнадўзлари Шандуга келтирилган эди.. Июнь, июль, август ойларида бу ерга савдогарлар, олимлар, ҳангаматалаблар, монахлар, қизиқчи-масхарабозлар, кўзбойлагичлар, парихон бахшилар, мунажжимлар ва сеҳргарлар келишарди.

Император саройи мрамор ва бошқа қимматбаҳо тошлардан қурилган эди. Уни кўриш шарафига муряссар бўлган одамлар саройнинг улканлиги ва кўркамлигидан лол қолишар эди. Нақшинкор ажойиб равонларидан бири шаҳарнинг ички томонига, ҳашамда биринчисидан қолишмайдиган иккинчиси шаҳар деворига қараган эди. Сарой атрофига ўн олти миллик девор олинган боғнинг ўртасида эди. Яшил ўтлоқларда императорнинг ўн мингта қордек оппоқ отлари ўтлаб юрарди. Уларга эрмак учун қўл тек-

---

<sup>1</sup> Ш а н д у — Хубилайхоннинг ёзлик саройи. У Мўғулистоннинг шарқи-жанубий қисмида, Пекиндан 30 километр нарида Шандухэ дарёси бўйига жойлашган бўлиб, Хубилайхон жазирама иссиқ бўладиган ойларда шу ерда турарди.

кизган одам катта жиноятчи қаторида жазоланарди. Уюрдаги бияларнинг сутини фақат Чингизхон авлодларигина ичиши мумкин эди. Ойротлар (олтойликлар) ҳам бу ҳуқуққа эга эди, зеро ана шу қабила-нинг одамлари Чингизхоннинг кўзи олдида мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган эди. Улуғ хон хизматидаги мунажжимлар ва жодугарлик идмини сув қилиб ичган одамлар ҳар йили йиғирма саккизинчи августда император иштирокида худолар билан арвоҳларни шод қилиш, империянинг фуқаросини, шунингдек молларни, паррандаларни, ернинг ноз-неъматлари бўлмиш бугдой ва хилма-хил мева-чеваларни ўз паноҳларида асрашларини сўраб бия сутини қурбон қилиш маросимини ўтказишарди.

Император боғида сон-саноқсиз майсазорлар бор эди, уларни оралаб ўтган ариқчаларда зилол сувлар оқиб ётарди. Қийиклар ва оҳулар бу ерда дориломон юрар, маълум вақтлардагина охурлар ёнига овқатга келар эди. Икки юздан кўп лочин қафасларда сақланарди, улуғ хон ҳар ҳафтада атайлаб келиб уларни кўриб кетарди. Махсус жойларда император овга чиқиши учун қоплон ва бошқа йиртқич ҳайвонларни асрашарди.

Хубилайхон ўша йили боғнинг ўртасига кўнгил очиш учун махсус шийпон қуришни амр қилди. Шийпон олтин суви юритилган нақшинкор устунлардан қурилди, ҳар қайси устунга ҳалланган қанотли аждаҳолар чирмашиб ётарди. Аҳдаҳонинг ўткир тирноқлари ерга тиралган, боши эса ҳалланган бамбуқ устига қурилган томни кўтариб турар эди. Бу омонат шийпонни икки юзта ипак арқон ушлаб турганидан қаттиқ шамол бўлган тақдирда ҳам унинг ағдарилиб кетишидан қўрқмаса бўларди. Шийпон шу қадар маҳорат билан ишланган эдики, уни бўлак-бўлакка ажратиб, кўнгил тортган жойга олиб бориб, бирпасда тиклаш мумкин эди.

Бу бойликларнинг соҳиби Хубилайхон тахтда ўтирарди. У залга тўпланган князларга, лашкарбошиларга, машҳур аъёнларга, лочин билан ов қилувчиларга, табибларга, бошқа халқларнинг элчиларига бир қур кўз югуртирди-да, эшиклар олдида турган соқчиларга ялт этиб қараб қўйгач, кўм-кўк осмонга тикилди. Сарой аъёнлари ўзларини сипо тутишарди, эшикларнинг тавақалари ёпилгач, зал сув қуйгандек

жимжит бўлиб қолди. Одамлар юраклари орзиқиб кутиб туришарди.

Шу аснода императорнинг уч-тўрт одамга кўзи тушиб қолди. Уларга тирқишдан қуёшнинг ингичка нури тушиб турарди. Бу одамлар афти-башаралари-ю кийимлари билан бошқалардан ажралиб туришарди. Улуғ хон сўл томонида турган Сю Сянга<sup>1</sup> эгилиб:

— Улар келишди,— деди.

Кекса олим унга жавобан сал таъзим қилди-ю лекин индамади. Қуёшнинг сўнгги нури унинг ақлли чехрасини бир зум ёритди. Сю Сян дунёдан умидини узиб қўйганга ўхшарди.

Ним қоронғи залда аркони давлатнинг баланд овози янгради.

— Бошларингизни эгиб, ибодат қилинглар!

Залдагиларнинг ҳаммаси чўкка тушиб, пешаналарини ерга теккизишди.

— Эй бутун ер юзи узра қулоч кериб турган бепоён само! Эй само оғушида ётган ер! Бизлар сизларга илтижо қиламиз, ҳукмдоримизнинг дасти дароз бўлсин! Юз минг йил умр кўрсин!

Шу пайт иккинчи одамнинг қўнғироқдек товуши янгради:

— Яратганнинг ўзи ҳукмдоримизнинг давлатларини зиёда ва умрларини боқий этсин. Унинг фуқароларига бахт ва тинчлик ато этсин. Итоатидаги мамлакатларда фаровонлик барқарор бўлсин.

Сарой аъёнлари шивирлаб:

— Ҳукмдоримизни худо ўз паноҳида асрасин,— деб тилак тиладилар.

Аъёнлар пешоналарини тўрт марта ерга тегиздилар. Хубилайхон ўйга толиб, одамларнинг эгилган белларига қараб турарди. Соқчилар эшикларни очиб юборган эдилар, залга қуёш нури ёғилди. Аъёнлар ўрниларидан кўтарилиб, тахт ёнида кенг ярим доира ясаб турдилар. Улар ўрта эшикдан тахт олдигача йўл очиб, тисарилишди, ана шу йўлдан шарпа чиқармай ўргатилган шер ўтиб борди-да, улуғ хоннинг оёғи тагига келиб чўзилди ва бошини олдинги оёқларига қўйди.

---

<sup>1</sup> Сю Сян — хитой олими, Хубилайхоннинг маслаҳатчиси. тарихий шахс.

Хубилайхон унинг ёлини ўйнай бошлади. Шер эсанган эди, ўткир тишлари ялтираб кетди.

Император кутилмаганда:

— Қорним оғрияпти,— деб қолди.

Аъёнлар саросимага тушиб қолишди. Аркони давлат қош-қовоғини уйиб, ёнида турган йигитга ўшқирди:

— Эшитмадингми, олий ҳазратларининг қоринлари оғрияпти! Физ этиб бориб, араб табибни чақириб кел.

— Менга табиб кераклигини сенга ким айтди?.. Шерни чиқариб юборинг. Кекса Хунанни чақириб келинг.

Олий ҳазратнинг қорни оғриётгани тўғрисидаги хабар кўз очиб юмгунча тарқалди. Шер ўргатган одамнинг буйруғига итоат этиб, эшик томон кетар экан, аъёнлар шивирлаша бошладилар.

— Ростданам олий ҳазратнинг бугун мазаси йўққа ўхшайди.

— Бу табиб қай гўрда қолди-я? Нега уни чақиршмаяпти?

— Олий ҳазратлари табибни хоҳламаяптилар.

— Яқинда менинг ҳам қорним оғриб қолди. Манави ери, қаранглар. Худди шу еримга сичқон кириб олган-у, ичимни кемиряпти, деб ўйлайман. Лекин табиб жонимга оро киролмади...

Эзма аъёнинг бирдан овози ўчиб, рангги докадек оқариб кетди, ўзини бир қадам орқага ташлади. Унинг рўпарасида шер турарди.

Йиртқич унга тикилиб боқарди.

— Йўқотинг бу маҳлуқни!— деди аъён шивирлаб ва негадир қўлини орқасига яширди.

Шер эгаси такрор чақириб, қамчи билан бир ургач баҳайбат ёлини силкитди-да, аччиғи келиб ириллаганча эшик томон юрди.

Императорнинг ҳорғин башарасида табассум жилава қилди. Катай олими Сю Сян қўлларини кенг енгларини ичига тиқиб олди.

Икки хизматкорга суйанганча залга Хунан кирди. Бу кекса мўғул, Чингизхон билан унинг лашкарбошиси Субутой баҳодир<sup>1</sup> даврида жанг қилган эди. У, император ёнига солинган гиламга ўтирди-да:

<sup>1</sup> Субутой баҳодир — Чингизхоннинг саркардаларидан бири, у 1223 йилда Калка дарёси бўйида рус князларини тор-мор қилган.

— Мени чақирганмидинг? Мана келдим, қани муддаонг нима, айт. Нега олтин тахтда ўтирибсан ва тилсиз тошлар орасида вақтингни ўтказяпсан? Уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайдикуну,— деди:

— Бас қил, Хунан,— деди Хубилайхон.

— Жим ўтиришга амр қилсанг, нега мени чақиртирдинг? Ҳамма ерда атрофингни бегона маслаҳатчилар ўраб олган. Менинг авлодим бундан буён овулларда туришни хоҳламайди...

Кекса жангчи алланарсалар деб гўлдираётган эди, императорнинг амирона овозини эшитиб, тилини тишлаб қолди.

— Хунан, гапимни эшитяпсанми? Қани, Чингизхон бутун дунёни забт этишга буйруқ берганини гапирчи?

— Гапингни эшитяпман, Хубилайхон,— деди чол ва қаддини ростлади. Унинг кўзи чақнаб кетди, бутунлай хотираларга берилди-ю, император саройининг асосий залида ўтирганини ҳам унутди. Билагидан дармон кетган бўлса ҳам, унинг тили бурро, ақли ўткир эди.

Хунан гап бошлади:

— Бундан бир неча йил муқаддам қудратли нақшчи — аёз азим дарё юзига кумуш совутлар тўшаб, улуғ мўйнадўз — қиш тепазору дарахтларни оқсувсарнинг мўйнасига буркагани ва дарё найза бўйи тошдек музлаганди. Чингизхон лашкарбошиси Субутой баҳодирни тоғ устидаги олтин чодирга чақиртириб унга шундай деди: «Энди сен сарацинларни бўйсундиришинг керак. Юз мингта отлиқ аскар тўпла-да, сафарга чиқ. Сени ёш хон Хубилай кузатиб борсин. У қаҳрамонлик кўрсатиб доврүқ таратсин».

Биз қаҳру ғазабга миниб, сарацинлар устига қуюндек ташландик, бизларни жангга қаҳрамон Субутой билан довиорак Хубилай олиб кирди. Аскарларимизнинг сон-саногини йўқ, худди ёмғир томчиларидек сероб эди. Отган ўқ-ёйларимиздан осмон қорайиб кетди. Филдиракларнинг тарақлагани, туёқларнинг гумбурлаши момақалдироқ каби ер-кўкни тутди. Биз елдек учиб душманни таъқиб этдик.

Хубилайхон чолнинг гапларини кўзини юмиб тингларди. Аъёнлар зеркиб, пичир-пичир қилиб гап қис-тиришарди.



— Юрагим қон бўлиб кетяпти,— деди Хубилайхон оҳиста.— Бас қил. Эҳ, қани энди яна чўлга қайтсам!

Унинг бу гапини фақат императорнинг маслаҳатчиси олим Сю Сянгина эшитди, Хубилайнинг орзуси унга жуда маъқул бўлди. Лекин башарасида ҳеч қандай ифода акс этмади.

— Сизни ажнабий элчилар кутишяпти,— деди у.— Уларни қабул қиладиган вақт бўлди.

Хизматкорлар кекса мўғулни олиб чиқаётганларида Хубилайхон ажнабийларни чақиришга буйруқ қилди. Унинг қийиқ кўзларидан ўйчанлик ифодаси йўқолди. Еноқлари туртиб чиққан япалоқ юзини қизқисиниб олдинга чўзди.

Венецияликлар император ҳузурида тиз чўкишди.

— Туринглар,— деди Хубилайхон.— Кўрдингизми, мен сизларни унутганим йўқ. Менинг сувориларим сизларни Шандуга кузатиб келди.

— Бизларга гоят катта мурувват қилганингиз учун сизга ўзимизнинг битмас-туганмас миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз, олий ҳазратлари,— деди Николо Поло.— Биз бўлмаган вақт ичида мамлакатингиз яна-да кенгайибди, гуллаб-яшнабди. Сизнинг суворийларингиз ва амалдорларингиз бизларни ҳам-ма ерда иззат-ҳурмат билан кутиб олишди.

Хубилайхон венецияликнинг бамаъни гапларини эшитиб ҳузур қилди. У нигоҳини Николо Полодан олиб, отасидан ярим қадам орқада турган Маркога тикди.

— Қани энди ҳукмдорингиз Рим папасининг истагидан мени вофиқ этинг.

Николо Поло папанинг истақларини баён қилаётганида Марко Хубилайхон билан атрофидаги одамларни синчиклаб кўздан кечирди. Гарчи отаси билан амакиси сарой ҳаёти тўғрисида бир неча бор гапириб берган бўлсалар ҳам, Марко бу ердаги оромгоҳларнинг бениҳоя орасталигини, саройдаги одатларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. У ҳатто буларни тушимда кўраётган бўлсам керак деган хаёлга ҳам борди.

Венецияликлар кўзлаган манзилларига етиб келишди. Улар бениҳоя машаққатлар ва сон-саноқсиз хавф-хатарларга дуч келиб, алоҳа рўёбга чиқиши маҳол бўлган орзуларига етдилар. Марко Поло Катаянинг императори ҳузурида турарди! У императорнинг бўялган қоп-қора қошларининг сал учганини, бурни-

дан лабларининг бурчига чўзилиб келган башарасидаги ажинларни кўрди, унинг қора қийиқ кўзларининг ярим ёпиқ қовоқлари остида гоҳ ишонқирамай чақнаганини, гоҳ ҳорғин, хира тортганини кузатиб турди.

Марконинг ёшлигидаги узоқ мамлакатларга саёҳатга бориш ва турли-туман саргузаштларни бошдан кечириш тўғрисидаги орзуси ушалди. Лекин шунга қарамай йигитча ҳозир сафари энди бошланганини ҳар вақтдагидан аниқроқ билди.

Тахт қўйилган залда ўйнаб юрган шер олтин тахтнинг олдига келиб ётиб олди. Улуғ хон эса унинг ёлини тарай бошлади. Турли мансабдаги сарой аъёнлари — министрлар, лашкарбошилар, мансабдорлар, олимлар жон куйдириб императорнинг қорни оғриётибди деб ўйлардилар. Марко отасининг гапларини эшитиб турса-да, унинг фикри узоқда эди. Императорнинг атрофидаги князлар билан маслаҳатчилар венецияликнинг гапларини қизиқиб тинглашар, унинг гаплари маъқул бўляптими, йўқми, дегандек Хубилайхоннинг башарасига тикилишар эди. Ниҳоят хизматкорлар Матео бошчилигида залга папанинг совға-саломларини олиб кириб, улуғ хоннинг олдига қўйишган эди, залдагилар сапчиб тушишди. Ҳайратомуз гап-сўзлар эшитилди. Ҳақ-ростин айтганда уларни папанинг совға-саломи эмас, Матеонинг бўйи ҳайратга солган эди. Император ҳам бир лаҳза бу барваста одамга тикилиб қолди. Кейин Николо Полога мурожаат қилди:

— Сизнинг садоқатингиз ва жонбозлигингиз мақтовга сазовордир. Сиз мукофотга лойиқ иш қилдингиз. Мен сизга тилла идишлар ва зарбоф кийимлар инъом этаман. Худоларингизнинг қабридан келтирган муқаддас мойингизни эҳтиром билан асраб қўяман. Борди-ю, сиз мендан, мамлакатингизда саёҳат қилсак майлими, деб сўрайдиган бўлсангиз, мен сизга шундай жавоб бераман: «Кўнглингиз тилаган жойга боринг, мабодо кимда-ким сизга қўл кўтарса, у менинг душманимдир». Сизга жавобим шу. Сизни кузатиб юрган бу йигитча ким? Уни танимаяпман.

— Бу менинг ўғлим, олий ҳазратларининг содиқ қули.

Император диққат билан Маркога разм солиб қаради.

— Ўғлингиз, чехраси мунаввар, кўзларида ўт чақ

наяпти,— деди Хубилайхон.— У менинг ҳимоятимда бўлади, уни ўзимга мулозим қилиб оламан.— Хубилайхон донишманд Сю Сянга қараб шундай деди:— Гапларимни эшитдингми?

— Инсоннинг дилидагини ўқиш мисли йўқ санъатдир,— деди кекса олим.— Борди-ю ҳақиқий жавоҳирни қалбакидидан ажрата олмасанг, фақат пулдан ажраласан, лекин ёмон одамга ихлос қўйсанг, ҳаётингдан жудо бўласан. Қалби тоза, довжорак одамни хизматингга олсанг, жангу жадалда ғолиб келасан.

## ИМПЕРАТОР БОҒИДА

Хон бика Жамбуй хотун ёзда Хонбалиқда қолди. У императорнинг тўртта катта хотинларидан бири бўлиб, давлат ишларига бемалол аралашаварди. Унинг тўрт юзта канизи бор эди. Саройдаги хушомадгўй аёллар унинг кўнглини овлашга мунтазир бўлиб туришар, ундан ўлгидек қўрқишар, жаҳли чиққанда ёлғондака кўз ёши тўкишар, маънос тортганда риёкорлик билан сўнган ҳуснини мақташар эди.

Поёнсиз боғ билан ўралган Хонбалиқ саройида ҳоқон хотиннинг ўн мингта мулозими бор эди. Боғ тўрт қатор девор билан ўралган бўлиб, ҳар бир девор орасидаги масофа шунча эдики, камонда отилган ўқ кейинги девор олдига аранг етиб борар эди.

Император саройнинг устунлари ҳам ерга терилган мрамрлардан эди. Катта-кичик оромгоҳларнинг деворларини эса ҳалланган ўймакор аждаҳолар, жанг қилаётган аскарлар ёки паррандаю антиқа ҳайвонларнинг суратлари безаб турарди. Айниқса пештоқлар бағоят кўркам ва чиройли, нақшинкор, ҳалланган эди. Саройдаги бинолар қўшимча мрамр девор билан ўралган эди. Ям-яшил ўт-ўлан ёнида кумушдек ялтираган пиллапоялари кенг, ясси катта зина саройга олиб борарди.

Хубилайхоннинг хазиналари ва хотинларининг оромгоҳлари саройдаги асосий бинодан салгина нарида эди. Бу ер осуда махсус бир шаҳарчадек гап эди. Император одатда давлат ишлари билан шу хилватгоҳда машғул бўларди.

Жамбуй хотун вазир Аҳмадни кутаётган эди. У билан ҳар учрашуви, унга ёшлигини, даштда дорилон мон юрган чоғларини эслатарди... Гоҳ-гоҳ у чодирда

ўтган ҳаётини қўмсар, учқур аргумоқда елдек учгуси келар, шунда ўзини бу муҳташам саройда каталак уйда яшаб, охири сиқим гуручинни ташлаб қозон қайнатадиган қашшоқ аёлдан ҳам бахтсизроқ ҳис қилар эди.

Хон бика боғда катта-катта одим отиб чаққон юриб борарди. Упа-элик чапланган башараси оппоқ, табассуми ясама эди. У бекорчиликдан ўзини қўйгани жой тополмасди.

Унинг кетидан тўртта канизаги шарпа чиқармай соядек эргашиб юрарди.

Кун ниҳоятда иссиқ, шамол худди ўт пуркаётгандек эди. Жамбуй хотун ҳовуз ёнида тўхтади ва ҳаёлан ўтмишга сайр қилиб, олтин балиқчаларнинг ўйинига тикилди. Балиқлар ҳовузнинг соя бурчагига йиғилиб турди-турди-да, кейин худди биров унсиз буйруқ бергандай ногаҳон ҳаммаси бирданига офтобга сузиб чиқиб, куздан нишона бўлмиш тилла япроқларни тишлади, сўнг тип-тиниқ сувда қанотларини оҳиста қимирлатиб айлана бошлади.

Баногоҳ Жамбуй хотуннинг чеҳрасида ҳақиқий табассум жилва қилди. Уликниқидек оппоқ башараси жонланиб кетди,— у ўтмиш хотираларга берилган эди.

Бир вақтлар даштга, унга бешта ботир йигит совчи бўлиб келган эди. Лекин у йигитларни ҳайдаб юборган эди. У вақтларда у даштдаги ўт-ўлан устида ёввойи мушукдек сакраб, учқур отларда қуюндек учар, тажрибали овчилар ва жангчилардан яхши ўқ-ёй отар эди. Ўтлардан ҳали шудринг кўтарилмай, сарғиш тупроқ оёққа ёпишганда, қуёшнинг илк нурлари йироқлардаги ёнбағирларда ўсган дарахтларнинг учини тилла рангга бўяганда, аёллар чодирчаманларнинг олдида хурмачаларни юваётганда ёки кўзаларини кўтариб сувга йўл олганда, эркаклар қий-чув кўтариб овга чиққанда, тепадаги поёнсиз зангори осмон сингари интиҳосиз бийдек қир-дала қулоч кериб ётганда баланд бўйли, сарви қомат бу қиз юраги орзиқиб қўлини осмонга кўтарарди ва кўм-кўк майсазордан товусдек товланиб, шукуҳ-салобат билан юриб кетар эди.

— Қаранглар, ана, Эсень нойоннинг қизи Жамбуй келяпти...

Хон бика ҳовуз бўйига ўтириб ўз аксига тикилди. Чеҳрасида жилва қилиб турган табассум шу заҳоти

йўқолди. Ешгина, чаққон, нилуфардек бир канизаи бедана юриш қилиб унинг олдига келди-да, унга ёстиқ тутди.

Хон бика фиғони фалакка чиқиб:

— Йўқол кўзимдан!— деб бақирди-да, қизнинг башарасига тарсаки тортиб юборди:— Ҳаммангиз даф бўлинг!

Канизақлар дарахтлар орқасига яширинишди-да, унинг янги фармони кута бошлашди.

Жамбуй хотун қимир этмай ўтирарди. Боғни ўраб турган тўрт девор шамолни ўтказмасди. Баланд-баланд дарахтларнинг учлари қаттиқ чайқалар, сарғиш-яшил шохлари очилиб, сўла бошлаган гулларининг оғирлигидан сал-пал серкиллар эди. Кузги капалаклардан бири майсазор устида чарх уриб айланди-да, Жамбуй хотуннинг енгига қўнди.

Тўрт девор орқасидаги шаҳарда ҳаёт қайнар, бахт-шодлик ёр бўлганлар қаҳ-қаҳ уриб кулар, бахти қоралар гиряю фарёд қилар эди. Қўли гул ўймакор усталар дарахтлардан ва фил суюқларидан худоларнинг, деҳқонларнинг, қизларнинг, антиқа ҳайвонларнинг шакллари йўнишар, ҳунармандлар рангбаранг тошлардан ясалган қимматбаҳо идишларга сайқал беришар, кумуш ва тиллаларни зарб қилишар, шоҳиларга ранго-ранг гуллар ҳамда паррандаларнинг расмларини солишар, бамбуқдан, похолдан саватлар тўқишар, шойию оқ қоғозга туш қалам билан бежирим суратлар чизишар эди. Бақувват қўллар ботқоқлик ёки заранг ерни тилимлаётган омончи бошқарар, беллар эса чет эллик такаббур амалдорлар олдида эгилиб дол бўлар эди.

\* \* \*

Қорнини тўйдириб, башанг кийиниб олган Саид Хонбалиқнинг гавжум кўчаларидан ўтиб борарди. Аҳмаднинг хизматига кирди-ю, унинг орқасига офтоб тегиб қолди, шу ваздан у янги хўжасига чексиз сadoқат билан хизмат қилишга бел боғлади. Саид жонига жабр қилиб бўлса-да, қисқа муддат ичида Чаньчжоудан Хонбалиққа от чопиб келганини, шундан кейин бутун ҳаёти ўзгариб кетганини фахр билан эслади.

У, хамирдан қандайдир митти шакллар ясаб, ёғ-

да қовураётган, қорайиб кетган бир қандолатчининг олдида тўхтади.

Саид худди тўралардек калондимоғлиқ билан:

— Нима сотаяпсан?— деб сўради. Бир неча ой роҳат-фароҳатда яшагани учун унга жир битиб, дунжлари лўппигина бўлиб қолган эди.

Қандолатчи нотаниш одамга ялт этиб қаради-ю, қовурилган хамирни тунука талинкага қўйди ва уни Саиднинг тумшуги тагига келтириб:

— Кўриб қўй, нима сотаяпман, ёгда қовурилган митти аҳмадчаларни пуллаяпман. Еб кўр, жуда ширин! Манави кичиги ўн, каттароқлари йигирма иен. Сув текин. Кеп қолинг, еганлар дармонда, емаганлар армонда! Аҳмадчаларни мен сара ёгда қовураман! Уларнинг шақирлаб қовурилаётганини бир кўринг...

Саиднинг қони қайнаб, ғазаби жўш урди. Буни қаранг-а, ярамас унинг хўжасига тил теккизди-я!

У ғазабини яшириб:

— Нега сен бу шаклларни аҳмадлар деётирсан?— деди.

Қандолатчи хавфни сезиб:

— Нима деб алжияпсан? Нега мени ҳақорат қиласан?

Шундай деб, у бақириб оғайниларини чақира бошлади:

— Ли, бу ёққа кел! Ван, сенда гапим бор, болгангням ола кел. Ян, У, нима эшитмаяпсизларми? Қандайдир шилқим менга тирғиляпти. У барира ҳалол боққолларни ҳалок қилмоқчи.

Боққоллар ва ҳунармандлар ўтакаси ёрилган Саидни ўраб олишди.

— Бу қовоқ каллага нима керак экан?

— Қани, туёғингни шиқиллатиб қол-чи, тошбақадан тарқаган!

— Нега қараб турибсан? Тумшугига туширмайсанми, аблаҳни?

Чарм фартук тутиб олган паҳлавон Ван олдинга чиқиб, қандолатчидан сўради:

— Нима деди?

— Айтадики, мен булkachаларимни аҳмадчалар деб атаган эмишман.— Қандолатчи дўстларига қувлик билан назар ташлаб, гапида давом этди:— Ахир биласизлар-ку, ҳеч вақтда мен шундай демайман. Буни мен эмас, унинг ўзи айтди, булkachаларимга шундай ном қўйиб берди. Илоҳим, марҳаматли Аҳ-

мад ўн минг йил яшасин. Аҳмад дўзах ўтида куйиб кул бўлсин деб мен эмас, бу айтди! Худди шундай деди.

Одамлар довюрак қандолатчининг уддабуронлигига қойил қолиб кулишди. Лекин Саид эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Қутуриб кетиб қичқира бошлади:

— Йўқ, бу гапларни унинг ўзи айтди! У бизнинг саховатли министримиш, жаноб Аҳмаднинг шаънига бемаза гаплар айтди! Ҳозир соқчиларни чақираман. Токи уни зиндонга ташласинлар, каламушларга емиш бўлсин!

Боққоллар билан ҳунармандлар олазарак бўлиб атрофларига алангадилар. Баъзилари секин жуфт-такни уриб қолди. Бирдан қандолатчининг ранги қув ўчиб кетди, у хотинини, учта боласини ўйлади. Лекин шу пайт Ван Саиднинг ёқасидан бўғиб олди-да, деворга бир урди.

— Жўна бу ердан!

— Шошмай тўр ҳали!— деди Саид илондек вишиллаб ва шоша-пиша жўнаб қолди.

Қандолатчи нарсаларини, товаю манқалини йиғиштириб, уларни чорпояга боғлади-да, чорпояни елкасига қўйганча, тез-тез юриб одамга лиқ тўла шаҳарнинг нариги чеккасига кетди. Чошгоҳдан кейин эса соқчилар келиб, Ванни қамоққа олиб кетди.

Аҳмад Саидга:

— Сен жонбозлик кўрсатдинг,— деди-да, унга мукофот тариқасида кумуш идиш ҳадя қилди.— Лекин ҳушёр бўл, тагин у итлар кекирдагингни ғажиб ташлашмасин.

\* \* \*

Аҳмаднинг Хонбалиқда, шаҳардан четда яширин уйи бор эдики, бундан беш-олтита одамгина хабардор эди. У бу ердаги барча хизматкорларни, ошпазларни, боғбонларни ҳар ойда алмаштиришга, кейинчалик уларни бепоеён мамлакатнинг энг чекка жойларига бадарға қилишга фармон берган эди. Император Шандуда бўлиб, тўнғич шахзода Чимким шикорда кўнглини хушлаб юрганда Аҳмад Хонбалиқда кўнглига келган ишни қиларди. Мамлакатнинг ҳар томонидан унинг ҳузурига чопарлару даракчилар келиб турарди. Улар жойларда муҳим ҳодисалар тўғрисида ахборот беришар ва бутун ўлкаларга унинг фармонини етказишар эди.

Хонбалиққа папанинг элчилари христиан савдогарларнинг келиши Аҳмадни қаттиқ безовта қилди. У ажнабийлар императорга таъсирларини ўтказишларидан кўрқар эди.

Аҳмад ягнини кафтига қўйиб ўтирар, асабийлашиб бармоқлари билан устки лабини чалар эди. Кўнглидан эса шу гапларни ўтказарди.

«Венецияликларнинг қўлида императорнинг олтин пайцзаси бор... Эҳ, Абака, нега уларни вақтида гумдон қилмадинг! Қашқардами, Лобдами саранжом қилсанг ёпиқлик қозон ёпиқлик қолаверарди! Энди фурсат ўтди. Император уларни иззат-хурмат билан кутиб олди... Сен хатингда улар соҳибжамол бир қизни олиб кетишяпти, деб ёзган эдинг-а...»

Министр бармоқлари билан лабини янада тезроқ чала бошлади. У ўрнидан турди-да, ғира-шира оромгоҳидан қуёш нурига фарқ бўлган боққа чиқди.

Саид хўжасининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб, унга соядек эргашиб борарди.

— Уларнинг бошига осонгина кулфат тушиши мумкин,— деб ғўлдиради Аҳмад.— Қатай — хавфли мамлакат... Лекин бу нўноқлик бўларди. Аҳмад бундай қилмайди. У нозикроқ йўл топади!— Шундай деб Саидни чақирди:— Саид!

— Лаббай, хўжам!

— Мени шу ерда кут. Мен маликанинг ҳузурига кетдим.

Фарбдан эсанг шамол саҳродан чанг-тўзонни учириб келди-ю, чанг дарахтларнинг ҳовуз устида чодирдек осилиб турган қуюқ баргларига қўнди. Жамбуй хотун олтин балиқларни ширин нон ушоқлари билан боқаётган эди. Балиқлар ойнадек сув бетиде сузиб юрган нон ушоқларини ейиш учун оғзини очар, тишлаб олганда сувда доира ҳосиб бўлар эди.

Хон биканинг ёнига қисилиб-қимтиниб бир канизак келди:

— Жаноб вазир Аҳмад ташриф буюрдилар.

Хон бика қолган нон ушоқларини сувга ташлади.

— Кутиб турибман уни.

Аҳмад икки букилиб таъзим қилганча, хон биканинг олдида турарди. Унинг серсоқол қорамағиз юзида хурмат-эҳтиром ва завқ-шавқ ифодаси балқиб турарди.

— Оҳ, сизмисиз, Аҳмад,— деди Жамбуй хотун ҳорғин товуш билан.— Шандуга бормаганимга пу-



шаймонман, ҳар қалай у ерда лочин овини кўрардим. Бу деворлар орасида одамнинг юраги қон бўлиб кетишини сиз хаёлингизга ҳам келтиролмасангиз керак.

— Борди-ю, сиз кетганингизда менинг кўнглим ҳеч тинчимас эди, ҳазрати олиялари,— деди Аҳмад.— Кўпгина нарсалар хусусида сиз билан гаплашиб олишим керак. Ахир сизнинг доно маслаҳатларингизсиз мен ҳазрати олийларининг кўнглидагидек қилиб мамлакатни идора қила олармидим?— Кейин оҳишта кўшимча қилди:— Сиз билан бирга бўлсам бутун ташвишларимни унутаман.

Аҳмаднинг гапи ва унинг зимдан назар ташлашидан Жамбуй хотуннинг чиройи очилиб кетди.

— Дарахтларнинг учида шамол гувиллашини эшитяпсизми?— деб сўради у.

Саргайган япроқлар ҳавода чирпирак бўлиб айланарди.

Хон бика билан вазир Аҳмад йўлакдан яшил тепа томон кетишди. Ранг-баранг чечаклар яшнаб турган майсазорларда тустовуқлар ва товуслар виқор билан юрарди. Яшил тепа сунъий барпо қилинган эди. Бир милгача чўзилиб кетган бу тепанинг баландлиги юз қадам эди. Тупроғи олингач ҳосил бўлган катта чуқурга сув қўйиб юборишган, бу сокин кўлда оққушлар сузиб юрар эди. Тепанинг устида ажойиб шийпонча бор эди. Қишин-ёзин ям-яшил бўлиб турадиган дарахтларнинг тарвақайлаб кетган шохлари сайр қилиб юрганларни қуёшнинг ёндирувчи нуридан сақлаб турарди. Дарахтларни улкан мамлакатнинг ҳар томонидан келтиришган эди. Башарти Хубилайхон фалон ерда нодир дарахт бор деган гапни эшитса, унинг катта-кичиклигига қарамай, илдиз-пилдизи билан кўчириб, филга ортиб келиб яшил тепага ўтқозишга амр қиларди.

Ҳалиги тарсакидан бети лов-лов ёнаётган канизак зарда билан шундай деди:

— Ана келишяпти. Кампиршога қаранглар, худди фоздек лапанглайди!

Жамбуй хотун тепанинг ярмисига етганда тўхтади. У ҳаллослаб қолганини яширмоқчи бўларди. Қандайдир танаси сертугун бир дарахт улар устида қулоч кериб турар эди. Унинг чангдан бўз рангга кирган оқиш-яшил игналари офтобда йилтилларди. Хон бика барқ уриб яшнаб турган буталар орасида:

ги харракка ўтирди-да, ёнимга ўтир дегандек Аҳмад-га ишора қилди.

— Сиз ҳали аллақандай ташвиш тўғрисида гап очган эдингиз. Сизга бирор ёрдам бериш қўлимдан келадими, Аҳмад?

Аҳмад мамнуният билан жилмайиб қўйди. У ода-тича нягини кафтига қўйиб, бармоқлари билан лаби-ни чалмоқчи бўлди-ю, лекин вақтида ўзини тутиб қолди. Бирдан хон биканинг ёнида ўтирганини эсла-ди-ю, моҳир масхарабоз сингари башарасига ўйчан-лик тусини бериб, ўзини ташвишли қилиб кўрсатди. У атайи бир оз сукут сақлаб тургач, тилга кирди:

— Қатайлар — маккор халқ. Улар олий ҳазратла-рининг бениҳоя марҳаматлари ва мамлакатни доно-лик билан идора қилаётганларининг қадрига етмай-дилар.

Жамбуй хотун зарда билан бошини чайқади, пи-хини ёрган Аҳмад буни пайқаб, эшитилар-эшитилмас қилиб оҳиста гап бошлади:

— Ҳаётимда муяссар бўлган бахтли кунларим ҳеч қачон қайтиб келмайди.

Хон бика қўли билан шоҳи қўйлагини сийпади. Унинг кўзларида учқун чақнади, бўялган, тунд чеҳ-раси гул-гул очилди.

Аҳмад харракка суянганча кўзини Жамбуй хотун-дан узмай ўтирарди. У сабр қилишга, гаразли режа-ларини зимдан амалга оширишга ўрганган эди. Ҳаво гулларнинг муаттар ҳидини уфурарди. Хотиралар осмонда сузган булутдек хаёлда кезарди. Шу тахлит сукут сақлаб ўтириш ғоятда нашъали эди.

Бирданига хон бика сўраб қолди:

— Бундан чиқди, бизда хизмат қилаётганингиздан норози экансиз-да?

— Менинг хизматим сиз учун арзимас бир нарса-ку,— деди Аҳмад.— Яқин кунлар ичида ҳазрати олий-лари менинг гапларимни назар-писанд қилмай қўя-дими деб хавотирдаман.

Аҳмад осмонда муаллақ туриб-туриб, кейин ерга тошдек қулаб, тумшуғида қандайдир ҳашаротни тиш-лаганча осмонга кўтарилган бир қушчани кузатиб ўтирарди.

— Сизга тушунмай қолдим, Аҳмад.

— Шандуга хорижий вакиллар келди. Улар олий ҳазратнинг ишончига сазовор бўлишди.

Аҳмад дамани ичига ютиб, гаплари хон бикага қандай таъсир қилишини кутиб турди.

— Сиз улардан қўрқасизми, вазир Аҳмад?— деб сўради Жамбуй хотун уни калака қилиб.

— Мен давлат манфаатини ўйлаяпман.

— Император сиздан ақллироқ,— деди Жамбуй хотун эътироз билдириб.

Вазир бошини қуйи солди. Ҳафсаласи пир бўлганини яшириб, оҳиста деди:

— Афв этинг мени, ҳазрати олиялари...

## ХОНБАЛИҚДА ҚИШ

Тинмай ёғаётган лайлакқор лопиллаб-лопиллаб саройнинг олачипор томларига, шаҳар дарвозаларига, уйларга қўнарди. У кумушсимон яшил баргли дарахтларнинг яланғоч новдаларини ўраб олган, тош кўчаларни яширган, қўлга ўргатилган айиқнинг қўнғир жунида ва уни етаклаб кетаётган одамнинг қалпоғида момикдек оқариб кўринарди. Қор сарою фақирона кулбалар оралаб қашшоқларни очлик азобидан, бойларни тўқликдан халос қилувчи ўлим янглив оппоқ эди.

Оқ ранг — катайларда аза тимсоли. Улар қариндош-уруғлари ёки дўсту ёрлари ўлса оқ кийим кийишади.

Мўғулларда эса оқ ранг бахт аломати. Янги йилнинг биринчи куни император билан сарой аъёнлари оқ кийимлар кийишарди.

Қафасда ётган йўлбарс маъюс. У бошини бақувват панжаларига қўйганча бир нуқтага бепарво тикилиб ётарди. Олдидаги қон сизиб турган гўштга қиё боқмасди. Қоп-қора лайча ўткир тишларини гўштга ботирди. Бу лайча билан йўлбарс ёшлигидан бир қафасда ўсган эди. Лайча бу ерда баҳайбат дўстига қараганда ўзини анча дуруст сезарди.

Марко Поло қорга парво қилмай, қафас олдида тўхтади. Устидаги оқсувсар терисидан тикилиб, солоб мўйнаси билан ҳошияланган пўстини уни совуғу намдан яхши сақларди. Ёиртқичнинг ўткир бўйи гуи этиб Марконинг димоғига урди. Марко йўлбарснинг нигоҳини кўрмоқчи, унинг лоқайд кўзларида бирор ифода ўйнатмоқчи бўлиб уриниб кўрди.

— Хўш, Тюрго, мени танимаяпсанми?

Қора лайча қаҳру ғазаб билан акиллаб, ўзини қафаснинг панжарасига урди.

Марко панжарани чангаллаганча турар, лайча қўлини тишламоқчи бўлиб беҳуда урниётганини кўриб жилмаяр эди.

Йўлбарс Тюрго эран-қаран ўрндан турди-да, бошини тик кўтарди ва безовталаниб қафасда — панжарадан девор олдига, девордан панжара ёнига югуриб бориб-кела бошлади. Ипакдек йўл-йўл териси остида забардаст мушаклари ўйнади.

— Хўш, Тюрго, мени танимаялсанми?

Марко ўзини орқага ташлади. Йўлбарс қаттиқ ириллади-да, бақувват панжаси билан панжаранинг темир чивикларини ура бошлади. Чивиклар унинг ҳар бир зарбидан сал-пал эгилиб кетарди. Лайча зўр бериб акиллашга тушди.

— Қўй, Тюрго, ўзингни уринтирма.

Йўлбарс панжара олдидан узоқлашиб, қафас ичида зир югура бошлади. Оппоқ момикдек қор эса ҳавода чарх уриб айланарди.

— У пайтда қуёш порлаб турган эди. Эсингдами, Тюрго?

\* \* \*

Бу воқеа апрель ойларининг охирида рўй берган эди. Хонбалиқ атрофида ястаниб ётган бепоён дала-ларнинг четларидаги дов-дарахт чамандек гуллаб ётарди. Император сон-саноқсиз мулозимлари ҳамроҳлигида шаҳарни тарк этди. Тилла суви юритилган извошда учта катта хотини унинг кетидан йўлга тушди. Фақат Жамбўй хотунгина ов чаккасига текканидан Хонбалиқда қолди.

Император ўн иккита аёён қуршовида тўртта фил устига ўрнатилган кўшкда ўтирарди.

Кўшкнинг устига йўлбарс терилари қопланган, ичига эса зар билан тикилган кўрпа-тўшак солинган эди. Марко ҳам улкан бахтга мушарраф бўлиб ўн иккита казо-казолар билан императорнинг кўшкида ўтирарди.

— У пайтда қуёш порлаб турган эди. Эсингдами, энг асил лочинларни, қирғийларни, бургутларни овга ўргатган эди. Императорнинг кўшкида ўн иккита асил лочинлар солинган қафас турарди.

Хубилайхон етмиш мингга яқин мулозимлари би-

лан шимолий-шарқ томонга қараб икки кун йўл босди. Императорнинг кўшки ўрнатилган филлар ортидан устларига қафаслар ортилган туялар билан хачирлар келарди. Ҳоқонлар ҳоқони бежавотир жойда ўтириб олиб ваҳший ҳайвонлар буғуларга, ёввойи эчкиларга ва қулунларга даф қилиб, уларни чангаллари билан бурдалашларини, кейин ўлжаларининг кекирдагини узиб ташлашларини томоша қилишни яхши кўрарди. Қафаслардан бирида оқ йўлбарс Тюрго азоб чекарди, буни жанубий вилоятлардан биридаги мўғул ноиб Хубилайхонга тортиқ қилган эди.

Ов қилинадиган ерга борадиган йўлни ўн минг соқчи кўриқларди. Икки-уч соқчи бир-бирини кўриб турадиган масофада сергак турарди.

Уларнинг ҳар бирида ўқ-ёйлар ва қалпоқчалар бор эди. Улар ўргатилган лочинларни чақириб, ушлаб олишарди. Император ва унинг мулозимларига қарашли лочинларнинг оёғига эгасининг ва лочиндорнинг номи ёзилган кумуш ҳалқа ўтказилган эди. Шу йўл билан лочин эгасига осонгина қайтариларди.

Башарти қушнинг эгаси топилмаса, уни ов вақтида топилган қурол-яроғ, безакларга қўшиб тепаликка тикилган чодирга олиб бориларди. Нарса йўқотган одамлар шу чодирга келарди.

Океанга қуйиладиган катта бир дарёнинг қушга кон қирғоғини мерганлар билан лочиндорлар ўраб олишди, улуғ хон ва унинг мулозимлари учун қароргоҳ қуришди. Бу нарсаларни Марко етти ухлаб тушида кўрмаган эди. Бир неча соат ичида яшил ўтлоқларда каттаю кичик кўчалар, дўконлари, устахоналари ва карвонсаройи бор ҳақиқий шаҳар барпо этилди. Императорнинг ўғиллари, хотинлари ва энг яқин аъёнлари учун махсус шийпонлар қурилди, ажойиб чодир-чаманлар тикилди, сал нарига мулозимларнинг соқчилари билан лочиндорларга атаб кичикроқ чодирлар тикишди. Ҳар бир ишда қатъий, пухта ўйланган тартиб бор эди.

Чодирларнинг устига оқ, сариқ йўллари бўлган йўлбарсларнинг терилари қопланди, ичига эса оқсувсар билан соболнинг мўйналари солинди. Бундай мўъжизани умрида биринчи марта кўриб ҳанг-манг бўлиб қолган Марко ўзини сершовқин шаҳардадек ҳис қиларди.

Хубилайхоннинг чодирдан қилинган қабулхонаси шу қадар катта эдики, унга ўн минг жангчи бемалол сиғарди. Шу чодирдан сал нарида учта ҳалланган устун устига қурилган императорнинг шийпони бор эди.

Дарёнинг шундоққина бўйида йиртқичлар солинган қафаслар турарди. Шовқин-сурон ва очликдан дарғазаб бўлган Тюрго баҳайбат бошини кўтариб, қаҳр билан наъра тортди. Йиртқич янги кўкатларнинг ҳидини искаб, яқин-ўртадаги далаю ўтлоқларда ўлжа борлигини пайқади.

У мушукдек отиб ўлдирилган онасининг ёнида ювошгина турганда чарм қўлқоп кийган бир одам бўйнидан чангаллаб ушлаб муштдек қора лайча билан бирга қафасга ташлаган эди. Тюрго ўсган сари лайча кичик тортиб кетаётгандек бўлди. Императорнинг йўлбарси Тюрго билан кўзлари қаҳрли боқадиган қора лайча бир-бирларига кўникиб қолдилар.

Тюрго қафасда чайқала-чайқала узоқ юргач, одамлар елиб-югуриб, шовқин босилгач, нотаниш тупроқнинг, ўрмон ва ҳайвонларнинг ҳиди димоғига ургач, узоқ вақт очлик азобини тортгач, ҳар сафар қафаснинг панжарали эшиги очилишини, шунда у эркинликнинг нашъу намосини тотиш иштиёқида ёниб, эшикдан оҳиста чиқишини, узоқда қўрқувдан қалтираб турган ёввойи эчкини кўриб озодлик ҳиссида маст бўлиб унга ташланишини жуда яхши биларди.

Тюрғони очлик қийнаб юборди. У соқчи эҳтиётсизлик қилиб, қафас панжарасига суяб қўйган найзани панжаси билан урди ва қулоқни қоматга келтириб наъра тортди.

Марко топилган нарсалар қўйиладиган чодирнинг ёнида тепаликда турарди. Ботаётган қуёш нури олабула чодирларни ва шийпоннинг ҳалланган устунларини ёритарди. От уюрлари, сон-саноксиз хачирлару туялар ўтлоқда ўтлаб юрарди. Кенг дарё шафақда йилтиллаб, сокин оқарди. Тепалик этагидан тўртта фил ўтиб кетди. Чодир-чаманлар, шийпонлар орасидан ола-була кийинган одамлар ўтиб боришар, соқчиларнинг қиличлари ярқирар, одамларнинг бошлари узра худди қайиқ янглиғ тахтиравон сузиб борар эди.

Тўрт нафар хизматчи тахтиреводни тепаликка олиб чиқдилар-да, Марко Полонинг ёнига қўйдилар.

Кичкинагина қўл дарпардани сурди.

— Мен сизни узоқдан кўрдим... Сиз ёлғиз қолиб-сиз, бек Поло,— деди аллаким тавозе билан.— Сизга улфат бўлсам майлими?

Марко хушнудлик билан:

— Мен учун бу катта бахт, марҳаматли жаноб,— деди.

Тахтиравондан вазир Аҳмад чиқди-да, йигитга сал эгилиб таъзим қилди.

— Императорнинг овида биринчи бор қатнашяп-сизми?— деб сўради у.

— Ҳа, биринчи марта қатнашяпман,— деди Марко.

Бурғунинг овози ва оч йиртқичларнинг қаҳру га-заб билан ириллашлари одамларнинг овозини босиб кетди.

Қуёш уфқ ортига ботишидан олдин гўё дарё, ўрмон ва серҳосил далалар устидан зар кокилларини йиғиб олди-ю, осмонни алвон рангга бўяди.

— Хонбалиққа келиб, олий ҳазратларининг ҳузурига ташриф буюрганымда сиздан ёш эдим,— деди Аҳмад.

Марко бу ақлли ва қаттиққўл одамни ҳурмат қилар, шу ваздан одоб сақлаб жим турар эди. Шафақ сўнди, шу билан қароргоҳдан келаётган шовқин-сурон ҳам тингандек бўлди.

— Уқтин-ўқтин яна оддий савдогар бўлиб қолгим келади... Бироқ сиз, бек Поло, ёшсиз, айна кучга тўлган пайтингиз. Мен кўпинча туғилиб ўсган элимни ўйлайман. У серҳосил водийга жойлашган. Уйимиз шундоққина дарёнинг бўйида эди. Мен қирғоқда ўтирволиб, сузиб кетаётган қайиқларни томоша қилишни яхши кўрардим.— Аҳмад бирдан кулиб юборди.— Нима учун бу гапларни сизга айтяпман, бек Поло? Ҳар қалай сизнинг ажойиб мамлакатингизга қайтиш ниятингиз йўқдир... Мендан, менинг бемаъни орзуларимдан кулсангиз кулаверинг. Армонингиз йўқ-ку сизнинг. Сиз император ҳазрати олийларининг илтифотидан баҳрамандсиз.

Утлоқни туман босди. Унинг жимирлаб турган кўкиш пардаси дарё устидан кўтарилди.

— Мендан ҳам доимо кўмак олишингиз мумкин. Бошингизга бирор мушкул иш тушса, шу гапларим қулоғингизда бўлсин, бек Поло.

Шуни деб Аҳмад хизматкорларига имо қилди.

Марко кўпчилик зир-зир қиладиган бу қудратли одамга ихлос қўйди.

— Миннатдорман, марҳаматли жаноб,— деди йигит ва таъзим қилди.

Вазир тахтиравонга ўтириб олгач, бирдан Марконинг қулоғига энгашиб шивирлади:

— Сю Сяндан эҳтиёт бўлинг, лекин бу гапни бировга айта кўрманг.

Хизматкорлар тахтиравонни пастга олиб тушиб кетдилар. Уларнинг оёқлари болдирларигача ерни қоплаб ётган туманга кўмилиб борарди. Ғира-шира қоронғилик ўчаётган шафақни бутунлай сўндирди.

Марконинг хаёлига шу гаплар келди: «Сю Сяндан эҳтиёт бўлинг». «Инсоннинг дилидагини ўқиш мисли йўқ санъатдир. Борди-ю, ҳақиқий жавоҳирни қалбакисидан ажрата олмасанг, фақат пулингдан ажраласан, лекин ёмон одамга ихлос қўйсанг ҳаётингдан жудо бўласан. Қалби тоза, довюрак одамни хизматингга олсанг, жангу жадалда голиб келасан...» «Ўғлингиз чехраси мунаввар, кўзларида ўт чақнаяпти».

Марконинг фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетди. У Хонбалиқдаги саройда юз берган воқеани эслади.

Император оромгоҳида ҳордиқ чиқарар, атрофида казо-казолар, мулозимлару мансабдорлар туришарди. Улуғ хон тилла кўзада муздек қимиз келтиришларини буюрди.

— Орадан уч йил ўтди,— деди Сю Сян,— аъло ҳазратлари Чингизхон ўз даврида ҳар уч йилда зиндонларнинг эшигини очиб, гуноҳи оз тутқунларни озода этишни амр қилган эдилар.

Улуғ хон орқасига қўйилган ёстиққа суянди-да, катта елпигичга ўйчан боқиб, гап бошлади:

— Дунёда қимиздан яхши ичимлик йўқ.— Шунини деб Аҳмадга мурожаат қилди:— Бу хусусда сиз қандай фикрдасиз, вазир Аҳмад?

— Уйлайманки, халқ ҳукмдорнинг қудратли қўлини ҳис қилиб туриши керак. Сизнинг шаънингизга ножўя гап айтишга журъат этган одам зиндонда ётиши даркор.

Сю Сян бу гапни эшитиб оппоқ қошларини чимирди.

Хубилайхон:

— Балки сиз ҳақдирсиз, Аҳмад,— деб ўйга чўмди. Вазир мамнуният билан бошини эгган эди.



— Сю Сян, тутқунларнинг рўйхатини беринг менга.

Марко тиззасигача туманга чулғаниб тепада тураркан, шуларни ўйлади. «Сю Сяндан эҳтиёт бўлинг». Бу сўз унинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. Марконинг назарида бу ердагиларнинг ҳаммасини кўзга кўринмас нозик ип чулғаб олгандек туюлди. Хўш, шу кўринмас ипнинг учи кимнинг қўлида? Хубилайхондами? Аҳмаддами? Сю Сяндами?

\* \* \*

Тюрго сўнги марта наъра тортди. Соқчилар ёққан гулханлар гуриллаб ёнди. Бурғу чалиб ётишга чорлашди, шундан кейин соқчилар пойлоқчиликка тушишди.

Эртасига эрталаб ов бошланди. Таърифга сиймай-диган ғоят фусункор бу манзара Маркони лол қилди. Даракчи овчилар яқин жойда турналар, қарқаралар ва бошқа қушлар борлигини хабар қилдилар. Хизматкорлар Хубилайхон турган чодирнинг пардасини сурдилар, ором олиб ўтирган император лочинларни учиришга фармон берди.

Абжир қушлар мовий кўкка ўрлаб, турна ва қарқаралар устида айланди-да, кейин улар устига ўқдек отилиб, ўткир чангалини ўлжасига ботирди. Турнаю қарқаралар жон аччиғида ҳаётларини сақлаб қолишга уринишар, лочинлардан баландроқ учишга ҳаракат қилишар, тумшуқларини найзадек чўзиб, уларни чўқишар эди. Лекин бу олишувда бари бир чаққон лочинлар ғолиб келарди. Улар овчининг ҳуштагини эшитиб, итоаткорлик билан ўлжаларини унга келтириб беришар, овчи эса лочинга бир парча гўшт берар эди.

Марко осмондаги ур-йиқитни ҳаяжон билан томоша қиларди. Лочинлар чодир ёнидан қуюндек учиб ўтишарди-да, кўкка ўрлаб, сузиб юришарди ва қамишлару буталар орасидан овчилар билан итлар учирган қушларга дадил ҳужум қилишарди.

Император чодирда ўтирганча кўзлари ёниб қушларни томоша қиларди. У қўлини қимирлатиб аёнларга ҳам овга қўшилишларига ижозат берди. Лочиндорлар лочинларнинг бошларидан қалпоқларини олдилар-да, чап қўлларини кенг ёйиб, қушларни осмонга учирдилар.

Эртаси куни ҳам кун иссиқ бўлди, ғир этган шабада йўқ. Хубилайхон йирик ҳайвонларни ов қилишни истаб қолди. Тонг отмасданоқ овчию хизматкорлар икки дарё ўртасидаги катта ерни ўраб олдилар. Улар чакалакзордан ёввойи эчкиларни, қўйларни, кийиларни ов қилинадиган жойда ҳайдадилар.

Император шийпоннинг панжарасига суянганча индамай турарди. Филлар ҳам ўлжанинг ҳидини сезиб безовта бўлаётган йўлбарсу қоплонларнинг наърасини эшитиб, қўрққанларидан тош қотиб қолгандилар. Хизматчилар фурсат етгач қафасларни очиш муддаосида шайланиб туришарди. Ҳали вақт эрта, дов-дарахтларнинг сояси узайган, ўт-ўланда шудринг томчилари инжудек йилтирар эди. Овчиларнинг югурдаклари қувган сершоҳ буғу биринчи бўлиб ўрмондан югуриб чиқди.


Буни кўрган император азбаройи ҳовлиқиб қолганидан овози қалтираб:

— Йўлбарсни бўшатинглар!— деб ҳайқирди.

Тюрго бир сакраб ҳўл ўт устига тушди-да, ерда қапишганча, шамол келаётган томонга юзланиб, ўрмон четига пусиб бора бошлади. Қора лайча эса ақиллаганча олдинда кетди.

Марко юраги гурс-гурс ураётганини эшитди. Ов ҳайдовчиларнинг қий-чуви босилди. Теварак-атроф сукунат қўйнига чўмди. Қора лайча ангиллаб орқасига қайтди-да, Тюргонинг атрофидан бир айланиб қафасга кириб кетди. Хизматкорлару навкарлар нафасларини ичларига ютиб пусиб кетаётган йўлбарсга тикилиб қолган эдилар. Филлар қимир этмас, уларнинг сур ранг беллари таёқдек қотиб қолган эди.

Марконинг тоқати тоқ бўлди. Унинг асаби ниҳоятда бўғилди. Кўзига нимаики кўринса, ҳаммаси миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. Марко устун орқасига яширинган Аҳмаднинг докадек оқ башарасини, бош ноибга ошкора нафрат билан тикилиб турган соқчилар бошлиғи Ванчжуни, шойи кўйлагининг ерга тегай-тегай деган кенг енгларини силаётган хотиржам Сю Сянни; сакрашга чоғланган кўйи шайланиб турган императорни рўйроқ кўрди. Яна у тасма билан боғлаб, устунга суяб қўйилган найзаларни, олачалпоқ қуёш нуруни, одамларнинг гоҳ ёришиб, гоҳ хиралашган оқ, қора, сариқ башараларини, атлас-кимхоблару зарбоф тўнларни, ҳалланган устунларни, императорнинг партўшак солинган ўриндигини... ва ҳат-





то шийпон панжарасида осилиб турган, арқондан қиллинган нарвонни кўздан кечирди.

Бу нарсалар икир-чикиргача йигитнинг хаёлига қаттиқ ўрнашиб қолди.

Буғу бир нарсадан ҳадиксирагандек бошини азот кўтариб турарди. Унинг икки биқини тушиб чиқар, аъзойи бадани қалтирар эди. У бошини бурди-ю, ўзини сояга урди, кейин бир оз тўхтаб турди-да, шатадоқ отиб ўрмон ичкарасига кириб кетди.

Йўлбарснинг йўл-йўл бели тиззагача урадиган ўлан устидан илондек тўлғаниб, чилвирдек эшиларди. Буғу ўрмондан ҳайдаб чиққан икки оёқли одамларга қараганда минг чандон хавфлироқ йиртқич ҳидини туйиб, ўрмон четига шатадоқ отиб чиқди-да, яна ўзини ўрмонга урди ва яна зум ўтмай елдек учиб ўрмон ёқасига чиқди, шу дамда бу жонивор оёғи куйган товукдек зир югурарди.

Марко буғуга қараб: «ўрмонга қоч!» деб қичқиришга оғиз жуфтлади-ю, лекин жиндек аралашув бу ҳаёт-мамонт жангининг йиртқич фойдасига ҳал бўлиб кетишини ўйлаб чурқ этмасди.

Очлик жон-жонидан ўтиб кетган Тюрго ўлжаси билан пачакилашиб ўтирмади. Йўлбарс бир сапчиди-да, ўт-ўлан устида учиб, оҳиста чўкди ва яна баланд сакраб, ўлжасининг биқинига чангал урмоқчи бўлиб, йўналишини ўзгартирди.

Буғу жон аччиғида йиртқичга юзланди-да ҳайбатли шохларини унга найзадек қадади.

Шўрлик буғунинг шохлари йўлбарснинг зарбасидан хасдек синди.

Тюрго жони оғриб, ўкириб юборди-ю, зилдек панжаси билан ғанимининг қўнғир бўйнига урди ва ўткир тишларини унинг гарданига ботирди. Буғу йиқилди. Тюрго яна бир марта ўлжасига ташланди-да унинг бўйнидан ғарчча тишлади. Буғу бир лаҳза хириллади-ю, кейин нафаси ўчди.

Бу қонли манзара император ўтирган шийпондан бор-йўғи эллик қадам нарида рўй берди. Шу вайдан филлар шунчалик безовта бўлдики, ҳайдовчилар темир таёқлар билан уриб, филларнинг эсини киритиб қўйдилар. Ахир улар шунчаки император ўтирган шийпоннинг жонли устунлари эди-да!

Хубилайхон қўлини кўтарди-да, амр қилди:

— Йўлбарсни қафасга киритинг!

Қора лайча қутурганидан акиллаб буғу атрофида

зир югурарди. Хизматкорлар ўлжасини тилкалаётган йўлбарс ёнига келишди. Буру жонҳолатда сузиб ярадор қилганидан дарғазаб бўлган йўлбарс қаҳр ила ириллаб, буғунинг иссиқ гўштига гоҳ чангалини, гоҳ тишини ботирарди.

— Қайт, Тюрго!

— Қайт деяпман, Тюрго! Қайт!

Йиртқич бошини кўтарди-да, қаҳр билан ириллади. Қонга беланган ўт қорайиб кўринарди. Шу топда қора булут сузиб келди-ю, дарахтларни, филлар ва қафаслару одамларни гўё ер юзидан супуриб ташлагандай бўлди.

— Йўлбарсни қафасга киритишга амр қилдим сизларга!

Навкарлар Тюрғони найзалар билан уриб, бўйнига арқон ташладилар. Лайча навкарлардан бирининг қўлини ғарчча тишлаб олган эди. Навкар бир тепиб лайчани улоқтириб юборди.

Найзанинг зарби ногаҳон йўлбарснинг қонли жуни остидаги жароҳатига тегиб кетди. Тюрго оғриқ азобига чидамай қутуриб кетди, орқа оёқларига туриб олди-да, панжаси билан бир уриб соқчини қулатди.

Филлар хартумларини кўтариб бўкира бошлади. Устларидаги шоҳнишин лопиллаб кетди. Хубилайхон жон ҳолатда панжарани чангаллади. Соқчилар бошлиғи Ванчжу кўз очиб юмгунча арқон нарвонни ташлади-да, лип этиб ерга тушиб олди.

Шу пайт қуёш яна жамол кўрсатди.

Одамлар ва ҳайвонлар жонсарак бўлиб, зир югуриб қолишди, ерда уларнинг соялари лип-лип ўйнардди. Ўлган буғу ўт устида ётар, ҳеч ким унга қиё боқмас эди.

Марко император олдида довюраклигини кўрсатиш иштиёқида ёниб, ўзича режа тузди.

Сю Сян гўё унинг муддаосини сезгандек Марконинг ёнига келди-да, қўлини унинг елкасига қўйди.

— Қимирламанг,— деди унга олим шивирлаб.

Бироқ Марко найзани чангаллади-ю, панжара устидан сакради.

Бу орада Тюрго атрофини ўраб олган соқчиларнинг найзаларига ҳам парво қилмай, уларнинг ҳалқасини ёриб чиқди-ю, Марко билан юзма-юз туриб қолди. Йўлбарс худди ердан чиққандек қаршисида пайдо бўлган душманини кўриб бир зум эсанкираб

қолди. Шу пайт унинг бўйнига иккинчи сиртмоқни ташлашди.

Худди шу чоқ йўлбарснинг қулоғига хизматчининг:

— Қайт, Тюрго!— дегани кирди.

Лайча навкарларнинг тепкиси ва қийқириғи остида улар очган йўлдан қафас томон югурди. Тюрго ҳам бошини эгиб, лайча кетидан лўкиллаганча қафасга кирди.

Шу билан темир эшик қарс этиб ёпилди.

\* \* \*

— Мени танимаяпсанми, Тюрго?— деб яна сўради Марко.

Икки сўроқ орасидаги тафовут бир дақиқага ҳам бормади, унинг юраги олтмиш марта урганча ҳам йўқ.

Лайлакқор лопиллаб ёғарди. Одамнинг ақли хўп аломат-да! У сон-саноқсиз хотираларни ўзида мужассамлаштирган, одам истаган заҳоти кўнглига яқин сиймоларни кўз олдига келтириши мумкин.

Марконинг ёнидан тарошланган мармар ортилган арава ўтиб кетди. Аравага эшак қўшилган бўлиб, тўнига ўралиб ўтирган аравакашнинг икки ёнида найза ушлаган соқчилар боришарди. Императорнинг боғида тартиб шундай эди.

Тюрго безовталаниб қафас ичида изғиб қолди. Қора лайча эса бурчакда қимир этмай қорнинг лопиллашини кузатарди.

Қор сийраклашди.

Осмонни қоплаган оқиш-кўк парда орасидан у ер-бу ерда мовий осмон кўринди. Марказий кўчадаги қор этиклар, чипта кавушлар, бошмоқлар, тақалар остида топталган эди. От-аравалар, эшак аравалар, устига юк ортилган туялар турна қатор ўтиб турарди. Дунёнинг қайси ерида бўлмасин ишлаб чиқарилган ёки қазиб олинган бойликларнинг аксарияти, охири Хонбалиққа келтириларди. Ҳар куни шаҳар дарвозаларидан камида мингта ипак ортилган аравалар кириб келади. Вилоятларда етиштирилган юнг, ипак, каноп ва бошқа буюмларнинг ўндан бир қисми императорга бериларди. Ҳар бир ҳунарманд ҳафтада бир кун император хонадони фойдасига ишлаб берарди.

Марко Полонинг орқасидан шарпа чиқармай кел-  
лаётган Саид дарахт орқасидан мўралади. У семи-  
риб кетганди. Осилиб кетган дунжлари унинг чўч-  
чайган лабли, кенг пешонали башарасига хуш феъл,  
меҳрибон одам тусини берарди. Ҳатто Марко ҳам  
Лоб ва Чаньжоуда ўтакасини ёрган, бўри башара,  
қилтириқ йигитни ҳозир танимасди.

Бирдан кўчада ҳаракат тўхтади. Аравакашлар  
жиловни тортдилар. Қор устида чувалиб ётган узун  
қамчилар илонга ўхшарди. Отлар бошини силкитар-  
ди, қўнғироқлари жириглар, юганлари шарақларди.  
Туякашлар билан аравакашларнинг башаралари  
тошдек қотиб қолган эди. Вағир-вуғур тинганди.  
Боққоллар дўконларини ташлаб, кўча бўйлаб тизи-  
либ туришарди. Ҳунармандлар устахоналаридан чи-  
қиб тош кўча ёнида уймалашишарди. Ҳатто кисса-  
вурлар ҳам қўлларини ўз киссаларига тикиб, тош  
йўлга тикилиб турардилар. Қотил Саид эса нима  
бўлаётганига сал-пал ақли етиб, бошини бўйни ичи-  
га тортганча, оломон орасига ўзини урди. Марко  
Поло бу унсиз манзарага ҳайрон бўлиб қараб ту-  
рарди.

Орага одамни зериктирадиган сукунат тушди.  
Гўё совуқ ҳаётни музлатиб қўйгандек эди. Тош йўл-  
дан эса кўзлари ўрадек тушиб кетган хотинлар би-  
лан эркаклар келишарди. Уларнинг ич-ичига ботиб  
кетган юзларида ўлим нишонаси — қизил доғлар кў-  
ринарди.

Олдинда темирчи Ван келарди. Мабодо ёнида уни  
зўр бериб қўллаб-қувватлаган қандолатчи бўлмаган-  
да Ванни танимасди Саид. Ваннинг кўзлари жавди-  
рар, узоқ вақт ёруғликни кўрмаганидан кўзлари  
юмилиб қолай дер эди:

— Эй, қудрати зўр эгам!— деб нола қилди бир  
аёл. Иккита кичкина бола унинг этагига ёпишиб  
олди.

Саид чурқ этмай турган одамлар орасига яширин-  
ган эди. Бирдан у бошини кўтарди.

Марко Поло от-уловларни айланиб ўтди-да, пе-  
шанаси шўр одамларнинг олдига борди. У қандолат-  
чидан:

— Бу қанақа одамлар?— деб сўради. Қандолат-  
чи рўпарасида турган башанг кийинган жанобга ўқ-  
райиб қаради:

— Булар тутуқунлар, марҳаматли улуғ ҳазрати



олийлари озодлик бердилар,— деди Ли ва зардаси қайнаб, бирдан қичқирди:— Илоҳим! Юз минг йил бахтли умр кўрсин!

Ван дўстини тинчлатмоқчи бўлиб, унинг елкасига қоқшол қўлини қўйди. Лекин қандолатчининг гапини бошқалар маънос такрорлади:

— Юз минг йил умр кўрсин-э!

Ер-кўкни сурон босди.

Можаро чиққан ерга соқчилар югурди. Аравакашлар қамчиларини олдилар-да, араваларини ҳайдаб кетдилар. Яна кўчада аравалар турна қатор тизилиб йўлга тушди. Боққоллар билан ҳунармандлар таъблари тирриқ бўлиб дўконларию устахоналарига қайтдилар.

Марко шу вақт ичида императорга хизмат қилувчи катай олимнинг қалби пок одамлигини, зулм остида эзилган ўз халқининг тақдирини қўлидан келганча енгиллатишга ҳаракат қилишни пайқаб олганди.

«Аъло ҳазратлари Чингизхон ўз даврида ҳар уч йилда зиндонларнинг эшигини очиб, гуноҳи оз тутқунларни озод этишни амр қилган эдилар».

Бироқ нима учун Аҳмад унга, Сю Сяндан эҳтиёт бўл, деди?

Хубилайхоннинг саройи сирларга кон эди, ҳамма бир-бирига ялтоқлашиб тиржайар, бироқ ҳаммаси ҳокимият учун шафқатсиз кураш олиб борар эди.

Саид дарҳол ҳалиги кўнгилсиз ҳодисани унутди. Ҳатто Аҳмадни ҳақорат қилган анави қандолатчидан ўч олишни ҳам истамади. Ҳозир у оддий чақимчилик билан шуғулланишни ўзига эп кўрмасди. Оддий халқнинг кайфиятидан кўз-қулоқ бўлиб турадиган хабаркашларнинг сон-саногини йўқ эди. Шу вақт ичида Саид жаноб даражасига кўтарилаёзган эди. Ҳадемай министр хизматимни тақдирлаб бирор амал бериб қолар, деган умидда эди. Саид катта нарсани тамаъ қилмасди. Унга боғи бор уй, оқсочлар, хизматкорлар беришса бўлгани эди. Яна у одамлар устидан жиндек ҳукмронлик қилишни ҳам орзу қиларди. Кўнглида у бир кун келиб Қашқардаги Боёндарбек сингари ўлка қозиси бўлишга умид боғларди.

Совуқ мовий осмонда пушти ранг жилва қиларди. Ҳамма ерда печу манқалларни ёқишганди. Қишқи муздек ҳаводан овқатнинг ҳиди келарди. Ваннинг

фақирона кулбасига шунча овқат келтиришдики, ҳатто гуручдан қилинган бўзага ҳам жой қолмади.

Ҳовлида бир кўр бола бамбуқ най чалиб ўтирарди.

## КАПИТАН МАТЕО

Буюк хон саройида кунлар гулдан-гулга қўниб-учиб юрган капалаклар янглиғ хилма-хил ўтарди. Император хизмати Марконинг кўп вақтини олар, унинг бош қашишга ҳам қўли тегмас, шу важдан шовқин-суронли кўчадан уч ҳовли наридаги кўҳлик-кина уйида камдан-кам бўларди.

Ҳовлидаги атрофи сўри қилинган соя-салқин шийпон Ашиманинг севимли жойи бўлиб қолди.

Марко унинг борлигини билмай шоша-пиша ҳовлига кириб келганида Ашима шийпонда ҳовуздаги тилла балиқчаларни томоша қилиб ўлтирарди. У хотираларга берилиб, олисдан эшитилаётган қўшторли катаяғижагининг мунгли навоси янглиғ кўнгилни қитиқловчи, ширин орзуларга чўмиб ўлтириладиган шундай сокин дамларни ёқтирарди.

Эшик қарсиллаб ёпилди. Демак, Марко ичкари кирибди-да. У Ашимани кўрмади. Ҳавода сариқ асал-арилар гулдан ўйнашар, гунчаларга қўниб, яна учиб кетишарди. Ҳовуз бўйида бир туп ясмин ўсарди. Ашима нечун унинг гулидан узиб, сочига қадамасин? Қиз ўрнидан сал қўзғалди-да, офтобда ялтираётган сувда ўз аксини кўриш учун истиғно қилиброқ ўгирилди. Кейин ҳовуз бўйига чўккалаб, сувга эгилди. Сувда қизнинг иккита оппоқ ясмин гули қадалган қоп-қора сочлари оғушидаги гўзал чеҳраси акс этди. Қизнинг шоҳи кўйлаги сувда жимирлаб турган жойдан тилла балиқ сузиб ўтди.

Ашима нимадир тўсатдан шитир этиб кетганидан чўчиб тушиб, оёғини қўлига олганича шийпонга учди. Худди уят иш устида қўлга тушиб қолгандай юраги гупиллаб урарди. У кимнингдир тобора яқинлаб келаётган қадам товушларини эшитгандан кейин шийпонга баттарроқ биқинди. Елкасига офтоб тушди. У биқинганича пича қимирламай турса ҳам ўпкасини сира босиб ололмасди. Унинг бежиримгина оқсочи Ю шийпон ёнидан физиллаганича ўтиб, нариги ҳовлига чиқадиган эшикда ғойиб бўлди. Ашима шундан

кейин атрофи кўзни оладиган оппоқ девор билан ўралган боғда яна танҳо қолди. Асаларилар гувиллар, ҳовузда тилла балиқчалар сузиб юришарди.

Ё уйга кирсинмикин? Кун пешиндан оққан бўлса ҳам офтоб беаёв куйдирарди. Қани энди одамга озгина ором бағишлайдиган ғир этган шабада эсса. Уйнинг деразаларига ёпиштириб ташланган рангбаранг ёғли қоғозлар жазирама офтобни деярли қайтарар, шунинг учун ҳам хоналар салқин ва ним қоронғи эди. Шундай бўлса ҳам Ашима шийпонда қолишни истарди. Бу ерда у танҳо бўлиб, бировга халал бермасди.

Марко қизнинг уйда йўқлигини ҳатто сезмаган бўлса ҳам керак. Чунки у ҳовлидан жуда тез юриб ўтганди. Унинг нималарни ўйлаётганини ким билди дейсиз? Юзи тунд кўринар, бутун қиёфасидан қандайдир ташвишдалиги сезилиб турарди. Марко қизнинг кўзига жуда ўзгариб кетгандай кўринарди.

Буюк хон саройидаги байрамлар сира узилмасди. Император Маркога дур ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зарбоф либос инъом қилди. Марко қизга, бу либос ўн беш минг олтин бизантин туради, деб тушунтирганди.

— Бунинг бир кўргин, Ашима, ҳатто венециялик дождлар ҳам бундай либосда юрмайдилар. Бунга бутун бошли кема сотиб олса бўлади,— деганди Марко ўшанда Ашимага.

Император саройидаги ҳашамат ва зебу зийнатлар Маркони ҳар қалай эсанкиратиб қўйганга ўхшайди. У қоп-қора сочларга қадалган иккита оппоқ ясмин гулини ҳатто қизни кўрганида ҳам пайқамасди.

Боғдаги майсалар турлича рангда бўлиб, улар орасида кўм-кўклари ҳам, сарғишироқлари ҳам бор, бироқ сарғишироқлари кўпроқ эди. Буларнинг бари кечқурунги шудринг иштиёқида сўлинқираб қолишганди. Заҳматкаш асаларилар муаттар исли ясмин тупи теварагида гувиллашар, гулга қўнишар ва унинг шарбатини эмиб, тукли оёқларида гул чангини олиб ўтишарди. Шийпон ёнидан Ашиманинг кўрсатгич бармоғидай келадиган миттигина тошбақа ўтиб кетди. Майсалар орасида ўзига яраша ҳаёт қайнар, чумолилар югуришар, қўнғизлар ўрмалашар, пашшалар ғинғилларди. Дала сичқонлари бўлса инларидан мўрадашарди.

Марко балки ҳозир ўз хонасида император саройида кўрган-эшитганларини ёзиб ўтиргандир, ё бўлмаса мўғул ва уйғур тилларини ўрганиш иштиёқида мутолаага берилгандир. Буюк хон саройига хункират қабиласидан бўлган бири-биридан гўзал ва бари зодагонлардан чиққан мингта қиз келтирилибди; деган миш-мишлар юрибди. Мабодо бирор амалдор янги хотин олмоқчи бўлса, императорга илтимоснома ёзиши керак эди. Арзгўй ёқиб қолгудай бўлса буюк хон ана шу қизлардан бирини унга беришни буюрар, бунинг устига сеп ўрнида қимматбаҳо совғалар ҳам инъом қилар экан. Император ҳазрати олийлари ўзининг сарой аъёнларига ана шундай меҳрибонлик қиларди.

Уй ниҳоятда сокин бўлганидан гўё ҳамма ухлаб ётганга ўхшарди. Шовул мева қилган қирмизи олма дарахти ҳам қимир этмасди. Ашима, мен хункират қабиласининг қизларидан хунукроқ бўлсам керак, деган хаёлга борди-да, пешанаси, бурни ва ҳақиқ лабларини сийпалади.

Марко бир вақтлар унга ўзининг кўрпасини берганди. «Буни Ашимага бер,— деганди у Матеога.— Менга бу керакмас». Бунга кўп бўлди. Уша пайтларда Ашима қаттиқ совуқ ва қор бўрони мени омон қолдирмайди, деб ўйлаганди, кейин ҳаммалари қаҳратон совуқ тоғдан саҳрога тушиб, офтобни кўришгандан кейин тирик қолишига ақли етганди.

«Гум-гум-гум!» Саҳронинг дим ҳавосида ноғоранинг уч марта чалингани эшитилди. «Ло Бцан, эшитяпсанми? Уч марта чалинди-я! Уни топишди...». Марко қумда қимир этмай ётарди. Унинг чўпдай озиб кетганини қаранг-а! Ашима Маркога сув берди. Марко сувни ютоқиб ичди-да, қизга миннатдорона жилмайди. Қиз беш кечаю беш кундузга чўзилган оғир қидиришлардан кейин ўзининг даҳшат қоплаган вужудига иссиқ югура бошлаганини сезганди.

Энди бўлса шийпонда жимгина ўлтирар, ширин хаёллар уни ўз оғушига олганди. Мабодо битта-яримта олдига келиб: «Ҳаётингдаги энг гўзал нарса нима?»— деб сўраб қолгудай бўлса у бунга сираям ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб берган бўлур эди. Йўқ, гўзал нарса дўстлари унга инъом этишган марварид шодаси эмас. Тамоман бошқа нарса у... Қиз Чань-чжоудаги ўшал баҳор оқшомида Марко ўлим таҳликасида қолганлигидан ғофил эди. Шунинг учун ҳам

Матеонинг хонасида учовлари қош қорайгунча ўлтирганларини эслаганида дилгир бўлмасди. Сеҳрли от ва ҳинд шоҳининг ўғиллари ҳақидаги эртагини айтиб берганида у ўтмишнинг васвасаларидан тамомила халос бўлганлигини сезганди.

Ушал оқшомда айтилган ҳар бир сўз Ашиманинг умрбод ёдида қолганди. Хона ичи қоп-қоронғи, кўмир ёниб бўлган, ўчоқни ошноқ кул босганди. Марко ўшанда тўсатдан: «Мен сени Куньминга олиб бораман, Ашима. Буюк хон саройига борганимизда ундан Қатай орқали ўтишни илтимос қиламан. Матео, сен ва мен — ҳаммамиз бирга жўнаймиз», — деганди.

Елғиз қолган пайтларида вужудини қоплайдиган ана шу мунг ватанни қўмсаш бўлса керак. Ана шу сершовқин улкан шаҳарда бир неча йилдан бери истиқомат қилишаётган бўлсалар, Марко Ашимани Куньминга олиб бориш ҳақидаги ваъдасини бирор марта эсга олмаганди. Ашиманинг ўзи ҳам кўнгли нимани тусаётганини билмасди...

Эҳтимол, Ашима Оқ байрамга бормаганидан Марко ўзича хафа бўлаётгандир? Бу Янги йилнинг<sup>1</sup> биринчи кундаги зўр байрам эди-да! Ўшанда венецияликларнинг уйига Янги йил билан табриклагани шахсан вазир Аҳмаднинг ўзи келганди.

«Йил бўйи толе сизларга ёр бўлсин. Нимаики орзуларингиз бўлса бари рўёбга чиқсин!»

Буюк хон саройида венецияликларга бўлган ҳурмат ана шундай катта эди!

Остонада мўътабар меҳмон кўринганида уйдигиларнинг бари шошиб қолишди. Ҳаммалари оқ либос кийишган, фақат Ашимагина ўзининг ҳар кунги шоҳи кўйлагида юрганди, чунки оқ кийиш унинг ҳалқида азадорликни билдирарди. Марконинг илтимосини бажара олмагани ва мўғулларнинг Оқ байрамга қатнаша олмаганига сабаб шу эди.

• — Бу гўзал қиз ким? — сўради Аҳмад.

Ашима бу даҳшатли кишининг ўзига бошдан-оёқ тикилганини ҳеч қачон унутмайди. Бироқ вазир сиртдан қараганда ўзини Маркога дўстдай тутарди.

— Оқсоч қизми?

---

<sup>1</sup> Хитой календарига кўра янги йил — янги ой чиққан биринчи кундан бошланади. Бу қуёшнинг Балиқ буржига маълум масофадаги таносибидан кейин келади. Бу байрамнинг куни доимий эмас, у 21 январь билан 19 февраль оралигида келади.

— Йўқ, бу қиз хонадонимизда яшайди, муҳтарам жаноб,— деб жавоб берди Марко.

Ашима ўзини Матеонинг панасига олди. Оқ либосга ўралганидан Матео янада баҳайбат кўринарди. Қиз тушдан кейин шаҳарга чиқди. У азадор оқ либосли кишиларнинг бемалол ўйнаб-кулиб юрганларини кўрганда анграйиб қолди. Катайларнинг кўпчилиги ўзи сингари оддий кийимда эди. Бироқ мўғуллар, кўплаб ажнабийлар ва дурустроқ мартабаларни эгаллаб олган катай бойлари император шафафига бошдан-оёқ оқ либос кийиб юришарди.

Кўчалардан оғир юк ортилган уловлар тинимсиз ўтиб турарди. Бугун буюк хон қўли остидаги барча вилоятлар ва давлатларнинг князь ва амалдорлари саройга олтин, кумуш, бриллиант, шоҳи ва оқ жун рўмоллар жўнатишмоқда эди. Қўриқчилар назоратидаги қордай оппоқ отлар император саройига тизилишиб кириб борарди. Бу бири-биридан зўр уловларга кумуш, ҳатто олтин абзаллар тақилганди. Азалий удум бўйича ҳар бир вилоят шу куни саройга тўққиз тўда оқ от юборар, ҳар тўдада тўққизтадан от бўлиши керак эди. Буюк хон ана шу байрамда ҳар сафар кам деганда юз минг бош отга эга бўлиб қоларди.

Кун бўйи қор ёғди. Ҳавода майда қор заррачалари ўйнади. Ашима пўстинига ўралганича кўча чегида турарди. Шунда хизматчиси енгидан тортиб, ҳаяжон билан:

— Келишяпти! Қаранг... Ҳув ана!— деб қичқириб юборди.

Бутун оломон гур этиб дарвозага қаради.

Дарвозадан филлар кўринди. Уларнинг малла ранг яғринларига ҳайвон ва қушларнинг расми зар билан тикилган ипак ёпиқлар ташланганди. Ҳар бир филга олтин ва кумушдан ясалган идишлар, император саройидаги шодиёналарда май ичиладиган турлича қадаҳлар жойланган иккитадан катта сандиқ ортилганди. Баҳайбат филларнинг салмоқ билан қадам ташлашлари азбаройи салобат касб этганидан ғала-ғовур тинди-қолди. Ҳайратдан бақрайиб қолган одамлар ёнидан беш мингта фил ўтди. Сўнгра яхшилаб безатилган ва устига қимматбаҳо моллар ортилган туялар кўринди.

Буюк хон саройига беҳисоб бойлик олиб ўтган ана шу жониворлар Ашиманинг сира ҳам кўз ўнги-

дан кетмасди. У Марконинг эртаси куни байрам ҳақида айтган гапларини ҳам унутолмаган, оқ либоо киймаганидан бениҳоя мамнун эди.

Машъала ва кўплаб чироқлар билан ёритилган улкан залга князлар сарой аъёнлари, мунажжимлар, ҳакимлар, лочиндорлар, лашкарбошилар, ноиблар, вазирлар ва бошқа йирик мансабдорлар мавқеларига яраша аввалдан қатъий белгилаб қўйилган ўринларини эгаллаш учун тўпланганларида бирданига ҳамма ғивирлаб, шивир-шивир бошланди, оқ либосли сарой аъёнларининг дарғазаб овозлари ҳам эшитила бошлади. Нега деганда улар орасида узун ва кенг енгил қизил шоҳи либос кийган киши пайдо бўлиб, тўппа-тўғри император томонга борарди. Бу киши катая олими Сю Сян эди.

Сю Сян буюк хон қаршисида тиз чўкиб, уч бора таъзим бажо келтиргандан кейин залга оғир сукунат чўкди.

Фақат Аҳмаднинг лабидагина тантанавор табасум ўйнарди.

Хубилайхон маъюс тортди. У ўйга ботиб, ҳорғин қиёфада ўзини курси суянчиғига ташлади-да, даҳанини муштига қўйди. Сўнгра жимиб қолган оқ либосли оломонга парво қилмай қайларгадир узоқ нигоҳ ташлади. Ҳеч ким оғиз очишга журъат этолмасди. Машъалалар устунлар ва меҳмонларнинг афт-башараларини ҳар хил ёритар, қимматбаҳо идишлар ялтирар, девор ва шифтга ўйиб ишланган расмлар гўё сирли ҳаёт учун кўз очгандай туюларди.

Оллонинг ноиби бўлган шаҳаншоҳнинг хаёлидан шу дамда нималар кечганикин? У ўзининг кекса устози Сю Сянга қаттиқ тикилиб қолганди. Бироқ буюк хон қурол кучи билан ўзига тобе қилиб олган халқи ҳаётини ҳар қанча уринмасин билиб ололмаганидек устозининг ҳам кўнглидан нималар кечаётганини билолмасди.

Сю Сян саройда Хубилайхонга зид иш қилишга журъат эта оладиган ягона киши эди. Хубилайхон уни шунинг учун ҳам қадрларди. Бироқ императорнинг буйруғига бўйсунмаганлигини бунчалик ошкора намойиш қилишга қандай юраги бетлаганикин?

Хубилайхон қаддини ростлади. Унинг кўзлари хунук чақнарди. Шундай бўлса ҳам у ниҳоятда хотиржамлик билан:

— Сю Сян, жонингизга қасд қилаётганингизни

биялсизми? Менинг буйруғимдан бўйин товлаб, бу ерга қизил либосда келишга қандай журъат этдингиз? Ёки императорингиз эканимни увутдингизми?— деб сўради.

Шамларнинг мумини тозалаётган хизматкорлар қотиб қолишди.

Аҳмад соқолни асабий сийпаларди.

Сю Сяннинг аҳволи ишқал эди. Мингларча кўзлар шу дамда олимга қадалганди.

— Менинг бир ўғлим бор эди, ҳазрати олийлари,— деди Сю Сян.— У қўшинларингиз Хонбалиқни ишғол қилганда ҳалок бўлувди. Шундан кейин азадор бўлганимдан бир йилгача оқ либосда юрдим. Шундай бўлгач, қандай қилиб буюк шодиёнангизга оқ либосда келаман? Қизил ранг халқим одатида бахт рамзи, шунинг учун ҳам ҳазрати олийлари шарафига бугун қизил либос кийдим.

Залда ғовур-ғувур кўтарилди. Императорнинг чап томонида ўтирган Жамбуй хотун эса энгашиб императорнинг қулоғига нималарнидир шивирлади. У ғазабланганидан қип-қизариб кетганди.

Хубилайхон қўлини кўтарган эди, зал дарҳол тинчиди.

— Туринг, Сю Сян... Қизил либосда келгани учун бу ҳақ эмасми ахир? Қизил ранг — катайларда бахт рамзи. Шунинг учун бундан буён катайлар байрамда қизил либосда юришларини буюраман. Бошқалар оқда юришаверсин. Менинг буйруғим шу.

Аҳмад Сю Сянга ғазабли нигоҳ ташлади.

Ашима шийпонда офтобда тушиб турган ерни оёғи билан чизиб ўлтираркан, Оқ байрамни ўйларди. Қисқаси, у бундан яхшироқ турмушни истай олмасди ҳам. Унинг Ю деган қувноқ оқсочи бор, бу қиз зерикиб қолган пайтларида кўнглини очарди. Бу қиз бечора унга кун бўйи тинимсиз ашула айтиб, ё бўлмаса етти торли арфа чалиб беролмайди-ку, ахир...

Шийпонга олиб кирадиган йўлни қуёш ёритиб турган гўзал расмни ўраб турган рамка деса бўларди. Унинг олд томонидаги кўм-кўк пуштанинг ўртасида беҳисоб гуллар очилган, ўнг томондаги ҳовуз сувида бир туп оқ ясмин акс этар, иҳотанинг орқароғида шовул мева қилган қизил олма бор эди. Қизга кўриниб турган осмон парчаси ниҳоятда кўм-кўк



эди. Биронта ҳам новда қимирламас, аҳён-аҳёндаги-на тепасига капалак ёки қўнғиз қўнган гуллар қи-мирлаб қоларди.

Шунда тўсатдан Марконинг:

— Ашима, қаердасан?— деган овози эшитилиб қолди.

Қизга Марконинг овози ташвишлидай туюлди. У товуш бермай шийпонда ўтираверди. У бирданига офтобга чиқолмайди-ку, ахир. Чунки жуда толиққан-ди-да... Марко энди унинг эшиги олдида турарди. Унинг сабру бардоши тугаёзганди. Ашима Марконинг ҳозир қандай алфоздалигини кўзини юмиб туриб ҳам айтиб бера оларди.

— Ашима!

Марко шийпонга томон тез-тез кела бошлади. Қиз курсига ўтириб, қўлларини гарданига олиб борди.

Марко кираверишда шийпонга тушаётган ёруғ-ликни тўсиб турарди.

— Сочингга гул қадабсан-а, Ашима. Жуда яра-шибди-да!

— Вой, ухлаб қолибман-ку... Қелганингизга анча бўлдими, Марко?

Қиз ҳаяжонланганидан Марконинг кўзига қараш-га ботинолмади. Унинг қора ва қуюқ сочлари елка-сини босиб кетганди. Демак, Марко гулни кўрибди-да. Қиз азбаройи суюниб кетганидан юзи анор туси-га кирди, бироқ юрак бетлаб Марконинг юзига қа-раганида унинг хаёллари яна олис-олисларда экан-лигини пайқади.

— Мен шу ерда ўтирибман,— деди қиз ҳижолат бўлганидан.

Вақти жуда зиқлигига Марко айбдор эмас-ку. Ашима буни жуда яхши тушунади. Енида бирпас ўтирса бўлади-ку, бироқ чамаси буни истамаётганга ўхшайди у. Шунчаки зерикиб кетса керак. Қиз Мар-конинг нотинч бўлаётганидан яна бир ёққа шошиб турганини фаҳмлади.

— Тезроқ уйга кирайлик. Матео мен билан им-ператорнинг олдида жўнаши керак. Бизни буюк хон кутяпти, Ашима.

Ашима Марко билан боғ оралаб уйга юрди, йўл-да сочини безаб турган ясмин гулини олиб ҳовузга ташлади, Маркодан ҳатто, буюк хон Матео икковла-рингни нимага чақиртиряпти, деб ҳам сўрамади. У

саройдаги бўлажак суҳбат ўзининг тақдирига бево-  
сита алоқадор эканлигини қайдан ҳам билсин, ахир?

Сув юзида иккита ясмин гули қалқиб юрарди. Май-  
салар ва гуллар шудринг иштиёқида изтироб чекаёт-  
ганга ўхшарди.

\* \* \*

Марко Таи<sup>1</sup> махфий мажлисида биринчи марта қатнашди. Таи мамлакатнинг ўзига хос равишдаги олий суди бўлиб, у айна пайтда лашкарга ҳам раҳ-барлик қиларди. Бу суд ўн икки мўғул княздан иборат эди. Улар аскарбошилардан кимларни қайси жойга қўйиш ёки бекор қилишни, шунингдек муко-фотланувчилар рўйхатини ва қўшинни бир вилоятдан бошқа жойга олишни императорга тавсия қилишар-ди. Бу князлар ҳарбий сафарларда хонга маслаҳатчи бўлардилар. Бу сафар эса залда таининг аъзоларидан ташқари Аҳмад, Сю Сян, мунажжим, юзбоши, Марко ва Матео ҳозир бўлдилар. Хубилайхон йиғилганларни болишларга ўтиришни таклиф қилди.

Мўғул князлари император қаршисида тор доира ясаб, бошқаларга орқа ўгириб ўтиришди. Қямиз ва гуруч бўзаси кўтарган хизматкорлар залда шарпа чиқармай юришарди. Буюк хон бош ирғаб юзбоши-ни чақирди. Юзбоши мўғулларнинг керейтлар қаби-ласидан бўлган кенг елкали ва кал киши эди.

— Чипингуда<sup>1</sup> кўрган ва эшитганларингни бизга айтиб бер. Ҳеч нарсани қолдирма, барини тўкиб сол.

Кал шундан кейин ҳикоясини бошлади:

— Ҳокими мутлақ, мағрибдан машриққача бор мамлакатларни ўзига тобе қилган оламнинг энг қуд-ратли ҳукмдори, буюк Қатай империясининг ҳоқони,

<sup>1</sup> Таи ёки Цаи — буюк хон ҳузуридаги ўзига хос олий кенгаш.

<sup>1</sup> Чипингу, Чипангу, Цапангу — Марко Поло Японияни шундай деб атаган.

Хубилайхон империяси Япония билан кенг тариқада савдо-сотиқ олиб борарди. Бу тинч муносабатлар олтишинчи йилларнинг охиригача давом этди. Хубилайхон 1269 йилдан бошлаб Японияни босиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. 1274 йилда Японияни босиб олиш учун қилинган биринчи уриниш мағлубиятга учради, 1281 йилдаги иккинчи экспедициянинг тақдирини бундан ҳам аянчли бўлди. Мўғул флоти бунда бўронда қолиб, халок бўлган, кўп минг кишилик армиядан Хитой соҳилига фақат уч кишигина қайтиб келганди.

сиз Унг хон, Йеке Чаранни Буюк океан ўртасидаги Чипингу оролига юборгандигиз. Биз — Унгхон, Йеке Чаран, тилмоч ва юзта аскар ўзингиз буюргандай Чипингу шоҳини ҳукмингизга бўйсундириш ва ўлпон тўлашга кўндириш учун у ерга кемада жўнадик.

Ун тўққиз кун юргандан кейин оролга етиб, истиқболимизга чиққан кишиларга шундай дедик: «Биз подшоҳларингиз билан сўзлашмоқчимиз. У оламнинг қудратли ҳукмдори, буюк Хубилайхонга итоат этиши ва унга ўлпон тўлаб туриши керак». Улар бизга: «Унда мағрибга томон кетаверинглар, подшоҳимиз турган улкан оролга етасизлар»,— дейишди.

Биз яна бир неча кун денгизда сузиб, ниҳоят Чипингуга етдик. Унгхон билан Йеке Чаран ўзлари билан икки аскар ва тилмочни олишди-да, подшоҳ саройига жўнашди. Подшоҳ саройининг томи тилладан экан. Хоналарнинг шифтлари ҳам соф олтиндан эди. Буни ўз кўзимиз билан кўрдик.

Биз анча зал ва хоналардан ўтдик, ҳамма ерда соф олтиндан ясалган мўъжазгина хонтахталар турарди.

Унгхон шунда Йеке Чаранга: «Биз буларнинг барини шоҳаншоҳимиз Хубилайхонга айтиб беришимиз керак. Умрим бино бўлиб бунақа бойликни кўрмаганман»,— деди.

Бироқ Чипингунинг подшоҳи Унгхон билан Йеке Чаранни қабул қилишни истамасди, у: «Токимуно ҳузурига боришақолсин»,— дебди. Шундан кейин биз уларнинг Токимуно деган бош вазири турган саройга йўл олдик. Унгхон билан Йеке Чаран унга сиз олий ҳазратларининг мактубини топширди. Токимуно мактубни ўқиб чиқди. Кейин: «Бизга бундай сурбетларча талаб қўйишга журъат этибсизлар, ўзларинг ким бўласизлар?»— деб сўради. Унгхон унга шундай жавоб берди: «Биз оламнинг энг қудратли ҳукмдори, Қатай императори буюк Хубилайхон юборган вакиллармиз. Агар унинг талабларини бажо келтирсанглар меҳру шафқатига муяссар бўласизлар, йўқса устингизга қўшин тортади».

Шунда Токимуно тутақиб кетди. «Манави икковини,— деб буюрди у,— тутиб, бошини танасидан жудо қилинглар. Қал билан қолганлари қайтиб кетишсин. Улар ватанларига қайтиб, буюк хонга бизнинг жавобимизни етказишлари керак». Токимуно шундай деди. Унгхон билан Йеке Чаранни ўша заҳо-

ти қатл қилишди, биз эсақ соҳилни тезроқ тарк эт-моқ учун кемамизга югурдик.

Қал шундай деб императорнинг оёғига йиқилди.

Хубилайхон унинг сўзларини сир бой бермай тинглади. Таининг ўн икки аъзоси болишларда виқор билан ўтиришар, уларнинг қийиқ кўзлари буюк хонга қадалганди.

— Сен саройнинг томи тилладан дедингми? — буюк хон узоқ ўй сургандан кейин қайтариб сўради.

— Мен буни ўз кўзим билан кўрдим, ҳазрати олийлари.

Хубилайхон кўққисдан катая олимга ўгирилди:

— Сиз нима дейсиз, Сю Сян?

— Чипингу океаннинг ўртасида. Ҳазрати олийларининг қўшинлари қуруқликда жанг қилишга ўрганган.

— Аҳмад, сиз қандай фикрдасиз?

— Унгхон билан Йеке Чарандай ботирларимизнинг ўлими учун қасос олиниши керак.

— Маъқул, деди император. — Энди ташқари чиқиб, қароримни кутиб туринглар.

Хубилайхон залда таи кенгашининг аъзолари билан қолди. Бошқалар эса бир-бирлари билан шивирлашганларича қўшни залга чиқишди.

Матео мўғулчага сал-пал тиши ўтадиган бўлиб қолганидан калнинг айтганларини умуман тушуниб олганди. Шаҳардаги ҳаёт, Николо ва Маффео Поло билан шаҳар ташқарисига қисқа муддатга сафар қилишлар Матеонинг аллақачонлар жонига текканди. Матеога энди яна денгизга чиқиш, кеманинг штурвали олдида туриш, эҳтимол капитан ҳам бўлиш имкони туғилгандай эди. Савдо-сотиқ ишлари Матеога хуш келмасди. Бу ишни, дерди у ўзича, ҳозиргача анча-мунча бойлик орттиришган Николо билан Маффео Пололар қилишаверсин.

Мусаффо осмон, шўртак денгиз ҳавоси, шамол, таранглашган елканлар, сиртдан бир хил, лекин айна пайтда ғоятда ранг-баранг бўлган денгизчилик ҳаётини Матео ғоятда севарди. Хонбалиқ бўлса унинг учун ниҳоятда сершовқин жой эди. Катта кўчадан уч ҳовли наридаги уйи эса жуда сокин кўринарди. Катта саҳродан қум учуриб келадиган иссиқ шамол аримайдиган ва анчага чўзиладиган ёз ҳам бу кўпни кўрган кекса денгизчининг кайфини хуш қилмасди. Матео уйда чиройли пиёлаларда бемалол гуруч бўза ичиб ўлтириш учун яратилмаганди.

Хонбалиқдан океангача ҳаммаси бўлиб тўрт кунлик йўл эди. Шундай бўлса ҳам Матео ўтган йиллар ичида фақат бир мартагина соҳилда бўлиб, денгиз кўрфази, тўлқинларнинг соҳилга шовиллаб урилиши ва елканли кемаларни завқ билан томоша қила олганди. Феруза рангда товланиб турган денгиз жуда ажойиб кўринарди. Матео шаффоф тўлқинлар кўпикланиб, ҳали одам оёғи етмаган ям-яшил оролларнинг қумли соҳилларига урилаётганини хаёлан кўрарди.

Матео Ашима билан Маркони ўйламаганида борми, аллақачонлар дуч келган кемага оддий матросликка ёлланган бўларди.

Венеция бўлса олисда, Матео уни ўйлаганида юрак-бағри эзилиб кетар, шунда ҳам у тез-тез тушига кириб турарди.

Очиғини айтганда уни Хонбалиқда нима тутиб турибди ўзи? Матеонинг энди Венецияда чинакам кема тугул бошқа нарсалар ҳам сотиб олишга қўрби келар, чунки савдогар шериклари ёрдамида анчагина пулдор бўлиб қолганди-да.

Матеони бу ерда хаёлидан сира нари кетмайдиган ва ҳали одам оёғи етмаган ўшал яшил оролларгина тутиб турар, у хавф-хатарга тўлиқ, мардлик ва жасорат талаб қиладиган саёҳатга чиқишни умид қиларди. Матео ажойиб ва ғаройиб саргузаштларни соғиниб қолганди. Энди эса бу умидлар тўсатдан рўёбга чиқадиганга ўхшаб қолди. Ҳамма гап сервитор мўғул князларининг қандай қарорга келишларида эди.

— Менинг яхши денгизчи эканлигимни унга тунтирдингми?— Матео шу билан Маркодан учинчи марта сўради.

— Мен унга қора кеманинг эгаси, оламдаги энг зўр денгизчи капитан Матео эканлигини айтдим, — кулиб жавоб берди Марко.

Сю Сян нақшинкор девор ёнида турарди. Унинг нечага борганлигини ҳеч ким айтиб беролмасди. Марко бу кишига чуқур ҳурмат билан қарар, гарчи ҳозирги дамда буни жуда истаса ҳам, қандайдир ғалати тортинчоқлик олимга яқин боришига халал берарди.

Қал аскарбоши курсида миқ этмай ўтирарди. Афтидан унинг буюк хон ҳукмини муштоқлик билан кутаётгани ва ниҳоятда довдираб қолганини уқиб олса бўларди. Унга қарашли отрядлар Хонбалиқдан бир

неча чақирим нарида турарди. Аскарлар чодирларда туришар, хизматдан бўш пайтларида чорвачилик билан шуғулланишар, бу эса уларга кўп даромад келтирарди. Улар сут, гўшт ва териларни яқин-атрофдаги шаҳарларга олиб бориб, турли буюмларга алмашиб келишарди. Бундан ташқари улар императордан дурустгина маош ҳам олишарди.

Мабодо бирорта катая аскарларга зарур бўлган нарсани айрибош қилишдан бош тортгудек бўлса шунақанги таъзирини беришардики, ўша зикна буни ўлгунича ҳам эсидан чиқармасди.

Қал Чипингу оролидан соғ-саломат қочиб қолганидан хурсанд бўлиб, энди ҳарбий қароргоҳдаги ширин турмушни орзу қиларди, холос. Чингизхоннинг авлодларида уларнинг ота-боболарига хос бўлган жанговар руҳдан асар ҳам қолмаганди. Уларнинг гоҳ ерда, гоҳ бу ерда кўтарилиб қолган катайлар ғалаёнини бостиришгагина кучлари етар, бунинг учун ихтиёрларида учқур отлари, қилич ва найзалари бор эди.

Вазир Аҳмад Марко билан Матеога қараб юрди. У Марко билан алоқасини яхшилаб олишга муваффақ бўлганди. Марко Аҳмадни императорнинг софдил хизматкори, ақлли давлат арбоби деб ҳисоблар, шунинг учун ҳам Аҳмад билан Сю Сяннинг носозликларидан ачинар, агар улар бир ёқадан бош чиқариб ишласалар қандай яхши бўларди-я, деб юрарди.

— Буюк хон менинг маслаҳатларимга юради,— вазир Аҳмад шундай дея такаллуф билан жилмайди,— сиз эса, Матеобек, ўчмас шон-шуҳрат эгаси бўласиз.

— Маслаҳатни жуда чўзиб юборишди-да,— деди Матео.

— Сиз бу юришда қатнашишни истамайсизми?— деди Аҳмад Маркога қараб.— Айтмоқчи, балки ҳазрати олийларининг ҳузурларида қолишни хоҳларсиз?

Марко Аҳмадга ялт этиб қаради.

— Ҳазрати олийлари нени истасалар мен ўшанга тайёрман,— деди Марко.

— Мабодо Хонбалиқни тарк этсангиз мени қайғуда қолдирган бўлардингиз, Маркобек.

Императорнинг мунажжими юлдузлар харитаси олдида жиддий ўлтирар, харитада барча сайёралар, улар меридианни кесиб ўтадиган соатлар ва йил бўйи кўриниб туришлари белгилаб қўйилганди. Олим мўлжалланаётган юришга қулай бўлган кунни сай-

ёралар жойлашиши бўйича аниқлашга интилиб тўрт бурчакли тахтачалар тайёрлаганди. Бу мунажжим жуда ном қозонган эди, чунки унинг вабо, зилзила, фитна, бўрон, тошқин ёки бошқа офатлар хусусидаги башоратлари тўғри чиқиб қолган пайтлари ҳам бўлиб турарди. Бу эса унинг обрўсини янада оширарди.

Аҳмаднинг сўзлари Маркога тинчлик бермасди. Саргузаштлар уни Матеога нисбатан камроқ ром қилмасди, албатта. Бироқ, олдин роса ўйлаб олиб, сўнг бир қарорга келиш керак. Унда Ашиманинг ҳоли не кечади?

Шўрлик қиз эл-юртини соғиняпти, бироқ мамлакат жанубига саёҳат қилишнинг ҳали фурсати етгани йўқ-ку. Лақаби Юз кўзли бўлган Баян<sup>1</sup> аскарбоши кўп йиллик жангу жадаллардан кейин Қатайнинг жанубидаги бой Манзи вилоятини босиб олган эди. Сун сулоласи ағдарилганди. Манзи вилояти Хубилайхонга тобе бўлган, бу эса Қатайнинг чегараси Куньминга бориб тақалди деган сўз эди. Бироқ мамлакат ҳарбий офатлардан қутулиб, ўзини бир оз ўнглаб олгунча саёҳатга чиқмай туриш керак эди.

Ашиманинг сочидаги иккита ясмин гули Маркога Чипингу шоҳи саройининг олтин тоmidан ҳам қимматлироқ кўришиб кетди.

Парижлик мсье Буше деган заргар Маркога энг зўр билагузук ясаб беришни ваъда қилганди.

— Хонбалиқдан жўнашингиз уйингиздаги соҳибжамол қизни хафа қилиб қўйса керак,— деди Аҳмад Матеога.— Мен уни ўз қизингиздек севармишсиз деб эшитдим.

— Ҳа, худди шундай, вазир жаноблари.

Аҳмад салгина кулимсиради:

— Мен сизни жуда яхши биламан. Денгизни соғинганлигингиз сизга тинчлик бермаяпти. Мени ҳам гоҳо Хонбалиқдан олисларда бўлгим келади.

Вазир қўлини орқасига қилиб, залнинг нариги бошига кетди. У дераза ёнига бориб тураркан, хаёлини қандай фикрлар банд қилганини ҳеч ким билмасди.

Эшиклари қора тусдаги хонада таи кенгаши кетар, ўн мингларча одамларнинг ҳаёт-мамоти унинг қандай қарорга келишига боғлиқ эди.

---

<sup>1</sup> Юз кўзли Баян — Хубилайхоннинг лашкарбошиларидан бири. У Жанубий Хитой (Манзи)ни забт этган.

Императорнинг шахсий кўриқчиларидан бири Сю Сян, Аҳмад ва мунажжимни Хубилайхон ҳузурига чақирди. Мўғул князлари бир-бирлари билан секин-секин гаплашганларича император ҳузуридан чиқиб келишарди. Қал ирғиб туриб, икки букилиб таъзим қилди. Марко билан Матео ҳам уларга таъзим қилишди.

Орадан ҳар бири йилдай туюлган бир неча дақиқа ўтди. Ичкаридан ниҳоят Аҳмад қайтиб чиқди.

— Император ҳазратлари сизни кемалардан бирига капитан этиб тайинладилар, Матеобек,— деди у мулоимлик билан.— Қудратли ҳукмдоримиз, буюк Хубилайхон хизматида сизга зафар ёр бўлсин.

Марко билан Матео саройдан ғалати бўлиб чиқишди. Шамол тинган, хиёбоннинг йўлкаларида дарахтларнинг узун соялари жимирларди. Дўстлар кўчаларни бир оз айланмоқчи бўлиб, уларни кутиб турган тахтиравончиларни жўнатиб юборишди.

— Ашимадан кўнглинг тўқ бўлсин,— деди Марко.

Матеодан бўлса нидо чиқмасди. Дўстларга ботаётган қуёш нурлари тушиб турарди. Барча кўчаларнинг чеккаларида императорнинг ўқ-ёй ва ўтқир учли найзалар билан қуролланган соқчилари туришарди.

— Бундан кўп йил илгари испан қиролининг солдати эдим,— деди Матео.— Ола байроқ мундирда чангли йўллардан ўрмалаш жонимга текканидан солдатликдан қочгандим... Гапларимга тушуняпсанми, Марко?— Матео шундай деди-да, саволига жавоб кутмай давом этди:— Мендан бошқа зўр денгизчини биласанми ўзинг? Бироқ Авлиё Марк республикаси патрицийнинг фарзанди бўлмаганим туфайли менга кемасини ишонмовди, энди, сочимга оқ оралаганида манави осиелик император кема бериб ўтирибди.— Матео азбаройи терисига сиғмай кетганидан йигитнинг елкасидан қучоқлади.— Менга қара, Марко, чиндан ҳам энди капитан Матеоман, эшитяпсанми? Капитан Матео! Қани, марҳамат қилиб, буни қайтар-чи!

— Капитан Матео!

— Сен мутлақо хурсанд бўлмаяпсан-ку, Марко.

— Хурсандман,— деди Марко калтагина қилиб.

Уларнинг олдида бири кенгбар ва узунроқ, иккинчиси калта ҳамда хипчароқ иккита соя илгарилаб борарди. Яшил, сариқ ва кўнгир черепицали томлар



ялтирарди. Уйларнинг ёнидан пардалари тушириб қўйилган тахтиравонлар ўтиб турарди.

Матео энди кетиб қолади. Қачон қайтаркин у?

Бир сартарош мижозининг сочини оларди. Арқончи устахонасида арғамчи эшарди. Тутун босган устахонанини қўрасада ўт ловиллар, темирчи болғаси сандондаги темирга гурс-гурс тушиб турарди. Дорихонада ҳаёт илдизи, ўт-ўланларнинг қайнатмалари, қизил шаробда сақланган йўлбарс тиши ва бошқа дорилар сотиларди.

Кети кўринмайдиган одамлар оқими узра чанг булути сузарди.

— Мен Хонбалиққа қайтаман, тез орада қайтаман,— деди Матео.

Дўстлар уч ҳовлидан ўтиб боғларига киришди, гилла балиқчали ҳовуз ҳам ортда қолди.

— Маана келдик, Ашима,— деди Матео уйга кираркан.

Унинг шодлигидан асар ҳам қолмаганди.

## ҚАБРДАЙ СОКИН ТУНЛАР

Кўрада ўт лопиллайди. Оловнинг зангори тиллари майда писта кўмир устида ирғишлайди. Темирчи дам босганида кўмир қизғиш ва сарғимтир алангаланиб қурум босган устахонани, темирчи ва унинг Ши Лянь-цзан деган ёш шогирдининг юзини ёритарди. Устанинг белигача яланғоч эди. Унинг қовурғалари саналиб турган ориқ кўкрагини устидаги чарм фартуққина темирдан сачраган учқунлардан муҳофаза қилиб турарди. Юзидаги қўш чандиқ уни жуда бадбашара кўрсатарди. Қатайда жиноятчиларга шундай тамға босиларди.

Ши Лянь-цзан дам босиб ўт олдираб, уста эса омирда темир парчасини ушлаб турарди. Устахонанинг эшиги кўчага қараган эди. Кеч яқинлашиб келаётганидан кўчага бир қаватли ёғоч уйлар, дўконлар ва дарахтларнинг узун сояси тушиб турарди.

Бир учи қудуққа уланган қувурдан ҳовузга сув шилдираб турганидан унинг бети жимир-жимир қиларди. Кўза кўтарган хотинлар ва қизлар ҳовуз бўйига келиб, идишларини қувурдан тушаётган сувга қўйишарди-да, у тўлгунча у ёқ-бу ёқдан валақлашарди.

Темирчи кўрадан қип-қизил чўғ бўлган темирни олиб, сандонга қўйди-да, болғалай кетди. Темир тақа шаклига киргач уни бурчакда турган бошқа буюмлар устига улоқтириб, юзидан терини артди-да, кўчага нигоҳ ташлади. Ёшликдан унга таниш бўлган бу кўчанинг кўриниши темирчи кўнглини очиш билан айни вақтда ғамғуссага ҳам тўлдирди. Рўпарасидаги кўчадан бамисоли саҳнадагидай хилма-хил кишилар ўтиб турарди. Башанг кийинганларни хизматкорлари ёхуд чўилари оломондан хўжаларига йўл очиб боришар, юпууроқ кийинган, баъзан жулдур кийимларни таналарини аранг беркитиб турган хароблар эса оғир юк кўтариб боришар, қўнғироқча жингиллатиб, овозларининг бориचा арзимас матоҳларини мақташгани-мақташганди. Сасиб-бижғиб ётган ювинди тўкилган жойлардан эса гадойлар кучукларни ҳайдаб, егулик нарса ахтаришарди.

Савдогарлар ва фолбинлар, мунажжимлар ва мирзоларнинг дўкон ҳамда расталарига осилган оқ иероглифлар ёзилган алвонлар ранг-баранг кўчани янада ажиб ва чиройли кўрсатарди.

Ши Лянь-цзан бошини ҳам қилганича кўчанинг шовқин-суронини тинглаб ўтираркан, ожиз кўзлари илғаёлмайдиган нарсаларни эшитишга ҳаракат қиларди. Темирчининг шогирди ёруғ жаҳонни қулоғи, қўли, ҳид билиши ва нурларни хотирлаши орқали тасаввур қиларди. Унинг нурлар хусусидаги хотиралари бениҳоя гўзал эдики, ҳанузгача ҳам уни бир эсласа қалби қувончга тўлиб-тошарди. Бироқ бу хотира жуда ёшлик йилларидан мерос бўлиб қолганидан бола унинг болалик йилларида кўрган тушими ёки у дунёнинг чарақлаган офтобими ажратолмасди.

Ши кўпинча ҳовлида ўйнаб, бамбук найини чалиб ўтирарди.

Кўрада олов лопилларди.

— Кеч кириб қолди, Ши,— деди Ван темирчи.— Кўчага чиқиб ўртоқларинг билан ўйнаб кел.

— Яхшиси уйнинг орқасида ўтирақолай, Ван ота.

Ши мўъжазгина эшикка қараб дадил юрди. Орадан кўп ўтмай Ваннинг қулоғига найнинг майин овози чалинди.

— Сен кунни тундан ажратолмайсан-у, лекин най чалганингда нақ эгамнинг ўзи мен билан суҳбат қураётгандай ҳузур қиламан-а, Ши.

Сандон ёнида уюлиб ётган темирлар қилч ва найзаларнинг тигига ўхшарди.

Ван кичкина бўлиб, отасининг устахонаси олдида ўйнаб юрадиган пайтларда Хонбалиқнинг оти Яньцинь бўлиб, «олло фарзанди»нинг ўрдугоҳи эди. Устахона ҳовузга яқинроқ бўлганидан Ван бўш қолди дегунча кўм-кўк майсага ўтириб олиб, майда тошларни ҳовузга отгани-отганди, ё бўлмаса бамбуқдан кичкина кемачалар ясарди.

Кейинчалик Хубилайхон шаҳарни ишғол этиб, ўзини «оллонинг фарзанди» деб эълон қилишга фармон берди.

Аввалига шаҳар ҳаёти ўзгармади ҳисоби. Бироқ кунлардан бирида ақл бовар қилмайдиган янгилик оғизма-оғиз ўтиб қолди: ҳамма катайлар Хонбалиқни тарк этиб, дарёнинг хоқон саройи қад кериб турган нариги қирғоғига кўчишлари керак экан. Хонбалиқ ва унинг теварагидаги ўтроқлашиб қолган ўн мингларча ҳунармандларни жойларидан қувиб, нариги қирғоққа мажбуран кўчиришди. Император саройи теварагидаги Даду шаҳри шу тариқа бунёдга келди.

Янги шаҳар тўрт бурчак шаклида қурилган бўлиб, ҳар бир томонининг узунлиги олти миль эди. Шаҳар атрофи йитирма тўрт миль келадиган оқ тошдан қурилган девор билан ўралган, ҳар бир томонида учтадан дарвозаси бор эди. Барча дарвозалар тепасига ва уларнинг оралиғига гўзал миноралар қурилиб, уларда шаҳар қўриқчиларининг қурол-аслаҳалари сақланар, ўн икки минг сарбоз эса бу мустаҳкам деворни қўриқларди.

Кенг ва тўғри кўчалар шаҳарни кесиб ўтиб, бир дарвозадан иккинчисига олиб борарди. Кўчанинг икки томонида дўконлар, расталар, устахоналар саф тортганди. Ер участкаларининг бари тўрт бурчак шаклида, уйлар унинг ўртасига қурилганидан уларни кўчадан ҳовли ёки боғлар ажратиб турарди. Янги шаҳар геометрик жиҳатдан аниқ планлаштирилганидан шахмат тахтасига ўхшаб кетарди. Унинг қоқ ўртасига эса катта қўнғироқли баланд минора қурилганди. Қоронғи тушиши билан ана шу қўнғироқ уч марта чалинар, учинчи бонгдан кейин ҳеч кимнинг алоҳида рухсатсиз кўчага чиқишга ҳаққи йўқ эди. Бу қаттиқ қондани мабодо бирор бемор зуд ёрдамга муҳтож бўлиб қолса бузиш мумкин, бироқ бундай пайтда табибдан олдинда фонус кў-

тарган хизматкор юриб, барчани тунда нима учун кетаётганларидан огоҳ қилиб бориши лозим эди.

Кеч кириши биланоқ кундузи бамисоли чумоли уясидек қайнаган шаҳарга оғир сукунат чўкарди. Хувиллаган кўчаларда фақатгина соқчилар дастаси бундай дасталарда ўттиз-қирқ киши бўларди) юрарди, холос. Бу тартибни бузганлар ўша заҳоти турмага ташланар, эртасига эса суд қилинарди. Кечаси кўчага чиққанлар калтакланар, кўпинча айбдор ўлгунча саваланарди.

Янги шаҳар битгандан кейин Ваннинг отаси ҳам кўпчилик ҳунармандлар сингари соқчиларнинг қаттиқ назоратида устахонасини ташлаб, Дадуга кўчишга мажбур бўлди. Мўғул амалдорларининг эътиборини қозонган озгинагина бадавлат катайларгина эски шаҳарда қолишга рухсат олдилар. Бироқ Дадунинг аҳолиси тез ўсиб, шаҳарга сиғмай қолди. Ун икки дарвозанинг ҳар бири рўпарасида ўзига яраша қасаба вужудга келиб, у ҳам тезда кенгайиб, аста-секин теварагидаги жойларга қўшилиб кетди. Пировардида шаҳар девор теварагида ичкаридагига нисбатан неча маротаба катта яна бир шаҳар бунёдга келди.

Қасабаларда асосан хорижий савдогарлар ва ҳунармандлар истиқомат қилишарди. Улар ёзда уй-ичи билан Шандуга кўчишар, қишда эса яна пойтахтга қайтишарди. Бу кишилар Катайнинг барча вилоятларидан ва Узоқ Шарқ мамлакатларидан Хубидайхоннинг беҳисоб бойлигига учиб, тез орада бойиб кетиш иштиёқида келган эдилар.

Қўноқхона ва карвонсаройлар бу ерда ҳар қадамда учрарди.

Буюк хоннинг олдида бегона мамлакатлардан вакиллар ёки савдогарлар келишса уларга мамлакат ҳисобидан жой бериларди. Аҳмад молиявий ишлар бўйича вазир бўлганидан саройнинг тобора ўсиб бораётган харажатларини тўлдириш учун доимо ташвишда эди. Катайлар хамиртуруш, буғдой, дов-драхт, чинни, тут, кўмир, ипак, жун ва мой олинадиган меваларга тўланидиган солиқлар худди ер участкалари ва ҳунармандларнинг даромадларидан олинадиган ўлпонлар сингари борган сари кўтарилиб борарди. Ой сайин барча молларнинг нархи баландлаб, тузнинг бир қадоғи фалон пулга чиқиб кетгани ҳам шу боисдан эди.





Кўрадаги ўт ўчди. Ван чарм фартуғини ечиб, оддий ип-газламадан тикилган камзулин кийди-да, кўчага чиқди. Қош қорайган бўлса ҳам қудуқдан жилдираб турган сув ялтираб кўринар, ҳовуз устидаги мавжлар ялт-юлт қиларди.

Савдогарлар молларини тахлашар, дўкондорлар расталарини беркитишарди. Устахонанинг ёнидан баобрў кекса созанда ўтиб қолди. Ван эҳтиром билан унга салом берди.

Негадир бирдан кеч киргандай бўлди. Қўнғироқнинг бўғиқ даранги шаҳар узра таралиб, кўчанинг шовқин-сурони тинчиди-қўйди. Устахона ҳовлисидаги най садоси ҳам узилди.

Устахонага қувноқ қандолатчи кириб келди. У ўз дўстига булkachалар келтирган эди.

— Қани ол, Ван,— деди у овозини баландлатиб. Кейин теварак-атрофига олазarak бўлиб, секин шивирлади:— эсингдан чиқмасин, бугун кечқурун-а...— Кейин эса яна овозини баландлатиб:— шошиб турибман. Тунинг хайрли ўтсин, Ван,— деб қўйди.

Кўча энди қоп-қоронғи бўлиб қолганди. Ваннинг олдидан башанг кийинган бир мусофир ўтиб борарди. У темирчининг юзидаги тамғани кўриши биланоқ қадамини жадаллатди.

— Қандолатфуруш Ли нимага келибди?— деди кўзи ожиз Ши.— Мен унинг овозини эшитдим.

Ван индамади. У мусофирнинг ҳақоратомуз қарашини ҳалигача унутолмаганди. Қўнғироқ иккинчи марта чалинди. Темирчи қаттиқ кулиб юборди-да, қайсар эшагини савалаётган кишига:

— Эҳтиёт бўлинг, мен жиноятчиман-а!— деб қичқирди.

— Сизга нима бўлди, Ван ота?— деб сўради гангиб қолган бола.

— Ли бизга ширин булkachалар олиб келди. Ол, ош бўлсин. Устахонанинг олдидан бир нотаниш одам ўтиб қолди. Бўлган гап шу.

— Раҳмат, Ван ота.

Қўнғироқ учинчи марта даранглагандан кейин шаҳар кўчалари ҳувиллаб қолди. Уйларнинг деразаларида хира чироқлар кўринарди. Кеч кириши билан бамисоли уйқуга кетгандек кўринган шаҳар ташландиқ ва жонсиз нарсага ўхшарди.

Қўнғироқли миноранинг олдида камон осган икки мўғул соқчиликда турарди. Ёғочдан енгилгина қу-

рилган уйчаларнинг мойли қоғоз билан тўсилган деразалари тирқишидан хира ёғду тушиб турарди. Соқчилар бўлса катта кўчадан бир текисда қадам ташлашарди.

— Ухланглар, ухланглар, танбал тошбақалар!— соқчилардан бири шундай дея найзасининг учи билан ёғоч дарвозани тўқиллатиб уриб қўйди. Уртоқларига унинг ҳазили наша қилиб, қаҳ-қаҳ уришди.

Бу вақтда жин кўчада бир киши соқчиларнинг ўтиб кетишини пойлаб турарди. Баланд бўйли, сал букчайган ва елкалари тор бу одамнинг кўриниши аллақандай сирли эди. Девордан тушган кўланкада турганидан башараси кўринмасди. Кўча тинчигандан кейин ун чиқармасликка тиришиб, йўлида давом этди. У катта кўчанинг чорраҳасида тўхтади. Шунда қора чироқнинг нури афтини бир дам ёритди. Қора ниқоб унинг пешанаси, чаккаси ва бурнини яшириб турарди. У соқчиларнинг овозлари мутлақо эшитилмай қолгунча кутиб турдида, олдин ўнг, кейин чап томонига қараб олиб, югуриб кўчани кесиб ўтди.

Ваннинг устахонаси қоп-қоронғи эди. Унинг кўчага қараган эшиги ортида кўзи оғиз бола турарди. У бошқалар эшитолмайдиган шарпани ҳам илғай оларди. Бир каламуш инидан чиқиб, қарамнинг олдига чопқиллаб борди-да, уни кемира бошлади. Иккита одам девор ошиб ўтишди, уларнинг қадам товушлари ҳовлидан эшитила бошлади, ниҳоят уларнинг: «Мана келдик!»— деб шивирлагани боланинг қулоғига чалинди. Эшик гижиллаб, икковлари ичкарига киришди.

Бу яқиндан келаётган овозлар эди. Ши бўлса анча олисда нималар бўлаётганини ҳам эшитиб турарди. У шунақанги сезгир эдики, келаётган товушга қараб орадаги масофа неча қадам келишигача аниқ била оларди. Соқчилар бу пайтда қўнғироқли минорага етишганди.

Ши оҳиста қадам товушларини қўшни боғда вовиллаган ит билан барабар эшитди. Эшикни очди, юзига ниқоб кийган нотаниш киши зим-зиё устахонага кириб келди.

— Мени Ваннинг ёнига олиб бор!— буюрди у болага.

— Юринг, жаноб.

Мой чироқ атрофида темирчи Ван, қандолатфуруш Ли, этикдўз. У ва тахтиравончи Ян чордона



қуриб ўтиришарди. Хира чироқ фақат одамларнинг афтларини ёритар, хона бўлса қоп-қоронғи эди. Деразаларнинг ёғоч дарчалари ёпиб қўйилганди.

— Мен номсиз вакилман,— деди ниқобли киши гап бошлаб.— Қўзғалманглар. Гапимга яхшилаб қулоқ солинглар.— У кўр Шига қараб қўйди-да, юраги бетламайгина:— бола чиқиб турсин,— деди.

Ши итсат билан эшик томон юрганди Ван эътироз билдирди:

— Қолаверса ҳам бўлади. Ши бировга лом деб оғиз очмайди, жаноб. Агар уни ўлгунича саваласангиз ҳам ғинг демайди.

— Майли,— номсиз вакил рози бўлди.— Ундай бўлса қолақолсин.

Ши ўзида йўқ хурсанд бўлиб қоронғи бурчакка чўкди-да, жон қулоғи билан тинглай бошлади.

— Тоғлардаги сигнал гулханларини қачон ёқишадими?— деди шошқалоқ Ли.

Ван уч йил азоб чеккан қоронғи ва сассиқ зиндонни эсларкан, икки юзидаги тамга ўрни ловиллаб кетди.

— Қотилларга ўлим!— деб гўлдиради у нафрат билан.

Тахтиравончи Ян билан этикдўз У миқ этишмасди.

— Ҳали фурсат етгани йўқ,— деб жавоб берди номсиз вакил.— Бироқ менинг хўжам ана шу фурсатга тайёргарлик кўришларингни буюрди.

— Шунча одамни нобуд қилаётган йўлбарс эртами-кечми чуқурга ўзи йиқилади,— деди тахтиравончи.— Аҳмад бугун яна хонбиканинг ҳузурида бўлди.

— Ҳали фурсат етгани йўқ,— деди номсиз вакил такрор.— Чоҳнинг чуқурлиги ҳали мўлжалга етган эмас.

— Хўжангиз: «Уни ўлдир!»— деса, Аҳмадни ўз қўлим билан бўғиб ўлдираман,— деди Ван хафақонлик билан.

— Сенинг қилич ясашинг ҳозирча муҳимроқ.

Нотаниш киши йиғилганларнинг тунд чехраларини жим кўздан кечирди.

Пилик мойда сузиб, кўкиш алангаланиб ёнарди. Нотаниш киши шундан кейин яна гапира бошлади:

— Аҳмад деҳқонларнинг бамбуқзорларини тортди олди. Ҳозир бамбуқ сотиб бойияпти. У камбағаллар-

га дарёлардан балиқ овлатмай қўйган. Деҳқонлар чопарларни текинга боқишлари керак. Амалдорлар камбағалларда увоқ ҳам қўймай барини тортиб олишяпти, бундан норози бўлганларни калтаклашяпти. Цзянси вилоятидаги кўпчилик эркаклар Аҳмаднинг амалдорларига ижара ҳақи ва кўплаб ўлпонларни тўлашга пул тополмай хотин ва болаларини сотишга мажбур бўлганларидан хабарларинг борми?

— Бу ердагиларнинг аҳволи ҳам яхши эмас,— гап қистирди этикдўз.— Кеча олдимга бир деҳқон кириб: «Энди қизимни сотишимга тўғри келади, негаки хўжайин молимни тортиб олди»,— деб қолди. Мана ўзимни олиб кўринг. Мен ҳам ҳамма солиқларни тўлашга пулни қаёқдан олишимни билмайман.

— Хамирга тузни-чи?— қандолатфуруш гапга аралашди.— Сизлар мени туз сотиб олишга қурби етади деб ўйлаясизларми? Одамлар бўлса менга: «Бу тузсиз нарсангни ўзинг е, Ли! Бунақа булқачаларингни ким ҳам оларди»— дейишади. Ҳа, шунақа дейишади. Агар мен туз сотиб оладиган бўлсам одамлар молимни олмай қўйишади — нархи баландлигидан кучлари етмайди-да.

— Отнинг нархи ҳам кўтарилиб кетди,— деди тахтиравончи.

— Яқин орада бозорда гадойлар савдогарлар ва жаридорлардан ҳам кўпайиб кетади.

— Муҳтарам Аҳмад жаноблари ва унинг мансабдорлари кун сайин бойиб кетишяпти. Биз бўлсак оч қоляпмиз...

Уларнинг ҳаяжонли овозлари қаттиқроқ чиқа бошлади. Нотаниш киши шундан кейин «жим бўлинглар» дегандай қўлини кўтарди.

— Хуан Чин ташқарига чиқди,— деди кўзи ожиз Ши.— Мен унинг қадами шарпасини биламан.

Йиғилганлар дамларини ичларига ютиб қулоқ солишса ҳам ҳеч нимани эшитишолмади.

Хуан Чин қовоқхона эгаси бўлиб, қўшни уйда истиқомат қиларди. У гуручдан қилинган расво бўзани ҳам уч баравар қимматга пулларди.

— Қовоқхоначи яна уйига кирди,— деди Ши.

— Ши, эшикнинг ёнига чиқиб тур, тагин битта-яримта сезиб қолмасин. Агар шубҳалироқ товуш эшитсанг деразани тиқиллат.

Ши хонадан чиқди. Уйдагилар пича вақт тутаёт-

ган чироқ атрофида оғир ўйга чўмганча индамай ўтиришди.

— Биз бу ерга отнинг баҳосини муҳокама қилишга тўпланганимиз йўқ,— деди Ван ниҳоят.

— Ван, секинроқ гапиринг. Аҳмаднинг қандай даҳшатли нарсани ўйлаганини бир эшитинглар-а, дўстлар. У хон бикага ёқайин деб бегуноҳдан-бегуноҳ бир одамни қатл қилмоқчи!

— Чинакам иблис!— деди Ван гўлдираб.

— Бу бўрдоқи Жамбуй хотун ҳам Аҳмаддан қолишмайди.

— Эртагаёқ Жамбуй хотунчалар қилиб сотганим бўлсин!— деди қандолатфуруш таҳдид қилиб.

— Тузиям бўлмайди!— қўшимча қилди тахтиравончи.

Ван бўлса қандолатфурушга жаҳл билан қараб қўйди-да:

— Яхшиси тилингни тий. Сен аҳмадчалар пишириб сотганинг учун менинг қамоқда уч йил ётиб чиққанганимни унутганга ўхшайсан-а, чоғимда,— деди.

Ли гуноҳкордай бошини ҳам қилди.

— Сен Аҳмад нимани ўйлаганини бизга айтиб бер,— деб илтимос қилди у.

Ҳамма яқинроқ сурилиб ўтирди, нотаниш киши шундан кейин паст овозда ҳикоясини бошлади.

— Кеча хоним бика «ранг-баранг гулли ва тиниқ сувли» ваннага тушибди. Сувда ётганида чўрисига ширин олмалардан келтиришни буюрибди. Чўри ордан бир оз ўтгач йиғлаб-сиқтаб қайтиб келибди-да, ширин олма келтиролмадим, олма ортилган хачир пойтахтга келаётганида довонда жарга қулаб кетибди, дебди. Ҳар куни саройга Манзи вилоятдан энг яхши тар мевалар ортган махсус карвон келиб туришини биласизлар-ку. Бу йўл жуда оғир, у жарликлар ёқалаб кетган тик қоялар ёнбағридан, осма кўприклардан, кенглиги кўпинча замбарчининг елкасидан катта бўлмаган сўқмоқлардан ўтади. Жамбуй хотун олма йўқлигини эшитиб ғазабидан ловиллаб кетибди. Уша заҳоти иккита қўриқчини чақириб, чўрини зиндонга ташлашни буюрибди...

— Бу лангати бўрдоқини тошбўрон қилсанг!— деди Ван азбаройи чидаёлмаганидан нотаниш кишининг гапини бўлиб.

Бироқ у парво қилмай гапида давом этди:

— Аҳмад пешиндан кейин хон биканинг олдига

келган экан, у: «Ҳоқоним Хубилайхон Шандуда бўлса мен ҳаттоки олма ҳам тополмайман. Сиз, вазир Аҳмад Хонбалиқдаги тартиб-интизомни кўздан қочирмасангиз яхши бўларди»,— деб нолибди. Чўрининг бизга айтишича, бу сўзларни эшитиб Аҳмаднинг ранги бўздай оқариб кетибди-ю. ўша заҳоти хачир ҳайдовчини қамашни буюрибди. Тонг отиши билан шўрликни қатл қилишади.

Ниқобли нотаниш киши ўтирганларга бир-бир қараб қўйди. Унинг кўзлари ғазабдан чақнарди.

Ван маҳкам тишини-тишига босди.

Қандолатфуруш даҳшатдан қўли билан юзини беркитиб олди.

— Аҳмад — нақ иблиснинг ўзгинаси!— деди тахтиравончи.— Ҳамманинг кўргани кўзи йўқ уни.

— Аҳмаднинг бу жиноятдан ҳамма воқиф бўлиши керак,— деди номсиз вакил.— Мана шунинг пайдан бўлинглар, лекин эҳтиёткорликни унутманглар.

— Ҳадемай тонг отади,— деди Ван бўғиқроқ овозда.— Биз шўрликларнинг қатл пайтида, жаллод болтасини кўтарганда қанақа бақирришларини эшитганмиз.— Шундан кейин бенхтиёр овозини баландлатиб қўшиб қўйди:— Сиз бўлсангиз: «Ҳали фурсат етгани йўқ», дейсиз.

— Гапимга қулоқ солинглар, тонг отгунча хачир ҳайдовчи қамоқдан қутулади.

— Эркаклар енгил нафас олишди.

Улар чироқдан сал нари сурилишганди, юзлари қоронғиликда кўринмай қолди. Энди ҳамма тор кифтли бу кишига гўё ром бўлгандай тикилишарди. Ҳаммалари унинг кучлилигини ҳис этиб турар ва тамоман унга ишонардилар.

Қўнғироқ беш марта даранглаб, овози бутун шаҳарга ёйилди.

— У тез орада шу ерда бўлади. Сиз уни уйингизга яширишингиз керак, Ван. Тагин қўшнингиз уни кўриб қолмасин, шундан кўз-қулоқ бўлиб турасиз.

— У бу ерга келадими?— деди Ван ҳайрон бўлиб.

— Қўрқяпсизми?

— Бу гапни қўйсангиз-чи, жаноб!..

— Маъқул, мен сизни ранжитмоқчи эмасдим, Ван. У сизникида уч кун туради, кейин Хонбалиқдан олиб кетиб, ишончли жойга яширамиз. Хўжам яна устaxonангизга икки арава темир келтирилишини ай-

тиб қўйишни ҳам буюрганди. Сиз ундан қилич ва найзага уч ясашингиз керак. Ли, У ва Ян, сизлар ана шу аслаҳаларни дўстларимизга улашиб, уларга «Қуролни чархлаб, уни шай тутинглар», деб қўясизлар. Хўжам сизларга ана шуларни етказишни буюрганди.

Ши деразани тақиллатди.

— Бир дақиқа сабр қилинглар,— деди нотаниш киши.— Мен ҳозир қайтаман.

— Оҳиста қадам товушларини эшитяпман, жаноб,— деди Ши ҳаяжонланганидан ғўлдираб.— Икки киши уйлар панасига биқиниб келишяпти. Ҳозир улар тўхташди, мана яна келишяпти.

Нотаниш киши қўлини кўр боланинг елкасига қўйди-да:

— Қўрқма, Ши, булар бизнинг дўстларимиз. Бор уларни киритиб юбор,— деди.

Қоп-қоронғи устахонага икки киши кириб келди.

— Мана у, жаноб,— деди улардан бири.— Тонг отгунча ҳеч ким билмайди. Хўп, энди мен кетай.

— Шошманг.— Нотаниш киши шундан кейин Шига ўғирилди.— Бирор нарса қулоғингга чалинма-яптими, Ши?

— Йўқ, жаноб.

— Бўлмаса бораверинг. Сиздан миннатдоримиз. Буни бизга ёрдам берган барча ўртоқларга етказинг.

Ҳалиги киши қия очиқ турган эшикдан унсиз чиқиб кетди. Ана шундан кейин, бўзара бошлаган осмон фониди қамоқдан озод қилинган хачир ҳайдовчининг гавдаси кўринди. У ҳам нотаниш киши каби новча, лекин елкалари сал кенгроқ одам эди. Уни бошлаб келган киши эшикни оҳиста ёпди. Ши бошини энгаштирганича яна кўчага қулоқ сола бошлади.

Номсиз вакил хонага қамоқдан озод қилинган кишини бошлаб кирганида хонадагилар чироқ атрофида туришарди.

— Мана у.

Ван хачир ҳайдовчини бағрига босди. Бошқалар унга унсиз салом беришди.

— Менинг отим Чжан,— деди хачир ҳайдовчи. У чўққайиб ўтирди-да, юзини қўллари билан беркитиб, йиғлаб юборди.

— Йиғлама, Чжан,— деди юмшоқ кўнгил Ли.— Сен энди озодликдасан.

Хачир ҳайдовчи бошини кўтарди.

— Тоғларда сигнал гулханлари қачон ёқилади ахир?— деди Ван қатъий қилиб.

— Темирчи, сен қуроол ясайвер. Қуролимиз етарли бўлди дегунча, тоғларда сигнал гулханларини ёқамиз. Жиноятчи Аҳмадга ўлим!

— Жиноятчи Аҳмадга ўлим!— дейишди йиғилганлар унга қўшилиб.

Номсиз вакил уйдан чиқди-ю, зимзиё тун қўйнида ғойиб бўлди.

\* \* \*

Саид азбаройи хурсандлигидан ҳингиллаб қўйди. У дозорда юрганларнинг бир-бирларига эринибгина айтаётган гапларини эшитган эди, қўриқчилар бўлса унга томон тўппа-тўғри бостириб келишарди. Қўнғироқ ҳам ҳозиргина чалинди. Унинг овози шаҳар уйлари-нинг сарғиш ва ясси томлари узра сирғалиб кетди. Қўриқчилар ниҳоят кўчада бир одам кетаётганини пайқаб қолишди-да, унга тўхташни буюриб, қуршаб олишди. Афтларидан уларга жон кирганлиги кўриниб турарди. Бу зерикарли тунги хизматда ниҳоят уларга бир эрмак топилганди-да! Саид шундан кейин шошилмай ёнидан кумуш пайцзасини олди-да, бошлиққа кўрсағиб, виқор билан:

— Мени ўтказиб юборинг!— деди.

Бошлиқ пайцзани синчиклаб кўздан кечириб, ўлганининг кунидан қайтариб берди. Дозорчилар нари кетишаркан Саид уларнинг кетидан қараб қолди. Сарин тун ниҳоятда ажиб эди. Булут қоплаган осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтирарди. Бир-бирига қапишиб кетган пастак уйлар тун зулматига сингиб кетганди. Саид шундай зимзиё кечаларни хуш кўрарди. Ҳар гал кумуш пайцзасини ёнидан олиб қўриқчиларга кўрсатганида терисига сиғмай кетарди.

Саид жаноб Аҳмаднинг буйруғига мувофиқ қўп йилдан бери Марко Полони кўздан қочирмай юрганидан уни ўлгидай ёмон кўрарди. Агар ўз қўлида бўлса венецияликни аллақачонлар гум қилган бўларди-я. Саид Лобда тўқнашганларидаёқ ўтакасини ёриб юборган паҳлавоннинг Хонбалиқдан жўнаб кетганини эшитгандан кейин елкасидан бамисоли катта тоғ ағдарилгандай бўлди.

Капитан Матео океанда юрар, миш-мишларга қа-

раганда унинг қачон бўлмасин Хонбалиққа қайтиш даргумон эди.

Саид чақимчи худди хўжайини сингари Маркони кўрарга кўзи йўқ эди. Хубилайхоннинг бу арзанда-сидан Аҳмаднинг ўч олишига мадад берадиган маълумотларни бир амаллаб қўлга киритиш пайида ўлиб-тириларди. Аҳмаднинг арқонни узун ташлаб қўйганлиги уни ҳайрон қолдирса ҳам, кун ўтган сайин кутилган фурсатга оз қолганлигини аён тушуниб борарди. Аҳмад жаноблари жуда сержаҳл бўлиб қолганидан Марко билан охириги сафар гаплашганида бир амаллаб ичидагини сиртига чиқармади. Унинг тақдири венецияликнинг тақдирига нақадар чамбарчас эканини тушуниб етишга эса Саиднинг ақли калталик қиларди. У ўзимга топширилган вазифани бажаришим биланоқ Аҳмад менга яхши мартаба беради, кейин жаноблардай айшимни суриб юраверама, деб ўйларди.

Ҳозирча бўлса у кечалари венецияликларнинг уйи атрофида изғиб юрарди. Гоҳ-гоҳида деворга осилиб боққа мўраларди. Бу кеча атрофини ток новдалари қуршаган шийпонда чироқ ёниб турарди. Саид уйдаги барча сир-асрорлардан воқиф бўлиб ким қаерда туришини билар, қадам товушидан ҳовлида ким юрганини айтиб бера оларди. Хуллас, у венецияликларнинг турмушини ипидан-игнасигача ўрганган эди. У душманнинг ҳар бир қадамидан хабардор, агар унинг ўрнида бошқа одам бўлиб, бу вазифа унга топширилса борми, албатта довдираб қолган бўларди.

Саид вақтни бир амаллаб ўтказиш учун кўчадан қуйи томонга кета бошлади. Шунда бир мушук кўчани унсиз кесиб ўтди, бир кучук вовиллади, шундан кейин бошқа итлар ҳам бири олиб, бири қўйиб хурий бошлашди. Сўнг яна атроф тинчиди-қолди. Саид шунда кимнингдир оҳиста қадам товушларини эшитиб қолди. Кутилмаган бу ҳодисадан унинг юраги орзиқиб кетиб, деворга қапишди-да, ханжарига ёпишди. Бироқ бирор қарорга келиб улгурмаган эди ҳамки, ёнидан новча ва тор елкали кимдир эҳтиёткорлик билан шипиллаб ўтиб кетди.

Шундай бўлса-да, Саид нотаниш кимсанинг юзида ниқоби борлигини сезиб олди. Нима қилсин? Қўриқчиларга хабар берсинми? Овозини чиқарса бас, қўнғироқли минорани қўриқлаётган дозорчилар зумда етиб келади. Дозорчилар яқингинада юришиб-

ди-да. Ё бўлмаса, ниқобли кишини ўзи қўлга туширгани маъқулроқмикин?

Саид ўй суриб тураркан, ўлжасини кўздан йўқотиб қўйди. Бу одам қаёққа даф бўлдийкин? Саид таваккалига олдинга югурди. У эҳтиёткорлик чораларини ҳам унутиб, қадамини тезлатди. Ниқобли киши эса бу пайтда яқинроқдаги дарахт ортига беркиниб, ўзини таъқиб қилиб келаётган одамни вавқ билан кузатиб турарди. Саид дарахт ёнидан ўтиб, муюлишда кўздан йўқолди. Нотаниш тор кўчага бурилди. У яна жонга аро кирувчи зулмат қаърига кириб ғойиб бўлди.

Саид тўхтаб, аранг нафасини ростлаб олди. У зўр бериб бирор нарсани илгаш умидида зимистон кўчага тикиларди. Кўзига эса икки-уч қадам наридаги нарсалар кўринарди, ҳолос. У дарахт танасини кўриб қўрқиб кетди, бироқ шу лаҳзада қўрққанидан ўзи хижолат тортиб, алаmidан унга ханжар санчди. Ниқобли киши ерга кириб кетгандай кўздан йўқолганди. Балки у бирор ерда беркиниб, уни кузатиб тургандир? Саид ортга бурилиб, тагин битта-яримта орқамдан келмаётганмикин деб кетига қарай-қарай тош кўчадан кетаверди. Кейин яна оқ девор ёнидаги бояги ўрнини эгаллади.

Шийпонда ҳамон чироқ ёнарди.

Бу ерда тураверишдан энди ҳеч маъни чиқмасди. Нотаниш киши билан учрашув Саиднинг кир кўнглига ғулғула солиб қўйганидан дам шубҳали шитирлашларни эшитгандай, дам қандайдир шарпаларни кўргандай бўларди. У хизматчилар турган уйнинг юпқа девори ортидаги йўтал овозини эшитганда қўрқувдан қалтираб кетди.

Саид зимзиё тунларнинг бениҳоя сокинлигини, лекин бу тунлар мабодо хавф-хатардан холи бўлса хуш кўрарди. Шунинг учун ҳам вақт ганиматда тезроқ уйга жўнаб қолишни афзал билди.

\* \* \*

Марко Поло шийпонда ўтириб кутубхонадан олган қўлёзмани кўчирарди. Бу Хубилайхоннинг Катай вилоятларини истило қилиш тарихи эди. Марко қўлёзмадаги сатрлар аниқ тушганига қойил қолар ва уларни енгил ўқиётганидан қувонарди. Ўзига нотаниш бўлган бу ёзувнинг сирига тушуниш учун у кўп



йил қунт билан меҳнат қилганди-да. Саёҳат пайти-да кўрган мамлакатлари ҳақида унча-мунча ёзиб қўйганларининг ўзи каттагина китоб бўлиб қолганди. Марко ҳозир ҳам худди илгаригидай ёт халқларнинг ҳаётини иложи борича чуқурроқ ўрганишга интиларди.

Қўлёзмада Хубилайхоннинг жасоратлари мадҳ қилинарди. Марко унинг кириш қисмига яна бир бор кўз ташлаб чиқди. «Хубилайхон ниҳоятда бо-тирлиги, донолиги ва кўплаб мўғул князлари қўлаб-қувватлаган укаси Ариг-Буганинг<sup>1</sup> ёвуз ниятларини пайқаб ололгани туфайли ҳукмдорликка эришди. У тахтга чиқишдан аввал кўнгилли равишда саркарда бўлди ва ҳар бир юришда шахсан қатнашди. Бутун ишларида дадил ва донолигини намойиш этди, бироқ ҳарбий санъатда айрича истеъдод эгаси эди. Шу ваздан ҳақли равишда аскарларни жангга бошлаган қўмондонларнинг энг тадбиркори ва ажойиби саналади»...

Енгил шабада қўлёзма варақларини сийпаб ўтиб шийпонда ёлғиз ўзи ишлаб ўтирган йигитга салқин уфурди. Шам алангаси титради. Марко қўлёзма варақларини жой-жойига қўйди-да, фил суюгидан ишланган таёқчани китоб ҳошиясидаги ипак ҳалқачага қистириб қўйди.

Марко Поло буюк хон саройида кун кечираётганидан бери бугун биринчи марта уни ёзги қароргоҳига кузатмади. Буюк хон Қатайнинг пул системасини ўрганиш учун унга Хонбаликда қолишни буюрган эди. Марко ҳам шу ваздан Хонбаликдаги пул зарб қилишнинг сирларини ўрганишга сидқидиллик билан киришганди. Савдогарлар истаган молларини буюк хоннинг қизил муҳри туширилган қоғоз пулга олаётганлари Маркони ҳайрон қолдирмай иложи йўқ эди. Қоғоз пуллар бўлса кумуш ва олтин билан барабар юрарди.

Хубилайхоннинг саройига ҳар йили турли мамлакатлардан катта савдо карвонлари оқиб келарди. Улар марварид, қимматбаҳо тошлар, зар билан тикилган матолар, бриллиант қадалган камарлар,

---

<sup>1</sup> Ариг-буга — Хубилайхоннинг укаси. Хубилайхон тахтга чиққач у бир неча йил мобайнида акасига қарши кураш олиб борган. Ариг-буга бунда Иртиш бўйи ва Етти-сувдаги мўғул князларига суянган.

ипак ва зарбоф кийимлар, фил суягидан ишланган буюмлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар келтиришарди. Император ўзига яқин ўн иккита тажрибали савдогарга ана шу молларнинг барини кўздан кечириб, баҳосини чиқаришни буюрарди. У ажнабий савдогарларга молларига қўйилган баҳо устига анчагина қўшимча нарх қўйишга рухсат берар ва шу тариқа ҳосил бўлган тафовутни қоғоз пул билан тўларди.

Император Марконинг кўзига гоҳо алхимиянинг сирини биладигандай бўлиб кўринарди. Дарвоқе, қоғоз пулни олтинга айлантирган у эмасми? Унинг мулкида қоғоз пулга олтин, кумуш ва умуман хоҳлаган нарсангизни олсангиз бўларди-да, ахир.

Марко бир неча кун олдин зарбхонага кириб, пул қилинадиган қоғознинг қандай тайёрланишини ўз кўзи билан кўрган эди. Бунинг учун тут дарахтининг пўстлоғи, аниқроғи танасининг юмшоқ қисми олиниб, анча ивителилар, сўнгра ховончада туйиларди. Оқибатда бўтқага ўхшаган бир нарса ҳосил бўларди. Ип газламага ўхшаган қоғоз шу тариқа олинар, бироқ у қора рангда бўларди. Ана шу қоғозга мис пластинкалар ёрдамида айрича нақшлар солинар, кейин эса турлича катта-кичикликда баравар қилиб қирқиларди. Ниҳоятда ишончли бўлган мансабдорлар бу пулларга тамға босиб чиқишар, охирида эса зарбхонанинг бош устаси уларга қизил бўёқ билан императорнинг муҳрини туширарди.

Шу тариқа тайёрланган қоғоз пуллар Хубилайхонга тобе бўлган барча мамлакатларда олтин пул билан баравар юрар, уларни олмасликка ҳеч кимнинг юрағи дов бермасди. Қоғоз пул кўплаб чиқарилганди. Агар қоғоз пул қўлдан-қўлга ўтавериб, титилиб кетса, унинг эгаси зарбхонага келиб янги-сига алмаштириб кетарди. Бунда матбаа харжатлари учун ҳар бир пул қимматининг уч проценти ушлаб қолинарди.

Қоғоз пулнинг энг кичиги кичкина ливрга, катта-роғи эса венецияликларнинг кумуш тангасига баравар келарди. Қиймати беш ва ўн тийинлик кумуш тангаларга, ўн беш, ўттиз ва ҳаттоки ўн тилла бизантга тўғри келадиган қоғоз пуллар ҳам бор эди. Қалбаки қоғоз пул ясашга ёки уни ишлатишга ҳаракат қилган ҳар бир одам қаттиқ жазоланарди.

«Оллонинг алоҳида ҳомийлигидаги император

ҳазратларининг махсус фармони»да шундай дейилганди:

«Агар бирорта фуқаро қалбаки пул ясага, ундай одам ким бўлишидан қатъий назар, қатл қилиниб, мол-мулки мусодара этилади. Умумдавлат афусининг бундай хилдаги жиноятчиларга дахли йўқ.

Қандайдир йўллар билан қалбаки пул топиб, ишлатган одам биринчи сафарда юз етти дарра билан жазоланади, шу ишини яна такрорлайдиган бўлса аввалгидай жазоланиб, бир йилга бадарға қилинади...

Кимки қалбаки пул ясаган киши ҳақида хабар берибгина қолмай уни ушласа бешта кумуш билан мукофотланади ва жиноятчининг мусодара қилинган мулкига эга бўлади».

Марко текширишлари оқибатида бу улкан давлатнинг пул системаси намунали тартибда, бунга Аҳмад вазирнинг буюк қобилияти сабабчи экан, деган фикрга келди. Ҳар ҳолда, зарбхонанинг амалдорлари унга ғоятда такаллуф билан шундай деб тушунтиришди. Айтмоқчи Аҳмад вазирнинг ўзи ҳам Маркога керакли нимаики бўлса барини жон деб тушунтириб берарди.

Енгил шабада туннинг оғир сукунاتини сал бузгандай бўлди, майсалар, гулларни ялаб ўтаркан, уларнинг япроқлари шитирлади. Шийпоннинг атрофи ўзига яраша яшил девор билан ўралганидан орасидан барча товушларни ўтказиб турарди. Шамнинг нотекис алангаси Марконинг фақат бош ва елкасинигина ёритар, қўллари бўлса қоронғиликда кўринмасди. Шунда йигит ўзини бирдан ёлғиз ҳис этди. Дабдабали базмларга кўникиб қолган бу йигит энди катта шаҳарнинг қоқ ўртасида, ўзининг барча орзу ва хотиралари уммонига ғарқ бўлганича танҳо ўтирарди. Атрофга яна сукунат чўкканидан Марко ўз юрагининг гупиллаб ураётганини эшитиб турарди. Уйлардаги одамлар пиш-пиш ухлаб, тушлар кўриб ётишарди. Қўнғироқ беш бор чалинди. Унинг овози бутун шаҳарга таралиб, сўнди. Олмадаги қандайдир бир қуш уйқучан силкиниб, оҳиста чиқиллади-да, яна бошини қаноти остига яширди. Ерга шабнам тушиб, ғунчалар очила бошлади. Кучайиб қолган шабада кундузги чарчоқни ҳайдаб, салқин уфура бошлади. Марко бошини қўлига қўйиб, орзу уммонига шўнғида. Қўнглининг эзгу жойидаги

фикрлари етилиб, кўз ўнгида орзулари ёрқин гавдалана бошлади.

\* \* \*

Номсиз вакил юзидан қора ниқобини олиб, яшириб қўйди. Энди у эҳтиёткорлик қилмай елкасини ростлаб, кўчадан тез-тез юриб борарди. У ёнида қоровулхонаси бор шаҳар дарвозасига етди. Қоровулда турганлар ўқларини камонга жойладилар-у, яна дарров олдилар. Улар Ванчжунни таниб қолишганди.

— Бош устига!— соқчилардан бири шундай деб қичқирди-да, баланд овозда сардорига ахборот берди.

Ванчжу унга мулоимлик билан миннатдорчилик билдирди-да, қоровулхонага ўтди.

— Нега кечаси шаҳарда изғийди бу?— деб сўради соқчилардан бири.

— Юрса, юравермайдими,— деди бошқаси унга жавоб бериб.— Лекин Ванчжу сен билан одамдай гаплашади.

Соқчилар Катайнинг олис вилоятида туғилиб-ўсган эдилар.

Шу лаҳзада қоронғиликдан Саид чиқиб келди. У кумуш пайцасини узата туриб сўради:

— Ҳозиргина қоровулхонага кимни киритиб юбординглар?

— Нима ишинг бор?— деди соқчи пайцани қайтараркан, қовоғини солиб.— Яхшиси уйингга жўнагин-у, бориб ухла.

— Олдин, дўстим, айт, кимни киритиб юбординг?— Саид саволини такрорлади. Бироқ гапига жавоб ололмаганидан кейин ғижиниб қўшиб қўйди:— Тезроқ айт. Қоғоздаги муҳрни кўрмадингми, ахир?

— Елкасига найза билан бир тушир!— бошқа бир соқчи уйқусираган овозда шундай деб қичқирди-да, нақ Саид олдиғинасига, ерга туфлаб, эснади.

Саид дарғазаб бўлганича нари кетди.

— Шошмай турларинг, бир адабларингни берма-самми!— деди у хавфсизроқ жойга бориб олгандан кейин.

Кўкиштов-қора осмондаги олис юлдузлар ялтирарди. Вақт унсиз ўтарди. Қандолатфуруш Ли, тахтиравончи Ян ва этикдўз. У бировларнинг бор ва

ҳовлилари оралаб уйларига боришарди. Кўчаларнинг муюлишида хира чироқлар ёниб турарди.

\* \* \*

Ашима қичқириқдан уйғониб кетди. Қиз бечора туриб ўтирди-да, жонҳолатда ён-верига қаради. Кейин нафасини ичига ютиб, қулоқ солди. Бироқ қулоғига юрагининг уришидан бўлак товуш чалинмади. У ёлғиз эди. Эҳтимол, у ўзининг бақирганидан уйғониб кетгандир? Матео кетгандан бери Ашиманинг юраги гулгуладан бўшамасди. У умрбод хайрлашган ўтмиш кунлар уйқусида яна қайтиб кела бошлади: оёқларидаги занглаган кишан, хўжайиннинг бўралаб сўкиб, калтаклашлари. Буларнинг бари тушига кирарди-да, ахир...

Ашимда болишга қўл чўзиб, кўрпанинг силлиқ ипагини силади-да, очиқ деразадан хонага кириб турган ўт ўланларнинг хушбўй исидан тўйиб нафас олди. Қиз сарин ва юлдузлар чарақлаган кечадан завқланарди. Ҳаёт нақадар гўзал! Қани энди қизни Матео ташвиши қийнамаса. Матео чор атрофда ўзини пойлаб турган хавф-хатарларни хаёлига келтирмай, бепарво океанда сузар, тагида эса маржон қоялари чўзилиб кетган, балиқлар ўйнашар сув ости сарой ва қасрларида сув алвастилари гужгон ўйнашарди. Қиз шу пайтгача денгизни кўрмаган бўлса ҳам. Матео билан Марко унга денгизнинг бениҳоялиги ва ажиб гўзаллигидан гапириб беришганди. Чипингу оролини забт этгани кетган денгизчилардан нега шу чоққача дарак йўқ? Улар йўлга чиққан пайтдан буён ёз, куз, қиш ва ҳамма ёқни кўм-кўк майсаларга тўлдириб, дарахтларнинг шоҳларини ранг-баранг гулларга буркаган баҳор ўтди. Баҳордан кейин ёз келди. Унинг зимзиё тунлари иккинчи куз фаслининг эртaroқ тушишидан дарак беряпти-ю, Матеодан ҳамон ҳеч қандай хабар йўқ.

Ашима деразага яқин келиб, шийпонда чироқ ёқиқлигини кўрди. Чироқ яшил дов-дарахтлар орасидан шунақанги сирли кўринардик, қиз кўрқиб кетиб, ўзини уйғотиб юборган қичқириқни эслади. Қалт-қалт титраб кетиб, дераза ёнидан қочди-да, хонанинг жонга аро кирувчи қоронғи бурчагига ўзини урди. Шунда унга бирдан қичқириқ шийпондан келгандай туюлиб кетди. Хаёлан шундай манзара

кўз ўнгига келди: ранги қув ўчиб кетган Марко ер-да етганмиш, ярасидан қон оқаётганмиш, шам бўл-са худди уни масхара қилгандай липиллаб ёнаёт-ганмиш. Қичқириқ қиз қулоғи остида ҳали ҳам жа-ранглаб турарди. Маркога бир нима бўлганга ўх-шайди деган фикр хаёлига келиб қиз ўзини анча босиб олди. У халатига ўралиб, боққа чиқди-да, яланг оёқлигича тафтли ва нам ўтдан югуриб кет-ди. Ҳовли эшиги ёнида хавотирдан юраги гурсиллаб уриб кетиб тўхтади. Шийпонда аввалгидай чироқ ёнарди. Ашима нафасини ростлаб, ўзини анча бо-сиб олди, қўрқуви кетиб, ўзини бемалол тутди.

Столда иккита шам ёниб турарди. Марко бўлса китобларга бошини қўйганича ухлаб қолганди.

Ана шу сокин манзара қизнинг кўнглини янада жойига тушириб, уни бемаъни гулгулалардан халос этди. Марко столнинг силлиқ тахтасига юзини қўйиб ётар, майин қоп-қора соқол қуршаган чехраси Аши-мага ўгирилганди. Шамлар ёниб тугаёзган эди. Қиз оёғи тагидаги қумнинг совуқлигини сезаркан, қуни-шиб панжаларини сиқди.

Қиз Маркони шийпонда, яна бундай ноқулай аҳ-волда ухлатиб қўярмиди? Қани энди ҳозир кўрган тушини эсласа...

Ашима оҳистагина харракка ўтирди, у пича ўй сурмоқчи эди. Шамол қаттиқроқ уфурса шамдонни ағдариб юбориши мумкин. Унда шамнинг алангаси Марконинг юзини куйдиради-ку. Қиз харракнинг чеккасига сурилди-да, секингина:

— Марко, туринг!— деди.

Ашима унинг юзига қўрқа-писа қаради. Йигит-нинг қовоқлари берк эди. У илгаригидай чуқур ва текис нафас оларди. Ашима унга яқинлашиб, елка-сидан туртди. Марко ўша заҳотиёқ уйғониб, бошини кўтарди-да, қизнинг гўзал қомати буталар орасида ғойиб бўлаётганини кўриб қолди. Қиз бамисоли ажинадай унинг кўз ўнгида тун қўйнига сингиб кет-ди.

— Ашима сенмисан?— деди Марко қичқириб.

Демак, Марко уни танибди-да. Қизнинг энди шийпонга қайтишидан бўлак иложи борми?

— Ялангоёқ юрибсан-ку,— деди Марко хавотир-ланиб,— шамоллаб қоласан. Ўтир, Ашима.— У қиз-ни харрак ёнига олиб келди-да, жилмайганича:—

Мен ухлаб қолибман, сен бўлсанг уйғотиб юбординг,— деди.

— Боққа айлангани чиқувдим. Кечаси бу ер жуда соз бўлади-да!

— Ҳамма ухлапти,— деди Марко.— Фақат икковимизгина бедор эканмиз.

Улар ғиқ этмай ёнма-ён ўтиришарди. Ашима шамга қаради. Унинг пилиги эриган мумга тушиб, то шамол ўчиргунча кўкиш аланга билан ёниб турди.

Япроқлар тунги қўшиқларини куйлашарди. Туннинг юлдуз гулли бахмал пардаси девор ёнидаги олмани улар назаридан яшириб турарди. Осмон бўлса аксинча яқин кўринар, қўл узатса етгудай эди. Ёзнинг бу кечаси тубсиз қудуқ янглиғ зимзиё ва сирли эди.

— Туш қаёқдан пайдо бўлишини билганимда борми...

— Бирор нарсани туш кўрдингми, Ашима?

— Бировнинг қиққирганини эшитдим. Уйғонганимдан кейин кўрқиб кетдим.

— Туш ҳам юлдуздай келади-ю кетади.

Улар жим қолишди. Кейин Марко яна гап бошлади:

— Ашима, император мени Манзига юбормоқчи. Мен ундан шунини илтимос қилдим. Лекин биз Матеонинг қайтишини кутишимиз керак... Сенга Хонбалиқ энди ёқмаяптими?— Ашима анчагача жавоб бермагандан кейин Марко қўшиб қўйди:— Агар Матео бўлмаганда биз эртагаёқ йўлга тушган бўлардик.

Ашима қўлларини халатининг кенг енгига яширди.

— Энди ўзим ҳам билолмай қолдим,— деди у.— Матеодан хавотир оляпман... Оҳ, умуман Куньминга бориш-бормаслигимни ҳам билмайман, Марко. У ерда ҳеч кимим йўқ... Нима қилишимни ҳам билмайман, ҳа, ҳеч нимани билмайман... Энди бориб ётай. Хайрли тун, Марко.

Қиз шундай дея чопқиллаб кетди.

— Буоно ноте!<sup>1</sup>— деди Марко она тилида қизнинг кетидан қиққириб.

— Буоно ноте!— қоронғиликдан қизнинг овози эшитилди.

Йигит Ашима эшикни оҳиста очганини эшитди. Шамол уфуриб иккинчи шамни ҳам ўчирди.

---

<sup>1</sup> Хайрли тун (италиянча).

## САРОЙ ФИТНАЛАРИ

Хубилайхон Шандудан Хонбалиққа қайтиб келди. Унинг сарой аъёнлари ва бошқа мамлакатлардан келган вакиллар шарафига берган зиёфат ва базми уч кунга чўзилди. Мана шу ўтиришларга саккиз минг одам қатнашди. Улуғ хон бўлса залнинг шимол томонидаги баланд тахтида жануб томонга қараб ўтирарди. Яхшилаб безатилган хонтахта ёнида императорга шароб ва нозу неъмат тутиш шарафига муяссар бўлган сарой аъёнлари туришарди. Императорга аталган таомга нафаслари тегмасин учун улар оғизларини ипак рўмолча билан ўраб олгандилар. Маҳрамбачча Хубилайхонга олтин қадаҳда май бериб, уч қадам орқага чекилди-да, тиз чўкди. Шундан кейин залга тўпланган ҳамма сарой аъёнлари ва меҳмонлар ҳам тиз чўкиб, сажда қилдилар.

Ҳоқон қадаҳни лабига тегизиб, майни ютоқиб ича бошлагач, чилторчилар куй бошладилар, айна пайтда чанг, ноғора ва бошқа чолғуларнинг ҳам овози янграб кетди.

Буюк хон қадаҳни бўшатаркан, унинг ажин босган захил юзи дарров гулгун бўлиб кетди. Куй тинди, барча ўрнидан туриб, жой-жойига ўтирди.

Хубилайхоннинг ўнг томонида, тўғри, ундан анча пастроқда ўғиллари, набиралари ва бошқа қариндошлари ўтиришарди. Унинг катта ўғли Чимким ўтирган курси бошқа ўғилларининг курсисидан анча баланд эди. Ажнабий шаҳзодалар ва сарой аъёнлари ўз мавқеларига қараб, пастакроқ хонтахталар ёнидаги ундан ҳам пастроқ ўриндиқларда ўтиришарди. Буюк хоннинг чап ёғида ҳам худди ана шундай тартибга амал қилган ҳолда аёллар ўтиришарди. Бироқ меҳмонларнинг аксариятига гиламдан жой текканди.

Залга кираверишда қурама оломон тўпланганди. Турли мамлакатлардан ҳар хил антиқа нарсалар олиб келган савдогарлар ва вакиллар, буюк хонга ўз санъат ва маҳоратларини кўрсатмоқчи бўлган қизиқчи ва сеҳргарлар ҳам шулар орасида эди.

Қатай императори буюк Хубилайхон аждарларнинг сурати ўйиб ишланган баланд тахтида ўтириб, йиғилганларни кўздан кечирарди. Уларнинг эғнидаги гул ва ҳайвонларнинг сурати олтин ва кумуш иплар билан тикилган ипак либослари рассом тасавури ҳам яратишга ожиз бўлган ажиб бир манзара кашф



этарди. Хизматчилар гўшт, сабзавот ва мевали ли-  
коблар олиб киришарди. Оқсоч қизлар қимиз ва қим-  
рон, гуруч бўзаси билан узум мусалласи солинган  
олтин ва кумуш кўзаларни хонтахталарга териб қў-  
йишарди.

Император бош ирғаб сарой аъёнларидан бирини  
чақирди. Оғзидан мусаллас ва овқат иси гуциллаб  
келиб турганидан буюк хон қулоғига шивирлаб бўл-  
гунича у нафасини ичига ютиб турди. Маълум бўли-  
шича, Хубилайхон Марко Полони кўрмоқчи экан.  
Шунда хоннинг юзига айёрона табассум қалқиди, би-  
роқ венециялик етиб келиб, унга таъзим қилгач, бун-  
дан асар ҳам қолмади. Аҳмад вазир тахтга яқинроқ  
сурилди. Сю Сян бўлса ҳар маҳалгидай император-  
нинг чап томонида турарди.

— Сиз Хонбалиқдаги пул муомаласини ўрганиб  
чиқдингиз,— деди император.— Қалай, маъқул экан-  
ми у?

— Мен ҳазрати олийлари жорий этган доно пул  
муомаласидан ҳайратдаман.

Хубилайхон бирдан қорнида қаттиқ оғриқ сизди.  
Унинг яхши кайфияти зумда йўқолди-қўйди. Хизмат-  
чи унга яна май келтирди. Яна куй янгради. Жамо-  
ат яна тиз чўкиб, хон олтин қадаҳни бўшатиб ерга  
ташламагунча бош кўтармади. Яқинроқда турган са-  
рой аъёнлари императорнинг дарҳол дадил тортга-  
нини кўришди. Марко Поло эса хонга бамайлихотир  
қараб турарди.

— Аҳмад солиқларни кўпайтириш ниятида,— деди  
буюк хон.— Аскарларга ҳақ тўлаш учун менга пул  
керак. Шундай қилиш ақлданми, сиз нима дейсиз?

Марко Поло ўйлаб қолди. Залдаги гурунг тинди,  
гўё олисдаги бурчакда ўтирган одамлар ҳам давлат-  
га алоқадор муҳим масала муҳокама қилинаётгани-  
ни фаҳмлаганга ўшарди. Тўнғич шаҳзода Чимким  
қадаҳини хонтахтага тақ этиб қўйди-да, ёғлиқ лаб-  
ларини артди.

Марко Сю Сяннинг қаттиқ хавотирда ўзига қараб  
турганини сизди. Доимо тунд юрадиган катая олими-  
нинг бугун биринчи марта асл чеҳрасини кўргандай  
бўлди. Марко шундан кейин кўзи билан Аҳмадни из-  
лади, у бўлса бош ирғаб жилмайди.

— Халқнинг елкасига яна оғирроқ юк ортиш адо-  
латсизлик бўлур эди, ҳазрати олийлари.

Император шундан кейин Сю Сянга ўгирилди.

— Сиз нима дейсиз, Сю Сян?

Олим ўрнидан туриб, ҳукмдорга таъзим қилди-да, деди:

— Чўпон қўйнинг жунини йилда икки марта олади. Агар қўйнинг жуни ҳар куни олинса ниҳоятда кўп жун тўпласа бўларди. Бироқ унда қўй совуқ ва иссиқдан ўзини сақлай олмай тез орада нобуд бўлиб кетарди. Яхши чўпон қўйнинг жунини тақир қилиб қиртишлайди дейсизми? Халқ имкониятининг ҳам чегараси бўлади. Агар вазир Аҳмад жаноблари халқнинг бор буд-шудини қоқиштириб олса қўйнинг жунини ҳар куни оладиган чўпон ҳолига тушиб қолмасмикин?

Хубилайхоннинг бурнидан оғиз бурчакларига қараб кетган чуқур ажинлари янада чуқурлашгандай бўлди. Зал сув қуйгандай тинчиди. Фақат ҳовли томондан шовқинлаган товушу шаҳзода Чимкимнинг овози эшитиларди. У ширакайф бўлиб, шериги билан улфатчилик қиларди. Сю Сян, Аҳмад ва Марко Поло тахт ёнида туришар, залдаги юзларча синчков, мазах ва ҳасад ўтида ёнаётган кўзлар уларга қадалганди.

Хубилайхон бундан бир неча кун аввал олган махфий хабари ҳақида ўйларди. Чипингу оролига қилинган юриш мағлубият билан тугаганди.

Императорнинг деярли бутун флоти яксон қилинганди. Янги кемалар қуриш ва қўшинини мустаҳкамлаш учун унга маблағ зарур, нега деганда унинг эски душмани бўлган Угэдэйхоннинг набираси Қайду<sup>1</sup> ўз байроғи остига тобе мамлакатларнинг одамларини тўпламоқда эди. У Қатайнинг шимолий вилоятларидаги князларни ўзига оғдириб олишга ва уларни Хубилайхонга қарши қўзғолон кўтаришга мажбур қилишга уринарди. Илгари Сун сулоласига тобе бўлган ва атиги бир неча йил бурун босиб олинган вилоятлардаги катайларнинг тинимсиз исён кўтариб туришлари ҳам жуда кўнгилсиз эди. Бу исёнларни бостириш учун ҳам қўшин сонини ниҳоятда ошириш керак эди.

Буюк хон тахтга суяниб, пешонасини тириштирди. У ўйга ботганди. Кўзлари ғамгин ёнарди. Шу

---

<sup>1</sup> Угэдэйхоннинг набираси, Чингизхоннинг чевараси. У Нигатой улусидаги ерларга ҳукмронлик қилиб, кўп йиллар давомида Хубилайхонга қарши кураш олиб борган.

лаҳзада ҳаммадан баланддаги олтин тахтада ёлғиз ўзи ташвишга ботиб ўтираркан, маншатдан бўлак ҳеч нарсани ўйламайдиган ва ясаниб-тусаниб олган енгилтак сарой аъёнлари унинг кўзига ёмон кўриниб кетди. Сарой аъёнлари ва уларнинг хотинлари назарида думи ниҳоятда чиройлиг-у, лекин товукбош, император боғидаги ўтлоқлардан ёғлироқ қурт-қумурсқаларни чўқилашгагина ярайдиган қирғовулларга ўхшаб кўринарди.

Буюк хоннинг назари Марко Полодан Сю Сянга ва Аҳмадга ўтди. Булар ким, қанақа одамлар ўзи? Дўстми ё душманми? Хубилайхон виқор билан кулиб кўйди. Унга душман бўлишга ким журъат эта олади? Кўли билан имо қилса бас, хоҳлаган душманининг боши олинади. Бироқ у ҳокимиятни ҳар куни янги-дан кўлига олиши керак, шунинг учун ҳам бегона халқлар устидан ҳукмдорлик қилишида унга ёрдам берадиган Сю Сян, Аҳмад, Марко Поло ва мингларча бошқа одамларнинг хизматига муҳтож эди. У ана шу кишиларнинг ақлини қадрласа-да, бирортасини ҳам ёқтирмасди. Булар ҳозирча ўзига керак бўлганидан бриллиантлар, ажойиб сарполар ва олтин идишлар билан эъзозлар, иш бермай қолган дақиқаларидан бошлаб эса уларни тақдир заволига ташлар, мабодо ўзининг илгариги арзандаларига хасадгўйлар тўдаси калхатлар ўлаксага ташлангандай ёпирилса борми, ҳатто хурсанд ҳам бўларди.

Буюк хон узоқ сукутдан кейин Аҳмадга деди:

— Сиз молия вазирисиз. Марко Поло билан Сю Сяннинг гапларини эшитдингизми? Энди мен сизнинг жавобингизни эшитмоқчиман.

Аҳмад севинчини сиртига чиқармади. У Хубилайхон сўзларининг маъзини яхши тушуниб турарди. «Сен, Аҳмад, менга пул топишинг керак», император унга чамаси ана шундай демоқчи эди. Мана энди Аҳмад жонидан ҳам ёмон кўрган Сю Сяннинг яхшилаб танобини тортадиган пайт етганди. Хубилайхоннинг ишончини қозонган анави айёр Марко Поло билан эса кейин ҳисоб-китоб қилади.

Аҳмад ўз ҳукмдорига такаллуф билан таъзим қилди:

— Итоатгўй қулингиз аъло ҳазратларидан бир неча дақиқа эътибор беришларини илтимос қилади. Мен, хокисор, давлатни бошқаришни бир қанча ўн минглаб ли-келадиган улкан кўриқни ҳайдаш билан

қиёслашга журъат қиламан. Илгарни бу ерни ишлайдиган одам йўқ эди, шунинг учун ҳам ёввойи ўт босиб ётган эди. Лекин олий ҳазратлари менга ана шу қўриқни ҳайдашни топширгандилар. Эндиликда ҳамма ёқ ҳайдалган дала бўлса ҳам, у ер-бу ерда бўш қолган жойлар, уруғ яқинда тушган ерлар, гоҳо униб чиққан майдонлар кўришиб қолади. Бироқ бу далаларни кўз-қулоқ бўлиб турадиган қоровул бўлмаса экинлар нобуд бўлиб кетадики, бу бағоят қайғули ҳолдир.

Вазир Аҳмад мўлжалидагидай сукунатни ўрнига қўйиб Хубилайхонга зимдан назар ташлади, хоннинг унинг сўзларини қизиш билан тинглаётгани сезилиб турарди. Аҳмад шундан кейин атрофдагиларнинг шивир-шивирига мутлақо эътибор бермай, овозини сал баландлатиб гапира бошлади:

— Маслаҳатчи Сю Сян менинг хатти-ҳаракатларимни кузатиб юради. Бошқача айтганда, у ана шу далаларнинг қоровулдир, башарти у ўз вазифасини ихлос билан адо этмаса ерни парвариш қилаётган одамнинг кучи беҳуда кетаверади. Агар у вазифасини иштиёқ билан адо қилса-ю, бироқ худо ёмғир бермаса биз бари бир яхши ҳосил ололмаймиз. Мен худо юборган ёмғир деганда, ҳазрати олийлари, имтиёзларим оширилишини кўзда тутяпман. Мени маъзур тутинг, ҳазрати олийлари.

Хубилайхон Аҳмадга мамнун жилмайди-да:

— Тулкиларнинг илдам тозиларга тоби бўлмайди. Мен маслаҳатчи Сю Сян барча молиявий ишларда вазир Аҳмадга тўла эркинлик яратиб беришини буюраман. Қоготойхон бўлса Аҳмаднинг шахсий қўриқчиларини мустаҳкамлаш ғамини есин, — деди.

Аҳмад енгди. Меҳмонлар қадаҳларини кўтардилар. Зални таомларнинг иси тутиб кетди, Хубилайхон молия вазирининг ваколатини оширгани ҳақидаги янгилик оғиздан-оғизга ўтди. Ҳамма айш қилиб ўтирганлар орасидан жойига ўтиб бораётган Сю Сянга ўғирилди. Унинг чеҳраси ҳар маҳалгидай осойишта эди. У кўп еб-ичмади. Столлар йиғиштириб олиниб, қизиқчилар ўз санъатларини намойиш қила бошлаганда Сю Сян кишиларнинг ширакайф говуруғури ва мастона қийқириқлар босган залдан чиқиб кетди.

Чилтор, сурнай ва найлар чалинди, ноғоралар тарақлади, ғижжакчилар камонларини ишга солишди.

Ҳукмдор май ичарди. Унга таъзимга эгилган одамларнинг елкалари тепадан товланаётган ипак гиламдай туюларди.

Марко Поло Сю Сяннинг ихчам гавдаси шаҳзода Чимким саройига элтадиган осма кўприкчадан лип этиб ўтганини сезиб қолди.

\* \* \*

Кунлар анча қисқариб қолди. Хонбалиққа кўмир ортган талайгина аравалар келарди. Венецияликлар кўнган уй олдида ҳам ана шундай аравалардан бири тўхтади. Аравадан маъдан қазувчилар чуқур ер тагидан ковлаб чиқаришадиган тошкўмир туширилди. Марко Венециядалик пайтида биров, оламда писта кўмирдан кўра кўпроқ иссиқ берадиган ва секин ёниб, лаққа чўғ бўлиб тун бўйи уйни иситадиган тошкўмир ҳам бор, деб айтса ўлса ҳам ишонмасди. У сафарга чиққанидан бери ўтган йиллар ичида жуда кўплаб ажойиб-ғаройиб нарсаларни кўрганидан тошкўмирга ҳам кўникиб қолиб, унинг лаққа чўғига қўлини тутиб исинганидан ҳеч бир ажабланмайдиган бўлди.

Хонбалиқнинг кўча ва муюлишларига кузнинг нуқси уриб қолди. Кучли шамол анғизлар устида чапак уриб похолдан тўқиб қилинган ғов-тўсиқларни шитирлатар, император боғидаги дарахтларни эгиб, улардаги яккам-дуккам япроқларни чирт-чирт учирарди. Шамол тўзғитган чанг-тўзон уйларнинг томига ёғиларди. Қушларнинг сайроғи тиниб, қалдирғочлар шаҳар дарвозалари устидаги миноралар узра чарх уриб айланишар, катта кўчага бамисоли ўқдай шўнғиб, яна булут босган тунд осмонга кўтарилиб кетишарди.

Гоҳо-гоҳо қуёш жамолини кўрсатиб қолган кунларда доимо яшил бўлиб турадиган пихталарнинг<sup>1</sup> игна баргларида қировнинг кумушсимон иплари кўзга ташланар, қуёш нурлари аввалги қувватини йўқотгандай ҳаво совуқ, осмон оқиш-мовий тусга кирарди.

Кеч тушиши биланоқ гадойлар қунишганларича бисотларидаги увадаларига ўралишарди. Ван қилич ва найзаларга уч ясарди. Қандолатфуруш Ли молини

<sup>1</sup> Қарағайсимон дарахт.

елкасига ортмоғлаганича шаҳарнинг талай кўчаларини айланиб чиқар ва дам ҳазил-мутойиба, дам жиддий гап билан одамлар қалбидаги нафрат учқунларини аланглатиб, ёндиргани-ёндирганди.

Этикдўз У солиқларни тўлашга қурби етмаганидан устахонасини сотиб, уйдан бош олиб чиқиб кетди. У қишлоқда турадиган акасининг ёнига жўнади: Тахтиравончи Ян бўлса аввалгидай жанобларни ташир ва ҳар куни қулоғига чалинган янгиликларни номсиз вакилнинг ишончли кишисига етказиб турарди.

Хунармандлар ўлиб-тирилиб ишлашарди. Зарбхонанинг пул алиштириб берадиган кассалари олдида талайгина савдо-сотиқ аҳли навбатда туришарди. Бироқ бу кассалар кунига бир неча соатгина очик бўлар, чунки хазинада пул тақчил эди.

Айрим қовоқхона, чойхона ва ҳаммомларнинг эгалари хизматчилари ва мол етказиб берувчиларга қарзларининг миқдори ёзилган мўъжазгина бамбук таёқчаларни бериб, унга имзо чекишарди. Бироқ бу бамбук таёқчаларни берган одамгина уни чинакам пулга алмаштириб бера оларди.

Йигирма саккизинчи сентябрда императорнинг туғилган куни дабдаба билан нишонланди. Йигирма минг князь, сардор, мансабдор ва бошқа сарой аъёнлари ана шу муносабатбилан худди императорникига ўхшаган олтин ва кумушдан гуллар солинган либослардан инъом олдилар. Маркога ҳам ана шундай сарпо тегди.

Ниҳоят сарой аҳли залга жам бўлди. Жамоат шунда фақатгина императорлардан ташкил топганга ўхшарди. Бироқ ҳаво бугун ҳам тунд бўлганидан императорнинг яна қорни оғриб қолди. Сарой аъёнлари худоларга йлтижо қилиб, императорга зафар, мадад, узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-иқбол тиладилар. Мўғул князлари, шунингдек, император забт этган мамлакат ва вилоятларнинг халқлари ҳам саройга қимматбаҳо тухфалар юбордилар.

Мусулмон савдогарлар овни жон-дилидан яхши кўрадиган императорга Қирғизистондан лочин ва бургутлар олиб келишганди. Хубилайхон алоҳида эҳтиром кўрсатиб, уларга ўз дастурхонидаги таомлардан юборди. Бироқ мусофир савдогарлар гўштли таомларга қўл урмай уялинқираб ўтиришарди. Хубилайхон буни сезиб қолди-да, уларнинг нега овқат

емаётганлари сабабини билишни буюрди. Савдогарларнинг бошлиғи бўлган новча ва узун соқоли оппоқ тўғри сўз мўйсафид, биз бу таомларни ҳаром деб биламиз, чунки булар мусулмонлар макруҳ ҳисоблайдиган гўштдан тайёрланган, деб айтишга журъат этди. Императорнинг дарғазаб овози қулоғига чалинганда Аҳмад шолғомдек қизариб кетди. Хубилайхон мусулмон савдогарларнинг тахтга яқинроқ келишини буюрди.

— Менинг ноз-неъматларим сизларга ёқинқирамабди-да,— деди у ошкора ғазаб билан.— На чора, бўлмаса бу ердан йўқолинглар!

Шу пайт сардор Ванчжу бирдан хон оёғига йиқилиб, гапиришга изн сўради.

— Сенга нима керак?— сўради ундан Хубилайхон ажабланиб.— Тезроқ гапир!

Ванчжу бошини кўтарди-да, баланд овозда гап бошлади:

— Мени кечиринг, ҳазрати олийлари, сизга сарацинларнинг муқаддас китобида ўқиганимни айтиб беришим керак. Унда: «Кўп худоларга топинадиган мажусийларнинг барини ўлдириш», дейилган.

Зални оғир сукунат босди. Ўз довюраклиги билан машҳур бўлган сардор Ванчжу савдогарларга ошкора қарши чиқишга журъат қилганди. Бу хуруж аввало императорнинг арзандаси бўлган ва ўз қавмларига давлатнинг энг яхши мартабаларини улашиб берган Аҳмадга қарши қаратилганини ҳар бир кимса сезиб турарди. Кўп одамларнинг юзига бадхоҳ табассум қалқди, чунки саройдаги турли гуруҳлар ўртасида шиддатли кураш кетарди.

Эшикка томон йўналган мусулмон савдогарлар тўхтаб қолишди.

Хубилайхон уларга яна тахтга яқинроқ келишни буюрди.

— Ванчжунинг нима деганини эшитдиларингми?

Мўйсафид савдогар гўё нажот излагандай тева-рак-атрофига аланглади. Аҳмад шундан кейин тахтга яқинлашиб, тиз чўкди-да, сўзига қулоқ солишни илтимос қилди. Бироқ Хубилайхон унга жим туришни буюрди. У сарой аъёнларидан бирини мусулмон олимларини айтиб келгани юборди. Улар келгач, император энг мўътабар олимдан:

— Сизларнинг қуръонингизда: «Кўп худога топинадиган мажусийларнинг барини ўлдиринг», деб ёзилгани тўғрими?— деб сўради.

Олим жавобга қандай чап беришини билмай, хи-жолатдан сукут сақлаб турди.

— Ҳа, шундай дейилган, ҳазрати олийлари,— деди у ниҳоят жавоб бериб.

— Ўзларинг муқаддас қонунларингни худо томонидан яратилганига ишонасизларми?

Император энди гўё қўрқувдан ўзини йўқотаётган одамга далда бермоқчи бўлгандай бамайлихотир гапирарди.

— Шак-шубҳасиз, ҳазрати олийлари,— жавоб берди олим.

Император шундан кейин суҳбатдошидан кўзини узмай туриб сўради:

— Агар худоларинг сизга барча мажусийларни қиришни буюрган экан, нега унинг айтганини бажармаяпсизлар?

Императорнинг бу маккорона саволидан олим эс-хушини бутунлай йўқотиб қўйди.

— Биз уларни қиролмаймиз, бунинг пайти етгани йўқ ҳали,— жавоб берди олим.

Зални одамларнинг дарғазаб овозлари босиб кетди. Вазир Аҳмадни қўрқув босди. Унинг вужудини ғазаб ва даҳшат қоплаганди.

— Бўлмаса сизларни мен ўлдира оламан!— деб қичқирди Хубилайхон.— Уни ушлаб, калласини танасидан жудо қилинглар,— деб буюрди у.— Қолганларини зиндонга ташланглар.

Соқчилар қаршилиқ кўрсатишга уришиб ҳам кўрмаган шўрлик мусулмонларни залдан олиб ўтишди.

Ванчжу сарой аъёнлари орасига сингиб кетди. Ванчжунинг дўсти, император ҳузуридаги бош маҳкаманинг бошқарувчиси Чуй Ин қўлини унинг елкасига қўйди.

Вазир Аҳмад аламига сира чидаёлмасди. Гўё кимнингдир қўли унинг ёқасидан олиб бўғаётганга ўхшарди. Бу беъманилар у кўп йиллар тер тўкиб бунёд қилган нарсани зумда чил-парчин қилишди-я. Мулланинг боши олинажаги ёки бошқа ҳамдинларининг зиндонда чириб кетиши унинг юрагини озгина бўлса ҳам жизиллатмасди.

Уларнинг қисмати Аҳмадни заррача ҳам ҳаяжон-



лантирмасди. Бироқ энди у ўзининг ҳам Хубилайхон газабига учрашини жуда яхши биларди.

Аҳмад Чуй Ин билан гурунглашаётган Ванчжудан кўзини узмасди. Аҳмад буюк хоннинг газабига қандай чап беришини ўйларкан, шу заҳотиёқ Ванчжудан ўч олиш йўлини топди: у мавқеини мустаҳкамлаб олди дегунча Ванчжунинг дўсти Чуй Инни йўқотади.

Аҳмад ўзини ўнглаб олгандан кейин императордан сўзини эшитишни илтимос қилди.

— Гапир, Аҳмад!— деди. Хубилайхон анчагина юмшоқ товушда.

Вазир императордан мусулмонларни қатл қилишга шошилмасликни ўтинди. У яна иккита мусулмон олимини чақиртириб, улардан қуръондаги ана шу жойнинг тавсифини сўрашни таклиф қилди. Хубилайхоннинг бу таклифга кўниши сарой аъёнларини ҳайратда қолдирди.

Хукмдор у ёки бу қарорга келганида хаёлида нималар бўлишини ким билади дейсиз. Унинг кайфияти ҳам қорнидаги дам кучайиб, дам босилиб турган оғриқ сингари тез-тез ўзгариб турарди. Эшик тирқишидан кўриниб турган осмон эса аввалгидай тунд кўринарди.

Бировларнинг худоларини газабини кўзгаш яхшимикин?

Хубилайхоннинг маишат ва ҳокимиятпарастлик чуқур ажин қолдирган юзи бамисоли тошдай тунд эди. У фақат ажнабийларнигина эмас, балки уларнинг худоларини ҳам ўз хизматига солган эди. Одамларни худди қўғирчоқдай ўйнатса-да, худолардан қўрқарди. Христианлар — Исони, мусулмонлар — Муҳаммадни, яҳудийлар — Мусони — пайғамбар, Қатайлар Буддани ўзларининг худолари ҳисоблайдилар. Хубилайхон тўртталасини баравар эъзозлаб, ҳукмдорлигини мустаҳкамланглар, деб сажда қиларди.

Император мусулмонларнинг келишини кутаркан, тахтга суяниб, яқинда Марко Полога берган жавобини эслаб завқланди. Венециялик қулай фурсатдан фойдаланиб, Хубилайхондан, христиан динига ўтишни нега истамайсиз, деб сўраб қолди. Шунда ер юзидаги энг қудратли бу ҳукмдор Маркога мулоим жилмайди-да, бундай жавоб берди:

— Очиқчасига айтганда, нима сабабдан мен христианликка ўтишим керак? Христианлар мўъжиза

яратмаётганларини, буюк сирларни очмаётганларини ўзингиз кўриб турибсиз-ку. Менинг диндош коҳинларим эса истаган нарсаларини қила оладилар. Улар об-ҳавони бошқариб, дарёларни тескарисига оқиза оладилар. Дастурхон олдида ўлтирганимда афсун ўқиб дастурхонда май ва сут солинган идишлар пайдо қила оладилар. Гарчи инсон қўли уларни кўрмас-да, ҳавога кўтарилиб, уча оладилар. Бизнинг руҳонийларимиз башорат қилиш истеъдодига эга бўлиб, билишим лозим бўлган нарсаларнинг барини олдиндан айтиб бера олишларини шоҳидисиз-ку. Агар мен сизнинг динингизга кириб христиан бўлсам, саройимдаги бу динга кирмаган князлар ва бошқа аъёнлар нима дейишган бўларди? Улар мени христиан бўлишга нима мажбур қилганини, христиан руҳонийлари бениҳоя кучли эканликларини нима билан исбот қила оладилар, қандай қаромат кўрсатдилар, деб сўрашмайдим ахир? Шунда мен чурқ этолмай қолардим. Улар мени адашган одам ҳисоблашишар, чинакамига мўъжизалар ярата оладиган бошқа руҳонийлар мени оппа-осонгина жувоимарг қилиб қўйиша қоларди.

Мусулмон олимлари тахтга яқинлашиб ҳукмдор қаршисида юз тубан чўкканда, сарой аҳли жунбушга келди. Хубилайхон уларга жимгина тикилди-да, туришни буюрди. Олимлар ҳаяжонларини билдирмасликка уринишарди. Улардан бири паканадан келган, соч-соқоли оппоқ, кўзлари бежо одам эди. Кенг пешанаси ва чаккасини чуқур ажинлар босганди. Шериги бўлса қотма, ёноқ суяклари туртиб чиққан ва қўллари катта одам эди. У Аҳмаднинг ўзига тикилиб турганини сезди-да, бир лаҳза кўзини юмди. Шундан кейин унинг юзида қандайдир чуқур хотир-жамлик акс этди.

— Қуръонларингизда ғайридинларни ўлдиринг дейилгани тўғрими?— сўради император.

Ҳамма олимларга кўз тикиб жим қолди. Аҳмаднинг ранги жуда оқариб кетган бўлса ҳам ўзини совуққон кўрсатарди. У ана шу лаҳзада бутун имкониятларини чамалаб кўрди-да, императорни мусулмонларни қатл қилишдек бемаъни қароридан қайтаришга муваффақ бўлолса, Ванчжу ва унинг дўстидан бошлаб ўч олишга қасам ичди. У ҳатто мусулмонларгазабга дучор бўлсалар ҳам императорнинг куни менсиз ўтмайди, деган фикрга келганди.

Шу чоқ ҳеч қутилмаган бир ҳодиса рўй берди. Осмонни қоплаган сарғиш булутлар мисли пардадай очилиб қуёшнинг ёрқин нурлари тунд куз кунини жиллантириб юборди. Яқиндагина тунд кўринган уйларнинг томлари олтиндай ялтирай бошлади. Ҳунаримизни кўрсатишимизга қачон руҳсат беришаркин деб эшик ёнида интизор бўлиб турган қизиқчиларни офтоб худди саҳнада туришгандай ёритарди. Сарой аъёнлари қимирлаб қолишди. Олтин, кумуш, бриллиант, ранг-баранг шоҳи ва қизил устунлар ҳамма ҳаммаси нақшинкор қора деворлар фонида ажиб товланиб кетди. Чарақлаган қуёш залга беҳисоб нур сочиб, кўзларни қамаштирарди.

Шунда новча ориқ мулла гап бошлади:

— Олло бизга кўп худоларга сажда қиладиган мажусийларни қиришни буюрган. Бу — ҳақиқат, илло, тангри таоло олий мавжудотни эътироф қилмайдиганларни назарда тутиб шундай деган. Зероки ҳазрати олийлари ҳар бир фармонларида худони тилга олаётган эканлар, сиз ва ҳамдинларингизни қонун қириб ташлашни буюрган кофирлар қаторига киришиб бўлмади.

Қутилмаганда жамол кўрсатган қуёш илоҳий ишора кўрган Хубилайхон мулланинг гапидан тўла қаноатланди. У қамалганларни тезда озод қилишни буюриб, олимларга катта инъомлар берди.

Агар ана шу кўнгилсиз воқеани ҳисобга олинмаса, ҳукмдорнинг олтмиш олтига кириши шарафига берилган базм ҳам саройда бўладиган бўлак ҳамма байрамлардек ўтди. Сарой аъёнлари кўп овқат еганларидан қоринлари ёрилиб кетай-кетай дер, роса ичганларидан чиқиб кетаётиб остоната оёқ қўйганлар ҳам бўлди.

\* \* \*

Қиш ойлари қорли ва аёзли бўлди. Кунлардан бирида Ши устахонага ҳаяжонланганича югуриб келди.

— Ван ота, қандолатфуруш Лини олиб кетишди. Қўриқчилар уйма-уй юриб, қурол-яроғ ахтаришяпти. Ян, тезроқ қочинглар, деди.

Бола темирчининг дағал қўлига ёпишди.

— Бирор нарса десангиз-чи, Ван ота... — деб ялинди бола, ваҳима акс этиб турган юзини темирчига буриб.

Ван болани бағрига босди.

— Қочайлик дейсанми?— деди у бўғиқ овозда.— Қаёққа ҳам қочамиз, Ши? Юзимда жиноятчилигимнинг тамғаси бор-ку. Бу ерда, шу кўчамдагиларнинг ҳар бири менинг кимлигимни билади. Мусофир шаҳрида менга ким ҳам иш беради? Одамлар мени ўғри ёки қотил деб ўйлашади.

— Мен най чаламан. Очдан ўлмасмиз. Тезроқ бўлсангиз-чи, Ван ота. Соқчилар келиб, эшикларни болта билан чопишганида аёллар дод-фарёд қилишганини эшитдим.— Ши шундан кейин овозини пастлатиб кўшиб кўйди:— Мен кўрқяпман. Кетайлик, Ван ота.

Бола Ваннинг пинжига суқилди. Темирчи унинг дағ-дағ титраётганини сезиб турарди. Шунда қамоқда ўтказган йиллари эсига тушиб кетди. Мана энди унинг қувноқ ошнаси қандолатфуруш Лини қамашибди. Соқчилар шаҳарда изғиб, хонга бўйсунишни истамаган одамларни қидириб юришибди. Ван номсиз вакил келган кечани эслади. Ушанда умидлари катта эди. Кейин устахонага темир олиб келишди, у қилич ва найзага туғлар ясади. Ҳаммалари яқин орада тоғларда сигнал гулханлари ловиллашига ишонишар ва ўша фурсатни сабрсизлик билан кутишарди. Бироқ энди маълум бўлишича уларнинг кутишлари бекор кетибди. Орадан неча-неча кечаю кундузлар ўтиб кетди. Одамлар Хонбалиқни қуршаган ва қорайиб турган тоғларга ғамгин тикилишарди. Ҳаммалари зўр бериб кутишгани-кутишганди...

Ваннинг қалбидаги умид ғунчаси сўлди. «Мен най чаламан». Унга кўзи ожиз Ши шундай деди. У ёруғ жаҳонни кўролмаса ҳам мард қалби бор. Найни ҳам шунақанги бошлаб чалардики, эшитган ҳар бир одам ғам-ғуссасини унутарди-қўярди. Кўрадаги ўт ўчганидан устахона жуда музлаб кетганди.

— Майли, Ши, кетамиз,— деди Ван.— Сен най чаласан, мен бўлсам тиланчилик қиламан... Катайда кун кечириш жуда яхши бўлиб қолди-да, Ши.

— Мен уларнинг одим шарпаларини эшитиб турибман, Ван ота. Улар кўшни уйнинг эшигини бувишяпти. Ҳозир бизниқига ҳам келиб қолишади. Шошилишимиз керак.

Ван ашқол-дашқолини йиғиб, эшакка ортди-да, орқа эшикдан жин кўчага чиқди. У эшагига секин-

гина «Кетдик, жонивор!» деганида соқчилар устахонанинг эшигини тақиллатища бөшлади.

Ши эшакнинг жиловига ёпишди. Унинг навқирон чехраси гам-гуссадан кексайиб қолгандай кўринарди.

— Эҳтимол, бир кунмас-бир кун бу ерга қайтармиз,— гўлдиради Ван.

Пилч-пилч лой кўчада излар сероб эди. Уйларнинг олдида ифлос қор уюлиб ётарди. Кўплаб раста ва устахоналар ёпилганди. Одамлар оқими шаҳарнинг жанубдаги дарвозасидан чиқиб кетмоқда эди. Соқчилар уларни тўхтатишмас, чунки сардор Ванчжу ҳаммани бетўсиқ ўтказиб юбораверинглар, деб буюрганди. Бироқ мўгул хони Қоготой посбонлари кўриқлаётган бошқа дарвозаларда кўп одам ушлаб қолинди. Зиндонлар эса тўлиб-тошганди.

Мусулмонлар воқеасидан кейин илгаригидан ҳам қудратлироқ бўлиб қолган вазир Аҳмад бамисоли ўргимчакдай фитна тўрларини тўқигани тўқиганди. Халқ оч-яланғоч, у бўлса фуқаронинг сиқиб сувини оларди. Давлатнинг хазинаси яна олтин-кумушга тўлди. Хубилайхон эса Аҳмаддан пулни қаердан олмасан деб суриштириб-нетиб ўтирмади ҳам. У ҳамма ерда Аҳмадни очикдан-очик мақтарди. Аҳмад бир куни Чуй Инни император буйруқларини бажармаётганликда айблаб, бир юз етти дарра урдиришни тақдир қилганида Хубилайхон бу ҳукмга эътироз билдирмади. Чуй Ин дўсти Ванчжунинг елкасига кўлини кўйгани учун шу тариқа ҳалок бўлди.

Ванчжу оқ либос кийиб, дўсти дафн қилинган жойга йўл олди. У қабр тепасида анча туриб қолди. Қоровуллар тарчи бу ерда тўхташ қаттиқ ман қилинган бўлса-да, қимир этмай мотамсаро турган бу одамни ҳайдаб юборишга юраклари дов бермасди. Осмонни булут қоплаб, кейин қор ёға бөшлади. Қор тепасида қарғалар учиб, айланиб юрган қабрни оқ чойшабдай ўради-қўйди. Ванчжунинг ниҳоят қаттиқ қисилган лаблари қимирлаб, сал эшитилар-эшитилмас деди:

— У сени ўлдирди, Чуй Ин, бироқ мен ўчингни оламан. Аҳмаднинг ўлиги ит ёки илонларга ташланмагунча тинчимаيمان. Бунга қасамёд қиламан... Қасамёд қиламан.

У тунд қиёфада дўстининг қабрини тарк этди. Аҳмаднинг мавқен бениҳоя ошаверди. Сарой

аъёнлари уни кўрганда тилдан айрилиб, қалт-қалт қалтирашарди. Пўрдоқ Жамбуй хотун бўлса ўзининг бу арзандасига алоҳида марҳамат юзасидан тўққизта гўзал чўрисини инъом қилди. Хубилайхон қимматбаҳо эгар-жабудуқли оқ тулпор ҳадя қилди.

Аҳмад буюк хоннинг марҳаматидан талтайиб, Сю Сян томондан келадиган кўрсатмаларни писанд қилмай қўйди, чунки маслаҳатчининг мансабини мутлақо назарига илмай қўйганди.

\* \* \* \*

Марко 1282 йил январнинг очиқ ҳаволи совуқ кунларидан бирида Чипингуга қилинган юриш мағлубиятга учраганини билиб қолди. Матеонинг Хон-балиқни тарк этганига бир йилдан ошганди. У хайрлашаётганда дўстига қувноқлик билан шундай деганди:

— Мен йўлга чиқяпман, Марко. Яна денгизга бо раётганимдан қанчалик хурсандлигимни сен тасаввур ҳам қила олмайсан. Ҳаётнинг қандайдир маънисини борлигини фақат эндигина қайтадан ҳис қиляпман. Ашимани сенга қолдираман. Сен унинг ҳимоячиссан. Уни ҳар қандай хавф-хатардан сақлай олишингга шак-шубҳа қилмайман.— Матео жилмайдида, қўшиб қўйди.— У билан пайт топиб гаплашиб кўр. Куньминни қумсамай қўйган бўлиши ҳам эҳтимол. Балки пайти келиб, биз билан Венецияга кетишга рози бўлар. Оҳ, Венеция! Бу ерда олтиндан қилинган нарсалар Венецияда темирдан ясаллади. Мен темирни яхши кўраман, Марко. У олтиндан ишончлироқ. Соғ-саломат ва бахтли бўл, биродар! Кўришгунча хайр! Мен шон-шарафга бурканиб қайтиб келаман. Тағин Ашима билан гаплашишни эсингдан чиқариб қўйма. Биз билан кетса ажаб эмас.

Матео Марконинг хотирасида ана шундай қувноқ ва келажакка чуқур ишонувчи инсон сифатида қолганди. Капитан Матео!

Бу мудҳиш янгиликни Маркога вазир Аҳмад ўз оғзи билан айтиб самимий ҳамдардлик билдирди. У ҳатто, шу муносабат билан Ашимани эслаб, энди етим қолди, деб қўйди.

Марко ўзига кўрқа-писа қараб, лаш-лушларини олиб кетаётган хароб йўловчиларга эътибор бермай паришонхотир ҳолда кўчадан тез-тез юриб борарди.

Ғам-андухға ботган кишиларни олдиларига солиб ҳайдаб кетаётган қўриқчиларнинг сўкиш ва дўқларининг қулоғига кирмасди. У қандайдир бир хотин дод-фарёд қилиб, оломон ортидан эргашиб бораётганини кўрганда титраб кетди-ю, бироқ уйига келгач бу манзарани унутди.

Чипингуга икки мингта катая кемаси йўл олганди. Улардаги аскарлар юз мингдан кам эмасди. Аскарлар бадавлат орол соҳилига эсон-омон етиб бориб, биринчи жангдаёқ душман қўшинини жиддий мағлубиятга учратибдилар. Бироқ кейинчалик Токимуно барча Чипингу оролларида тўпланган кучли қўшин билан мададга етиб келиб, мўғул ва катаяларни денгизга сиқиб борибди. Кўплар ана шу қонли жангда ҳалок бўлибди, баъзилар бир амаллаб кемаларига етиб олибдилар. Бироқ шимолдан кучли шамол эсиб, кемалар даҳшатли пўртанага тушиб қолибди-да, кўпчилиги чўкиб кетибди.

«Венеция! Оҳ, Венеция!» Марконинг дўсти Венецияни энди ҳеч қачон кўролмайдилар! Марко ботир Матеонинг олдинги сафларда жанг қилганидан асло шубҳаланмасди. Унинг омон қилганига ишониш мушкул эди. Марко уйига яқинлашгани сари, дўстимнинг тириклигига умид қилсам бўлади, деб ўзини ишонтиришга тиришарди. У ҳовлидан ўтиб бораркан, ўзини хурсанд қилиб кўрсатишга уринди, бироқ иложи борича Ашима, отаси ва Маффео амакисига рўпара бўлмасликка ҳаракат қилди.

Марко ўз хонасига киргач, плашини ечиб ташлади-да, стол ёнига ўтирди. У бошини қўлларига тираб, оғир хаёлга ботганича бир нуқтага тикилиб қолди. Наҳотки Матеодай одамнинг мутлақо қайтиб келмаслигига ишониб бўлса? Улар олис ва хатарли саёҳат пайтида дўст бўлиб қолишган, бу дўстлик ана шу йиллар ичида икковлари тортган азоб-уқубатлар туфайли мустаҳкамланган, шунинг учун улар бир-бирларини кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолишган эди. Марко Матеони ҳар куни кўрар, дўстининг доно маслаҳатлари ва ўзини бамайхотир тутиши унинг сарой фитналарининг хатарли сўқмоғидан адашмай тўғри йўлдан кетишига ёрдам берарди.

Марконинг хаёли ўтмишга учди. Хотиралари бамисоли шамол қувган булутлардай кўз ўнгидан бирма-бир ўта бошлади. Шамшир ушлаб олган Матео караунаслар билан олишмоқда. Улар Матеонинг

бўйнига сиртмоқ ташлашганда йиқиларкан: «Югур, Марко...» деб шивирлади. Матео чуқурда ўтирибди, у қароқчининг қўлидан найзасини тортиб олди... «Энди сен мени чуқурдан иккинчи марта тортиб олдинг, Марко, қизчани ҳам қутқардинг... Боғда катта сариқ гул бор... Бир кунмас-бир кун Венецияга яна қайтиб борармикинман?»

Марко гўё дўстининг шивирлаётганини эшитаётгандай бўлар, унинг ҳар бир гапи тасавурида жонли манзарани гавдалантирарди. «Ҳали тирикмисан, Матео?»— У бамисоли гўдакдай ўзидан ўзи шундай деб сўрарди-да, худди жавобини эшита оладигандай ўзига қулоқ тутарди. Бироқ жавоб эшитилмасди. У бошини кўтариб у ёқ-бу ёққа аланглади. Уйга чўққан сукунат уни эзарди.

«Йиғлама, қўзичоғим,— деганди Матео кетаётганида Ашимага.— Марко сен билан қоляпти-ку». У шундан кейин жўнаб кетганди.

Мана энди бўлса Марко Ашимага бу хунук хабарни айтиши керак. У ўзининг хонасида бўлса керак, албатта. Бечора қишни чиқаргунча жуда қийналди. Қаттиқ совуқ бўлган кезларда унинг мазаси қочар, қўллари тараша бўлиб қолар, бармоқлари ҳам қотарди. Марко бир куни унинг хонасига беҳосдан кириб қолганида қиз шўрлик ўти ўчган канда ранги қув ўчганича паришонхотир ўтирганди. Марко ўшанда, тобинг жойидами ўзи, деб сўраганида Ашима хаёлида оламини тўрт айланиб чиққандай: «Мен оқ қордан қўрқаман»,— деганди.

Марко туриб, хонада оҳиста у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Бунақа ғамгин кайфиятга берилишдан маъни йўқ. Матео ҳалок бўлди деб ким айтди? Аҳмад вазирнинг сўзлари тасалли берадиган гап эмас, албатта, бироқ Аҳмад Матео ҳақида нимани била олиши мумкин? Ҳеч ким Матеодай ўзини ҳимоя қилолмайди. Денгиз ва пўртаналар унга қадимдан ошна. Агар мингта кемадан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси фарқ бўлса ҳам капитан Матео минггинчисини ҳамма хавф-хатарлардан эсон-омон олиб ўта олади. Матео тирик! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Марко кўнглига дарҳол ёмон нарсаларни келтиргани учун ўзини тентак деб қойиди. Ашима унинг васвасаларини билмаслиги керак. Элдан бурун қизни ғулғулага солишдан нима маъни бор?

Марко Ҳоңбалиқда саккизинчи қишни чиқараёт-



гани, бундан олдин эса уч йил умри йўлда ўтганини кўз олдига келтираркан, болалик ва ёшлик йиллари билан ҳозирги пайти орасида ер билан осмонча фарқ бордай туюларди.

Унинг болалик йиллари Хонбалиқдан олисадаги она Венециясидай анча орқада қолиб кетганди. У аҳён-аҳёнда бир фурсат топиб ажиб овозли ёш кemasоз Жованнини ёки қорасоч дугонаси, шўх Жанина, ёки содиқ хизматкорлари Полони эслашга уринган дақиқаларида, уларнинг қиёфаларини аниқ-тиниқ кўз олдига келтиролмасди. Сан Микелнинг сокин қабристонига онасининг мазорини ўйлаганида ҳамма нарса кўз олдига яққол келарди-қўярди.

Ҳозир эса бутун хаёли Матеода эди. Дўстининг ажойиб сиймоси кўз ўнгидан сира кетмас, бошқа ҳеч нарса кўнглига сиғмасди. У қандай қилиб Матеони ўлганга чиқара олади?

Кўнглини шубҳа ва сирли ҳавотирлик чулғаган Марко Николо билан Маффео Полонинг олдига йўл олди.

Қариялар худди Марко гумон қилганидай молларнинг рўйхати, ҳисоб-китоблар ва белидан бойланган даста-даста пулларни олдиларига ёйиб, қизгин бахслашишарди. Маркога кўзлари тушгани ҳамоно даҳанаки жангни бас қилишди.

— Мана, жаноб ўғиллари ҳам келдилар,— деди Маффео Поло шунчаки ҳазиллашиб.— Хизмат, мессер Поло, жуда камнамо бўлиб юриб-юриб, бирдан ўзингизни кўрсатиб, бизни мамнун қилишингизнинг боиси нима?

Марко столга яқинлашиб, уларнинг рўпарасига ўтирди. Шунда у тўсатдан кўнглидаги умиди яна мустаҳкамлана бошлаганини сезиб қолди. Эндигина сафардан қайтиб келган отаси билан амакиси янги саёҳатга ҳозирлик кўриб, яна қоғозларга ўралашиб ўтиришарди. Улар жасур ва тадбирли одамлар эдилар. Марко ҳам шулар тоифасидан эди.

Отаси билан амакиси янги режалар билан ғоятда банд бўлганларидан дарҳол Маркодан маслаҳат ва мадад сўрашга тушишди.

Ажнабий мамлакатлар билан савдо бўйича олиё кенгашнинг фармойишига кўра жануб томонга олиё сафарга жўнашга тайёр бўлган савдогарларга кемалар ҳозирланиб, пул қарз бериларди. Гарчи давлат ялли фойданинг ўндан еттисини олиб, савдогарларга

Уч хиссасини қолдирса ҳамки, бундай саёҳатга та-  
лабгорлар кўнгина тонилиб турарди. Марко тегишли  
одамлар билан гаплашиб, Николо билан Маффео  
Полонинг кема ва мол олишларига ёрдам беришга  
ваъда берди.

Марко суҳбат пайтида отаси билан амакисини  
зимдан кузатди. Улар ёшлиқларидан бери хавф-ха-  
тар ва қийинчиликларга тўла саёқ ҳаёт кечириёт-  
ганликларига қарамай ҳали ҳам ёшлиқни кўлдан  
бермагандилар. Марко уларнинг ҳаётчанликларини  
кўрганда ҳар гал қўйил қоларди.

Гарчи Николо Полонинг соқоли ва чаккасидаги  
сочларига сал-пал қиров кўнган бўлса ҳам бирорта  
одам уни бир ҳафтадан кейин элликка киради деб  
айта олмасди. Юриши ҳам илгаригидек, илдам, қо-  
матини роз тутарди, Эллик иккига тўлган Маффео  
амаки бўлса бениҳоя кувноқ кишилигича қолган ва  
ҳеч қачон толиқдим деб нолимасди. Улар венеция-  
лик савдогарлар бўлганларидан умумжаҳон савдо-  
сининг ғарбий маркази бўлган Венеция дарҳақиқат  
улар билан фахрлана оларди. Бироқ Авлиё Марко  
республикасининг ҳукмдорлари ўз халқларининг ана  
шу фарзандлари ҳақида нимани ҳам билишарди дей-  
сиз?

Марко билан отаси кўзлари тўқнашганда икков-  
лари унсизгина жилмайиб қўйишди; улар бир-бир-  
ларидан мамнун эдилар.

Николо Поло Хубилайхоннинг Шандудаги илк  
ўчрашув пайтида айтган сўзларини ғурур билан эс-  
лади: «Ўғлингизнинг юзи мунаввар, кўзларида ўт  
чақнапти»,— деганди у. Унинг Маркодан кўнгли  
тўқ. Марко ақли ва бардоши туфайли буюк хон са-  
ройидаги эътиборли кишилардан бири бўлиб қол-  
ганди.

— Унга бир қара, Николо,— деди Маффео Поло  
укасига жилмайиб.— Болалигида бир куйи тунги  
кўйлақда олдимизга чиққани эсингдами?— Маффео  
шунда овозини Марконинг ёшлигидаги овозига ўх-  
шатиб деди.— Ушанда: «Кечир, ота, мен амакимдан  
бир нарсани сўраб олишим керак... Амаки, сиз, буюк  
хон ҳузурига кирган ҳар бир киши ер ўпиши керак,  
дегандингиз. Сиз ҳам шундай қилганмисиз?»— деб  
сўраганди.— Маффео Поло мириқиб кулди-да, ўзи-  
нинг одатдаги овозида гапини давом эттирди:— Эн-

ди бўлса ўзи буюк хон саройида хизмат қиляпти ва ҳукмдор ҳузурига кирганида неча марта лаб ер ўниб таъзим қилганини ўзи ҳам билмайди. Шундай бўлса ҳам бизнинг Марко аслича қолган.

— Саройда қандай янгиликлар бор?— сўради Николо Поло.

— Хубилайхоннинг қорни оғрияпти, унинг яқинлари саройда олтин тувак кўтариб югуриб юришибди,— деди Маффео захарҳанда қилиб.

Буюк хон маҳкамасида ишлайдиган Чуй Инни қатл қилишди,— деб жавоб берди Марко Поло.— Одамлар Аҳмад вазир ўчини олди, деб юришибди.

— Хўш, сенинг фикрингча қандай?— сўради Николо Поло.

— Билмайман, Аҳмад мен билан доим хушмуомала, саройда бўлса миш-мишлар кўп.

— Хонбалиқда фитна фoш этилган,— Маффео Поло ўйчан гап бошлади.— Аҳмад авомнинг сиқиб сувини оляпти. Ҳамма уни ёмон кўради.

— Бу ҳам ҳеч гап эмас,— Николо Поло унга эътироз билдирди.— Бизни ҳам ёмон кўришади. Уларнинг умуман ажнабийларга тоқати йўқ. Мен ҳам Аҳмад билан носоз бўлиб қолишни истамасдим. У буюк хоннинг ишончини қозонган одами.

Шунда ҳаммалари Матеонинг ўрни жуда билинаётганини сезиб қолишди.

— Афсуски, Матео жуда олисда,— деди Маффео.

Николо: «Матеонинг Марко билан юрганини кўрганимда доимо суюнардим», деб кўнглидан кечирди-ю, овозини чиқариб шундай деди:

— У кетмаслиги керак эди.

— Шу ерда бўлганида биз билан жанубга кетармиди.

Бу сўзлар оғиздан араиғ чиқиб, ерга оғир тошлардай чўкарди.

— Император флоти Чипингуда дабдала қилибди,— деди Марко ердан кўз узмай.

Улар жим қолишди. Ниҳоят Маффео ўзича гапиргандай:

— Демак, сен ҳаммасини биларкансан-да?— деб қўйди.

Улар бир-бирларининг афтига қарашмасди. Николо ва Маффео Поло бу хунук янгиликни Марко-

дан илгари эшитишган бўлса ҳам чурқ этишмаганди.

— Мен унинг тириклигига ишонаман, ота.

— Ҳа, ҳали умид қилса бўлади,— деб жавоб берди Николо Поло.

Савдогарлар Хонбалиқда яна олти ҳафта туришди. Марко уларга иккита кема беришлари учун қўлидан келганича қарашди. Хубилайхон билан сарой аъёнлари шимолдаги музофотга шикорга отланишаркан, венецияликлар карвон билан денгиз томон йўл олишди.

Баҳор анчагача қишнинг оқ исканжасидан чиқишга журъат қилолмади. Бироқ кейинроқ бир кечада келди-қўйди. Баланд теракларнинг кўкка бўй чўзган шохлари қизаринқираб, бута ва дарахтларнинг куртаклари бўртиб қолди. Ҳовлиларда янгигина бўёқдан чиққан тахтиравонлар кўринарди. Аёллар уйлари олдида қоғозгуллар ясаб ўтиришарди. Заргарлар болғачаларини секин-секин уриб ишлашар, сарой ойимчалари янги қимматбаҳо тақинчоқлар билан ўзларига оро бериб, император боғида айланиб юришарди.

Дарахт ва буталар гуллади. Бутун шаҳар уйқуда бўлган субҳидам пайтида қушлар сайрашарди. Қуёш ётоғидан чиқиб, мовий юксаклик томон кўтарила бошлади. Хубилайхон билан унинг улкан саройидаги аъёнлар Хонбалиқни тарк этишди.

## КИМСАН, БИРОДАР?

Кучли шамол эсар, катта йўл бўйидаги дарахтлар ерга теккудай эгилиб-эгилиб кетарди. Қорамтир булутлар қуёшни тўсиб, ҳамма ёқни қоронғилик чулғади. Пиллапоя каби дарё томон пасайиб борган лахтак-лахтак ям-яшил шолিপоялар зумда жилюсини йўқотди-қўйди. Шамолда лопиллаб турган ўрмонлар ҳам кўринмай қолди. От ва эшаклар кўчани сал чангитиб боришарди. Ҳаво нафасни қайтарадиган даражада иссиқ. Шамол ҳам нақадар иссиқ бўлганидан ўт-ўланлар қуриб қовжираб борарди. Йўл бўлса буралиб-буралиб тоғ чўққиси томон чиқиб кетарди.

Юк орқалаган ҳаммоллар худди рақс тушаётгандай йўл ёқасидан майда қадамлаб боришарди. Эшак қўшилган қўш ғилдирақли аравалар нотекис йўлда силкиниб-силкиниб борарди. Тоғ этагида эса иккита савдо карвони учрашиб қолди.

Капитан Матео отининг жиловини тортди-да ҳамроҳига:

— Сен, ошнам, бу ёғига ҳам мен билан саёҳат қилишга аҳд қилдингми?— деди. Кейин чап қўли билан пешанасидаги терни артди-да:— Бу лаънати иссиқ одамни роса ҳолдан тойдирди-да,— деб ғулдираб қўйди.

Матеонинг ўнг қўли кир латта билан боғланган эди. У яна жиловни ушлади-да:

— Қани, юр, айёр, бўлмаса ҳозир ёмғир қуйиб юборади,— деб қичқирди.

Йўл Сариқ дарё бўйлаб кетарди. Саробда нариги соҳил аранг кўзга ташланар, орқароқдаги тоғлар эса бир-бирига қалашган қора булутлардай туюларди.

Матеонинг ҳамроҳи оддий деҳқонча кийимда эди. У хачир миниб олганди. Эгарнинг устига ташлаб қўйилган мовий шоҳи ёпиқ икки томонга осилиб тушган, бироқ уни доғ босиб кетганидан гули қанақалигини билиб бўлмасди. Шошилмай қадам ташлаётган хачирнинг устига бирталай ғалати нарсалар ортилган эди. Чап ва ўнг томондан эгарнинг қошига иккита мис қозон ва иккита психол шляпа осиб қўйилган, энг катта учинчи шляпа бўлса хачирга кийгизилганди. Бу ювош ҳайвоннинг қай томониغا қараманг хил-хил халта-хулта, меш ва қопчиқлар осилган бўлиб, булар хачирнинг юришига монанд силкинарди. Хачирга миниб олган одам ана шу буюмларнинг ўртасида ўтирар, пак-пакана бўлганидан хачир бошидаги соябон шляпа сал бўлмаса йўлни тўсиб қўяёзганди. Хачир минган киши Қатайнинг жанубдаги вилоятидан келаётган деҳқон эди. Хачирнинг устига ёпилган мовий шоҳи ёпиқ унинг давлатмандлигидан дарак берарди. Ёмғир бўлишини кутиб, бошларига хурмо баргини ёпиб олган ҳаммоллар унга ҳавас билан қараб-қараб қўйишарди.

Сариқ дарё кўз очиб юмгунча тусини ўзгартирди-қўйди. Шамолнинг қаттиқ эпкини ер ва сувни ялаб ўтди. Қайиқдагилар шоша-пиша елканни тушириша бошлашди. Қайиқда дарёни қуйилаб ке-

таётганларга қулай эди. Оқимга қарши сузаётганлар  
ёса эшқакларга ёпишишди.

Емғирнинг дастдабки йирик томчилари тушганда  
Матео билан унинг ҳамроҳи ям-яшил ўрмон ёқасига  
етиб қолишганди. Улар ишончли бошпана ёнига ке-  
либ қолгандаридан тўхтаб, от билан ҳачирни ердан  
чиқиб турган илдизларга бойлаб қўйишди. Емғир  
дарахтларни шитирлатар, қуюқ япроқларнинг у ер-  
бу еридан сизиб қолар ва дарахт танасидан пастга  
силқирди. Совуқ шамол йўсин босган ўрмон тупро-  
ғидаги бадбўй буғларнинг кўтарилишига йўл бер-  
масди. Ҳавода чечак ва майсаларнинг ўткир ҳамда  
хушбўй иси анқирди.

Матео сочини орқага ташлаганида чап қулоғи  
йўқлиги сезилиб қолди.

— Сен, демак, бу ёнига ҳам мен билан бирга  
кетмоқчимсан? — деди Матео яна. — Начора, ош-  
нам, маъқул. Менга ёқиб қолдинг. Фақат сендан ил-  
тимос, мени бошқа ранжитма. Тағин гўлга тушиб  
қолмаслиқ учун иккала кўзингни очиб юр... Мен се-  
ни бундан буён Хўжайинча дейман. Тушуняпсанми;  
Хўжайинча дейман. Мен Хўжайинман, сен бўлсанг  
Хўжайинчасан. Агар кўнглинг чопса мен билан нақ  
Хонбалиқчача бораверасан. Марко деган дўстим се-  
ни бир ерга тиқиштириб қўяди.

— Бениҳоя миннатдорман, жаноб, — деди Хўжа-  
йинча. Матео шунда ўйноқи кўзли Хўжайинчанинг  
жуда адолат кўринган башарасига тикиларкан, муъ-  
жазгина шаҳарчанинг бозор майдонида рўй берган  
бир воқеани эслади.

Капитан денгиз соҳилидан мамлакат ичкарисига  
от қўйиб бораркан, денгизнинг шўртак иси ҳеч димо-  
ғидан кетмасди. Шишиб кетган қўли ва бошидаги  
ҳали битмаган жароҳати ҳадеганда ютқизилган жанг  
манзаралари ҳамда қайтишда бўрон туриб, кемала-  
рини хатарли сувости қоялари бор жойга суриб кир-  
ганини ёдига солиб турарди. Матео ўзини ана шу  
муңгли ҳаёллардан чалғитишга уришиб, кўзига кў-  
ринган ҳар бир нарсани диққат билан ўрганиб бо-  
рарди. Уч кун йўл босгандан кейин муъжазгина ша-  
ҳарчага келиб қолди. Шаҳарчанинг бош кўчаси Са-  
риқ дарё ирмоқларидан бирининг соҳили ёқалаб кет-  
ганди. Матео шаҳар дарвозасидан ўтаётиб, тағин  
пешанамни уриб олмай, деб бошини энгаштирди. Кў-  
чанинг иккала томонига ўрнашиб олган савдогарлар

ва хунармандлар бу нотаниш барзангини кўрганлариди қойил қолиб, ҳазил-ҳузил ҳам қилишди. Матео одамларнинг ҳайратомуз боқишларига кўникиб қолганидан, қулоғига чалинаётган ҳазил-мазахларга нарво ҳам қилмади.

Кўча шаҳар марказига етганда кенгайиб бориб, тўрт бурчакли майдонга тақаларкан. У бўйнига катта ёғоч гул солинган Хўжайинчанинг афт-ангорини биринчи марта ана шу майдончада кўрди. Хўжайинчанинг башараси унга аломат туюлиб, диққатини тортганидан бепарво ўтиб кетолмади. Гарчи шу дақиқада унинг ҳолига маймун йиғласа ҳамки, башарасини кўрган одамнинг кулгиси қистарди. У ёғоч эшафотда тиз чўкиб турар, бўйнида гул бўлса ҳам томошаталаб оломонга заҳарханда қочириқлар қиларди. Томошаталаб бекорчилар ҳам бўш келишмасди. Шунда унинг бирдан газаби қайнаб-тошиб кетди-да, худди қутургандай оёқларини типирчилатиб, одамларни болохонадор қилиб сўка бошлади, чунки унинг фақат бўйнигина гулда эмас, балки қўлларида ҳам ёғоч кишан кўринарди.

Матео эшафотга бамисоли театр сахнасига қарагандай тикиларди: қизиқчи бекорчиларнинг кўнглини очиб, томошабинларни кулдирай деб афтини ҳар хил бужмайтириб, ўзини дарғазаб кўрсатаётганга ўхшарди. Бироқ гулдаги одамнинг болохонадор сўкишлари оломоннинг жиғига тегди шекилли, олдини га ҳазил-ҳузил билан жавоб қайтариб турганлар ҳам ростакамига сўкишга ўтишди:

— Ҳой, қовоқ бош, овсзингни ўчир!

— Нима, сенинг бўйинингга биз гул солдикми?

— Тилингни тий!

Резаворчилардан бири саватини чирик меваларга тўлдириб олди-да оломонга қараб бақирди:

— Манавиндан олиб, бақироқнинг овозини ўчириб қўйинглари!

Иккита йиғитчанинг эшафотга бойлаб қўйилган хачирига минмоқчи бўлаётганини кўрганда Хўжайинчанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетаёзди. Болалар ичаклари узилгудай кулганларича хачирнинг эгарига осиб қўйилган қозонча ва шляпаларни калтак билан туширишарди.

— Бу қизиқчининг хачири уч бошлига ўхшайди. Ҳар битта бошига биттадан шляпа кийиб олибди-я!

— Ҳой, бу ёпйқни қаердан ўмардинг?

— Шундай жаноб ўмарарди дейсизми? Бу саё-  
ҳатга чиққан бой-ку. Ҳозир бу ерга ноибнинг ўзи  
келиб, гулга солиб қўйганлиги учун узр сўрайди.

Гулдаги шўрлик бундай мазахлардан аччиғлан-  
мас, афтидан можаро тинчиб қолаёзгандек эди. Би-  
роқ ҳе йўқ, бе йўқ, у атрофидагиларни қўққисдан  
яна тўзитиб сўка бошлади:

— Кўзимга кўринмаларинг, итваччалар! Мен сиз-  
ларни ҳали...— Ҳўжайинча бўғилиб қолди.

У дам муштумини қисиб, дам бармоқларини қи-  
мирлатаверганидан қўли қонталаш бўлиб кетди, бо-  
шини эса худди сўйилай деб турган товукдай сарак-  
сарак қиларди. Нафасини ростлаб олиб, қайтадан  
сўкинишга оғиз очай деб турганда кимдир отган  
чириган ўрик оғзига тикилиб қолди. Иккинчиси эса  
пешанасига тегиб, ёпишқоқ шираси юзига оқиб  
тушди. Бу чинакам жангга ишорадай туюлди, чоғи,  
кўп ўтмай шўрликнинг устига чириган мевалар  
ёғилди.

Болалар эса баттар талтайиб бамбуқ таёқлари  
билан хачирга илиғлиқ мис қозончаларни тарақла-  
тиб уришар ва завқ-шавққа тўлиб қийқиришарди.

Гулдаги одамнинг башараси бирдан яна бошқача  
бўлиб кетди. У тили билан оғзидаги чириган ўрикни  
чиқариб ташлади-да, эҳтиёт билан бошини ўгириб,  
эшафотни қуршаган одамларни жимгина кўздан ке-  
чира бошлади. Қўллари узилган гулдай шалвираб  
қолган, кўзларида мунг акс этарди. Энди унинг қиё-  
фасидан қўрқаётганлиги эмас, балки чуқур қайғуда  
ёканлиги кўриниб турарди.

Офтоб чарақлар, ерга ёғоч эшафот кўланка таш-  
лаб турарди. Ҳунармандлар, балиқчилар, деҳқонлар  
ва савдогарларнинг оёқлари тагида ўралишиб юр-  
ган товуклар ерда ётган чирик меваларни чўқила-  
шарди. Устида кўйлакчасидан бошқа нарсаси бўл-  
маган бир болакай кўчадан лўмбиллаб чоғиб ўтди-ю,  
йиқилиб тушиб, йиғлаб юборди.

— Энди тошбақадай миқ этмайди!— деди ҳамма-  
га чириган мева улашган резаворчи.— Қани, уни яна  
бир бошлаб қўйайлик! Бизни қанақа сўкканини дарров  
ёсдан чиқариб қўйдингларми дейман?

Матео оғир хўрсиниб, отидан тушди-да, өломонни  
аранг ёриб ўтиб, эшафот олдига борди.

— Овозингни ўчирсанг-чи, маҳамадана!— деди у  
тиниб-тинчимаган савдогарга.— Уни тинч қўй.



Кўриниши жиддий бу баҳайбат одамнинг сўзлари одамларга таъсир қилди. Кўплар хижолатдан иршайиб, қўлларидаги чирик ўрикларни ерга ташлашди. Одамлар ҳам чамаси шу топда сазойи қилинаётган шўрлик ҳолига тушиб қолишлари мумкинлигини бирдан тасаввур қилиб қолдилар. Чунки шўрлик ҳам ўзлари қатори бир одам-да. Одамлар ўз қилғиликларидан хижолатда қолишди. Бироқ териси қалинроқ томошабинлар бу кўнгилочар эрмакдан умидларини узомай, яна қўлларидаги нарсаларини отишга шайланиша бошлади.

Ғулдаги одам хатарни сезди-ю, юзи яна таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. У афтидан, ўзини хафа қилган одамларга, сизларни кечирдим, демоқчи бўларди. Қисик қув кўзлари чақнаб, лабига мулозим табассум қалқди.

У оломонга қараб гўё: «Сизлардан хафа эмасман, биродарлар. Менга бир қаранглар. Менга қилган ёмонликларингни кечирдим. Энди эса тинчгина уй-ўйларингга тарқалинглари-да, бу ерда нима бўлганини яхшилаб ўйлаб кўринглари», деяётгандек эди.

У бармоқларини илтижо қилгандай қимирлатаркан, тўсатдан шундай қаттиқ қичқириб юбордики, овози бутун майдонни тутиб кетди:

— Жаноб судьянинг мени нега ғулга солдирганини биласизларми, одамлар? Нима мен ўғри ё қотилманми?

Бозор майдонига зумда сукут чўкди. Дарёда катта елкан оҳиста сузиб келар, кеманинг ўзи кўринмас, соҳилдаги дўнг ва тош ихота уни тўсиб турарди. Ҳалиги йиқилиб тушган болакайни онаси кўтариб олди-да, айланиб-ўргилиб, овута бошлади. Шамол балиқчининг катта соябонидаги шокилани ўйнатар, ҳавода чириган мева, сабзавот, пиёз ва балиқ ҳиди анқирди. Тепаликда эса «Гўзаллик Ибодатхонаси» қад кериб турарди. У мовий осмон фонида аниқ кўзга ташланиб турганидан худди қўл узатса етадигандай яқин кўринарди.

— У бизни итваччалар деди,— дея резаворчи бўш келмай вайсади.

Ҳамма унга ўгирилди. Унга қувноқ чеҳрали ёшлар ҳам, жиддий турган қариялар ҳам қараб туришарди. Савдогар тўсатдан ҳаммани ўзига қаратди-қўйди. У ишининг орқага кетишини сизди шекилли анча бўшашинқираб гапира бошлади:

— Ким бўпти ўзи? Олдинига бизни оғзига келганини қайтармай роса сўқди, энди бўлса жаҳлимиз чиққанига ҳайрон бўляпти... Бизнинг муҳтарам жаноби судьямиз уни бекорга гулга солибди деб ўйлаяпсанми? Нима жиноят қилганини ўзи айтиб бера қолсин.

Гулдаги одам савдогарга қаради-да, титроқ овозда гапира бошлади:

— Сен нима жиноят қилганимни билмоқчимисан? О, мен учига чиққан ўғриман! Агар жиноятимни айтиб берсам сизлар мени яна чириган ўрик билан туширасизлар. Такрор айтаман, мен чакана-пакана эмас, учига чиққан, давлат аҳамиятига эга бўлган ўғриман. Сизларнинг муҳтарам жаноби судьяларингиз менга: «Сен марҳаматли императоримизни тунадинг. Император ҳазрати олийларининг ошиқ ўйнаш-ни ман этганларидан хабаринг йўқми? У сенларни қурол кучи билан забт этган. Демак сенларнинг мол-мулкларинг ҳам уники. Ошиқ ўйнаганингда марҳаматли императоримизнинг мол-мулкани бой берган бўласан, шунинг учун мен сени жазолашим керак»,— деди.

Гулдаги одам муштумини қисди, бироқ афти ўзгармай тураверди.

— Энди менинг қандай катта жиноят қилганимни билдинглар. Давлатга қарши жиноят қилганман. Судья мени ўн етти дарра ва гулга солишга ҳукм қилди... Мана энди жазирама офтобда турибман... Муҳтарам онажон,— у тўсатдан кўринишдан мулоҳим, сочлари ошноқ кампирга мурожаат қилди,— юзимни ювиб қўйинг. Бу сассиқ ҳидга ҳеч чидолмаяпман.

Кампир бамбуқ таёғи билан хачирга осиглик қозончани ураётган болани чақирди-да, унга:

— Уйга чоп, бир косада сув ол, кейин қўшнимиздан оқ сочиқ сўра. Бунинг юзини ювиб қўйиш кераклигини кўриб турибсан-ку. Қайтишда бир кўзада сут олиб келишни ҳам унутма,— деб қаттиқ тайинлади.

Бола буюрилган ишни қилгани югурди. Бироқ мешкоб унинг қайтишини кутиб ўтирмай, ёғоч бочкачасидан косага зилол сув қуйди, қассоб эса ифлосроқ бўлса ҳам пешбандини ечиб кампирга узатди. Резаворчи саватда тилла ранг ўрик олиб келди. Қовурилган балиқ сотаётган балиқпаз молидан қа-

сир-қусур қиладиганини танилади-да, ям-яшил барг устига қўйди. Сабзавотфуруш кўк пиез, бозорга қўшни қишлоқдан келган деҳқон бўлса саватидан қовурилган товۇқнинг бир бўлагини олиб, бир болага узатиб:

— Эшафотга чиқиб, манавини унга бер,— деди.

— Бизни у итваччалар деб сўкли-ку, ахир,— ҳалиям тинчиёлмаган уришқоқ резаворчи яна гўнғиллаб қўйди.

Фасли баҳор бўлганидан ҳамма ёқ гулга бурканиб, олди мевалар пишганди. Бир мушук эшафотга сакраб чиқиб, гулдаги одамнинг оёғи томонга ўтиб, ўзини офтобга солиб ётди. Баланд эшафотда тиз чўкиб турган сазойи бошқалар назаридан четда бўлган нарсаларни: дарёнинг мавжлашиб оқишини ҳам, осма тош кўприкни ҳам, сузиб кетаётган кема тумшуғида офтобдан кўзини қисиб, бошини орқароққа ташлаб турган ёшгина жувонни ҳам кўриб турарди. У дарё қирғоғидаги сунъий тўсиққа туташиб кетган бамбуқдан қилинган кулбаларни, ям-яшил тепаликларни, шоликорликларни, оқ ва пуштиранг гулларга кўмилган дарахтли боғларни кўрар, ёғишакларнинг йиғлоқи, мунгли овозини ва чилторларнинг бўлиниб бўлиниб келаётган садоларини эшитаётгандек бўларди. Ажиб тарона дам найларнинг жарангдор садолари қанот пайдо қилиб кўкка ўрлар, дам ноғораларнинг қуруқ тарақлашида ерга қапишгандек бўларди.

Қампир гулдаги кишининг афтини муздек сувда ювиб, едириб-ичириб қўйди. Ғам-ғуссасини унутсин деб гуруч бўзасидан ҳам берди. Тепаликдаги бамбуқдан қилинган кулбалар ортида ямен — томи ўткир учли музофот бошқармасининг биноси кўзга ташланарди. Шундай бўлса ҳам шаҳарчанинг юраги ҳозирги дамда бозор майдонида, эшафотда сазойи бўлиб тиз чўкиб турган деҳқон ёнида тепарди.

Матео ана шу манзарани томоша қиларкан, кулиб қўйди.

— Сен, ошнам, биров едириб қўйса ҳам йўқ демас экансан-ку,— деди у.

— Унинг оч қолиб, сув ичкиси келаётганини кўрмаяпсизми?— деди кампир жаҳли чиқиб.— Агар бу ёқмаётган бўлса йўлингиздан қолманг.

— Менга шу ер ҳам маъқул, онажон,— деди Матео сидқидиллик билан.

У отини ёғочга бойлаб, тамадди қилгани карвон-

саройга кетди. Унинг яраланган қўли қаттиқ оғрир, шунинг учун ҳам шаҳарда қўнишга жазм қилганди.

Кечқурун қамоқдонанинг бадқовоқ қоровули ғулдаги одамни бўшатди.

— Мана азобдан ҳам қутулдинг, ўғлим,— Матео шундай деб ғулдираб қўйди-да, кўнгли тинчиб, мизғиб олгани жўнади.

Эртаси кун тонг отиб, қуёш кўтарилганида Матео йўлга тушди. У Хонбалиққа тезроқ етиб, Марко, Ашима, ақлли Николо Поло ва оқ кўнгли Маффеони кўришга ошиқарди. У дўстларининг хавотир олаётганларини ва улар билан қандай учрашишини кўз ўнгига келтирарди. Бир қулоғидан айрилиб борганини кўриб нима дейишаркин? Матео кемаси ва боти денгизчиларини алам билан эслади. У бир йилдан ошиқроқ капитанлик қилди, мана энди бўлса тупроқ йўлларда яна овораю сарсон бўлиб юрибди. Шовқин-суронли кўм-кўк денгиз унинг улкан қабрига айланишига, сариқ жангчининг қиличи эса бошини икки бўлишига озгина қолди. Деярли беҳуш ҳолда ўзини денгизга отганидан кейин тўлқинлар, жанг пайтидаги илдам ҳаракати қилич зарбидан асраб қолганидек, авайлаб соҳилга чиқариб қўйди. Матео жангда фақат битта қулоғидан айрилди. Ушанда қулоғи қонга бўялган латтадай оёғи тагига «тап» этиб тушганди.

Матео отини ниқтади. Хонбалиққа ҳали яна саккиз юз ли бор, шу ваддан ҳам шошилиши керак эди. У барвақт йўлга чиққанидан кўчаларда зор ҳам кўринмасди. Фақат деҳқонларгина бойларнинг далаларида ёки нарх-наво тобора ошиб бораётган ана шу очарчилик пайтларда қурблари етганича ижарага олган кафтдай ерларида тер тўкишарди. Шоли-поялар бақувват ҳўкизлар қўшилган омовларда ҳайдаларди. Чарчоқдан кўзлари тиниб кетган аёллар ва болалар чиғириқнинг ғилдирагани айлантиришар ё бўлмаса тиззаларигача сувга ботиб шоли кўчати ўтқазишарди.

Матео тўсатдан ўзига қараб келаётган отликни кўриб қолди. У кўнгай томондан келаётганидан Матео олдинига унинг қорасини кўрди. Кейин эса иккитаси хачирнинг икки томонига осиглиқ, учинчиси эса жониворга кийгизиб қўйилган учта шляпани идғади кўзи, Хачирнинг мовий ипак ёпиғи бўлиб, ус-

тида бир одам қаққайиб ўтирар, икки ёнига ҳар хил халта-хулталарни осиб олганди.

— Йўлга жуда барвақт чиқибсан,— деди Матео.

— Салом бердик, жаноб,— у Матеога муносиб жавоб қайтарди.— Узларига йўл бўлсин?

— Хонбалиққа, ўғлим.

— Рухсат берсангиз, пича кузатиб қўйсам.

Матео ўрмонда «Хўжайинча» деб лақаб берган одам билан шу тариқа танишиб олганди. Улар бир неча кундан бери бирга йўл босишяпти. Ана шу вақт ичида уларнинг бир-бирларига жуда мос тушганлари аён бўлди.

Матео денгизни севса, Хўжайинча эса йўллар, далалар, боғлар, юртдошларини, уларнинг эртак ва афсоналарини севарди. Матео бепоев океанларда ўзини қанчалик дадил, бардам ҳис этса, Хўжайинча бировларнинг боғ ва мол қўраларида ўзини шунчалик эркин тутарди. Матео контрабанда билан шуғулланган пайтларида қонунларни унча писанд қилмаганидек, Хўжайинча ҳам бировнинг мулки ёки муғулларнинг ҳарбий қароргоҳи яқинида улоқча, ўрдак, товуқ кўриб қолгудай бўлса қонун-понун бор-ку, деб ўтирмай, ўмариб кетаверарди. Хўжайинча яхши ҳамроҳ чиқиб қолди, бироқ Хонбалиққа етиб олгунимизча кўп ташвиш орттирадиган бўлди-да, деган ўй Матеони сира тинч қўймасди.

Матео билан Хўжайинча баҳайбат дарахтларнинг панасида туришарди. Ёмғир қуйишини қўймасди. Ут-ўланларга намдан жон кирган, япроқлардан томчилар силқиб, ерга томарди. Хўжайинча Матеонинг қўлини ечди-да, битта халтасидан қандайдир суртма дори олиб, ҳамроҳининг узунлиги бармоқдай келадиган ярасига қўйди. Матео қўлини эҳтиёткорлик билан қайирди, у қаттиқ оғрирди.

— Қимирлатманг, жаноб,— деди Хўжайинча.

— Сенинг нархинг минг дукатдан ортиқроқ,— деди Матео,— лекин мени яна «жаноб» десанг бошингга битта похол шляпангни кийдириб қўяман.

Матео шундай дея ҳазиллашиб, ҳачирнинг ён томонига осиб қўйилган шляпага қўл чўзиб, тизимчадан тортди. Шунда тизимча узилиб кетиб, бир товуқ Матеонинг оёғи тагига тушди. Хўжайинча товуқни дарров ердан олди-да, сурп латтага ўраб, яна шляпанинг ичига яшириб қўйди. Шунда ўтакаси

ёрилгудай бўлиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб қўйди, бироқ яқин-атрофда ҳеч ким кўринмади.

— Буниси яна нима бўлди?— деди Матео ўртоғининг типирчилаб қолганидан ҳайрон бўлиб.

Хўжайинча яна Матеонинг қўлини бойлашга киришди. Кейин маъсум кўзларини Матеога қадаб:

— Бу товуқ, жаноб. Товуқ сотиб олувдим,— деб жавоб берди.

Матео бошини сарак-сарак қилиб қўйди. У қанчалик ҳаракат қилмасин Хўжайинчанинг қачон, қаерда товуқ сотиб олишга улгурганига ҳеч ақли бовар қилмасди. Ахир субҳидамдан пешингача бирга йўл босишди-ку.

— Қачон сотиб олақолувдинг?— деб сўради капитан.

— Сиз отда мудраб кетаётганингизда бир деҳқон олдимга келиб, оласанми деб қолди,— Хўжайинча ҳеч бўш келмай ёлгон ишлатди.

— Яқин орада икковимиз ҳам ғулга тушамиз,— деб тўнғиллади Матео.

Ёмғир ҳамон савалар, бироқ шамол тинганди. Дарахтларнинг япроқлари орасидан аллақандай ним яшил ажойиб нур тушиб турарди.

— Хўжайинча бугун «қашшоқлар товуғи» деган овқат қилиб беради,— деди Матеога янги ошнаси.

Матео бўлса бу муҳим хабарни ўша заҳотиёқ унутди, чунки офтоб япроқ чодирни ёриб ўтиб, ним яшил ярим қоронғиликни олтин ранг шуъласи билан ёритганди. Қуёшнинг тилла ранг найзалари дарахтларнинг япроқлари орасидан ўтиб, йўсин ва папоротникларга тушар, ўт ҳамда япроқларда титраб турган миллионларча томчиларни ялтиратарди. Ердан ҳовур кўтарилар, шох-шаббалар орасидаги ўргимчак уясининг ингичка иплари соф кумушдек ялтирарди. Бутун ўрмон нур қўйнига чўмгандай. Қуёш тўсатдан жамол кўрсатганидан иккала йўловчи сеҳрлангандай қотиб қолишди.

— Бу ернинг гўзаллигини қара-я, биродар!— деди Матео. Бир оз жим тургандан кейин эса жилмайиб:— На чора, битта-яримта товуғини қидириб қолмасдан тезроқ жўнаб қолайлик,— деб қўйди.

Улар ўрмоннинг соф ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганларича отларини елдириб кетишди. Орадан кўп ўтмай ўрмон тугади.

Матео очикқанидан, шунинг учун ҳам ҳамроҳи-

нинг жилга бўйида дам олайлик деб таклиф қилганидан хурсанд бўлди. Улар от билан ҳачирни тушовлаб, ўтлоққа қўйиб юборишди.

Осмонда булут асари кўринмас, бироқ қуёш чарақлаб турганидан у оқаринқираб кўринарди.

Ҳамроҳлар шохлари тарвақайлаган, аллақанча ерга соя ташлаб турган азим дарахт тагига жойлашишди.

Хўжайинча дарҳол тушлик овқат тараддудига тушди. У товуқни олиб, ичини тозалади-да, зилол сувда ювди. Кейин эса чуқур ковлаб, устига гулхан ёқди-да, товуқни икки бармоқ қалинлигида лой билан суваб, аланганинг ўртасига авайлабгина қўйди. Гулхан устига илинган қозончадаги сув ҳам бирпасда биқирлаб қайнай бошлади.

Хўжайинчанинг масаллиқлари ҳеч тугамайдигандай кўринарди. Матео гоҳо ҳачирга илиғлиқ халта-хулталар ўзидан-ўзи тўлиб қолаверса керак, деган ҳаёлга ҳам бориб қоларди. Масалан, кеча деярли бўм-бўш бўлган гуруч халта бугун яна тўлиб қолганди. Бироқ бу гал иш хайриятки беўғирлик битганди. Улар эрталаб ўтган қишлоқда бир хаста бор экан. Хўжайинча унга янги дори қўйиб, қандайдир дори-вор-гиёҳлар ҳам берди ва эвазига гуруч олди.

Матео ошнасининг қайнаётган сувга гуруч солаётганини кўрганда таъби хира бўлмаганига сабаб шу эди.

Гулхан ёниб бўлгандан кейин Хўжайинча кул орасидан думалоқ нарсани олди-да, совисин деб пича кутди. Кейин тош билан иккига бўлди. Товуқнинг патлари лойда қолганидан у покиза ва яхши пишган эди. Ичига пиёз ва илдишлар солинганидан иштаҳани кўзғайдиган ажойиб ва хушбўй ҳид таратарди. Хўжайинча буғи чиқиб турган товуқни рўмолчага қўйиб, косага гуруч солди. Қичкина қадаҳларга эса сарғимтир гуруч бўзасидан қуйди.

— Мана, «қашшоқлар товуғи» ва «муаттар қор» ҳам тайёр, Хўжайин,— деди у виқор билан.— Қани, саломатликка олаверсинлар.

Матео тановул қилишга киришди. У оғзига келганини қайтармай Хўжайинчанинг пазандалик санъатини роса мақтади. «Муаттар қор»— гуруч бўзаси тилларни бийрон қилди. Дарахт кўланкасидаги бу тамадди Хўжайинчанинг маҳорати туфайли чинакам майшатга айланиб кетди. Ҳамма нарса — ям-

яшил ўт устидаги оппоқ рўмолча ҳам, жилдираб оқаётган жилга ҳам; Хўжайинча қўлидаги гоят илдамлик билан ишлаётган иккита чўп ҳам кишини қувнаттар, Матео эса қаламтарош ва ёғоч қошиқ ишлатаётганидан ҳамроҳи қаршисида ўзини ваҳшийдай сезарди. Ҳамма нарса Матеонинг дидига хуш келганидан, очигини айтганда, «Муаттар қор»нинг ҳеч қандай муаттар ҳиди йўқлиги ҳам монелик қилолмади.

Хўжайинча яна бўза қуйди ва тагин ичишди. Бундан икковлари ҳам янада яйрашиб, қалбларнинг энг теран жойларига яширинган гапларни эсларига тушиб, энг эзгу саволлар ҳам тилларига қалқди.

— Кимсан ўзи, биродар?— деб сўради Матео.

Ҳамроҳи тушки жазирамага ҳам қарамай омов кетидан юрган деҳқонга нигоҳ ташларкан, кўзлари яна сирли мунгга тўлди. Деҳқон ҳайдаётган дала ортида мўъжазгина қишлоқнинг томи қамиш билан ёпилган гувалали кулбалари кўзга ташланарди. Ҳар тарафдан уни ғилқ-ғилқ сув шоликорликлар қуршаганидан қишлоқ оролга қурилгандек туюларди. Омовни иккита қўтос тортарди. Уларнинг яғринлари ҳам худди қовжираган ер тусида эди.

Катай қадимий бир қиссани эсларкан, хаёлига: «Деҳқон омов кетидан юрибди, биз эсак гўё император боғидаги шоирлардек сояда ўтирибмиз», деган сўзлар келди.

У манави қиссани эслаганди. Бир йигит катталиги олчадай дур топиб олибди. Помешчик буни тортиб олмоқчи бўлибди, чунки йигит дурни помешчикнинг еридан топиб олган экан. Шунда йигит бир юмалаб аждаҳо бўлиб қолибди. Оғзидан сув сочиб, водийни зумда қўлга айлантирибди. Попешчик қўлда чўкиб ўлибди, аждаҳо бўлса даралар томон қочибди. Дарё бўлса уни қувиб оқаверибди, аждаҳо бўлса шу тариқа денгизга чиқиб олибди.

Қуёш нурлари аждаҳонинг кумушсимон тангаларини ялтиратибди. Кейин аждаҳо денгиз остига шўнғиб кетибди. Бироқ у ёзнинг сокин, тўлин ой чиққан кечаларида гоҳ у ер, гоҳ бу ерда кўриниб қоларкан...

— Бир вақтларда менинг ҳам озгина ерим бўларди,— деди катай ниҳоят Матеонинг саволига жавоб бериб...— Хотиним меҳнаткаш ва мушук боладай мўмин-қобил эди. Битта қизимиз бор эди. Бир куни помешчик менга: «Ҳозир оғир пайт, ижара ҳақини оширишимга тўғри келяпти. Сен ҳамма қарзларингни



тезда узишинг керак. Мендан беш чорак гуруч олган эдинг», деб қолди. Уша йили тошқин туфайли ҳосилнинг мазаси бўлмади... Бироқ помешчик бир яхшилик қилди. «Қизингни уйимга юборсанг, муддатни узайтираман», деб ваъда берди у. Хотиним бунни эшитиб юм-юм йиғлади...

Хўжайинча қадаҳдаги бўзани бир кўтаришда бўшатди. У узоқ-узоқларга боқарди. У гўё бировнинг ҳикоясини қилаётганга ўхшарди.

— Помешчик қизимизни савалар ва оғир ишларни қилишга мажбур этарди. У қизимизни биз билан гаплаштирмай қўйди. Қизим бечоранинг эти устихонига ёпишиб, ранги синиқиб кундан кунга сўлиб борарди. Бу нилуфар гулимиз ҳазон бўлгандан кейин тобутга қарз кўтардим. Кафанлик олишга ҳам мулимиз йўқ, мусибатимизнинг эса чеки кўринмасди... Кулбамиз доим озода турарди. Эртадан қаро кечгача далада гер тўкканимиздан қарзимиздан қутулгандик ҳисоби. Бироқ кунлардан бирида помешчик олдимга келиб: «Мамлакатимизга душманлар ҳужум қилишди. Сен урушга боришинг керак. Шаҳарга бориб, отрядга ёзил», деди. Мен шу тариқа аскар бўлиб қолдим. Бироқ қўшинимиз заиф бўлганидан мағлубиятга учрадик. Чекинаётганимизда мана шу хачирни ўзимники қилиб олдим. Бироқ уйимга анча кечикиб қайтдим. Кулбамиз вайрон қилинибди, хотинимни ўлдиришибди, далаларда эса бировларнинг отлари ўтлаб юрарди.

Катай жим қолди. Бутоқларда қушлар чириқ-чириқ қиларди. Матео билан катай сояда жимгина ўтиришарди. Жилға бўлса энди бафуржа оқаётгандек эди. Қирғий ўтлоққа ўқдай шўнғиб, бир жўжани чангалига туширди-да, ўлжаси билан оқимтир осмонга кўтарилди.

— Буларнинг бари бир замонлар бўлган, — деди катай. — Энди мен мамлакатни кезиб юрибман. Одамлар похол шляпаларимни кўриб кулишади. Уларнинг бири меники, иккинчисини хотиним мен билан далада ишлаганида кийиб юрарди, манави, кичкина, гулдори бўлса — айтмоқчи гуллари аллақачон ўчиб кетган — қизимизники эди. Ҳамма нарсанинг ўз тартиби, маъноси бор. Товуқни помешчикдан ўмардим. Сен билан Хонбалиққа бораманми ё бошқа ёққа равона бўламанми — менга барибир. Буюмларим орасига найзанинг тиғини яшириб қўйганман.

«Матео томоқ қириб, сочини силаб қўйди. — Мен билан юравер, — деди у бўтиқ овозда. — Энди сени Хўжайичча демайман. Найзанинг туғини буюмларинг орасига яшириб қўйганинг маъқул. — Менинг отим Фань Гун-ду, — деди деҳқон.

## АШИМАНИНГ УҒИРЛАНИШИ

«Ҳозирги турмушим мана шунақа», Ашиманинг хаёлидан шу ўй чиқмасди. Боғдан Юнинг жарангдор кулгиси эшитилар, қушлар хониши, товуқларнинг қақалашига омихта бўлиб кетарди. Ю нега оёқ учида юрмаяпти? Ашиманинг жаҳли чиқаёзди-ю, бироқ ўша заҳоти ҳовридан тушиб қолди. Юни уришмайди у.

Ашимага энди субҳидамнинг шовқин-сурони халал берарди. Хонасининг деразаси қараган учинчи ҳовли йўловчилар, мева-чева сотиб юрувчиларнинг овозлари, араваларнинг тарақа-туруғи эшитилмас даражада кўчадан узоқроқ эди. Бироқ бундан наф йўқ, чунки қушлар овозлари борича сайрашар, товуқлар қақағлар, озгина шовқин, ҳаттоки, боғдаги қадам товуши ҳам қизни безовта қиларди.

Навқирон жанобнинг уйдан чиқиб кетганига алламаҳал бўлган.

«Бугун кун бўйи уйда бўлмоқчийдим, лекин вазир Аҳмад одам юборибди, — Марко кетар олдида шундай дея жилмайди-да: — Мени кечир, албатта, Ашима», — деб қўшиб қўйди. Шундан кейин шоша-пиша хайр-маъзур қилиб, чиқиб кетди.

Ашима, навқирон жаноб мени фақатгина усиз ҳам куни бемалол ўтавэрадиган қимматбаҳо тош, тақинчоқ янглиғ кўради, деган хаёлга борар, кундан-кунга бу фикр калласига мустаҳкамроқ ўрнашиб борарди.

Марко хайрлашаётганида Ашима унга: «Нега мендан кечирим сўраяпмиз? Сизга тушунолмаяман, мессер Поло, саройдаги ишларингиздан ҳам муҳимроқ нарса бўлиши мумкинми?» — деса бўлармиди? Шундай деса кетидан: «Ёлғиз қолишни ҳамма нарсдан ҳам яхши кўришимни биласиз-ку», — деб қўйиши мумкин эди.

У Маркога жавоб тариқасида айтилса бўладиган яна кўп гапларни ўйлади, бу гаплар бир-биридан

зўр, ҳаммаси ҳам серкиноя эди. Қизнинг назокат барқ уриб турган чеҳраси ёришди, бамисоли яшмадан тарошлагандек бежирим қовоқлари остида кўзлари чақнади. Фил суяк бандли кумуш кўзгуни қўлига олиб, уни арта бошлади. Наҳотки у хунук бўлса? У кўзгуда аксини кўрди. Мажнунтол япроқлари шамолда шитирлаб, ўзларининг майин қўшиқларини куйлашар, новдаларнинг кўлкалари эса уларга монанд рақс этарди.

Ю чой олиб келди. Қиз гиламдан унсизгина, раққосалардек хиромон билан келарди. Ашима кўзгуни қўйиб, дераза олдидан нари кетди.

— Жуда хурсанд кўринасан,— деди у.— Доим кулганинг-кулган.

Қиз бекасига тез нигоҳ ташларкан, ҳатто қўрқувдан қалтираб кетди. Наҳотки, у бекасининг аччиғини келтирадиган бирор нима қилган бўлса? Ашима дарғазаб эмас, балки пича ғамгиндай кўринарди назарида. Қушларнинг қандай сайраётганини наҳотки эшитмаётган бўлса?

— Ҳовузга кичкинагина тош ташловдим, тилла балиқчалар бараварига ҳар томонга қочиб қолишди,— деди Ю.— Бу жуда қизиқ бўларкан.

У балиқчаларнинг қандай қочиб қолишганини қўли билан кўрсатаркан, оғзини шунақанги кулгили қилиб очдики, Ашима ҳам ўзини кулгидан тутолмай қолди.

— Бас қил, Ю,— деди у, яна жиддийлашиб.— Менинг сира ҳам кулгим келмаяпти.

Ю итоат қила қолди. Бироқ унинг чеҳрасида илгаригидек қувноқлик барқ уриб турарди. Унинг биринчи қўл келган фурсатда яна шарақлаб кулиб юборишига сира шубҳа қилмаса ҳам бўларди.

— Сизникида жоним ҳузур қилади,— қиз юрак ютиб хурсандлиги боисини тушунтира кетди.— Сиз жуда яхшисиз, мени ҳеч ким урмайди, бу ерда, қорним ҳам доим тўқ.

«Қалтак емаётганидан Ю жуда хурсанд», деб ўйларкан, Ашима ўз тақдирига нисбатан ношукурчилик қилаётганини ҳижолат билан ҳис этди. Очнаҳор қолганларини, еган калтакларини, жулдур-жулдур кийимларини, исқирт бўйрада ётганларини наҳотки унутган бўлса... Агар Матео билан Марко уни ҳалос этишмаганда борми, куни ўшандай ўта-

верарди-ку. Ашима шуларни хаёлидан ўтказаркан, оқсочни қучди.

— Оҳ, Ю,— у йиғлашини ҳам, кулишини ҳам билмасди. Бир оз жим турганидан кейин тўсатдан:— Мен сендан бир нарсани сўрамоқчиман...— деди.

Оқсоч қиз бўйинини чўзганича юрага типирчилаб, ҳадеб лабини яларди. Афтидан унинг қизиқ бир сир эшитсам керак, деб ўйлаётгани аён сезилиб турарди.

Ашиманинг ёноқлари лоларанг тусга кирди, у яна озгина ҳаяллаб турди, бироқ ўзини тутолмай титроқ товуш билан:

— Ю, айт-чи, мен чиройлиманми?— деб сўради ниҳоят.

Ашима ҳижолатдан кип-қизариб кетганидан қаёққа қарашини билмасди.

Ю бўлса таажжубланиб:

— Наҳотки шуни ҳам сўраб ўтирсангиз?— деди самимий.— Сиз парилардай гўзалсиз. Ҳуснингизни кўриб лол қолмайдиган одам бу оламда йўқ. Буни ўзингиз ҳам биласиз. Буни нега мендан сўраяпсиз?— Сўнг пича жим қолди-да, ўйчан ҳолда қўшиб қўйди:— Сиз фаришталар маликасидай гўзал ва сахийсиз.

Ашима янада гангиб қолганидан бўйнидаги марваридини ўйнади.

— Сендан бемаъни гапни сўрадим, Ю,— деди у.— Буни бировга гапириб юрма. Ваъда бер.

— Ҳеч кимга айтмайман,— Ю тантановар ваъда берди.— Ҳатто олтин балиқчаларга ҳам айтмайман.— Ана шу дақиқада у ўзининг бу гал тилини тийиб кета олишига ишонишга тайёрдек эди.

Ашима кимнингдир қадам товушларини эшитди. У ўрнидан турди-да:

— Биров келяпти. Чиқиб қара-чи, Ю, навқирон жаноб қайтган бўлмасин тағин,— деди.

Оқсоч қиз эшикни оҳиста ёпиб чиқиб кетди. Ашиманинг юраги қаттиқроқ ура бошлади. У сочига фируза тўғнағич қадаб шоша-пиша кўйлагини тўғрилади. Шабада шу топда хонага бегона эркакнинг овозини олиб келди. Ашима тарвузи қўлтиғидан тушганича жойига ўлтирди. Ю кириб келганида унинг чеҳраси энди лоқайд ва совуқ кўринарди.

— Ким экан у?— деб сўради Ашима.

— Жаноб Марко Полонинг олдидан келибди. Жаноб сизни шаҳар ташқарисидаги, дарё бўйидаги

уйда кутаётишганмиш. Сизни олиб келишга тахтиравон юборибди.

— Марко... мен навқирон жаноб кутяптийканми демоқчиман. У Аҳмад вазирнинг олдига кетмовдими?

Ашима ҳайрон бўлиб Юга қаради-да, ўша зумдаёқ вужудини қувончли ҳислар чулғади. Азбаройи хурсандлигидан чапак чалиб, шўхчанлик билан гапира кетди:

— Ю, мен кийиниб олишим керак. Бўлақол. Узинг, сизни навқирон жаноб шаҳар ташқарисидаги, дарё бўйидаги уйда кутаётганмиш дединг-ку. Нега қаққайиб турибсан? У мени нега чақиртирибдийкин? Ё унга бир нима бўлганмикин-а, Ю?— Ашима қўрқувдан жойида қотиб қолди.— У ҳеч қачон мени олиб келгани одам юбормасди. Нега ўзи келмадийкин уйга? Айт-чи, бу қанақаси бўлди?

Ю чаққонлик билан Ашиманинг янги кўйлак кийишига қарашарди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ,— дерди у бекасига тасалли бериб.— Жаноб шунчаки сиз билан суҳбатлашишни истаб қолган, холос. Бошқа нима бўларди.— Ю шундай деб оҳиста кулиб қўйди.

— Қўрқиб кетяпман, Ю.

Уйда Ашиманинг маслаҳатлашадиган бошқа одами йўқ эди. Хушкўнгил Матео ҳозир қаердайкин? Бўлса гулдуросли қаҳқаҳаси билан унинг қўрқувини тарқатарди-қўярди. Гоҳо қизга Матео энди қайтиб келмайдигандай туюларди. Бу хусусда қизнинг Марко билан дардлашгиси келар, бироқ Ашима унинг негадир дўстининг номини эшитишни ёқтирмай қолганини пайқаб юрарди. Савдогарлар ҳам Ашиманинг олдида Матео ҳақида гап очишдан қочишарди.

Ашима бир томондан хавотирланиб, иккинчи томондан қувончга тўлиб уйни тарк этди. Бироқ офтоб чарақлаб турган кўчага чиққандан кейин юрагидаги ваҳимаси кўтарилди. Сояда дам олиб ўлтирган тахтиравончилар уни кўришлари биланоқ тавозе билан «дик» этиб ўринларидан туришди. Кўчадан учига нимта қадалган айри ёғочни худди байроқдек елкасига қўйиб олган қассоб ўтиб қолди. Нимтани пашша талаб борарди, қассоб бўлса овози борица молини мақтарди. Кўчада ўткинчилар ҳам кўринар, биров шошилмай ва салобат билан қадам ташласа, биров шоша-пиша шахдам одимлаб борарди. Хунармандлар дўконлари олдида ишлашиб ўтиришар,

тўртта сарбон бўлса чойхона куланкасида дам олишарди. Қандайдир лекса жаноб пилдираганича кўчани кесиб ўтди. Унинг кўлида тўти солинган қафас бор эди. Чамаси тўтисини айлантиргани олиб чиққан кўринарди. Тахтиравончи Ян шоҳи пардани очиб, Ашиманинг чиқиб олишига ёрдамлашди.

— Қаёққа борамиз?— деди Ашима.  
— Шу ерда, яқингинада, хоним,— деди тахтиравончи анқовсеираб.

Ашима юмшоқ болишга чўкди. Шоҳи парда хушбўй ис таратарди. Тахтиравоннинг бир маромда тебраниши ва ундаги ним қоронғилик уйқуни келтирарди. Қиз ўз хаёллари билан бўлиб, қайси йўлдан олиб кетишяпти деб қараб ҳам қўймасди. Вужудини босган ваҳимадан асар ҳам қолмади. Марко уни дарё бўйидаги уйда кутиб турибди. Балки у Ашимани дўстларига таништиришни истагандир. Қиз бунини ўйларкан терисига сиғмай кетди. «Ёлғизлиги ва бемаъни гумонларга берилиши тугаганга ўхшайди. У оқсочидан, чиройлиманми, деб сўрганини эсларкан, ўзинча кулиб қўйди. Оқсочи унга: «Сиз парилардай тўзалсиз!»— деди. У чиндан ҳам шу фикрдамикин ё хушомат қилиб шундай дедимикин? Ю, бекам шундай бемаъни нарсани сўради, деб валақлаб қўймасинда ишқилиб... Йўқ, қиз унга тўғри жавоб берган бўлса керак.

Тахтиравон бир маромда чайқаларди. Ашима орзулар олаמידан бош кўтариб, пардани очди. Тахтиравоннинг ёнидан катта гилдирагининг тўғёни мисдан ясалган арава ўтиб борарди. Кунчиқардаги тоғлар булутли осмон фонида аниқ кўриниб турарди. Шамол тинганди ҳисоби. Ашима шаҳарга бири янги сабзавот, бири қовурилган гўшт солинган сават, бири сувли бочка, бири олтин балиқли идиш кўтариб бораётган кишиларга тикилди. Шабадада шатирлаб турган похол девор ортидаги кўча бўйлаб гувалали кулбалар тизилганди. Тахтиравончилар толиқмай ўз йўлларидан боришарди. Кўп ўтмай шаҳар чеккасини ҳам ортда қолдиришди.

Йўлнинг икки чеккасини баланд ўсган тераклар қуршаганди. Икки бети толлар билан қопланган жилға ўтлоқни кесиб ўтарди. Ашима пардани тушириб, яна болишга ёнбошлади. У қалбига яна қандайдир ваҳима ўрмалаётганини сезиб, ўзини босишга уринар, лекин ожизлик қиларди. Тўсатдан негадир Ма-

тео эсига тушиб қолди. Шунда даҳшатли бир манзара кўз ўнгига келди-ю, юрагида юрак қолмади. Ранги дока бўлиб кетган Матео назарида унга тикилиб турганмиш, кўзлари ўтдай ёнармиш, лаблари пичирлаб унинг отини айтармиш, кейин у ғойиб бўлди. Кўзига яна тахтиравоннинг сариқ шоҳисидан бўлак нарса кўринмай қолди. Бироқ вужудини бир лаҳза чуллаган қўрқув кетмади. У юраги гурс-гурс ураётганини эшитиб турарди. «Орқага қайтинглар!»— деб қичқирмоқчи бўлди, бироқ ўрnidан қимирлаёлмади. Қандайдир ғалати ҳолда қолганидан бир маромда чайқалаётган тахтиравонда қимир этолмай борарди.

Ян ўз хаёллари уммонига фарқ бўлганидан беихтиёр шериги билан барабар қадам ташларди. У атрофига аланглас, бу хонимни кўтариб бориш анча енгил. У Жамбуй хотундай зил-замбил эмасди. «Уни дарё бўйидаги уйга олиб борасизлар,— деганди Саид.— Агар бу топшириқни яхши бажарсанг инъом оласан. Бировга бундан оғиз оча кўрмайсан, бўлмаса калланг кетади». Ван билан кўр Ши Хонбалиқдан қочиб кетишди. Қандолатфуруш Ли бўлса қамоқда ётибди... Тахтиравончи қадамини бир меъёрда босиб борарди. Унг қўлига зўр келгандан томири бўртиб чиққанди.

«Вазир Аҳмад нега қизни шаҳар ташқарисидаги бу олис уйга элтишни буюрди?» Қиз: «Қаёққа борамиз?»— деб сўраганда Ян унинг афтини кўрганди. Қизнинг ўшандаги кўриниши кўз олдидан ҳеч нари кетмасди.

Теракларнинг энди чиққан япроқлари шохларда қимир этмай турарди. Узоқдан Аҳмаднинг уйи кўринди. У тепалик устида бўлиб аждар суратли ва ўткир учли томи дов-дарахтларининг япроқлари орасидан ҳам кўзга ташланиб турарди. Осмонни борган сари парқу булутлар босарди. Хонбалиқ энди анча орқада қолганди. Бу ер овлоқ ва гўзал жой эди. Гулларга кўмилган боғ, буталар чаман-чаман гуллаб ётибди, бу сокин гўшани баланд оқ девор ўз оғушига олган, тепалик этагида дуру жавоҳирлардан терилган маржондай жилға ялтирайди.

Дарвоза очилди. Хизматкор тахтиравончиларга йўл кўрсатди. Ашима унинг сўзларини эшитиб, кўнглидаги ваҳимани қувди. Емон ўйлар вужудини тарк этди. У кўзлаган масканига етганди. Ҳозир уни Марко жилмайиб қарши олади.

Тахтиравон ерга қўйилди. Ян пардани тортиб, қизнинг тушишига ёрдамлашди.

Ашима боғни кўздан кечирди. Шунда башанг кийинган хизматкор унга яқин келиб, жимгина таъзим қилди.

— Жаноб Марко Поло қаерда?— деб сўради Ашима.

Хизматкор елкасини қисиб қўйди. Ашиманинг кўзларида яна қўрқув акс этди-ю, у Янга савол назари билан қаради.

— Мени қаерга олиб келдингиз?

Ян чурқ этмади. Кўзини четга бурди. Қизга нима деб жавоб бера оларди? Улар тахтиравонларини елкаларига олиб, жўнаб қолишди.

Ашима йўлакда бир оз вақт қотиб турди.

— Сизни кутиб туришибди, хотин,— хизматкор уй томонни кўрсатиб, кетимдан юринг дегандай ишора қилди. Йўнилган тошдан қилинган зина қоронғи эшикка олиб борарди. Бронзадан ясалган иккита қанотли арслон уни ўнгу сўлдан қўриқлаб турарди.

Хизматкор қизга жуда яқин келди-да, қатъийроқ қилиб:

— Сизни кутиб туришибди, хоним,— деди.

Шу чоқ бирдан эшик очилиб, ичкаридан бир киши чиқди-да:

— Нега унга ялиниб ўтирибсан! Гапга тушунмаса судраб олиб кир,— деб бақирди.

Ашима бу овозни эшитибок титраб кетди. Бақирган одам ўзига томон кела бошлади, қиз унинг беҳаё ва истеҳзоли кўзларини кўрди. У тобора яқинлашиб келаркан, Ашима унинг ясси пешанаси, ғалати даҳани, дўрдайган лабларидан таний бошлади. Бу бўри башарали киши — Саид эди.

Ашима чинқириб, шартта орқага ўтирилди. Хизматкор унга ёпишган эди, қиз унинг юзига чанг солди. Ашима қўл-оёғини силкиб, типирчилаб қутулишга уринар, қутқаринглар деб дод солар, бироқ овози офтобга фарқ бўлган сукунатга сингиб кетарди.

Ян унинг фарёдини эшитди. Шунда вужуди ғазабга тўлиб, қадамини секинлатди.

— Уни нима қилишаётганикин?— деб сўради у ёнма-ён кетаётган шеригидан.

— Бизнинг нима ишимиз бор?— деди у бепарволик билан.

Улар қадам ташлаб бораётган йўл ташландикдай



туюларди. Тепаликдаги атрофи оппоқ девор билан ўралган уйни дарахт ёт кўзлардан яшириб турарди. Утлоқдаги жилға шовиллайди. Мажнун толлар унга аждарлар сурати ўйилган тахт олдида таъзимга бўлган мансабдорлардай эгилиб турарди.

Ян Ашиманинг фарёдини унутолмасди.

\* \* \*

Марко Поло сарой қабулхонасида бетоқат бўлиб ўлтирарди. Бугун унинг бу ерга келгиси йўқ бўлса ҳам, худайчи, Аҳмад жанобларининг сизда зарур гаплари бор экан, деганди. Марко анчадан буён кутиб ўлтирарди. Унга таниш ёки нотаниш бўлган сарой аъёнлари ёнидан ўтиб туришар, теварак-атрофидан одам аримасди ишқилиб. Юзлари тунд посбонлар эшиклар ёнида туришарди. Залдан мусофир савдогарлар, мусулмон амалдорлар ва уйғур мансабдорлари ўтиб қолишди. Марко уларнинг ўзига ажабланиб қарашганини сезаркан, ичларида: «Бу венециялик назардан тушиб қолмадимикин? Бўлмаса вазир нега уни шунча кутдириб қўяди?»— дейишаётганини фаҳмлади. Дарҳақиқат мағрур менециялик ҳозир қабулхонада бир арзгўйдек кутишга мажбур эди.

Марко ўрнидан турди, қайнаб келаётган аламини босиб, тўдалашиб турган сарой аъёнлари ва савдогарларга қиё боқмай, қабулхонада аста-аста у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Вазир Аҳмад жаноблари уни чақиртирган экан, зумда етиб келди. Энди бўлса вазир уни мунтазир қиляпти. Маркодаги алам энди газабга айланди.

Эшик очилиб, котиб навбатдаги кишини ичкарига таклиф қилаётганида Марко овозини баландлатиб унга:

— Вазир Аҳмадга тезроқ кириб айтинг, бошқа кутишга тоқатим йўқ. Тахтиравоним дарвозанинг олдида тайёр турибди,— деди.

Ийғилганлар бир-бирларига маънодор қараб қўйишди. Марко Поло буюк хоннинг эркатойи эди. Унинг бир огиз сўзи бировларни ё бахтиёр, ё бебахт қилиши мумкин эди. Ийғилганлар ҳасадларини ичларига яшириб, кети нима бўлишини билишга қарор қилишди. Агар бир одам назардан тушиб қолган бўлса унга кўнгилда борини айтишга ҳеч қачон кечикмайди.

Котиб Марко Полога таъзим қилди.

— Афв этасиз, мухтарам жаноб,— деди у гангиб,— яна пича сабр қилинг, илтимос. Вазир Аҳмад жаноблари...

— Бориб мен айтган гапни етказинг,— Марко Поло қатъий буюрди.

Аҳмадни муҳофаза қилувчи қўриқчилар бу жоҳари чамаси маза қилиб кузатишарди. Хизматлари ҳар кун бирдай ва зерикарли ўтадиган бу одамларга томоша топилганди-да. Улар шунинг учун ҳам ўзларича кулиб қўйишди.

Марконинг атрофи ҳадемай бўшаб қолди. Ана шундай дақиқада олижаноб венециялик қаватида бўлишни ҳечким истамасди.

Марко қўлини орқасига қилиб, қабулхонада ўй сурганча у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. У Аҳмаддан жавоб чиқишини зўр бериб кутаётганини сиртидан сира ҳам билдирмасди. Буюк хон бундан бир неча ҳафта муқаддам бутун сарой аъёнлари билан ёзги қароргоҳига жўнаганди. Марко Поло тўсатдан ўшанда ўзи эътибор бермаган майда-чуйда гапларни эслади, чунки булар энди назарида бошқачадай туюларди. Императорни кузатиб қўйганларидан кейин Аҳмад Маркога мулойим жилмайиб:

«Олампаноҳ бизни бир оз фурсатга тарк этдилар. Энди бутунлай менинг измимдасиз, Полобек. Баъзилар мендан қўрқишади, бироқ сиз ҳайиқмайсиз, шундай эмасми?»— деганди.

«Нега энди сиздан ҳайиқарканман?»— деб сўраган эди Марко ўшанда ажабланиб.

«Одамларнинг гапига ишонманг. Сиз — менинг дўстимсиз»,— вазир шундай дея елкасига қўл ташлаб, мулойим бош ирғаб қўйганди.

Марко шундан кейин яна бир манзарани эслади. У бундан бир неча кун олдин кенгашга чақиртирилганди. Кенгашда қоғоз пул чиқариш маҳкамасидаги лавозимларга одам тайинлаш ҳақида гап кетди. Вазир Аҳмад ўшанда бир неча йирик мансабдорларни ишдан бўшатишни таклиф қилди. Кенгашдаги ҳар бир одам вазир Аҳмад буларнинг ўрнини ўзига яқин кишиларга ваъда қилгани учун бўшатаётганини билиб турган бўлса ҳам, финг деб овозини чиқармади. Фақат Марко Пологина:

«Уларни нима учун бўшатмоқчисиз, вазир Аҳмад? Улар маблағдан еб қўйишганми?»— деб сўради.

«Еб қўйишган деб ҳисоблайверасиз»,— вазир гап-ни чўрт кесиб, дарҳол бошқа масалага кўчди.

Вақт ниҳоятда имиллаб ўтарди. Марко сарой аъёнлари ёнидан ўтиб қолгудай бўлса шивир-шивир тинарди. Марко шунда отасининг: «Мен ҳам Аҳмад билан носоз бўлиб қолишни истамасдим. У буюк хоннинг ишончини қозонган одам», деганини эслади. Бироқ гурури отасининг бу маслаҳатидан устун келди. У Аҳмаднинг ижозатига умрбод кўз тикиб тургандай сездди ўзини. Ниҳоят баланд эшик очилиб, котиб қабулхонага кўз югуртиб чиқди.

— Вазир Аҳмад жаноблари ташриф буюришингизни сўраяптилар,— деди у Марко Полога.— Кутиб қолганингиз учун узр. Англашилмовчилик бўлибди, муҳтарам жаноб.

Марко шаштидан тушди. У котиб кетидан юрди. Аҳмад вазир Маркога кўзи тушиши биланоқ кумуш ўриндиғидан туриб, истиқболига чиқди.

— Нима гап ўзи, Полобек?— деди у гап бошлаб.— Сиз кутиб қолдингизми? Мени кечиринг, бу ишда бемаъни англашилмовчилик бўлибди. Котиб жазосини олади. Сизни ҳузуримга келишга нима мажбур этди, тезроқ гапирақолинг. Тортинмай гапираверинг. Эҳтимол, жуда муҳим хабардан мени огоҳ қилмоқчидирсиз?

— Аксинча, менга ўзингиз худайчи юборибсиз-ку,— жавоб берди Марко,— Наҳотки бу эсингизда бўлмаса, муҳтарам жаноб? Худайчи Сизда зарур ишлари бор экан деганди-ку?

Вазир Аҳмад Марко Полонинг афтига тик боқмай ёнидаги аллақандай бир нуқтага тикиларди. Кейин пешанасини тириштирди, ҳозиргина дўстона мамнун кўринган афти совуқ ва лоқайд тусга кирди.

— Сизга мен одам юборибманми? Менга ҳозир керак эмасдингиз-ку, ахир. Нега энди мен сизга худайчини юборарканман? Гапингизга негадир тушунолмаяпман, Полобек?

Марко Поло муштумини шундай қаттиқ қисдики, тирноқлари кафтига ботди. Вазир шу чоққача у билан бундай гаплашмаганди. У вазирга қатъий ва ҳафақон тикилди, бироқ ҳақоратига муносиб терс жавоб қайтарганида вазирнинг юзидаги бирон туки ҳам қилт этмади.

— Ҳозир сизга керак эмасманми, вазир жаноблари? Бўлмаса хайр-маъзурга рухсат этгайсиз. Бундан

буён менга худайчи юбормай қўя қолинг, барака топ-гур. Мен бари бир келмайман.

Марконинг сўзлари худбин вазирга шапалоқ билан баробар эди. У аранг ўзини босиб турарди. Бироқ Марко шартта ўгирилиб, эшикка қараб юргандан кейин афти бужмайиб, қора кўзлари ёниб кетди. Ҳа, бу венециялик теварак-атрофдаги сарой аъёнларига қараганда тамоман бошқача одам. Унинг сўзларини унутиб бўладими? Уни бунақа очиқдан-очиқ хафа қилиш бемаънилик эди. Хубилайхон италияликни ҳали ҳам хуш кўрар ва маслаҳатларига қулоқ соларди. Марко Полони Чуй Ин сингари ўртадан кўтариб ташлаш ҳозил эмасди. Марко саройдаги ҳокимият учун кураш олиб бораётган турли гуруҳларга қўшилмай ақл билан иш юргизарди. Аҳмад Сю Сян билан ошкора жанжаллашиб қолгандан бери табиат ато қилган оқли туфайли ҳаммадан устун келган венецияликни жонидан ҳам ёмон кўрарди. Марконинг: «Халқнинг елкасига яна оғирроқ юк ортиш адолатсизлик бўлур эди, ҳазрат олийлари»,— деган сўзлари ҳеч эсидан чиқмасди.

Аҳмаднинг калласи тез ва аниқ ишларди. У бугун Ашиманинг гойиб бўлгани ҳақидаги хабар Маркони ножўя ҳаракатлар қилишга ундайди деб мўлжаллаганидан унга қарши ошкора ҳамлага ўтишга жазм этганди.

Марко бу хонага яна қайта қадам босмайдиган бўлиб чиқиб кетиш учун эшикни очмоқ ниятида тўхтади. Бироқ шу дамда вазир ўзини чақираётганини эшитиб қолди:

— Полобек, кетманг! Орамизда қандай беъмани англашилмовчилик юз берди ўзи? Мени давлат ишлари қанчалик гангитиб қўйганлигини билсангиз эди. Жаҳл устида айтган сўзларимни унутинг, ўтинаман.

Ҳали остонага қадам қўймаган Марко Поло орқасига ўгирилиб, вазирнинг дилидагини уқиб олиш учун синовчан тикилди. Вазир афтидан мулоким ва самимий кўринарди.

— Ўлтиринг, Полобек, илтимос қиламан,— деди Аҳмад курсига ишора қилиб,— ишларимни бир дақиқа унутиш ҳам менга фойдадан холи эмас.

Марко индамай ўтира қолди. Уни вазирнинг дилидаги ўйларини уқиб ололмаганлиги эзарди. Ҳозир эса ўзининг шартакилиги учун афсусланишга ҳам тайёрдек эди.

— Вақтингизни сунистеъмол қилишни истамайман, вазир жаноблари,— деди у қора дарахтдан исалган курсининг суянчигига тирсагини қўйиб.

Аҳмад бўлса табассум билан эътироз билдирди:

— Сиз аламингизни бутунлай эсдан чиқармабсиз, холос,— деди у. Кейин эса тишини оқини кўрсатмай қистирди:— Сиз тушунишингиз даркор. Мен сиз билан очиқчасига гаплашаман, Полобек. Олдимга одамлар келиб, киши юборган экансиз, дейишларини эндигина эшитганим йўқ. Фақат ҳоқон ҳазратларининг манфаатларини кўзлаб мен чиқарган ўлпонларни хуш кўрмайдиган душманларим борлигини ўзингиз биласиз. Гапимга ишонинг, сизга мен одам юборганим йўқ. Ўзим ҳам ҳалигача бунга тушунолмамай турибман. Агар истасангиз котибни ҳозироқ чақиртираман, у сўзимнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Марко Поло қўли билан уни тўхтатди.

— Сизга ишонаман, вазир жаноблари. Қаттиқ гапирганим учун афв этасиз.

Вазир Аҳмад Марко Полони эшиккача кузатиб, у билан қуюқ хайр-маъзур қилди. Қабулхонада уймалашиб турган одамлар тавозе билан йўл беришди. Марко шунда ҳам саройни негадир бир хил бўлиб ва нимадандир қаноатланмагандай тарк этди.

Кўчага кетиб бораркан ёнидан сариқ пардали тахтиравон олиб ўтишди, бироқ унга қиё ҳам боқмади. Қуёш чарақлаб турар, кўчадагилар ўзи билан ўзи овра эди.

Марко тахтиравончиларни жўнатиб юбориб, уйига пиёда кетди. Матео кетиб, отаси билан Маффео амалкиси олис сафарга йўл олишгандан бери Хонбалиқда ўзини қандайдир ёлғиз ҳис эта бошлаганди. Ашиманинг олдида ўзини гуноҳкор сезар, нега деганда унга Чипингуга қилинган ҳарбий юришнинг оқибати қайғули тугаганлигини айтишга юраги дов бермай юрарди. Марко бугун Ашима билан албатта гаплашишга жазм қилди. Қатайларнинг икки мингта кемасидан йигирматаси қайтиб келгани маълум бўлса ҳам, Матео омон қолганлар қаторида деб умид қиларди Марко.

Хизматкор Марко Полонинг келганини кўриб бақрайиб қолди. Ю унга жаноб кечроқ қайтадилар деб, ўзи эса шаҳарга жўнаб қолганди.

— Нима гап?— сўради Марко ранжиб.— Нега менга худди ажинага қарагандай тикилиб қолдинг?

— Мени кечиринг, мухтарам жаноб,— деди хизматкор гўлдираб.

Марко Поло шийпонга кўз ташлади. Унда Ашимани кўраман деб умид қилганди. Шийпонга ток барглари орасидан офтоб нурлари тушиб турарди. «Балки у ўз хонасидадир»,— Марконинг хаёлига шу нарса келди. У бўлажак суҳбат учун гап ўйлашга бир неча дақиқа фурсати борлигидан мамнун эди. Хаёли ҳозиргина вазир Аҳмад билан бўлган суҳбатга қайта-қайта кетиб, менга хунук ҳазилни ким қилдйкин, деб боши қотса ҳам ҳеч ўйининг тагига етолмасди. Аҳмаднинг: «Менга ҳозир керакмас-сиз, Полобек», деган сўзлари, совуқ ва бепарво қараши Марконинг нафсониятига жуда тегиб кетган ва унинг вазирга бўлган шубҳасига шубҳа қўшганди. У энди айтгани келган худайчининг афти-ангори қандай одамлигини сўрамоқчи бўлиб хизматкорини чақирмоқчи бўлиб турганида унинг ўзи ҳаяжонланиб кириб келди-да, ҳеч кутилмаган нарсадан огоҳ қилди.

— Сю Сян... жаноб,— у қалтироқ овозда гап бошлади.— Мухтарам Сю Сян жаноблари келдилар. Сиз билан гаплашишни истайдилар,— хизматкор ичидаги гапни аранг тўкиб солди.

Олим Сю Сян хизматкор ва умуман барча оддий катайлар учун бир пайғамбардай гап эди. Унинг хайрли ишлари ва саройда ирод қилган сўзлари ҳақидаги миш-мишлар турли йўллар билан ҳунармандлар, тош терувчилар, майдо савдогарлар, деҳқонларга етиб борарди.

«Сю Сяннинг умри боқийдир,— дейишарди катайлар бир-бирларига,— унинг императорга нима деганини эшитмаганмисиз? «Агар катайлар байрамнинг куни оқ кийинишларини буюрсанг мусибатда қоласан. Қизил халқимнинг бахт иқболи ранги», деган. Шунда император унга нима жавоб берганини биласизми? «Агар сен, Сю Сян, қизил ранг бахт-иқбол ранги деяётган бўлсанг, майли, ҳамма катайлар байрамим кунда қизил кийиб юриша қолсин». Император унга ана шу жавобни қилибди, негаки Сю Сяннинг умри боқийлигини биледи-да».

Мана энди ўша Сю Сян Марконинг ҳузурига келганди. У боғдаги ҳовуз бўйида туриб, олтин балиқчаларнинг ўйинини томоша қиларди. Унинг сийрак соқолли ва қуюқ оқ қошли юзи ниҳоятда осойишта

кўринарди. Тахтиравончилар ҳовлидан шарпасизгина чиқиб кетишганди. Сю Сян ёлғиз, ёнида ҳамроҳи ҳам йўқ эди. Офтобда унинг ипак либоси ярқираб турарди.

— Марҳамат, муҳтарам жаноб,— деди Марко Поло.— Ғариб кулбамизга хуш келибсиз.

Сю Сян миннатдорчилик билан таъзим қилиб, хо-нага кирди. Хизматкор чой келтирди.

— Мен сўзларингизни ёдимдан чиқармаганлигим туфайли ҳузурингизга келдим,— деб гап бошлади Сю Сян.— Ҳаракат қилишнинг фурсати етди, Марко Поло жаноблари. Вазир Аҳмадга: «Ҳокимиятпарастлик, бемаъни эҳтирослар, мажоро ва маккарона уюштирилган фитналардан кеч»,— десалар ҳам у ҳеч ниманинг фаҳмига етмайди.

Марко гапи рўй-рост бошлаб кўзлаган мақсадига яқинлашаётган кекса олимнинг сўзларини сеҳрлангандай тингларкан, бирор қарорга келишнинг фурсати етганлигини фаҳмлади.

— Сиз ўшанда буюк хонга халқ елкасига оғир юк ортиб бўлмайди дегандингиз,— деди Сю Сян.— Лекин Аҳмад кишиларнинг бор-йўғини тортиб оляпти. У бешафқат одам, унинг талабларини бажаришнинг иложи йўқ. Агар халқ билан яқиндан танишсангиз унинг силласи қуриганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Мамлакат таланган, унда ҳеч вақо қолмаган. Аҳмад кейинги йил ичида йигирма тўққиз минг тинг қоғоз пулни, йигирма беш тинг тилла, бир юз саксон саккиз тинг кумуш пулни, ўн икки минг қадоқ чой, бир юз ўн от, яшмадан қилинган йигирмата қимматбаҳо кўза ва бошқа кўп нарсаларни ўзиники қилиб олди. Буни ҳаммамиз биламиз. Аҳмад бегуноҳдан-бегуноҳ Чуй Инни қатл қилишга буйруқ берди. У — қотил. Мен сизга ана шуларни айтгани келувдим, жаноби Марко Поло.

Сю Сян курсига суянди. Унинг чеҳраси энди сояда қолганди. Пашшалар чироқ атрофида айланар, Марко уларнинг ғинғиллашини аён эшитиб турарди.

Шунда Марконинг эсига қўққисдан бундан бир неча йил олдин рўй берган бир нарса тушиб қолди. Тюрго деган йўлбарс қафасда ўкирар, буюк хон шикорига келган сарой аъёнлари оломони ажойиб капалардан ташкил топган шаҳарча кўчаларини тўлдирганди. Қуёшнинг қизғиш гардиши эндигина ўрмон ортига юмалаганди. Вазир Аҳмад ўшанда Марконинг

олдига яқин бориш учун тахтиравонни тўхтатди. «Сю-Сяндан эҳтиёт бўлинг, Полобек»,— деганди у ўшанда.

Марко ана шу сўзларни яна эшитаётгандай ва дўстдай қулоғига энгашиб пичирлаётган вазирни кўраётгандай бўлди. Бироқ энди унинг огоҳлантиришини Маркога ҳеч қизиги қолмаганди. Қатай олимнинг: «Ҳаракат қилиш фурсати етди. Аҳмад — қотил»,— деган сўзлари кучлироқ кўринарди.

Сю Сян Марко ҳамма гапни яхшилаб ўйлаб олсин учун жим қолди. У қаёққадир, олис-олисларга кўз тикарди. Пашшалар эса ғувилларди. Пиёлаларга қуйилган чой кўкиштов туюларди. Хонага чўккан жимликни бирор товуш бузмасди.

— Олижаноб инсон вақтида ҳаракат қилса илгарилаб кетади. Агар фурсатни бой берса йўлини алаф босиб кетади. Биз учун алафни илдизи билан суғуриб ташлаш фурсати етди.

Хонага яна сукунат чўкди. Марко ўзини бирор қарорга келишга ҳақсиздай сезолмасди. Олимнинг изтироби аён сезилиб турган ва хотиржамлик билан айтган сўзлари Марконинг қулоғида ҳамон жаранглаб турарди. У олимнинг бунга қатъий жазм қилганлигини, ҳар қандай ишга тайёрлигини очиқ сезиб турарди. Сю Сян қаддини рост тутиб ўтирар, у жавоб кутарди.

Марко Поло хаёлидан буюк хон саройида кечирган йилларини ўтказди. У императорнинг икки буюк маслаҳатчисини бир-бирига солиштириб, уларнинг хатти-ҳаракатларини салмоқлаб кўрди. Вазир ўзини мулоим, хушмуомала кўрсатиб Маркони чалғитган эди, шу вайдан ҳам у Аҳмад билан Сю Сян орасида низо борлигидан афсусланиб юрарди. Бироқ, кейинчалик кўнглига шубҳа ўрмалаб қолди. У Аҳмад вазирга ишонмай қўйди.

Олим қўли билан кийимини асабий сийпаб қўяркан, ҳаяжонланаётганини сездириб қўйди:

— Агар сизга далил зарур бўлса Ванчжудан сўрайверасиз. Жаллод Аҳмад уни дўстидан айирди. Сизга аскарбоши Чжаньининг воқеасини ҳам айтиб беришин. Аҳмад унинг хотини билан қизини ўғирлаган, ўзини эса императорга ёмонлаган...— Сю Сяннинг овози даҳшатлироқ эшитилди:— Аҳмад ўлимга маҳкум.

Марко Поло сал орқага сурилди. Сю Сяннинг юзи-



га офтоб тушаркан, у яна боягидай осойишта кўринди. Оғзининг атрофидаги чуқур ажинларида мунг яширингандай туюларди.

— Тўсатдан бир қарорга келиш қийин, — деди у. — Мен боққа чиқай... Айланиб тураман... Сиз эса ўйлаб кўринг. Сизнинг ҳузурингизга ҳеч ким кўринмайдиган ҳамма ёғи яхшилаб беркитилган тахтиравонда келганман. Одамларим ишончли. Уйингиздагимни ҳеч зоғ билмайди.

Марко ўрнидан ирғиб турди-да, илтижо билан қўлларини кўтарди:

— Утинаман, ташқарига чиқманг, муҳтарам жаноб!

Марконинг танҳо қолгиси келмасди. У ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча қуруқ гап билан қутулиб кетса ва Аҳмаддан бошқаларнинг ўч олишига йўл қўйиб берса бўларди албатта. Буюк хон ҳозир Шандуда, валиаҳд шаҳзода Чимким шимолий вилоятга шикорга кетганди. Аҳмаднинг шахсий қўриқчилари кейинги пайтларда анча кўпайтирилганди. Хубилайхон уларнинг Хонбалиқдаги ўзбошимча ҳаракатларини эшитиб қолса нима деркин? Сю Сян ҳақ, бир қарорга келиш қийин эди. Бироқ Марко бунга чап беришни истамади. У ҳижолатпазлик билан яхшилик ва ёмонлик орасида туриш номуносиб иш эканлиги ҳақида ўй сурарди, холос. Марко кекса олимнинг бениҳоя софдил эканлигига шак-шубҳа қилмас, буюк хон саройидаги кўп йиллик хизмати давомида бунга ишонч ҳосил қилганди. Бироқ бир нарсадан у истиҳола қилар, кўнглидаги сўнги гумонини ҳам тарқатиши лозим эди.

— Нега императорга хизмат қиляпсиз?— сўради у олимдан.

— Мен халқимга ёрдам қилмоқчиман, — Сю Сян шундай жавоб берди, бошқа бирорта ҳам сўз қўшмади.

Марко Поло уни тушунди. Энди Марко ҳаётида энг масъулиятли фурсат, энг муҳим қарорга келиш навбати етганди. Шунинг учун ҳам у бунга ўзининг қодир эканлигини сизди. Марко тортинчоқ эмасди. Кейинги йилларда бошидан кўп нарсаларни ўтказганидан ана шундай қарорга келишга пишиб қолганди. Унинг кўз олдидан отасининг жиддий сиймоси лип этиб ўтди, унинг сўзларини ҳам эшитгандай бўлди: «Савдогарлар валинеъматлар эмас, — деган»

ди у,— бунн қачон тушунасан ўзи? Бундай ишларга аралаша кўрма». Бироқ довжорак, хушкўнгил ва қувноқ дўсти Матеонинг сиймоси кўз олдига келганида бунн унутди-қўйди. «Биз қизни ўзимиз билан олиб кетишимиз керак, эшитяпсанми, Марко?— деди у гўё.— Бу шайтон уни нобуд қилади. Буларнинг калласида олтин дукатлардан бошқа нарса йўқ...».

«Ашима билан гаплашишим керак»,— ўйлади Марко. Унинг юзидан, худди тошдан йўнилгандай, ҳеч нимани англаб бўлмасди. Сю Сянга гапирганида эса рангида қони ҳам қолмаганди.

— Мен сизлар билан биргаман, Сю Сян,— деди у.

Марконинг ҳаёти қиморга тикилганди.

— Мен сизлар билан биргаман, Сю Сян,— Марко гапини яна такрорлади. Шунда унинг ёноқлари қип-қизариб кетди.

Боғдаги бута тагига эса хизматкор яшириниб олганди. У жуда гангиб қолган эди. Нега деганда «Умри боқий» унинг хўжайини билан гаплашиб турарди-да. Икковлари ҳам жиддий кўринишарди. Олдиларида эса пиёлалари турибди. Хизматкор бўлса улардаги чой аллақачон музлаб қолганини аниқ биларди. Агар бирдан чой ичкилари келиб қолса унда нима бўлади? «Умри боқий» хизматкорга: «Мени хўжайиннинг олдига келганимни бировга айтмайсанми?» деганди. Ҳа, у ҳар қандай азобларга бардош беради, бироқ бировга финг демайди. Тилини қирқиб олишса ҳам айтмайди. Бироқ ҳамма даҳшат чой совиб қолганлигида... Хизматкор ичкарига кириб «Умри боқий»нинг буюк хаёлларини бузишга журъат этса бўлармикин? У жанобларнинг бирортаси қўлини сал қимирлатиб қолса дирдир титраб, бутанинг орқасида анча турди. Жаноблар ниҳоят ўринларидан қўзғалишди. Сю Сян унинг хўжайини билан хайрмаъзур қилди. Чой қўл текизилмаганича қолаверди. Тахтиравонни чиқариб юбориш учун дарвозаларни очишганида Сю бамисоли олмахондай лип этиб ҳовлига кириб олди.

\* \* \*

Тахтиравончи Ян Ашиманинг чеҳрасини кўрди-ю, у ҳеч кўз олдидан кетмади-қўйди. «Мени қаерга олиб келдинглар?»— деганди қиз ўшанда.

Яннинг отаси Хонбалиқ атрофидаги деҳқонлардан эди. Улови бўлмаганидан сув қўйилган шоли-поясини омонда хотини билан бирга ўзлари ҳайдашарди. Икковларининг ҳам оёқлари сербутоқ илдизга ўхшарди. Ян ота-онасини аҳён-аҳёнда бориб кўрарди. Шолипояга бориб нима ҳам қиларди дейсиз? Ота-онасининг бош қашишга ҳам қўллари тегмасди. Улар кун ботганда ҳориб-чарчаб келишарди-ю, ўзларини бўйрага гуппа ташлаганларича уйқуга кетишарди. Ҳали тонг отмасданоқ осмон бўзара бошлади дегунча далаларига сув таший бошлашарди.

Яннинг опа-сингиллари бирга туришмасди. Опасини Ли деган бойнинг хонадонига сотиб юборишларидан бир неча соат олдинроқ уйдан ғойиб бўлганди. Синглиси бўлса тақдирига тан берган ва Ли хонадониди яшарди.

Сариқ пардали тахтиравон бошқа тахтиравонлар қаторида катта саройда турарди. Пешин яқинлаб қолганди. Ян ҳовлини кесиб ўтди. У оппа-сингиллари ҳақида ўйларди. У бояги нотаниш хонимнинг кўрқув тўла кўзларини эсларкан, улар синглисининг кўзларидай туюлиб кетди. Ян шериги билан шаҳар ташқарисидаги уйдан бўш тахтиравонни кўтариб келишди. Нотаниш қиз улар кетидан ноумид қараб қолаверди. «Нега унга ялиниб ўтирибсан? Гапга тушунмаса судраб олиб кир».

Бу Саиднинг овози эди.

Ян саройдан чиқди.

«Қаёққа кетяпсан, Ян?— қоровул гап ташлади унга кулиб.— Тушда қайлиғингни кўришга аҳд қилмадингми ишқилиб?»

Қиз чинқирар, ёрдамга чақирарди. Улар бўлса сариқ тахтиравонни кўтариб кетаверишди. Чунки Саид: «Бировга оғиз оча кўрмайсан, бўлмаса калланг кетади!»— деганди-да, ахир.

Қатайда кун кўриш жуда оғирлашиб кетган эди. Тирикчилик Яннинг жонига текканди. У ҳар куни оқсуяк жаноб ва хонимлар тушган тахтиравонни елкасида кўтариб юрар ва бунинг эвазига бир товоқ гуруч оларди. Шу вайдан бошқалар сингари унчалик оч эмасди. Кечалари дўсти Ваннинг устахонасига тўпланиб, тоғларда жангга чорловчи гулханларнинг ловиллашидан умидвор бўлиб юрганларида тирикчиликдан маъни бор эди. Бироқ энди Хонбалиқ бами-соли қабрдай сокин бўлиб қолди. Одамлар ин-инла-

рига кириб тинчиб қолишган, ҳар кун бўлаётган адолатсизликлардан оғиз очишга бирорта одам журъат қилолмасди.

Ян тор кўчага бурилди. У энди венецияликнинг уйдан бир неча қадам бериди турарди.

Нега анави иблис қизни ўғирлашни буюрди? Қиз ҳатто Янни киприк қоқишларига ҳам арзимайдиган бошқа ойимчаларга ўхшаб калондимоғ эмасди. Ян тахтиравоннинг пардасини очиб қўйди. Қиз тахтиравонга тушиб, қўрқа-писа: «Қаёққа борамиз?»— деб сўрагани.

Ян дарвоза олдида турарди. Нима қилсин? Ичкарига кириб: «Вазир Аҳмад хонимни шаҳардан ташқарида, дарё бўйидаги уйда тутқунликда сақляпти» десинми? У кираверишдаги тош арслонларга суяниб, тирсагини улар остидаги тош супачага қўйди. Хонбалиқдаги ҳамма уйлар олдида ана шундай тош қўриқчилар турар, улар уй эгаларини инсу жинслардан асрашарди. Ян нима қиларини билмай боши қотиб турганида дарвоза бирдан очилди. Ян лип этиб ўзини четга олди-да, пардалари зич ёпилган тахтиравонни ўтказиб юборди. Тахтиравон кўтарганлар илдам кетиб боришарди.

Ян уларнинг кетидан ўйчан қараб қолди. Анави новча ва бақувват катай маслаҳатчи Сю Сянда хизмат қиларди. Ян уни танирди.

Кун худди ёздагидай иссиқ эди. Сердарахт тепаликлар шаҳарни шарқдан келадиган совуқ шамоллардан асраб турарди. Хонбалиқ барча уйлари, кўприклари, саройлари, боғ ва полизлари билан хийлагина чуқурликка жойлашганидан баҳор офтоби тушиши биланоқ иссиқхонадай қизиб кетарди.

Марко ним қоронғи ва салқин хонасида ўлтирарди. У саройда шу чоққача икки душманга барабар муомала қилиб юрганидан кейинги пайтларда жуда қийналиб кетган, энди эса тарафкашини топиб олганидан димоғи чоғ эди. Мўлжаллаган ишлари қанчалик оғир ва хатарли бўлса-да, у хавфдан чўчимасди. У хизматкорига довод ва қоғоз келтиришни буюрди-да, учта хат ёзди. Биттасини Ашимага, иккинчисини Николо ва Маффео Полога, учинчисини эса дўсти Матеога ёзди. Кейин Юни чақирди. Марко ўз хаёллари билан жуда банд бўлганидан оқсочнинг ўзини ралати тутаётгани ва юзи йиғлаганидан ҳўл бўлиб кетганини ҳам фаҳмламади.

— Мабодо эртага кечқурун қайтиб келмасам, ма-  
нави хатни бекангга берасан,— деди у.— Эсингда тут,  
эртага кечқурунгача топшириб қўйма. Бу ҳақда би-  
ровга айтмаслигингга қасам ич.— Марко шундан ке-  
йин хатларни стол ғаладонига солиб қўйди-да, оқ-  
сочга қарамай:— Хатни шу ердан топасан. Нега га-  
пимга жавоб бермаяпсан?— деди.

Ю ҳўнграб юборди-да, ўзини унинг оёғига отди.

— Мени саваланг, жаноб... Мен шундай бахти  
қароманки!— дерди оқсоч бидирлаб.— Бекам қаер-  
да?.. Мен шаҳарга кетувдим, билмовдим... Ундан бўл-  
са ҳалиям дарак йўқ.— Оқсоч бошини қўлига қўйиб,  
аввалгидан ҳам қаттиқроқ ҳўнграй бошлади.

— Тур,— деди Марко Поло кескин қилиб.— Ни-  
малар деяпсан? Ҳозироқ нима бўлганини дурустроқ  
гапириб бер. Эшитяпсанми ўзи, Ю? Тур деяпман  
сенга.

Оқсоч ўрнидан турди.

— Бекага ўзингиз сариқ тахтиравон юборибсиз-  
ку. Шаҳар ташқарисидаги, дарё бўйидаги уйга бо-  
ришни буюрибсиз-ку...— Ю шундай деб бидирларкан,  
юзини яна кўз ёшлари ювди.— Бекам буни эшитиб  
нақ юраги ёрилаёзди: «Бўлақол, Ю,— деди у менга.—  
Қийиниб олишим керак. Жаноб мени шаҳар ташқар-  
исидаги, дарё бўйидаги уйда кутяптилар». Сиз бўл-  
сангиз, муҳтарам жаноб, бу ердасиз, бекам эса йўқ...  
Мен жуда қўрқяпман...

Марко боши-кети кўринмайдиган бу гапни бўлди.

— Овозингни ўчир!— деди у.— Энди нима бўлган-  
ини бир бошдан айтиб бер.

Марко оқсочнинг узундан-узоқ ҳикоясини маъюс  
тинглади. Оқсоч ҳеч нарсани яширмади. У Ашиман-  
нинг чиройлиманми ё йўқми деб сўраганини қандай  
қилиб яширсин? «Сиз парилардай гўзалсиз, ҳуснин-  
гизни кўриб лол қолмайдиган одам бу оламда йўқ.  
Сиз фаришталар маликасидай сахий ва гўзалсиз».  
Оқсоч бекасига шундай жавоб берганини айтди. Ю  
гапга қизиқиб кетганидан сал бўлмаса хафалигини  
унутиб қўяёзди.

— Сариқ тахтиравон дедингми?

Оқсоч хўжайинга кўз қирини ташлаб қўйди. Мар-  
ко худди аҳамиятсиз нарсалар ҳақида гапираётган-  
дай, овози осойишта эшитилди.

— Бор, кўзимга кўринма, бемаъни қиз!— деб ба-

қирди у бирдан ўзини тутолмай.— Турқингни кўришга тоқатим йўқ.

Шу кунни жуда кўп воқеалар содир бўлди. Аҳмаднинг ҳузурда эканида Ашимани ўғирлаб кетишди. Сю Сян унга нима девди? «Агар сизга далил керак бўлса, аскарбоши Чжаньи воқеасини айтиб беришин. Аҳмад унинг хотини билан қизини ўғирлашни буюрган, ўзини эса императорга ёмонлаган». Марко шу лаҳзада Аҳмаднинг истеҳзоли овозини яна эшитгандай бўлди: «Сизнинг ҳозир менга керагингиз йўқ, Полобек. Нега энди мен сизга одам юборар эканман?»

Марко ғазабидан қутуриб кетди. У курсининг суянчиғини алаmidан қаттиқ қисди. Бу сурбетларча ўғирлик Аҳмаднинг буйруғи билан қилинганига унинг сираям гумони қолмаганди.

У то ўзини қўлга олиб, вазиятни дурустроқ ўйлаб кўргунича пича фурсат ўтди. Нима қилсин? Кўчага югуриб чиқиб, ўтган-кетганлардан сариқ тахтиравонни кўрмадингларми, деб сўрайверсинми? Хонбалиқда нима кўп катта-кичик кўча кўп, шаҳарда кам деганда мингта сариқ тахтиравон бордир. Марко ожизлигига кўзи етган ҳолда хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди. Агар Сю Сян олдига келмаганида дарров Аҳмаднинг ҳузурига югурарди-да, қилич яланғочлаб, очиғини гапиришга мажбур этган бўлур эди. Энди бўлса Аҳмад устидан адолат ҳукми содир бўлгунча сабр қилишдан ўзга чораси йўқ эди. Бироқ уйда қўл қовуштириб ҳам ўтиролмасди-да! У хизматкорини чақирди.

— Менга қилич келтир, отни ҳам эгарла,— деб буюрди.

— Кўчада бир киши турибди, у сиз билан гап-лашмоқчи экан,— деди хизматкор хўжайинига чўчинқираб тикилиб.

Марко ҳушёр тортди. Яна нима бўлдийкин? У норози қиёфада, пешанасини тириштирди, қошлари ғазабдан чимирилди.

— Кира қолсин,— деди у кескин.

Ян хонага кириб келди. У индамай таъзим қилди-да, хўжайиннинг нега келдинг дейишини кутиб тураверди.

Марко Яннинг усти-бошидан унинг тахтиравончи

эканини билди. Шундан сўнг кўнглида умид учқунлагандай бўлди.

— Хўш, хизмат?— деди у мулойимлик билан.

Ян стол ёнида турган хизматкорга қараб олди. Марко унинг бу қарашини фаҳмлади-да, хизматкорга ташқарига чиқишни буюриб, саволини такрорлади.

— Саид бу ерда яшайдиган хонимни шаҳар ташқарисидаги, дарё бўйидаги уйга элтишни буюрувди,— деди Ян.

— Саид ким ўзи?— деб сўради Марко Поло.

— Аҳмаднинг айғоқчиси,— Яннинг овозидан нафрат сезилиб турарди.— У менга агар битта-яримтага бу ҳақда оғиз очсанг, каллангдан ажрайсан деган.

— Ашиманинг қаердалигини биласанми?— Марко шоша-пиша сўради.

— Ҳа, жавоб. Биз уни шаҳар ташқарисидаги, дарё бўйидаги уйга олиб бордик.

— Утир,— деди Марко Поло.— Отинг нима? Сени хурсанд қиламан.

Марконинг калласи тез ишларди. У Яннинг гапларини эшитиб бўлгандан кейин хизматкорни чақирди.

— Овқат ва ичадиган нарса келтир.

Ян стол ёнига ўлтириб икки кишига етгулик овқатни тушира кетди. У кўпдан буён бунчалик ширин таомдан тотиб кўрмаганди. Овқат билан бўлиб, ҳаёти хавф остида қолганлигини ҳам унутди, фақат қорни тўйгандан кейингина эсига тушди.

— Агар айтиб қўйганимни Саид билиб қолса, жонимдан ажраламан.

Марко уни тинчитди.

— Саид яқинда ҳеч кимга зарари тегмайдиган, хавфсиз бўлиб қолади,— деди у қатъий.— Мен сени муҳофаза қиламан, чунки яхши иш қилдинг.

Тушки офтоб тандирдай қиздириб юборган ҳовлида эгарлоғлиқ от турарди. Марконинг кўнглини эса, Ашима бир неча соатдан бери қандайдир ярамаснинг қўлида-я, деган ўй безовта қиларди.

— Қурол ишлатишни биласанми, Ян?

— Ҳа, жаноб,— деб жавоб берди тахтиравончи.

Дастурхонни йиғиштираётган Ю жойида донг қоғтиб қолди. Унинг синчков кўзлари бақрайиб қолганди.

— Нега бу ерда турибсан?— деди Марко уни туртиб.— Бориб айт, бизга яна битта от билан қурол керак.

Дарё бўйидаги уйга ваҳимали сукунат чўкканди. Хизматчилар хонама-хона оёқ учида юришар, эшикларни унсиз очиб-ёпишар, бир-бирлари билан эса шивирлашиб гаплашишарди. Ашима дераза олдида туриб, дарахтлар узра офтобда ялтираётган дарёга тикиларди. Дарёдан эшаккли ва елканли қайиқлар ўтиб турарди. Шамол йўқлигидан мачталардаги елканлар шалвираб қолганди. Юраги қон бўлган Ашима ана шу сокин манзарани томоша қилиб турарди. У деразанинг мисдан қойил қилиб ишланган панжарасини ушлаб, бошини орасидан чиқарди. Ўтлоқ деҳқонларнинг похол шляпаларига ўхшаган оқ ва сариқ гулларга кўмилган эди. Дарё соҳилида адл тераклар ўсган, деразанинг нақ тагидаги олча эса гуллаганди. Ашима қўлини панжара орасидан чиқариб, қайиқлардаги одамларга қараб силкита бошлади. Улар анча олисда бўлганларидан Ашиманинг кўзига жуда кичик кўринишар, қизни эса уларнинг кўзи илғамасди.

Ашима яна панжарага ёпишиб, жон ҳолатда бақира бошлади:

— Ердам беринглар!.. Булар мени қамаб қўйишди! Ердам беринглар!..

Бироқ қизнинг бақириси боғдан нарига ўтмади.

Лекин бунга жавобан кимнингдир истеҳзоли овози эшитилди:— Овозингни ўчир, жонидан! Бўлмаса ертўлага қамаб қўяман. У ерда истаганингча бақириб, шаллақилик қилаверасан.

Бу Саид эди. Бироқ Ашима Саид ичкарига югуриб кириб, уни панжара ёнидан зўрлаб нарига олиб кетгунича бақириб-чақираверди. Ашима хонанинг энг қоронғи бурчагига қисилиб олди-да, зарур бўлиб қолса Саиднинг юзига чанг солиш учун қўлини олдинга чўзиб тураверди.

Саид хизматкорнинг юзи тимдаланганини кўрганиди, шу сабабли қаҳри-ғазаби тошган қизга яқин йўламасликни маъқул топди.

Шундай бўлса ҳам стол ёнидан жилмай:

— Менга қара, агар тинч ўтирмасанг, ертўлага жўнатаман. Лобда эканингда мўминтойгина эдинг, энди йўлбарснинг ўзи бўлибсан-қолибсан. Шошмайтур ҳали, жаноб бир адабингни бериб қўйсин,— деб нўписа қилди.



Ашима зўр бериб бўри башара бу одамнинг нафрат билан уни таъқиб этганлиги сабабини билишга тиришарди. Матео Лобда бу одамни ҳовлидан туртиб-туртиб чиқариб юборгани эсида эди. Шу важдан кўзи тушиши биланоқ таниди уни. Бироқ ўтган йиллар ичида уни бирор марта ҳам кўрмаганди. Бу одамнинг йўлида яна тўсатдан пайдо бўлиб қолгани қизга ваҳимали ва ғалати туюлди. Бу одамга нима керак ўзи? Уни бу ерда асирликда сақлашни ким буюрганикин?

Столда чой ва ширин кулча турарди. Индамас хизматкор овқат келтирган, қиз унга қўл ҳам теккизмаганди. Чой билан ширин кулчага ҳам тегмасликка аҳд қилди. Унинг бу хонадонда увоқ ҳам егиси келмасди. Бундан кўра очидан ўлгани афзалроқ!

Дераза панжарадор эди. Ашиманинг дод-фарёдини бирорта жон эшитмасди. Хонанинг эмандан ясалган зилзамбилдай эшиги қулфлоглиқ эди. Қочишнинг ҳам мутлақо иложи йўқ. Ашима қочиб кетишимда керак бўладиган бирор нарса бормикин, деб бурчакда турган жавонни титкилади. Бироқ унда ҳарир ички либос, упа-элик ва гул мойли шишалардан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Ашима ўлтирди. У фақат жисмоний жиҳатдангина эмас, балки мияси тинимсиз ишлаганидан ҳам қаттиқ чарчаганди.

Орадан кўп ўтмай яна ирғиб туриб, деразага ўзини урди. Эҳтимол, кучи етганича бақирishi керакдир?

Бугун эрталаб уйда ўтирарди, қушларнинг сайраши ва Юнинг боғда шарақлаб кулишини ёқтирмаганди. Марко уни кўрмоқчилигини билганидан кейин эса дарров ясаниб олувди-я! Шаҳар чеккасида — дарё бўйидаги уйга тезроқ етишга ошиққани-чи! Мана энди ана шу уйда асира бўлиб ўлтирибди. Марко қаердайкин? Булар нимани англатади ўзи?

Шунда тўсатдан Марко хавф-хатарда қолди, деган ваҳима унинг ўтакасини ёрди. Қиз учун оламда бундан ортиқ даҳшат йўқ эди. Қиз оёқда аранг турган бўлса ҳам, мажолсизликни енгиб эшикка ташланди-да, уни мушти билан ура бошлади.

— Очинглар!— деб бақирарди қиз.— Агар очманглар, деразадан отаман ўзимни.

— Отавер, отавер!— эшикнинг орқасида турган Саид шундай деб гўлдираб қўйди. У қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, нари кетди.

Баҳорнинг тиниқ осмонида қорли тоғларга ўхшанган парқу булутлар қимир этмай турарди. Еш япроқларга бурканган дарахтларнинг соялари ҳам узайиб қолганди. Йўлдан онда-сонда ўтиб қолган йўловчилар беихтиёр тўхтаб, бу сўлим гўшани томоша қилишарди. Боғ ичкарисига яширинган уйнинг сариқ-қизғиш черепицали томи узукка кўз қўйгандай ёнишиб тушганди. Йўлдан ўтиб кетаётган резавор сотувчи тўхтаб, девор кўланкасида ҳордиқ олди. Дарё бўйига туташиб кетган ўтлоқларда сигирлар ўтлаб юрарди.

Йўлда саккизта суворий кўринди. Олдинда Марко Поло билан Ян от қўйиб келарди. Бошқалари эса Сю Сяннинг қўриқчилари эдилар.

— Ҳув анави ерда, жаноб,— деди Ян уйни қўли билан кўрсатиб.

Суворийлар отларининг жиловини тортиб, йўртиб боришарди. Дарвозага яқинлашганда отдан тушишди. Дам олиб ўлтирган резавор сотувчи ўша замонқ ўрнидан туриб, юкини елкасига ташлади-да, жўнаб қолди. От қўйиб келаётганларнинг дарғазаб қиёфалари хуш келмаганди унга. Кетиб бораркан, суворийларнинг дарвозани ураётганлари қулоғига чалинди.

Марко Поло билан Ян қиличларини яланғочлаб дарвоза олдида туришарди. Қўриқчилар эса девор ёнига ўтиб туришди. Ҳамма жон қулоғи билан ичкарига қулоқ соларди. Марконинг азбаройи ҳаяжонланганидан қулоғи ғувилларди. Юраги гурсиллаб тепар, қўли эса қилич дастасини қаттиқ сиқарди. Аҳмад Ашимани ана шу девор ортига яшириб қўйган... Бироқ у ерда сукунат ҳоким эди. У ёқдан на бирон одамнинг овози, на қадам товуши эшитиларди. Бутоқларда эса қушлар сайрашарди. Боғнинг ичкарисидан булбул хониши эшитиларди. Ортиқ кутишга сира сабру тоқатлари қолмади.

— Яна бир марта тақиллат,— деди Марко Поло Янга.

Тахтиравончи дарвозани оёғи билан тепа бошлади. Ҳовли томондан қадам товушлари эшитилди. Марко Поло Янга кўз қисди, қўриқчилар найзаларини маҳкамроқ ушлаб, олишувга шай бўлиб турдилар.

— Дарвозани очинглар!— деб қичқирди Ян.—  
Бизни вазир Аҳмад юборди.

Ичкаридан жавоб бўлмади. Қадам товушлари тинди. Асаб торлари таранг тортилган Марко Поло шунда ҳам дарвоза ортида одам борлигини сезиб турарди. Вақтни ўтказмаслик керак эди. У қиличининг дастаси билан дарвозани уриб, овози борича:

— Буюк хон номи билан айтаман, дарвозани очинглар!— деб бақирди.

Суворийлар шоша-пиша узоқлашаётган қадам товушларини эшитишди. Кейин Марконинг қулоғига Ашиманинг олисдан келаётган фарёди чалинди. Қизнинг овози аниқ-таниқ эшитилар, ҳаттоки сўзларини бемалол тушунса бўларди:

— Ердам беринглар!.. Мен бу ердман! Ердам беринглар!..

Марко Поло қиличини қинига солиб қўйди-да, югуриб келиб деворга тирмашди. Бошқалар ҳам унга эргашишди. Боққа сакраб тушишлари биланоқ ўзларини уйга уришди. Уларнинг йўлини ҳеч ким тўсмади. Уйнинг эшиги очиқ эди.

— Шу ерда, эшик олдида қолинглар,— деб буюрди Марко қўриқчиларга.— Улардан бирортаси ҳам қочиб қутулмасин.

Марко Ян билан бирга уйга чошиб кирди. Улар бир неча хонадан ўтиб, ошхонага кириб қолишди. У ерда икки хизматкор, оқсоч ва семиз ошпаз хотин тўдалашиб туришарди.

— Бизга тегманглар, жаноблар,— деди ошпаз хотин ув тортиб.— Биз ёмонлик қилганимиз йўқ. Бизга тегманглар.

Марко Поло хизматкорлардан бирининг ёқасидан олди.

— Уни қаерга қамаб қўйдинглар?— У шундай деб сўради-да, бир силтовда уни тўдадан суғуриб олди.— Қани, олдимга тушиб, кўрсат бизга!

Хизматкор уларни зинадан юқорига бошлади. Улар нимқоронғи даҳлизга чиқиб қолишди, у ердаги устунлардан бирининг орқасига Саид беркинганди. Бўри башара бу одамнинг кўзлари аллақачон қоронғиликка кўникиб қолганидан хўжайиннинг буйруғига кўра саккиз йилдан бери изидан юргани Марко Полони дарров таниб олди. Саид ана шу дақиқада Маркони аввалгидан ҳам бешбаттар ёмон кўриб кетди, чунки унинг шаҳарда тинчгина ва шоҳона

ҳаёт кечириш ҳақидаги орзу-умидлари чиппакка чиққан, буни ўзи аён тушуниб турарди. Аҳмад унинг бу хатосини ўлгунча ҳам унутмайди. Саид шаҳар ташқарисидаги бу уйда ўзини хавф-хатардан бутунлай ҳоли сезарди, энди бўлса, манави иблис Марко Поло бостириб кириб келди. У ҳозир ундан беш қадам нарида турибди.

— Кетяпман, Ашима! Эшитяпсанми?

Эшик ортидан қизнинг шод овози эшитилди:

— Марко, келдингми?

Хизматкор эшикни очди.

Саиднинг қуроли йўқ эди. Марко одамлари билан кўққисдан бостириб келгани сабабли Саид кўрқувдан гангиб қолганди. Айғоқчиликнинг бир зайлдаги, деярли осойишта ҳаёти унинг ҳушёрлигини ўтмаслаштириб қўйганди. Мана энди унинг шунча йиллик осойишта ҳаёти тугаб, у яна одамлар орасида санғиб юрган бўрига айланди-қолди. Саид қия очилган эшикда турган ғанимини аён кўрарди. Марконинг қиличи тарақлаб ерга тушди.

Марко Ашиманинг рўпарасида турарди. У Марко томон ботинқирамай бир қадам ташлади. Қизга шу дамда шафақ ёритган чўққидаги севгилисига етишиш учун тоққа югуриб чиқиш зарурдай туюларди.

Саид сакрашга ўзини роса чоғлади. Ерда қилич ётарди. У худди кумушдай ялтирарди.

— Ашима...— деди Марко оҳистагина.

Ашима шундан кейин ўзини Маркога отиб, юзини унинг кўкрагига қўйди. Марко қизни маҳкам бағрига босди.

Ян қадам товушларини эшитди. У кескин ўғирларкан, нимқоронғи даҳлизда кимнингдир писиб келаётган қорасини кўрди. У зумда ердаги қилични олиб, силкиб улгурмаёқ Саид лип этиб ёнидан ўтди-ю, икки сакрашда зинадан тушиб кетди.

Қўриқчилар ҳовлига чиқиладиган эшикни ярим доира бўлиб қуршаб туришарди. Саид худди бўри қопқонга илингандай қўлга тушди. У қутуриб қўлдан чиқишга уринар, тишлар, юмдалар ва алам қилганидан бўралаб сўкарди. Уни итдай уриб ўлдиришди.

## КАТТА ЕЛҚАН ОСТИДА

Йўл тоғдан пастга қараб кетганди. Бир ҳафтадан бери ёмғир йўқлигидан ўт-ўланларни қалин чанг бос-

ган. Қишлоққа кираверишдаги ярми омон қолган тош дарвоза ёнида иккита сербутоқ дарахт кўринади. Бу ернинг тоғларида ҳеч нарса ўсмайди, фақат аҳён-аҳёндагина пастак буталар учраб қолади. Сийрак ўт-ўланлар орасидан сариқ тупроқли ер кўзга ташланиб туради. Бу жойларнинг деҳқонлари ғорларда яшашар, ҳовлиларини пастак-пастак тош деворлар билан ўраб қўйишарди. Суви кўм-кўк катта дарё бу қишлоқни ёқалаб ўтган, бу эса худонинг чишакамига зўр карами эди, чунки у ҳатто саратонда ҳам қуримас, баҳорги тошқин пайтларида жарли ва қояли қирғоқларидан тошиб чиқмасди ҳам.

Матео салқин ғорда ётарди. Ёнида ўлтирган кампир латтани товоқдаги совуқ сувга тегизиб, дам-бадам пешанасига қўйиб турарди. Матео Венецияни, денгизни жуда қаттиқ соғинган, боши ёнар, чаккалари лўқ-лўқ қиларди. Яраланган қўли шишиб кетганидан қўлга ҳам ўхшамай қолганди. Кеча у жуда қаттиқ огриганидан Матео жинни бўлиб қоламан деб кўрққан, бугун эса қўли ҳеч нарсани сезмас, карахт эди, худди танасига бошқа нарса ёпиштириб қўйгандек, ёнида шалвираб ётарди. Кўкраги темир ҳалқа билан сиқиб қўйилгандек ва у тобора қисилиб бораётгандек туюларди.

Матео оғир ва калта-калта нафас оларди.

— Бошимни баландроқ қилиб қўйинг она,— деди у кампирга.

Кампир унинг устига эгилди-ю, бироқ гапига тушунмади, чунки бемор унга нотаниш бўлган тилда гапирганди. Матео кампирнинг нурсиз кўзларига тикилди.

— Бошимни баландроқ қилиб қўйинг,— деб сўради у яна.

Кампир шундан кейингина унинг гапига тушунди-да, балиқ тутадиган тўр келтириб, юмалоқлаб, ёстиқ тагига қўйди. Матео бошини ўгирганди, шу ҳаракатининг ўзиёқ уни ҳолдан тойдирди. Кўзини юмиб, қулоғининг ғувиллашини тинглади. Рангида ранг қолмаган эди. Пешанаси ва юзи заҳил тортган, узун соқолига қиров тушганди. Кампир унинг пешанасидаги терини артиб қўйди. Матео шундан кейин кўзини очди-да, равон овозда:

— Она, мен кўп ўтмай ўламан. Фань Гун-дуни чақир,— деди.

Аёл кўзғалиб, ғордан чиқди. Матео ёлғиз қолди.

У, эшик вазифасини ўтовчи жойдан шоли янчадиган тегирмонни кўриб турарди. Ғорга бир товуқ кириб келди-да, виқор билан товоқдан тумшугига сув олди. Кейин бошини орқароқ ташлаб, уни ютди. У шу тариқа ёнидаги ётган одамга парво ҳам қилмай тўйгунча сув ичди. Матео ҳорғин жилмайиб қўйди.

Дарёнинг нариги бетида тоғлар қад кериб турарди. Матео уларнинг қорасини аниқ кўрарди. Бироқ бу манзара унга нотаниш, атрофидаги бор нарсалар бегона эди. Она тупроғини эслатувчи бирор нарса кўринмасди. Наҳотки пешанасига катайларнинг бир чеккадаги қишлоғида кўз юмиш ёзилган бўлса? Бунга унинг ҳеч ақли бовар қилмасди. Товуқ бўлса ҳамон товоқдан сув ичарди... «Кўзингни оч, курк, бўлмаса Хўжайинчанинг қўлига тушиб қоласан». Қуёш аямай нур сочар, офтобда қолган барча нарсалар кўланка ташлаб турарди.

Фань Гун-ду ўзини бемалол тутишга тиришиб ғорга кириб келди.

— Нега ҳазил қиляпсан?— деди қувноқ оҳангда.— Пича сабр қил. Уч-тўрт кундан кейин туппа-тузук бўлиб кетасан. Хонбалиққа ҳаммаси бўлиб бир юз йигирма ли қолди. Тўрт кун йўл боссак бас, пойтахтга етамиз.

Матеонинг улкан жасадига қаттиқ оғриқ азоб берарди. Оғриқ бутун аъзойи баданини қақшатарди. Капитаннинг кўзлари ич-ичига ботиб кетган ва йилт-йилт қилиб қўярди.

— Гапимга яхшилаб қулоқ сол, Фань,— деди Матео.— Сен шаҳарга Жанубий дарвозадан кирасан. Мингкаррабахт кўчасидан юриб, уни кесиб ўтган учинчи кўчага буриласан-да, ўша ердагилардан Марко Полони сўрайсан. Бор мулким Ашиманики. Пулим, ёқутларим, ҳаммаси... Сен Ашима билан Марконинг ёнида бўл. Бу менинг тилагим. Ўзингга эса керагини олгин.

Фань Гун-ду Матеонинг пешонасидаги латтани алмаштирди.

— Менга сув бер, биродар.

Фань Гун-ду кўзага кетди. У ғорнинг қоронғи бурчагида юзини юваётган кўз ёшларини тутолмай анча туриб қолди.

— Улма...— деб илтижо қилди у Матеога.— Мен сенга «қашшоқлар товуғи» қилиб бераман. Нимаики десанг, ҳаммасини қилиб бераман.

— Мен бу ерда ўлолмаймам,— Матео бирдан овозини баландлатиб гапириб юборган эди, Фань Гунду қўрқиб кетди.— Мени қайиққа олиб бор. Мен сувда ўлсам дейман.

— Ич, Матео, нимаики десанг ҳаммасини қиламан. Ҳозироқ соҳилга югуриб, ўтиб кетаётган кемани тўхтатаман.

Бемор сувни ютоқиб, катта-катта хўплаб ичди, кейин ҳолсизланиб бошини ёстиққа ташлади.

— Югур, Фань,— деди у.— Озгина вақт қолди.

Кампир яна беморнинг тепасига келиб ўлтирди. У ғорга сездирмай кирганидан Матео кампирнинг шу ердалигини билмасди. Матеонинг вужудидаги оғриқлар ёнига туш ҳам қўшилди. Энди унинг ўнги билан туши аралаш-қуралаш бўлиб кетганди. Кўзлари ёруғ дунёни илғамасди. Қанча-қанча йиллардан бери қалбининг тубида яшириниб ётган хотиротлар энди юзага қалқиб чиқа бошлади.

Мана у Венецияда, ўз уйида ётибди. Ташқарида офтоб чарақлаётган бўлса ҳам хона ним қоронғи. Тунда у қора баркада сафарга чиққанди, мана энди қаттиқ чарчаб қайтганидан дам олишга чўзилди, лекин кўзига ҳеч уйқу келмаяпти. Безовталаниб жойида у ёқдан-бу ёққа ағдарилади. Люция бўлса миқ қозонни то ялтирагунча артгани-артган. Матео унга қарайди, Люция маъюс кўринади... Риа де Чиавонида қош қорайган пайтда ҳам кемаларнинг қораси аниқ кўришиб турибди. «Мени ўзинг билан олиб кетасанми, Антонио? Тушунсанг-чи, мен Венецияда ҳеч туролмаяпман». Тўлқинлар кеманинг бортига келиб урилади. У рулда турибди. «Марко, кўряпсанми, денгиз дегани мана шу бўлади. Унинг соҳиллари йўқ. Унинг ранг-баранглигини қара. Ҳидини сезяпсанми? Тўлқин, шамол ва осмон, қуёш ва юлдузлар — буларнинг бари денгизга қарайди. Елкан тагида турганида шундай бўлади. Бахт мана шунинг ўзи, Марко! Мен катта елкан тагида ўлишни истайман...».

Бемор тўлганиб, яна нимадир деб алаҳлади.

Кампир яна латтани хўлларкан:

— Тинч ёт, қимирлама,— деб қўйди.

Матео шундан кейингина унинг борлигини сезиб:

— Фань қаерда?— деб сўради.

— У соҳилга югуриб кетди. Ҳозир қайтади. Ухлайвер, мусофир болам.

Кампир ғорнинг эшигига бўйра тутиб қўйди.

Энди ичкарига бўйра орасидан ёруғ аранг тушиб турарди. Бемор яна хотиротлар уммонига фарқ бўлди. Матео энди вужудида оғриқ сезмасди. У ўзини қушдай енгил сезарди. Фикру хаёли замон ва макондан олис-олисларда чаппар урарди. Кўзига Венеция тобора равшанроқ кўрина бошлади. У гўё Бадахшоннинг олампапоҳ шоҳига тиз чўкиб, мақтанчоқлик билан: «Мен машҳур капитан Матеоман, қора барканинг хўжайиниман, бу ерга Адриатик денгизининг дурдонаси бўлган Венециядан келдим. Бошимни олингу эвазига менга қизил ёқутдан беринг»,— дерди.

Ҳовлидаги боғчада узун бандли сариқ гуд очилиб турибди. Уйнинг теварагидан энсиз канал ўтади. Матео дераза олдида қўлини-қўлига чалиштириб, қора баркасининг палубаси ва мачталарини кўриб турарди. Тўлқинлар деразаси тагида шовқин солади. Гилам ва ранг-баранг пардалар билан безатилган ҳашаматли гондолалар каналдан унсизгина сузиб боришар, Риальто ороллариининг кўм-кўк осмони каналда акс этарди. Пьяцеттанинг нарёғидаги улкан черковнинг олтин бутлари ва гумбазлари офтобда ялтирайди. Гранде канали бўйида мармар саройлар тизилиб кетган. Ясси қайиқларга ўрнашиб олган макаронфурушлар, сабзавот ва резавор, қовурма каштан сотувчилар, балиқфурушлар бирлари олиб-бирлари қўйиб молларини мақташарди. Бир қизча қирмизи олмали саватчасини тўппа-тўғри сув бетига туширади. У балконда туриб, Матеога қўл силкийди.

«Ашима, сенмисан?— деб сўрайди у ҳайрон бўлиб.— Венецияда нима қилиб юрибсан?».

Бемор бўйрада қимир этмай ётган бўлса-да, ажойиб ҳаёт қайновида жавлон уриб юрарди. Йиллар баридан тутқизмас, оғриқ ҳам ҳукмини ўтказолмай қолганди. Матео Фаннинг овозини эшитгандан кейингина ўзига келди.

— Матео, гапимни эшитяпсанми? Бу менман, Хўжайинчаман. Соҳилда кема турибди. У бизни кутляпти.

— Кема дейсанми? Э, ҳа-а... Ердамлашвор, Фань...

Матео қадини аранг сал кўтарди. Юзи оғриқдан буришиб кетди. У соғ қўли тирсагини бўйрага тираб, оёғини узатди.

— Ташқарига чиқиб олсак бўлгани,— деди Фань.— Кейин сени кўтариб кетамиз... Бу ёққа кел, дарашвор,— деди қайиқчига.



Қайқчи билан Фань Матеони бир амаллаб шоли тегирмоннинг олдиғача олиб боришди. Уни ўзлари иккита йўғон таёқ ва балиқ тўридан ясашган замбилга ётқизишди.

— Яхши ўйлабсан, Матео. Сен қайқда қимирламай ётаверасан, биз уни Хонбалиққа қараб ҳайдайверамиз. Шамолни сезяпсанми? Сувда тезда тузалиб кетасан, мана кўрасан.

— Бўлақолинглар...— деди Матео.

Қайқчи мусофир паҳлавонга қойил қолгандай тикилди.

— Қани, кетдик,— деди Фань унга шивирлаб.— Кўрқма, хурсанд қиламиз сени.

Улар Матеони соҳилга олиб боришди. Матео те-варак-атрофидаги манзаранинг бутун гўзалликларини ҳис этарди. Катта йўл ён бағирликда туриш учун атайлаб қовланган ғорларни ёқалаб ўтарди. Иккита қип-яланғоч болакай тош девор олдида Матеога кўрқиб қараб туришарди. Болакайларнинг кичикроғи бармоғини оғзига тикди-да, йиғлаб юборди. Бир деҳқон юк артилган эшагини жиловидан ушлаб борарди. Матеонинг димоғига писан ичи урилди. Деҳқон тўхтаб, ўлик олиб кетишайтган бўлса керак деган хаёлга борди-да, жимгина бош эгди. Бироқ Матеонинг ўзига қараб турган катта ва йилт-йилт қилиб турган кўзларини кўргандан кейин чўчиб кетди.

Фань билан қайқчи дарё лабига етгунларича бир неча марта дам олишди. Беморни кейин палубага олишиб, мачта тагига ётқизишди. Сув оҳишта шалоплади, шамол елканни шиширди, кема астагина кўзғалиб, дарёнинг ўртасига чиқди. Матеонинг тепасида ўлтирган Фань унинг сўлғин юзи ва шўппайиб қолган бурнига хавотирланиб тикиларди.

Бу паҳлавон одамнинг бундай ожизлашиб қолганида ақл бовар қилмайдиган нимадир бор эди. Фань Матеонинг куни битганлигини аниқ билса ҳам, бирдан мўъжиза юз бериб, тузалиб кетса-я, деб умид қиларди.

Матео катта елкан тагида ётарди. Кеманинг мачтаси эгилиб-эгилиб кетаркан, фикирлаб қўярди.

Қайқчининг хотини тўқима соявон тагида балиқ қовуарди. Товадан кўкиш тутун кўтариларди. Дарёнинг қирғоғи қояли ва тик эди. Кўрфазчаларда эса қайиқлар турарди. Балиқчалар учи қозикқа бойланган тўрларини сувга ташлаб, чидам билан кутиб ўти-

ришарди. Ёнларидан кемалар ва эшкакли катта қайиқлар ўтиб турарди.

— Қовурилган балиқ ҳидини сезяпсанми, Матео?— деб сўради Фань.— Балки егинг келаётгандир? Ҳозир сенга балиқ олиб келаман.

— Кетма,— илтимос қилди Матео.

Ғам-аидуҳ адо қилган Фань яна жойига ўлтирди. Дарё торайиб, оқим тезлаша борди. Дарё айқириб оққанидан қайиқ дам кўтарилиб, дам пастларди. Матео мамнун жилмайганча сувнинг шовуллашини тингларди. У дарё устига туртиб чиққан тик қояни кўрди. Кема дарёнинг энсиз жойидан тез ўтиб олгач, соҳил яна чекинди.

Матеога хавfli кечувдан кўрфазга чиқиб қолишгандай туюларди. Шунда тўсатдан қаттиқ оғриқ туриб, юрагига биров пичоқ тортиб юборгандай бўлди. Улкан вужудини қалтироқ тутиб ўтди. У сал қаддини кўтаргани, ўзини жуда енгил сезгандай бўлди. Ғўё видолашиш олдидан бутун жаҳонни қучмоқчи бўлгандай кўзларини жуда катта-катта очди.

Бир лаҳзадан кейин Матео бошини ёстиққа ташлади.

Фань дўстининг нурсиз кўзларига тикилди. Қуёш чарақлаб турар, шамол сув сатҳини жимирилатар, кема соҳил ёқалаб аста-секин сузиб борарди.

Матео елкан тагида қимираммай ётарди. Уни аёвсиз ўлим ўз чангали мангу олганди.

Бениҳоя улкан бахтсизлик рўй берди. Катта қалб эгаси оламдан ўтганди.

## ВАЛИАҲД ШАҲЗОДА САРОЙИДА

Улар бамисоли ловиллаётган осмонда от қўйиб кетишаётганга ўхшарди. Шафақнинг қизғиш алангаси уларни ҳар томондан қуршаб олганди. Марко Ашимани олдиға миндириб олган эди. Улар иккови муъжазгина отрядни бошлаб боришарди. Яқингиналарида Яннинг оти пишқириб келарди. Кетларидан эса Сю Сяннинг тўртта қўриқчиси, отларини йўрттириб келишарди. Оқшом шамолсиз, атроф кундузгидан ҳам осойишта эди. От туёқларининг дупури олисларга тараларди. Ашима чўчиб тушди.

— Ҳалиям кўрқяпсанми, Ашима?— сўради Марко ташвишланиб.

— Билмайман.

Йўл бўйидаги дарахтлар зумда орқада қолиб кетарди. Бошоқлаган бугдойлар офтобда олтиндай ялтирайди. Хуллас йўлдаги ҳар бир нарса текисликда кенг қанот ёйган шаҳарнинг яқин қолганидан далолат бериб турарди: йўлда уйлар ва кулбалар, қабртошлар, ерга ҳосил ато этиб, қурғоқчилик ва дўлни даф этадиган сахий ва ёвуз арвоҳу инс-жинсларга аталган назр-ниёзлар тез-тез кўзга чалиниб турарди.

Суворийлар катта карвонни қувиб ўтишди. Аравакашлар эшаклар ёнида боришаркан, қамчинларини ҳорғин силтаб қўйишарди. Юз-қўллари қоп-қора кўмирга беланганди: улар бозори чаққон бўлганидан пойтахтга тошқўмир олиб боришарди. Аравакашларнинг машаққатли меҳнат куни поёнига етаёзганди. Катта ва кўш гилдиракли аравалар нотекис йўлда сакраб-сакраб борарди. Суворийларнинг рўпарасидан сочи қирилган, устларига эскирган ридо кийган икки роҳиб келарди. Йўлда одамлар тобора кўпроқ учрай бошлади, кўп ўтмай шаҳар бўсағасига етиб қолишди ва оломондан ўзларига аранг йўл очиб бориша бошлади. Уткинчилар суворийларга ажабланиб қарашар, чунки башанг кийинган отлиқнинг аёл кишини олдига миндириб юрганини аҳён-аҳёнда бир кўриб қолишарди.

Марконинг юрагига ғулғула тушди. Анчагина қош қорайиб қолганидан энди соялар ҳам кўринмасди. У кейинги соатларда талайгина воқеалар бўлиб ўтганидан ўз ихтиёри билан зиммасига олган оғир мажбуриятни унутиб қўяёзганди. Бироқ воқеаларнинг ечими тобора яқинлашиб келарди. Марко Сю Сянга қоронғи тушиши биланоқ етиб бораман деб сўз берганди. Ҳозир кечга қолганларга шаҳар дарвозаси тезда ёпилишини билдириб қўйиш учун қўнғироқ чалинади. Буни шаҳарга томон ошиқиб бораётган одамлар оқимидан ҳам билиб олса бўларди.

— Мен энди қўрқмаяпман, Марко,— деди Ашима тўсатдан шодон жилмайиб.

«Кичкина Ашима»,— Марко ичида ҳузур қилиб шундай деркан, шу ондаёқ қалбида Аҳмадга нисбатан нафрат уйғонди, бу нафрат тобора жўш ура бориб бошқа туйғуларини босиб кетганидан сал бўлмаса бўғилиб қолаёзди. У тахтиравончи Ян Ашиманинг қаердалигини айтгани келгандаёқ қандайдир бир сирли башоратни сезгандай бўлувди. У ўшанда

Ян нима учун Аҳмаднинг режаларини барбод қилмоқчи бўлганининг тагига етмоқчи бўлиб роса бош қотирганди. У тахтиравончини шоҳлардек хурсанд қилмоқчи бўлди. Сю Сян кетгандан кейин ёзиб қолдирган учта хати эсига тушиб қолди ва уйга етиб борилгани ҳаманоқ шуларнинг бари учун Яннинг кўнглини олиш керак деган фикрга келди. Ашимани кейин нима қилинади?

Осмон бутунлай тундлашди.

— Нега индамайсан?..— деди Ашима секингина ўпкаланиб.

Ян бўлса бирдан Марко билан бараварлашди-да, ундан:

— Жаноб, ҳув анави тахтиравонни кўряпсизми?— деб сўради.

Марко саккиз суворий қўриқлаб бораётган тахтиравонни кўрди.

— Ян, сенга нима бўлди?— деди Марко ҳайрон бўлиб.— Нега бунчалик ҳаяжонланиб кетдинг?

— Шўрим қуриди,— деб шивирлади Ян.— Улар қаерга яширинсам ҳам мени топиб олишади.

— Ҳеч балони тушунмаяпман. Нима гаплигини тушунтирсанг-чи,— буюрди Марко сабр-тоқати туғаб.

— Бу вазир Аҳмаднинг тахтиравони. У чамаси дарё бўйидаги уйга кетаётган кўринади.

Марко Поло жиловни тортди. Оти бошини кўтариб, тўхтади-да, ер тепиниб тураверди.

— Янглишмаяпсанми?— деб сўради Марко.

Тахтиравон кўздан йўқолди. Энди бир дақиқани ҳам қўлдан бой бермай улар дарё бўйидаги уйда қолдириб келган икки қўриқчини огоҳлантириб қўйиш керак эди. Бунга Яни юборсинми? Яхшиси, Сю Сяннинг қўриқчиларидан бирини юборган маъқулроқ.

Марко имо қилиб қўриқчилардан бирини чақирди, унга индамай тикилиб турди-да, кейин:

— Орқага қайт. Саккиз отлиқ қўриқлаб бораётган тахтиравонни қувиб ўтасан, бироқ улар буни сезмасин. У ёқда қолган ўртоқларингга айт, тезроқ жўнаб қолишсин. Йўлдан эмас, дарё ёқалаб кетишсин,— деди.

— Бош устига,— қўриқчи шундай дея қаддини ростлади.

— Тахтиравондаги вазир Аҳмад,— деб қўйди Марко пича яққиланиб тургандан кейин.

— Ҳаммасини тушундим, жаноб,— қўриқчи шундай деди-да, отини орқасига қайтариб, елдириб кетди.

Кўнғироқ чалинди. Марко отлиқнинг қоронғиликда гойиб бўлганини кўриб турарди.

— Мени юборишингиз керак эди, жаноб,— деди Ян. У энди ўзини анча босиб олган эди.

— Сен мен билан кетасан, Ян. Ҳали менга керак бўласан.

Улар тепасида миноралар қад кўтариб турган шаҳарнинг оқ дарвозаси томон отларини йўрттириб кетишди. Ашима эти увишиб жунжикиб қўйди-да, жийроннинг ёлига ёпишди. «Нега индамайсан...» Қиз нега бундай деди ўзи?

Шаҳар дарвозасидаги қўриқчилар отлиқларни ўтказиб юборишди. Дарвозадан кираётган одамлар оқими катта-кичик кўчаларга бўлиниб кетар, карвонсаройлардаги аравакашлар от, хачир ва эшакларини аравадан чиқаришарди, боққоллар молларини саранжомлаб, устларидаги соябонларни йиғиштиришарди. Ҳунармандлар дўконларни ёпишарди. Хонбалиқ аҳолиси тун киришига ҳозирлик кўрарди. Тоғлар тепасида бўзарган ой кўринди.

Марко Поло Аҳмаднинг ўйлаган режаси барбод бўлганини билганда қай аҳволга тушишини тасаввур қилишга тиришарди. «Ашимани хавфсиз жойга яшириш керак,— деб ўйлар эди у.— Аҳмад энди менга ошкора ҳамла қилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас». Марко отини ниқтади. Улар кенг кўчадан отларини йўрттириб боришарди. Йўловчилар энди онда-сонда учрарди. Кўп ўтмай кўнғироқ иккинчи марта чалинади. Чорраҳага етганда қўриқчилар Марко Поло, Ашима ва Ян билан хайрлашишди.

— Келдикми?— деб сўради Ашима, назарида сариқ тахтиравонга тушгандан бери орадан кўп замонлар ўтиб кетгандай эди.

Хизматкор дарвозани очиб, сокин ҳовлига кирганларидан кейин худди ҳамма хавф-хатар даф бўлгандай Марконинг кўнгли бирдан тинчиди-қўйди. Юхонасидан югуриб чиқиб, бекасини қучоқлаб олди. У ҳам кулиб, ҳам йиғларди.

Кўнғироқ икки марта чалинди. Шаҳар кўчалари ҳувиллаб қолди.

Марко ўзича Аҳмад дарё бўйидаги уйга етган бўлса керак деб тахмин қилди. У Ашима билан Янни хонасига киришларини сўради. Хизматкор шам ёқиб, чой келтирди. Ян эшик олдида қолди, Ашима бўлса Марконинг рўпарасига ўтирди. Марконинг ташвишланаётгани уни гулгулага солиб қўйганди.

— Утир, Ян. Вақтимиз зиқ,— деди Марко.

Ян ўтирди. Марко тахтиравончига анчагина тикилиб турди. Унинг содда деҳқонча қиёфаси Маркога ёқиб қолганди. Марко ёзув столининг махфий галадонидан пул олиб, Яннинг олдига қўйди.

— Манави пулни ол, Ян.

Тахтиравончи пулга ҳайрон бўлиб қаради, кейин бош чайқаб:

— Йўқ, жаноб,— деди.

У ана шу пулдан отасига бир парча ер сотиб олиб бериши, ўзига уй қуриб олиб, қолганига кун кечирishi мумкин эди.

Марко Поло пулни яна Яннинг олдига сурди.

— Олавер,— у яна қатъий шундай деди-да, Ашимага тушунтира кетди:— Сенинг халос бўлишингга шу сабабчи бўлди, Ашима. Аҳмад сени ўғирлаб келишни буюрган экан. Биз қайтиб келаётганимизда вазирни шаҳар дарвозаси олдида кўрдик. Ҳозир у содир бўлган ишдан огоҳ.

— Аҳмад дейсанми?— Ашима қайтариб сўради.— Менда унинг нима иши бор экан?

Қиз шу лаҳзада Марконинг қанчалик хавфда қолганини бирдан фаҳмлаб қолди. Марко уни озод қилиб, бу даҳшатли одамнинг қаҳрини келтирганди. Аҳмад бунинг учун Маркодан қасос олмай қўймайди.

— Марко, бу ерда қолсанг бўлмайди,— деди Ашима ташвишланиб.— Бир дақиқа ҳам қолмайсан. У шаҳарга қайтиши биланоқ сени ўлдиради.

Қиз ўрнидан туриб, Марконинг олдига чопқиллаб келди-да, елкасига ёпишди.

— Сенга нима бўлди, эшитмаяпсанми, Марко? Нега қимир этмайсан?

Марко бирдан хотиржам тортганидан ҳаттоки жилмайиб ҳам қўйди.

— Мени эмас, ишончлироқ жойга сени яшириш керак,— деди у.— Эртага кечқурунгача холос. Эртага кечқурун ёнингда бўламан.— Шундан кейин у Яндан сўради:— Сен бу хонимни эртагача бирор жойга яшириб қўя оласанми?

Яннинг дўстлари кўп эди. Унинг эсига энг олдин қандолатфуруш Лининг хонадони келди. Лининг хотини бу ердан уч юз қадамча наридаги харобгина кулбада турарди. Бироқ у хонимни бундай қашшоқ кулбага олиб борса бўлармикин?

— Нима гап, Ян?— деб сўради Марко унинг иккиланаётганини кўриб.

— Яқинроқда, жаноб, ишончли одамлар туришадди... Бироқ уларнинг кулбаси...

— Хонимни бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдирма,— деди Марко секингина.— Агар эртага кечқурунгача қайтиб келмасам у билан Хонбалиқдан қоч. Пул билан қимматбаҳо тошлар солинган манави халтачани ол.

Ашима бутун суҳбатни, ундаги ҳар бир сўзни эшитиб турарди. Марко қизнинг уни ташлаб, Ян билан бирга кетишни истарди.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман, Марко. Сен билан қоламан.

Тахтиравончи хонадан чиқди. Марко Поло унинг эшикни қандай ёпганини кўриб турарди. Энди қиз икковлари қолишди. Шамнинг ҳароратли ёғдуси икковларини ҳам чулғаганди. Майин шабада япроқларни шитирлатар ва муздаккина бўлиб ёпиқ деразанинг тирқишларидан ичкарига кирарди. Ҳовлида от кишнади. Хизматкор қудуққа челак туширди. Улар челакдан томган томчиларнинг қудуққа чакиллаб тушаётганини эшитишди. Ян бўлса, боғдаги йўлакда у ёқдан-бу ёққа юриб, уларни кутарди.

— Бугун Сю Сян олдимга келди,— деди Марко Ашимага.— Ушанда Аҳмад сенга қанақа ёмонлик ўйлаётганини билмовдим. Шундай бўлса ҳам унга Аҳмадни ўлдиришга бош қўшаман дедим. Энди тўғри иш қилаётганимга шак-шубҳам қолмади. Аҳмад — қотил. У мамлакатни хароб қилади.

— Мени нимага жўнатиб юбормоқчисан?— сўради Ашима.

Марко Поло унинг елкасига қўлини қўйиб, ўзига тортди.

— Матео кетаётиб, нима деганига қулоқ сол, Ашима. Мен доимо унинг сўзларини ўйлаб юрардим. Бироқ, сен билан гаплашишга ботинолмасдим... «Балки Ашима биз билан Венецияга кетар? Кези келиб қолса у билан гаплашиб кўр», Матео шундай деганди.

Ашима Марконинг ўзига тикилиб турган тим қора кўзларидан, хўш, нима дейсан, деган маънони уқди.

— Матео доимо Венецияни кўмсарди,— деди қиз.— Агар истасанг, сизлар билан Венецияга жўнайман. Бироқ Матео қаёқда қолдийкин?

— Чипунгуга қилинган юриш мағлубиятга учрабди. Қемаларнинг кўпи фарқ бўлибди.

Ян эшикни тақиллатди.

— Кечирасиз, жаноб, мабодо вазир Аҳмад одам юборган бўлса, ҳар лаҳзада бостириб келишлари мумкин!— деди у овозини баландлатиб.

— Бор, Ашима,— деди Марко,— Ян билан жўна, эртага кечқурун бирга бўламиз. Мен бунни биламан.

— Қани энди Матео шу ерда бўлса...— деб пи-чирлаб қўйди Ашима.

\* \* \*

Император боғи, осмонда юлдузлар чарақлайди. Фасли баҳорнинг бу кечаси нақадар сўлим! Гуё гулчамбар янглиг атрофини қора кўкиштоб булутлар қуршаган сўлим ой кўл, канал ва гулпушта, ҳамда ҳурпайган майсалар орасида мулойим бош эгиб турган гулларга сутдай ёғду сочади. Қадимий дарахтларнинг қўнғир таналари олисдан аниқ кўринмайди. Боғнинг катталигини каккунинг олисдан эшитилаётган бўғиқ ва мунгли сайроғидан ҳам билса бўларди.

Кўприк тагида ялтиллаб дарё оқарди. Унда қайиқ сузиб борарди. Узун ёғочга илиб қўйилган фону с нури сувда жилва қилади.

Қайиқнинг тумшугида типпа-тик турган эшкакчи тинч турмасди. Сарой аъёнлари ва хонимлар, хизматкор ва оқсочлар кечанинг бу сеҳрли сўлимлигидан ҳузур қилишарди. Инжиқ Жамбуй хотун бу гал буюк хон билан бир юз саккизта ибодатхонали Шандуга кетганди. Унинг кўриқчилари боғни изғиб, тунги сайрга халал беради деб хавфсирамаса бўларди.

Марко Поло Сю Сяннинг кўриқчилари билан Яшил кўшк томон келарди. Дарвозадаги кўриқчилар уларни тўхтатмай ўтказиб юборишди, чунки Маркода буюк хоннинг муҳри бўлган олтин пайцза бор эди. У билан император боғига хоҳлаган пайтида кириши мумкин эди. Марко одатда муҳим воқеалар рўй бе-



ришидан аввал ниҳоятда тоқатсизланарди, ҳозир ҳам у етилиб қолган воқеанинг тезроқ содир бўлишини сабрсизланиб кутарди. У юлдузли кечанинг гўзалликларини сезмасди. Бу кеча Аҳмад ўлиши керак. Марко бунга тайёр. Сю Сян мабодо уни ўз қиличи билан чопасан деса ҳам рози эди.

— Мана шу ерда, жаноб,— деди қўриқчи илон изи сўқмоқдан тепалик устига кўтарилиб, Яшил кўшк дарчаларидаги хира ёруғни кўрганларидан кейин.

Кўшкка кираверишдаги жойда баҳайбат дарахтлар ўсганди. Марко остона ҳатлашдан олдин инсон тақдирига лоқайд бўлган дарахт ва гуллар билан хайрлашмоқчи бўлгандан теварак-атрофига назар ташлади. Кейин у бир неча залдан ўтиб, мўъжазгина ҳужрага кирди.

Марко бу ердагиларнинг тўртинчиси эди, у йиғилганларнинг иккита шам нури ёритган тунд юзларига боқаркан, қадимги катая шоирининг сўзларини эслади: «Биров билан учрашганигда ҳеч қачон кўнглингдагини айтма. Юрагингни бегона қўлга бутунлай бериб қўйма».

Марко унсиз таъзим қилди.

Стул ёнида шаҳарнинг Жанубий дарвозасини қўриқловчи ўн минг аскарнинг қўмондони Ванчжу, жанубдаги вилоятни ишғол қилган император қўшинининг собиқ бош қўмондони, ҳозир эса Аҳмаднинг касридани мансабидан қувилган Чжанъи ва Сю Сян ўлтиришарди.

Учовлари ҳам жойларидан қўзғалиб, Марконинг таъзимига жавоб беришди.

— Утиринг, жаноби Марко Поло. Келганингиздан жуда миннатдорман,— деди Сю Сян.

«Юрагингни бегона қўлга бутунлай топшириб қўйма»,— Марко ичида шундай деб қўйди яна, зотан у ҳузурларига очиқ кўнглилик билан келган бўлсада, буларнинг башаралари тундлигини кўриб.

— Нима гап, жаноблар?— деб сўради у.— Нега индамайсизлар?

— Биз сизни анча кутдик,— деди Ванчжу.— Унинг овозидан Маркога ишонқирамаётгани сезилиб турарди.

Марко йиғилганлар ўзларини ҳушёрроқ тутаётганларини сездди. Ўзини Ванчжуга кўрсроқ жавоб қайтаршдан аранг тутиб қолиб, Сю Сянга ўгирилди:

— Нега барвақтроқ келмаганимни сиз билардингиз-ку. Қўриқчиларингиз нима бўлганини айтиб беришмадимиз?

— Хабарим бор, жаноби Марко Поло. Сизни хафа қилиш Ванчжунинг кўнглида йўқ,— Сю Сян уни тинчитмоқчи бўлиб шундай деди-да, Ванчжуга қараб бўлиниб қолган гапини давом эттирди:— Сиз ноҳақсиз. Агар сиз айтгандай ҳаракат қиладиган бўлсак, ғирт бемаънилик бўлур эди. Ҳали бунинг фурсати етгани йўқ. Ҳозир тоғларда ғалаёнга чорловчи гулханларини ёқиб бўлмайди. Буни тушунинг, Ванчжу. Дўстингизнинг ўлими кўзингизни хиралаштириб қўйибди. Аҳмад — қотил, буни унутманг.

— Одамлар ҳамма ерда, шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам бош кўтаришга чорловимизни кутиб туришибди,— деди Ванчжу эътироз билдириб.

— Кўзголон кўтарилгудек бўлса, ҳамма ерда уни қонга ботиришга тайёр турган қўшинни ҳам унутманг.

— Шармандали қулликда яшаб ота-боболаримиз шаънига доғ туширгандан кўра эркинликда ўлган маъқул.

Сю Сян ўрнидан сапчиб турди. Авзойи одам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Унинг одатдаги доно ва осойишта кўринишидан асар ҳам қолмаган, дарғазаб ва ҳаяжонда эканлиги аён сезилиб турарди.

— Бас қилинг, Ванчжу,— деди у қизишиб.— Нималарни гапираётганингизни фаҳмига бормаяпсиз. Ақл садосига қулоқ осмоғингиз керак. Биз Аҳмаднинг ўлдириш билан унинг бутун мамлакатдаги гумашталарига кўзингни оч деймиз. Ҳозирча бундан ортиғига қурбимиз етмайди.

— Асорат эса қолаверади...— деб қўйди Ванчжу ғўлдираб.

Марко Поло кекса олим билан аскарбошининг қизғин баҳсини ғалати бўлиб тинглаб ўлтирарди. У Хубилайхоннинг ҳукмронлигига қарши қаратилган фитнага аралашини истамасди. Шу ваздан Сю Сяннинг баҳсда устун келганидан мамнун эди. Исёнкорлик режаларини амалга оширишни хаёл қилган Ванчжу эса бўйин эгишга мажбур бўлди.

Баҳс пайтида Чжанъи чурқ этмади.

— Балки Аҳмад келмас, биз уни бекорга кутаётгандирмиз,— деди у ниҳоят.

Сю Сян қўлини кенг енгига яширди. У ўзини қўлга олган, Ванчжу ҳам тинчиганди.

— Тоққа чиқиб, йўлбарс тутиш осон эмас,— деди Сю Сян.— Юринглар, валиаҳд шаҳзоданинг саройига бориб, шамларни ёқиб қўййлик.

\* \* \*

Вазир Аҳмад хонада безовталаниб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Хизматкор ҳамма шамларни ёқиб қўйди. Ховлида қўриқчилар юришар, қуроллари­нинг шарақ-шуруғи ҳам эшитилиб турарди. Қотиб эшикни оҳиста тақиллатди. Аҳмад юришдан тўхтамай, ундан анчагача кўз узмади.

— Муҳтарам жаноб...

— Жим бўл...— Аҳмад унинг сўзини бўлди.

Қотиб на қиларини билмай эшик олдида тўхтади. Аҳмад унга мутлақо парво қилмасди. Фикру хаёли айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Улдирилган Саиднинг буришган башараси ва қонга беланган жасадини ҳар гал эслаганида кўрқув ва ғазабдан бўғилаёзарди. Хизматкорлардан сўраб-суриштириб, қизни ол­тита қуролли суворий билан Марко қутқариб кетганини билиб олди. Ўша лаҳзанинг ўзида Хонбалиққа қайтиб, венецияликни қамоққа олишни буюрди. Унинг лабларида ёвузона истехзо ўйнарди. Марко Поло буюк хоннинг бош ноиб­и йўлида туғаноқ бўлгани учун калласидан ажрайди. Аҳмад бу хатти-ҳаракати учун Хубилайхон олдида ўзини оқлаши кераклигини ўйлаганида сал бўлмаса гангиб қолаёзди, бироқ Жамбуй хотуннинг бу гал ҳам мадад қилишига умид боғлаб тинчиди-қўйди. Уликлар тилсиз бўлади, Маркога эса кун чиқишни кўриш ҳам nasib этмайди— Аҳмад бунга қасам ичди. Венециялик унинг буйруғига кўра қоронғи зиндонда ўлдирила­диган биринчи одам эмас.

Шамларнинг порлаб туриши унга халал берарди.

— Бу ерда нега қаққайиб турибсан?— деб бақирди у қотибга.— Еттита шамни ўчир.

Қотиб буйруқни бажаришга шошилди. Ўзиям нақ еттита шамни ўчирди, чунки унинг хўжайини бу муқаддас рақамнинг сеҳрли кучига ишонарди-да. Қотиб бамисоли шарпадай бир шамдондан иккинчи шамдон ёнига шипиллаб бориб, бармоғини тупуклаб, шамларни ўчирарди.

Вазир Аҳмад дарғазаб бўлиб уни кузатарди.

— Хўш, нима бўлди?— деб сўради у.— Улар қайтишдими?

— Чопар келди, муҳтарам жаноб,— деди котиб.— Валиаҳд шаҳзода Чимким ҳазрати олийлари сизни ўз саройида кутаётганмиш. Ҳазрат олийлари сизни тезда кўрмоқчимиш.

Аҳмад таажжубдан тўхтаб қолди.

— Валиаҳд шаҳзода Чимким дейсанми?— қайтариб сўради у:— Хонбалиққа қачон қайтиб келибди? Бундан нега мени огоҳ қилишмабди?

— Ҳазрат олийларининг келганларига бир соат бўлибди. Чопар шундай деди.

«У мен билан гаплашишни истаб қолибди»,— деб ўйлади Аҳмад.— Зарур иши борга ўхшайди».

Аҳмад шаҳзода Чимким энг аввал уни кўрмоқчи бўлиб, тун яримда чақиртирганига лаққа учди.

— Хизматкорга айт, менинг амалдор либосимни келтирсин. Бўлақол! Тахтиравонни ҳам келтиришсин, мен билан еттита кўриқчи боради.

Тахтиравонни Даду дарвозаси олдида тўхтатишганида Аҳмаднинг ёнига ўн икки минг сарой кўриқчиларининг сардори Коготойхон келди.

— Йўл бўлсин, вазир Аҳмад?— деб сўради у.

— Валиаҳд шаҳзода Чимким ҳазрат олийлари мени йўқлатибдилар.

Коготойхон бир қадам орқага чекилди.

— Валиаҳд шаҳзода Чимким дейсизми?— деб қайтариб сўради у ҳайрон бўлиб.— У Дадуда йўқ-ку.

— Бир соат бурун қайтиб келди,— эътироз билдирди Аҳмад.

— Наҳотки шунчалик хуфия қайтсаки, ҳатто мен билолмай қолсам? Унга кўриқчиларни мен юбораман-ку.

— Қани, юраверинглар,— Аҳмад тахтиравончиларга шундай деб буйруқ берди-да, кейин қўшиб қўйди:— Шаҳзода ҳазрати олийларининг қайтганларини мана энди билдингизми, Коготойхон. Сизга, мени валиаҳд шаҳзода Чимким зарур иш юзасидан кўрмоқчилар дедим-ку, ахир. Хайрли тун.

Коготойхон тахтиравоннинг кетидан маъюс қараб қолди. Қалондимоғ аҳмоқ!.. У Хубилайхоннинг нега баланд мартабаларга бегона юртликларни тайинлаганига сира тушунолмасди.

Мўғул кўриқчилар амалдорларнинг суҳбатлари-

ни эшитиб туришса ҳам сир бой беришмасди. Улар найзаларини маҳкам тутганларича чатаноқларини кериб, дарвозанинг ўнгу сўлида қотиб туришарди.

— Валиаҳд шаҳзода Чимким билан унинг мулозимларини кўрдингларми? — деб сўради улардан Коготойхон.

— Йўқ, жаноб.

Коготойхон чуқур хаёлга ботганича зинадан чиқиб борарди. У дамба-дам тўхтаб, баланд дарахтлар тепасидан у ер-бу ерини булут қоплаган юлдузли осмонга тикиларди. Наҳотки Чимким Шимол дарвозасидан келган бўлса-ю, сарой қўриқчилари унга хабар қилишни эсдан чиқарса? Коготойхон навбатчилар хонасига кираркан, унга кўзлари тушди дегунча сипчиб турган қўриқчиларга қўл силкитиб ўтиришга рухсат берди. Курсилар тепасида иккита мой чироқ хира нур сочар, ҳаво огир, тер ва чарм ҳиди келарди. Эшик ёнидаги алоҳида жойга қўйилган найзалар тайёр ҳолда турарди.

— Айт, отимни эгарлашсин. Менга ўқ-ёй ҳам келтир, — деди Коготойхон пича ўй суриб тургандан кейин қўриқчилардан бирига.

Чимкимнинг хуфия қайтгани унга ҳеч тинчлик бермасди. У тезда саройга бориб, Аҳмаднинг айтганларини ўз кўзи билан кўриб келмоқчи бўлди.

Бу вақтда Аҳмаднинг тахтиравони иккинчи дарвозадан ҳам ўтиб, император боғига кирди. Аҳмад дарахтлар орасидан саройнинг ёруғ деразаларини кўрганда мамнун кулиб қўйди. Сарой ораси билан бўлган суҳбат унинг димоғини чоғ қилганди. У валиаҳд шаҳзода Чимким Марко Полони ушлашни буюрганганини айтмайми, айтмайми деб иккиланди, пирвордида эса сабр қилишга жазм этди.

Император саройи билан валиаҳд шаҳзода Чимким саройи ўртасида икки қирғоғи мраммардан ишланган сокин ва қорамтир сувли дарё оқарди. Иккала саройни эса оппоқ тош кўприк бирлаштириб турарди. Аҳмад тушган тахтиравон шаҳзоданинг саройига яқинлашганда кимдир лип этиб қабулхонага кириб кетди. Қилич яланғочлаб турган Марко Поло Аҳмаднинг келганидан шу тариқа хабар топди.

Марко Поло устунлардан бирининг орқасига яширинди. Қабулхона нимқоронғи эди. Сарой хоналарига кириладиган эшикларнинг олдида Сю Сяннинг шахсий қўриқчилари туришарди. Ванчжу бўлса худ-

ди шаҳзодадек тахтда бепарво ўлтирарди. Унинг юзи сояда қолганди. Чжанъи тахт ёнидаги устун орқасида қилич яланғочлаб турарди. Сю Сян бир оз чек-кароқда эди.

Аҳмад тахтиравондан тушиб, қўриқчиларига ташқарида кутиб туришни буюрди. Очиқ турган эшикдан ичкарига кираркан, валнаҳд шаҳзодага у Хонбалиқда бўлмаган пайтда юз берган воқеаларни ошириб-тошириб айтиб беришни ўзича пишириб, қабулхонага ўтди. У ён-верига қарамасди. Оёқ товушлари жимликда аниқ-таниқ эшитиларди. Саройнинг тўқ қизилга бўялган ялтироқ устунлари қуюқ соя ташлаб турарди. Улкан заллардан бу одам бамисоли ажинадай ўтиб борарди.

Аҳмад нимқоронғиликдан ёруғликка чиқиб олгандан кейин эгнидаги зарварақ кўк либоси олтиндай ярқираб кетди. Димоғи бағоят чоғ эди. Хаёлида ҳозир шаҳзода билан бўлажак қиёмат суҳбатни ўзича тасаввур қилиб келарди. Император хонадонининг аъёнлари билан муомала қилишни ўрнига қўйишда Аҳмаднинг олдига тушадиган ким бор, суҳбатдошининг ҳар бир ҳаракатини олдиндан билиб туради, тилёғламалик ва хушомадда ундан ким ҳам ўта олади? Саройда буюк хоннинг ишончини ҳеч ким унчалик қозонолмаган. Мана ўн икки йилдирки, у улкан империянинг молия бўйича вазири. Хубилайхон Хонбалиқни вақтинча тарк этганида пойтахтга тўла ҳукмронликни унга қолдириб кетади.

Коготойхон бўлса бу пайтда император боғида от қўйиб келарди. Унинг қора, келишган бедовининг тақалари гурсиллаб ерга уриларди. Коготойхон тун гўзаллигини ҳис этмас, фақатгина Чимким дарҳақиқат қайтдими ё Аҳмад уни лақиллатиб кетдими, шуни билмоқчийди, холос. Аскарбоши саройнинг ёруғ деразаларини кўриб турарди. Қора оти оқ кўприқдан йўргалаб ўтди. У отдан тушди-ю, жиловни югуриб келган хизматкорга тутқизди.

Аҳмад от дупурини эшитса ҳам ширин хаёллар билан банд бўлганидан бунга парво қилмади. Тахтли залга кираверишда иккита қўриқчи турарди. Вазир Чимкимнинг ҳатто нозик суҳбатларни ҳам тахтдан тушмай қилишини биларди. Хизматкор Аҳмадга эшик очди. Аҳмад тахтда ўлтирган шаҳзодага кўзи тушгач, ўзини ерга ташлаб, пешанасини саждага қўйди. Шаҳзода қўли билан ўрнидан туриб, яқинроқ

келишга ишора қилди. Девор ёнда турган беш шам-ли шамдонларда биттадан шам ёниб турарди. Шу важдан бу хира ёруғда шифтдаги ёйсимон тўсинлар ва уй жиҳозларининг безаклари зўрға кўринарди. Залга чўккан оғир сукунатни шифтнинг қаеригадир ли қўйган иккита қалдирғочнинг вижир-вижиргина бузиб турарди.

Шаҳзода Чимким вазирнинг тахтга яқин келиши-ни индамай, алик ҳам олмай кузатиб турарди. Шаҳ-зоданинг юзи қоронғиликда бўлганидан Аҳмад унинг ёниб турган кўзларинигина кўрарди, холос. Шунда унинг кўнгли бир орзиқиб кетди. Шаҳзода нега бун-чалик жим ва қимир этмайди? Аҳмад тахт олдида тавозе билан тиз чўкиб, уч марта ер ўпиб таъзим қилди. У ана шу лаҳзада орқа томонидан кимлар-нингдир овозларини эшитса ҳам қайрилиб қарашга юраги дов бермади.

Чжанъи устун орқасидан чиқа солиб тахтга қа-раб югурди. У бир қилич солишда Аҳмаднинг кал-ласини узиб туширди. Ванчжу тахтдан туриб, оёғи тагида жон бераётган жиноятчига тикиларди. У дўс-ти Чуй Иннинг ўчини олганди. Шунда Ванчжу бир-дан бошини кўтариб, эшик томон қаради. Унинг юзи-га ёруғ тушди, кимнингдир газабли қичқирғи эши-тилди. Шу замоноқ кираверишда камонини ўқталиб турган Коготойхонга кўзи тушди. Уқ залдан визил-лаб ўтди. Ванчжу ажал сояси ўзига томон келаёт-ганини кўрса ҳам қимир этмай тураверди. Уқ унинг нақ юрагига санчилди.

Коготойхонни тўхтатиш учун отилган Марко Поло кечикди.

— Нима қилиб қўйдингиз?— деб қичқириб юбор-ди у.— Ванчжуни ўлдирдингиз-ку!

У сарой посбонларининг бошлиғи олдида қилич яланғочлаб турарди.

Коготойхон камонига янги ўқ жойлаб, Марко По-лога тўғрилади.

— Қилични ташла,— деди у совуққина қилиб.— Қамоққа олиндинг.

Марко Поло найзанинг темир учи ўзига ўқталин-ганини кўриб турарди. Мўғул ундай икки қадам на-рида, камони таранг тортилганди. Агар мўғулнинг бақувват қўли ўқни қўйиб юборса борми, ўзи ҳам тахт тагида қўлларини ёзиб ётган Ванчжу сингари таппа қулаши турган гап эди. Қисик кўзли Коготой-

хон унинг ҳар бир ҳаракатини назардан қочирмасди.

Шу пайт Маркога тўсатдан у билан Коготойхоннинг орасига Ашима туриб олгандай туюлди. Кўзига қизнинг илтижо билан қараб турган сиймоси кўрииб кетди. У қилични ташлади. Шу чоқ залда Сю Сянинг овози янгради.

— Сабр қилинг, Коготойхон, камонни туширинг.

Катай олими ўлдирилганлар олдидан шоша-пиша ўтди. Чжанъи Ванчжунинг устида бош эгиб турар, унинг сўник кўзларидан ҳеч кўз узолмасди.

— Биз жиноятчи Аҳмадни ўлдирдик, бунинг учун буюк хон ҳазратларига жавоб берамиз,— деди Сю Сян.— Энди бизнинг кетишимизга рухсат этинг. Биз эртага эрталаб Шандуга йўл олишимиз керак.

— Мен сарой қўриқчиларининг бошлиғиман ва тартибга жавоб бераман. Сизлар қамоққа олиндинглар,— Коготойхон шундай эътироз билдирди-да шу ерда турган қўриқчига қараб буйруқ берди:— Дарвозага югур, сарой қўриқчиларини хабардор қил.

Қўриқчи на қиларини билмай қолди, нега деганда у Сю Сянинг қўриқчиси эди.

— Буйруқни бажар,— Сю Сян унга шундай деди-да, Коготойхонга ўгирилиб қўшиб қўйди:— Бизнинг қочмоқчи эмаслигимизни ўзингиз кўриб турибсиз-ку. Шу кеча бизнинг Аҳмад устидан айбнома ёзишимизга имкон беринг. Ҳазрат олийларининг бу воқеадан хабар топганларида қанчалик дарғазаб бўлишларини кўз олдингизга келтириб кўринг-а.

— Олдинга ўтинг,— деб буйруқ берди Коготойхон.— Чжанъи ҳам қиличини берсин.

Сю Сян, Марко Поло ва Чжанъи Коготойхон кузатувида эшикка томон юришди. Улар қадам товушларини, қиличлар жарангини, кимнингдир қаттиқ қаттиқ буйруқ бераётганини эшитишди.

Баҳор кечасининг сеҳрига путур етганди. Машъаллар камон билан қуролланган жангчиларнинг тунд юзларини ёритиб турарди. Каккунинг сайрашига биронта одам қулоқ солмасди. Кимдир шунда:

— Жим...— деб шивирлади.

Тахтли залда ҳамон шамлар ёниб турарди. Ванчжу эса олтин тахт тагида ётарди.



## ШАНДУ ЙУЛИДА

Бунақа бойиб кетиш Фань Гун-дунинг тушига ҳам кирмаганди. Энди унда буюк хоннинг муҳри босилган бир даста пул бор, бунга у ер ҳам, уй ҳам олса бўлади. Еқутлар солинган чарм халтачани бўйнига осиб олганди. Хачирининг ёнида от ҳам йўрғалаб кетяпти. У янги қимматбаҳо либос ҳам сотиб олганди. Қишлоқлардан ўтаётганида деҳқонлар уни амалдор фаҳмлаб салом беришарди.

Фань дўстини нақ дарёнинг бўйига кўмди. Матео гўрида соҳилдаги қояларга юз тутиб ётарди. У тупроғи сариқ ерга қўйилганди. Фань унинг қабри тепасига оламда жонидан ҳам азиз бўлган нарсаси — ўлган қизининг похол шляпасини қўйди. Кейин қузғун ва қарғалар тегмасин деб, қабрнинг устини тош билан ёпди.

Дарё шовқин-сурон билан қоядаги ўзи ҳосил қилган тешикка келиб уриларди. Кемаларнинг дарғалари нотекис тик қоялар орасида қайнаб кўпираётган оқ-сарғиш сувга юраклари орзиқиб тикилишарди. Агар кема шу жойга тушиб қолса борми, қанча уринсангиз ҳам бўйсунмасди. Сув уни бамисоли қоғоз қайиқчадай ўйнатиб, чирпирак қилар ва кўкрак кериб турган қоялар томон ўқдай учириб, ўзи бирдан ғойиб бўларди-қоларди.

Кемалар ана шу қиррали тошларга урилиб кунпаякун булган наитлар ҳам оз эмас. Қайиқчилар дарёнинг ана шу энсиз жойини «илонлар уяси» дейишар, чунки кечаси тўлтин ой чиққан тунларда бу ерда кемани тўлқинлар кумуш ранг илонлардай ўраб олар ва юраги бетлаб палубага чиққан одамга ёмон вишиллаб ўзини отарди.

Фань Матеонинг қабрида туриб у билан видолашаркан, биргаликда қилган саёҳатларини бошдан-оёқ эслади, шунда ҳамроҳининг саломатлиги кундан-кунга ёмонлашаётганидан унинг кўнгли доимо хавотирда бўлганига қарамай, саёҳат ҳаётидаги энг қувноқ ва гўзал пайтлари бўлиб туюлди.

Фань хотини, қизи, мўъжазгина кулбаси-ю шоли поясини энди сал эсдан чиқарганда дўсти оламдан ўтиб, бошига янги мусибат тушди.

Кўкда бургут ва қирғийлар парвоз қилишар, дам қоялар устида қимир этмай қотишар, кейин эса янғи канотларини силкиб, доира ясаб, олисларга кетишар

ва дарё муюлишида ғойиб бўлишарди. Ер тошлоқ бўлганидан унда дарахт ҳам, буталар ҳам ўсмас, аҳён-аҳёнда тошни ёриб чиққан ўтлар кўринар, булар эса ёввойи эчки ва олқорларга аранг етиб турарди. Матео улкан елкан тагида жон берган, энди бўлса тош ёнбағирликда мангу ухларди.

— Алвидо, Хўжайин,— деди Фань.— Сен билан яхши саёҳат қилдик. Айтган нарсаларингнинг ҳаммасини адо қиламан.

Хонбалиққа уч кунлик йўл қолганди. Энди Фаннинг йўлда товуқ ва қўзи ўғирлашига ҳожат қолмаган бўлса ҳам, тарки одат амри маҳол деганларидай, у-бунни ўмариб турарди. Урганган кўнгил ўртанса қўймас деб шунини айтадилар-да! Кун ботгандан кейин у йўлдан чеккароқдаги бир дарахт тагига ўлтирди-да, ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгандан кейин, ўт устига рўмолчасини ёзди. Оти билан хачири яқингинасида ўтлаб юрарди. Бир чопар ёнгинасидан от чоптириб ўтди. Отининг эгарига императорнинг хат-хабарлари солинган қизил қоп маҳкамлаб қўйилганди. Фань отлиқнинг кўздан йўқолишини кутиб турди-да, пулини чиқариб, халтачадаги ёқутларни рўмолчага ағдарди. Ёқутлар учқун сочаётгандай ялтирарди.

— Эҳ, нега мени ташлаб кетдинг...— Фань шундай деб уҳ тортди-да, чақнаётган тошларни қўли билан яширди.— Энди мен нима қиламан, Хўжайин?— у марҳум билан пичирлаб гаплашишда давом этди.— Нега менга: «Пулни ўзинг ол, отимни ҳам олақол, қолган нарсаларимнинг барини дўстларимга бер»,— демадинг. Ахир, шундай десанг бўларди-ку, бунинг ўрнига эса: «Ўзингга керагини ол...»— дединг-а. Буни қандай тушунса бўлади, Хўжайин? Одамнинг кўзи ҳеч нарсага тўймаслигини ўзинг биласан-ку. Унга сурп иштон билан кўйлак битса, кейин ипагидан кийгиси келади. Унга ҳам етишганидан кейин эса эски кулбада тургиси келмайди, оқ акас ва анжирлар ўсиб ётган, жаноби Вунинг уйидан қолишмайдиган боғ-роғли уйни истаб қолади. Агар тоғлик жойга уй солган бўлса, пастроққа, водийга ҳам жой қилгиси, бунинг устига хизматкор ва оқсочлар тутгиси келади, хуллас кўнглига ҳар нарса келаверади... «Ўзингга керагини ол» деган гапинг мана шунақа нарсаларни хаёлингга келтиради.

Фань оғир хўрсинди. У қўлини ёқутлар устидан

олди-ю, уларнинг сеҳрли чақнашига дош беролмай кўзини юмди. Матео бу ёқутларни Бадахшон подшоҳи ҳазрати олийларидан аранг олганини айтиб берганди. Шунда Фаннинг қулоғи остида яна қувноқ ҳамроҳининг кулгиси жаранглаётгандай бўлди. Бироқ шу лаҳзада ранги докадай бўлиб кетган дўстининг ўлим олдидаги пайти кўз олдига келди, у: «Менинг бор-йўғим: пулим ҳам, ёқутларим ҳам — ҳаммаси Ашиманики... Сен Ашима билан Марконинг ёнида қол. Менинг тилагим шу... ўзингга керагини ол. Шаҳарга Жанубий дарвозадан кирасан, Мингкаррабахт кўчасидан юриб учинчи маҳаллага чиқасан», — деб шивирлаганди.

Фань индинга Хонбалиқ деворларини кўра олади. У ерда зарҳал устунли мрамар саройлар бор. Шоли-пояда шоли қанча кўп бўлса, у ердаги одамлар ҳам шунча кўп. Агар одамлар, катта-кичик кўчалар шунчалик кўп бўладиган бўлса, Мингкаррабахт кўчасини топиш ҳам ҳазил эмасдир. Хўжайин Фаннинг уни топа олишига қандай ишонганикин?

— Эҳ, нега мени ташлаб кетдинг!.. — Фань яна шундай дея кўзини очди. Тагин кўзи ёқутларга тушди. У ботаётган қуёш нурларида лаққа чўғ бўлиб ёнарди. Ёқут олов томчиларга айланиб, ўзининг эзилган юрагига битталаб томаётгандай туюлди.

Матеоинг қабри устида тошлар ётар, пастда қайнаб-кўпираётган сувнинг шовиллаши баланд қоялар узра тепага ўрлар, кўкда эса бургутлар парвоз қиларди. Капитан Матео ватанидан олисда, сариқ тупроқли ерда, кичкинагина похол шляпа билан бирга ётарди. Фан безовта бўлиб у ёқ-бу ёққа аланглади. Мабодо Матеоинг айтганларини бажармаса у ранжимасмикин?

Йўлдан туя карвони ўтиб қолди. Фаннинг хачири билан оти бир бутанинг япроқларини ейишарди. Ҳовуз бўйида эса она ўрдак болаларини эргаштириб юрарди.

— Мен нимаики қилсам ҳаммасини кўриб туришингни биламан, Хўжайин, — деди Фань. — Сенингча бу нарсаларнинг ярмини олишим керакми? Начора, майли, ярмини олақоламан. Мингкаррабахт кўчасини бўлса бир амаллаб толиб оламан. Бундан кўнглинг тўқ бўлсин. — Фань Гун-ду қандайдир бир сирли мўъжиза юз беришини кутаётгандай зўр бериб осмонга тикиларди.

У шохлари тарвақайлаган бир дарахт тагига жой солди. Қушчалар шохдан-шохга сакраб хониш қиларди. Пастдаги одамнинг ўз ёғига ўзи қоврилаётгани билан уларнинг нима иши бор дейсиз? Фань оғзига нимадир чалп этиб тушганида чўчиб кетди. Бироқ бу самонинг ишораси эмас, балки қушнинг қилиғи эканини билгандан кейин кўнгли тинчиди.

Фань пул билан ёқутни тенг иккига бўлди-да, хавнасини яхшилаб ўраб-чирмади. Шундан кейин енгил тин олиб, йўлга тушди.

Фань қоронғи тушмаёқ бир шаҳарчага етиб олганди, тунни ўша ерда ўтказди.

У эртасига эрталаб йўлга тушганида далаларга одам бўйи қуюқ туман тушганди. Кейин қуёш чиқиб, бу ҳарир кул ранг пардани кўтариб ташлади. Шунда теварак-атроф бирдан яшнаб, ҳафт рангда жилоланди. Қаршисидан Фанга қараб новча ва норғул бир одам бола етаклаб келаверди. Бу дарбадарларнинг оёқларидаги сандаллари йиртилиб кетган, тўзиган кийимлари офтобда унниқиб кетганди?

«Шўрликлар,— деди ичида Фань Гун-ду,— пиёда йўл босиб кетишяпти, кун бўйи бирор товоқ гуруч насиб қиладими-йўқми, билишмайди. Яқин орада Катайдаги гадойлар деҳқонлар ва ҳунармандлардан кўпайиб кетади». Унинг бир халта гуручи қолгандай эди. Фаннинг назари шунда боланинг кўзига тушди. «Кўр экан,— хаёлидан ўтказди юраги ачишиб.— Шундай ёш бола-ю, кўр-а!..»

У отини тўхтатиб, сакраб тушди.

— Салом!— деди у мулојимлик билан.— Хонбалиққа ҳали борми?

Фань йўловчининг юзига тамға урилганини кўраркан, ёнидаги қимматбаҳо буюмлари ёдига тушиб кетди. Бироқ тамғали кишининг ўзига тикилиб турганини сезиб қолди. Унинг афтидан изтироб ва нафрат балқиб турарди.

— Мендан ҳеч қўрқманг, жаноб,— деди у.— Мен ўғри ҳам, қотил ҳам эмасман. Эртага пешин пайтида Хонбалиқда бўласиз.

— Ван яхши одам,— деб қўйди кўр бола.

Фань беҳуда хавотирланганидан ўзи ҳам кулиб қўйди-да, Матеога кўр-кўрона тақлид қилиб, Ванга:

— Узинг нима дейсан, ўғлим? Бизда жиноятчи бўлишдан осони йўқ. Йўлда битта-яримта товукни тутасан, сени ушлаб олишади — шундан кейин там-





гали ҳам бўласан-қоласан. Ҳозир ҳушёрроқ бўлиб юриш керак,— деди.

Ван бу жанубликнинг қизиқ гапларини эшитаркан, тишининг оқини кўрсатиб қўйди, бироқ тезда юзи жиддий тортиб:

— Мен хонбалиқлик Ван темирчиман. Ҳеч қачон ёмонлик қилмаганман, ишонаверинг,— деди.

Бола бамбуқ найини олиб, бир куйни чала бошлади.

— Мен жанубга кетяпман,— деди Ван гапини давом эттириб.— У ерда зора бирорта иш топсам.

— Хонбалиқни нега ташлаб кетдинг?— сўради Фань.

— Нега дейсизми?— Ван маъюс ҳолда қайтариб сўради.— Эҳтимол, у ер менга ҳуш келмас...

Фань сўраб-суриштиравериш ноўрин эканини сезди. У найни жимгина тинглаб турганди, Ваннинг ўзи чин юракдан:

— Бас қил, Ши. Эрталабдан кечгача чаласан-а. Бунингни эшитавериб чарчадим,— деди.

Кўр бола куйни узди. Ван боланинг шаҳардаги ҳовлида чаладиган куйларини тинглаганида устахонасини кўмсарди. Ши буни билар, шунинг учун ҳам кўнглига олмасди.

— Жуда боплаб чаларкан!— деди Фань.— Шошманглар, менда бир халта гуруч борга ўхшовди, балки сизларга керак бўлиб қолар.

— Бугунги кун яхши бошланяпти, Ши,— деди Ван нотаниш кишининг саховатидан ўзини ноқулай сезиб.— Миннатдормиз сиздан, жаноб. Оқ йўл!— Кейин оҳистагина қўшиб қўйди.— Биздан Хонбалиққа салом айтинг.

Икки четига дарахт экилган кенг йўлга излар тушганди. Қуёш тиккага келганидан қўш ҳайдаётган ёки ям-яшил шоли кўчати ўтқазаётган деҳқонларнинг букик яғринларини беаёв куйдирарди.

Текисликда қад кериб турган тепаликда ҳарбий қароргоҳнинг чодирлари кўзга ташланарди. Улар бениҳоя кўплигидан Фань ҳисобига етолмади. Утлоқда отлар ўтлаб юрарди. Қамонли суворийлар йўл бўйида у ёқдан-бу ёққа от қўйиб, юзбоши бошчилигида кескин бурилишни машқ қилишарди. Суворийлар от қўйиб кетаётиб жиловни шундай қаттиқ тортишардики, пировардида от осмонга сапчиб, орқа

оёгида орқага қайрилардида, ўша заҳотиёқ изига ўқдай учарди.

Устига ҳайвонларнинг терилари ёпилган ҳашамдор катта чодир олдида турган аскарбоши суворийларнинг машқларини кузатарди.

Фань жаҳонгашталиқ йилларида ҳарбийларнинг қароргоҳларини кўп кўрарди. Бу қароргоҳлар катта шаҳарлардан тўрт-беш тош берида бўларди, албатта. Жангчилар доим жанговар ҳолатда, истаган дақиқада ҳужумга ўтишга шай бўлиб туришарди. Мўғул ва каттай жангчилари Хубилайхон ҳокимиятини қўриқлашар, бунда жанубий вилоятлик каттайлар албатта шимолга, туғилган ерларидан олисроққа, шимолликлар эса жанубга юбориларди. Бундан ташқари аскарбошилар ҳар икки йилда янгилаб туриларди.

Фань кўрган нарсаларнинг кўпчилиги уни бош қотиришга мажбур қиларди. Оддий халқ тортаётган жафоларнинг беҳисоблиги-чи! Фань, кўр боланинг най чалгани ёки уни етаклаб олган башараси тамғали кишининг аянчли кўриниши юрагини жунбушга келтирганини гарчи айтиб беролмаса ҳам, эрталабки учрашувни ҳеч унутолмасди.

Отларнинг жуну ипакдай ялтирайди. Суворийлар унинг яқингинасидан учиб ўтганларидан Фань уларнинг башарасини аниқ кўриб, машққа астойдил берилганларига ишонч ҳосил қилди.

Халтасидаги найза учларини ташлаб юборгани маъқулмикин? Катайларнинг қурол олиб юриши қатъиян ман қилинган-ку, ахир.

Фань суворийлар машқ қилаётган жойдан узоқлашгач, анча енгил тортди. Пешинда бир шаҳарчага етди, ошхонада ўзини шоҳона зиёфат қилди. Гуруч, ўрдак, қийма гўшт, бамбуқ шохи ва нилуфар илдизи буюрди. Матеони эслаб юраги эзилди. Унинг пуллари бебилиски сарфлаётганидан виждони қийналарди.

«Жаҳлинг чиқмасинг, Хўжайин,— деди ўзича.— Бугун кечқурун текин товуқ топаман ва бу харажатни қоплайман».

Фань пойтахтга яқинлашгани сари ўзини қўлга олиши ҳам қийинлаша борарди. У ҳарчанд уринмасин фикру-хаёли барибир пул билан ёқутларга оғиб кетаверарди. Ўзича ичида марҳум Матео билан гурунглашиб бораркан, ундан кўпроқ ўпкаланарди. «Сен мен билан бирга юраверсанг бўларди, бунинг



ўрнига ўлиб қолдинг. Улар олдинда: «Ўзингга керагини ол...» — деб васият қилдинг. Тирикчилик тошдан қаттиқ бўлгандан кейин мен нима қилай? Уртача тамадди қилганимни ўзинг кўриб турибсан, шунга ҳам аллақанча пул кетди. Мен буйруғингни бажаргани Хонбалиққа кетяпман. Бироқ эртанги кунимни ҳам ўйлашим керак. Хўш, Хўжайини, қани ўзинг айт-чи, нима, эртанги кунимнинг ташвишини тортмайинми?»

Фань ҳолироқ жойда пул билан ёқутларини яна олди-да, ташвишли қиёфада тақсимлай бошлади. Тўртдан уч қисмини ўзига ажратиб, чорагини Ашимага қолдирди. Кейин йўлда битта товукни ўмариб, гулханда пиширди-да, қорнини роса тўйғазиб, от билан хачирнинг ўртасида, очиқ ҳавода чўзилди. У боши ерга тегар-тегмас кўзи илинган бўлса-да, уй-куси безовта кечди.

Фанни даҳшатли туш қийнаб қўйди. Тушида унга қароқчилар ҳужум қилиб, ғорга олиб кетишганмиш. Пули билан ёқутлари ўша ердамиш. Қароқчилар бошлиғи новча одам экан. У юзига тутган қора ниқобини олибди, Фань қараса Матео эмиш. Матео истехзоли қаҳ-қаҳ уриб, даҳшатли овозда: «Сен буларнинг барини ўғирладинг, Хўжайинча! Энди яна сазойи бўласан», — дермиш.

Фань кўзини очганда ҳали кун чиқмаганди. У хачирининг яғрини панасида ётган жойида сал кўтарилиб, ҳали туман пардаси қоплаб турган дала-ларга кўз югуртирди. Кейин эса қалтироқ қўллари билан кўкрагини ва белбоғини пайпаслади. Пул билан ёқутлар жойида эди. Шундан кейингина у енгил тин олиб, ўрнидан турди-да, йўлга отлана бошлади.

Фань кечга яқин Хонбалиқ бўсағасига етиб келди. Бу Аҳмад ўлдирилган куннинг эртаси эди. Утган кечада рўй берган воқеалар оғиздан-оғизга ўтар ва барчанинг шодлигига шодлик қўшарди. Ҳунармандрлар билан савдогарлар кўчаларда ёки ҳовли ва чойхоналарда Аҳмад ўлимининг тафсилотини эшитиш учун тўда-тўда бўлиб туришарди.

Император саройи қўшдевор билан қуршалганига ва Дадуга ўша лаҳзанинг ўзида ўн икки минг кишилик соқчи қўйилганига қарамай, бу янгилик яширдан ҳам тез тарқаларди. Аҳмаднинг ўлими ҳақидаги миш-мишлар кечасининг ўзидаёқ қандайдир сирли йўллар билан саройдан ўрмалаб чиққан, эрталаб эса

бамисоли шамол қанотида шаҳарга таралиб, энди ҳаммани ҳаяжонлантирарди. Бу хабар Хонбалиқдан улкан империяга император чопарларидан ҳам тезроқ тарқаларди.

Мўйсафид эртақчилар кўчама-кўча юриб, уни кўриш билан йиғилган оломонга тунги воқеанинг янги тафсилотларини айтиб беришарди.

Шаҳарда аскарлар ғуж-ғуж эди. Суворийлар отряди маҳаллама-маҳалла изғиб, оломонни ҳайдар, бироқ одамлар яна тўпланиб олишарди. Шаҳар дарвозаларига уч қатор посбонлар қўйилган, улар ҳар бир арава, от ёки хачир устидаги юкни титкилаб кўришарди.

Фань Гун-ду шунинг учун ҳам шаҳар чеккасига кўнишга жазм қилди. Ўзига тўқ кишилар тушадиган карвонсаройдан битта хона олиб, оти билан хачирини отхонага қўйди. Кечқурун эса шаҳарга йўл олди. Мўъжазгина майдончада эртақчини қуршаб олиб, унинг ҳикоясини жон қулоғи билан тинглаётган оломонига бориб қўшилди. Чол гапини ашуладай чўзиб айтар, эбен дарахтидан қилинган шақилдоғини эса унга монанд шақиллатиб қўярди.

— Уча оладиган қушларни биламан,— дерди эртақчи,— суза оладиган балиқларни, югура оладиган жониворларни ҳам биламан. Чопа оладиган жониворларни ушласа, сузадиганларини тутса, учадиганларини отиб олса бўлади. Бироқ аждаҳонинг тўлқинларга, шамолга қарши юриб, кўкка ҳамла қилишига ҳеч ақлим етмаяпти.— Мўйсафид овозини пастлатиб, буёғини деярли шивирлаб айтди:— Бугун Сю Сянни кўрдим. У аждаҳо сифат эмасми, ахир?

Оломон энгил нафас олди. Йиғилганларнинг бари бошқа фитначилар билан бирга ўз уйида қамалиб қолган Сю Сяндан хавотир олишарди. Шамол, тўлқинларга қарши кўкрак кериб борган ва душманлар қўлидан сирғалиб чиқиб кетган Сю Сян наҳотки аждаҳога ўхшамаса?

— Илойим худо унга ўн минг йил умр берсин!— бир аёл баланд овозда шундай деб қўйди.

Фань Гун-ду шаҳарда санғийвериб ва кўп нарса-ни кўравериб, толиққанидан карвонсаройга тезда қайта қолди. У ерда кечки тамадди қилди-да, қош қорайиши билан хонасига йўналди. Қўшнилари-нинг секин-секин гапиришлари унга юпқа девор оша эшитилиб турарди. Шамдонда шамлар ёнарди. Фань ус-

ти ялтироқ қора столни сийпалаб, ерга ёзилган гилламининг чиройли гулларини томоша қилди. Бурчакда эса юки турарди. Фаннинг гулдор мовий чойшаби бу ерда жўн кўринар, беҳисоб халта-хулталари ҳам карвонсаройга ярашиб тушмагандай эди. У ҳамма юкини кандикга жойлади-да, ўрнига оҳиста ўлтириб, ўйга толди. У илгарилари бир кунмас-бир кун ростмана жаноблардай девори лой сувоқ бўлмаган хонада туражагини мутлақо хаёлига келтирмаганди. У шаҳардан билиб-эшитиб келганларини унутганди. Девор ортидан келаётган бўғиқ овозлар ҳам тинди. Фақатгина ҳовлида отбоқарнинг ивирсиб юргани эшитиларди, холос. Кейин кўча эшик тарақлаб ёпилди, олисда кучук вовиллади.

Буларнинг ҳаммаси тушга ўхшарди. У оти билан хачирига қараб қўйишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади: бошқа биров уларга ем бериб, суғориб ҳам қўйган. Овқат билан бошпана ҳақида ўйлашининг ҳам ҳожати йўқ. Устидаги кийими юпқа мовутдан тикилган, хоҳласа эртагаёқ ипагини сотиб олади. Столида бир пиёла чой турибди. Уни олиб келган хизматкор, бошқа ҳеч нима керак эмасми, хўжайин, деб сўраб ҳам қўйди.

Унга яна нима керак? Фань хўрсиниб қўйди. Эртаси тамом бўлди, энди воқеликка навбат келди. Эртага у шаҳарга Жануб дарвозасидан кириб боради... Мингкаррабахт кўчаси, учинчи маҳалла, чапга... У Матеонинг сўнгги тилагини албатта бажо келтиради. Бунда унга тўсқинлик қиладиган куч оламда йўқ, акс ҳолда бутун умри гурбатда ўтади. Бироқ ҳозир бу ишга жазм қилолмай турибди, негаки Матео унга дудмалроқ қилиб: «ўзингга керагини ол, ўғлим»,— деганди-да. Матеонинг ҳар бир сўзи унинг ёдида... Фань ўрнидан туриб, худди бу ерга ўғри кириб қолгандай хонани олазарак бўлиб кўздан кечирди-да, эшикни тамбалаб қўйди. Кейин яна пул билан ёқутларни олиб, иккита тенгсиз бўлакка бўлди.

Фань чуқур ташвишда қолгандай кўринди. У пешанасини тириштирди-да, ўзича:

— Агар ризо бўлмасанг, айтақол... Ҳозироқ ўзимникидан иккита энг зўр ёқутни Ашимага беришга қасам ичаман,— деб бўлдиради.

Фаннинг юраги гурсиллаб тепарди. У марҳум дўстининг гапларини эшитаётганига ва ҳозироқ унинг қазабли товуши эшитилиб қолишига чиндан ҳам

ишонарди. Бироқ Матеоннинг ғазабли товуши эшитилмади.

— Мен рози бўлишингга ишонардим,— деб қўйди Фань енгил тин олиб.

Фань қимматбаҳо тошлар солинган халтачани ва пулни ёстиғи тагига яшириб, шамни ўчирди-да, кўнгли тинчиб уйқуга кетди.

\* \* \*

Сю Сяннинг уйи шаҳар ўртасида, кўнғироқли миноранинг яқинида эди. Уйдаги хизматкорлар ҳар кунгидан жимроқ юришар, шивирлашиб гаплашишарди. Марко Поло, аскарбоши Чжанъи ва Сю Сян қўриқчилар назоратида олимнинг кутубхонасида ўлтиришарди. Улар бу туннинг ташвишларидан ниҳоятда толиқишган, бир нафас ҳам кўз илинтиришолмаган, негаки айбнома ёзишарди. Марко шунда Аҳмаднинг ўн икки йил ҳукмронлик давридаги жиноятларидан воқиф бўларкан, юраги орқасига тортиб кетди.

Улар тун бўйи ана шу огир иш билан машғул бўлишди, тонг отганини билдирувчи кўнғироқ овозини аранг эшитишди, ҳаяжон босган шаҳарга нур сочаётган қуёшни ҳам зўрға илғашди. Столда айбнома ётар, сарой қўриқчиларининг бошлиғи Котготойхон уни ўзининг ахбороти билан бирга Шандудаги Хубилайхонга жўнатмасидан олдин охириги марта кўздан кечириб чиқиш зарур эди.

Марко бошини қўлига қўйиб, кўзини юмди. Офтоб нури унга халал берарди. Ҳаяжонланганидан қошлари ҳам учиб-учиб қўярди. Ванчжуннинг ажал ўқи ўзига қараб келишини чурқ этмай кутиб тургани, тахтдан қулаб тушгани яна кўз олдига келиб, Коготойхоннинг: «Қиличингни ташла, қамоққа олиндинг» деган амирона овози яна қулоғи остида янграгандай бўлди. Марко ўшанда худди эҳтиёткорлик белгиси янглиғ Ашиманинг сиймоси кўз олдига келганини эсларкан, қалби яна бир бор қизни халос этган пайтдаги каби шодлик ҳисларига тўлгандай бўлди... Ана, Ашима жилмайганича на қиларини билмай турибди. У Марко: «Ашима»... деб чақиргунча шу алфозда турди. У Маркони севади, Венецияга бирга кетамиз, деб ваъда берган.

Уйқу ниҳоят ўз кучини кўрсатди.

— Майли, дам олаверсин,— деди Сю Сян.

Хизматкорлар товуш чиқармай столга овқат келтириб қўйиб, хонани тарк этишди. Бироқ тунги воқеалардан асаби бўшашиб қолган Марко пичирлашаётган овозларни ва қадам товушларини эшитиб, бошини кўтарди.

— Мен мизгиганга ўхшайман-а,— деди у.

— Дам олаверинг, бунга ҳақингиз бор,— деди Сю Сян. У венецияликка самимий нигоҳ ташлаб турарди.— Айбнома тайёр. Биз Коготойхонни кутяпмиз. Бориб бир оз мизгиб олинг, жаноби Поло. Нега деганда Шандуга сиз борасиз, шунинг учун биздан кўпроқ дам олишга муҳтожсиз.

— Шу ерда қолишга ижозат беринг,— деди Марко Поло.— Коготойхон билан гаплашаётганингизда керак бўлиб қоларман.

— Ванчжу ҳалок бўлди-ку!— деди Чжанъи тўсатдан.

Сю Сян бошини ҳам қилди, кейин эса айбномани қўлига олди:

— «Биз, бетавфиқ фуқаролар, қудратли олампапоҳ, катайлар императори Хубилайхондан шуни илтимос қиламиз...».

Мўйсафид олимнинг айбномани қироати билан ўқиши Аҳмаднинг бир бошдан саналган жиноятларидан олинган таассуротни кучайтирарди. Марко Поло муштумини қисди, Чжанъи бўлса хонада бетоқат бўлиб у ёқдан-бу ёққа бориб-келарди.

— «...Аҳмад буюк хондан қоғоз пулдан икки юз минг тинг камоматни яширган, олтита вазирни ўзбилармонлик билан ишга тайинлаган, ҳазрат олийларининг хат ташувчиларига ўзининг шахсий буйруқлари ва ўзига қарашли хуфия хизматдагилар берадиган маълумотларни элтишни буюрган, буғдой, дарахт, чинни, ипак, тош ва писта кўмир, газлама ва зиғирмойига солиқ чиқарган. Аҳмад орғизда халқнинг фаровонлиги ва манфаати ҳақида қайғурипман деб ишонтирса ҳам, амалда бажариб бўлмайдиган талаблар қўйиб ва шафқатсиз жазолайдиган фармонлар чиқариб вилоятларни хароб қилди. Аҳмад бош цензор Цуй Ю, давлат мирзаси Чуй Ин ва йўлига тўғаноқ бўлган бошқа кўп кишиларни қатл қилдирди. Шунинг билан биргаликда у муносиб мансабдорларни ишдан четлатиб, қамоққа ташлатди, уларнинг ўрнига ўз одамларини қўйиб, камоматчиларга ҳомийлик қилди. У ўзига катта бойлик орттирди, энг та-

ниқли амалдорларнинг хотин ва қизларини ўғирлади»...

— Бас қилинг, Сю Сян,— илтимос қилди Чжанъи.

Олим айбномани столга қўйди. Марко Поло ўрнидан туриб, дераза олдига келди. Ҳовлида аскарлар отряди жойлашиб олганди. Уйни ҳалқадай зич ўраб олган қўриқчилар уни ташқи оламдан айириб туришарди. Уйдагилар сарой қўриқчиларининг назоратида бўлганларидан шаҳарда нималар бўлаётганини билишмасди.

Бекор кутиб ўтириш уларни қийнарди. Қоготойхон нега кечикдийкин? У айбнома тайёрлигини биларди-ку, ахир?

Марко Ашимадан ташвишланарди. Шандуга жўнашдан олдин уни кўролмайди, эҳтимол буткул кўролмас.

Ҳамма иш Хубилайхоннинг кайфиятига боғлиқ эди. Агар унинг юраги оғриб турган ёки бирор сабаб билан машқи паст бўлса, ҳатто айбнома билан танишиб ҳам ўлтирмай, уларни ўлимга буюриб юбораверади... Жамбуй хотун Шандуда эди. Аҳмад — унинг арзандаси. У Хубилайхонга таъсир қилишга уринмайди дейсизми? Марко нега бу ишга кўниб, Аҳмаднинг ўлдирилишига қатнашиб ўтирибди? Нега Сю Сян Аҳмадга қарши ёзилган айномани қувватлагани Хубилайхоннинг олдига ўзи бормаи, уни, яъни Марко Полони юбормоқчи?

Марко Поло бошини кўтарганида Сю Сяннинг ўзига тикилиб турганини сезиб, юраксизлик қилганидан ҳижолатда қолди. У Аҳмаднинг Ашима билан ўзига қанчалик ёмонлик қилганини бир дақиқа бўлса ҳам қандай унутди? Қоготойхон қўриқчилари назоратида бўлганидан аҳволи дуруст эмасди Марконинг. Мабодо Аҳмад тирик бўлганида ҳам Марко Поло ҳозир унинг ҳукмида бўлур эди. Марко Ашима ўғирланганидан беҳабар Аҳмадга қарши бош кўтаришга жазм қилганини эслаб хурсанд бўлди. Хусусий сабаблар уни Аҳмаддан ўч олишга ундамасдан ёки, ҳар ҳолда ўзгандан ҳимоя изламай туриб, Сю Сян томонига ўтди. Марко шунинг учун ҳам бу йўлдан охиригача дадил боришга аҳд қилди.

— Қайлиғингиздан хавотир оляпсизми?— деб сўради Сю Сян.— Биз қўлимиздан келганча иложини қиламиз...

У бу гапни чуқур самимият билан гапирди.

— Миннатдорман, муҳтарам жаноб,— деб жавоб берди Марко Поло.— Охири бахайр бўлишига ишонаман.

Хизматкор уларни Қоготойхон кўрмоқчи эканини маълум қилди. Бу хабар Маркога далда берди, чарчоғи ҳам тарқади-кетди. Сарой қўриқчиларининг сардори кириб келганида ҳаммалари ўринларидан туришди. Иккита қўриқчи эшик ёнида тошдай қотишди. Пакана, миқтидан келган Қоготойхон Марко Полога жуда яқин келди-да, бошини орқага ташлаганича узоқ тикилиб қолди. У бутун ҳарбийча шоп-шалдоқларини тақиб олганди, қаншаригача бостириб қўйилган кумуш дубулғаси эса уни даканг хўрозга ўхшатиб қўйганди. Тундаги воқеалардан кейин зиммасига улкан масъулият тушганини сезар, шунинг учун ўз табиатида бўлса ҳам бунақа шароитда кетмайдиган кўнгилчанлигини сиртига чиқармасликка тиришарди. У новча ва кенг елкали венецияликни диққат билан кўздан кечиргандан кейин мушгларини биқинига тираб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Қоготойхон бирдан тўхтаб, кўрсаткич бармоғини кўтарди-да, сўраб қолди:

— Шандуга, демак сиз бормоқчимисиз? На чора, Шандуга бораверинг... Ҳукмдоримиз сиз билан қандай муносабатда бўлишни айтади... Унга империянинг ташвишини зиммамга олишимни айтинг. Сиз билан мингта аскар бирга кетади. Сиз қуролли аскарларнинг қоқ ўртасида кетасиз. Уларнинг доимий назарида бўласиз. Шуни эсдан чиқарманг. Агар қочмоқчи бўлсангиз сизни ўлдиришади. Менинг буйруғим шунақа. Бугун эрталаб Хонбалиқдан чопар келди. Шандуга борганларингда цензорлар кенгашининг бошлиғи Эсон Темур ҳазрат олийларига менинг маърузамни топширган бўлади. Мен маърузада кўрганларимни тасвирлашга интилдим... Эсон Темур менинг жонажон дўстим. Иложи бўлса, мендан унга салом айтишингиз мумкин... Энди бўлса айбномани олиб, йўлга тушинг. Ҳовлида сизни қўриқчилар кутишяпти.

Қоготойхон узундан-узоқ нутқини тамомлагандан кейин пешанасини босган терни артиб қўйди.

— Менга фахрий қўриқчилар отряди бераётганингиздан миннатдорман,— деди Марко Поло сал истеҳзоли жилмайиб.— У анча салобатли. Муҳтарам Эсон Темурга сиздан албатта салом айтаман ва ҳаз-

рат олийларига империя ташвишини тортишни зим-мангизга олганлигингизни ётказаман.

Марко Поло енгилгина таъзим қилиб, мўғуллар одатича бармоқларининг учини юраги, юзи ва пешанасига текизди.

Сю Сян Марконинг ёнига келди-да, жимгина қучди уни. Чжанъи ҳам уни қучоқлаб хайрлашди.

— Дзе, дзе,— деди Коготойхон.— Сизни тангрининг ўзи сақласин.

Ховлида Маркони қоплон сингари чипор тулпор кутарди. Бу ажойиб жонивор Коготойхоннинг венецияликка бўлган яхши муносабатининг энг аъло далили эди. Марко Поло кўз очиб юмгунча ўзини эгарда кўрди. У қўриқчилар отряди қуршовида от қўйиб борарди. Ғамгин хаёллари бошидан кўтарилган, чарчоғи ҳам кетган эди. Шамол бетини сийпаб ўтарди. Қуёш тоғлар ортига яширинган, оқ деворлар ёнидаги дарахт ва буталар гуллаган, от туёқларининг дупури ҳаяжонли куйга омухта бўлиб кетарди. Валиаҳд шаҳзода саройида рўй берган тунги воқеалар энди Маркога ғайритабиийдай туюларди. Озодликнинг сархуш туйғуси унинг вужудини лиммо-лим тўлдирганди.

У отининг қорнига ниқтаб, яғринига қамчи босди-да, ёли устига эгилиб, секингина:

— Тезроқ, чоп Қоплон!— деди.

Марко бу ажойиб отнинг пайлари таранглашганини сизди. От бошини орқага ташлаб, қаттиқ кишнади-да, ўқдай учиб кетди, оёқлари ерга салгина тегарди чоғи. Марконинг назарида у худди учиб бораётгандай эди. Отрядни Шимолий дарвозадан бетўхтов ўтказиб юборишди. Суворийлар шундан кейин Оқкўл ёқасидаги император шикорга чиқадиган даҳлсиз жойларга ва унинг Шандудаги ёзги қароргоҳига олиб борадиган катта йўлга чиқиб олишди.

Мўғул аскарларининг бетлари тердан ялтирарди. Уларнинг қамчинлари ҳавода ўйнар, қуроллари офтобда ярақлар, учиб бораётган жийрон отларининг ёллари шамолда ҳилпиради.

Аҳмад золимнинг ўлими ҳақидаги хабар суворийлардан олдин учарди. Бундан бутун мамлакат ҳаяжонда бўлганидан кўп одамлар суворийларнинг ортидан ёмон қараб қолишарди. Иш баъзи шаҳарларда ғалаён кўтаришгача бориб етди. Ғазаби қайнаб тошган халқ Аҳмаднинг арзандаларини маҳкамалар-



дан ҳайдаб чиқариб, ўч оларди. Ана шундай шаҳарларга ғалаёни бостириш ва кўчалардаги оломонни тарқатиб юбориш учун дарҳол жанговар отрядлар киритиларди. Шаҳарлар яқинидаги қароргоҳларнинг аскарлари доимо жангга тайёр ҳолда туришарди. Ванчжу билан Сю Сяннинг номлари одамларнинг тилидан тушмасди. Одамлар аскарбоши Чжанъи ва миш-мишларга қараганда Аҳмадни ўлдиршида қатнашган қандайдир бир серсоқол мусофир ҳақида ҳам гапиришарди. Шунинг учун ҳам катта йўлда мингта аскар қуршовида кетаётган Маркони кўриб ўша афсонавий паҳлавон бўлса керак деб ўйлашарди. Мўғул аскарлари эса одамлар гап сўрашса жавоб беришмас ва яқин келганларни сўкиб ҳайдаб юборишарди.

Бутун йўл давомида Марконинг вужудидан шодон умид ҳисси аримади. У ўзича ажойиб келажакни кўз олдига келтириб, ширин хаёлларга бериларкан, ҳаёти қил устида турганини тамоман унутганди. Тоғ чўққисидан уларга императорнинг ёзги қароргоҳи жамол кўрсатиб, тепаликлар устига қурилган Шандуга, унинг яшнаган боғлари, хушқомат уйлари, сарой ва ибодатхоналарига кўзи тушгандан кейингина олдида қанчалик оғир вазифа турганини фаҳмлади.

Сю Сян Маркони айбнома билан Шандуга жўнатиб, оқилона иш қилганди, чунки император венецияликни биринчи кўргандаёқ ёқтириб қолганидан у билан яхши муомалада эди.

Марко шаҳар дарвозасидан кирди. Қаршисида кенг асосий кўча турарди. У гўё ҳеч нима бўлмагандай одатдагича гавжум эди. Марко шу дақиқада дэдил, довюрак ва ақлли Матеонинг ёнида бўлишини хоҳларди. У минг отлиқнинг қуршовида бўлса ҳам ўзини ногаҳон танҳо сезар ва назарида мўғул аскарларининг дам-бадам қараб қўйишларида таҳдид яшириниб ётганга ўхшарди. Марко Хубилайхон билан биринчи бор учрашганини майда-чуйдасигача эслаб, вужудидан ана шу ёқимсиз ҳисни қувишга интиларди.

Шандунинг асосий кўчасига тош ётқизилганидан отларнинг тақалари тошга урилиб қарсилларди. Одамлар камонли суворийларга четлаб йўл беришарди. Уларнинг соялари йўлкалардаги бир-бирига ёпишган расталар бўйлаб сирғалиб борарди. Кўкда

қуёш ёғду сочар, ҳавода майсалар ва янги узилган сабзавотларнинг ҳиди анқирди. Пештахталарда кўк пиёз ва ҳар хил карамлар уюлиб ётарди. Саватларда чигирткалар чирилларди. Мўътабар заргарлар ярақлайдиган қимматбаҳо тошларини мақташарди. Мўъжазгина майдончада атрофини бекорчи томошатаалаблар ўраб олган иккита кўзбойлоғич осмонга найза иргитиб, уни яланғоч яғрини, елкаси ёки бели билан илиб қолишарди.

Тинч ҳаёт манзараларини Марко бирма-бир кўздан ўтказиб бораркан, буларни эҳтимол охирги марта кўраётганини мутлақо тасаввур қилолмасди. Император боғи билан саройи шаҳарнинг нариги чеккасида эди. Марко отини яна ниқтаб, тезроқ югурсин деб қаттиқ қамчи босди.

— Тезроқ югур, Қоплон!

Марко яна озодликнинг кишини сархуш этувчи ҳисларига берилди. Бироқ кўп ўтмай дарвоза очилиб, сарой боғига кириб қолди. Ҳамма ёқ сокин, майсазор, гуллар, дарахтлар. Суворийлар иккинчи девор ёнида тўхташди. Марко сарой қўриқчиларининг бошлиғи ва тўртта қўриқчи қуршовида сарой томон от қўйиб кетди. Саройнинг оқ мрамрдан ишланган олд томони кўзни қамаштирар, дарахтларнинг энди чиқарган япроқлари орасидан томнинг сариқ, яшил ва қизил черепицалари кўриниб турарди.

Қизил шоҳи либос кийган амалдор Марконинг истиқболига чиқиб, эҳтиром билан таъзим қилди.

— Цензорлар Кенгашининг бошлиғи Эсон Темур жаноблари сизни кутяптилар, муҳтарам жаноб,— деди у.

— Мени унинг ҳузурига бошланг,— деди Марко Поло.

Эсон Темур бу мартабага яқинда минганидан венециялик у билан ҳали танишиб олмаганди. Марко остона ҳатлаб ичкари кираркан, бир лаҳза эшик ёнида қотиб қолди: унинг қаршисида бошқа одам эмас, балки бундан тўрт кун бурун Хонбалиқда хайрлашиб қолган нақ Коготойхоннинг ўзгинаси турарди. Бу биродарларни бир-биридан сираям ажратиб бўлмасди. Шундай бўлса ҳам Марко цензорлар Кенгаши бошлиғининг биродарига қараганда табиати бутунлай бошқача одам эканлигига дарҳол ишонч ҳосил қилди. Агар Коготойхон кўнгилчан қўполлардан бўлса, Эсон Темур ниҳоятда айёрлиги билан ажралиб ту-

рарди. У йўлбарсники сингари совуқ ва кичик кўзларини Маркодан узмасди. У чурқ этмасди. Унинг индамай анча туриб қолганлиги Маркони тегирмон тошидай эзарди. Шунда ҳам у Эсон Темурнинг қаттиқ қарашига дадил чидаш берди ва охири нима бўлишини тишини-тишига қўйиб кутиб тураверди. Пешанаси сал тиришди, ҳаяжонланганини билдирувчи бундан бошқа ҳаракат қилмади.

— Қулоғим сизда, Марко Поло жаноблари,— деди ниҳоят миқтидан келган мўғул князи.

Шунда у Маркони ўтқир ва совуқ кўзлари ила яхшироқ кўриш учун сочи қирилган думалоқ бошини олдинроққа чўзди.

Марко суҳбатдошининг қартайган, серажин ва аёвсиз башарасини яқинроқдан кўраркан, Эсон Темурнинг миш-мишларга қараганда чўлнинг қаеридадир бўлган татарлар қароргоҳидан пойтахтга келганига бир неча йилгина бўлганлигини эслади. Хубилайхон уни ёшликдаги жанговар ўртоғи сифатида ёнига чорлаган ва бир дақиқалик яхши кайфияти пайтида, Эсон Темур гарчи на катай, на уйғур тилини билмаса ҳам, уни цензорлар Кенгашининг бошлиғи қилиб тайинлаганди.

Шундай бўлса ҳам бу кекса жангчи одамларни жуда яхши ажрата олар ва ўзининг табиат ато қилган ақлига ишониб иш тутарди. Унинг Хубилайхонга таъсири зўр эди. Сарой аъёнлари Эсон Темур олдида ялтоқланиб, қўпол гапларини ҳам тишларининг оқини кўрсатганча тинглашарди.

— Сизнинг жонажон биродарингиз Коготойхон салом айтишни илтимос қилгандилар,— деб гап бошлади Марко.

— Нима, сиз бу ерга салом айтгани келганми-сиз?— сўраб қолди Эсон Темур.

— Йўқ,— Марко Поло қисқа жавоб берди.— Истаган нарсангизни сўрайверинг, жавоб беравераман... Мен айбнома келтирдим, буни ўзингиз ҳам биласиз.

Цензорлар Кенгашининг бошлиғи Марконинг қўлидан айбнома ёзилган қоғозларни олдида-да, уларга ҳатто қиё ҳам боқмай столга ташлади.

— Нечага бордингиз?— деб сўради у.

Марко унга ажабланиб қаради-да:

— Йигирма тўққизга,— деб жавоб берди.

— Жангда нечта аскар ўлдиргансиз?

Бу чол ундан нима истайди? Нега бунақа ғалати

саволлар беряпти? Увнинг қисик кўзлари ошкора илтифот билан боқаётгандай туюларди Маркога. Эҳтимол, Марко адашаётгандир? Ё бу тузоққа тушган чиройли қушни томоша қилаётган овчининг қараши-микин?

— Бирорта одамни жангда ўлдирганимча йўқ,— деб жавоб берди Марко.— Мендан нега буни сўрайсиз?

Чолнинг юзида умидсизлик акс этди.

— Бас қилинг,— деб буюрди у қатъий. Анча жимликдан кейин эса қўшиб қўйди:— Коготойхон — қаҳрамон. Икковимиз жангга ташланганимизда ёвлар титрарди.

Марко, Эсон Темурнинг ўзини ғалати тутишига парво қилмасам тўғри йўл тутган бўламан, деган фикрга келди.

— Коготойхон сизга салом айтишни буюрди-ми?— Эсон Темур яна хаёл дарёсига ғарқ бўлиб, кейин гапини давом эттирди.— У менга чопар юборди... Хўш, демак анави илон Аҳмаднинг калласини сиз уздингизми?

Эсон Темур столдан айбномани олиб, Маркога узатди.

— Мен буни ўқий олмайман. Ўзингиз овоз чиқариб ўқингки, мен унинг мазмунини олампаҳоғга етказай.

Цензорлар Кенгашининг бошлиғи Марконинг рўпарасига ўлтириб олди-да, Аҳмадга қарши айбномани икки соат миқ этмай тинглади. Шу пайт ичида хонага битта ҳам одам кирмади. Кеч яқинлашганидан ҳарфлар живирлашиб кетса ҳам Марко айбномадаги сўзларни зўр бериб катайчадан мўғулчага таржима қиларкан, боши жуда оғриб кетганди. Марко охириг жумлани тугатгандан кейин енгил тин олди.

Эсон Темур аввалгидай пинагини бузмай ўлтирарди.

— Мен айтганларингизни эшитдим,— деди у.— Ҳоқонимиз ҳозир осойишталикка муҳтожлар. Эртага унга ҳаммасини гапириб бераман. Энди эса бориб дам олсангиз бўлади, бироқ боғдан чиқмайсиз.

Марко Поло хонадан ғалати бўлиб чиқиб кетди. У ўзини яхши тутганини ҳам, қовун тушириб қўйганини ҳам билолмасди. Кекса тулкининг ўзини бундай тутишидан ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди. Бироқ Марко ишнинг унча ёмон эмаслигини дилдан се-

зиб турар; чолнинг: «Хўш, демак, анави илон Аҳмаднинг калласини сиз уздингизми?» деган сўзларини эслаганда яна кўпроқ ишончи ортарди.

Хизматкор Маркога ажратилган хонани кўрсатиб қўйди. Марко сал айланиб келгани боққа қараб юрди. Кетидан эргашган тўртта қўриқчи сайр пайтида уни мутлақо назардан қочирмади.

Марко эртасига тонготар пайтда кўзини очди.

«Хубилайхон мени ўлимга буюрса қарияларнинг холи нима кечади?— ўйларди Марко.— Улар ҳам хоннинг қаҳрига учрашармикин? Бор мол-дунёларидан ажраб қолишармикин?»

— Хоқон Ладана кўшкида ором оляпти. Мен унга ҳаммасини айтдим: У сизни кутяпти,— деди Эсон Темур.— Ҳозир хоқон товус патларини ўйнаяпти... Бугун ёмон ухлади.

«Мендан бу нимани истаяпти ўзи?— деб боши қотди Марконинг. Нима, мени қўрқитмоқчими?»

Эсон Темурнинг белида ҳар маҳалгидай дастасига олтин қопланиб қимматбаҳо тошлар қадалган калта қилич осиглиқ эди.

Ҳали вақт эрта, кун энди бошланаётган эди. Бу уйқусизликдан қийналган ва қатл фурсатини кутаётган Маркога аталган куннинг бошланиши эди.

Хиёбоннинг икки тарафида ўсган дарахтларнинг шохлари бир-бирига чирмашиб кетганди. Эсон Темур билан Марко Поло яшил чодирнинг тагида кетишарди. Дарахтлар оралигидаги қўриқчилар ҳам дарахтлардай қимир этмай ва ун чиқармай ғоз туришарди.

«Куним битганига асло ишонмайман,— дерди Марко Поло ичида.— Ахир, бу Сю Сян билан Чжанъи ҳам ўлимга ҳукм қилинди деган гапнинг ўзи-ку».

Улар икки қатор турган қўриқчилар орасидан боришар, шунинг учун ҳам хаёлига қўрқинчи фикрлар келарди. У ана шу хиёбондан оёқ-қўли кишанда қайтиб чиқмасмикин?

— Суюнишингизга боис йўқ,— деб қолди Эсон Темур бирдан.

Марко Поло кулиб юборди.

— Мени қўрқитмоқчимисиз, Эсон Темур?— деб сўради у.— Ҳеч нарсадан пушаймоним йўқ.

Марко, тақдирим нима бўлишини билишга шошилаётганим йўқ, дегандай қадамини секинлатди.

— Хафа бўлишингизга ҳам боис йўқ,— деб қўйди айёр маслаҳатчи.

«Агар қариялар бор нарсаларидан айрилиб, Венецияга қашшоқлашиб қайтишадиган бўлишса,— деб ўйларди Марко ичида,— бу ўлимдан ҳам оғир уларга... Майли, ота, ҳаммаси жойида бўлади». Марко ўзини сал дадиллантириш учун шундай деб қўйди.

— Ладана кўшки шу,— деди Эсон Темур гулларга бурканган майсазор ўртасидаги енгилгина қурилган фил суяги рангли иморатни кўрсатиб. Икковлари хиёбоннинг охиригача боришди. Катта сўқмоқ кўшкнинг дарвозасига олиб борарди.

— Шу ерда кутиб туринг, Марко Поло жаноблари,— деди Эсон Темур,— мен келганингизни хоқонга хабар қиламан.

Хоқон қора эбен дарахтидан ясалган юмшоққина узун курсида ёнбошлаб ётарди. Оппоқ соқоли кўксига тушиб турарди. У чап қўли билан катта болишга ёнбошлаган, ўнг қўлида май қуйилган қадаҳ. Унинг оёқ томонидаги гиламда бир қиз дўмбира чертарди.

Хоқон майни лабига келтириб, бир кўтаришда бўшатди-да, қадаҳни ерга урди. Ҳамма ёқда — гиламда ҳам, курсида ҳам, хонтахтада ҳам товус патлари кўринарди.

Жуни қордай оппоқ, тумшуғи чиройликкина лайча хонтахта ёнида турарди. Оромгоҳнинг деворлари гулли шоҳи билан қопланганди: мана қамиш билан қуршалган кўл устида кул ранг қарқара учиб кетяпти; кенг дарё устидан қушлар учиб ўтяпти; бўзарган осмон фонидagi баланд-паст қирғоқлар киши қалбида мангу танҳолик туйғусини ҳосил қиларди. Катта қоя этагидаги қарағайлар тагида иккита кулба кўзга ташланарди. Мана шундай суратлар бир-бирига уланиб кетганди, уларда табиат манзаралари, ибодатхоналар, паррандалар тасвири учрар, бироқ биронтасида ҳам одам кўринмасди.

Марко Поло хонага тез кўз югуртириб чиқди-да, Эсон Темур билан тиз чўкиб, императорнинг гап бошлашини кутиб турди.

Унинг юраги бир текисда тепарди. Бурчакда канизак кабоб пиширарди. Унинг хушбўйиси хонани тутиб кетганди.

— Бўлди, чалишни бас қил,— деб буюрди Хубилайхон қизга.

Дўмбирачи қиз хонга уч марта таъзим қилиб чиқиб кетди.

— Темур ва Марко Поло,— буюк хон тиз чўкиб турганларга мурожаат қилди,— ўтиринглар.

Улар гиламга ўтиришгач, канизак орқаларига ва ёнбошларига болиш қўйди. Шоҳидаги қарқара худди хоқоннинг боши узра парвоз қилаётгандек эди. Қўшкнинг деразаси бўлмаса ҳам, у ёп-ёруғ, чунки бу пайтда Эсон Темур билан Марко Полонинг орқа томонларида, осмонда қуёшнинг қизиган гардиши кўринганди. Хоқон уни ланг очиқ турган эшикдан кўрарди. Октобнинг илиқ нури буюк хоннинг юзини ёритган, ҳамма ажинлари кўздан йўқолганди.

— Бизга кабоб бер,— буюрди император.

Марко Поло канизакнинг фил суякдан ишланган бир учи думалоқ кичкина сихда хоқонга кабоб узатганида қўллари титраб турганини пайқади.

Эсон Темур қиличини тўғрилай қўйиб, хоқонга ўхшаб иштаҳа билан тановул қилишга киришди. Марко Полонинг назарида Хубилайхон суҳбатни атайлаб чўзаётгандек эди... «Мени қийнагисн келяпти»,— деб ўйлади у. Император қорни тўйгандан кейин кучукка гўшт ташлай бошлади.

— Хўш, демак Аҳмадни ўлдирдингларми?.. Жамбуй хотун жуда аччиғланаяпти,— деб қолди у тўсатдан.

Буюк хон ерда ётган учта товус патини олиб пуфлади. Улар ҳавога учиб, иккитаси хонтахта ёнига тушди, биттаси эса кўрага тушиб ёниб кетди.

— Агар Наян тинчимаса,— деди Хубилайхон Эсон Темурга,— унга қўшин тортишга тўғри келади.

Марко Хубилайхоннинг айланма йўллар билан мақсадга яқинлашаётганини биларди. У шунинг учун ҳам Қатай шимолида ўзига қарши қўшин тўплаётган ва иттифоқчи ахтараётган амакисини эсга олганди. Бироқ император бир лаҳзада икки-уч сўз билан Маркога ҳукм чиқариши мумкин эди. Марко император айтадиган кейинги жумлани асаб торлари таранг тортилиб кутаётганидан нафаси бўғзига тиқилиб қолаёзди. У негадир канизак хоқонга сихда кабоб бераётганида қўллари қандай титраганини эслади.

— Эсон Темур менга ҳаммасини айтди,— хоқон ниҳоят шундай дея оғзига жаз солди.— Мен айбномаларингиз билан ҳам танишиб чиқдим. Коготойхон мукофотга арзийдиган иш қилибди... Янжоунинг

ноибини Аҳмадга қариндош бўлгани учунгина ўлдирилганларидан хабарингиз борми? Ҳамма ерда га-лаёнлар кўтарилди, бироқ қўшинларим барини тин-читишди.

Марко Поло Хубилайхоннинг афтида мамнунлик аломатларини сезиб кўнгли бутунлай жойига тушди. У бошини мағрур кўтариб, хоқоннинг кўзига дадил боқар ва унинг ҳукмини кутарди.

— Аҳмад мени алдаркан, буни энди биламан. Би-роқ уни терговсиз ўлдириб мумкинми ахир? Эсон Темур, сен менга: «Ўлдириб яхши қилишибди. Аҳ-мадни зиндонга ташлаб, тергов тугагунча ҳар кун и боқиш овқатни бекорга кетказишдай бир гап эди»— дегандинг. Ҳа, сен шундай дединг. Тўла Темур ва сен— Эсон Темур, Хонбалиққа жўнайсизлар. Сю Сян барча амалдорлар, мансабдорлар ва олимларни ча-қириб, уларга айбномани ўқиб берсин. Уни муҳокама қилиб, қарор чиқаринглар. Менинг буйруғим шундай.

Эсон Темур билан Марко пешаналарини уч марта ерга текзиб таъзим қилишди. Хоқон Маркога қараб гапида давом этди:

— Сизни Янчжоунинг<sup>1</sup> ноибни қилиб тайинлайман. Эсон Темур сизга олтин пайцза топширади. Хонба-лиққа жўнанг, бироқ у ерда кўп туриб қолманг...

Хубилайхон қўли билан имо қилиб суҳбат тугага-нини билдирди. Марко Поло узун хиёбондан кул ранг дарахтлар ва қимир этмай турган қўриқчиларни ора-лаб келарди. Яшил чодирнинг у ер-бу еридан офтоб тушиб турарди. Унинг ҳозиргина рўй берган ишларга ҳеч ақли бовар қилмасди. Энди у озод эди... Тонг жуда мусаффо. Майсазор устида тафтли ҳаво чап-пор уради.

Марко озод эди. Ажойиб! Хоқон бу мамлакатда европаликлар ҳеч қачон эришолмаган катта мансаб берганди унга. Венециялик Марко Поло — Янчжоу-нинг ноибни!

Марко толиққанидан оёқлари чалишиб кетаётга-нини сизди. Ўтган беш кечаю беш кундуз ичида у

---

<sup>1</sup> Марко Поло Янчжоуга 1282 йили (Аҳмад ўлган йили) эмас, балки 1286 йили тайинланган ва у шаҳарни уч йилча бошқарган. Янчжоу Янцзи дарёсининг шимолида, Янцзи би-лан Хуанхэни бирлаштириб турган Буюк канал бўйига жой-лашган эди. XI аср охирларида Янчжоу шаҳари ва унинг атрофларида беш юз минг уй бўлиб, икки-уч миллион аҳоли яшарди.



бир неча соатгина кўз юмганди. Бироқ бу оқшом яхши ухлади, туш ҳам кўрмади.

Эсон Темур эртасига эрталаб арслон калласи сурати солинган ва буюк хоннинг муҳри босилган олтин пайцзани олиб келди.

— Раҳмат сизга, Эсон Темур,— деди Марко Поло хурсандлигидан жилмайиб.

— Эҳ, ҳамманг аҳмоқсизлар,— кекса мўғул маънос жавоб берди. Кейин бир оз юмшоқроқ қилиб қўшиб қўйди:— Кўзингизга қараб юринг, тагин Жамбўй хотуннинг қўриқчилари бошлаб кетишмасин. Ҳовлида сизни қўриқчилар кутишяпти. Хоқон буни шахсан буюрди. Уларни Янчжоуга бирга олиб кетинг, жаноби ноиб.

Марко Поло отини эгарлашни буюриб, ўша куннинг ўзидаёқ беш юз кишилиқ қўриқчиларининг бошида Хонбалиққа учди. Сагату баҳодир, Тўла Темур ва Эсон Темур буюк хоннинг буйруғига амал қилиб, у билан бирга кетишарди.

\* \* \*

Фаннинг Мингкаррабахт кўчасини топишига саккиз кун кетди. У деярли кун сайин Жанубий дарвоза олдига келиб, одамлар оқимига соатларча тиқилиб турар, кейин виждони амрига бўйсунмай карвонсаройга қайтарди-да, ғам-андуҳларини унутиш учун гуруч бўза ичар, оғир-оғир уҳ тортиб: «Оҳ, Матео! Дўстим, нима қилиб қўйдинг!.. Одамлар менга мандариндай эҳтиёт билан муомила қилишади, мен эсам барибир бахтсизман. Сен менга: «Марко билан Ашимани ёнига бор», деб тайинлагандинг. Мен шундай қилишга ваъда бергандим. Яна пича сабр қил. Эртага албатта уларнинг олдига бораман. Албатта бораман...» дерди.

Карвонсаройнинг отбоқарлари от билан хачирини яхшилаб боқишарди. Фань улар билан худди энди қайтиб келмайдигандай хайрлашиб кетарди. Ичида бўлса уйни тополмайман ёки унда зора ҳеч ким бўлмаса деб умид қиларди. Бироқ унинг умиди пучга чиқди. Эшикни очган Ян башанг кийинган бу жанобни ишонқирамай бошдан-оёқ кўздан кечира бошлади.

Фань қаддини ростлаб, ўзини виқорли кўрсатишга тиришиб гап бошлади:

— Менга бундай қарайвермай, хўжайнларингнинг ёнига югур-да, уларга, Фань Гун-ду сизларни кўрмоқчи деб айт. Нега қаққайиб турибсан? Нима оёғинг увишиб қолганми?

— Сизни ичкарига киритолмайман,— деди Ян.— Хўжайинимиз Хонбалиққа қайтганича йўқ.

Фань Гун-ду шунда тутақиб кетди. Бу ерга келишга жазм этиш учун қанчалик қийналганини унутди. Бу хизматкорнинг кимсан жаноби Фань Гун-дун киритмайман деб майнавозчилик қилаётганини қаранг-а!

— Менга қара, дўстим, сен тезда беканг ёнига бориб, Фань Гун-ду сизни кўрмоқчи дегин. Ёки бекангнинг оти Ашима эмасми?.. Мана кўряпсанми, мен ҳаммасини биламан. Унга менинг Матеонинг қадрдон дўсти эканимни айт, шундан кейин мени тезроқ ичкарига олиб киргани оёғингни қўлингга олиб югуриб қоласан, мана кўрасан.

Ян кетгандан кейин Фань ёқутлар солинган халтача билан Ашимага ажратиб қўйган анави иккита ёқутим жойида турганмикин, деб пайпаслаб қўйди. У Ашимага рўпара бўлганда ўзини маъюс кўрсатиб: «Мана шу иккита тошни дўстим Матео сизга бериб қўйгин, деб буюрганди. Унинг ёнида фақат шу бор эди. Матео менга: «Буларни Ашимага бер», девди. Унга қабртош ўрнатишга бор пулимни сарфладим», дейди.

Фань бу сўзларни ичида ҳадеб қайтараверганидан ўзи ҳам бунга ишониб қолаёзганди. У теварак-атрофига аланглади, ҳовлида уй паррандалари кўринмас, унинг хаёлини оғдирадиган ҳеч нарса йўқ эди. Фақат олтин балиқчалар сузиб юрган тош ҳовузгина кўринарди.

Ян тезда қайтиб келди.

— Бека сизни кутяптилар,— деди у.

— Ана, ошнам, сенга айтмовдимми? Қани бошла.

Ян жилмайиб қўйди-да, олдинга ўтди.

Ашима Матео ҳақида қандайдир янгиликлар айтмоқчи бўлган меҳмонни хурсанд кутиб олди.

Эрталаб Шандудан келган чопар Маркодан хат олиб келганди. Марко ўз хатида ҳамма иш яхши битганлигини ва Хонбалиқ йўлида эканлигини билдирганди.

Бу Ашима учун бахтли кун эди.

— Ултиринг, меҳмон,— деди Ашима Фанга стол ёнидан жой кўрсатиб. Бироқ меҳмон ўтиргунича ҳам сабри чидамади.— Келганингиздан беҳад хурсандман!— деди қиз терисига сиғмай.— Матео қалай, тезроқ гапирсангиз-чи! Мени кечирасиз, бироқ Матео ҳақида тезроқ эшитгим келяпти...

Фань Ашимага анграйганча тикилиб қолди. Иш у ўйлагандан тамоман бошқача бўлиб чиқди. Қизнинг туйғун кўзларида ташвишли ёлқин ўйнади. У ҳусни билан одамни ром қиларди. Қуюқ ва қора сочларида иккита феруза тўғноғич ялтирарди.

Фань ерга қаради. У қизнинг савол назари билан тикилган нигоҳига дош беролмади.

Қизнинг юзида ваҳима аломати кўринди.

— Нега индамайсиз?— деб сўради у сабри чидамай.

«Нилуфарнинг ўзгинаси-я,— Фань маъюс ўйлади.— Бор гапни сенга қандай айтаман?»

— Менинг исмиим Фань Гун-ду,— деб бошлади Фань оҳиста.— Мен Матеонинг дўсти эдим... Энг яхши дўсти эдим... «Мендан Марко Полога ва Ашимага салом айт...»— деганди.

Фань қизнинг даҳшатдан катта-катта очилаётган кўзларига қарашга бемажол эди. Фань бошини қўлига қўйди. Ашиманинг овози унга энди гўё олисдан эшитиларди.

— Айтсангиз-чи, нима бўлди ўзи?— Ашима умидсиз қичқирди.— Матео қаерда? Сиз менга ҳаммасини айтишингиз керак!

Фань бирдан дадил тортиб ўрнидан турди. Унга шу дамда гўё Матео тирик ва мулойим кўзларини тикиб тургандай туюларди. Фань ёнидан пул, ёқут солинган халтачани олди-да, ҳаммасини қизнинг олдига қўйди:

— У улкан елкан тагида жон берди. Сувда ўлиш насиб бўлганидан у бахтиёр эди. Жон бераётганда жилмайиб қўйди... «Бор нарсам Ашиманики,— деди у.— Пулим, ёқутларим, ҳамма-ҳаммаси... Сен Марко билан Ашиманинг ёнида қол. Менинг тилагим шу». У шундай деди. Мен шунинг учун ҳам келдим. Уни ўзим кўмдим. Дарё соҳилига қўйдим. У ҳозир ўша ерда ётибди.

Ашима кўз ёши қилмади. Унинг хаёли ўтмишга кетганди. Паҳлавон мусофир Ашиманинг ҳаётига баҳор кунларида кириб келганди. Ушанда қандайдир

бир хотин Ашиманинг қўлига бир бурда нон қистирди. Кечаси эса Ашима кучукдай яна занжирга солинганди. Эртасига эрталаб Матео келди-да, қўлидан етаклади: «Юр, қизалоғим. Сенга шоҳи халат олиб бераман. Энди ҳеч нимадан қўрқма, капитан Матео ёнингда бўлади. Сени ҳеч ким хафа қилолмайди»,— деди. Ашима ўшанда умрида биринчи бор: «Матео» деб унинг исмини тилга олганди.

Ашима ана шу хотиралари оғушидан бўшамай:

— Менга нимаики бўлган бўлса ҳаммасини айтиб беринг,— деб пичирлади.

Фань шундан кейин майдонда сазойи бўлганини, Матеони биринчи кўрганини, бирга «қашшоқлар товуғи»ни баҳам кўришганини, «муаттар қор»дан ичишганини, Матео ётиб қолгунча биргаликда жаҳонгашалик қилганини, ҳамма-ҳаммасини гапириб берди.

Фань ҳикоя қиларкан, Ашима кўз ўнгида гўё Матеони кўриб турар, унинг: «Совуқ тушиб қолди, қизалоғим. Анчадан бери ўтирибмиз-а», деган сўзларини эшитаётгандай бўларди.

Марко Ашимага: «Мен сени Куньминга олиб бориб қўяман, Ашима... Биз — Матео, мен ва сен бирга кетамиз», деган куни айтганди Матео бу сўзларни.

«Матео ўлибди,— деб ўйларди Ашима.— Мен буни Маркога айтишим керак».

Фань анчадан бери жим ўлтирарди. Қиз унинг ёнидаги бир нуқтага тикиларди. Столда эса ёқутлар ва пул ётарди.

«Фань мени алдайди, деб ўйловдингми, Матео?— деб сўради у ичида.— Фань худди сен истагандай қилди. Энди бемалол ётавер. Менинг ҳам кўнглим жойига тушди, буни кўриб турибсан-ку, биродар... Бир тўп пул-а...»

У пулга қўл чўзиб бирпас ўйнаб турди-да, шартта белбоғига қистириб қўйди.

«Буни кейин берарман»,— деб аҳд қилди ўзича.

Фань Ашима гап очармикин деб анча пойлади. Қизнинг лаблари қимтиниб турарди. Чеҳраси унсиз йиридан бужмайганди.

— Хўп десангиз сизлар билан қоламан,— деди Фань секингина қилиб.

— Мен буни Маркога айтишим керак,— Ашима Фаннинг сўзлари маънисига тушунмай ўзича яна шундай деб қўйди.— У тезда қайтади... Мен буни

Маркога айтишим керак!..— У шундай деб қичқириб юборди-да, юзини қўллари билан яширди.

Фань хонадан чиқиб кетди.

— У ҳозир йиғлапти,— деди у Янга.— Мен бунга чидай олмайман, шунинг учун хонадан чиқдим. Агар сен бу уйда хизматкор бўлсанг яқин орада мен билан танишиб оласан. Столда ёқутлар солинган халтача турибди. Унга қўлингни теккиза кўрма тагин!

## БАЙ ВАН СИНЬ

Ҳайкалтарош чол хурмо қўланкасида ўлтирарди. Унинг сарғиш ва сийрак соқоли серажин, чувак юзини янада чўзинчоқроқ кўрсатарди. Чолнинг ингичка ва эпчил қўли кўпгина пичоқчалар ва қуриган илдиздан қирқилган мўъжазгина тўсинча турган столда эди. Ҳамма ёқда пайраҳалар сочилиб ётарди. Чолнинг устахонаси Янчжоунинг энг чеккасида, юз қаддамча пастроққа тушгандан кейин император каналига қўшилиб кетадиган қўлнинг бўйида эди.

Қуёш роса қиздираётган бўлса ҳам шамол эсиб турарди. Каналдан ҳамма елканларини кўтарган кемалар жанубга бетўхтов ўтиб турарди. Ҳар куни бу ердан кам деганда беш минг кема ўтарди. Уларнинг бир хиллари буюк хоннинг саройи турган очофат Хонбалиққа жанубдан юк элтишса, бўшлари пойтахтга тезроқ янги юк элтиш учун қайтиб келишарди.

Сувли зовурлар мўъжазгина участкаларга ажратиб турган далаларда деҳқонлар ишлашарди. Император канали ёқалаб кетган тош йўлдан аравалар қатнарди.

Ҳайкалтарошнинг қўлига чивин қўнди. Чол уни ўлдиргандан кейин, қўлидаги ёғочни ўйнай бошлади.

— Негадир ишлагим келмаяпти,— чол ўзинча гўлдиради.— Ши, қаердасан?

Кўр бола кулбанинг орқасида ҳар хил шовқин ва овозларга қулоқ солиб ўлтирарди. Ван икковларининг бу ерда туриб қолганларига бир қилча бўлганди. Бола гоҳ Ван билан чол ёғочдан ясаган аждар, арслон, бургут, катта шляпали деҳқонлар ёки саккиз умри боқий худонинг ҳайкалчаларини сотгани шаҳарга бориб турарди. Бироқ Ши кўпинча уйда қолиб, бамбуқ найини чалиб ўлтирар ёки чолнинг ҳи-

кояларини тингларди. Ван билан Ши очликдан ўлмаслик учун тиланчилик қила-қила кўп йўл босиб ниҳоят Янчжоуга етиб келишди ва ҳайкалтарош чолникида тунашди. Чолнинг кулбаси афтодаҳоллигидан босай-босай деб турарди. Ван уни бузиб, қайтадан солди, шундан кейин сўққабош чол Ши икковини кеткизмай қўйди. Икковлари шу тариқа шу ерда қолишди. Гоҳо Ван шаҳарга бориб, бир-икки кунлик бирор иш топарди.

— Кетяпман, бобо,— Ши товуш берди.

Бола стол ёнига келиб, ундаги ҳамма нарсаларни бир-бир пайпасларкан, ниҳоят чолнинг қўлига тегиб кетди.

— Ван қайтгани йўқ,— деди ҳайкалтарош.— Афсус, бўлмаса у менга илдиз қирқишга қарашворарди.

— Ван кеча эрталаб кетганди-ку,— деб қўйди Ши маъюс тортиб.

— Ван тинч туrolмайдиган одам, Ши.

Арқончи қўшнисининг катта ўғли ҳовлисида туриб қичқирди:

— Ши, яна озгина чалсанг-чи. Сен най чалганинда иш яхши кетади-да.

Шининг эса най чалгиси келмасди.

— Ёнимга ўтир,— деди чол Шига.

— Ван бир кунмас-бир кун кетиб қолади, деб кўрқаман, бобо. У қизиққон одам.

— Сенга машҳур лашкарбоши Ван Маннинг ҳикоясини айтиб берайми?.. Сабр қил, Ван кечқурун қайтиб келади... Мен сенга бундан бир неча юз йил бурун бир темирчининг қилч билан тошни иккига бўлиб юборганини ҳам айтиб бераман. Сен эса бирорта шўхроқ куйни чалиб бер. Қўшнилариимиз илтимос қилишди-ку, ахир...

Кўр Ши бўлса жавоб бериш ўрнига бошини эгиб, қандайдир шовқинга қулоқ солиб ўтирарди, холос.

— Мен отлиқлар келишаётганини эшитяпман, бобо. Сиз уларни кўряпсизми?.. Анча отлиқ...

Чиндан ҳам канал бўйидаги тош йўлда суворийлар кўринди. Уларнинг қораси осмон фонида аниқ кўриниб, баҳайбат туюларди. Тўртта қўриқчи олдинда от қўйиб, йўл очиб боришарди.

— Уларни кўряпман,— деди чол.— Қирқ кун бурун улар жанубга ўтишганди. Энди қайтишяпти.

— Булар ким, бобо?

— Жаноби ноиб билан унинг қўриқчилари.

— Отларнинг кўплигини-ёв!

— Юр, Ши.

Ҳайкалтарош кўр болани етаклаб, капални йўлдан айирлиб турган кўтармага йўл олди.

— Мен унинг афтини кўрмоқчиман,— деб қўйди чол ғулдураб.

— Унинг кўриниши қанақа? Айтиб беринг.

— У зотдор отда елиб кетяпти, иккита суворий зангори шоҳидан қилинган соявонни унинг бошига тутиб боряпти. Қорачадан келган мусофирни тасаввур қилиб кўр. Пешанаси кенг, кўзлари йирик, қарашлари сервиқор, бурни узун, қора соқоли пастки лабини бутунлай яширган. У ҳали ёш кўринади, Ши. Узун соқолли мусофирлар аслида анча ёш бўлишадди. Унинг қадди-қомати келишган, бўйи узун, ўзини роз тутиб боряпти. У ҳақда сенга нима дейишимни билмайман, Ши. Кўзимни юмсам, уни яхшироқ кўргандай бўляпман, чунки унинг сиймоси юрагимга ўрнашиб қолди... Биз энди тиз чўкиб, пешанамизни ерга теккизишимиз керак, чунки ёнимиздан ноиб жанобларни ўтиб бораёпти. Мен бу ҳам бошқалар сингари бизга эл бўлмайди, деб ўйлайман. Уларнинг баридан, ҳа, баридан нафратланиш керак. Ёшинг қайтганида бировдан нафратланишинг тобора оғир тушиб бораркан, Ши.

— Отлиқлар қанча, бобо?

— Жуда кўп. Кўплигидан бармоқ билан санолмайсан. Улар олдимиздан ўтишяпти, биз эсак чангга беланиб таъзим қилишимиз керак. Мана энди турсак ҳам бўлади.

Мўйсафид ҳайкалтарош ўрнидан аранг тураркан, олисда келаётган Ванни кўриб қолди.

— Ван келяпти!— деб қичқириб юборди чол суюнганидан.

Учовлари уйга қайтишди. Ши билан Ван чолни қўлтиқлаб олишган, чунки у тепаликка чиқишга қийналарди. Чол уйга келгандан кейин курсисига ўтириб, ёғочини қўлига олди-да, ниманидир ясай бошлади.

— Бу ниманинг ҳайкалчаси бўлади?— деб сўради Ван.— Худоми ё аждарми?

— Оддий одамнинг ҳайкали, Ван. Зангори соявон тагида ҳозиргина ёнимиздан ўтиб кетган одамнинг ҳайкалчаси бўлади,— деб жавоб берди чол.

— Бўлмаса тагига: «Мусофир иблис» деб ёзиб қўйишни унутманг,— Ван шундай деб тўнғиллади.

— Мен унинг башарасини кўрдим,— гўлдиради чол.— Сен ҳадеб шаҳарга чопаверма,— деб қўшиб қўйди кейин.— Кечасилари йўқолиб кетганингда Ши хавотир оляпти.

\* \* \*

Марко Поло ўзига қарашли музофотнинг жанубига қилган сафаридан қайтаётган эди. Янчжоу ноибнинг қўл остида йигирма еттита шаҳар бор эди. Гарчи вазир Аҳмад гумашталарининг шаҳарларни бошқаришдаги жинояткорона ўзбошимчаликлари ҳаддидан ошиб, кўп зарар келтирган бўлса-да, бу шаҳарларда савдо ва ҳунармандчилик жуда ривожланганди. Марко мана бир йилдирки, софдил амалдорларни атрофига тўплаб, эгри қўлларни қувишга уриниб келади. Бироқ одамларнинг тўғри-эгрисини ажратиб олиш осон эмасди. У ҳар бир йиғинда таъзимга эгилган елкаларни кўриб, тилёглама гапларни эшитарди.

Хубилайхон янги ноибдан худди ундан аввалги ноибадагидек катта ўлпонлар талаб қиларди. Марко Поло таъмагир мансабдорларнинг ҳамёнидан нарига ўтмайдиган беҳисоб қўшимча солиқларга қарши кураш олиб бориш билангина халқнинг ярасига малҳам бўла оларди.

Буюк хон Манзи вилоятини ўзига бўйсундирганида уни тўққиз музофотга бўлганди. У ҳар бир музофотга вице-император тайинлаганди. Вице-император айни пайтда ноиби олий ҳам ҳисобланиб, у чекланмаган ҳокимиятга эга. Вице-императорлар ҳар йили Хонбалиққа фақатгина тўпланган ўлпонлар эмас, балки ўша давр ичида рўй берган энг муҳим воқеалар ҳам қайд этилган ҳисоботлар жўнатиб туришарди. Ҳар уч йилда вице-император, дарвоқе, улкан давлатнинг бошқа барча мансабдорлари ҳам янгилаб туриларди.

Марко Поло итоат қиладиган вице-императорнинг қароргоҳи империянинг энг йирик ва бадавлат шаҳарларидан бири бўлган Ханчжоуда эди. Бу шаҳар биноларининг кўркамлиги ва жойи жиҳатидан Хонбалиқдан қолишмасди. Венециялик сафари вақтида Ханчжоуда бўлиб, унинг ажойиблигини ўз кўзи билан кўрди. Вице-император уни илтифотни ўрнига



қўйиб кутиб олиб, шаҳар ҳаёти ва бошқариш ишлари билан танишишига имкон яратиб берди.

Ханчжоу афсонавий Фарбий кўл билан катта дарё оралигида жойлашганди. Бу дарё сув оладиган мураккаб каналлар системасига эга бўлганлиги туфайли жанубдаги пойтахтни тўла-тўқис сув билан таъминларди. Ханчжоуда ҳам худди Венециядаги сингарри катта-кичик кўчалар канал ёқалаб кетган, исталган жойга фақат пиёда ёки отда эмас, балки қайиқда ҳам борса бўларди.

Ханчжоу музофотидан император оладиган ўлпон ақл бовар қилмайдиган даражада кўп эдики, Маркога бунни айтганларида у олдинга ишонқирамай ва шубҳаланиб бош чайқаб қўйди. Бу музофот денгиз соҳилига яқин бўлганидан унда шўр сувли кўллар ва ҳовузлар сероб эди. Император ердан қазиб чиқариладиган; ҳунармандлар ишлайдиган, деҳқонлар етиштирадиган ҳар бир нарсадан ўз улушини олар, хазинага Ханчжоудан, туз солигини истисно қилганда, икки юз ўн таман ёки венециянинг олтин дукатидан ўн олти миллион саккиз юз минг тушиб турарди.

Марко Поло Янчжоуга қайтиб келаркан, тез-тез Ханчжоуда кўрганларини ўйларди. У қайтиб бориши биланоқ бошидан кечирганлари ва билганларини сафар таассуротлари дафтарига туширишга қатъий жазм қилди.

\* \* \*

Ноиб қўриқчилар отрядининг бошида император каналининг кўтармаси ёнидаги тош йўлдан от қўйиб келаркан, теварак-атрофига қиё боқмасди. Таассуротларини ифода этишга сўз ожиздай туюлар, шунинг учун ҳам кўрган-кечирганларини мўйқалам билан тасвирлай олмаслигидан афсусланарди.

Марконинг хаёли кўпинча Матеонинг баҳайбат дарёнинг қояли соҳилидаги қабрига кетиб қоларди. Матеонинг илгари қилган башорати келганди ҳисоби. У ватанидан олис, бегона тупроқда энди абадий ухлар, бу ҳақда ўйлаганда кишининг юрак-бағри эзилиб кетарди.

Марко буларни ўйлаганда баъзан вужудига ҳар хил ваҳималар ўрмаларди. У гоҳ йўлда, қўриқчила-

ри қуршовида кетаётиб, гоҳ одамлар қайнаган бозорда эканида шундай куйга тушарди. Хубилайхон ўз империясида шу чоққача унча-мунча европалик муяссар бўлолмаган энг баланд ҳиммат кўрсатиб, уни ноиб қилиб тайинлаган бўлса ҳам, барибир ватанини қўмсаб қўярди.

Ашима бир йил бурун христиан динига ўтиб, Марко Полога турмушга чиқди. Улар тўйларини хилватда шовқин-сурон қилмай ўтказишди, бундан Николо ва Маффео Пололар беҳабар эдилар. Марко отаси ва амакисини ўйлаганда ҳам қалбига ваҳималар ўрмаларди. Отаси билан амакисининг сафарга кетганларига икки йилдан ошган, улардан дому-дарак йўқ эди.

Шамол елканларни шишириб, катта кемаларни жанубга қуварди. Офтобда қорайган, кийимлари жулдур эшкакчилар ичларида шамол турганига шукроналар ўқиб, палубада туришар ёки сояда ўтиришарди. Шимол томонга қараб келаётган кемаларнинг эшкакчилари эса ҳирқироқ овозда ашула айтишар, узун эшкакларини унинг оҳангига монанд сувга уриб, бутун вужудлари билан эшишарди.

Марко Полонинг ёнида тахтиравончи Ян от қўйиб борарди. Энди у аввалги касбини йиғиштирганди. Белида қилич, елкасида учиб бораётган ёввойи ғоз шаклидаги камони бор эди. Садоғида эса ўнта қизил ўқ. Ян ҳозир юзбоши, Марко Полонинг шахсий қўриқчиларининг бошлиғи эди. Ян ўтиб бораётиб, хонбалиқлик дўсти Ванни пайқамаганди. Ватандошларининг ҳатто Марко Полога эгилиб таъзим қилаётганлари кўнглига ҳеч ўтиришмасди. У хонбалиқлик темирчи Ванни кўрмаган, шунинг учун ҳам кечаси келган номсиз вакилни эсламаганди.

Марко Поло билан юзбоши ўтиб кетгандан кейин темирчи бошини кўтариб, улар орқасидан қараб қолди. У ҳам Янни танимаганди. Башанг кийинган, кумуш дубулғали суворий тахтиравончи Ян эканлигини у қайдан ҳам билсин?

Кўп йиллик айрилқдан кейин учрашган Ян билан Ван бир-бирларини танишмади, шунинг учун ҳам бу учрашув уларнинг қалбида ҳеч қандай из қолдирмади.

Йўл бўйидаги таъзимга эгилган елкалар Марко учун одатдаги манзара бўлиб қолганди. Маҳкамаларда, қабул пайтларида, судда — хуллас қаерда

бўлмасин — у таъзимга эгилган одамларнинг елкаларини кўрарди. У императорнинг ноиб бўлганидан фуқаролар таъзим-тавозе билан кутиб олишарди. Одамларнинг ўлиб-тирилиб эгилиб-букилишларини кўрганда ҳам парво қилмас, бундан хижолатга тушмасди. Марко Ашима билан тезда кўришажагидан хурсандлигидан кўр болани етаклаб кулбасига йўналган кекса ҳайкалтарошга қиё ҳам боқмади.

— Тез орада уйда бўламиз, мухтарам жаноб.

— Ҳа, тез орада,— деб жавоб берди Марко.

Ноибнинг уйи шаҳарнинг ўртасида бўлиб, атрофи катта боғ эди. Баланд дарахтларнинг шохлари орасига турналар ин қўйганди. Нилуфар ўсган ҳовузнинг лабида ҳашамдор шийпон қад кўтарганди. Ашима панжара олдида туриб, олтин балиқларга овқат ташларди.

— Афв этасиз, мен кетишим керак,— деди Ю.— Агар вақтида бормасам Фань уришиб беради.

— Борақол, Ю,— деди Ашима жилмайиб.

Ю осон жавоб олганидан бўшашинқираб, бекаси билан номига хайр-маъзур қилди.

Фань венецияликнинг уйида хизматкорларнинг бошлиғи бўлганидан ҳаммасининг жонини олиб қўйганди.

У Юга нисбатан айниқса қаттиққўл эди.

Марко Поло ичкарига кирар-кирмас Фанни чақиртирди.

— Беканг қаерда?

— Боғда, мухтарам жаноб. Сизни иккита жаноб кутиб ўтирибди. Улар уч кун бурун келишганди,— Фань шундай деркан унинг кўзлари пирпирар, чеҳрасида эса сирли бир ифода ўйнади.

— Иккита жаноб дейсанми?— Марко Поло ажабланиб қайтариб сўради.— Шу ердами? Менинг уйимдами?

— Ҳа, сизни Николо ва Маффео Поло деган жаноблар кутиб ўтиришибди,— деди Фань Гун-ду даб-дабали қилиб.

Марко Фанга қувончдан ҳайрон бўлиб қаради. «Ҳа, демак, улар келишибди-да,— деб ўйлади у.— Ҳайрият-э!» У айниқса Матео ўлганидан бери қарияларини тез-тез эслаб турар, улар жанубга қилинган хатарли сафардан қайтиб келмасликлари ҳам мумкин деган хаёлга борганида юрак-бағри эзилиб кетарди.

— Хушхабар!— деб қичқириб юборди азбаройи ҳаяжонланганидан.

Шу лаҳза хаёли яна Ашимага кетиб, қувончга тўлган вужудига ваҳима соя ташлади. Отаси билан амакиси унинг уйлаганига қандай қарашаркин? Бироқ азбаройи суюнгани ва қилмишининг тўғрилигига ишонганидан ваҳима сояси ўчди-кетди.

Хонага олдин отаси кириб келди. У одатдагидай қаддини ғоз тутар, чуваккина юзи жиддий кўринарди. Унинг вужудини тўлдирган қувончни сездирмасликка уринаётганлиги билиниб турарди. Ота-бола бир-бирлари томон юриб, қучоқлаша кетишди. Уларнинг бўйлари бўйларига тенг, икки томчи сувдек бир-бирларига ўхшашлари ҳам одамни дол қолдирарди. Марко: «у ҳеч ўзгармабди...»— деб кўнглидан кечирди. Николо эса ичида: «Ўғилгинам!»— деб қўйди.

«У сира ўзгармабди»,— деб ўйларкан, Марко яна жилмайиб қўйди.

Ашима дийдор кўришганларга халал бермай деб хонадан билдирмай чиқиб кетди.

Эркаклар стол ёнида ўтиришди. Марко Поло Фанга жуда зарур ва муҳим иш чиқиб қолса ҳам мени тинч қўй деб тайинлади.

Николо билан Маффео Поло ўзларининг Ҳинд океанидаги сафарларидан ҳикоя қилиб беришди. Улар қайтишда Хубилайхон ҳузурда бўлиб, кўрган жамики нарсаларини сўзлаб беришибди. Отаси билан амакисининг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари Маркони тобора қизиқтирарди. Николо Поло олдинга жиддий гапирди, бироқ Ҳинд океанидаги улкан ва бой ороллар тавсифига ўтганда тўлиб-тошди, ҳикояси ҳам гўзал тус олди, Маффео Поло бўлса дам-бадам сўз кистириб турарди.

Марко ўз одатича кўп савол берди ва энг муҳим маълумотларни дарҳол қозғога тушира бошлади. У ичида кўпдан бери Ҳинд океани оролларида бўлишни орзу қилар, энди эса бу истак бутун вужудини забт этганди.

Марко дам-бадам отаси билан амакисига тикиларди. Уларнинг чеҳраларида толиқиш изларини кўрар, бироқ шундай машаққатли сафардан кейин табиий ҳол эди бу. Уларни айниқса жазирама иссиқ қийнаб қўйганди. Отаси анча озган, пешанасини ажинлар босган, оғиз четидаги чизиқлари янада чуқурлашганди. Маффео Поло бўлса жингалак сочи-

дан айрилганди. Тепакал бошидаги озгина сочи ҳам жуда оқариб кетганди. Икковлари ҳам офтобдан қорайишганди. «Бу икки йилда анча кексайиб қолишибди,— деди Марко ичида,— бироқ ҳалиям бўш келишмайди».

Марко Поло назарида ёш жиҳатдан уларга яқинлашиб қолгандай эди. У ёш бўлса ҳам катталардай муҳокама юритар, отаси билан амакисининг эса ёшликдаги ғайратлари сақланиб қолган эди. Ана шу ёшлик ғайрати ўз вақтида уларни Венецияни тарк этиб, олис малакатларга саёҳат қилишга ундаганди. Шунинг учун ҳам учовлари ўзларича қондошлик иплари чамбарчас боғланган иттифоқ тузишганди. Қўп хатарли саргузаштларни биргаликда бошдан кечирганларидан бу иттифоқни буза олмасликларини учовлари ҳам яхши билишарди.

Улар Матеони эслашди. Марко билан Ашима Хонбалиқдан Янчжоуга келаётганида унинг қабрини зиёрат қилишганди. Марко Матеонинг ўлганини бир вақтлар Фандан қандай эшитган бўлса, шундайича, оқизмай-томизмай уларга гапириб берди.

— Эҳ, қани энди ўшанда биз билан кетган бўлса...— деди Матеонинг ўлиmidан қаттиқ таъсирланган Маффео Поло чуқур ўйга ботиб.— Мен уни юзга киради, деб ўйлаб юрардим.— У ўйга толган куйи кўшиб кўйди.— У оламдан ўтган пайтида менинг ҳозирги ёшимда эди... Биз энди кексайиб қолдик. Отанг эллик иккига, мен бўлсам эллик тўртга бордим...— У Марконинг кўзига тик боқди.— Биз ватанга қайтишнинг фурсати етди деб ўйлаймиз.

«Нега улар Ашимадан гапиришмаяпти?»— Марко шундай деб ўйласа ҳам, ичидагиларни билдирмай, ватанга қайтиш хусусидаги таклифни эшитмаганга олди.

— Биз энди қироллардай бадавлатмиз,— деди отаси.— Маффео ҳақ, ўйга қайтиш фурсати етди. Буни гаплашганимизда Хубилайхон жуда хафа бўлди. «Тухфаларга кўмиб ташламадимми!— деди у тутқиб.— Энди мени ташлаб кетмоқчимисизлар? Ҳаётингларни қил устида қолдириб, бундай машаққатли ва хатарли сафарнинг нима ҳожати бор? Агар фойдани кўзлаётган бўлсанглар истаганларингча олтин бераман. Обруға ишқивоз бўлсанглар истаган унвонларингни бериб, энг баланд мартабаларга қўяман. Ўғлингни ноиб қилиб тайинлаган мен эмасман».

ми, ахир? Шу ерда қолсанглар бўлгани...» Хубилай-хондан Венецияга қайтишимизга рухсат олиш ҳам ҳазил бўлмайди.

Марко Поло отасининг гапларидан унинг ташвишланаётганини сизди.

— Бу бўлса чурқ этмай ўтирибди,— деб қўйди Маффео Поло. Ватанининг ўзига тортувчи манзаралари гавдаланди Марконинг кўз ўнгида, бироқ отаси билан амакисининг ҳикояларидан кейин хаёлини Ҳиндистон банд этганди.

— Улигим Катай тупроғида қолиб кетишини истамайман,— деди Николо Поло.

— Сиз Ашимага уйланганимдан хафамисиз?— деб қолди Марко тўсатдан.

Николо билан Маффео Поло унга ажабланиб қараб қолишди. Кейин эса Маффео кулиб юборди.

— Шунинг учун индамаётган экансан-да!— деди у овозини баландлатиб.— Биз суюниб кетганимиздан сенга оқ фотиҳа ва бахт-иқбол тилашни ҳам унутиб қўйибмиз. Биз уйланганингни маъқуллаймиз, Марко... Ё Ашима биздан хафамикан-а?— деб сўради у ташвиш тортиб.— Тагин у сенга ҳасрат қилмадими?

Марко Поло бирдан енгил тортди-қўйди.

— Йўқ, унинг ўзи уялиб қочиб кетди,— деди у оғзининг таноби қочиб.— Амаки дейман, Ашимадан чўчияпсизлар, бирор гуноҳ қилиб қўймадингларми ишқилиб?

— Гуноҳ дейсанми?— Маффео овозини баландлатиб қайтариб сўради,— Мен унинг кўнглидаги истагини топишга интилдим, отангни қидирсам нуқул Ашиманинг ёнидан топардим.

— Биз икковингизга бахт-иқбол тилаймиз,— деди Николо Поло жиддий қилиб.— Биз бир кунмас-бир кун Венецияга қайтсак Ашимага осон бўлмайди.

— У Венецияга жон деб боради,— деди Марко Поло.

Ҳаммалари меҳр билан жонажон шаҳарларини эслашди. Ҳар бир кишининг юраги ватани ўзича кўмсарди. Ашима ҳам бу дардга мубтало бўлди. Марко сафардалигида у Николо билан Маффео Полонинг ёнида Венеция ҳақидаги ҳикояларини соатларча тинглаб ўлтирарди. Юз орол устига қурилган бу шаҳар қизга ҳатто уйқусида ҳам тинчлик бермас, тушига кириб чиқарди. Гоҳо назарида, гўё ёш боладай Пьяцетта устуллари тагида ўйнаб юргандай бў-

ларди. Қариялар чуқур самимият билан уни ўз хонадонларига қабул қилганларидан сўнггина олисдаги бу шаҳарни кўролмаймак шекилли деган хавотир вужудидан бутунлай ариди.

Ез ва куз ўтди. Қояли оролдаги монастирнинг олтин суви югуртирилган томини юпқа қор босди, император канали музлади. Бироқ уни муздан тозалаш машаққат бўлмаганидан кемалар юкларни пойтахтга тўхтовсиз ташиб туришарди. Бу ернинг қиши қисқа бўлиб, енгил-елпи ўтарди. Орадан кўп ўтмай баҳор қуёши чарақлаб, куртаклар бўртди, майсалар кўкарди.

Марко Полонинг кўп вақтини хизмат оларди. У музофотдаги шаҳарларга борар, гоҳо бундай сарфарларга Ашимани олиб кетар, бироқ Ашима кўпинча Николо билан Маффеонинг ёнида қоларди.

Савдогарлар жаҳонгашталикка ўрганиб қолганларидан дабдабали ҳаёт уларни қийнаб қўйганди. Шундай бўлса ҳам ака-ука Марко ноиблик лавозимида эканлигида ҳеч қанақа савдо ишига қўл урмасликка ваъда бергандилар. Улар каналнинг шимол томонидаги кўлларга бой жойларда ов ва балиқ тутиш билан вақтларини ўтказишарди. Гаююху деган катта кўл соҳилидаги гўзал Гаюю шаҳрига тез-тез қадам ранжида қилиб туришар, унинг кўчаларини кезишар ва авжига минган савдони суқланиб томоша қилишарди. У ердан серўрмон тоғларга йўл олиб, тўнғиз овлашарди. Николо Поло ҳатто иккита арслон отиб, терисини Ашимага совға қилди. Ҳаммалари Марконинг хизмат муддати тугагини сабрсизлик билан кутишар, биргалашиб буюк хон саройига боришга ҳозирлик кўришар ва ватанга қайтиш хусусида буюк хонга яна оғиз очиш учун қулай фурсат келишини пойлашарди.

\* \* \*

Мўйсафид ҳайкалтарошнинг бамбуқдан қилинган кулбасида чанг босган ёғоч ҳайкалча турарди. Бу бир суворийнинг тасвири эди. Суворийнинг тирноқдай келадиган юзи ниҳоятда усталик билан ишланганидан худди жонлидай ва жаноби ноиб Марко Полонинг юзига ўхшашлиги билан кишини ҳайратда қолдирарди. Мўйсафид гоҳо ҳайкалчани қўлига олиб, ўйчан тикилиб қоларди. Ван унга: «Мусофир иблис» деган сўзларни ўйиб ёзишни илтимос қилганди. Би-

роқ мўйсафид Ваннинг илтимосини бажаришга ҳеч жазм ётолмасди. Ҳайкалча мўъжазгина тахтачада узоқ турди, унга ҳеч ким қўл текизмади.

Ҳайкалтарошнинг устахонасида айтарли ҳеч нарса рўй бермаганди. Ҳаёт ўз маромида ўтиб борарди. Ши найда ўзи тўқиган қувноқ куйни чалгани-чалганди. Бу куй булбул ноласига ўхшар, ундаги авж бирдан пастлашиб кетар — бу чуқур қудуққа тош тушгандаги овозни эслатарди. Шамол канал томонга эсганда Шининг куйини кемада кетаётганлар ҳам эшитишарди.

Ван шаҳарнинг нариги бошидаги устахонага ёлланди. Иш жойи жуда олис бўлганидан кулбага ҳафтада бир келарди. Чол билан Ши Ваннинг ниҳоят иш топганидан хурсанд эдилар.

Улар ҳар ҳафта Ваннинг келишини бетоқат бўлиб кутишар, чунки қизиққонлигидан албатта бирор иш-калга араллашиб қолади, деб қўрқишарди. Ван бўлса айтилган муддатда қанда қилмай келиб турарди, илгаригидан анча ювош бўлиб қолгандай кўринарди. У ишлаб топган пулига гуруч, сабзавот ва мевалар олиб келарди. Бўш пайтларида Шига беланчак ясар, кейин яна кулбанинг у ёқ-бу ёғини тузатишга тушарди. Кечқурунлари билан учовлари ҳовлида ўтиришар, чол шунда ўз саёҳатларидан гапириб берарди. Шамол кемаларнинг елканларини шиширар, заҳматкаш арқончилар пўстлоқдан арқон эшишар, йўлда келаётган ҳайдовчилар эса оғир юк ортилган туя, эшак ва хачирларига бақиршгани-бақиршганди.

Ҳайкалтарош, Ван ва Ши кун ботгунча бирга ўлтиришди-да, кейин кулбага кириб, ухлагани чўзилишди.

— Сиз шу ерда бўлсангиз, ота, вақт ҳам тез ўта қолади,— деди Ши кўзи уйқуга илинаркан.

Икки йил шу зайлда ўтди. Бироқ кунлардан бирида уларнинг кулбасига бир одам келди-да, у ёқ-бу ёққа аланглаб:

— Қўриқчилар Ванни олиб кетишди. Менга шуни айтиб қўйишни буюришганди. Бироқ сизлар дамнингизни чиқарманглар, бундан бировга оғиз очакўрманглар,— деди шивирлаб.

— Нимага?— нотаниш кишининг сўзларидан гангиб қолган Ши бақириб юбораёзди.

Нотаниш киши илтижо қилгандай бармоғини лабига текизди-да:



— Жяминг. Бу ерда гаплашиш хатарли,— деди.

Шунда мўйсафид ўрнидан аранг турди.

— Кетдик, Ши,— у шундай дея кўр болани етаклади.

Учовлари кулбага кириб, чўққайиб ўтиришди.

— Мен бу ерда қолсам бўлмайди,— деди нотаниш киши.— Агар Ваннинг шу ерда турганлигини билиб қолишса бу ерга ҳам келишлари мумкин.

— Қани, нима бўлганини гапир-чи,— илтимос қилди мўйсафид ҳайкалтарош.

— Мен Ван билан устахонада бирга ишлардим,— нотаниш киши шоша-пиша гап бошлади.— Биз қилич ва найзага уч ясардик... Ван тайёр бўлган қурооларни қишлоққа пайдар-пай элтиб турарди. У кеча кечқурун шундай сафардан қайтиши билан қўриқчилар келиб олиб кетишди.

— Ноибнинг аскарлари...— деди Ши унинг гапини такрорлаб.

— Хўп, мен кетдим,— деди нотаниш киши.— Агар бирор нарса билолсам дарров етказаман.

— Маъқул,— деди чол ғўлдираб.

Нотаниш киши ўрнидан турди. У паст бўйли, бироқ миқти ва бақувват, юриши мушукдай илдам эди. У зумда гавжум кўчада кўздан йўқолди.

Сиз менга ноибнинг қарашлари виқорли, бурни узун, қора соқолидан пастки лаби кўринмайди ва пешанаси кенг дегандингиз-а?— Ши ниманидир қаттиқ ўйларкан, шундай деб сўради. У ҳайкалтарош тасвирлаган сиймони кўз ўнгига келтиришга уринарди чоғи.— Балки у муглақо калондимоғ эмасдир, бобо?— Ши ўзини ақалли сал дадиллантириш учун овозини чиқариб қўйди.— Бирор нарса десангиз-чи! Улар Ванни қамаб қўйишибди. Энди нима қиламиз?

— Кутишдан бўлак иложимиз йўқ, Ши,— деди

— Мен ҳозироқ шаҳарга югуриб, одамларга Ванни зиндонга солишди дейман!— деб қичқирди Ши бутун вужуди қалт-қалт қилиб.— Ноибнинг олдига бориб, Ваннинг гуноҳидан ўтинг, деб ялинаман. Ноиб, балки соф кўнгил одамдир, бобо? Одамлар уни ёмон дейишмаяпти-ку, ахир?

«Унга фақат қамоқ таҳдид солса майлику-я»...— ҳайкалтарош кўнглидан шуларни ўтказиб қўйди.

— Юр, Ши. Ташқари салқинроқ, кулбамиз жуда дим бўлиб кетди.. Сабр қилиш керак. Қим билади дейсан, эҳтимол уни чиқариб юборишар.

Мўйсафид гапираётган гапига ўзи ҳам ишонмасди. Бироқ охири бундан ҳам ёмонроқ бўлмаса гўрга эди-я, деб хавотир олаётганини Шига айтолмасди-да. Ван найзаларга уч ясаб, уларни қишлоқларга тарқатарди. У илгари қамалиб чиққан, юзида тамғаси бор—отнинг қашқаси бўлиб қолган. Бундайларга раҳм-шафқат қилишмайди.

— Бобо, менга суворийнинг ҳайкалчасини беринг.

Ҳайкалтарош тахта устидаги ҳайкалчани олиб кўр болага узатди.

Ши уни пайпаслаб кўрди-да, кейин чолга қайтарди. Икковлари ташқарига чиқиб, курсичага ўлтиришди. Шамол пальма япроқларини шитирлатарди. Ши бошини бир томонга қийшайтирганича қулоқ соларди. У ўзининг ўткир қулоғи билан қандайдир бошқа товушларни илғаб олишга тиришарди. Очиғини айтганда, нимани кутаётганини ўзи ҳам билмасди. Қондай қизарган қуёш уфққа бош қўяёзганди. Бироқ Ши уни кўрмасди. У қуёш нурлари заифлашиб қолганини сезар, бундан кеч яқинлашганини фаҳмларди.

— Сизлар бу ерга уч йил бурун келгандинглар,— деди чол.— Ван икковинг келганингда қўни-қўшнилар менга: «Юзида тамғаси бөр одамни уйга киритиб бўларканми? Сен унинг кимлигини билмайсан, эҳтимол у ўғри ёки қотилдир»— дейишганди. Бироқ мен Ванни олиб қолдим. у қўшинларимизга ҳамма ишда жон-дили билан қарашарди. Қўни-қўшнилари-миз кулбамизга киришар, Ван шунда уларга бошидан ўтганларини гапириб берарди... Шундан кейин улар менга: «Тўғри иш қилган экансан», дейишди. Улар сен най чалганингда ҳам ҳузур қилиб эшитишади.

Кун ботди. Кеч кирди. Чол билан бола тонг от гунча мижжа қоқмай кутиб ётишди. Тағин икки кеча ўтди. Учинчи кечада уларнинг кулбасига нотаниш киши яна кириб келди-да:

— Қани туринглар. Сизларга бир янгиликни айтмоқчиман, лекин чўчиманглар,— деди.

— Ухлаётганимиз йўқ,— чол овоз чиқариб қўйди.

Шининг бўлса бирор оғиз сўз айтишга ҳам мажоли келмасди.

— Буни қандай айтишимни ҳам билмайман...— Нотаниш киши гап бошлади.— Сизлар билиб қўйишларинг керак-ку, ахир.

— Гапир,— деб буюрди чол.

— Бу ярамаслар Ванни ўлимга ҳукм қилишди.

— Мен ҳозироқ ноибнинг саройига бораман,— деди Ши овозини баландлатиб.

— Овозингни ўчир! Сен мени ҳам ушлаб олишларини хоҳлайсанми?— нотаниш киши шундай деб шивирлади-да, кулбадан чиқиб кетди.

Ши ўрнидан турди:

— Мен бораман, бобо.

— Кечаси барибир ҳеч иш чиқаролмайсан. Ши,— деди ҳайкалтарош.— Қўриқчилар ушлаб олиб, қамаб қўйишади. Эрталабгача сабр қил, бирга борамиз.

Тонг отганидан хабар берувчи қўнғироқ чалинганидан кейин икковлари кулбадан чиқишди. Ши қўлида бамбуқ найини кўтариб олганди. Йўлда улардан бошқа йўловчи кўринмасди. Қўп ўтмай бошқа кишилар ҳам кўрина бошлади. Ҳар хил молларни кўтариб олган савдогарлар уйларида барвақт чиқишарди.

Чол билан кўр бола бизни киритиб юборинг, деб ялинишганида қабулхона эшигида турган қўриқчилар кулиб юборишди:

— Ноибни кўрмоқчимисизлар?.. Яхшиликча уйлариингга жўнаб қолларинг-чи.

Ши девор тагига ўтириб, ўзи тўқиган куйни чала бошлади.

— Майли, чалиб ўлтираверсин,— деди қўриқчилардан бири.— Уни эшитиб, одамнинг ашула айтиб, ўйин тушгиси келади.

Чол ҳам Шининг ёнига чўкди. У дарвозадан кўз узмас, бироқ кўзларида умид учқунлари ҳам кўринмасди.

Одамлар ичкарига кириб-чиқиб туришар, уларнинг ҳаммаси ҳам қорни тўқ, семиз ва башанг кийинишганди. Ши чалишдан тўхтаганида чол унга тева-рагидаги кўраётган нарсаларидан гапириб берарди. Дарвоза олдидаги қўриқчилар бўлса алмашишди.

— Яна бир ҳаракат қилиб кўрайлик-чи,— деди Ши.

— Биз сизларни киритолмаймиз,— деди қўриқчи уларга ҳайрихоҳ тикилиб.— Уйга боринглар... Эртага келинглар...

Бироқ улар кетишмади. Ҳайкалтарош қайнати-ган гуруч, гўшт ва бир кружка сув олиб келди. Улар тамадди қилиб олишди.

Ши отларнинг дупурини эшитди. Дарвоза очилиб, қўриқчилар:

— Хизматингизга ҳозирмиз!— деб қичқиришди.

Марко Поло шахсий қўриқчиларининг бошлиғи шаҳарга бормоқчи эди. Ши шоша-пиша гуручли товоғини ерга қўйди-да, ирғиб туриб, дарвозага югурди. У тўғри ўзини отнинг оёғига ташлаб, бўжиз кўзларини суворийга қаратди. Қўлида эса найини гижимлаб турарди.

Юзбоши Ян отининг жиловини қаттиқ тортиб қолди. У боладан кўзини узолмасди. Унинг кўр Ши эканлигини лаҳзада таниганди.

— Ши, бу ерга қандай келиб қолдинг?— деди у.— Урнингдан тур.

Соғлар одамнинг афтидан танигандай, кўр бола ҳам овозларни эслаб қолганди. Бу Хонбалиқдаги устахонага тез-тез келиб турган тахтиравончи Яннинг овози эди. Ши адашмаётганини аниқ биларди. У гангиб қолганидан тиз чўкди.

Ян отидан ирғиб тушиб, болани кўтарди.

— Нима бўлди, Ши?— деди у қўриқчилар эшитолмайдиган қилиб паст овозда.

— Ван қамоқда ётибди. У ўлимга ҳукм қилинган,— деб шивирлади Ши.

Ян бекорчи хаёлларга берилиб вақтини кеткизиб ўтирмади.

— Юзбоши Яннинг уйини сўраб топ,— шивирлади у.— Ҳозироқ тўғри олдимга бор.— Шундан кейин буйруқ бераётгандай қўшиб қўйди:— Йўқол, ҳой кўр. Сал бўлмаса пачақлаб кетардим.

Ян шаҳарга от қўйиб кетди.

Ши бўлса чол билан Яннинг уйига жўнади, унга ҳаммасини бошдан-оёқ гапириб берди.

Юзбоши Ян ўйланиб қолди.

— Уйга бориб, дам олинглар,— деди у ниҳоят.— Бировга мутлақо оғиз оча кўрманглар. Ванни сақлаб қолиш керак.

\* \* \*

Марко Поло катта иш столи ёнида йиллик ҳисобот учун хилма-хил рўйхатларини кўздан кечирарди. Олдида қоғозлар, пуллар ва ноиблик муҳри ётарди. Бу унинг ноиб сифатидаги сўнгги ҳисоботи эди. Яна бир неча ҳафтадан кейин ўрнига мўғул князи келиб

ноиблик қилиши керак, у ҳозир йўлда эди. Марко бу ерда кечган йилларини мамнуният билан ўйлади. У донмо адолатли бўлишга интилди. Аҳмад томонидан қўйилган, фақат бойлик орттиришигина кўзлайдиган юлғичларнинг кўпчилигини вазифаларидан четлаштирди. Марко мутлақо пора олмасди. Ханчжоудаги вице-император уни юксак баҳолаган ва венецияликнинг Янчжоу музофотидаги фаолияти ҳақида буюк хонга энг аъло хулоса ёзиб юбораман деб айтганди.

Марко Поло хаёлларини бўлган котибига ижирганиб қаради.

— Нима гап?— деди у.

— Юзбоши Ян қабул қилишингизни сўраяпти, муҳтарам жаноб.

Марко Поло қоғозларини бир чеккага сурди:

— Майли, кира қолсин.

Яннинг юзи бамисоли тошдай тундлигидан уни таниб бўлмасди. У Шига: «Ванни сақлаб қолиш керак»,— деганди. Мабодо ноиб ёрдам беришдан бош тортса, унинг қўлидан нима ҳам келади? Ана шундай шубҳа-гумонлар унинг вужудини тилка-пора қилганди.

— Урнингдан тур, Ян,— деди Марко Поло.— Нима бўлди?

Ян унга темирчи Ваннинг воқеасини гапириб берди. Марко Поло сиртдан қараганда пинагини бузмай унинг сўзларини тингларди. У Аҳмаднинг жосуси бўлган Саиднинг Хонбалиқда эканидаёқ Ванни қамоққа ташлатгани, кейин эса унинг Ашимани ўғирлаганидан шу тариқа воқиф бўлди. Марко шунда тахтиравончи Яннинг ҳузурига келганини ва Ашимани қутқаришда ёрдам берганини эслади.

— Мана энди Ян дўсти Ванни афу этишини ўтиниб сўрарди. Бироқ Ван исёнчи бўлганидан судья уни ўлимга ҳукм қилганди... Марко Поло муҳрни олиб, қўлида салмоқлаб кўргандай бўлди. Ян уч йил унга шахсий қўриқчиларнинг бошлиғи сифатида садоқат билан хизмат қилганди.

— У қишлоқларга қурол тарқатибди-ку, Ян?— Марко Поло ўйчан ҳолда сўради.— Бунинг учун ўлим жазоси берилади.

— Уни ўлимдан сақлаб қолиш керак!— деди Ян эътироз билдириб.— Сиздан ўтиниб сўрайман, муҳтарам жаноб, уни озод қилинг... Ван жиноятчи эмас.

Аҳмаднинг жосуси уни жинойтчидай қаматди, кейин эса устахонасини тортиб олишди. Қўр болани етаклаб ўзининг она мамлакатида гадойчилик қилди. Унинг аламини ҳам тушунинг-да, муҳтарам жаноб. У нима ёмонлик қилибди? Битта-яримтани ўлдириб-дими, ё тунабдими?.. Унга ёрдам беринг, ўтинаман сиздан!..

Марко Поло ўрнидан туриб, Яннинг олдига келди.

— Мен уни чиқариб юборолмайман, буни ўзингиз ҳам тушунасиз, юзбоши Ян.

— Ҳуқуқингиз бениҳоя, муҳтарам жаноб,— деди юзбоши ҳаяжонланиб.

— Мен сендан кўп қарздорлигимни ҳеч қачон унутмайман, Ян,— деди Марко гапида давом этиб.— Ҳозир бўлса дўстингга ёрдам беришимни илтимос қиляпсан. Агар уни чиқариб юборсам, душманларим буюк хонга: «Янчжоунинг ноиби император ҳокимиятига қарши бош кўтарган жинойтчиларни қамоқдан бўшатишяпти»,— деб ёзишади.

Яннинг юзи гезарди. У беихтиёр қиличининг дастасини маҳкам қисди, кейин эса бармоқлари бўшашди.

— Уни ўлимдан сақлаб қолиш керак,— Ян гўлдираб қўйди.

— Ўзингизни қўлга олинг, юзбоши Ян,— деди Марко Поло.— Менинг гапимга қулоқ солинг... Мен темирчи Ванни афу этаман. Улим жазоси ўрнига уни умрбод каторгага ҳукм қиламан. Сизни вазифангиздан озод этиб, бу жинойтчини каторгага элтишни ўзингизга топшираман.— Марко Янга жуда яқин келиб, елкасига қўлини қўйди.— Каторганинг йўли олис,— деди у секин.— Сиздан айрилаётганимга ачинаман...

\* \* \*

Ян кечқурун мўйсафид ҳайкалтарошнинг бамбуқ кулбаси томон от қўйди. Ши олисдан яқинлашиб келаётган от дупурини эшитди.

— Бу ўшами, бобо?— деб сўради у безовталаниб.

— Ҳа, ўша, Ши.

Парқу булутлар қуёшнинг олтин гардишини қоплади. Яқинда бўлган жала ҳамма ёқни яшнатиб

кетганди. Ут-ўланларда миллионларча томчилар ялтирар, кўлмакларда қуёш акс этарди.

Ян отини устунга бойлаб, тепаликка югуриб чиқди.

— Сизларга хушxabар олиб келдим!— деди у қичқариб.— Жаноби ноиб Ванни афу этиб, ўлим жазосини умрбод каторга билан алмаштирдилар.

— Тангрига шукур!— хитоб қилди чол.— Уни ўлимдан сақлаб қолди.

Шининг ожиз кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

— У энди ҳеч қайтиб келмайдими?— сўради бола.

— У билан бирга кетсанг бўлади, Ши,— деди Ян унга жавоб бериб.— Ноиб уни каторгага элтишни менга топширди.

Мўйсафид кулбага кириб кетиб, ёғочдан ясалган ҳайкалчани олиб чиқди. Қаламтарошини қўлига олиб, қаттиқ ёғочга: «Вай Ван Синь» деган ёзувни ўйди. Бу эса: «Олижаноб мусофир» деган маънони билдирарди.

## ҲИНДИСТОН САЕҲАТИ

Венецияликлар яна буюк хоннинг ажойиб ва бе-ниҳоя бадавлат саройида кун кечириша бошлади. Улар ўзларининг Мингкаррабахт кўчасидаги кўркам уйларида истиқомат қилишарди. Олтин балиқли ҳовузнинг олдида аввалгидай бир туп жасмин ўсарди. Унга аввалгидай асаларилар ғинғиллаб қўниб турарди. Ашима шийпонда ўлтирар, яна эски боғига келганидан хурсанд эди.

Ҳамма нарса илгаригидай эди.

Венецияликлар саройдаги қабулдан ёки мамлакат бўйлаб сафардан уйга қайтганларида бу тинчгина оромгоҳда ҳузур қилиб дам олишарди.

Ҳамма нарса илгаригидай бўлса ҳам, ҳар қалай, нимадир ўзгарганди.

Венецияликлар ватанларини соғинганларидан жуда қийналишарди. Улар бунинг бир-бирларидан яширсалар ҳам ватанни қўмсаш ҳисси бир дақиқа бўлмасин вужудларини тарк этмаётганини сезиб туришарди.

— Агар мен Матеодай бақувват бўлганимда,— деб қолди Маффео Поло бир куни,— Қайду шоҳнинг саройига бориб, унинг қизини енгишга уриниб кўрардим.

Марко Поло амакисига савол назари билан қаради.

— Сен бу маликанинг тарихини эшитмаганмисан ҳали?— деб сўради Маффео жойлашиброқ ўтириб олар экан.— Уни бизга Ҳиндистонда айтиб беришган.

— Шошмай туринг, амаки,— Марко илтимос қилиб қолди.— Ашима ҳикояларингизни эшитишни жуда яхши кўради-да.

Маффео Ашима келиб ўлтирганидан кейин ҳикоясини бошлади:

— Бунни фақат Хубилайхонга айтиб бўлмайди. Чол Кайдуни ўлгудай ёмон кўради. Унинг отини эшитганидаёқ газабидан кўкариб кетади, уни яхшиси саройда айтмаган маъқул. Кайдунинг қўшини Хубилайхон аскарлари билан кўп марта куч синашганини ўзларинг яхши биласизлар, айтишларига қараганда ҳозир яна императоримизга қарши юришга тайёргарлик кўраётганга ўхшайди. Бўлмаса Кайду қизининг воқеасини эшитинглар. Унинг исми Ойёруғ. У шундай бақувват эканки, бутун подшоҳликда уни курашда енга оладиган йигит йўқмиш. Отаси уни узатмоқчи бўлганида, ўзимдан заифроқ эрнинг кераги йўқ, дебди. Отаси шундан кейин қизига, ўзинг танлаганингга узатаман, деб ваъда берибди. Қиз ҳамма ёққа, мени курашда енган одамга тегаман, деб жар солдирибди.

Шундан кейин дунёнинг ҳар томонидан талабгорлар келишаверибди. Ҳамма бахтини синаб кўришни истаганда. Кураш саройининг катта залида бўлар, у тантанали равишда ўтар, бунга подшоҳ, малика ва сарой аъёнлари ҳам иштирок этишаркан. Подшоҳнинг қизи қимматбаҳо зеби-зийнатлар тақиб, ипак либосда залнинг ўртасига чиқар ва ўзига ўхшаган ипак либосдаги йигитнинг ўртага чиқишини кутаркан. Агар йигит Ойёруғни ерга йиқитолса, унга уйланади. Борди-ю, қиз енгса, унга юзта зотли тулпор совға қилиши керак экан.

Бизга малика шу тариқа ўн мингларча от тўплаганини айтиб беришди. У шунақанги норғул ва бақувват эканки, кўпинча уни паҳлавон деб ўйлашаркан...

Маффео Поло жим қолди, бироқ ҳеч ким ғинг деб оғиз очмагандан кейин:

— Ойёруғнинг воқеаси мана шу. Айтгандай, қиз кучи билангина эмас, балки ҳусну малоҳатда ҳам



одамларни ҳайратда қолдираркан,— деб қўшиб қўйдилди.

— Сиз, амаки, подшоҳ қизини қўлга киритиш пайдамасмисиз ишқилиб?— сўради Ашима ҳазиллашиб.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, унинг исми Ойёруғ-а,— укаси ҳам унинг жиғига тегиб қўйди.

— Юзга отни амал-тақал қилиб топардим-а,— Маффео хўрсиниб қўйиб, гапида давом этди.— Бироқ бундан кўра ақалли жимжилоғимни Сан Марко каналининг сувига ботириб олишни жон-жон деб истардим. Ўжар қария Хубилайхон бўлса худди биз унинг тожидаги энг аъло бриллиантлардай, ипсиз бойлаб, ҳеч қўлдан чиқаргиси келмаяпти.

— У бизга кўп яхшилиқ қилди,— деб қўйди Марко.

— Тўғрику-я, аммо бизга маҳкам ёпишиб олдида.

Ҳаммалари ўй суриб қолишди.

Маффео Поло буларни ҳазил-ҳузул ўрнида гапирган бўлса-да, бу гаплар асло ҳазил эмасди. Венеция уларни тушида эмас, балки ўнгида ҳам ўзига тортарди... «Бундан кўра ақалли жимжилоғимни Сан Марко каналининг сувига ботириб олишни жон-жон деб истардим». Ашима гўё Венецияда туғилгандай уларнинг кўнглидан нималар кечаётганини яхши тушуниб турарди.

— Биз ватанимизга қайтиш ҳуқуқи учун курашишимиз керак,— деди Марко Поло.

— Йигитлар подшоҳ қизи билан курашгандай,— Маффео қистириб кетди.— Кучимиз етади, деб умид қиламиз-да.

— Бундан гап очишинг билан Хубилайхон туюқиб кетади,— деди Николо Поло.— У ўлиб қолса ҳолимиз нима кечади? Ёши анча жойга бориб қолган, гоҳ менга унинг куни битаёзгандай туюлади. Саройда бизнинг мулкимизга кўз тикиб юрган одамлар ҳам анчагина бор. Хубилайхоннинг бизга илтифоти яхши, шунинг учун ҳам ҳалигилар бизга қарши бирор нарса қилишга юраклари дов бермайди, бироқ у кўз юмгандан кейин-чи?

Улар узоқ гурунглашиб, ватанга қайтишнинг бор имкониятларини чамалаб кўришди. Ақл садосига қулоқ солсалар, бу мамлакатни пинҳона, буюк хоннинг рухсатисиз ташлаб кетолмасдилар. Агар улар бир

кунмас-бир кун Венецияни кўрмоқчи бўлсалар, императорнинг рухсатини олишлари керак эди.

Венецияликлар буюк хон билан мамлакатнинг шимолига, ов қилинадиган ерларга, сўнгра эса Шандудаги қароргоҳига бирга боришди ва бутун сарой аъёнлари билан яна Хонбалиққа қайтиб келишди: Ғарбдан шамол эса бошлаб, Хонбалиққа Ғарбий тоғлардан қиш бостириб келди. Мансабдорлар саройдаги тантана ва қабулларга сувсар пўстинларга ўралиб келишарди. Хоннинг кекса хотинлари орасида тили узун бўлган Жамбуй хотун тўсатдан қазо қилиб қолганди, уни иззат-икром билан дафн қилишди.

Император шу воқеадан кейин кўп ўтмай барча табибу шифокорларга мурожаат қилиб, умрибоқийлик дорусини топиб келадиган кишига беҳисоб бойликлар ваъда қилди. Табиблар, донишмандлар ва фирибгарлар саройга серқатнов бўлиб қолишди. Улар ҳаёт илдизи, мўъжизакор шарбатлар, қиёмат тошлар, сирли жодулар, чекиладиган нарсалар ва қайтариқлар ёрдамида олло ноибининг умрини боқий қиламиз, деб ишонтиришга тиришардилар. Хоқон кайфиятига қараб, уларнинг бирларини мукофотласа, бирларини ўлимга буюрарди.

Бир куни Марко Полога буюк хонга илтимос билан мурожаат қилишнинг фурсати етгандай туюлди. У эндигина мамлакат бўйлаб қилган узоқ сафаридан қайтганидан буюк хонга ўзининг таассуротларини: ўзи бўлган музофотлардаги одамларнинг ахлоқи ва урф-одатлари, молиявий ишлар ва бошқаришнинг аҳволидан гапириб ўлтирарди. Император уни шахсий хонасида қабул қилиб, ҳикоясини зўр қизиқиш билан тингларди. Бу суҳбатда Цензорлар Кенгашининг бошлиғи Эсон Темурдан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Сиз менга кўрган жамики нарсаларингизни гапириб бердингиз,— деди Хубилайхон мамнуният билан суҳбат охирида.— Мукофотга лойиқ иш қилдингиз. Энди уйингизга бориб, дам олинг. Агар менга керак бўлсангиз, одам юбораман.

Думалоқ бошли мўғул князи чамаси қониқишни ифодалагандай қандайдир ғалати овоз чиқариб қўйди.

Марко шундан кейин императорнинг оёғига ташланиб, сўзини эшитишни илтимос қилди.

— Урнингиздан туринг,— деди император.— Истагингизни гапиринг.

Марко Поло ҳаяжонланиб, императордан ватанига қайтишга рухсат беришини илтимос қилди.

Хубилайхон унинг гапини жимгина тинглади.

Сув соатининг томчилари гулдор косага чакиллаб турарди. Марко Поло гўё мадад излагандай Цензорлар Кенгашининг раисига қаради, бироқ Эсон Темурнинг афтидан ичидагини билиб бўлмасди.

Ниҳоят император:

— Эсон Темур, бунинг нима деганини эшитдингми?— деб сўради.

— Дзе, дзе,— деди мўғул князи.

Буюк хон қийиқ кўзларини Маркога айёрона тикди-да:

— Сю Сян оламдан ўтди, менга эса яхши маслаҳатчилар керак,— деди.

Марко беихтиёр орқага бир қадам ташлади.

— Сю Сян ўлдими?— қайтариб сўради у.

— Ҳа,— хоқон сўзини хотиржам тасдиқлади.— Сю Сян ўлди.

Марко Поло бу ногоҳоний хабардан азбаройи гангиб қолганидан буюк хон ҳузурида турганини сал бўлмаса унутиб қўяёзди. У жуда мусибатда қолган, бунинг устига Хубилайхоннинг кекса олимнинг ўлими ҳақидаги гапни шундай совуққонлик билан айтгани тегиб кетганди. Марко шундай бўлса ҳам ўзини тута оларди. У бош эгиб, императорнинг гап очишини кутиб турарди.

— Сиз ҳузуримга келиб, кетмоқчиман, деган гапни айтяпсиз. Нима, саройим сизга энди ёқмай қолдими? Мен ҳали хоин Қайду билан уруш қилишим керак. Уни бўйсундиришга тўғри келяпти... Энди гап шу: кемаларни ҳозирлаб, Ҳиндистонга жўнанг. Сиз Цейлон деган катта оролгача боришингиз лозим. У ерда Сендемаин<sup>1</sup> деган шоҳ ҳукмронлик қилади. Унда узунлиги бир қарич, қалинлиги қўлдай келадиган ёқут бор. Менга айтишларича, бу дунёдаги энг йирик ёқут экан. Бу ёқут алангадай порлаб турармиш ва сеҳрли кучга эгамиш. Менинг, бутун ер юзининг ҳукмдорининг шу ёқутга эга бўлмоқчилигимни шоҳ Сендемаинга айтинг. Ёқутга бутун бир шаҳар қанча турса шунча ҳақ тўлайман. Кейин бу ерга қайтиб нимаики кўрган бўлсангиз барини менга гапириб бе-

расиз. Ватанга қайтиш ҳақидаги галингизни эса бошқа эшитмай.

Марко Поло тиз чўкиб, пешанасини уч бор гиламга текизди. Император венецияликка лутф билан қараб турарди.

Эсон Темур томоқ қириб қўйди.

— Энди хурсандмисиз?— сўради Хубилайхон.

— Бизга кўрсатган буюк марҳаматингиздан миннатдорман, ҳазрати олийлари,— жавоб берди Марко Поло.— Мен буюрганларингизнинг барини бажо келтираман.

Марко император саройидан ғалати бўлиб чиқиб кетди. Буюк хон унинг илтимосини бажармади, бироқ юрагидаги хоҳишга мос келадиган топшириқ берди. У отаси билан амакисининг Ҳиндистон ва Буюк океандаги ороллар ҳақидаги ҳикояларини кўзлари чақнаб кўп эшитган, у ерга жуда-жуда боргиси келиб юрарди.

Марко Ҳиндистоннинг ажойиб манзараларини хаёлида ўзича тасаввур қилар, бунга азбаройи берилиб кетганидан ватанига қайтишни ҳам унутган, яқиндагина эса бу орзу унинг бутун фикру зикрини банд этганди. У океанда бир неча ой сузилгандан кейин яшил орол бирдан қаршиларида намоён бўлишини яққол тасаввур қилди. Тўлқинлар шовқин-сурон билан соҳилдаги қумларга бориб урилади, пальмаларнинг таналарини тиллари билан ялаб олгандай бўлишади. Қулоғига нотаниш, дилларга қўрқинч солувчи маъбудларнинг ҳайкаллари турган ибодатхоналардан ёт тароналар эшитилади, гўзал қоматли раққосаларнинг ўйинларини кўради... У жинлар оролининг ҳамма сирларини билиш учун тобора унинг ичкарисига қараб юради. Қоялар узра баҳайбат қушлар учиб юришади, кейин улар пастга ўқдай шўнғиб, найзадай ўткир тирноқларини бемалол ўтлаб юрган отларга ботиришади-да, ўлжалари билан ҳавога кўтарилишади.

Бегона мамлакатлар Маркони худди болалик йилларидай ўзига жуда ром этиб қўйганди. Хўш, Нико-ло билан Маффео Поло бўлажак сафардан воқиф бўлганларида нима дейишаркин? Марко бу хунук

---

<sup>1</sup> Тахминларга кўра Сендеман ўша замонларда Цейлоннинг шимолий қисмига ҳукмронлик қилган Чандра Банту исмли қабила бошлиғи бўлса керак.

фикрни хаёлидан чиқариб ташлади. У энди гўзал манзаралар оғушига судровчи хаёлот жиловиغا эрк бермай сафарга тайёргарлик кўриш ҳақида мулоҳаза юритарди. У океан бўйлаб қилинадиган олис сафарга чидаш берадиган кемаларни пухта жиҳозлаш ва тажрибали ҳамда итоатгўй команда тўплашни ўйларди. Ҳиндистонга улар билан бирга аскарлар, савдогарлар ва бир тўда бекорчи бойлар хизматкорлари билан боришади, нега деганда император вакилларига доимо бир тўда эпчил, шухратпараст сарой аъёнлари ҳамроҳ бўлади.

Марко Поло катта ва сершовқин кўчадан бурилиши биланоқ саройда қулоғига кирган: «Сю Сян ўлди» деган аянчли хабарни эслади. Император бу гапни бамайлихотир ва бепарволик билан айтди. Марко Поло шундай бўлса ҳам кекса олимнинг ўлганлиги ҳақидаги хабар бутун мамлакатга тарқалиши билан миллионларча қалблар қайғуда қолишларини биларди. Қазодан бағоят кўрқадиган Хубилайхоннинг ўзига энг яқин одамлардан бирининг ўлимига бунчалик лоқайд қараганига Марконинг ҳеч ақли бовар қилмасди. Император нурсиз қуёшдай бир гап эди. Марко Поло шунинг учун ҳам, гарчи Хубилайхон унинг бошигача илтифотга кўмаётган бўлса-да, уни ёмон кўриб қолажагини фаҳмлади.

Марко ўзининг хонасида хаёлга чўмиб узоқ ўлтириб қолди. Кейин императорнинг буйруғини айтгани Ашима билан қарияларнинг олдига кирди. У гапирётганда сездирмай уйдагиларнинг юзларига тикилди. Кеч тушди, хизматкор деразаларни ёпиб, шамларни ёқди. Ашима безовталанганидан бармоғи билан столни тарақлатарди. Маффео Поло даҳанини муштига тираб ўлтирарди. Николо бўлса қаддини ростлаб, лабини қимтиб, Марко томондаги аллақайси бир нуқтага тикиларди.

— На чора, Ҳиндистонга бўлса Ҳиндистонга-да,— деди Маффео елка қисиб.— Император буюргандан кейин...

Ашиманинг кўзлари катталашиб, ялт-ялт қилар, шамнинг алангаси қорачиғида акс этарди.

— Бу ерда бир ўзим қолмайман!— деб хитоб қилди у.— Сенсиз қўрқаман, Марко.

— Бизнинг катта кемамиз бўлади,— деди Марко унга далда бериб.— Сен биз билан бирга кетасан, Ашима.

Ашиманинг вужудини босган қўрқув дарҳол тарқалган бўлса ҳам, у бўлажак саёҳатдан қувонолмади, чунки Николо билан Маффеонинг чехрасидаги норозиликни сезиб турарди.

— Биз катта бойлик тўпладик,— деди Николо ўлганининг кунидан оғиз очиб.— Агар омадимиз келса Ҳиндистонда бойлигимизга бойлик қўшамиз.— Кейин елкаси чўкиб, ўғлига ожиз тикилди.— Бундан қандай маъни борлигини тушунмаяпман.

— Улгунимизча сайёҳ бўладиганга ўхшаймиз, Николо.

Қарияларнинг гаплари Маркога жуда таъсир қилди. Уларнинг ватанларини нақадар соғинишганини энди тушуниб етганди. Қарияларга тасалли берадиган бирор гапи бўлмаса ҳам, бу буюк хон хизматидалигимдаги сўнгги саёҳатим бўлади деб ўзича қасам ичди.

Бу суҳбатдан кейин кўп ўтмай Николо билан Маффео Поло кемаларни тайёрлаш ва тажрибали команда тўплаш учун жанубдаги Зайтон<sup>1</sup> портига жўнашди. Марко билан Ашима Хонбалиқда қолишди ва фақат уч ойдан кейингина икки минг киши ҳамроҳлигида пойтахтни тарк этишди. Фань Гун-ду билан Ю ҳам саёҳат пайтида хўжайинларига хизмат қилиш учун улар билан бирга жўнашди.

Марко Поло шошиларди. Ўзи билан бирга кетаётган сарой аъёнларига қисқагина дам олишга рухсат берарди, холос. У ҳозир ҳам, ҳар маҳалгидек узоқ саёҳатга чиқар арафасида жуда безовталанар, кема соҳилдан силжийдиган дақиқани интизорлик билан кутарди. Қарияларни ўйлаганида вужудини бутунлай забт этган бўлғуси кашфиётлар қувончи уларни қийнаш ҳисобига бўлаётгандай туюларди.

Улар олти ой йўл босиб, ниҳоят Зайтон чеккасига етиб келишди. Марко Поло билан Ашима олдинда боришарди. Улар тепаликда тўхтаб, отларидан тушишди. Ёз охирлаб қолган, уфқдаги парқу булутлар тоғларга ўхшарди. Майин шабада юзларини сийпалаб ўтарди. Улар турган жойнинг пастида боғлар билан қуршалган уйлар қўзилиб кетганди. Уйлар те-

---

<sup>1</sup> Хитойнинг Фуцзянь вилоятидаги, Тайвань бўғози соҳилига жойлашган энг муҳим порт Цюаньчжоун араблар ва европаликлар шундай деб аташарди.

кисликда бир-бирини сиқиб қўйган, ён бағирликларга ҳам чирмашган, дарё қуйиладиган жойгача тушган, сокин ложувард кўрфазни ҳам қуршаганди. Серқоя тепаликда баҳайбат монастир қад кериб турарди. Портда кўплаб кемалар ва қайиқлар лангар ташлаганди.

Зайтон улкан ва гўзал шаҳар, аини пайтда жаҳондаги энг яхши порт эди.

Марко Янчжоуда ноиблигида Зайтонда бўлганди. У порт омборларида жуда кўп моллар сақланаётганини биларди. Бу ерга ҳар куни кемалар турли мамлакатлардан минг-минг тонналаб мол келтиришарди. Масалан, Зайтонда жамғарилган қалампир дунёнинг ғарб қисмини қалампир билан таъминлайдиган Искандария омборларидагига қараганда юз марта кўп эди.

Портнинг тор кўчаларида ўткир игнаси ва ялтироқ бўёғи беҳисоб бўлган татуировкачилар доимо сероб эди. Уларни донғи бутун оламга кетган, ҳатто Ҳиндистоннинг ичкарасидаги жойлардан ҳам бу ерга фақат баданларини татуировка қилдириш мақсадида анча-мунча одамлар келиб туришарди. Зайтонлик моҳир тўқувчиларнинг ранг-баранг шоҳилари жуда кўпгина мамлакатларда машҳур эди.

Марко билан Ашима қариялар билан учрашувга тайёрланишаркан, ўзларича ҳадиксираб ҳар хил хаёлларга боришарди. Улар Николо билан Маффеони кайфлари бузуқ, хафақон ҳолда кўрсак керак деб ўйлашганди, бироқ бунинг тамом тескариси бўлиб чиқди. Маффео Поло уларни терисига снғмай қаршилади, Николо эса акасининг сафарга тайёргарлик ҳақидаги жўшқин ҳикоясини мамнун жилмайиш билан тинглади. Сафар ташвишлари уларга хуш келганлиги аён сезилиб турарди.

— Бизга ишонаверсангиз бўлади, муҳтарам адмирал жаноблари,— ҳазиллашди Маффео Поло.— Балки эртага йўлга чиқишимизни истарсиз. На чора, бош устига. Портда тажрибали денгизчилар билан ўнта қиёмат ҳинд елканли кemasи таппа-тайёр турибди. Николо Поло билан унинг Маффео деган биродари ҳамма нарсанинг гамини еб қўйишган.— Маффео шундан кейин қўлларини «қани марҳамат» дегандай чўзиб, қўшиб қўйди:— Палубага чиқинглар, жаноблар, ўтинаман. Йўлга чиқаверсак бўлади.

Елканли кемалар бир ҳафгадан кейин Зайтон пор-

тини тарк этди. Венецияликлар энг олдиндаги кеманинг палубасида туриб, ўзларининг мўъжазгина флотилияларига ғурур билан тикилишарди.

— Ана энди ўзимизни денгиз ҳукмига топширдик,— Маффео Поло шундай деди-ю, ичида эса: «Илойим қайтиб келайлик-да», деб қўйди.

Улар портдан узоқлашганлари сари шамол ҳам қаттиқроқ эсарди. Унта кеманинг бари елканлари қаппайиб, сал бир томонга қийшайиб сузиб борарди. Осмон эса ғалати бир бўзарган тусда эди. Денгиз бўлса аксинча дам ям-яшил, дам ниҳоятда кўм-кўк, дам сиёҳ ранг кўринар, гоҳо бир қараб қолсангиз, устидаги шаффоф кўпигини айтмаганда, қоп-қорага ўхшаб туюларди. Қўйруқ томонда туришган венецияликлар ҳеч нарсани хаёлларига келтирмай, кема сувни ёриб ортда қолдириб кетаётган қайнаб-кўпираётган изга тикилишарди. Уларнинг кемаси олис сафарга мўлжалланган, тўрт мачтали ва кенг елканли бақувват кемалардан эди. Кеманинг икки томонидаги бортига бештадан қутқазуш қайиқчалари маҳкамлаб қўйилганди. Унинг тағхонаси тахталари мустаҳкам қилиб ва яхшилаб зичлаб ясалган бўлиб, сув ўтмайдиган бир неча хоналарга ажратилганди. Кема мабодо сув усти қоясига урилиб, тешилгудай бўлса, сув фақат битта хонасини тўлдирад, кема эса тўхтамай кетаверарди.

Кема командаси икки юз эллик кишидан иборат бўлиб, уларга оппоқ соқолли ҳинд капитани бошчилик қиларди, бу киши Манзидан Ҳиндистонга кўп бориб келганди. Палубанинг тагидаги олтмишта мўъжизагина каютада йўл учун зарур бўлган барча жиҳозлар топиларди. Уларга гиламлар қоқилган, койкаларга парқу ипак болишлар ташлаб қўйилганди. Тўрт бурчакли иллюминатордан денгиз кўриниб туради. Шамол бутунлай тиниб қолгудай бўлса, эшаклар керагича топилар, матрослар улар ёрдамида кемани юргизиб кетаверишарди.

Ҳиндистон соҳиллари томон йўл олган ўн кемада икки юз нафар сарой аъёнлари бўлиб, улар билан саккиз юздан кам бўлмаган хизматкорлар, императорнинг беш юз аскар ва элликта савдогар бирга кетарди. Эллик савдогарнинг ўшанча хизматкори ва мирзоси ҳам бор эди. Мана шу икки минг одамнинг ҳаммаси Марко Полога бўйсунарди, У инжиқ сарой



пъёнларини ўнта кемага тақсимлаб жойлаштирган-ди. Кемаларнинг тағхоналарида буюк хоннинг ўзга юртлик подшоҳларга аталган совға-саломлари яхшилаб жойланган бўлса ҳам, улар бўлак моллар — инак газламалар, олтин ва кумуш тақинчоқлар, шоқчи либослар, чинни идишлар, зар ва кумушли калалар, қилич ва найзалар, чарм ва металлдан ясалган от абзаллари, мис қозон сингари Ҳиндистонда жуда азиз бўлган моллар олдида арзимаган жойни эгаллаб турарди. Савдогарлар бу молларини яхшилаб пуллаб, ширинликлар, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, ҳинд ёнғоғи, марварид, обнус, сандал дарахтлари ва шунга ўхшаш нарсалар олиб қайтишга умид боғлашарди.

Марко Поло отаси билан амакисининг тажриба-корликларига ишонганидан тижорат ишларининг масъулиятини тўла-тўқислигича улар зиммасига юклаб қўйганди. Ўзининг ташвиши эса шундай ҳам етиб ортарди. Сарой аъёнлари билан муомала қилиш ҳам ҳазил эмасди. Улар ҳар қандай иш юзасидан унга мурожаат қилишар, тилёғламалик билан қобилияти ва хушмуомалалигини мақташар, унинг кўзини бақрайтириб бир-бирларини ёмонлашга уринишарди. Зўр бериб пора қистиришнинг ҳам пайдан бўлишарди. Уларнинг ҳадялари ҳам ниҳоятда ҳар хил ва дабдабали — қимматбаҳо тошлардан тортиб, чўриларгача тортиқ қилмоқчи бўлишарди. Сарой аъёнлари орасида венецияликни чин юракдан хуш кўрадиган кишилар ҳам бор эди, албатта. Шундай бўлса ҳам Марко бирорта одамдан совға олмас тилёғламаликни ҳаққоний сўзлардан айира оларди.

Улар икки ойдан бери йўлда бўлишса ҳам бирор марта ерга кўзлари тушмади. Океан уларни бамисоли асирликда сақларди. У тусини тинимсиз ўзгартириб турар, шамол батамом тинган пайтларда ҳам кўзгудай ялтираб, бепоён ва улуғвор кўринарди.

Сутдек ойдин кечаларнинг бирида Марко Поло билан Ашима палубада туришарди. Теварак-атрофда океан бирдай гувиллар, тўлқинлар кумуш янглиғ ялтираб кетарди. Кемаларнинг мачталари қисирлар, елканлар ҳилпирар, кун бўйи қизиган ҳаво совуб улгурганидан, энди палубада салқин шабада эсарди. Марко Поло Ашиманинг кифтидан қучди. Улар бахтиёр эдилар.

— Дадам билан амаким илгаригидай Венецияга

қайтишни орзу қилишяпти.— Ашима шундай деркан, чуқур ачиниш билан қарияларни ўйлай кетди.

Ниҳоят Ҳиндистон соҳили жамол кўрсатиб, кемалар Хайнань қўлтиғига кирганида бирдан барчанинг кўз ўнгида талай ороллар намоеън бўлди. Оролларнинг соҳилларида одамлар зич яшашарди. Маффео Поло Маркога бу ердаги дарёларнинг денгизга қўйиладиган жойида олтинли қум кўп, уни денгиз суви ювиб туришини, оролларда мис, ғалла ва мевалар ҳам сероблигини айтиб берди. Бироқ саёҳатчилар бу ерда тўхтамай, буюк хон бир неча йил муқаддам айрича вазиятда ишғол қилган Чамбо<sup>1</sup> мамлакати томон кетаверишди. Хубилайхон бу мамлакатнинг беҳисоб бойликлари борлигини эшитиб қолиб, лашкарбоши Сагатуга пиёда ва отлиқлардан иборат улкан қўшин тўплаб, шарқий Ҳиндистоннинг соҳилга яқин жойларини забт этишни буюрганди. Сагату қўшини Манзидан ўтиб, ёт мамлакат тупроғига кирди. Бу мамлакат аҳолиси қўлига мардонавор қурол олиб, тоғлиқ жойларининг устунлигидан фойдаланиб, боққинчиларга катта талафот келтирди, бироқ душманнинг ҳужумини тўхтатишдан ожиз эди. Душман қўшини текислик жойлардаги истеҳкомлар билан муҳофаза қилинмаган қишлоқ ва шаҳарларни вайрон қилиб, тобора илгариларди. Қўмондан Сагату қўшинлари тоғлардаги аёвсиз ва ҳал қилувчи жангларда ҳар қалай қақшатғич зарбага дучор бўлди.

Лашкарбоши Сагату шундан кейин зудлик билан императорга чопар юбориб, мадад жўнатишни илтимос қилди, нега деганда унга пиёда аскарлар етишмасди. Чамбо подшоҳи Аккамбале эса ўз қўшини билан истеҳкомли шаҳарларга чекинарди. Саксонга бориб қолган подшоҳ мамлакатини душманлар талаётганидан чуқур қайғуда қолганди. У гарчи бу са-

---

<sup>1</sup> Ч а м б о, тўғрироғи, Тямпа — Вьетнамнинг жанубий қисми. Марко Поло саёҳат қилган пайтда Тямпа мустақил давлат бўлиб, Шимолий Вьетнамдаги Да Вьет мамлакати билан ораси носоз эди. Мўғул лашкарбошиси Сагату 1281 йилда Тямпага бостириб кирганда унинг қўшинлари қаттиқ қаршиликка дуч келгандилар. Шунинг учун улар бу мамлакатдан чекинишга мажбур бўлишган. Сагату эса кўзголончилар билан урушда ўлганди. Мўғуллар бу мамлакатга қайтиб оёқ босишмаган. Хубилайхон бўлса унинг янги подшоҳи ўлпон тариқасида юбориб турган филлар билан қаноатланиб қўяқолган.

фарча душман қўшинини енган бўлса ҳам олис давом этадиган урушга бардош беролмаслигига ақли старди. Шу сабабдан у буюк хон ҳузурига, таслим бўламиз деб элчилар юборди. Хубилайхон қўшинлари оғир талафот кўрганидан анча ташвишдалигидан Аккамбаленинг элчиларини очиқ чеҳра билан кутиб олди. У дарҳол Сагатуга қўшинни Чамбодан қайтариш ва бошқа мамлакатларни босиб олиш учун жанговар ҳолатда сақлаш ҳақида буйруқ берди.

Подшоҳ Аккамбале шундан бери императорга ҳар йили кўплаб обнус дарахти ва мамлакатдаги энг зўр ва яхши филлардан йигирма бешта-йигирма бешта жўнатиб турарди.

Венецияликларнинг кемалари сокин кўрфазда лангар ташлади. Марко Поло одамларига бир ҳафта нафасни ростлаб олишга рухсат берди. Сарой аъёнлари ва савдогарлар илгарироқ ўз ораларидан вакил сайлаб қўйган бўлиб, улар ҳар оқшом Марко Полога ҳисоб беришарди. Марко Чамбода соҳилга тушиб, илк марта ҳинд тупроғига оёқ босди. Соҳилдаги қумдан қалин чангалзор девор янглиғ турарди. Ялангликда эса ерликларнинг енгил-елпи қурилган кулбалари бир-бирига қапишиб кетганди.

Кун мия қайнатадиган даражада иссиқ. Ёмғир ёрмаганига анча ой бўлган. Марко Поло мамлакатнинг ичкари томонига экспедиция юбормоқчи бўлганди, Маффео билан Николо уни бу йўлдан қайтаришди. Нега деганда Ҳиндистон саёҳати энди бошланаётганидан ҳинд чангалзорларини кўришга ҳали кўп фурсат келиши турган гап эди.

Қорамтир-буғдой ранг очиқ чеҳрали маҳаллий кишилар фақат белларигагина латта бойлаб юришарди. Савдогарлар арзон тақинчоқлар ва майдачуйда буюмларини олтин қум ва қимматбаҳо тошларга алиштириб олишди. Бу саёҳатчиларга жуда фойдали бўлди. Улар керакли озуқа сотиб олишди, янги сувдан ҳам гамлашди, шундан сўнг кўп ўтмай мўжазгина флотилия лангар кўтариб йўлга тушди.

Кўрфазда ғир этган шамол йўқ, мачталардаги елканлар шалвираб қолганидан матрослар кемаларни очиқ денгизга олиб чиқиш учун тўртта-тўрттадан эшкак тортишга ўлтиришди. Денгизда енгил шабада эсарди, шунинг учун улар жанубга йўл олишди. Ҳафта, ойлар бир-бирини қувлаб ўтаверди. Кемалар-

даги тантиқ сарой аъёнлари орасида можаролар чиқа бошлади, ҳаммасидан ҳам одамларнинг касалга чалина бошлагани ўтиб тушди.

Марко Полонинг бош қашишга қўли тегмасди. Кечаси вақт алламаҳал бўлиб қолган пайтларда ҳам саёҳатчилар бир-бирларини ёмонлагани ёки маслаҳат сўрагани унинг олдига кириб туришарди. Марко ўзини ниҳоятда оғир тутиб, барча ғалваларни тинчитар, шунинг учун ҳам обрў-эътибори кун сайин ортиб борарди. У беш юз қуролли жангчисига орқа қилганидан ҳар бир сўзи бамисоли қонун эди. Урни келганда таҳдид қилишдан, гоҳо куч ишлатишдан ҳам қайтмасди. Масалан, у иккита сарой аъёни яккама-якка олишмоқчи бўлганларида буни тақиқлаб қўйди. Улар буйруғига бўйсунмай кема палубасида қиличбозликни бошлаганларида соқчиларга икковини қуролсизлантириб, то ҳовурларидан тушгунларича каютага қамаб қўйишни буюрди.

— У оқил княздай иш юритяпти,— деди Маффео акасига бир куни.

Николо Поло унинг гапини мамнуният билан тасдиқлади. У ўғлидан фахрланарди. Тўғри, қариялар гоҳо ватанларига қайтишни хаёл қилишар, бироқ нафсамбирини айтганда бу саёҳатдан кўнгиллари тўлиқ, нега деганда бундан кўп манфаат кўришларига кўзлари етарди. Зайтондан йўлга чиқишдан олдин анчагина мол ғамлаб, тағхонанинг бир қисмини ўзлариники қилиб олишганди.

Марко Поло ана шу олис сафар вақтида кемаларда қаттиқ тартиб ўрнатди, бироқ тўсатдан юқумли касаллик бошлангандан нима қиларини билмай қолди. Бу касалликнинг фақат эркакларга юқиб, бир қанча одамни юлиб кетганлиги жуда ҳайрон қоларли эди. Беморларнинг иссиғи кўтарилиб азоб чекишар, баданлари, айниқса кўзларининг оқи сарғайиб кетарди. Орадан кўп ўтмай шунақанги қувватдан кетишардики, қимирлашга ҳам дармонлари қолмасди. Буларни қандай тузатиш йўлини билмай табибларнинг боши қотар, ҳар хил дори дармонлар беришса ҳам кор қилмасди. Марко бўлса ҳар куни эрталаб, қариялардан хабар олгани кираркан, бу сирли дард ишқилиб юқмаган бўлсин-да, деб уларнинг кўзларига қўрқа-қўрқа қарарди. Бироқ отаси билан амакиси соппа-соғ эдилар. Марко Поло билан Ашимага тропик жазираси таъсирини ўтказолмади. Бе-

морлар сони эса тўхтовсиз ўсиб борарди. Бу эса Маркони баттар хавотирга соларди.

Марко табибларни йиғиб, бу маккор дардга қарши дурустроқ дори йўқми, деб суриштирди.

— Ҳозирча ноиложмиз, муҳтарам жаноб,— деди Ҳиндистонда илгари ҳам кўп бўлган катая табиб Марко Полонинг гапига жавоб бериб,— соҳилга етиб, беморларга тар мева берганимиздан кейингина улар соғайиб кетишади.

Орқа томондан шамол эсиб турди. Орадан бир неча кун ўтгач улар Явага<sup>1</sup> етишди, шундан кейин Марконинг кўнглида яна умид уйғонди. Улар Чамбони тарк этганларидан буён уч ой ўтганди. Шу вақт ичида кемалар бир минг беш юз миль йўл босди, саёҳатчилар сафар давомида, ёнидан тўхтамай ўтиб кетган бир қанча оролларни ҳисобга олмаганда, денгиз билан осмондан бўлак ҳеч нимани кўришмади, океаннинг тинимсиз гувиллаши ва тўлқинларнинг шовиллашидан бошқа ҳеч нима қулоқларига чалинмади. Жазирама иссиқ ва қандайдир ғалати ваҳима одамларни қийнарди.

Қуёш уфқдан бош кўтарди. Осмон билан денгиз эриган маъдан тусига кирди. Саёҳатчилар гўё ўзларини ер куррасининг қоқ марказида туришгандай ва сув ортидан қад кўтариб ажиб ҳуснини кўз-кўз қилаётган номаълум қитъа томон сузаётгандай сезишарди. Улар туш пайтида улкан ва бадавлат Ява ороли ёнида лангар ташлашди. Марко Поло беморларни дарҳол қирғоққа тушириб, бу ерда сероб бўлган тар мевалар билан боқишни буюрди.

Явада ҳеч кимга ўлпон тўламайдиган подшоҳ ҳукмронлик қиларди. Манзи ва Зайтондан келган савдогарлар бу ерлик кишилар билан жадал олди-сотди қилишар, бундан анча манфаат кўришарди-ю лекин бу олис ва хатарли сафардан эсон-омон қайтиб кетиш ҳар доим ҳам nasib бўлавермасди. Явада қалампир мунчоқ, мускат ёнғоқ, мурч, занжабил

---

<sup>1</sup> Марко Поло Явада бўлмаган. Тямпа соҳилларидан у Малакка бўғози орқали Суматра ва Цейлонга йўл олган, Явани эса Тямпа ва Суматрада тўплаган маълумотлари асосида тасвир этган.

Ява ўша пайтларда кучли давлат эди. Яваликлар 1293 йилда Хубилайхон томонидан оролни ишғол қилгани юборилган мўғул флотилиясининг ҳужумини муваффақият билан қайтаргандилар.

ва долчин сингари доривор ва зираворлар мўл, олтин ҳам сероб эди.

Катай табибнинг айтгани келди: беморлар тармева еганларидан кейин тез тузала бошлашди. Иссиқлари тушиб, ҳолсизликдан қутулдилар. Марко Поло бир ой ўтгач, кемаларнинг тағхоналарини эҳтиёт шарт кўпроқ тар меваларга тўлдириб олганларидан кейин саёҳатни давом эттиришга буйруқ берди.

\* \* \*

Кемалар бир ҳафта йўл босгандан кейин Кичик Ява оролига етди. Бу оролда саккизта подшоҳ ҳукм суларди. Кемалар шу ерда лангар ташлади, орадан бир неча кун ўтгач, ёмғир ва бўронлар даври бошланиб кетиб, Марко Поло бу ерда ноилж анча туриб қолди. Бу орол жуда улкан ва бой эди. Бу ерда доривор ва зираворлардан ташқари обнус, қизил ва хушбўй сандал дарахтлари ҳам жуда сероб эди. Чангалзорларда бўлса фил, каркидон, маймун ва бошқа ёввойи ҳайвонлар яшарди.

Оролнинг подшоҳлари буюк хонни ўзларининг ҳоқонлари деб эътироф этсалар-да, унга ўлпон тўлашмасди. Чунки улар ораларидаги масофа узоқлигини ва император Манзидан қўшин юбора олмаслигини билишарди. Марко оролда ноилж туриб қолган вақтида олти та давлатда бўлиб, уларнинг ҳукмдорларидан ҳар хил қимматбаҳо ва нодир совғалар олди. Басма подшоҳи унга иккита ёғоч қути тухфа қилди, унинг ўзи айтишича, «қутиларда дунёдаги энг кичик одамлар мумиёлаб қўйилганди». Венецияликлар бу ҳадяни ҳеч чўчимай табассум билан қабул қилиб олишди, чунки аввалги саёҳатлари пайтида бунинг маънисини тушуниб қолишганди. Очигини айтганда, қутидаги нарса одам эмас, балки одамсимон маймунлар эди. Буларни шу ерлик уддабурон савдогарлар ушлаб олишиб, жуда бошқача қилиб тайёрлашарди. Улар маймунларни ўлдириб, жунини қирқисар, кейин офтобда қуритиб, камфара мойи ва ҳар хил дориларга солишарди. Оқибатда ана шу мумиёланган маймунлар кичкина одамчаларга жуда-жуда ўхшайдиган бўлиб қоларди. Шундан кейин уларни сандал ёғочидан ишланган қутиларга жойлашар,

келгинди савдогарлар бу ғалати нарсаларни олис юртларга олиб кетиб, қимматга пуллашарди.

Июн, июл, август ичи тинимсиз сел қуйди. Ўт-ўланлар бундан шунақанги тез бўй чўзишардики, улар гўё дақиқа сайин ўсаётганга ўхшарди. Бу қуёш уз жамолини кўрсатиб қолган қисқа фурсатларда айниқса яққол сезиларди. Кемалар оролни айланиб утиб, шимолий соҳилдаги Самара давлатига етди. Кемалар у ерда яна лангар ташлади. Марко Поло одамлар тор каюталарда сиқилиб қолмасинлар деб, соҳилда қароргоҳ қуришни буюрди. Саёҳатчилар қароргоҳга кўчиб, Цейлон оролига етиб олишларига имкон берадиган шамол эсишини кута бошлашди.

Марко Поло яқин-атрофдаги тоғларда одамхўр қабилалар борлигини билиб қолди. Шу боисдан қароргоҳ атрофига икки томонидан денгизга олиб чиқадиган чуқур ва кенг хандақ қаздирди. Хандақдан юз қадам нарига посбонлар қўйишни, бундан ташқари, хандақ атрофини учи ўткир қозиклар билан ўрашни буюрди.

Соқчилар белгиланган жойларда навбатма-навбат кечаю кундузи туришарди. Саёҳатчилар шу тариха қароргоҳда беш ой бехатар истиқомат қилишди.

Улар чеккадаги қишлоқларнинг аҳолиси билан тез орада қалин бўлиб олишди, нега деганда Марко Поло ўз кишиларига қора танли бу яланғоч одамлар ўзларини дўст тутсалар, уларга тегмасликни тайинлаб қўйганди. Овчилар қароргоҳга камон ва найза билан овланган ёввойи паррандалар, балиқчилар денгиз ёки дарёлардан тутилган янгигина балиқ, хотин-халаж эса мевалар, катталиги одамнинг калласидай келадиган ва ичи муздай сутга тўла кокос ёнғоғи ва мусаллас олиб келишарди. Ерликлар мусалласни хурмога ўхшаган дарахтнинг шарбатидан қилишарди. Улар дарахт новдасини тилиб, идишни унга илиб қўйишар, у эса бир кечаю бир кундузда шарбатга тўлиб қоларди. Бу шарбат ачитилгандан кейин яхши мусаллас бўларди.

Саёҳатчилар ноилж беш ой дам олганларидан кейин ниҳоят ҳамма елканлари кўтарилган кемаларида очиқ денгизга чиқишди. Соҳилда тўдалашиб турган ерликлар жўнаб кетаётганларга хайрлашиб қўл силкишар, кўплар эса ўзларининг бесўнақай қайиқларида денгизга ҳам кузатиб чиқишганди. Ни-

хоят узоқ кутилган шамол турди. Палубаларда турган венецияликлар тобора кичрайиб бораётган қирғоқдан кўз узишмасди. Қирғоқ ҳам охири кўздан ғойиб бўлди.

Саёҳатчилар яна икки ой мобайнида осмон ва денгиздан бўлак ҳеч нима кўришмади, фақат онда сондагина мўъжазгина оролларнинг сал-пал қораси кўриниб қоларди. Кемалар ғарб томон йўл олганди. Улар Катайдан жуда олислаб кетишганди. Оралиқдаги масофа Хонбалиқдан Уртаер денгизи соҳилидаги Аяс портигача бўлган масофанинг ярмидан кам келмасди чоғи. Шунда Марконинг хаёлига бир фикр келиб қолиб, уни тобора забт эта бошлади. Марко Венецияга денгиздан қайтишга қарор қилганди. Улар Хубилайхоннинг топшириғини муваффақиятли адо этиб, эсон-омон Хонбалиққа қайтсалар бутун куч-қувватини шу ниятни рўёбга чиқаришга сарфлашга аҳд қилди.

Марко Поло бўш вақтларини йўл хотираларини қоғозга туширишга сарфларди. Бир куни пешинда капитан унга Цейлон ороли кўринганлигини айтди. Марко палубага чиқди. Олдинда сирли ер парчаси қорайиб турарди. У ҳинд қитъасининг кишилари, Цейлонда девлар яшайди, деб ўйлашларидан хабардор эди. Оролнинг номини ҳам «Ланка» деб аташар, бу «девлар» деган маънони билдирарди. Оролда Сендемаин деган подшоҳ ҳукмронлик қилар, у ерда сапфир, топаз, аметист<sup>1</sup> сингари асл тошлар кўп, муҳими оламдаги энг аъло ёқутлар ҳам ўша ерда эди. Ривоятларга кўра подшоҳнинг ўтдай чақнаб турадиган, узунлиги бир қарич, йўғонлиги билакдай келадиган ёқути бор эмиш. Бу Катай императорининг кўнглига ёқиб қолган ўша ёқут эди.

Венецияликлар эртаси куни император совға-саломларини кўтарган икки юз элликта аскар ва хизматкорлар билан соҳилга тушишди. Ун чоғлиқ сарой аъёнлари ва бир нечта тилмочлар ҳам улар билан бирга борди. Кемалар лангар ташлаган кўрфаз сокин бўлиб, чуқур ва тиниқ сувли кўлни эслатарди. Ут-ўланлар, пальма, сербарг дарахтлар ва одам бўйи келадиган қирққулоқлар ўсган кўтарма уни шамолдан пана қилиб турарди. Соҳил оқ-сарик қум-

<sup>1</sup> Зангори ёни яшил, бинафша ранг ва ҳоназо тусли қимматбаҳо тошлар.



ликдан кейин кенгбар зина поялари каби кўтарилиб борарди.

Кемалардаги уч юзта қайиқнинг бари сувга туширилди. Шундан кейин пинакка кетган кўл уйғонди-кетди. Чирмовуқ дарахтлардаги маймунларнинг ҳам тинчи бузилди. Улар то саёҳатчиларни кузатадиган қулай жой топгунларича чинқиришиб, шохдан-шоҳга сакрашаверди. Дарахтларда ҳар хил рангдаги тўтилар ҳам кўринарди. Бир сиқим патга ўхшайдиган митти қушчалар япроқдан-япроққа ўтиб юришарди.

Ерликлар кулбалари олдида қайиқлардан кўз узмай туришарди. Уларнинг эғнида белларидаги латтадан бўлак ҳеч нарсалари йўқ, болалар бўлса қип-яланғоч эди. Олдиндаги қайиқлар соҳилга етиб, қуроллари офтобда ялтираётган аскарлар сакраб туришаркан, улар ўтакалари ёрилиб кулбаларига ўзларини уришди.

Қурол-аслаҳалари бўлмаган венецияликлар қишлоққа кириб, тилмоч орқали дўстона ниятда келдик, деган гапни айтганларидан кейингина, олдин эркаклар билан аёллар, сўнгра эса болалар кулбалардан чиқишга журъат қилишди. Белидаги латтадан ташқари бошида шоҳи рўмоли ҳам бор бир чол саёҳатчиларни подшоҳ олдида бошлаб боришни таклиф қилиб қолди.

Марко Поло отасидан соҳилда қолиб, истехкомли қароргоҳ қурилишига бош-қош бўлиб туришни илтимос қилди. Бу ерда ҳам худди Кичик Явадагидай қароргоҳ қуришни мўлжаллашганди. Узи эса Маффео Поло билан ўнта сарой аёни, икки юз эллик соқчи ва совға-саломлар кўтарган кишиларга бош бўлиб, мамлакатнинг ичкарасига йўл олди. Подшоҳ Сендемаинга меҳмонлар келганидан хабар бериш учун ерликлардан икки киши олдинроқ жўнатилди.

Саёҳатчилар аввалига соҳил ёқалаб кетишди, кейин торгина сўқмоқдан ўрмонга киришди, осма кўприклар орқали бир неча дарёлардан ўтишди, қояларга маҳкамлаб қўйилган занжирларга чирмашиб қияликларга чиқишди ва олти кунлик оғир йўлдан кейин ўзларини ниҳоят гўзал водийда кўришди. Теварак-атрофда шопипоялар, хурмозор ва боғлар, даралар тилимлаб ташлаган тоғлар этагида эса қиш-

лоқ уйлари кўзга ташланар, улар подшоҳ саройини ярим доира шаклида ўраб турарди. Подшоҳ Сендемаин меҳмонлар истиқболига устига уйчага ўхшаган тахтиравонлар ўрнатилган ва яхшилаб ясатилган ўнта фил чиқарди. Венецияликлар, сарой аъёнлари, тилмочлар, аскарбошилар филларнинг яғринида бир мақомда тебранувчи ана шу тахтиравонларга чиқиб олишди. Улар бениҳоя ажойиб, нақшинкор ёғоч саройга шу зайлда етишди.

Подшоҳ меҳмонларни катта залда қабул қилиб, улар шарафига катта зиёфат берди. Меҳмонлар подшоҳ ва унинг мулозимлари теварагида гиламда болишлар орасида ўлтиришар, жуда аччиқ таомлардан еб, мусалласдан ҳам кўп ичишди. Ичкари ҳаддан ташқари исиб кетганди, лекин ҳар бир меҳмонни ортидаги хизматкор пальма шоҳи билан елпиб турарди.

Подшоҳ Сендемаиннинг усти-боши ҳам бошқаларнинг либосидан фарқ қилмас, бироқ қоп-қора ва ялтираб турган баданига қимматбаҳо тошларни тақиб олганди. Бўйнида бебаҳо қизил ёқут ва зумрад маржон ярақлар, кўкрагига осилиб тушган илак богичга эса бир юз тўртта марварид ва ёқут тизиб қўйилганди. Икки қўлида тилла билагузук, қўл ва оёқ бармоқларида бриллиант кўзли узуклар.

Маффео тановул пайтида Маркога:

— Ҳамма ёғига қимматбаҳо тошлар осиб олганини қара-я. Буларга бутун бошли қаср сотиб олса бўлади,— деб қўйди.

Марко Поло зиёфат тамом бўлгандан кейин подшоҳга буюк хоннинг совға-саломларини топширишни буюрди ва Катай империяси ҳамда унинг оқил ҳукмдорини кўкларга кўтариб, оламнинг қудратли хоқони, Катай императори ҳазратларининг истаklarини жимжимадор ва чиройли иборалар орқали баён этди.

Подшоҳ Сендемаин думалоқ сариқ шоҳи болишда чордона қуриб ўлтираркан, Марко Полонинг сўзини очиқ чеҳра билан тинглади. Буюк хоннинг туҳфалари ва муҳтарам элчиларнинг ажойиб мулозимлари унга хуш келганди. Бироқ у қизил ёқутни беришдан кескин бош тортди. Улар бу ёқутнинг бениҳоя гўзаллигини буюк хонга таърифлашлари учун ёқутни уларга кўрсатишга тайёрлигини айтиб, уни совға қилолмаслигини яна бир бор писанда қилди.

Подшоҳ шундан кейин секингина амр қилди, ка-

низақлардан бири чиқиб, кўп ўтмай ёқутни кўтариб кирди. У ёқут турган олтин патнисни Марко билан Маффеонинг олдига қўйди.

Венецияликлар билан сарой аъёнлари ҳайратдан дол қолишди. Гап-сўзлар тинди-қолди. Ҳатто меҳмонларни елпиётган хизматкорлар ҳам тўхтаб қолишди.

Ёқут ўтдай чақнаб нур таратаркан, қизғиш шуъласи билан зални, одамлар юзини, гилам ва деворлардаги суратларни ёритаётгандай туюларди. У бамисоли абадий ловиллаб турадиган, бироқ ҳеч сўнмайдиган ўтнинг ўзи эди.

Подшоҳ Сендемаин ёқут одамда зўр таассурот қолдиришини мамнуният билан билдирди. Кейин узоққа чўзилган жимликни бузиб, тилмоч орқали Марко Полога шонли ишлари барчанинг тилидан тушмаётган буюк хонга салом айтишни, совғаларини топширишни илтимос қилди, бироқ ёқутни жаҳондаги бор хазинага ҳам бермаслигини, у бобосидан мерос қолганлигини, мамлакати бу қимматбаҳо тошни қўлдан чиқарса, мусибатда дучор бўлишлигини билдирди.

Марко Поло эртасига подшоҳ Сендемаин билан холи гаплашиб, агар императорга ана шу ёқутни бергудай бўлса Ормуз орқали унга ўн минг ажойиб тулпор етказишни билдирди. Бироқ подшоҳ ўз аҳдида тураверди.

Марко Поло ўз мулозимлари билан Цейлон подшоҳининг саройида яна бир ҳафта турди-да, кейин қароргоҳга мамнун қайтиб келди. Нега деганда подшоҳ буюк хонга топширасиз деб жуда кўп қимматбаҳо тошлар берганди. Марко гарчи каттақон ёқутни олиб бормаган тақдирда ҳам Хубилайхоннинг бу саёҳатдан кўнгли тўлишига ишонарди.

Венецияликлар Цейлондан жўнаш арафасида Ашима билан соҳилда сайр қилишди. Улар тепаликка кўтарилиб, сўқмоқдан тик қоя томон кетишди. Унг томонда кемалар ва қайиқлар турган кўрфаз, чапда эса океан кўринарди. Ҳаммаларининг кўзлари ғарб томонга тикилганди. Қуёшнинг олов гардиши сувга тегай-тегай деб қолганди. Ҳамма ёқни денгиз ва доривор гиёҳлар иси тутиб кетганди. Чирмовуқни эслатувчи очилиб турган қандайдир ўсимлик баҳайбат дарахтнинг сарғиш танасига чирмашиб олган, сержун қийшиқ қўлларга ўхшаган иккита илдизи ер-

дан чиқиб, нотекис жойда тарвақайлаб ётарди. Қалин япроқлар орасидан синчков маймунларнинг ба шаралари кўриниб қоларди.

Пастда денгиз гувиллар, тўлқинлар кўпириб, қумликка урилар, шафақ соҳилни қизартириб, аста-секин сўнган бўлса ҳам сув камалакнинг ҳафт рангида жилоланар, дам кўм-кўк бўлиб кўринса, дам тиниқ зангори ва қуюқ сиёҳ рангида товланарди. Денгиз уфқда қора туюлар, тўлқинлар ичдан нурланаётганга ўхшарди.

Улар анчагача миқ этмай, ғарбга тикилиб туришди. Ниҳоят Марко Поло:

— Шароит яхши бўлса тўрт ойда Ормузга етиб олган бўлардик,— деди.

— Ораси икки минг беш юз миль,— деб қўйди Маффео Поло.— Ҳинд соҳилини ёқалаб кетаверсак ҳам бўларди.

Уларнинг кемалари кўрфазда тап-тайёр турарди. Хизматкорлар билан матрослар буюк хонга аталган совғалар ва савдогарларнинг молларини кемаларга ташишарди. Соқчилар қароргоҳни йиғиштиришарди. Саёхатчилар тонготар чоғида йўлга чиқишга қарор қилишганди. Шундан барчанинг димоғи чоғ эди.

— Шамол ғарбдан эсяпти,— деди Николо Поло.

— Худди Лидо соҳилда турганга ўхшаймиз-а,— деб илиб кетди гапни Маффео.

Кўрфаз устида иккита калхат айланиб юрарди. Маймунлар чинқира бошлади, тўтилар чийиллаб, қушчалар безовталаниб чирқиллай бошлади.

Маффео Поло калхатларга мушт ўқталиб:

— Йўқолларинг, алвастилар!— деб дўқ урди.

— Ашима, қимирлама!— Марко тўсатдан шундай деб қичқирди-да, уни маҳкам қучоқлаб олди.

Дарахт илдизи орасидан илон ўрмалаб чиқди. У ўткир учли бошини кўтариб, бақрайган кўзларини одамлар томонга қаратди. Бироқ ҳеч ким қимир этмади, илон шундан кейин яқиндаги бутанинг тагига кириб кетди. Унинг узунлиги ўн қадам, йўғонлиги нақ белдай келарди.

— Йўлбарсютар!— деди Николо Поло.— У бизга тегмайди.

— Лидода эса маймун ҳам, илон ҳам йўқ,— деб қўйди Маффео.

Орага яна жимлик чўкди, уни фақат денгизнинг гувиллашигина бузиб турарди.

Венецияликларнинг хаёлига, агар орқага қайтмасак нима бўларкин, деган қалтис фикр келди. Венеция уларга Катайга қараганда яқинроқ эди. Бироқ шамол ғарбдан эсар, уларни хоқон кутарди.

Эртасига субҳидамда, осмон қизғиш рангга бўялиб, шамол елканларни қаппайтирганда матрослар қўшиқ бошлаб юборишди. Қуёшнинг оловли ғардиши денгиздан бош кўтарган, шунинг учун ҳам соҳилда турган ерликларга кемалар тўппа-тўғри қуёшга қараб сузиб кетаётгандай туюларди.

## ВАТАНГА ҚАЙТИШ

Баяут қабиласидан бўлган мўғул князининг Кокечин деган ўн еттига кирган қизига юксак муруват кўрсатилиб, бундан бир йил бурун император ҳазратларига канизликка лозим кўрилганди.

Кокечин ҳусну малоҳатда баркамол бўлиб, императорнинг кўнглига хуш келиб қолганди. У ўз элининг қўшиқларидан куйлаганда буюк хоннинг кўзлари жонланиб кетарди. Шу вайдан ҳар сафар унга катта инъомлар берарди. Кокечин ҳашамдор қилиб безатилган хонасида шоду ҳуррам ҳаёт кечираркан, гўзал шахзода келиб, менга уйланади, деб кутгани-кутганди. Мунажжим унга, сенинг юлдузинг бахтли, деганда, нафсамбирини айтганда қизнинг зорланадиган жойи ҳам йўқ эди. Фақат гоҳи-гоҳида юраги сиқиларди, холос.

Шунда десангиз, Эрон билан Хуросоннинг ҳукмдори элхон Аргуннинг<sup>1</sup> заифаси Булуган хотун оғир хаста бўлиб қолди. У ўлим олдида эридан ўз халқидан бўлган дурустроқ қизга уйланишни илтижо қилди. Элхон Аргун Булуганнинг ўлим тўшаги олдида унинг сўнги илтимосини бажаришга тантанали ваъда бериб, буюк хоннинг саройига Улатой, Апушка ва Қожа деган учта содиқ сарой аъёнини жўнатди. Нега деганда Булуган хотин Хонбалиқнинг шимол томонида яшайдиган баяутлар қабиласидан эди.

---

<sup>1</sup> Элхон («халқлар ҳукмдори») — Эрондаги мўғул хонларининг унвони. Элхон Аргун (1284—1291) Хулағунинг набираси эди. Мўғуллар Эрони Хубилайхон билан тил бириктириб Чингизхон улусининг хони Кайдуга қарши уруш олиб борганди. Шунинг учун ҳам Хонбалиқ билан Эроннинг маркази Табриз доимо чамбарчас алоқада бўлиб келган.

Буюк хон сарой аъёнларини яхши кутиб олди. У Кайдуга қарши қилинган зафарли юришдан пойтахтга яқиндагина қайтиб келганидан димоғи жуда чоғ эди. Элхон Аргуннинг илтимосини диққат билан тинглагач, чўрисига Кокечинни чақиришни буюрди. Шундан кейин ясаниб-тусанган ёшгина сарой хоними жамол кўрсатди. Бўйнига бриллиант маржон, қўлларига қимматбаҳо билагузуклар таққан бу гўзалнинг сочига фил суягидан ишланган тароқ зеб бериб турарди. Кокечин ҳоқонга яқин келиб, қаршисида тиз чўкди.

— Урнингдан тур, Кокечин,— деб амр қилди император.— Бизга элхон Аргундан учта вакил келди. Улар элхонга баяут қабиласидан бўлган келин излаб юришибди.

Улатой, Апушка ва Кожа Кокечинга бошдан-оёқ тикилишди. Ҳуснда баркамол бу қиз ўзини яхши тутиб турганидан вакилларга ёқмай қолмади. Вакиллар буюк хонга миннатдорчилик билдириб, Кокечинни олиб кетажакларини айтишди. Қиз бундан беҳад шод эди. Унга дилидаги бутун орзу ва истаклари рўёбга чиқаётгандек туюларди.

Император қизнинг жўнашига алоқадор ҳамма нарсаларни тайёрлашга ва элхон Аргуннинг бўлғуси рафиқасига жуда кўп мулозим ажратишга буйруқ берди. Хубилайхон Кокечин кетишидан олдин бу гўзал шарафига базм уюштириб, у билан жуда қуюқ хайрлашди.

Вакиллар билан Кокечин қуролли суворийлар, хизматкорлар ва сарой кишиларидан иборат салобатли мулозимлар қуршовида шаҳарни тарк этишди.

Қарвон яна буюк хон саройига келинган йўлдан қайтиб борарди. Бироқ орадан саккиз ой ўтгач, йўловчилар мўғул князларининг ўзаро урушлари авж олган вилоятга бориб қолди. Йўлда давом этишнинг энди иложи йўқ эди. Улатой, Апушка ва Кожа Кокечинга орқага қайтишга тўғри келаётганини айтишганда у пешанаси шўрлигидан нолиб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади. Бундан бошқача илож йўқ эди. Кокечин яна буюк хон саройига қайтиб келгунича саккиз ой ўтиб кетди.

Император қайтиб келганларнинг гапларини ҳафақон ҳолда тинглади-да, пировардида, менинг бир фикрга келишимни кутинглари-чи, деб қўйди. Бироқ у фикрини айтишга ҳеч шошилмасди. Кокечин бутун

орзу-умидлари чипакка чиққанидан қўлини ювиб қўлтиғига урган, вакиллар эса элхон Аргуннинг саройини жуда соғиниб қолишганди. Императорнинг гарбдаги мўғул князларининг ўзаро межароларига иралашишга иштиёқи йўқ эди, шу ваядан ҳамма сабр-қаноатга зўр берарди. Ҳафталар, ҳафталар кетидан ойлар бир-бирларини қувалашиб ўтаверди. Вакиллар ажойиб кунларнинг бирида ватанларидан олисда яшаётганларига уч йил бўлса ҳамки, ҳамон гарбдаги ўзаро қирғинларнинг поёни кўринмаётганини бирдан фаҳмлаб қолишди.

Худди шу кезларда венецияликлар ва улар билан бирга кетган сарой аъёнлари буюк хон саройига қайтиб келишганди. Уларнинг Ҳиндистонга қилган сафари муваффақиятли ўтганлиги ҳақидаги хабар мамлакатга яшин тезлигида тарқалди. Ўзга элларнинг подшоҳлари юборган совғалар ва савдо-сотикдан тушган даромад мўлжалдагидан жуда ортиб кетганидан буюк хон венецияликларни бутун сарой аҳлидан баланд кўриб, уларнинг соқчиларини кўпайтирди ва олиб келинган қимматбаҳо тошлар ва марваридларнинг ўндан бирини тақдим этди. У венецияликларни мўғул князлари даврасида қабул қилиб, шахсий суҳбатларда саёҳат ҳақида аниқ ҳисоб беришни буюрди.

Марко Полога Венецияга Ҳиндистон орқали қайтиш фикри ҳеч тинчлик бермасди. Деярли уч йилга чўзилган саёҳатлари давомида императорнинг анча қариб қолганини кўриб, юрагини ваҳима босди. Оламда бор бўлган шифобахш ичимликлар ва дори-лар буюк хонга аввалги куч-қувватини қайтаролмаган, сиҳат-саломатлигини яхшилашга ёрдам беролмаганди. Унинг бир вақтлар лўппи бўлган юзи ичига ботиб, чуқур ажинлар қоплаган, елкаси букчайган, кўкраги қапишган, фақат кўзларини оғирлашган қовоқлари остидан илгаригидек айёрона боқарди.

Венецияликлар ватанларига қайтиш хусусида императордан бошқа рухсат сўрамасликка жазм қилишди. Улар Хубилайхоннинг назаридан тушиб қолсак Хонбалиқдан чиқиб кетишимиз мушкуллашади, деб чўчишарди. Энди режани бўлакча тузишди. Орадан пича вақт ўтгач, улар буюк хондан яна Ҳиндистонга тижорат саёҳатига боришга рухсат сўрамоқчи эди. Бироқ бу сафар сарой аъёнлари ва қўриқчилар-

сиз боришади. Улар бу саёҳатдан Хонбалиққа қайт-масликка қасам ичишди.

Венецияликлар энди фақат ватанларига қайтиш-ни ўйлашарди. Бу орзу уларни бамисоли дарддай қийнарди. Қариялар қолган умрларини уйда, Вене-ция фуқаролари орасида иззат-ҳурматда ўтказишни исташар, Марко бўлса ватандошларига ўзининг ажойиб-гаройиб саёҳатлари ва саргузаштларидан сўзлаб бериб, башариятни олис ўлкаларда сафарда бўлганида орттирган билимларидан баҳраманд этиш-ни орзу қиларди. Венецияликлар қайтиб борганла-ридан кейин барчага, замондошларидан ҳеч ким — на христианлардан, на мусулмонлардан, на татар-лардан, на мажусийлардан бирорта одам бизларча-лик кўп мамлакатда бўлолмаган, деб фахр билан айта олардилар.

Бир куни пешиндан кейин Марко Полонинг олди-га элхон Аргун вакилларининг мулозимларидан бири келиб, Улатой, Апушка ва Қожа жаноблар махфий суҳбат учун пича вақт ажратишингизни илтимос қи-лишяпти, деди. Марко унга буюк зотларни ғариб кулбасида кўришдан беҳад бахтиёр бўлишини еткази-шни топширди.

Улатой, Апушка ва Қожа венецияликлар билан қуюқ сўрашишди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирлари-га ҳурматлари жуда баланд эканлигини изҳор қил-ганларидан кейин ҳаммалари столга ўлтиришди. Қожа гурунг мавзуини тезда Ҳиндистонга қилинган саёҳатга буриб, венецияликлардан Буюк океандаги саёҳатлари ҳақида батафсилроқ гапириб беришни илтимос қилди.

— Сиз Катайдан Ормузга денгиз орқали етиш осон деб ўйлайсизми?— деб сўради Қожа Маркодан.

Венецияликлар ҳушёр тортишди. Улар гарчи эл-хоннинг вакилларини саройда кўришган бўлса ҳам, нима мақсадда ташриф буюрганларидан беҳабар эдилар. Марко қариялар билан тез кўз уриштириб олди.

— Осон дейсизми?— Марко қайтариб сўради.— Йўқ, бу хатарли сафар, бироқ бизнинг тажрибамиз-га қараганда қуруқликдаги сафардан анча хавфсиз-роқ бўлади.

— Маъзур кўрасизлар, жаноблар,— Николо По-ло гап қистирди.— Сизлар махфий суҳбат қилмоқчи эдинглар шекилли?



Қожа шундан кейин венецияликларни ўзининг махфий режалари билан таништиришга жазм этди.

— Буюк хон бизнинг бу ерга келганимиздан бе-  
хабар,— деди у.— Бизни бу ерга Эрон билан Хуро-  
соннинг бўлғуси маликаси Қокечин юборди. У бу ер-  
да, мамлакатидан олисда қийналиб кетди. Фарбда-  
ги ўзаро қирғинлар йўлимизни қирқиб қўйганлигини  
ўзларингиз биласизлар... Шунинг учун ҳам ҳузурин-  
гизга Эронга денгиз йўли борми, деб сўрагани кел-  
дик. Режаларимизни бирдан айтмаганимиз учун авф  
этасизлар.

Қожа венецияликларга савол назари билан қа-  
ради.

— Сизларни Ормузга элтиб қўйишимизни истай-  
сизларми?— сўради Маффео Поло.

— Ҳа, маликамининг эзгу тилаги шу,— деб жа-  
воб берди Қожа.

— Ҳаммамизнинг ҳам тилагимиз шу,— Улатой  
шоша-пиша гап қистирди.— Биз уч йилдан бери ва-  
танимизга қайтишни нигорон бўлиб кутамиз.

Марко Поло ўзича: «Уч йил-а», деб қўяркан, ота-  
си билан амакисига қараб, уларнинг юзларидан кўн-  
гилларидан нималар кечаётганини фаҳмлади.

Мусофир вакиллар бўлса ҳамсуҳбатларининг  
сиртдан осойишта чеҳраларидан ҳеч нимани тушуна  
олмай, уларнинг жавоб қилишларини ҳаяжон билан  
кутиб туришарди.

— Биз йигирма йилдан бери ватанимизда бўлга-  
нимиз йўқ,— деди Марко Поло.— Уйга қайтишдан  
оғиз очсак, буюк хоннинг аччиғи келади.

— Демак, розимиз кенг?— сўради Қожа.

— Ҳазрат олийлари билан гаплашиб кўринглар.  
Биз бундан бахтиёр бўлардик...

Вакиллар кетишгандан кейин Маффео стулига  
ўлтириб, бошин қўллари орасига олиб:

— Мен бунга ишонмайман... Ишонмайман,— деб  
ғўлдиради.

— Келинглар, ҳозирча бундан гаплашмай турай-  
лик,— деди Николо Поло.

Марко умрида биринчи бор қарияларга ғамгин  
нигоҳ ташлади.

Роппа-роса икки ҳафтадан кейин венецияликлар  
ҳузурига хизматкор келиб, Қожа жаноблари таш-  
риф буюрмоқчи эканлигидан хабар берди. Шунда

улар қалбидаги сўнган умид учқуни қайтадан алан-галанди.

Қожа Ёш малика билан буюк хон ҳузурида бўлганини ва эзгу тилагини баён этганини айтди. Буюк хон аввалига уларнинг таклифини эшитгиси ҳам келмабди, бироқ улар келтирган далилларни инobatга ололмай қолмабди-да, пировардида бу режани муфассалроқ муҳокама қилиб кўришга тайёр эканини айтибди.

Николо, Маффео ва Марко Пололар эртасига эрталаб император саройига бориб, Хубилайхондан қабулига киришни илтимос қилишди.

Хоқон венецияликларни ўзининг шахсий хонасига таклиф қилгунча венецияликлар қабулхонада пешингача кутиб қолишди. Эсон Темур ҳам буюк хоннинг ёнида эди. У Сю Сян ўлгандан кейин императорнинг биринчи маслаҳатчиси бўлиб қолганди.

Хубилайхон яна венецияликларнинг охириги саёхатларидан гап очиб, бунинг миридан-сиригача ҳеч эринмай суриштирди. У дамба-дам суҳбатдошларига бирдан қараб қолар, кейин оғирлашган қовоқлари яна кўзларини яширар, юзи сўлғинлашиб қоларди.

Венецияликлар юраклари тошиб кетаётганини сир бой бермай императорнинг саволларига тўла-тўқис жавоб қайтаришарди. Улар тақдирлари тез вақт ичида ҳал бўлишлигини билишарди.

— Улатой, Апушка ва Қожалар Қокечин билан бирга ҳузуримда бўлишди,— деди хон ниҳоят.— Сизлар уларни Аргун мамлакатигача кузатиб қўймоқчисизлар, чоғимда... Қокечин бечора юртини соғиниб адо бўлаёзди. Мен сизларга жавоб бермоқчи эмасдим, бироқ Эсон Темур: «Нега уларни ушлаб турибсиз? Уйларига қайтишни иташаётганини кўрмаяпсизми? Уларга жавоб беринг», деяпти. Сизлар менга садоқат билан хизмат қилдинглар, шунинг учун ҳам илтимосларингни қондирмоқчиман. Қокечинни элхон Аргуннинг саройига элтиб, сўнгра уйларингга жўнанглар. Сизларга кемаларни ўзим бераман.

Император бунни дўстларча мурувват қилиб айтди. Венецияликлар унинг буюк марҳаматига миннатдорчиликларини қандай изҳор қилишни билолмай тиз чўкишди.

Ю билан Фань Гун-ду қувончли бирор ҳодиса юз берганини дарров сезишди. Хўжайинларнинг оёқ олишлари бошқача бўлиб қолганди. Улар чақчақла-

шиб, ҳазил-ҳузил қилишар, қувноқ овозлари бутун уйни тутиб кетганди. Ю Ашимадан бўлғуси сафарни эшитиб қолиб, буни дарҳол Фанга еткизди. «Демак, хўжайинлар ватанларига қайтишмоқчи экан-да,— деб ўйлади Фань.— Унда биз нима қиламиз?» Фань денгиз сафарини ўйлаганда юраги орқасига тортиб кетди. У денгизни ҳам, кемада юришни ҳам ёқтирмасди.

— Менга қара, Ю,— деди Фань хўрсиниб.— Агар яна иссиқ мамлакатларга борсам куним битиши турган гап... Бу ерда ўзимга кулба билан озгина ер сотиб олсам бўлади. Чўчқа билан қўтос олишга ҳам қурбим келади... Сен рози бўлсанг бас, Ю, хўжайинлар билан ўзим гаплашиб кўрардим... Бироқ сен меннинг ўлимимни кутаётганга ўхшайсан.

Ю бўлса бунга жавобан жаҳл билан қаради.

— Ҳа, мен ҳақимда ҳали шунақа фикрдаман дегин!— хитоб қилди у.— На чора, сенга ва қўтосингга бахт тилайман...

У хонадан югуриб чиқиб кетмоқчи бўлганди, Фань ушлаб қолди.

— Буни ҳазиллашиб айтдим... Хўжайинлар хўп дейишса, мен билан қоласанми?

Ю кўз ёшларини дув-дув тўкаркан, бош ирғаб қўйди. У Ашимадан айрилаётганига ачинар, бирок, тентак Фань анчадан бери кутиб юрган сўзларини ахири айтганидан шу дамда ич-ичидан суюнардди. У юзини Фаннинг кўкрагига босиб йиғлар, вақтинча тирноғини яширган мушукдай ювош кўринарди.

Хубилайхон венецияликларга қўл остидаги ҳамма мамлакатларда буларни яхши кутиб олиб, ҳар қандай ёрдам кўрсатиш ҳақидаги буйруғи битилган олтин пайцза топширишни буюрди. У шунингдек венецияликларга ўзи номидан Папа ҳамда Франция ва Испаниянинг қироллари билан музокаралар олиб боришга ваколат ҳам берди.

Буюк хоннинг буйруғига кўра Зайтон портида олис сафарга мўлжалланган ўн тўртта кема тахт қилинди. Кемаларнинг ҳар бирида биттадан мачтаси бўлиб, улар ниҳоятда мустаҳкамлигидан тўққизта елканни ушлаб турарди. Энг йирик бешта кемада икки юз эллик кишидан иборат команда бор эди. Тагхоналарга икки йилга етадиган озиқ-овқат жойланди.

Император венецияликлар, элхон Аргуннинг ва-

киллари ва гўзал Кокечин шарафига хайрлашув зиёфати берди. У Марко, Маффео ва Николога жуда кўп ёқут ва қимматбаҳо тошлар бериб, жуда қуюқ хайрлашди ва Европада бир оз вақт турганларидан кейин саройига қайтишга улардан ваъда олди.

Венецияликларни мингта аскардан иборат фахрли қўриқчилар кузатиб борди.

Карвон Маркога таниш бўлган йўлдан жанубга юриб, ниҳоят қудратли Сарик дарёнинг лабига етди. Саёҳатчилар унинг нариги бетига ўтиб олгунларича, венецияликлар, Ашима ва Фань Матео билан сўнги бор видолашиш учун тошли ёнбағирликка томон от қўйишди. Улар ўз дўстларининг қабри қаршисида унсиз тиз чўкишди. Қояли қирғоқлар исканжага олган дарё шовиллар, бургутлар баланд осмонда парвоз қилишар, шамол сариқ чанг-тўзон кўтарарди. Тошлар орасидаги ёриқ жойларда мўъжазгина сарғиш гуллар очилиб турарди.

Матео абадий уйқуда ётарди. Бироқ у дўстлари хотирасида барҳаёт эди. Венецияликлар унинг қаттиқ кулишини эшитиб, ботиқроқ туйғун кўзларини кўриб, барваста гавдасини суқланиб томоша қилишаётгандай бўлишарди. Улар Матео билан бирга баҳам кўрган шодлик ва қайгуларини эслашаркан, ҳар қайсилари дилида у билан ўзича суҳбат қуради. Марко овозини чиқариб:

— Биз сендан Венецияга салом айтамиз, Матео,— деб қўйди.

Ашима қўллари билан юзини яширди. У йиғларди.

Фань Гун-ду бўлса ўзи билан ўзи овора эди. «Сен мендан хафа эмассан-а, биродар,— дерди у ичида Матеога...— Мен энди ўзимга кулба қуриб, озгина ер, қўтос ва чўчқа боласи сотиб оламан. Тирикчилигим яхши ўтади. Омадим келиб Юга ҳам эришдим. Буларнинг бари учун сендан қарздорман, Хўжайин... Алвидо, Матео!»

\* \* \*

Сентябрнинг илиқ субҳидамларидан бирида Зайтон кўрфазидаги ўн тўрт кема лангар кўтарди. Енгил шабада эсиб турарди. Фань Гун-ду билан Ю оломон орасида туриб, оппоқ елканларини кўтариб,

денгиз томон оҳиста сузиб кетаётган кемалардан кўз узишмасди. Марко Поло билан Ашима кетар олдларидан Фань билан Ю га кўп нарсалар тортиқ қилишганди.

Ашима тобора йироқлашаётган соҳилдан ҳеч кўзини ололмасди. Марко Поло уни бағрига босди. У хотинини шу дамда танҳо қолдиришни истамасди.

— Мен ҳам гўё уйимга кетаётгандай бўляпман,— деди Ашима.

Қариялар кеманинг тумшуғида туришарди. Уларнинг сочини шамол тўзғитарди. Ака-ука фақат очиқ денгизга чиқиб олганларидан кейингина ўзларини эркин ҳис қилишди. «Мен шамол, елканлар, кема тахталарини ўпишга тайёрман»,— дерди ичида олтмишга борган соч-соқоли оппоқ Маффео Поло. У кўлини Николонинг елкасига қўйди:

— Уйга кетяпмиз, иним.

— Ҳа. Илойим ватанимизга эсон-омон етиб олайлик.

\* \* \*

Сафар оғир бўлди. Саёҳатчилар тушган кемалар Хайнань ороли яқинида бўронда қолди. Улкан тўлқинлар кемаларни шунақанги ирғитардики, бундан саёҳатчиларнинг соғ қолишлари гумондай туюларди. Шундан кейин денгизда анча вақтгача маккора сукунат ҳукм сурди. Осмон ўт пуркарди. Кемаларда безгак касали авж олиб, анчагина одамни олиб кетди. Бу саёҳатда худди аввалги сафаргидай фақат эркакларнинг касалга чалинаётганига ақл бовар қилмасди. Элхон Аргуннинг вакиллари Улатой билан Апушка бир кунда ўлди-қолди. Оғир мусибатда қолган мўйсафид Кожа билан соҳибжамол Қокечин уларнинг тобутлари тепасида туришарди.

Венецияликлар палубага фақат қуролланган ҳолда ва қўриқчилар қуршовида чиқишарди. Улар тунлари каютада гали билан навбатчилик қилишар, чунки кема командаси ўзларига ола қараб юрганини сезиб қолишганди. Матрослар бир-бирлари билан тез-тез шивир-шивир қилиб туришарди.

— Худонинг қаҳрига учраганимиздан касаллар кўпайиб кетяпти,— дейишарди матрослар.— Кофирларни бортдан улоқтириш керак, шунда ҳаммалари тузалиб кетади.

Кемалар уч ой йўл босиб, саккизта подшоҳлик-

дан иборат бўлган кичик Ява оролига етдилар. Улар кўрфазда лангар ташлаб, оролнинг шимолий соҳи-лида бир ой дам олишди. Денгизчилар билан муло-зимларнинг кайфияти анча жойига тушди. Бироқ йўлнинг иккинчи қисми биринчисидан ҳам оғир кел-ди. Саёҳатчилар Ормуз портига етгунча Ҳинд океа-нида ўн саккиз ой сузишди. Йўлда олти юз одам оламдан ўтди, улардан биттаси аёл эди.

Гўзал Кокечиннинг юзини ажин босиб, мазаси кетди. Кожа билан венецияликлар оғир саёҳат ва чидаб бўлмайдиган иссиқдан чўпдай озиб кетишди. Фақат Ашимагина ўзини сақлаганди. Саёҳатчилар Форс қўлтиғидан қояли оролга қадам қўйганларида териларига сиғмай кетдилар. Ормуз ноиби уларни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, соҳилдаги бешта уйни бўшатиб берди. Улар бундан сал аввал элхон Аргун қазо қилганлиги ҳақидаги хунук хабарни шу ерда эшитишди. Унинг ерларига ноиб Гайхату Аргуннинг вояга етмаган ўглининг васий отаси сифатида хўжа-йинлик қилаётган экан.

Кокечин Аргуннинг ўлганини эшитгандан кейин дод-фарёд қилиб, тақдирдан нолиб, анчагача тин-чий олмади. У кечқурунлари боғда хира ялтираётган денгиздан кўз узмай ўлтирарди. Сарой хонимлари уни юпатишга уринишар, Кокечин бўлса уларни ор-қаларига қайтариб юборарди. У буюк хон саройида кечган беташвиш кунларини, отасининг чодирда ўтган болалигини, тепаликларнинг ёнбағирларида ўтлаб юрган отларни, йилқичиларнинг қўшиқларини эсларди. Шундай бўлса ҳам унинг ёшлиги ўз ҳук-мини ўтказди. У бир кун қўлига кўзгу олиб, сочини тўғрилаб қўйди. Кожа унга Гайхату саройига йўл олишнинг фурсати етганлигини айтганида Кокечин рози бўлиб, йўлга тушди.

Элхон ноибнинг қароргоҳи Табризда эди. Кожа бирга боришни венецияликлардан илтимос қилди. Венецияликлар Европага Табриздан йўлга чиқили-шини билганларидан бу таклифга жон деб рози бў-лишди. Денгиз сафаридан кейин мулозимлар яхши-лаб дам оливолишганди. Яхши ниятда ҳаммалари йўлга тушишди. Суворийлар, устларига тахтиравон ортилган хачирлар, оғир юкли туялардан иборат карвон Эрон тупроғидан борарди. Хон берган олтин пайцза венецияликларнинг ҳар ердан ёрдам, мадад ва қўриқчи олишларига йўл очарди. Венецияликлар-

пинг юки бешта туяга ортилганди. Улар энг йирик қимматбаҳо тошларини эҳтиётни шарт сафарда киядиган кўримсиз либосларининг астарига тикиб олишганди. Қарвон эсон-омон Табризга етиб келгандан кейин Гайхату уларни иззат-икром билан кутиб олди.

Гўзал Қокечинни барча мулозимлари билан Аргунининг ўғли ёнига юборишди. У олтмиш минг қўшинга бошчилик қилиб, душман хуружидан хавфсиз раб Эроннинг шарқий чегараларини қўриқларди.

Венецияликлар ва Ашима пича дам олганларидан кейин йўлга тушишди. Орадан бир ой ўтгач, Қора денгиз бўйида жойлашган Трапезундга<sup>1</sup> етиб келишди. Портда келишимлиги ва янги усулда қурилганлиги билан одамни ҳайратга соладиган бир кема турарди. Улар ниҳоятда кўркам, кўкракдор ва нимаси биландир катта акулани эслатадиган бунақа кемани илгарилари ҳеч кўришмаганди. Ёнидаги савдо кемалари ва галералар унинг олдида бесўнақай кўринишарди. Бу гўзал кеманинг мачтасида Сан Марко республикасининг арслон суратли байроғи ҳилпираб турарди.

Венецияликлар порт кўчасида қўлларини силтиб, баланд овозда гаплашаётган иккита матросни кўриб қолишди.— Қулоқ солинглар,— деди Маффео.

Матрослар венецияликларга хос бўлган мулоим оҳангда италянча гаплашишарди. Маффео Поло тўсатдан тўхтаб қолди.

Улар нафасларини ичларига ютиб, матросларнинг ҳар бир сўзини жон қулоқлари билан тинглашарди. Портда Сан Марко республикасининг кемаси турар, кўчаларда венециялик матрослар айланиб юришарди-да!

— Ҳой матрослар, қани бу ёққа келинглари-чи!— деди қичқириб Маффео Поло.— Гапларингдан Венециядан келганга ўхшайсизлар.

Матрослар уларнинг хароб усти-бошларига менсимагандай кўз югуртиришди-да, ёқинқирамай яқин келишди.

— Нима дейсизлар?— деди улардан бири.

— Биз портда Венеция кемасини кўриб қолдик,—

---

<sup>1</sup> Қора денгизнинг жанубий соҳилидаги порт, 1204 йили асос солинган Трапезунд империясининг ўша пайтлардаги маркази.

деб жавоб берди Марко Поло.— Биз унга жуда қойил қолдик.

— Сиз худди венецияликдай гапиряпсиз,— деди матрос ўйчан.— Бироқ сўзларингиз галати эшитилди... Бу кемани муранолик Жованни қурган. Уни эшитмаганмисиз? Жованнининг кемасозлик корхоналари бутун жаҳонга довруқ солган.

— Муранолик Жованни...— Марко Поло ўзича шундай такрорлади.

Матрослар шундай дегандай бош ирғаб, ўз йўлларига кетишаверди.

— Уларга ёввойи ҳайвонларга тикилгандай қарамадимми ишқилиб?— деб сўради Маффео Поло кулакула.— Уларнинг гапига тонг отгунча қулоқ солишга ҳам тайёр эдим.

Савдогарлар, мирзолар, матрослардан иборат ҳар хил тилда сўзлашадиган қурама оломон порт томон оқарди. Ҳаво бадқовоқ бўлган ўша субҳидамда денгиз ҳам тунд кўринарди. Ёмғир уфқни кўздан яширганди. Лангарда турган кемаларга юк ортиларди.

Марко қариялар билан бирга борарди. Унинг вужуди ҳам ёнидагилар вужуди сингари шодлик ҳисидан тўлиқ, тезроқ ватанига етишга ошиқарди. Дўстининг номи болалик йилларидаги воқеаларни эслатди. Булар ўз устидаги йиллар пардасини кўтариб ташлаганди... Муранолик Жованни... Катай энди Марко назарида кечмишга йўл олган, хотиралари қаторига ўтиб қолганди.

Ватанга жуда яқин қолганди.

1295 йилнинг очиқ ҳаволи ёз кунларидан бирида Сан Николо портига бир кема кириб келаверди. Унинг палубасида эскирган сафар либосидаги учта эркак ва сариқ ҳамда қизил гулли шоҳи кўйлак кийган муҳожир бир аёл турарди. Денгизнинг майин шабадаси уларнинг юзларини сийпаларди. Қуёш чарақлар, тўлқинлар сариқ қумга оҳишта келиб уриларди. Қандайдир бир монах қояга ўйиб ишланган зинадан пастга тушди-да, чамаси кеманинг келишини кута бошлади.

Балиқчиларнинг елканли ўнта кемаси сувда бир мақомда чайқалиб турарди. Балиқчилар кумуш ранг балиқлар типирчилаётган тўрларни тортишарди. Соҳилда гулхан ловиллар, унинг алангаси мис қозонни ялаб турарди. Иккита хотин овқат пиширишар, шамол эса гулханнинг тутунини тўзғитарди.



Кема Сан Николо портидан ўтиб, кўрфазнинг денгиздан қумлоқ ажратиб турган жойига кирди. Венецияликлар палубада ҳали ҳам чурқ этмай туришарди. Сан Марко каналини қайиқлар кесиб ўтарди. Қайиқчилар илдам эшкак тортиб, бир-бирларига ҳазил-хузул билан гап отишарди. Сан Жоржонинг кузак фаслидагидай ранг-баранг тортган боғлари саёхатчиларга салом йўллаётгандай туюларди.

Уларга Риальто ороли жамолини кўз-кўз қилиб турарди. Энди уйлар, саройлар ва кулбаларни илғаб олса бўларди. Кемаларга йўл кўрсатувчи эман ёғочлар устида оқ чағалайлар қўниб туришарди. Осмон кўрфаз сувида акс этар, унда эса ҳашаматли гондолалар, балиқчиларнинг кемалари, баржалар ва галералар ҳар томонга ўтишар, баъзилари лангар ташлаб туришар, хуллас унда очиқ жой кўринмасди. Венецияликларнинг кемаси жигар ранг, сариқ ва оқ елканли кемалар орасидан ўтиб борарди. Олдинда Пьяцетта. Озодалиги ва гўзаллиги кўзларни қамаштирадиган Дожлар Саройи сувдан қад кўтариб турарди. Сан Марко ибодатхонасининг гумбазидаги олтин бутлар офтобда ярақларди. Қип-қизил мантияли иккита сенатор Пьяцеттани тўлдирган оломондан йўл очиб бораётган хизматкорларининг кетидан қадам ташлашарди. Кампанилладан кўнғироқ овози эшитиларди.

— Мана у, Венеция, Ашима,— деди Марко Поло.

Тошдан ясалган арслон кўрфазга тикилиб турарди. Авлиё Теодор бўлса йўловчиларга жилмаярди.

Улар уйларига қайтиб келишганди.

## МУНДАРИЖА

Олис мамлакатга сафар . . . . .	3
Арманистондаги уруш . . . . .	19
Тунги суҳбат . . . . .	25
Ҳаво ранг фируза . . . . .	31
Караунаслар билан тўқнашув . . . . .	46
Елдириим кема . . . . .	65
Дунёда сувдан азиз нарса йўқ . . . . .	80
Мовий кўз қизча . . . . .	88
Улим фариштаси водийсида . . . . .	98
Мудаббир Ло Бцан . . . . .	119
Танти Боёндарбек . . . . .	131
Саҳродаги товўшлар . . . . .	138
Буюк суворий соясида . . . . .	151
Кўнгли қора чопар . . . . .	165
Чжун-Найман-Сюме . . . . .	179
Император боғида . . . . .	187
Хонбалиқда қиш . . . . .	195
Капитан Матео . . . . .	210
Қабрдай сокин тунлар . . . . .	225
Сарой фитналари . . . . .	248
Кимсан, биродар? . . . . .	268
Ашиманинг ўғирланиши . . . . .	282
Катта елкан остида . . . . .	308
Валиаҳд шаҳзода саройида . . . . .	314
Шанду йўлида . . . . .	329
Вай Ван Синь . . . . .	357
Ҳиндистон саёҳати . . . . .	375
Ватанга қайтиш . . . . .	397

ВИЛЛИ МАЙНК  
МАРКО ПОЛОНИНГ  
АЖОЙИБ ВА ФАРОЙИБ  
САРГУЗАШТЛАРИ

*Қисса*

**Қайта нашр**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1994**

Муҳаррир *Б. Эшпўлатов*  
Расмлар муҳаррири *Ю. Лебедев*  
Техник муҳаррирлар *Л. Хижова, Е. Лукьянова*  
*Мусаҳҳиҳ Ж. Тоирова*

Аввалги нашри: «Ёш гвардия» нашриёти, Т-1969.

Теришга берилди 05.11.93 й. Босишга рухсат этилди  
14.04.94 й. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Юқори босма. Шартли  
ҳисоб листи 21,84. Нашр ҳисоб листи 21,35. Буюртма  
№ 2497. Тиражи 50000. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахона-  
сида чоп этилган, 700083 Тошкент, Буюк Турон кў-  
часи, 41.**

## ЯНГИ АСАРЛАР

### «ШОҲ ВА ШОИР» ТУРКУМИ.

Ўзбек халқи азал-азалдан шеърятга, нафосатга айрича меҳр қўйган халқ. Юртимизга келган барча сайёҳ-муаррихлар бу ернинг «еттидан етмишигача», деҳқон-хунармандидан подшосигача шеър ёзадилар, санъат адабиётига ошуфталар, деб эътироф этганлар.

Туркистон тарихида ўтган деярли барча шоҳлар ё шеър ёзганлар ёки шеър аҳлига ҳомийлик қилганлар. Ана шулардан айримлари, яъни асарлари сақланиб қолган бир қатор туркигўй шоҳ шоирларнинг асарларидан намуналар жамланиб, муайян тартиб ва изоҳлар асосида чоп этилиши мўлжалланмоқда.

«Шоҳ ва шоир» деб шартли номланган мазкур туркумда XV асрдан то XX аср бошларигача бўлган давр оралиғида яшаб ижод этган подшоҳ шоирлардан Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, подшозодаalar Гулбаданбегим ва Зебуннисо ҳамда Убайдий, Абдулғози Баҳодирхон, Амир Умархон, Ҳоким оғим Нодирабегим, Муҳаммад Раҳимжон Соний Феруз асарлари ҳавола этилади. Туркумдаги аксарият асарлар илк бор чоп этилмоқда. Ишонамизки, мазкур туркумга кирган шеърӣ асарлар киши руҳини покловчи, қалбини тўғри йўлга йўналтирувчи олижаноб хусусиятлари, она-Ватанга муҳаббат ва садоқат тараннуми, гўзал ёр васлию ҳижрон азобларининг бетакрор тавсифлари билан кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади. Шунингдек, улар адабиёт тарихи, маданий мерос билан шуғулланувчи мутахассислар, класеик шеърят ихлосмандлари ва умуман она халқимиз, она тилимиз тарихи билан қизиқувчи барча мухлислар учун мўлжалланган.

## ХУСАИН БОЙҚАРО — ХУСАИНИЙ.

Хусайн Бойқаро номи ҳазрат Алишер Навоий билан бутун умри давоми дўст, ҳамкор бўлган темурийзода шоҳ сифатида бизга маълум. Шунингдек, Хусайн Бойқаро ўз даврининг ғоят нозиктаъб, нуктадон шоирларидан ҳам бўлган. Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг туркий тилдаги шеърларига юксак баҳо берган. Бойқаро ҳарб иши ва сиёсатда нечоғлик моҳир бўлса, назмда ҳам шунчалар баркамол бўлганини ўз замондошлари ҳам, мутахассислар ҳам эътироф этадилар. «Шоҳ ва шоир» туркумидаги тўпламга Темурийзода шоирнинг ҳали оммалашмаган туркий шеърятдан намуналар ва Алишер Навоийга бағишланган «Рисола» асарининг асл матни ва соддалаштирилган баёни киритилади.

## ШАЙБОНИЙХОН.

XV аср охирлари — XVI аср бошларида яшаб ўтган ўзбек хонларидан. Гарчи умри жангу жадал, сиёсат, йирик давлат қуриш ташвиши билан ўтган бўлса-да, адабиётга иштиёқманд, назик шеъррий таъб эгаси бўлган. Классик шеърятимизнинг турли жанрий хилма-хиллигида асарлар яратиб, девон тартиб қилдирган. Шайбонийхон девони шу кунгача ҳозирги замон ўқувчисига маълум эмас эди.

«Шоҳ ва шоир» туркуми учун унинг мазкур девонидан бадиий мумтоз шеърлар саралаб олинади.

## **ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР (1483—1530).**

Ўзбек адабиёти шуҳратини жаҳонга танитган ажойиб давлат арбоби, истеъдодли шоир ва адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий мероси халқ орасида кенг ёйилган. Унинг шеърларида она-Ватанга муҳаббат, унга етишиш орзуси, сеvimли ёр образлари юксак маҳорат ва чуқур изтироб билан куйланган. Адибнинг «Бобурнома» номли юксак тарихий-бадний қийматга эга бўлган насрий мемуар асари ўзининг қомусий характери билан ўзбек китобхонлари томонидан қандай севилиб ўқилса, хорижий Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Англия, АҚШ, Франция, Голландия каби мамлакатлар китобхонлари томонидан ҳам шундай қизиқиш билан қабул қилинмоқда.

Мазкур нашр Бобур шеърий меросини иложи борича тўлиқ қамрайди ва «Бобурнома»нинг қизиқарли ўринларидан лавҳаларни ўз ичига олади.

Қисман тушунилиши қийин сўзлар луғати ва изоҳи ҳам берилган.